



821(узб.)
4.63



**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ
ВА
ЎЗБЕКИСТОН**

Р. сп.



Ҷаҳиш Айтматов
ва
Ўзбекистон

Хотира китоби

Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2018

001
263

УЎК 821.512.154.09(092)
КБК 83.3(5Қир)г
М 41

**Тўплаб нашрга тайёрловчи
Аҳмаджон Мелибоев**

Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон / тўп. Аҳмаджон Мелибоев. – Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 420 б.

Йигирманчи асрнинг машҳур ёзувчиси, таниқли давлат ва жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти билан таниш бўлмаган, улардан руҳланмаган, асар қаҳрамонларининг ўй-ҳаёллари, орзу-умидларига ошно бўлмаган китобхонни топиш қийин бўлса керак. Адибнинг миллий ва умуминсоний мавзуларда битилган ҳар бир асари бадий адабиёт ихлосмандлари билан бирга, бошқа касб эгаларини ҳам ўзига оҳанрабодек тортади. Бунинг боиси, ёзувчи қаламига мансуб роман ва қиссаларда кўтарилган муаммолар бир миллатга эмас, бугун инсониятга тааллуқлидир. Адиб асарларида наинки бугуннинг, айнаи чоғда эртанинг, яқин келгусининг долзарб вазифалари, ер юзида тинч-тотув ҳаётни, эзгу инсоний фазилатларни сақлаб қолиш билан боғлиқ муаммолар куюнчаклик ва журъат билан тадқиқ этилади.

Ушбу тўпламга жамланган илмий, бадий-публицистик мақолалар икки ёндош ва жондош халқлар орасидаги азалий дўстлик ришталари, адабий-маданий алоқалар Чингиз Айтматовнинг фусункор ижоди, серқирра ижтимоий фаолияти боис янада ривож топаётганидан далолат беради.

Китоб адиб таваллудининг 90 йиллигига бағишланади.

640210

БОРБОРДУК ИЛИМНИ КИТЕПКАМУЎК 821.512.154.09(092)
ҚЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫҢ КБК 83.3(5Қир)г
ИЛИМДЕР АКАДЕМИЯСЫ
ЦЕНТРАЛЬНАЯ НАУЧНАЯ БИБЛИОТЕКА
АН РЕСПУБЛИКИ КЫРГЫЗСТАН
ISBN 978-9943-5298-6-1
2018

**Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз
Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг
нишонлаш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг қарори**

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айнаи пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди. Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Ўтган асрнинг 80-йилларида солиқ Марказ томонидан уюштирилган “ўзбек иши”, “пахта иши” каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳамisha миннатдорлик билан эслайди. Бетакрор ижодкорнинг давлатимиз томонидан “Дўстлик” ва “Буюк хизматлари учун” орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради. Атоқли адиб ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик намоянадалари билан яқин дўст ва ижодий ҳамкор бўлгани ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунаси дир.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва эзгулик ғояларини, мил-

лий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустақкамлашга қаратилган баркамол асарлари мамлакатимизда миллионлаб нусхаларда нашр этилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетида ташкил этилган “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” доимий экспозицияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдоди ва жўшқин ижтимоий фаолияти билан халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни, адабий-маданий алоқаларимизни ривожлантириш ишига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вакилларининг буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу чора-тадбирлар режасида:

“Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш;

Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш;

ёзувчи асарлари асосида янги спектакль саҳналаштириш ва бадиий фильм суратга олиш;

Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номини бериш;

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-мактабда адиб бюстини ўрнатиш;

Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда “Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти” мавзусида илмий конференция ўтказиш;

мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

2018 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри, 2018 йил 2 апрель

Озод ШАРАФИДДИНОВ

ИНСОНИЯТНИНГ БУЮК ВАКИЛИ

Талас тоғларининг этагида жойлашган мўъжазгина Шакер овулида туғилиб вояга етган киргиз йигити Чингиз Айтматов ўз истеъдоди билан бутун дунёни забт этган адибдир. Бугун у дунёда китоблари энг кўп чоп этилган ва мухлислари бисёр ёзувчилардан бири.

ЮНЕСКОнинг XXI аср арафасида эълон қилган маълумотларига қараганда, Чингизнинг асарлари 168 мамлакатда 830 марта, жами 672 миллион нусхада чоп этилган. Бу маълумотлар эълон қилингандан бери ўтган вақт ичида юқоридаги рақамлар янада ортгани аниқ. Шу рақамларнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, Чингиз XX асрда жаҳон адабиётининг пешқадам вакиллари билан бирига айланган севимли муаллиф. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Чингиз адиб сифатида жаҳон адабиёти тарихида янги саҳифа очган, эстетик тафаккурни бир даража бўлса-да, янги босқичга кўтарган санъаткор.

Чингиз мағрибда ҳам, машриқда ҳам ўзининг мухлисларига эга. Бинобарин, юз миллионлаб китобхонларнинг қалбига кира олган бу адиб уларнинг дунёқарашларига ҳам, яшаш ақидаларига ҳам чуқур таъсир кўрсатган. Умуман, XX асрдаги интеллектуал ривожланишни Чингизнинг таъсири билан тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бутун инсоният адиб таваллудининг 75 йиллигини йирик ижтимоий ҳодиса сифатида нишонлаб келмоқда. Тадбирларни ЮНЕСКО бошлаб берди. Тантаналарда жаҳоннинг атоқли олимлари бугунги

алғов-далғов дунёда тинчликни барқарор қилишда, маданиятни юксалтиришда, жаҳон халқларининг қалбларини, интилишларини, иштиёқларини бирлаштиришда Чингиз Айтматовнинг беқиёс хизматини таъкидлаб ўтишди.

Чингиз ўзининг миллий заминидан узилмаган ҳолда қирғиз адиби сифатида қолатуриб, бутун инсониятнинг улуғ вакилига айланган. Унинг асарларини ўз она тилида ўқиган барча миллат вакиллари Чингизни ўзларининг ёзувчиси деб биладилар ва ҳар гал унинг ижодидан баҳраманд бўлганларида, умумбашарият маданияти ва маънавиятининг энг юксак чўққиларидан бирини забт этгандек мағрурланадилар.

Шу муносабат билан Москвадаги “Воскресенье” нашриёти “Чингиз Айтматовнинг кемаси” деган номда салмоқли китобни босмадан чиқарди. Бу китоб адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган. Лекин уни оддий адабий танқидчилик асари деб бўлмайди. Аввало шуни айтиш керакки, китобнинг ҳажми жуда катта, мазмуни турфа хил. Унга кирган асарлар ичида соф тадқиқотлар, адабиётшуносликка мансуб асарлар оз бўлса-да, Чингизнинг ҳаёт йўли, адабий-фалсафий қарашлари, ижодининг ранг-баранг қирралари, XX аср адабиётида тутган ўрни мукаммал очиб берилган.

Китоб бир неча қисмдан иборат. Бу қисмлар китобнинг илк саҳифасида “Наср ва публицистика”, “Биографик материаллар”, “Хужжатлар, фотосуратлар ва тадқиқотлар” деб белгиланади. Алоҳида бобда Чингиз Айтматов ва ўзбек театри мавзуси кенг ва атрофлича очиб берилган.

Китоб Луи Арагоннинг “Муҳаббат ҳақидаги дунёдаги энг гўзал қисса” деган мухтасар мақоласи билан очилади. Бу мақола менга ҳозир олис тарихга айланиб қолган ўтмиш кунларни эслатди. Ўшанда

Чингиз Айтматов деган номаълум бир муаллифнинг биринчи қиссаси «Новый мир» журналида босилганини кўриб ҳайрон қолиб юргандик. Муаллиф ҳақида унинг ёш қирғиз ёзувчиси эканидан бошқа маълумотга эга эмас эдик.

«Жамила» деб аталган бу қисса бизга жуда ёққан эди, лекин шундай бўлса ҳам, «Новый мир»-дек нуфузли журналда ёш ёзувчининг биринчи қиссаси босилгани бизга нечукдир эриш туюлганди. Шундай кунларда атоқли француз адиби Луи Арагоннинг тақризи чиқиб қолди. Бу тақриз, адашмасам, қисса ҳақидаги биринчи тақриزلардан эди. Арагон қиссага нисбатан биздаги иккиланишлар ва шубҳа-гумонларга чек қўйди, бошқа ўнлаб тақриз ва мақолаларга йўл очди. Шу тарзда Чингиз катта адабиётга чақмоқдек ёниб, ярқираб кириб келди.

Орадан кўп ўтмай, Чингизнинг иккинчи қиссаси «Алвон дуррали нозикниҳолим» чоп этилди. Бу асар ҳам ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги билан «Жамила»дан қолишмасди. Иккинчи қисса Чингизнинг фавқулодда истеъдодли адиб эканини тасдиқлади. Гап шундаки, баъзан муаллиф бор кучини биринчи асарига сарфлаб қўяди-ю, кейин дами чиқиб кетган пуфакдек бўшашиб қолади — кейинги асарлари аввалгисидан қиёслаб бўлмас даражада заиф бўлади. Чингизнинг асари муаллифнинг буюклигидан далолат берарди — у адабиётга кириб келган янги адиб ҳар бир асарини одамлар интиқиб кутиб оладиган ва уларни ўқимаса уят бўладиган адиблар сирасидан эди. «Биринчи ўқитувчи», «Алвидо, Гулсари», «Момо ер» каби асарлар, улардан кейин эълон қилинган «Оқ кема» қиссаси Чингизни ёзувчиларнинг энг олдинги қаторига олиб чиқди. Бу асарларнинг ҳаммаси замон муаммоларига бағишланган бўлиб, гоятда ўткир фикрлар ва қарашларни олға сурарди.

Адибнинг кейинги икки асари янада юксак фазилятларга эга. Булардан бири «Асрни қаритган

кун» романи бўлиб, гарчи унинг кириш қисмида муаллиф бу асарни социалистик реализмга бағишлаб ёздим деса-да, аслида унинг социалистик реализм методига дахлдорлиги йўқ эди. Ҳатто, эҳтимолки, бу методнинг ақидаларига зид бориб ёзилганди.

Адиб асарнинг қаҳрамони қилиб оддий инсонни — темирйўл ишчиси Эдигейни олади, унинг болалигини, балоғат йилларини, севги-муҳаббатини кўрсатади. Ва аён бўладиги, унинг муҳотида — социализм шароитида ҳалол, виждонли, ҳақиқатпарвар, адолатталаб инсоннинг ҳаёти жуда оғир кечади. У ҳар қадамида адолатсизлик ва ҳақсизликларга учрайди. Булардан Эдигей азоб чекади, қийналади, лекин енгилмайди. Назаримда, бу роман эски адабиётимизда яратилган шоҳ асарлардан бирidir. Романда жуда катта фалсафий умумлашмалар мавжуд. Адиб тоталитар тузумнинг моҳиятини жуда чуқур очиб беради, бу тузумнинг, ғайриинсоний моҳиятини моҳирлик билан тасвирлайди.

Чингиз Айтматов аввалги асарларида ҳам, «Асрни қаритган кун» романи ва ундан кейинги қиссаларида ҳам шунчаки кичик бир минтақадаги одамларнинг ўз қозонида қайнаб ётишини кўрсатмайди, балки нимани тасвирламасин, бу тасвир пировардида умумбашарий манфаатлар йўлида фикрлаш даражасига кўтарилади. Шунинг учун Чингиз фақат бир қитъа ёхуд минтақа доирасидаги ёзувчи бўлиб қолмади, унинг теран фикрлар ва чуқур умумлашмаларга тўла асарлари европалик, осиелик, америкалик, африкаликка барабар таъсир қиладиган, уларнинг ҳаммасини ўйлантирадиган ва ҳаракатга чорлайдиган асарлар бўлди.

Китобда жуда кўп фотосуратлар берилган. Улар шунчаки китобни безаш учун киритилган эмас, балки ундаги мақолалар билан бирга Чингизнинг бугунги дунё алоқалари нечоғли турфа хил эканини кўрсатади. Бу суратларда адибнинг оддий китобхонлар — ёшлар, талабалар, илм дунёси вакиллари,

турли халқларнинг шоир ва адиблари билан мулоқотлари акс этган. Шу билан бирга, улар орасида атоқли давлат ва жамоат арбобларининг Осиёдан чиққан бу буюк санъаткорга эҳтироми муҳрланиб қолган суратлар ҳам бор.

Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов Чингиз Айтматовга йўллаган табригида: “Сиз жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда юксак обрў-эътибор ва катта ҳурматга сазовор бўлгансиз. Мен ўзаро мулоқотларимизни ҳамisha мамнуният билан ёдга оламан ва учрашувларимизни истиқболда давом эттириш учун кўплаб қулай имкониятлар бўлишига умидворман”, дейди.

Ўзбекистон раҳбарининг бу сўзларида ўзбек халқининг атоқли адибга бўлган чўнг муҳаббати ва теран ҳурмат-эътибори акс этган. Ҳақиқатан, ўзбеклар Чингизнинг биринчи қиссаси “Жамила”дан бошлаб, “Кассандра тамғаси” романигача ҳамма асарларини ўзбек тилига таржима қилишган. Ва улар аллақачон ўзбек адабиётининг ҳам юксак намуналарига айланган. Адибнинг ҳамма асарлари ўзбек тилида бир неча марта китоб ҳолида босиб чиқарилган, икки жилдли танланган асарлари чоп этилган. Унинг ҳар бир асари ҳар гал қизғин мунозараларга, баҳсларга сабаб бўлади. Чингиз Айтматов ўзбек ёзувчилари билан дўстона муносабатларга эга. У ўзбек адабиётининг ютуқларини кузатиб боради ва улар тўғрисида ўзининг қимматли фикрларини мактубларида, мақолаларида баён қилиб туради. Жумладан, Одил Ёқубовга ёзган мактубида “Улуғбек хазинаси”ни, Пиримкул Қодировга ёзган мактубида “Юлдузли тунлар” романини ҳаятда юксак баҳолаган. Бундан ташқари, у Абдулла Қодирий, Ойбек, Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор каби буюкларимизга ҳурмат бажо келтириш билан бир қаторда, Саид Аҳмад, Ўлмас Умарбеков, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби атоқли адиб ва шоирларимизни ҳам юксак қадрлайди. Мамнуният

билан таъкидлашим мумкинки, Марказий Осиёда ягона бўлган ўзбек тилида нашр этиладиган «Жаҳон адабиёти» журналининг биринчи сони ҳам Чингиз Айтматовнинг қозоқ адиби Мухтор Шохоннов билан бирга ёзган «Қояда қолган овчининг кўз ёшлари» номли ажойиб асари билан очилган эди. Ундан кейин «Бўронли Эдигей» романига кирмай қолган «Чингизхоннинг оқ булути» қиссаси ҳам шу журналда эълон қилинди ва ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

Албатта, бу ўринда мен «Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти» деган мавзуда тадқиқот ёзмоқчи эмасман. Агар шундай иш қилинадиган бўлса, аллақачон у бир неча жилдли китоб бўлар эди. Фақат бир нарсани таъкидлайман — Чингиз Айтматов ҳам бутун фаолияти давомида бу ҳурмат-эъзозларга жавобан ўзбек халқига ҳурмат бажо келтириб келди. Айниқса, ўзбеклар ҳимояга муҳтож бўлганда, кимлардир ўзбекнинг шаънига бўҳтон ёғдириб, унинг бошини ҳам қилишга уринганида, Чингиз ўзбекнинг тарихий хизматларини улуғлаб, шундай юксакка кўтариб қўйдики, аввалги бўҳтонларни такрорлашга журъат қиладиган одам қолмади. «Ўзбек иши»ни кўпиртираётган галамислар ўз «галаба»сини нишонлашга тайёрланаётган бир пайтда Чингиз Византия ўз вақтида славян халқлари тақдирида қандай роль ўйнаган бўлса, ўзбеклар ҳам Марказий Осиё халқлари тарихида шундай роль ўйнаган, дея ҳайқирди.

Унинг бу ҳайқириви ўша машъум кунларда ҳар бир ўзбекнинг қаддини ростлаб олишига, бошини мағрур кўтариб юришига ёрдам берган эди. Ўзбек халқи Чингизнинг бу хизматларини ҳеч қачон унутмайди. Ёки машъум Ўш воқеаларида ҳам Чингиз ўзбек адиблари билан бирга ўша можароларнинг марказида туриб, уни бостиришга ҳисса қўшди, янада мудҳиш қирғинларнинг олдини олишга ёрдам берди. Шунинг учун ҳам ўзбеклар Чингиз

Одил ЁҚУБОВ

АДИБ ВА ЧИН ИНСОН

Чингиз Айтматов етмиш бешга тўлиб, тўй қилаётган эмиш! Ё тавба, куни кеча биз Парижда ЮНЕСКОнинг катта залида унинг етмиш йиллигини ўтказган эдик-ку! Наҳот беш йил шу қадар тез ўтиб кетган бўлса?.. Ҳа, ҳаёт шундай гаройиб экан: инсон кексайган сайин умри тошқин дарёдек шитоб билан ўтиб кетаркан...

Биз Чингиз Айтматов билан қирқ йил аввал танишганмиз...

Чингиз эллик ёшга тўлганда қирғиз халқи унинг тўйини зўр тантана билан нишонлаган эди. Бу тўй Қирғизистон пойтахтида эмас, адибнинг туғилган юрти Таласда ўтганди. Унга каминадан ташқари, таржимони Асил Рашидов, шоир Шукрулло, атоқли олим, профессор Шобат Хўжаев ва Чингизнинг юртдоши Зиёд Есенбоевлар таклиф қилинган эди. Биринчи кеча Таласда бўлдик. Чингизнинг синглиси билан куёви ҳўкиз сўйиб, бешбармоқ тайёрлаб, катта дастурхон ёзишган экан. Кеча жуда гўзал ва самимий ўтди. Ёзувчи ўша маҳалдаёқ «Жамила», «Алвидо, Гулсари», «Оқ кема» каби асарларни яратиб, номи жаҳонга танилган эди. Шунинг учун ҳам кечада сўзга чиққанлар унинг ўзидан кўра, асарлари ҳақида кўп гапиришди. Адибнинг ўзи эса бу мақтовлардан уялиб, нотиқларнинг гапини бот-бот бўларди: «Раҳмат, раҳмат, лекин мақтовлар қисқароқ бўлсин, бешбармоқ совуб қолади-ку, оғайнилар!» деб ҳазиллашиб қўярди.

Айтматовни нафақат ўзининг адибидек, балки ўзининг фарзандидай чин юракдан ардоқлайди.

Китобга қайтайлик. Унда ўзбекларнинг адибга бўлган эҳтироми ва доимий қизиқиши жуда яхши акс этган. Шу миннатдорликнинг далили сифатида айтиш мумкинки, китобга ўзбек адабиётшунослари ва файласуфларидан бир гуруҳининг мақолалари киритилган. Жумладан, кўпдан бери Чингиз ижоди бўйича тадқиқот олиб борувчи адабиётшунос Паригод Мирзааҳмедованинг «Чингиз Айтматовнинг миллий антропологияси» мақоласи, таниқли файласуф Қўчқор Хоназаровнинг «Инсоният фарзанди», Омонулла Файзуллаевнинг «Кассандра тамғаси» романида илмий фантастика», Сайди Умировнинг «Сайёра кўламида фикрлайдиган адиб» мақолаларини эслаш мумкин.

Бу ва яна бошқа мақолаларда Чингиз ижодининг байналмилал қирралари чуқур очиб берилган. Китобнинг яна бир оригинал жиҳати бор — унинг ҳамма қисмларида Чингизнинг асарларидан намуналар, китоб сўнгида эса Айтматовнинг суҳбатлари, интервьюлари берилган, уларнинг ҳаммасида бугунги инсон ва инсоният тўғрисида гоят қимматли фикрлар айтилган.

Ҳа, «Чингиз Айтматовнинг кемаси» номли салмоқли китоб буюк адибнинг таваллуд кунига муносиб совғагина эмас, айни чоғда, адабиётшуносликда яна бир жанрнинг намунаси ҳам бўла олади. Китобнинг кўпгина саҳифаларига тарқалиб кетган дурдона фикрлар бугунги адабий тафаккуримизнинг ривож учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Кадрли Чингиз! Сенинг оқ кеманг ҳеч қандай бўронлар ва долғаларни, тўфонлар ва изғиринларни писанд килмай, жаҳоннинг бепоён уммонлари бўйлаб голибона сузаверсин! Ижодингта янада раванқ тилаймиз.

Эртасига юбилей тантаналари Чингиз туғилган Шакар қишлоғига кўчди. Бу қишлоқни кўрган одам дарҳол сезади: ёзувчи асарларидаги табиат тасвирлари, ҳамма-ҳаммаси шу қишлоқ гўзаллигидан олинган моҳирона нусха экан. Ўшанда мени яна бир нарса лол қолдирди. Овулга кираверишда катта оломон йиғилган. Унинг орасида бошларига оппоқ қордек удана буркаб олган бир гуруҳ кекса аёллар турарди. Биз машиналардан тушишимиз билан бу кампирлар кўзларида ёш, югуриб келиб Чингизни ўраб олишди-ю, уни қучоқлаб йиғлаб юборишди. Шунда мен Чингиз нима қиларкан деб, зимдан кузатиб турдим. Чингиз ҳам кўзига ёш олиб, кампирлар билан қучоқлашиб кўришди, уларнинг елкаларини силаб илиқ сўзлар айтди.

Кейин билсам, Чингиз уруш йиллари шу овулда қишлоқ кенгаши котиби бўлиб ишлаган, фронтдан келган «қора хат»ларни бева аёлларга топширмасдан, қишлоқ кенгашининг пўлат сандиғига солиб қўяверган экан.

Бизнинг боришимиздан олдин Чингизнинг эллик йиллигига атаб катта кинотеатр қурилган, кинотеатрнинг улкан залида унинг юбилейи муносабати билан фотоқўргазма ташкил этилган экан. Кўргазмага қўйилган суратлардан бири мени, айниқса, ҳайратга солди. Унда шундай манзара муҳрланган эди: Бишкек аэродромига келиб қўнган самолётдан собиқ иттифоқ ҳукумати бошлиғи Косигин тушиб келяпти. Қирғизистон раҳбарлари уни қарши олгани самолёт томон интилишяпти. Уларнинг сафи бошида қирғиз раҳбари эмас, Чингиз Айтматов боряпти. Иккинчи суратда улар кулишиб кўришишяпти... Бир қарашда оддий туюладиган манзаралар айни замонда улуг ҳақиқатни англатади.

Бу воқеалардан кейин анчагача Чингиз билан кўриша олмадим. Кейин тақдир тақозоси билан у ҳам, мен ҳам собиқ иттифоқнинг депутати бўлиб қолдик. Халқимиз бошига оғир кунлар тушган,

бўхтонлар ёғилган пайтлар эди. Биз ҳаммамиз бу мудҳиш, ёвуз тухматлардан изтироб чекиб юргандик. Бир кун бир дўстимиз «Правда» газетасини кўтариб келиб қолди, бундоқ ўқиб кўрсам, Чингиз бу газетадаги мақоласида халқимизни қаттиқ ҳимоя қилибди, ўзбекларни Марказий Осиёнинг юксак маданиятли, буюк халқи эканини айтиб, Москва матбуоти ва телевидениесидаги чиқишларни рад этибди.

Мен унча ҳам кўнгли бўш одам эмасман. Бизни Чингиз билан яқинлаштирган сабаблардан бири шуки, иккимизнинг ҳам отамиз машъум 37-йиллар қатағонининг қурбони бўлишган, болаликда кўп мусибатларни кўравериб дийдамиз қотиб кетган. Лекин мен ўша мақолани ўқиб, беихтиёр кўзимга ёш олдим.

Қирғиз халқи ҳар ўн йилда (баъзан беш йилда) азиз фарзандининг тўйини улкан бир тадбир даражасида ўтказиб келяпти. Лекин бу тантаналарнинг бари, назаримда, Чингиз Айтматовнинг Парижда ўтган етмиш йиллигига тенг кела олмайди. Париждаги юбилей ЮНЕСКОнинг катта маросимлар нишонланадиган саройида бўлиб ўтди. Унга дунёнинг қарийб барча мамлакатидан вакиллар: атоқли ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, Чингиз Айтматов ижодининг билимдони бўлмиш олимлар келишди. Ўйлайманки, Чингиз ҳақидаги энг илиқ, энг дўстона, энг теран гаплар ҳам ўшанда – ЮНЕСКО саройидаги кечада айтилди. Шунда мен, «Чингиз бу мақтовларни қандай қабул қиларкин», деб ундан кўзимни узмай ўтирдим. Йўқ, Чингиз ўзини жуда яхши тутди, мақтовлардан талтайиб кетмасдан, гўё оддий, жуда оддий гаплар айтилаётгандек сокин ва вазмин ўтирди. Танаффус пайтлари эса пастга тушиб, одамлар орасида узоқ-яқиндан тўйга келган адиб ва олимларнинг кўнглини олишга уриниб, ширин сўзи билан ҳаммани хушнуд этиб юрди. Шунда, мен ичимда яна бир бор унга қойил қолдим.

Париждан кейин юбилей тантаналари Бишкекда давом этди. Мен ўзбек делегацияси номидан совғаларимизни топшириб бир-икки оғиз ширин гап айтмоқчи бўлган эдим, у: «Қўй, Одил, мен бундай юбилейлар ортиқча эканини яхши тушунаман. Ҳатто хат ёзиб, ҳозирги иқтисодий қийин шароитда ёзувчи одамнинг катта тўй қилиши уят-ку, деб раҳбариятга мурожаат ҳам қилдим... Бироқ раҳбарият менинг гапларимга қўшилмади. "Сенинг юбилейингни қирғиз халқи талаби билан ўтказяпмиз. Шунинг учун сен ҳамма улуг гапларни тоқат билан эшитишингга тўғри келади", деб жавоб беришди. Юбилейлар масаласида Чингиз эмас, халқ ҳақ деб ўйлайман. Тўғри, гап адиб хизматларини яна бир бор юксак баҳолаб, унга таъзим бажо келтиришда эмас. Балки у яратган асарларни яна бир бор хаёлдан ўтказиш, уларни ўрганиш; бу асарлар тағ-замирида ётган теран ўйлар, ҳаёт ва жамият, инсоният учун сабоқ бўла оладиган фикр-мулоҳазалардан баҳраманд бўлишдир.

— Йўқ, бу сафар уйингга боролмайман, — деди Чингиз бир гал Тошкентга келганида, — Яхшиси бундай қилайлик. Мен эрталаб машинада туғилган овулим Шакарга йўлга чиқаман. Сен анов Қозоғистон чегарасидаги чойхонангга жой қилдир. Мен соат ўнга етиб бораман. Ўша ерда бирор соат гаплашиб ўтираемиз. Кейин сен мени Қозоғистон чегарасидан ўтказиб қўясан.

Мен дастурхон тузашни жиянларимга топширдим. (Улар ҳам Чингизни кўришга, албатта, муштоқ эди.) Эрталаб тўққиз яримда етиб борсам, укаларим тўкин дастурхон тузаб қўйишибди.

Чингиз роппа-роса ўнда етиб келди (у доим соатга қараб иш қилади). Бир соат қандай ўтиб кетганини билмайман. Бошида айтганимдай, ниҳоятда суҳбатти ширин, дунё ва ҳаёт тўғрисида теран мушоҳада юритадиган Чингиз бу сафар ҳам кўп қизиқ ҳангомаларни гапириб берди. Ўшанда мен биринчи мар-


та ундан Андрей Сахаров тўғрисида эшитдим. Бу олим водород бомбасини ихтиро қилгани учун уч марта юксак унвонга мушарраф бўлган, собиқ Иттифоқнинг барча мукофотларини олган, деди Чингиз. Энди у унвону мукофотлари, шоҳона уйларик кўркам дала-ҳовлилари — барчасидан воз кечган, ҳатто ўзи яратган водород бомбасини ҳам қоралаб чиққан. Ҳозир Москвадан ҳайдалиб, Волга бўйидаги бир шаҳарчада ғарибона ҳаёт кечирмоқда. Қара, нобоп давр қанчалик буюк инсонларни яралашга қодир экан!

Роппа-роса соат ўн бирда Чингиз кетишга ижозат сўради. Мен яна бироз ўтир, суҳбатингга тўймай қолдик-ку, деб илтимос қилдим.

— Йўқ, Одил, — деди Чингиз. — Мен Таласдаги туғилиб катта бўлган овулим Шакарга барвақт етиб боришим керак. Дунёнинг икир-чикир ишлари билан бўлиб, бир-икки йилдан бери боролмаганман. Оламдан ўтган одамлар бор, уларнинг хонадонларига бориб, фотиҳа ўқишим, кўнгил сўрашим керак. Борсам, албатта, учрашамиз, ётиб дардлашамиз, ёшлигимизни эслаймиз, деб ваъда қилганман.

Чингиз яна шундай деб мийиғида кулиб қўйди:

— Улар, бахтли одамлар, Одил. Бир қўйнинг гўштини қозонга солишади. Кейин сен билан мен хўп-лаб ўтирган манов балони (ароқни демоқчи) шокосаларга тўлдириб, бир кўтаришда олишади-да, калла гўштидан уриб, бир-бирини аския қилишади, гурунглашади, қаҳ-қаҳ отиб кулишади, яйрашади. Улар ўзларича бахтли одамлар. Биз энди улардай бўлолмаймиз. Ётсак-турсак элни ўйлаймиз, халқимизнинг келажагига қайғураемиз, ташвиш чекамиз. Мен бу ташвишларимни уларга айтсам, тенгдошларим устимдан кулишади. «Ай Чингиз, Худодан кўрксанг-чи! — дейишади улар. Кўйлагингни ёқасидан белбоғинггача, орден-медал. Олмаган мукофотинг қолмади. Тагин недан нолийеан?» деб таажубга тушишади. Лекин мен уларни яхши



кўраман, соғинаман. Сабаби — энг ёруғ, энг бахтли кунларим шулар билан ўтган. Хўп, зиёфатинг учун раҳмат, энди менга рухсат!

— Мен уни Қозоғистон чегарасигача кузатиб қўйиб, орқамга қайтдим. Йўл-йўлакай айтган гапларини ўйлаб келдим. Ўзимдан ўзим: «Сен ҳам туғилган элингга бориб турасанми, борганингда оламдан ўтганларни йўқлаб, руҳларини шод этасанми, оила аъзоларидан кўнгил сўрайсанми?» деб сўрайман. Бу саволлар узоқ вақт хаёлимдан чиқмай, виждонимни қийнаб юрди.

— Кунлардан бир кун журналларимизнинг биридан телефон қилишди: «Чингиз Айтматов билан кўп мулоқотда бўлган экансиз, таассуротларингиз ҳақида ўртача ҳажмда бир мақола ёзиб берсангиз». Мен рози бўлдим. Очеркимда Чингиз билан қилган суҳбатларим, олган таассуротларим, мени лол қолдирган гаплари — ҳаммасини батафсил ёздим. Орадан бир-икки ой ўтди. Журнал босмадан чиқди. Лекин не кўз билан кўрайки, Чингиз гапириб берган энг қимматли тафсилотлар олиб ташланибди. Оқибатда очерк пати юлиниб, думи кесилган қушга ўхшаб қолибди. Кейин билсам, ҳушёр муҳаррирга Чингизнинг «Қишлоғимга эртароқ етиб борай, оламдан ўтганлар бор, уларга фотиҳа ўқийман, жўраларим билан ётиб дардлашамиз», деган гаплари ёқмапти. Чингиз Айтматов катта ёзувчи, у бундай гапларни гапириши мумкин эмас, деган эмиш муҳаррир.

— Мен узоқ вақт Чингиз менинг пати юлинган қушчага ўхшаб қолган очеркимга кўзи тушмадимикан, деб уялиб юрдим. Ҳа, донишмандлар айтганидек, ҳаёт бамисоли бир дарё экан, у оқиб ўтавераркан-ўтавераркан, биров ундан баҳраманд бўлиб, боғ-роғ яратар экан, биров лоқайдлик, дангасалик қилиб ҳеч нарса кўрмай ўтиб кетавераркан. Чингизнинг Шакарда ўтган унутилмас тўйига ҳам йигирма йилдан ошибди. Одатда, элликдан ошгандан кейин,

ижодкорнинг истеъдоди сўна бошлайди, қалами ҳам, ақл-заковати ҳам сусая бошлайди, дейишади. Ўйлайманки, бу «назария» Чингиз Айтматов ижодига сираям тўғри келмайди. У ўзининг дунёни лол қолдирган «Асрни қаритган кун», «Кунда», «Касандра тамғаси» романларини элликдан ошгандан кейин ёзди. «Кунда» ва, айниқса, «Асрни қаритган кун» уни бугун жаҳон адабиётининг гаройиб ёзувчиси Габриэл Маркесга тенг миқёсга олиб чиқди. Чингиз яратган Манқурт образи, тўғрироғи, бу сўз китобхонларни ларзага солиб, сотқинлик тимсоли сифатида дунёнинг барча тилларига кириб кетди! Шу жиҳатдан олиб қараганда, Чингиз менга Ҳимолай тоғининг Жамолунгма чўққисини забт этишга киришган алпинистни эслатади. Фарқи фақат шундаки, Жамолунгмани забт этишга аҳд қилишган ўнлаб, балки юзлаб забардаст алпинистлар бу чўққини забт этолмай, орқага чекинганлар ёки фожияли ҳалок бўлганлар. Чингиз ҳақида эса бугун ҳеч иккиланмай айтиш мумкин: у санъат соҳасида бу осмонўпар чўққини забт этди! Эндиликда у ҳеч иш қилмай, эришган зафарларининг гаштини суриб, роҳату фароғатда яшайвериши ҳам мумкин. Лекин бу кайфият унга ёт. Айни замонда у: «Ҳозир қанақа асар ёзаяпсиз?» деган саволни кўп хушлайвермайди. «Ҳа, энди, бир нарсани қоралаяпман. Ноумид шайтон, балки бир нима чиқиб қолар», дея кулиб қўя қолади.

— Кўплар сиртдан Чингизни ўта мағрур инсон, улуг ёзувчи, унга яқинлашиш қийин деб ўйлашади. Аслида эса, у ҳаётда жуда содда, ҳатто бола табиат бир инсон. Чингиз Тошкентга келди. У Ўзбекистонда ўтган қирғиз маданияти кунларида иштирок этди. Бир неча кун Ассамблея (Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси) ишлари билан шуғулланди. Ўзбекистан Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети талабалари ва олимлари билан учрашди. Сафарининг иккинчи

куни биз Ўтрорга бордик. Албатта, ҳозирги Ўтрор Чингизхон қўшинларига биринчи бўлиб кўкрагини тутиб берган ва олти ой таслим бўлмаган қадимий Ўтрордан жуда йироқ унинг ғарибгина бир сояси, дейиш мумкин. Лекин ҳозирги шаҳарчада ўша буюк ва мағрур Ўтрор ҳақида, Чингизхон лашкарлари билан мардона курашган довурак ўғлонлари тўғрисида озгина бўлса-да тасаввур берувчи катта музей бор. Биз музейни бориб кўрдик. Кейин шаҳар марказидаги санъат саройида учрашув бўлди, учрашувдан кейин ташқарига чиқсак, музей олдидаги майдонда беш-олтита нор туя чўккалаб ётипти. Шаҳар ҳокими Чингизни катта бир туянинг олдига бошлаб бориб:

– Бу сизнинг Қора Норингиз, – деди. – Миниб кўринг, Чингиз оға.

– Менинг Қора Норим бўлса, минайин! – Чингиз шундай деб кулди-да, туяга минди. Майдонда қийқириқ бўлиб кетди. Чингиз дастхат кутаётган ёшларга қараб:

– Олиб келинглари китобларингни! – дея мурожат қилди. – Қора Норнинг устида ўтириб ёзиб берай дастхатимни. Сўнг атрофини қуршаб олган кино ва телеоператорларга юзланди:

– Суратга олинглари. Чингиз Қора Норига миниб дастхат ёзганти, деб намоёиш қиласизлар олган суратларингизни!

Қора Норга миниб олган Чингизнинг бу даражада завқ-шавққа тўлиб кетиши бежиз эмасди. Назаримда, Қора Нор жаҳон адабиётида яратилган, агар таъбир жоиз бўлса, ҳайвонлар образининг энг мукаммали, дейиш мумкин. Чингиз буни биледи ва, сезишимча, ўзи яратган ҳайвонлар образидан ифтихор қилади. Фақат Гулсари билан Қора Нордангина эмас, Акбара ҳақида ҳам гурурланиб гапиреди. Ўзининг айтишича, Олмонияда вино билан шуғулланувчи бир фермер янги навли вино яратиб, унга «Қора Нор» деб ном берибди. Виноси довруқ қозониб, жуда бойиб кетибди.

Бир сафар шу тўғрисида гапирётганида мен ундан:

– Сен ўзинг бу винодан ичиб кўрдингми? – деб сўрадим.

– Татиб кўрдим, – деди у. – Ўта ўткир экан. Кўпроқ ичишга кўрқдим.

Бутун умрини бўрилар ҳаётини ўрганишга бағишлаган олмониялик бир олим «Кунда»ни ўқиб чиққач, Чингиз ижодининг тарғиботчиларидан бирига ўзини ёзувчи билан таништириб қўйишни илтимос қилибди.

– Мен ҳайронман, – дебди у. – «Кунда»ни ўқиётганимда менга шундай туюлдики, ёзувчи менга ўхшаб умрининг катта қисмини бўрилар орасида ўтказган шекилли.

Умуман, Чингиз Олмонияда биздагидан ҳам машҳур. Ҳатто бизда унча донг чиқаролмаган «Кассандра тамғаси» романи ҳам Олмония ва бошқа хорижий давлатларда жуда катта шуҳрат қозонган. Сўнгги бир-икки йил давомида, Ассамблея ишлари сабаб, Чингизни қачон суриштирсам, рафиқаси аксар ҳолларда уни гоҳ Олмонияда, гоҳ Парижда, гоҳ Америкага китобхонлар билан учрашувга кетди, деб жавоб беради. Чингиз ўзи эса бу ҳақда гап кетганида хиёл маъюсланиб:

– Эндиликда менинг асарларим ўз элимдан кўра хорижда кўпроқ ўқилади, – дейди хўрсиниб. – Чет эл китобхонлари ҳалиям бўлса ҳақиқий адабиётнинг қадрини яхши биледи. Бизда эса диди юксак китобхонни бармоқ билан санаса бўлади. Россияда бўлса аҳвол биздагидан ҳам баттар. Уларда фаҳш адабиёти авж олган. Ўқиб кўнглинг озади! Билмадим, қачон бу ботқоқдан чиқа оламиз!..

Шундай қилиб, мана, бизнинг авлод ҳам етмишдан ошиб, саксонга қадам қўйиш арафасида. Куни кеча кўз илғамас узоқ туюлган бу чўққининг тепасида турибмиз.

Не чора? Ҳаётнинг шафқатсиз қонуни шундай экан, унга бўйсунуш ва шукроналар айтишдан бошқа иложимиз йўқ!

Бундан беш-олти йил муқаддам адабий жамоатчилик каминанинг етмиш ёшини нишонлаган эди. Шунда Чингиздан телеграмма олдим. Телеграммада Чингиз каминани қутлаб, мени чуқур ҳаяжонга солган бир гапни айтибди: «Мен, — дебди Чингиз, — машъум Ўш ёнғини кунлари сен ва Пиримқул билан гўё бир отанинг фарзандларидай, гўё уч ака-укадек оғир фожеа юз берган жойларга бориб, талофат кўрган оналарга ҳамдардлик билдирган онларимизни, уларнинг кўнглини кўтариб, тасалли беришга уринган кунларимизни бот-бот эслайман».

Илоё, ўша машъум қора кунлар сира қайтиб келмагай. Мен сендай буюк ёзувчи, айни замонда оддий ва камтар инсон билан замондош бўлганимдан тоабат ифтихор қиламан. Яратган Эгам мени сен билан узоқ йиллар дўст бўлиш, охирги йиллари эса олийжаноб бир мақсад йўлида бирга ишлаш, сенинг дилбар суҳбатларингни олиш бахтига мушарраф қилди. Сўнги пайтларда мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман, айниқса, кечқурун, уйқум қочган дақиқаларда кўп эслайман. Чексиз қувонч ва миннатдорчилик билан эслайман.

Сен мендан: «Етмиш ёшда одам ўзини қандай ҳис этаркан, Одил?» деб кўп сўрардинг. Мана, ўзинг ҳам қутлуғ ёшдан ўтиб, етмиш бешга кирдинг. Энди етмиш беш ёшда одам ўзини қандай ҳис этишини ўзинг билаверасан. Улуғ ёшинг қутлуғ бўлсин, азиз замондошим! Бизнинг бахтимизга, нафақат туркий халқлар, балки буткул жаҳон халқлари китобхоналарининг бахтига ҳамisha соғ бўл, қаламинг бундан ҳам ўткирлашиб боравергай, қадрли дўстим!

2003 йил

Пиримқул ҚОДИРОВ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ БИЛАН УЧРАШУВЛАРИМ

Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссаси жуда машҳур бўлиб кетган эди. Бу асарга Мухтор Аvezов биринчи бўлиб юксак баҳо берган, кейин Парижда Луи Арагон «Жамила»ни дунёнинг муҳаббат ҳақидаги энг яхши қиссаси деб атаган эди. Мен ўша кезларда Москвада ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлардим. Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасида қирғиз адабиёти бўйича маслаҳатчи Туменбой Бойзоқов билан бир хонада ўлтирардик. Куз кунларининг бирида хонамизга Чингиз Айтматов кириб келди. Мен уни зангори экранда кўриб таниб қолган эдим. Ўрнимдан туриб саломлашаётганимда Туменбой мени Чингиз Айтматовга таништирди. Кўришиб, қур тортиб ўлтирдик. Шунда Чингиз Айтматов менга кутилмаган ажойиб гапларни айтди:

— Сиз тўғринида Мухтор Омархонович менга сўзлаган эди. «Ўзбекдан чиққан ёш ёзувчи сенин авлодинг тўғрисида роман ёзибди, танишиб, қурдош бўлинглар» деган эди. Мен кеча Венгрия сафаридан қайтдим. Ўша ерда янги асарлар тўғрисида савол тушди. Мен сизнинг «Уч илдиз» романингизга Мухтор Аvezов қандай баҳо берганини айтдим...

Камтарлик билан айтилган бу сўзлардан ҳаяжонланиб кетдим. Ўша пайтда ҳали ҳаёт бўлган Мухтор оға кўз олдимда улуғвор бир қиёфада гавдаланди. Бу бағри кенг адиб ўзбек, қозоқ, қирғиз халқларини доим иноқ қилишга интиларди. Мен

учун қўл етмас баландликда юрган, биринчи асари биланоқ дунёга танилган Чингиз Айтматов Мухтор Аvezовнинг устозларча ғамхўрлик билан берган маслаҳатига амал қилиб яқиндан танишмоқчи бўлаётгани мени жуда қувонтирди.

Биз у пайтда Москвада ёзувчилар уйида турардик. Кечқурун Чингиз Айтматовни Туменбой билан бирга уйга таклиф қилдим. Маъмурчилик пайтлари эди. Дастурхонга қора икра, қизил икра қўйиб, ўзбекча палов дамлаб, уч соатча яйраб суҳбатлашдик. Ёшимиз тенг экан. Оғир уруш йилларига тўғри келган ўсмирлик даврларимизни эсладик. Чингиз ҳам (тенгдошлик ҳуқуқидан фойдаланиб мен уни оти билан айта қолай) арчазор тоғлар этагига жойлашган қишлоқда ўсган экан. Буғдой ўриб, хирмон янчганларимиз, тайёрлов омборларига ғалла ташиб, оғир қопларни қийналиб кўтарганларимиз кўз олдимизда қайтадан гавдаланди. Оталаримиз Сталин қатағонларига учраганлари, биз оналаримиз билан иссиқ уйлардан бадарға бўлиб, кўч-кўч азобларини бошдан кечирганларимиз ёдга олинди. Чингиз Айтматов ота томондан бобосининг номи Пиримқул бўлганини, қирғизчада буни «Биримқул» деб таллаффуз қилишларини айтди-да:

— Бунинг маъноси нима? — деб сўради.

— Пир — Оллоҳнинг сифатларидан бири. Маънавий ота ҳам Пир дейилади. Арабча Абду Оллоҳ — Оллоҳнинг қули дегани, дедим. Бу талқин Чингизга маъқул бўлгани — юзи ёришиб кетганидан сезилди.

Орадан йиллар ўтиб, Чингиз Айтматов билан Тошкентда Осие ва Африка ёзувчилари симпозиуми пайтида иккинчи марта учрашдик. Симпозиумга Қозоғистондан Абдужамил Нурпеисов ҳам келган эди. Чингиз Айтматов у билан қалин дўст экан, меҳмондорчиликларга бирга боришди.

Симиозиум бир ҳафта давом этди. Сентябрь ойи, кунлар илиқ. Тушлик танаффуслардан бири-

да меҳмонлар очиқ ҳавода, табиати яхши жойда ёзилиб ўтириш истагини билдиришди. Абдужамил Нурпеисов Олмаотадан ўзининг «Волга» сени миниб оиласи билан келган экан. Мен ҳам «Волга» ҳайдаб юрар эдим. Икки машинада «Қичқириқ» деб аталадиган сув бўйидаги машҳур чойхонага бориб тушлик қилдик. Чингиз Айтматов менинг машинамда эди. Қайтишда Эски Жўва орқали ўтдик. Олдинда усти очиқ юк машинасида ясан-тусан бир тойни олиб кетаётган атлас кўйлаклик жувонга кўзимиз тушди. Тошкентдай шаҳри азимнинг марказида учраган бу манзара ўша кезларда «Алвидо, Гулсари» қиссасини ёзган ва инсонга садоқатли отни улуглаган Чингиз Айтматовни жуда қизиқтириб қўйди.

Юк машинасида кетаётган тойнинг устига баҳмал ва ипак матолар ёпилган. Уни олиб кетаётган забардаст аёл қўлларини юк машинасининг кабинаси устига қўйиб мағрур қиёфада бормоқда. Чингиз Айтматов тойчани эъозлаб ясантиришларининг сабабини мендан сўради.

— Ўғил туғилса, тўйига мана шунақа той совға қилинади.

— Нега бу тойни аёл киши олиб боряпти?

— Чунки бешик билан тойни она томон қариндошлар совға қилишади, дедим. — Умуман, бешик тўйи оналар билан болалар учун қилинади.

— Ажойиб одат экан! — деди Чингиз Айтматов.

Мен ўғил тўйининг бошқа тафсилотларини ҳам айтиб бергунимча олдинда той олиб кетаётган юк машинаси Хадрадан ўнгга — Чорсу томонга бурилди. Биз марказ томонга — чапга бурилишимиз керак эди. Лекин Чингиз Айтматов кўзини юк машинасидаги тойдан узолмай тикилиб турарди.

— Кетидан борайликми? — дедим.

— Яхши бўларди, — деди Чингиз.

Абдужамил Нурпеисовнинг машинасини ўтказиб юбордим — улар марказга қараб кетди. Биз

Чорсуга қараб бурилдик. Юк машинаси Кўкча томондаги обод бир кўчага бориб тўхтади. Биз ҳам кетма-кет бордик. Кўча четида тупроқ уюми бор экан. Юк машинасини ўшанга тўғрилаб, тойни беозор тушириб олишди. Буни кўрган Чингиз ўзича мамнун бўлди.

Ичкарига кириб, тўй эгаларини табрикладик. Чингиз Айтматовни телевизорда кўриб таниб қолганлар дастурхон ёзмоқчи бўлишди. Лекин мажлисга етиб бориш кераклигини айтиб, тезгина хайрлашдик. Кўчага қайтиб чиққанмиёда Чингиз Айтматов:

– Ўзбеклар от минган даврларини унутмаган экан, яхши! – деб қувонч билдирди.

Эртаси кун Чингиз Айтматов бизнинг уйимиёга меҳмон бўлиб келадиган эди. «Ёзувчилардан яна кимларни таклиф қилай?» деб ўзидан маслаҳат сўрадим. Чунки унинг ҳар ким билан ҳам суҳбатдош бўлгиси келмаслигини сезган эдим.

– Ким бор... Шундай талантли ёшлардан? – деб сўради.

– Бор... талантли адиб, ўзи бизнинг авлоддан... Одил Ёқубов деган, эшитганмиёиз?

– Эшитганман. Майли, танишайлик, – деди меҳмон.

Айтилган кун Одил Ёқубов ҳам бизникига келди. Чингиз Айтматов у билан яқиндан танишганидан мамнун бўлди. Ўшанда бошланган кадрдонлик йиллар давомида ривожланиб борди. Етмиш олтинчи йилда бўлса керак, Чингиз Айтматов Одил Ёқубовнинг «Улутбек хазинаси»ни ўқиб, унга илиқ бир мактуб йўллаган экан. Бу мактуб кейинчалик матбуотда босилиб чиқди.

«Алвидо, Гулсари», «Оқ кема» асарлари жаҳон бўйлаб шуҳрат қозонган пайтларда Чингиз Айтматовнинг эътиборини кутиб турган нарсалар қанчалик кўп бўлганини, унинг нақадар банд эка-

нини ўзимча тасаввур этар эдим. Шунинг учун эллик ёшлигимиз нишонланган 1978 йилда мен унга таклифнома юборишга иймандим. Шунга қарамай Чингиз Айтматов матбуот орқали бундан хабар топиб, илиқ бир телеграмма юборибди. Ёзувчилар уюшмаси адресига келган ва ўша кунларда «Ўзбекистон маданияти» газетасида чоп этилган бу қисқа телеграмманинг матни қуйидагича: «Қадрли Пиримқул! Сени эллик ёшинг билан қувониб табриклайман. Сен ўз насеринг билан ўзбек адабиётини юксалтирмоқдасан. Биз сен билан нафақат тенгдошлармиз, балки маслақдош ҳаммиз – мен шундай деб ҳисоблайман».

Кўришиб турибдики, Чингиз Айтматовдаги одамгарчилик ва самимий қардошлик йиллар ўтган сари юксалиб борди. Биз нафақат булутсиз кунларда, балки оғир ҳаётини синовлар пайтида ҳам Чингиз Айтматов билан бирга бўлишга интилдик.

1990 йилнинг ёзида Ўш вилоятида четдан келган ёвуз кучлар ўзбеклар билан қирғизлар орасига атайлаб низо уруғини сочган кунларда Чингиз Айтматов Москвадан қўнгироқ қилиб, мени сўрабди. Тополмагандан кейин Зиёд Исломович Есенбоевга ўзининг телефон номерини бериб, «Кечки пайт телефон қилсин» деб тайинлабди. У пайтда Чингиз Айтматов Кремлда М. Горбачевнинг давлат маслаҳатчиси бўлиб ишлар эди. Мен Ўш фожияси ҳақида гап очилса, Чингиз Айтматовга нима дейишимни кун бўйи ўйлаб юрдим-да, кеч соат 11 ларда Дўрмондан унга қўнгироқ қилдим. Овози бўғиқ эшитилди, наридан бери саломлашди-да:

– Ўшда аҳвал жамаан-ку! – деди.

– Хабарим бор. Раҳбарларимиз эл-юртни тинч сақлаб туриш учун иложки бўлган ҳамма чорани кўришпти.

– Биз не қиламиз?

– Телефонда ҳеч нарса қилиб бўлмайди, Чингиз Тўрақулович! Иложи бўлса Сиз Тошкентга келинг, учрашиб, маслаҳатлашайлик.

– Бош вазирларинг ҳам шундай таклифни қилди.

– Тўғри таклиф! Сиз Тошкентга келсангиз, биз ёзувчи сифатида Ўшга бирга боришимиз мумкин. Сизни ҳамма яхши билади. Ўшда бизнинг ҳам китобхонларимиз бор. Ўшаларга мурожаат қилсак, икки элни тинчитишда раҳбарларга ёрдам беришимиз мумкин.

– Менинг ўйлаганим ҳам шундай. Катталардан рухсат олсам эртаёқ етиб бораман. Эрталаб хабарини бераман.

Ҳақиқатдан, эрталаб ўзимизнинг Вазирлар Маҳкамасидан қўнғироқ қилишиб, Чингиз Айтматов махсус самолётда учиб келаётганини, Тошкент-2 аэропортига қайси соатда қўнишини айтишди. Одил Ёқубовга қўнғироқ қилдим, Чингиз Айтматов билан телефонда гаплашганимизни, агар зарур деб топилса у билан Ўшга бирга боришимизни айтдим.

Кейин ҳаммамиз аэропортда учрашдик. Чингиз Айтматовнинг бир ўзига алоҳида самолёт берилган экан.

Ўшга бориб қўнганимизда энди кун ботаётган эди. Кўчаларда автомат таққан ҳарбийлардан бошқа ҳеч ким йўқ. Ваҳимали бронетранспортерлар юрибди. Хонадонларнинг эшик-деразалари берк, уйлар сув қуйгандай жимжит, магазинлар, бошқа жамоат бинолари ёпиқ.

Шундан кейинги воқеалар Чингиз Айтматовнинг «Известия» газетасида 1991 йилнинг 31 июлида бир саҳифа бўлиб босилган, ўзбекчаси Иброҳим Гафуров таржимасида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида, 9 августда чоп этилган эссесида жуда ёрқин акс эттирилган. Ўш фожиаси

ёвуз кучлар томонидан ташкил эгилганлиги эссенинг «Жаҳаннам узра қарғалар фарёди» деган сарлавҳасидан ҳам сезилиб туради.

Мен Чингиз Айтматов ёзган нарсаларни такрорламаган ҳолда, ҳақиқат ва шафқат шундай оғир вазиятларда одамга нақадар тансиқ туюлишини айтмоқчиман. Чунки икки биродар халқ вакиллари бир-бирига қарши гиж-гижлаган махфий кучлар зўр бериб ёлғон овозалар, уйдирма мишмишлар тарқатмоқда эди. Бу ёлғонлар одамларни шафқатсизлик билан ўч олишга ундар эди. Шу вазиятда чин ҳақиқатни билиш ва уни одамларга айтиб, уларнинг дилида раҳм-шафқат туйғусини уйғотиш энг муҳим вазифа бўлиб қолди.

Аммо Ўшнинг собиқ раҳбарлари (кейинчалик улар фожеанинг сабабчилари сифатида ишдан қувилиб жазо олдилар) бизни ҳашаматли кабинетларда соатлаб олиб ўтиришди, катта зиёфат дастурхонлари ёзишди. Бегуноҳ одамлар ўлдирилаётган жойда зиёфат кўнгилга сиғадими?!

Биз тезроқ кўчага чиқишни, маҳаллаларга бориб, китобхонларимизни кўришни, улардан чин ҳақиқатни сўраб билишни истардик. Вилоятнинг собиқ раҳбарлари ҳақиқатни биздан яширишга интилаётганлари шундоққина сезилиб турарди. Қон тўкилишига ўзлари ҳам сабабчи бўлганликларини яшириш учун нуқул ваҳима қилишди, «кўчага чиқманглар, отишма тўхтагани йўқ, биз сизларни хавф-хатардан сақлаш ҳақида топшириқ олганмиз!» дейишди.

Фожеавий таассуротлар изтиробни устига ёлғон-яшиқ гаплар азоби қўшилиб, Чингиз Айтматовнинг қон босими кўтарилиб кетди. Икки кечадан бери ухлаёлмагани, самолётда узоқ йўл босгани, энг кўп масъулият унинг зиммасига тушаётгани – ҳаммаси бир-бирига қўшилди. Докторлар келиб уни муолажа қилишди.

«Хатарли» деб ваҳима қилишган кўчаларга биз ўша куни бари бир чиқдик. Жунбишга келган одамлар билан маҳалла-кўйларда мулоқот қилдик, энг оғир фожиалар юз берган Қорасув мавзесига бориб, жабрдийдалардан кўнгил сўраддик. Касалхоналарга кириб, ярадорларнинг ҳолидан хабар олдик. Хавф-хатар чиндан ҳам бор эди. Чингиз Айтматов ўзининг эссесига бу ҳақда қуйидагиларни ёзган: «Ёзувчи сифатида одамларга сўз айтишимиз керак, шунинг учун келдик. Аммо бундай кескин вазиятда, қонли тўқнашувлар бўлаётган жойда бу ўта соддалик эди. Гуриллаб ёниб турган жаҳолат ёнига сўз билан бориб бўладими? Оломон тупурмайдим, тошбўрон қилмайдим? Лекин бизнинг ўзбек ва қирғиз китобхонлари билан узоқ йиллик қадрдонлигимиз бор эди, бизни кўплаб китоблар бир-биримизга боғлаб турарди. Улар кеча бизнинг китобларимизни ҳурмат-эътибор билан ўқиган бўлса, наҳотки бугун бизга қарши қўл кўтарса? Балки улар бизнинг бугунги дардларимиз, изтиробларимиздан огоҳ бўлишар, эҳтимол бизнинг сўзимиз баҳона бўлиб бир нарсани тушуниб етишар: бундай пайтда биттагина чора бор – зўравонликдан қатъиян воз кечиш, айирмачиликдан қатъиян воз кечиш, муаммони тинч йўл билан ҳал этиш...»

Чингиз Айтматов умид қилиб айтган бу сўзлар, хайрият, бекор кетмади. Ўша куни маҳалла-кўйларда учраган яхши одамлар бизни жоҳиллар тажовузидан омон сақлади. Лекин бегуноҳ инсонларнинг бошига тушган даҳшатли фожеаларнинг гувоҳи бўлган пайтимизда дилимиз ўртаниб, кўзларимизга ёш қуюлиб келди. Буни ҳам Чингиз Айтматов ўз бадиасида ёзган.

Мақсадимиз икки биродар халқ вакиллари тенг кўриб, орага тушган губорни баҳоли қудрат тарқатиш бўлганлиги учун кўз ёшларимизни ичи-

мизга ютиб, кўпроқ раҳм-шафқат ва одамгарчилик гўғрисида сўзладик.

Қирғиз адаби билан ўзбек ёзувчилари шундай пайтда бир тану бир жон бўлиб қон тўкилаётган хатарли жойларга келганларини бизнинг ўшлик китобхонларимиз яхшилик аломати деб билишар ва дилларида бор ҳақиқатни очиб айтишар эди. Биз ўша куни ҳақиқат билан раҳм-шафқат бирга яшашини одамлар орасида юриб, амалда кўрдик.

Ўзбеклар орасида қирғизларни ўлимдан қутқариб қолган биродарлар бор экан. Қирғизлар орасида ўзбекларни уйларига яшириб бало-қазодан сақлаган одамларни ҳам учратдик. Китобхонларимиз орасида юриб йиққан ҳақиқат зарраларимиз бизга руҳий мадад берди. Кечки пайт учовимиз телевизорга чиқиб, ҳар икки халқ орасидаги китобхонларимиз билан бир соатдан ортиқ мулоқот қилганимизда, жойларга бориб ўз кўзимиз билан кўрган ҳақиқатлар бизга жуда асқотди.

Ўшанда Чингиз Айтматовнинг ёнида туриб айтган гапларимизнинг туб маъноси шу эдики, юз берган фожеа учун халқларимиз айбдор эмас, балки зўравонлик ва алдамчилик воситасида ҳокимиятнинг эгаллашга интиладиган махфий кучлар айбдор. Вақти келиб бу ҳақиқат юзага чиқди. Истиқлол шарофати билан адолат ўрнатилди. Икки халқнинг дўстлигини қайта тиклашда давлат бошлиқларимиз жуда оқилона тадбирларни амалга оширганликлари, Президентимиз Ислом Каримов Қирғизистон Президенти Асқар Акаев билан Ўш шаҳрида қайта-қайта учрашганликлари кўпчиликка маълум.

Чингиз Айтматов ўз бадиасида буни алоҳида таъкидлаб ёзади. Сўз орасида Одил Ёқубов билан мени эслаб камтарона бир гап айтади: «Шундай қалтис пайтда бу йирик ўзбек романнавислари сиймосида ўзимга маслакдош одамларни топганим учун тақдирга шукрона айтаман».

Сўз навбати келганда биз ҳам улкан адиб Чингиз Айтматов билан қадрдонлигимиз ўнлаб йиллардан буён беғубор давом этиб келаётгани учун тақдирга шукрона айтсак арзийди. Шахсан мен Чингиз Айтматовнинг йилдан-йилга, асардан-асарга ўтган сари ўз олдига тобора улкан мақсадлар қўйиб, уларга жасорат ва маҳорат билан эришиб боришига доим ҳавас билан қарайман. Чунки дастлабки ютуқлардан эсанкираб қолиш ҳам мумкинлигини мен ўз бошимдан кечирганман. «Уч илдиз»дан кейин ёзилган «Қадрим» бўшроқ чиққанига сабаб шу бўлганини Чингиз Айтматовнинг «Алвидо, Гулсари», «Момо ер» қиссаларини ўқиганда сезганман. «Оқ кема», «Асрни қаритган кун» асарларини мутолаа қилганимда улкан ютуқлардан эсанкирамайдиган, шуҳрат юкини полвонларча кўтариб, янада баланд чўққиларга олиб чиқадиган адиб қанақа бўлишини Чингиз Айтматов тимсолида кузатганман. Шунинг таъсирида «мумкин экан-ку!» деган бир ишонч пайдо бўлган. Мен ҳам аввалги китобларимдан қаноатланмасдан, ижод отини қамчилаб, кейинги ёзганларимни иложи борича яхшироқ қилишга интиланман. «Узум узумга қараб ранг олади» деганларидек, бир авлодга мансуб адибларнинг самимий ҳавасдан келиб- чиқадиган интилишлари адабиёт ривожини тезлаштирадиган омил эканини амалда кўрганман. Чингиз Айтматов билан мактуб орқали ҳам мулоқот қилганимизга битта мисол келтирмоқчиман.

1986-1987 йилларда «Юлдузли тунлар»га адолатсиз сиёсий айблар тақилган, «Авлодлар дово-ни» нашриётда териб қўйилган жойида ҳарфлари тарқатиб юборилган кезлар эди. Чингиз Айтматов катта давлат ва жамоат арбоби сифатида қанчалик банд бўлишига қарамай матбуот саҳифаларида Бобур Мирзо ва у ҳақдаги романни ҳимоя қилиш учун вақт ва имкон топди.

Ўша пайтларда унинг «Қиёмат» (ўзбекчада «Кунда» деб аталди) романи атрофида мунозарали фикрлар билдирилмоқда эди. Мен Чингиз Айтматовга мактуб ёзиб, аввало, «Юлдузли тунлар»ни ҳимоя қилгани учун миннатдорчилик билдирдим. Сўнгра унинг «Қиёмат» романида кўтарилган муҳим бир ҳаётий муаммони – турли диний эътиқодларга мансуб одамларнинг маънавий ҳамкорлигини – тарихда Акбар мисолида кўрганимни ва бу ҳақда роман ёзганимни айтдим.

Чингиз Айтматовдан кўп ўтмай жавоб келди. «Ассалому алайкум, Пиримқул қурдош!» – деб бошланадиган икки саҳифалик мактубда қуйидаги сатрлар бор эди: «Сенинг буюк Акбар ҳақидаги мулоҳазаларинг, Акбарнинг турли динларни интеграция қилишга интилиши ўта замонавий мавзудир. Бунга, яъни маънавий интеграцияга одамзод бари бир мурожаат қилади, чунки бугунги шароитда инсониятнинг омон қолишига имконият берувчи бирдан-бир йўл ана шудир. Бу ҳақда, албатта, ёз ва асаринг учун кураш. Шахсан мен ниятингни маъқуллайман».

Бу мактуб мен учун Чингиз Айтматов билан бўлган унутилмас учрашувлардан яна бири бўлди.

Муаллифнинг «Қалб кўзлари» китобидан.

Ғайбулла АС-САЛОМ

ХАЛҚИМИЗНИНГ ОҚИБАТЛИ ДЎСТИ

Ёзувчи турли тарихий даврлар, замонлар, таълимотлар, тақдирларни бир-бири билан боғлайди. Чингиз Айтматовнинг мақсад-муддаосини тўғри ва мукамал тушуниш учун адиб даражасида юксак маданиятга ворис ва шундай билимга эга бўлиш керак. Агар мунаққид ёки китобхоннинг воқеалардан воқифлик даражаси паст бўлса, бунинг учун муаллифни... айблаб бўлмайди.

Чингиз Айтматовнинг ижоди янгича тафаккур тарзининг самараси ўлароқ, ўзига нисбатан онгли муносабат, идрок, савия ва юксак маданият соҳиби бўлишни талаб этади. Унинг асарларига кўҳна адабий-назарий чорчўбалар, ўлик схематик андозалар асосида ёндашиб бўлмайди. Албатта, бу адибнинг фикрига, унинг мавқеи ва талқинига муқаррар равишда, ҳеч бир эътирозсиз, кўр-кўрона қўшилавериш лозим деган маънони аңлатмайди. Шубҳасиз, ўқувчининг ўз нуқтаи назари бўлиши, унинг эътиқоди ва ғоявий платформаси муаллифникидан қисман ёхуд бус-бутун фарқ қилиши мумкин. Бу табиий. Адиб ўз қарашларини ҳеч кимга зўрлаб тиқиштирамайди. Лекин одоб ва маданият шуни тақозо этадики, ёзувчининг ўй-нияти, иродаси, концепсиясини инкор этишдан олдин, уни тинглашга, уқишга, тушунишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ. Шу маънода Чингиз Айтматовнинг асарларини, айниқса, унинг икки романини адабиёт ҳақидаги кўҳна тасаввурлар билан ўқиш мумкин эмас.

Социалистик реализм адабиётнинг синфийлиги ва партиявийлиги ҳақидаги эски қарашлар асосида шу қадар кўп ва хилма-хил асарлар майдонга келдики, булар орасида ҳаётни бутун мураккаблиги, зиддиятлари, ойдин ва соя томонлари билан ёритувчи асарлар қаторида чекланган, бир ёқлама назарий ақидаларни олдиндан “берилган” программ-дастур сифатида қабул қилиб, ҳаётда учраб турадиган номатлуб ҳодисалар, нуқсонларни хаспўшлаб, безаб, пардозлаб ёзилган юзаки нарсалар сон-саноксиз. Ҳеч кимга сир эмаски, ана шундай уруғлаб кетган мадҳиябоз китоблар асосида қарор топган муайян “китобхон типи” ҳам етишиб чиқди. Бундай адабий талқиндаги қаҳрамон турғунлик даврининг талаб, майл, норма ва психологиясини ҳам ўзида бус-бутун акс эттириши ўз-ўзидан равшан.

Чекланган тафаккур, ақидапарастлик, шахсга қуллуқ қилиш руҳида кечган давр адабий қаҳрамонлари ҳам ўз идеалларига содиқ эдилар. Янги давр адабиёти, жумладан, Чингиз Айтматовнинг қаҳрамонлари эса кишиларнинг ўй-фикрлари ва мафкурасини чинакам реалистик тарзда ўзида акс эттиради. Бу адабиётда қаҳрамонлар фақат ижобий ёки фақат салбий эмас, балки ҳаётий ўлароқ, тирик инсонга хос матлуб ва номатлуб томонларни ўзида мужассамлаштиради. Чунончи, бунда баъзан муайян бир образнинг “ижобий” ёки “салбийлигини” ажратиш ҳам қийин бўлиб қолади. Масалан, “Олтовлон ва еттинчи” балладасининг еттинчи персонажи Сандро жангда мағлубиятга учраган баҳодирларни “буйруққа кўра” туйқусдан отиб ташлар экан, гарчи у ўз бурчига содиқ қолган бўлса-да, ўқувчида ички норозилик туйғуси пайдо бўлади. Виждон азибда ўша Сандро ўзини отиб ўлдирганда эса китобхон хайрихоҳлик билан уни “тушунади”.

Авдий Каллистратов – диний-семинарист. У “замонабоп”, “янги” Худо кашф қилмоқчи. Бироқ

Иисусни ўз қавмлари қабул қилмай қатл этиб, сўнг-ра унга эргашганлари, унинг хунини ўзларига қабул қилиб, имон келтирганлари сингари, Авдийни ҳам эски черков ақидалари таъқиб этиб, янги жамият ундан юз ўгиради. Авдий ўзининг соддадил, эзгу, пок ўй-ниятлари билан черковга ҳам, ҳаётга ҳам сирмайди ва ҳалокатга учрайди.

Чингиз Айтматов асарларида қаҳр ва муҳаббат, висол ва ҳижрон, соғинч ва ўкинч туйғулари бир-бири билан мураккаб бир тарзда, тасдиқ ва инкор, эътироф ва эътироз шаклларида қўшилади ва фарқланади. Адибнинг услубида тасвирланаётган воқеаларнинг табиати ва шаштига қараб майллик ва жўшқинлик сезилиб туради, баъзан оддий, жўн нарсалар талқинидан ҳам катта фалсафа ва ҳикмат унади. У чизиқлари, ҳажм, вазн, сифим, қабат, қатлам ва томонлари аниқ кўриниб турган жонли, жонсиз предметларнигина эмас, балки тамомий абстракт тушунчалар, ҳис-туйғулар, ранг-бўёқлар, маънолар, мусиқа, боқишлар, юз-кўз ифодалари, булутлар, ҳаво, сув, буғ, туман, булут ҳатто кишилар ва ҳайвонларнинг номларини ҳам ажиб бир тарзда турлайди, “тасвирлайди”.

Болгар хор капелласининг қўшиқларида сеҳрли оҳанглارнинг “оқиши” билан “Олтовлон ва еттинчи” балладасидаги ўзига хос грузин қўшиқлари ва “ватан” тушунчасининг талқинию таърифларини эсланг. Ватан нима эканини ҳеч ким бу қадар содда ва аниқ таърифламаган. Чингизнинг “қўшиқлари”ни — бу хоҳ қирғиз “обони” бўлсин, хоҳ қозоқ ўлани бўлсин, хоҳ хиргойи бўлсин, марсия ёки муножат бўлсин, биз дарҳол бошқаларникидан фарқлаймиз. Булар қўшиқ ҳақидаги қўшиқ янглиғ мунгли, маъноли, туйғули жаранглайди.

“Қиёмат” романининг ўзбекча таржимаси чоп этилиши муносабати билан “Шарқ юлдузи” журналхонларига ёзган дастхатида муаллиф, агар сиз

китобхонлар қалбида ва онг-шуурида менинг асарим янги туйғу, янги кечинмалар, ўй-фикрлар уйғота олса, мамнун бўлардим, дейди. Бу билан Чингиз оға ўз асарининг ўзга лисоний либосда, ўзбек тилида янгича талқин этилишига умид боғлайди. Зеро, аслият билан унинг бошқа тилларга қилинган таржималари бир-бирига мутлақ тенг бўлмайди. Мантиқан олганда, бу асосли ҳукм Гегелнинг “Бири иккинчиси билан айнан бўлган нарса йўқ”, деган сўзларини ёдга солади. Лассалнинг Гераклит фалсафасига бағишланган китоби мутолаасида қадимги юнон файласуфининг: “Айни бир дарёнинг ўзига икки марта тушиш мумкин эмас” деган машҳур таърифи бор. Гераклитнинг шогирди Кратил бундан ҳам ошириб ва далиллаб айтган: айни бир дарёнинг ўзига бир марта ҳам тушиш мумкин эмас, чунки баданнинг ҳаммаси сувга ботгунча у аввалги сув бўлмай қолиши мумкин.

Чингиз Айтматов рус ўқувчисининг тайёргарлиги, билим ва воқифлик даражаси, руҳий ва маънавий оламини ҳисобга олган ҳолда романини рус тилида ёзди. Асар рус ва русийзабон китобхон билан тамомила ўзига хос алфозда мулоқот қилди. Китобни ўзбек тилига ўгирган Иброҳим Ғафуров уни “айнан ўзидай” етказишга киришганида, у ҳайротомуз яхши ният билан ўзини олдиндан мағлубиятга дучор қилган бўлур эди. Бинобарин, у бундай қилолмасди. Негаки, унинг таржимаси энди тамомила бошқа тарихий ўтмишга эга бўлган, асрлар мобайнида ўзгача маънавий ва руҳий камолот пиллапояларини босиб ўтган муҳит кишиларига бағишланаётганини ҳис этиб турарди. Айни вақтда романи қирғизчага ўгирган Ҳошим Жақипбековнинг олдида ҳам гоят мушкул вазифа турар эди: қирғиз адибининг асарини рус тилидан қирғизчага ағдариш, бир-биридан тамомила фарқланувчи христиан, яҳудий, қозоқ, рус, булғор, грузин мада-

ниятлари, диний ва реалистик воқеликлар, афсона ва ривоятлар қоришиб, баъзан айқаш-уйқаш бўлиб кетган бу мураккаб, зиддиятли романи “асл қирғизча” манбага “қайтариши” лозим эди.

“Қиёмат” романининг русча асл нусхасини унинг ўзбекча ва қирғизча таржималари билан чоғиштириш шуни кўрсатдики, ҳар уччала талқин ва таржима бир-бирига қанчалик адекват бўлса, худди шу мослик чегарасидан бошлаб бир-бирларидан муайян даражада фарқ қилади.

Таржима санъатида моҳият эътибори билан бир-бирига зид икки хил таърифни биламиз: биринчи даъво шундан иборатки, асл таржима аслиятнинг ўрнини босиши эмас, балки унга йўл очиши, унга ҳавас уйғотиши керак. Бошқача айтганда, олайлик, “Қиёмат”ни ўзбекча таржимада ўқиган китобхон унинг русча асл нусхаси билан танишишга интилсин. Иккинчи даъво шуки, аслиятнинг чин маъноси таржимада очилади, бошқача айтганда, асарга чинакам холис баҳо бериш учун уни бир неча тилларга қилинган таржималарда ўқиб кўриш лозим. Бинобарин, русча “Плаха”га баҳо бериш учун уни, айтайлик, ўзбекча, қирғизча ва бошқа тилларга қилинган таржималарда ўқиш керак. Зоҳиран бир-бирига зид ҳолатда таърифланган бу даъволар айни ҳолда мақбул, бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирини ҳатто тақозо этувчи омилга айлангандай кўринади бизга. Зотан, “Қиёмат” ўзбекча таржимада ўз алфози, иборасозлиги билан қанчалик тафовутли бўлса, русча аслиятнинг руҳига, муаллифнинг мақсад-муддаосига, зоҳирий ва ботиний маъноларига шунчалик уйғун, шунчалик ҳамоҳанг. Ўқувчи таржимага чунон мафтун бўлиб кетадики, унинг наздида русча аслият шу асарнинг ўзбекча таржимасисиз қанчалар кўп нарсани йўқотадигандек, асарнинг туб моҳиятидан келиб чиқадиган

қанчадан-қанча янги кечинмалар, фикрлар, маънолардан маҳрум бўладигандек туюлади.

Айни вақтда, ўзбекча таржима қанчалик ишонарли, мукамал, нафис-гўзал бўлиб кўринмасин, аслият ўзи ёзилган тилда таваллуд топади-ку, ўша ўзи дафъатан ёзилган тилнинг бағрида униб-ўсади-ку, шу маънода у ҳақиқатан ҳам такрорланмас ва битмас-туганмасдир. Бинобарин, асар асл русчада қанчалар мароқли ва фараҳли эканлиги шак-шубҳасиз.

Таржима мантиқи буни инкор этмайди. Ҳозирги бизнинг икки тилли ва кўп тилли китобхоннинг бахти шундаки, у, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай лисоний маҳдудлик ва мумтозлик иллатидан батамом холи ўлароқ, рус ва муайян миллий тилларда яратилган бебаҳо бойликларни асл нусха тилида ҳам, таржималарда ҳам ўқий олади, баҳолай билади. Аслият таржимани тақозо этади, таржима эса аслиятни тўлдиради, бойитади ва давом эттиради. Ҳар бир таржима қилинаётган асарга мутаржим айни ўша асарга мос услубий калит тополмаса, уни ўгириб бўлмайди. Балки ўгириб бўлар ҳам — бундай ишлар тўлиб-тошиб ётибди! — бироқ бу муаллифга, унинг асарига ё тақлид, ё ўхшатма, ё сохтакорлик ёки баъзан ҳатто тухматга ўхшаган бир нарсга бўлиб чиқади.

Иброҳим Гафуров Ф.М.Достоевский, Эрнест Хемингуэй, Ги де Мопассан, Нозим Ҳикмат, Уильям Фолкнер сингари жаҳон ва рус классик адабиётининг забардаст намояндалари яратган асарларни ўзбек тилига ўринлатиб таржима қилган, лекин ўзининг бутун тажрибаси ва иқтидорини қанчалик сафарбар этмасин, Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романи таржимасига келганда ожиз бўлиб қолди. У асарни бир неча марта мутолаа қилди, айрим бобларни, “чиқмаётган” ўринларни овоз чиқариб ўқиди, изланди, изтироб чекди. Ниҳоят, пухта ҳо-

зирлик кўрилгандан сўнг, асарни яна ҳам ишонч ва қатъият билан ўгиришга киришди. Лекин иш юришиб кетмади. Бунинг сабаби, “Қиёмат” – “одатий” асарлардан эмас, муаллифнинг ўз ижодида ҳам мисли кўрилмаган бир янгилик эди. Унда макон ва замон, табиат ва инсон, жамият ва шахс, жисм ва руҳ, парвардигор ва банда, осмоний ва заминий ҳодисалар талқини ниҳоятда бир-бирига чирмашиб кетган. Бу ерда руҳоний билан диний семинария талабаси, чорвадор билан бедиянат кашанда, пайгамбар билан шаккок, хиёнаткор майхўр билан тақводор художўй одамлар, инсон қиёфасидаги йиртқичлар, йиртқич қиёфасидаги ожизу, хору, нотавону, бехонумонлар тасвирланади. Булардан ҳар бирининг ўз ички тийнатиға мос таъриф, ном, сифат, феъл, равиш-рафтор, атамалар, ранглар, овозларни илғаш, топиш керак. Одамлар бўриларга уларнинг хатти-ҳаракатлари, сифати, феъл-атворига қараб “Тошчайнар” ва “Акбара” деб ном беришган. Ўз навбатида она бўри Акбара ҳам болаларига гўё ўзича ном беради: Хумкалла, Илдам, Суйгиной. Бу сингари атамачиликда, маънавият, таъриф-тавсифда, синтаксис ва услубда Чингизнинг бадий тахайюли чегара билмайди. Буларнинг барини бошқа лисоний иқлимда, оқизмай-томизмай, ўшандай чингизона маҳорат билан етказиш, фақат етказишгина эмас, ифодавий топқирлик, зийраклик, яратувчиликдан ташқари, яна бир жасорат керак: ахир, таржимон муаллифнинг (ҳатто Чингиздай муаллифнинг ҳам!) хизматкори эмас, балки ўз номи билан – ижодкор! У муаллифга мутелик билан кўр-кўрона эргашмайди, сўзни сўз билан, миқдорни миқдор билан, ҳажмни ҳажм билан тўлдирмайди. Балки маънони маъно билан қоплайди. Ҳар қадамда услубий-ифодавий, мантикий-маъновий душворликларга дуч келганда: шундай ҳолда Чингиз оға ўзбек тилида қандай тад-

бир қўллаган бўларди, қабилида иш кўриб, дадил ва ўктам қалам тебратади. Бироқ, таржимон ҳар қанча пешанаси етти қарич дўнг ижодкор бўлмасин, унинг эркинлиги берилган аслият ва у билан белгиланган майдондан ташқарига чиқолмайди. Ҳар қанча санъат ва маҳорати бўлса, марҳамат – буни асар теграсидан чиқмаган ҳолда намойиш этмоғи лозим. Бас, таржимоннинг ижодкорлиги тил соҳасидаги яратувчилик билан белгиланади ва баҳоланади. Аслини олганда-ку, бунинг ўзи, яъни тил соҳасидаги ижодиёт ҳам ишнинг кўзини билган таржимон ихтиёридаги кичик имконият эмас. Лекин сидирға сўзма-сўз таржима билан тилни бойитиш эмас, балки... бузиш мумкин. Қани, шундай бир кўп жилдли антиқа, ноёб, мисли кўрилмаган адабий-тарихий изоҳли луғат тузилсайдики, унда тилимизнинг даврий маъновий ўзгаришлари акс этсайди. Айтайлик, бундай луғат Навоий замонидан бошлаб ҳозиргача тилимизда акс этган беш асрлик жамики лисоний ўзгаришларни ўзида ифода этсайди! Ана ўшанда биз ўзбек тилининг қанчалик ростакам ва сохта “бойигани” манзарасини кўриб ёқа ушлаган бўлардик. Ва бундай бениҳоя хайрли ва бениҳоя бехосият жараёнда айнан таржимачилик ишининг жуда катта хизмати ва жуда катта хиёнати борлигига сўзсиз иқрор бўлардик.

Чингиз Айтматов ўзбек халқига жуда кўнгли яқин ёзувчи. У қўли қадоқ халқимизнинг тақдир ва қисматиға муносабатдош, унинг бахтиға сарафроз, ташвишларига тенг шерик, мусибатиға қайғудош. Ўзини ўзбекка ўзбекнинг ўз фарзандидай яқин олади. Ўзбек халқи ҳам Чингизни ўз адаби деб ардоқлайди, асарларини соғиниб, орзиқиб, энтиқиб ўқийди. Биз Чингизнинг асарларида умумтуркий оғзаки ижод мотивлари, Манас билан Алпомишнинг қон қардошлигини, қалбан, руҳан яқинлиги билан бирга, классик адабиётимиздаги ўлмас образлар,

гойлар, оҳанглар таъсирини кўриб қувонамиз. Улуғ Навоийнинг “Хамса”сидаги чуқур руҳий кечинмалар (“Лайли ва Мажнун”), Мажнуннинг одамлардан безиб, тоғларга бош олиб кетиши, у ерларда йиртқич, ёввойи ҳайвонлар билан дўст тутиниши ҳақидаги гоёт таъсирчан манзаралар билан “Қиёмат”даги Акбара билан Тошчайнар тасвиридаги узвийлик, муштараклик, ворисийлик ва давомийликни кўрамыз. Ч. Айтматовнинг Исо алайҳиссалом билан танишар эканмиз, кўз ўнгимизда қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дарбадар кезган, ўзининг масиҳий ҳақ сўзи учун бошини дорларга қўйган буюк жабрдийда шоир, девона Машрабимизнинг аччиқ тақдири ҳамда бир яхши замондош шоиримизнинг образли таъбири билан айтганда, “саҳар чоғи Машраб бўлиб келаётган сарпойчан Ўзбекистон”имизнинг бугунги манзаралари, республикамиз бугунги одамларининг тақдир ва қисматлари кўз ўнгимиздан бирма-бир ўта бошлади.

Бахтиёр НАЗАРОВ

БУЮК АДИБГА ЭҲТИРОМ

“Дунёдаги барча мамлакатлар, айниқса, қўшни халқлар билан тинчлик-тотувликда, ўзаро иззат-икромда, ҳамкор ва ҳамжиҳатликда яшаш бизнинг асосий мақсадимиздир”. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу юксак чорлови бугун ўзининг амалий исботини топмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан замонамизнинг буюк адиби, жаҳон адабиёти тарихининг мумтоз вакиллари қаторидан муносиб ўрин олган қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлашга оид қарор имзоланди. Унда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни бажаришга киришилгани қон-қардош халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши муқаррар.

Чингиз Айтматов жаҳоннинг деярли барча халқлари учун бўлганидек, бизга Толстой, Достоевский қаторида турувчи даҳо адиб сифатида қадрли. Айни вақтда у ўзбек халқига ёзувчи деган тушунчани ифодалайдиган маънодан кенгроқ ва чуқурроқ аҳамият касб этадиган улкан ШАХСдир. У бир умр Ўзбекистоннинг жонкуяр дўсти бўлиб яшди. Халқимизга нисбатан ноҳолис, гаразли фикрлар айтилганда Чингиз Айтматов мардлик ва жасорат билан уларни инкор этди ҳамда халқимиз кўнглида ҳақиқатга ишонч руҳини мустаҳкамлади.

Таржима иши бизда доим диққат марказида бўлиб келган. Лекин шуни гурур ва фахр билан эътироф эта оламизки, жаҳон адабиётидаги бирор-

та адибнинг ижоди ўзбек тилига Чингиз Айтматов асарларидек кўп ва ҳўб таржима қилинган эмас. Унинг деярли барча ижод намуналарини ўз она тилимизда ўқиймиз. Гап фақат таржимадагина эмас. Айтматов XX асрнинг сўнгги чорагидан буён ўзбек халқи бадиий тафаккури, бадиий диди шаклланиши ва эврилишида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистонда Асил Рашидов, Иброҳим Гафуров, Суюн Қораев ва бошқа таржимонларнинг заҳматли меҳнати асосида Чингиз Айтматов асарларини ўзбек тилига ўғириш мактаби шаклланди. Адабиёт илмимизда қодирийшунослик, ойбекшунослик, қаҳҳоршунослик қаторида айтматовшунослик пайдо бўлди, деб даядил айтиш мумкин. Бунга Асил Рашидов қаламига мансуб, қисқа муддатда икки марта нашр этилган “Чингиз Айтматов олами”, П. Мирзааҳмедованинг “Национальная эпическая традиция в творчестве Чингиза Айтматова”, Суюн Қораевнинг “Чингиз Айтматов. Буюк ёзувчи. Камтарин инсон. Содиқ дўст” номли салмоқли тадқиқот китоблари; Ғ. Саломов, С. Умиров, А. Мелибоев ва бошқаларнинг ўнлаб мақолалари далил бўла олади. Адиб ижодини ўрганиш Ўзбекистондаги таълим муассасалари дастурига киритилган.

Жаҳондаги таниқли адабиётчиларнинг мақолаларидан ташкил топиб, Москвада чоп этилган “Ковчег Айтматова” номли китобига ўзбек олимаси П. Мирзааҳмедова масъул илмий муҳаррир қилиб белгилангани ҳамда тўпламга шу олима ва С. Умировнинг кенг қамровли мақолалари киритилгани ўзбек танқидчиларининг халқаро миқёсдаги айтматовшуносликда мустаҳкам ўрни борлигини кўрсатади.

Бизнинг олимларимиз Чингиз Айтматов фаолиятидаги деярли ўрганилмаган қирраларни алоҳида тадқиқ этиш ва ёритиш бўйича ибратли ишларни амалга ошираётганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир.

Чингиз оға наинки буюк адиб ва жамоат арбоби, балки айни вақтда улкан дипломат ва элчи бўлгани барчага аён. Академик Акмал Саидовнинг мана шу йўналишдаги ёзувчи фаолиятини профессионал равишда таҳлил этишга бағишланган тадқиқот-мақоласи халқаро миқёсда катта қизиқиш билан кутиб олинди. Мақола муваффақиятини белгилаган омил ҳуқуқшунос олим хизмат юзасидан ўзи ҳам элчи лавозимида ишлаб, бу касбнинг сир-асрорларини чуқур эгаллаганида, бу борада касбдош сифатида Чингиз Айтматовни хизмат юзасидан яқиндан билганида ва у билан мулоқотда бўлганидадир.

Таъкидлаш ўринлики, Айтматов ижодига эътибор унинг фақат ўзига бағишланган тадқиқот, мақолалар билангина чегараланмайди. Кейинги, тахминан, ярим аср мобайнида ўзбек насри – роман, қисса, ҳикоячилиги равнақига бағишланган деярли бирор-бир жиддий тадқиқотимиз йўқки, уларда қўйилаётган муаммолар Чингиз Айтматов ижоди билан муайян даражада ва боғланишда ўрганилмаган бўлсин, уларда Чингиз Айтматов асарларининг муайян таъсирини аниқлашга ҳаракат қилинмасин.

Чингиз Айтматовнинг ўзбек адабиёти ва адиблари билан яқинлик ришталари маълум даражада ўрганилган. Лекин бу масала янада чуқур ва атрофлича ўрганилиши зарур. Адиб бошқа кўплаб қардош улкан санъаткорлар қатори Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорни ўзига устоз деб билар, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров билан тенгқур, дўст, ҳамкор ҳамда ҳамнафас эди. Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Рауф Парфи каби шоир ва ёзувчиларимиз уни устоз деб бошга кўтарар эдилар.

Чингиз Айтматовнинг ўзбек ёзувчилари ижодига бевосита ҳамда билвосита кўрсатган ва кўрсатиб келаётган таъсирига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. “Улуғ салтанат” (Муҳаммад Али) тетра-

логиясидаги Амир Темурнинг Хонўғлон лақабли арғумоғи тасвирида Чингиз Айтматовдаги Тошчайнар, Акбара, Гулсариларни тасвирлаш принципи таъсирини сезмаслик мумкин эмас.

Қирғиз адабининг сўнгги асарларидан бири “Кассандра тамғаси” даги бош қаҳрамон Филофей, профессор Андрей Крилцовнинг дарбадарлик табиати ва дунёқарашдаги тизим бадииятини тасвирлаш лузумлари Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романидаги етакчи қаҳрамонни тасвирлашда “чиқиш нуқтаси” бўлган деб ўйлайман. А. Мелибоевнинг “Ризқ дарахти” номли тадқиқот мақоласида бу ҳолат ишонарли тарзда кўрсатиб берилган.

Чингиз Айтматов биз учун ниҳоятда қадрли ва севимли. Лекин бу – мазкур шахсни аъло даражада биламиз дегани эмас. Чингиз Айтматов доимо ва мунтазам равишда ўрганилиши, унга мурожаат этилиши зарур бўлган, ҳар гал ўзимизга ундан янги-янги сабоқлар оладиган буюк шахс ва адибдир.

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш ўзбек ҳамда қирғиз халқлари биродарлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бир қаторда, Чингиз Айтматовдек буюк шахс ва ижодкор дунёсига янада чуқурроқ кириб боришга туртки беради.

Асил РАШИДОВ

ИНСОН МЕҲНАТ-ЛА БУЮКДИР

Вақтни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатинг калити бил.

Алишер Навоий

Ажойиб қиссалари билан шуҳрат қозонган ва мазкур жанр ривожига катта ҳисса қўшган улкан адиб Чингиз Айтматов ўзининг янги-янги романлари билан ҳам ўқувчиларини хушнуд этди. “Жамила”, “Биринчи муаллим”, “Сарвқомат дилбарим”, “Алвидо, Гулсари!”, “Сомон йўли”, “Оқ кема” каби санъат асарларининг ҳар бири адиб ижодида, унинг юксак маҳорат сирларини эгаллашидаги алоҳида довларни ташкил этиши билан бирга, бу ажойиб қиссалар муаллифнинг биринчи романи – “Асрни қаритган кун” (“Бўронли бекат”)нинг яратилишига кучли замин бўлиб хизмат қилади.

“Алвидо, Гулсари!” ва “Оқ кема” сингари баркамол қиссаларини қамраб олган муҳим ҳаётий материалларнинг кўлами ва уларнинг бадиий юксак даражада тасвирлаб берилиши жиҳатидан роман жанрига киритиш мумкин эди, бироқ ёзувчи ҳали бунга ўзини тайёр деб билмади, ижоднинг мураккаб ва юксак чўққиларини эгаллашда давом этди. “Асрни қаритган кун” (1980) романи орқали эса ана шундай юксакликка кўтарилди олди. Хуллас, ушбу асар билан Чингиз Айтматов ижодида роман палласи (Сувон Мели) бошланди. Бундан сўнг яна уч роман – “Қиёмат”, “Кассандра тамғаси” (“Охирзамон нишонлари”) ва “Қулаётган тоғлар” (“Мангу

қайлиқ”) яратилди. Лекин унинг илк романи айрича муваффақият қозонди, у нафақат адиб ижодида, балки умумжаҳон адабиётида юксак босқич бўлди.

Мазкур роман китобхонлар ва танқидчилар муаллифнинг ижодий йўналишида асосий жанр повест эканлигига ўрганиб қолган бир вақтда, кутилмаганда дунёга келди. “Асрни қаритган кун” – “одатий” асарлардан бўлмай, муаллиф ижодида ҳам мисли кўрилмаган бир янгилик эди. Унда макон ва замон, табиат ва инсон, жамият ва шахс, инсоний ва заминий ҳодисалар талқини ниҳоятда бир-бирига чирмашиб кетган. “Асрни қаритган кун”нинг жанр хусусиятини аниқлашда мазкур асарнинг ўзига хос (специфик) жиҳатларидан, ички моҳиятидан, сюжет йўналишидан, образлар системасидан ва мазмуннинг кенглигидан келиб чиқилган ҳолда белгиламоқ лозим. Бу, албатта, алоҳида масала.

Маълумки, адабиёт гўзалликни, эзгуликни, адолатни қарор топтирувчи энг кучли восита. Бошқача айтганда, ҳаётни инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларига мослаштириб қайта қуриш адабиётнинг азалий орзуси. “Асрни қаритган кун” романида кўтарилган туб масалалардан бири ҳам ана шундадир. Романни ўқир эканмиз, космик асрдаги улкан планетар бўронларнинг гувоҳи бўламиз. Бошқача айтганда, ёзувчи афсона ва фантастикага эрк беради. Муаллифнинг ўзи ёзганидек, “Қанчаллик эплай олганимни билмайману, лекин мен ўз қахрамонимни бутун мамлакат, жумлаи жаҳон ва боз устига космос билан серқирра алоқадорликда тасвирладим”. Муаллиф учун энг муҳими, китобхонни ўйлашга мажбур этиш, уни ҳаяжонлантириш, таъсирлантиришдир.

Асар қахрамонлари Эдигей Жонгелдин, Казангап Асанбоев, Абутолиб Қуттибоевлар ҳаётда нене қийинчилик, адолатсизлик, кулфату кўргилик ва ҳатто, фожиаларга дуч келмасинлар, барибир

тўғри йўлдан тоймайдилар, имонларини йўқотмайдилар, адолат ва ақл билан иш юритиб меҳнат жараёнида шаклланадилар. Чунки, улар қалбида юксак эътиқод, диёнат, виждон борки, муаллиф уларни жуда таъсирли ва ҳаққоний ёритган.

Азал-азалдан маълумки, меҳнатсеварлик инсон қадр-қимматини белгиловчи мезонлардан биридир. Шу маънода асар бош қахрамони уруш қатнашчиси, кейинчалик эса оддий темир йўл ишчиси Эдигей Жонгелдин том маънодаги меҳнат кишиси сифатида талқин этилади. Энг муҳими – у ишчининг янги типи. Одамларнинг айтишича, у заминни елкасида кўтариб турганларнинг бири. “Эдигей Бўрон образи менинг меҳнат кишисини ҳамиша ўзининг қахрамони қилиб олган реализм адабиётининг асосий ақидасига бўлган муносабатимдир”, – деган эди адибнинг ўзи. Демак, романнинг асосини ана шу етакчи ғоя, яъни инсон ва меҳнат муаммоси ташкил этади.

Табиийки, бадий адабиёт учун меҳнат мавзуи ҳамма давр, ҳамма замонларда энг шарафли мавзу бўлиб келган, меҳнат кишиси эса доим унинг марказида турган. Меҳнат мавзуи “Фарҳод ва Ширин” каби ўлмас дostonлар, “Уруш ва тинчлик”, “Она” каби гениал асарларнинг асл маъноси ва бош ғоясини ташкил этган.

“Асрни қаритган кун” романида тасвир этилган воқеалар, асосан, Қозоғистоннинг ҳайҳотдек Сарийўзақ даштидаги хилватгоҳда, асар қахрамонларидан бири геолог олим Елизаров айтганидек, “тарихнинг аллақачонлар унутилган китоби” – Бўронли деб ном олган темир йўл бекатида – миттигина “овулча”да кечади. Бекатда бор-йўғи олти хонадон истиқомат қилади. Ана шу олти овулдошлардан икки хонадон, хусусан, икки қахрамоннинг ҳаёт йўли, яъни Казангап Асанбоев билан Эдигей Бўрон яшаётган ва курашаётган синов майдони – Бўронли

темир йўл бекати асарнинг асосий тасвир объекти ҳисобланади.

Эдигей билан Казангап аслида Орол қозоқларидан бўлиб, улар ажралмас дўстлардир. Узоқ йиллар давомида Бўронли бекатида бирга яшаб, иссиқ-совуқни бирга тотиб, қайғу-қувончларини бирга баҳам кўришган дўстларнинг иноқлашиб кетишининг боиси ҳам шундан эди. Муаллиф воқеа-ҳодисаларни, ўз гоёвий қарашларини Ватан ва халқ хизмати, бахт-саодати йўлида жонбозлик кўрсатган ана шу кишилар ҳаёти, фаолияти орқали ифодалайди. Улар мансабдор кишилар ҳам эмас, балки кўпчилик қатори оддий заҳматкашлар. Уларни маънавий юксакликка, камолотга кўтарган куч ҳам она-Ватанга, бунёдкор меҳнатга чексиз муҳаббатларидир. Бу гоё романнинг пафосини ташкил қилиши билан асарнинг мағзига, характерларнинг моҳиятига сингдириб юборилган.

Казангап деганда кўз ўнгимизда ҳаёт тўфонлари минг бир чиғирикдан ўтказган, ўз ватанидан узоқда яшаб, ўзга юртларни кезиб, қанчадан-қанча меҳнат машаққатларини чекиб, одамлар қалбига, шуурига умид-ишонч уруғини қадаб, зиё бахш этган чин инсон образи гавдаланади. У қаерга бормасин, қандай юмуш билан банд бўлмасин, мардонавор меҳнати билан шуҳрат қозонади. Чунончи, у бошига оғир кунлар тушиб, ҳаёти хавф остида қолган кезларда, яъни “қулоқнинг ўғли” деб элакдан ўтказиб, турли уйдирмалар билан қораламоқчи бўлганларида Мирзачўлга келиб жон сақлайди. Олти йил мобайнида Мирзачўлда яшаб, дастлаб, зовур қазийди, сўнг трактор ҳайдайди, бригадирлик қилади, шу ерда Бўкей исмли қорақалпоқ қизи билан турмуш қуради ва ниҳоят донгдор пахтакор бўлиб, мўл ҳосил етиштиргани учун республикамизнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади. Ниҳоят у замоннинг зайли билан Бўронли бекатига келиб қолади.

Асарда тасвирланишича, ёшини яшаб, оштини ошаб, умрининг сўнгги кунларини кечираётган Казангап кунларнинг бирида қадрдон ватани Орол билан сўнгги бор дийдор кўришиб, видолашишга боради. Бироқ ўзи сингари суви қуриб бораётган денгизни кўриб дили сиёҳ бўлади, чуқур ўйга чўмади: “Боришмагани маъқул экан, боришга боришди-ю, хафа бўлиб қайтиб келишди, – деб ёзади муаллиф. – Денгиз суви тортилиб, тобора камайиб кетибди. Денгиз ёқалаб, соз тупроқли тақир йўл бўйлаб ўн чақиримча йўл юришганидан сўнг аранг сувга яқинлашиб боришди. Ўшанда Казангап: “Орол дунё турганча турар эди, энди, мана, шу денгиз ҳам қуриятти, одам умрини гапирмаса ҳам бўлади”, деган эди. Ўшанда у яна бундай деган эди: “Эдигей, сен мени Она Байитга дафн этасан. Денгизни эса сўнгги бор кўриб, хайр-хўшлашиб туришим!..”

Асар ана шу суяги меҳнатда қотган, камтарин, ажойиб инсон Казангапни дафн этиш тараддудлари тасвири билан бошланиб, романнинг сўнгида маросим фожиа устига фожиа билан тугайди. Янада аниқроқ қилиб айтганда, Казангапнинг жасади ўзи васият қилиб кетганидек Сариўзак қозоқларининг муқаддас аталмиш қадимий Она Байит қабристонига дафн эгилиши керак. Она Байит қабристонининг муқаддаслиги шундаки, бу маконга аждоқларнинг волидаи муҳтарамаси Найман она дафн этилган. Найман она ким? Манқуртликка қарши исён кўтарган ва ёвуз душман – жунгжанглар таъсирида манқуртга айлантирилган ўғли Жўломон томонидан отиб ўлдирилган онайизор тимсоли. Шу-шу бу жой Она Байит деб юритилади. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бу ҳудудга космодром жойлаштирилгани боис дафн этиш қатъий ман этилган. Нима қилиш керак? Кайси замонда уйдан олиб чиқилган жасадни яна уйга қайтариб олиб кетишган?

“Ёзувчи бутун асар давомида фантастик усулда космос ва космодром муаммоларига китобхондиққатини ўқтин-ўқтин жалб этиши бежиз эмас, — деб ёзади атоқли адабиётшунос олим Б.Назаров. — Бу бир жиҳатдан ердаги оддий инсоний муаммолар ҳал бўлмаётгани ҳолда, коинотни забт этишдек ютоқишнинг нечоғлик авж олганига, ергина эмас, осмон талаш бўла бошлаганлигига ишора бўлса, иккинчи томондан, миллий қадриятлар, ватан ва замон муаммосига бориб боғланади. Гап шундаки, бийдай чўлда бўлганига қарамай, космодромга ажратилган ҳудудда экани учун қанчадан-қанча чақирим жойдан олиб келинган марҳум Казангага ўз она тупроғидаги Она Байит қабристонидан икки газ ер беришмайди”.

“Абадий ва ўткинчи ҳодисалар доим тўқнашиб турадиган бу дунёда, — деб ёзган эди адиб, — меҳнаткаш одам мен учун шахсияти, бой маънавий дунёси ва даврнинг қай жиҳатларини ўзида мужасамлаштиргани билан ҳам қизиқарли ва муҳимдир. Шу боисдан, Эдигейни ўзим яшаб турган замондаги олам чархининг меҳварига, мени ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилдим”.

Инсонпарварлик Чингиз Айтматов ижодида бош ғоявий йўналишдир. Адиб инсонпарварликка зид, одамзод ҳаётига зарар етказувчи ҳар қандай манфий ҳодисага қарши аёвсиз кураш олиб боради. Бюрократизм ёзувчи асарларида изчил ва чуқур фош этилган ижтимоий иллатдир. Бу иллат одамларнинг истеъдоди, эътиқоди, орзу-умидларини барбод этиб қолмасдан, балки кишининг ўзини ҳам жисмонан маҳв этади. “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема”, “Асрни қаритган кун” каби асарлар бу фикрнинг бадиий исботидир. Адибнинг “Асрни қаритган кун” романида бу мавзу айниқса чуқурлаштирилади, янги жиҳатлари очилади. Эдигей ўзининг

том маънодаги одамийлиги, маънавий юксаклиги билан, инсонга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати, садоқати билан китобхон кўз ўнгида ёрқин гавдаланади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзгаларнинг бахти, фаровонлиги ҳақида қайғуриш ва уларга ёрдам беришга ҳамиша тайёр туриш Эдигей учун ҳамма нарсадан муқаддас. Эдигейнинг барчага бирдек, яъни ўз фарзандларига, қариндош-уруғларининг болаларига, айтайлик, Абутолибнинг дилбандларига меҳрибонлик, ғамхўрлик кўрсатишида инсоний ҳиссиётлари қанчалик барқ урса, адолатсизликка, нопокликка, инсофсизликка, шахс эркини, нафсониятини, номусини оёқ ости қилиб келган мансабпарастларга, шу жумладан, инсонийликдан деярли маҳрум бўлиб қолган Собитжон ҳамда роботга айланиб, ақл-фаросатдан четда қолган Тансиқбоевларга нисбатан нафрати шунчалик алангланади.

Яна Эдигей образига қайтайлик. Муаллиф Эдигей характерини, унинг улкан маънавий дунёсини бутун тафсилотлари билан тасвирлаб берган. Гарчи у оддий разъезд ишчиси, катта шов-шувга сабаб бўлган қаҳрамонлик намуналарини содир этмаган бўлса-да, умуман олганда унинг ишларини ҳақли равишда қаҳрамонлик намунаси деб айта олиш мумкин. У ўз эл-юрти ютуқларидан қанчалик қувонса, расмиятчиликдан, нопоклик ва ноҳақликдан шунчалик куйиб ўртанади. Унинг кўз илғамас қаҳрамонликларга тўла маънавий ҳаёти, фаолияти шундан далолат беради. Ч.Айтматов Эдигей тимсолида унинг инсон шаъни, қадр-қиммати ҳақидаги тасаввурларини бадиий мужассамлаштирган. Биз кўпинча адабиётда том маънодаги ижобий қаҳрамонлар образи етишмаслигини айтамеиз. Эдигейни эса ҳар қандай сунъий идеаллаштиришдан холи бўлган ҳақиқий ижобий қаҳрамон образи, дейиш мумкин.

Маълумки, бурч, диёнат муаммосини тасвирлашнинг ўзи бадий асар учун бирдан-бир мақсад эмас ёки баъзи асарлардагидек, меҳнатни инсон ҳаётининг ягона компоненти қилиб, меҳнат қилишдан бошқа интилиши йўқ қаҳрамонни бизга намуна қилиб кўрсатиш бугунги кун талабига жавоб бера олмайди, демак, ёзувчи инсонни (қаҳрамонни) ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида кўрсатиши керак. Л.Толстой сўзлари билан айтганда, “асар инсон қалби ҳақидаги ҳақиқатни талқин этишга қаратилган тақдирдагина чинакам бадий қиммат касб этади”. Буни биз асардаги Эдигей, Казангап каби қаҳрамонлар образи талқинида кўришимиз мумкин. Чунки улар умуминсоний эзгу ғоялар билан яшаб, ана шу ғоялар учун курашадилар.

Иброҳим ҒАҒУРОВ

ЭСКИ ВА ЯНГИ РИВОЯТЛАР

Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булут” асари жаҳонга ҳоким бўлмоқ даъвоси билан чиққан икки ҳукмдорнинг сиёсати инсон болалари ҳаётида қандай оқибатларни келтириб чиқаргани ҳақида ҳикоя қилади. Ҳукмдорларнинг сиёсати ХІ асрда ўтган Чингизхон, иккинчиси ХХ асрда яшган Сталин бўлса-да, уларнинг сиёсий интилишлари келтирган уқубатлар ва интиҳосиз фожиаларда бир-бирига ўхшашликлар кўзга ташланиб туради. Улар барча тирик ва нотирик нарсалар уларнинг жаҳондорликларини сақлаш, мустақкамлашга хизмат қилиши ва хизмат қилгандагина ўзини оқлашини, яшашга ҳақли бўлишини истаган ва буни ёвуз эътиқод, ёвуз сиёсат даражасига кўтарган эдилар.

Улар ер юзини хавотир, қўрқинч, харосонлик билан тўлдирган эдилар. Улар панжаси остига кирган ҳар ердан: “янчамиз”, “мажақлаймиз”, “отамиз”, “ўлдираамиз” деган ваҳшиёна саслар янграб туради. Бўлмаса, ўта ҳалол, софдил, диёнатли, ўз болалари ва юртини жондан севган оддий муаллим Абу Толиб Қуттибоев қаерда-ю, дунёни ўлим ва меҳнат лагерлари, атом бомбалари, ўта муғомбир арзончиликлари ва ундан ҳам риёкорона – мўйловининг бир ишораси билан халқларни ўз асрий ерларидан кўчирган, асрий хонумонлари ва тарихларидан жудо қилган мардумкуш Сталин қаерда?!

Лак-лак қўшинлари, гуллаган водийлар, маданиятлар яшнаган шаҳарларни топтаган, чигирткадек талаган ва еб битирган саркарда Чингизхон

қаерда-ю юраги муҳаббатдан маст юзбоши Эрдени билан унинг севгилиси Дўғуланг қаерда!..

Талончилик, босқинчилик, ҳукмдор бўлишга фавқулодда интилиш, одамларни забун махлуқларга айлантириш сиёсатининг бутун мудҳишликлари ХХI асрда Эрдени ва Дўғуланг бошида, ХХ асрнинг нақ ўртасида эса овлоқ Сариўзак бекатининг муаллими Абу Толиб ва унинг сабий, бегуноҳ болалари бошида калхатдек айланади. Бегуноҳ, ҳалол, муҳаббатли одамларни то ҳалок қилмагунча тинчимайди. Гуноҳкор, қотил сиёсатнинг аламли қурбонлари!..

Абу Толиб Қуттибоев ўқувчига Чингиз Айтматовнинг “Асрни қаритган кун” романидан таниш. Романи Асил Рашидов таржимасида мутолаа қилганмиз. Романда Абу Толиб Қуттибоевнинг бошида беҳад хавотирли воқеалар қуюндай айлана бошланганидан хабардормиз. Хавфсизлик хизматининг хиром этик кийган ходимлари Тансиқбоев деган кимса етакчилигида келиб одамларни зўравонларча тергов қилганлари ва Қуттибоевни бола-чақасидан айириб олиб кетганда юртимиз алам-қайғудан тутдай тўкилган. Ўша даврнинг яккаҳокимлиги учун хизмат қилган сталинча хавфсизлик хизмати Абу Толибни ҳеч бир асосиз “инглиз айғоқчиси”, Югославияда партизанлик қилиб юрган кезларида инглизларга ёлланган, деган тухмат билан шубҳа остига олиб, унга таъқиб ва тазйиқни зўрайтирадилар. Абу Толибнинг “Партизан дафтарлари” деб номланган эсталиклари ва Сариўзакда ёзиб олган қадим ривоятлардан ўз мудҳиш мақсадлари учун асос ва далолат қидирадилар. Уни душман, миллатчи, айғоқчига чиқариш учун қўлларида нима чора бўлса, барини кўрадилар. “Чингизхоннинг оқ булути”да Абу Толиб олиб кетилгандан кейинги икки ойлик тергов ва сўроқ воқеалари давом этади. Абу Толиб ўзига ва ўзига ўхшаганларга қарши ен-

гиб бўлмас зўравонлик, тухмат ва адоват машинаси ишлаётганини англайди. Бош-кети кўринмас тухматлар, қийноқлар шу азоб машинасининг озуқаси эканини тушуниб этади. У бу машинанинг ваҳшатидан фақат ўлиб қутулиш мумкин, деган қарорга келади ва сўнгги дамда бунинг иложини топади. Жаллоднинг ваҳшат машинаси: “Қутулиб кетди!” деб ўкирганча қолади. Бу қутулиш 1953 йилнинг мартини яқинлашайтганда рўй беради.

Чингиз Айтматов Абу Толибнинг фарзандларини соғиниши, Зарифани бир кўраман, деб талпинишлари чексиз муҳаббатини изтиробга тўлиқ дoston каби чизади. Оддий одамлар ўз инсоний теран муҳаббатларида қанчалар илоҳий юксакликларга кўтарила олишлари мумкинлигини содда, реалистик бўёқларда кўрсатади. Худди шунингдек, муҳаббатнинг енгилмас руҳи Эрдене ва Дўғуланг қисматларида ҳам тўла намоён бўлади. Ёзувчи ХХ аср ва ХХI аср ривоятларини муқояса қилиб кўришга бизни даъват этаётгандек бўлади. Даъват ҳам унинг асаридаги талқини ва ифодаси ҳам бизга ғоятда қонуний, бадий, тарихий, ҳаётий жиҳатдан ўта таъсирчан бўлиб туюлади. “Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси “Асрни қаритган кун” романининг узвий давомидир. Шунинг учун муаллиф уни “роман учун қисса”, деб атайди.

Икки ойлик ваҳшиёна тергов ва бир ойлик Европани забт этишга отланган сахро жаҳонгирининг ҳарбий сафар йўли. Икки ривоят бизга азал ваҳшийликларнинг қон сирқиб турган томирларини яланғочлаб кўрсатади. Енгилган инсон моҳиятда нима учун сира енгил бўлмас бир қудратга эгаллигини айтматовча ҳассослик, ҳаётийлик, теранлик билан тадқиқ этади.

Айтматовнинг асарлари фикр-тафаккур қайнаган асарлардир. Шу қайноқ гирдоб ичига ўзини ташлаган ўқувчи ундан тозариб, янги фикр эга-

си бўлиб чиқармикан? Агар шу саволни ўз олдига қўйса, унга ўзи жавоб излармикан? Ҳамлет айтмоқчи, масала шу ерда...

Чингиз Айтматов асарларида мени ҳайратга соладиган ҳодисалар кўп. Шулардан иккитаси ҳақида сўзлашни истар эдим.

Айтматов асарларидаги беғуборликни дунёда қайси адиб билан қиёслаш мумкин? Назаримда, Айтматовга яқин беғуборлик фақат Тагор ва Кавабатадагина бор. Мен буни космик миқёсга кўтаришган беғуборлик дегим келади. Айтматов асарлари инсон трагедияларига тўла. Улар трагедияга учраган беғуборликлардир. Агар бу ҳодисалар беғуборлик бўлмасайди, улар фожиаларга учрамасди. Бу беғуборликларнинг эгаси, худди болаларга ўхшаган одамлар. Боладай тоза туйғули одамлар.

Трагедияларнинг бош манбаи эса сталинизм яратган тарашадай ҳиссиз ва шавқатсиз партия бюрократизмидир. Сталинизм, унинг бюрократик аппарати бу – сегизбоевлар, қашқатоевлар, қўчқорбоевларгина эмас, бу – улар яратган даҳшатли қурол: оберкандаловлар, бозорбоевлар, абакирлар, ўрозқуловлардир. Бюрократизмнинг тагидан трагедиялар қайнаб чиқади. Бу трагедияларнинг қурбонлари ҳур фикрли, беғубор кишилар. Улар ҳур фикрли, беғубор бўлганлари учун ҳам бюрократизм аппаратининг турли найранг ва маккорликларига қурбон бўладилар. Жамила беғубор бўлмаса, ҳали унинг элатидан ҳеч ким енгиб ўтмаган расм-русум, одат тўсқинларини ҳурфикр билан инкор этиб ўтармиди? Тўлганой бунчалар беғубор бўлмаса, келини Алиман бегона одамдан бўйлик бўлганда, уни кечириб, кечирибгина эмас, унга беқиёс меҳр билан қараб, тушуниб бағрига босармиди, одамларнинг гап сўзларини матонат билан кўтарармиди? Қайси адабиётда таҳлил этилган эди бундай умуминсоний, космик миқёслар касб этадиган беғуборлик?

Келажак учун Кириск деган болани омон сақлаб, ўзларини фидо қилганларнинг беғуборлиги-чи? Янги Худо яратиш йўлида болаларча чалкашиб кетган ва тuzалмас одамларни тuzатиш йўлида фидо бўлган Авдийнинг беғуборлиги-чи?

Эдигей беғубор эмасми? Уркунчиев беғубор эмасми? Гулсари, Қоранор, Акбара, Тошчайнар беғубор эмасми? Танабой беғубор эмасми?

Бюрократлардан ўзга ким беғубор эмас Айтматов асарларида? Шу беғуборлик тортмадими бутун дунёнинг эътиборини унинг асарлари, унинг қаҳрамонлари ва кейинги асарларида унинг космик кенгликдаги фалсафасига?

Танабой деганда бошқа бир нарсани ҳам айтиш керак. Нега қалби пок, беғубор одамлар азоб ўти ичида доим қоврилиб ётадилар?

Танабойларнинг тилсизлиги одамни ҳайратга солади. Эсингиздами, Сегизбоев уни нималар қилмади? Душманга, жиноятчига чиқарди, тухмат ёғдирди. Танабой шу дағдаға шу даҳшатли тухмат қошида бирдан ожиз бўлиб қолади. У ўзини ҳимоя қилолмайди. Барча тухматларни тан олади. Қаршилик кўрсатишга озгина бўлсин уриниб кўрмайди. У Сегизбоевнинг кимлигини билиб туриб, ҳаммасига кўнади. Бўйнига олади. Бу тилсизлик, бу забонсизлик бу индамасликни ким қаердан келтириб чиқарди? Ким тарбиялади бу умуммиқёс касб этган индамасликни.

Бу космик миқёсдаги индамаслик Танабоевгагина эмас, Бўстон Уркунчиевга ҳам хос. Лекин Танабоевга нисбатан унда андак ўзгариш бор. У эътироз билдиришга, фикрини айтишга журъат этади. Лекин, барибир, охир-оқибат у Қўчқорбоев олдида ожиз ва индамасдир. Қўчқорбоев уни ютиб юборишга тайёр бўлиб турибди.

Бу индамаслик Мўминда йўқми? "Оқ кема"даги Мўминда? Ўрозқул олдида ожиз ва индамас бў-

либ қолмадимми Мўмин? “Асрни қаритган кун”нинг бош трагедияларидан бири эмасми шу индамаслик! Унинг илдизлари ғоятда чуқур ва ҳайратомуздир. Яна бошқа бир нарса ҳам ҳайратга солади одамни. Чингиз Айтматов қаҳрамонларининг бу индамаслиги асло ўйламаслик эмас! Танабой жуда фаол ўйлайди. Гарчи у зулмга қарши бора олмаса ҳам, лекин ўз олдига, турмуш олдига кескин саволлар қўяди. Унинг психологик дунёси жуда мураккаб. Бу мураккаблик илк марта Тўлганой образида куртаклаган эди. Танабойга келиб психологизм актив тус олди, ҳар қачонгидан теранлашди. “Нега энди ҳамма ишдан путур кетяпти? – деб ўйлайди юзлаб қўйлари қирилиб кетаётган Танабой. – Балки бошқа йўлдан кетишгандир? Эҳтимол, янглишишгандир? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Танлаган йўл – тўғри йўл эди. Бўлмаса, нега бундоқ бўлди? Адашиб қолишдимикин? Йўлдан озишдимикин? Қачон ва қандай юз берди бу аҳвол?”

Янги ҳаётнинг равнақи учун курашган, шиорий ақида учун ҳатто акасини сургун қилиб юборган Танабой, мана энди Сегизбоевлар яратган бюрократик машина даҳшати олдида лол бўлиб туради. Сегизбоевларни ўзи яратганини англамайди. Улар ўзининг онгсизлиги ва беғуборлигидан ўсиб-униб чиққанлигини тушунмайди.

Ҳа, Айтматов индамасларининг беғуборлиги ҳайратга солади. Танабойгина эмас, Танабойнинг дўсти парторг Жўра ҳам индамас. Жўранинг юраги яхшилик, эзгулик билан тўла. Лекин индамас. Унинг бюрократияга қарши қуроли йўқ, кураш иродаси ҳам йўқ. Қанчадан-қанча жўралар халққа қилишлари мумкин бўлган яхшиликни қилолмай кетдилар. Мени Жўрани шамдай сўнгани ва сўнаркан, партия билетимни Танабой райкомга олиб бориб берсин, деб васият қилгани ҳайратга солади. Ахир, кечагина ўзи ҳам истаб-истамай ҳисса қўшиб, Та-

набойни беайб партиядан ўчиришган эди-ку! У романтикми? У аҳволни билмайдими? Унинг билети билан ҳеч кимнинг иши йўқлигини англамайдими? Яна ўша феномен: беғуборлик! Шу беғуборлик туфайли биз яна бир шафқатсизлик, лоқайдлик, инсон қадрсизлангани ҳодисасига дуч келаемиз. Не-не хаёллар билан ўлган дўстининг билетини кўтариб райкомга келган Танабой билетни топшириб, дарчанинг тақ этиб ёпилганини эшитади, ҳолос. Сизга ёқадими бу қадрсизлик?

Айтматов социал бузғунчилик оқибатларини ана шундай ҳоллар билан кўрсатади. Беғуборлик қадрсизлик саҳросида тилка-пора бўлиб ётади ва юрак-бағри қон индамасликка айланади.

Акмал САИДОВ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ – ДИПЛОМАТ

Чингиз Айтматов пришел на дипломатическую работу в 61 год, абсолютно зрелым человеком, будучи всемирно известным писателем, крупным общественным и государственным деятелем. Это равносильно тому, чтобы военную службу в армии начать с полного генерала. Дипломатия, между тем, – не спринтерский бег и не борцовская схватка. Возраст здесь подчас – на пользу, а не в ущерб. Действительно, на долю Айтматова выпала уникальная дипломатическая карьера. Он оказался прирожденным дипломатом: работал послом в четырех государствах и постоянным представителем в трех международных организациях. В общей сложности пробыл послом рекордный срок – 19 лет. Таким образом, неординарный и необычный дипломат Чингиз Айтматов оказался таким же выдающимся и успешным на этом поприще, как и писательском.

Назначение Айтматова Чрезвычайным и Полномочным послом СССР в Люксембурге породило уникальный в своем роде феномен. Европейская дипломатическая община сразу и безоговорочно восприняла Айтматова как своего. К моменту его приезда в Люксембург, за ним тянулся шлейф всемирной популярности не только в родной стране, но и за рубежом, в том числе в Европе.

В конце 1989 года Ч.Т. Айтматов отбыл на профессиональную дипломатическую работу.

В 1989–1991 гг. был последним Послом бывшего СССР, а в 1992–1993 гг. – первым Послом Российской Федерации в Люксембурге. С 1994 г. стал послом своей страны – суверенного Кыргызстана – в Бельгии.

О причинах перехода на дипломатическую деятельность Чингиз Торекулович говорил: «Да, меня упрекали – мол, трудностей побоялся, сбежал, спрятался в тише... На волне перестройки мы очень сблизились с Михаилом Сергеевичем Горбачевым, у нас было глубокое взаимопонимание. Я ведь очень активно работал в Верховном Совете, потом в Совете при Президенте СССР. Работали днем и ночью, работа была безумно напряженной и ответственной. И в какой-то момент я почувствовал, что если в том же духе продолжать, то в плане творческом я, значит, полностью отключаюсь. И заканчиваюсь. Потому что ни времени, ни сил не хватало. Пришел к Михаилу Сергеевичу, поговорили на эту тему. Вот... И мое было желание, и его предложение мне отправиться на дипломатическую работу – с тем, чтобы и служить, и иметь какую-то возможность заниматься творчеством». Одним словом, Чингизу Торекуловичу хотелось вырваться из советской суеты и текучки, посидеть вне досягаемости, подумать о главном...

Айтматову предложители несколько европейских стран на выбор. Он сознательно выбрал наименьшую по своим габаритам страну, решив, что там будет менее напряженный график дипломатической службы.

Чингиз Торекулович рассказывал мне о некоторых казусах дипломатического этикета в начале своей посольской деятельности: «Однажды, например, на приеме подали какое-то японское кушанье. На огромном блюде очень красиво была выложена экзотическая непонятная еда с цветами! Я решил,

что раз подали к столу, значит всё — съедобное. Потом уж узнал, что они были всего лишь украшением. Долго сам над собой смеялся».

Ч. Айтматов начал свою дипломатическую деятельность, можно сказать, задолго до официального назначения его Чрезвычайным и Полномочным Послом СССР в Люксембурге. Речь идет о его деятельности на попритче народной дипломатии, а именно — об Иссык-Кульских форумах.

Что же такое «народная дипломатия?» В последней четверти XX века неуклонное повышение веса демократических норм общественно-политической жизни усиливали влияние мировой общественности на процессы, происходящие в мире. Народная дипломатия — это устойчивый и относительно институализированный способ артикуляции обмена мнений по глобальным проблемам современности. В рамках народной дипломатии оценивались ведущие тенденции мирового развития, формировались собственные структуры и предлагались пути и средства для решения злободневных проблем как на национальном, так и на международном уровнях. Именно в рамках народной дипломатии обложение позиции и интересов участников международных отношений в свои цивилизационные одежды неформального, непосредственного и живого личностного общения стало непреложным фактом современной мировой политики.

Поскольку человечество едино по своему происхождению, поэтому невозможно остановить общую тенденцию к интеграции, которая понимается как движение к новой, создаваемой общими усилиями и добровольно принимаемой системе ценностей, ориентиров и целей, лежащей в основе не разобщенного, а гуманистического и уверенного в своем будущем развитии мира. Значительная роль в этом процессе принадлежит народной дипломатии, важнейшей

функцией которой является усиление гуманистического характера и вектора мировой политики¹. В этом смысле Иссык-Кульские Форумы в конце XX века были важнейшим направлением народной дипломатии и оказали значительное влияние на убыстрение процесса окончания «холодной войны».

Чингиз Айтматов говорил, что участники Иссык-Кульского Форума-86 собрались с целью «обозреть сообща волнующие нас проблемы в аспектах культуры и выживания человеческого общества, в их реальности и перспективах развития»². Такой разговор возник не случайно, то был круг достаточно хорошо знавших друг друга людей по научным трудам и художественному творчеству, по предыдущим международным встречам. И самое главное — то были люди, не курьезуемые какими-либо инстанциями — обстоятельство, имевшее тогда принципиальное значение.

Какие обстоятельства в свое время побудили стоявших у истоков этого клуба интеллектуалов отправиться в дальний путь на Иссык-Кульский Форум, на окраину советской империи? Несомненно, это шло от внутренних убеждений всех участников Форума, от осознания своей ответственности за тревожное состояние духовного мира большинства современников, от необходимости осознания насущных проблем той поры, а также от осознания ответственности перед совестью, перед собой, перед временем.

Побудительным мотивом возникновения Иссык-Кульского Форума в азиатской части мира, т.е. там, где тоталитарные схемы мышления особо

¹ Подробнее об этом см: Якунин В.И. Народная дипломатия как фактор мировой политики и инструмент межцивилизационного взаимодействия // От диалога цивилизации к сотрудничеству и интеграции. Наброски проблемного анализа / Под. Общ. Ред. С.С. Сулакшина. 2-х изд. М., 2006. 175 с.

² Айтматов Ч. Как человеку жить на свете? (Выступление на открытии Иссык-Кульского Форума, октябрь, 1986 г.) // Ковчег Чингиз Айтматова. М., 2004. С. 577-578.

соблюдались, жестко контролировались как доминанты общественного устроения, по мнению Ч. Айтматова, было осознание «кризиса, достигшего своего грозного апогея во взаимной ядерной осаде человеческого разума, когда развитие мировой цивилизации привело к тому, что человечество стояло на коленях в страхе и смятении перед собственным порождением, перед грандиозным достижением человеческого гения, обернувшимся в силу противоречий человеческой природы сатанинской силой зла, тупиком цивилизации, обрывом в бездну истории...»¹.

В честности, а Итоговом документе Исык-Кульского Форума-97 записано: «Мы поддерживали государственную политику стран региона, направленную на сохранение гражданского мира и межнационального согласия, на создание законодательно-правовой основы и общественного климата, предлагающих мирное сосуществование различных культур и идеологий, способствующих открытости между различными социальными общностями, этносами и конфессиями. Такая политика должна исходить из принципа укорененности в родную почву социально-экономических, политических, культурных структур общества. Успех общественных реформ возможен лишь в том случае, если они учитывают национальную, культурную самобытность и своеобразие народов. Это предполагает глубокую адаптацию ценностей современной технологической цивилизации к конкретным историческим условиям стран региона»².

В одном из своих последних интервью Чингиз Айтматов о культуре мира и культуре войны говорил следующее: «Я считаю, что на смену культу войны обязательно должна придти культура мира. Испокон

¹ Айтматов Ч. Вернемся к берегам своим, Исык-Кульским (Речь на открытии Исык-Кульского Форума, 1997 г.) // Ковчег Чингиз Айтматова. М., 2004. С. 643-644.

² См.: Итоговый документ Исык-Кульского Форума-97 // Центральная Азия и культура мира, 1997. № 2-3.

веков воспеваются герои войн, их мужество, беспощадность — это воспринимается как достоинство, доблесть. Посмотрите на площади столиц мира — там непременно восседают полководцы на конях. В то же время личности, сопряженные не с войной, а, наоборот, с миролюбием, не воздвигались на пьедесталы. Между тем пора бы нам научиться преодолевать этот комплекс неполноценности, прежде всего, через литературу и искусство, фундаментом которых является гуманизм»¹.

Чингиз Айтматов — дипломат от Бога. К послам всегда относились и относятся с большим пиететом и уважением. Дипломатическая карьера считается одной из самых престижных. А что, на первый взгляд работа пыльная, место весьма престижное и, соответственно, завидное. Пришел, обаял, убедил — вот, пожалуй, формула дипломатического успеха. Но только на первый взгляд. Для того чтобы получились сливки, сколько нужно взбивать молоко? Сливки общества тоже получаются в результате сложного процесса сепарации. Не зря послы во все времена считались наиболее культурными и образованными людьми. Ибо каждое слово Посла выпестовано и исполнено смысла. Эталонный министр иностранных дел Наполеона Бонапарта Талеيران, когда ему доложили о том, что умер один Посол, спросил: «Да? А что он хотел этим сказать?».

Чингиз Айтматов отнюдь не был кабинетным Послом, напротив, он всегда стремился к конкретному воплощению своих идей и находил удовлетворение только в такого рода «осязаемом» дипломатическом творчестве. При этом подход Айтматова отличался прагматизмом: если изначальные идеи сталкивались с жизненными реалиями, практик в нем почти всегда брал верх.

¹ Чингиз Айтматов: «На смену культу войны обязательно придет культура мира» // Аргументы и факты — Европа, 2008. 11 июня.

Он был человеком чрезвычайно общительным в дипломатическом корпусе. Был прост в обращении, никакой рисовки, напыщенности. Те кто часто общался с ним, отмечали его доступность, открытость, готовность помочь людям. У него был широчайший круг знакомств, множество друзей, приятелей среди послов и дипломатов, государственных и общественных деятелей. Он был жизнелюб, эпикуреец по складу своего характера. Чувствовал себя своим человеком в дипломатическом мире, в котором жил и работал. И не просто жил, а жил полноценной замечательной жизнью Чрезвычайного и Полномочного посла, профессионального дипломата.

Абдулла ОРИПОВ

МАЪНАВИЙ ДАРДДОШЛИК

Бадий тафаккур тонгидан бошлаб маҳобатли Шарқ, жумладан, туркий халқлар жаҳонга ўнлаб улуг адибларни берди. XX асрнинг анна шундай жаҳонгир адибларидан бири, шубҳасиз, Чингиз Айтматовдир. У кишининг номи ҳар қандай шарҳу изоҳларсиз дунё китобхонлари сингари ўзбек ўқувчисига ҳам таниш ва қадрдон. Чунки Чингиз Айтматов аллақачон Шарқ халқлари, жумладан, ўзбекнинг ҳам адабиға айланиб улгурган; унинг ҳар бир яратган асари сиёҳи қуримасдан ўзбек тилига таржима қилинди. Улуғ адиб барҳаётлигида бундан чандон фахрланарди. Чингиз оға ўзбек ўқувчисининг хонадонига жаҳоний ёзувчи бўлиб кириб келди. У дунёга Марказий Осиё, Шарқ адаби бўлиб танилди – бундан биз фахрланамиз. Чингиз оға ҳам ўз навбатида ўзбек адабиётига ката меҳр, ката ҳурмат билан қаради; уни ҳимоя қилди; ўзбек адабиёти билан дўстлашди ва уни ўзининг жонажон адабиёти деб билди.

Чингиз Айтматовнинг ёзганлари нега ўзбек китобхонининг қалбига бунча яқин? Бунинг биринчи сабаби шуки, ёзувчи қаламга олган қаҳрамонлар турмуши, психологияси, орзу-интилишлари ўзимизникига жуда ўхшайди. Айтматов қаҳрамонларига қайси томондан ёндошманг, тарихан ўзбек халқи ҳаётига муштарак. Саида, Танабой, Дуйшен,

Олтиной, Бўстон, Эдигей, Илёс... – булар ҳаммасининг кечмиши ўзбек халқининг XX асрдаги ҳаётини эсга солади. Ёзувчи ижоди ўзбекларникига муштарак руҳий анъаналар асосида шаклланган.

Баъзан ўйлаб қоласан киши: Абдулла Қодирий, Ойбеклар узоқроқ яшаганда – қаттол замоннинг қурбонларига айланиб, ижодларига раҳна солинмаганда, жаҳон адабиётини яна қандай асарлар билан бойитган бўлардилар! Тақдир гўёки Чингиз Айтматов тимсолида туркий халқлар адабиёти олдидаги мана шу айбни ювгандай. Адиб биз ўзбекларга ҳам туркий халқлар ҳаёти юксак бадиият билан тасвирланган асарларни ҳадея қилди. Мана шу ўринда дунё тан олган устоз адиб Мухтор Авезовни ҳам эсламаслик мумкин эмас.

Иккинчидан эса, Чингиз Айтматов асарлари умуминсоний ғоялар меҳвариди туриб ёзилган. Масалан, «Жамила»ни олайлик. То шу пайтгача шундай ўхшаш сюжет қолипни бор эди: бой ўз батрагининг гўзал хотинини севиб қолади, батракни сургун қилиб, зўрлик билан чўрига уйланади... Албатта, бу ўтмиш ҳаётда бўлган гап, унда киши қалбини титратадиган, бадиий асарга мўъжа бўладиган драма бор. Аммо Чингиз Айтматов мана шу қолипни синдирди, ишқ-муҳаббат сюжетини янги руҳ билан бойитди. У жаҳолатга қарши қалб эрки ғоясини улуғлади. Жамиланинг муҳаббати шарқона менталитетдан қанчалик ташқари бўлиб туюлмасин, биз, барибир, унга мафтун бўламиз. Бизни мафтун қилган нарса – тор қобиқлардан ташқари чиқа олган қайноқ туйғулар тасвири, жаҳолатга қарши жасорат билан йўғрилган гўзал инсоний муҳаббатдир.

Жеймс Жойс, Габриэль Гарсиа Маркес, Поуло Коэло дунёга танилган ёзувчилар, уларнинг ўзига хос услуби бор. Уларни, булҳавасликка деймизми,

олифтагарчиликка деймизми, ҳамма ўқийди, аммо ҳамма ҳам тушунавермайди. Чингиз Айтматов эса анъанавий насрда – ҳаммага тушунарли услубда ёзди. Унинг ёзганларидан баҳра олиш учун адабиётга оид махсус билимлар шарт эмас. Бадиий адабиёт фақат насиҳатгўйлик учун ёки ўз қаламининг кучини кўрсатиш учун ёзилмайди, ундан қалб таъсирланиши, кўтаринки руҳ олиши ёки инсоний изтиробларга дўст туғилиши керак. Китобхон Чингиз Айтматов асарларини зўриқмай, чинакамига эстетик баҳра олиб ўқийди.

Айтматов ижоди бизга кўп жиҳатдан сабоқ бергулик мактабдир. Менинг учун Айтматов сабоқларидан бири қуйидагича: Чингиз оға ўзининг бениҳоя жасур истеъдоди билан ҳар қандай маҳдуд, қийин шароитда ҳам ҳақиқатни қиёмига етказиб, ўринлатиб айта билишини исботлади. Адибнинг “Алвидо, Гулсари” асарини эсланг. Асар қаҳрамони Танабойнинг ҳам, унинг содиқ йўлдоши Гулсари лақабли отнинг ҳам навқирон чорлари жамият хизматида сарф бўлди. Бироқ, улар қартайгач назардан, эътибордан қола бошладилар. Ёзувчи мана шу фикрни мураккаб шароитда катта маҳорат билан бадиий асарга айлантирди. Бу гап бугунги кунда ҳам ўз актуаллигини, ҳаётини қимматини йўқотган эмас. Албатта, ҳар қандай буюк адибнинг ҳам ўз услуби, оҳанги бўлади. Толстойни Достоевскийдан фарқлашда доҳиёна белгиларни илғаш мумкин бўлганидек, Айтматов ижодини кузатганда ҳам фақат унга хос бўлган фазилатларни дарҳол топа оламиз. Булар – чуқур инсоний фалсафа ҳамда ғоят гўзал поэтик руҳдир”.

Айтматов халқимиз тарихи ва маданиятини, бой маънавий меросимизни яхши билади, чуқур ҳис этади, буюк алломаларимиз билан ўзбек халқи

каби фахрланади. Унинг қисса ва романларида, публицистик мақолаларида Ўзбекистон, ўзбек халқи, қадим тарихимиз, аждодларимизнинг буюк маънавий мероси, Самарқанд ва Бухоро тарихи билан фахрланиш, Орол кўлининг тақдиридан куюниш билан боғлиқ ўринлар кўплаб учрайди. Шу жиҳатдан қараганда, Ч. Айтматовнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги йирик публицистик мақоласи ҳам гоят гоят аҳамиятлидир.

Чингиз оға, айниқса, Ўзбекистонда унинг ижодига зўр қизиқиш билан қаралаётгани, баъзи асарлари қирғиз тилида чоп этилаётган асарларидан кўра ҳам кўп нусхада босилаётгани, “Сарвқомат дилбарим”, “Момо Ер”, “Оқ кема”, “Алвидо, Гулсари”, “Соҳил бўйлаб чопаетган олапар” каби асарлари ўзбек саҳналарида намойиш этилаётгани, таржимонлар, режиссёр ва актёрлар бутун маҳоратларини ишга солиб, унинг ўй-фикрини китобхонга, томошабинга тўғри етказишаётгани, республиканинг кўплаб олий ўқув юртларида ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари доимий равишда ўтказилаётганидан хурсанд эди.

Чингиз Айтматов миллионлаб китобхонларнинг маънавий мулкига айланган, дунёга донғи кетган роману қиссалар муаллифи, инсон, унинг руҳияти ёзувчи ижодининг бош мавзуси бўлди, ҳамиша даврнинг энг долзарб, салмоқли, чатнаб турган мавзуларида қалам тебратди, майда, ўткинчи туйғулар билан ўралашмасдан юксак, гўзал, умуинсоний кечинмаларни, дардларни маҳорат билан тасвирлаб бера олди. Ўзбек китобхонлари учун Чингиз Айтматов ўз ёзувчисидек эди. Айни чоғда “Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги юзимиз ва сўзимиз” деган адибнинг юртимизга бўлган меҳри бўлакча эди.

Ўтди Чингиз оға,
Тенгсиз бир даҳо,
Улуғ бир қиссагўй, туғма донишманд.
Майда туйғуларни суймасди асло,
Маҳобати эса Манасга монанд.
У инсон дардини куйлади тўлиб,
Сўзни азиз билди нон билан туздек.

Меҳру садоқати мустажоб бўлиб,
Адибни бошига кўтарди ўзбек.
Ота юрти учун курашларга шай,
Не буюк зотларга бўлди ҳамнафас.
Қирғиз эканлигин зарра унутмай,
Тулпорин бошқача кишнатмади, бас.

2012 йил

Виктор АЛИМАСОВ

ОҚҚУШ НОЛАСИ

“— Эломон, бери ке, — деб ўғлини чақирди она. — Жиловни ушла, мен Кўлга сиғинай”.

— Эй Иссиқкўл, келдим, келдик пойингга! Элингга келдим! Ақрабо-қондошларимни кўргани келдим! Соғиндим, ёт-етим бўлиб қолдик-ку, ахир. Шунча йил менсиз, инингсиз қандай яшадинг? Қандай яшадинг, а?! Маҳобатинг жавобдек туюлади. Сокин, ложувард қиёфанг ҳамон ўша-ўша. Орқангдаги тоғларнинг виқори ўша-ўша. Чўққилари кумуш рангда жилоланади, ўзини яратган Тангри даргоҳига етишга аҳд қилгандай, кўкка қадалган уларнинг. Тошканти азимдан бирга келган ҳамроҳим, ининг Сенга тааллуқли ривоят топибди. Эмишки, бўм-бўшлиқ! Мутлақ бўм-бўшлиқ! Миллион, миллиард йиллар давом этган бу бўм-бўшлиқ охири ўз бўм-бўшлигига чидолмай, инграб юборибди. Нола чекибди. У қанча, яна миллион йилми, миллиард йилми, нолаю афғон қилибди, буни ҳеч ким аниқ билмасмиш. Унинг изтироблари Тангрининг раҳмини келтирибди. У, бўл, дебди. Ён-атроф нурга тўлибди. Бўл, дебди яна. Замин ва Фалак яралибди. Шу тарзда ўрмонлар, дарёлар, жониворлар ва охирида Одам яралибди. Одамга қалб, онг, истак ато этибди. Яна нима сўрайсан, дебди У, Беҳишт, дебди Одам. Тангри уни биқинингга жойлаштириб, Сенга ёзу қиш Одамга хизмат қилишни буюрганмиш. Шундан бери Сен қишда ҳам музламас, Одамга, барча жонзотларга куч-қувват инъом этармишсан... Уммонсифат беададлигинг, дониш-

мандона осудалигинг, Изид нигоҳидай тиниқлигинг ҳар қандай кибрлини, росихни мулзам этади, ёқа ушлатади.

— Ё қудратингдан! — дейди ининг баҳрий қудратингга лол қолиб. — Бу на сир? Бу на ҳикмату аломат! Бутун Осиё — Иссиқкўл! Унинг маҳобати, куч-қуввати таъсиридан шоир ёки дурбор бўлмаслик мумкин эмас!

— Бу мўъжизани кўрмаслик, билмаслик мумкин эмас. Эломоннинг онаси Кертолго сиғинган кўл бу!

Чингиз Айтматов Кертолғони кўлга сиғинтирганида ёш эдим, талаба эдим, ғайритабиий ҳолдан ажабланганман. Ижодкорнинг бадий тўқимаси, хаёлотифодаси бу, деганман. Кишиларнинг бутларга, тошларга, дарахтларга, авлиёларга сиғингандан хабардор эдим, лекин кўлга сиғинишини тасаввур қилолмасдим. Йўқ, бу реалликдан чекиниш! Лекин уни реаллик сифатида қабул қилиш истаги ҳам йўқ эмасди менда. Ушбу зиддиятли фикримни адиб ижоди бўйича мутахассис, олимага билдирганман. Ўшанда мен Маданият институтида ҳам талаба эдим, ҳам, устозим Азизхон Қаюмов тавсияси билан, ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида ишлардим.

— Даштнинг ўзига хос маданияти, буд-борлиқни англаш услуби бор. Дашт учун сув — илоҳий неъмат! Қирғизлар сув исрофгарчилигини кечирилмас гуноҳ деб билади. Улар назарида Тангри кечирмайдиган икки гуноҳ бор: биринчиси — қавмини унутиш, иккинчиси — сувга тупуриш. Тупуришни кенг маънода талқин қилиш зарур.

Олима тасаввурларимга тўғри йўналиш берганини кейин англадим. Ижодкор асарларида қаҳрамонлар мудом қавми бағрида, даштона анъаналар ва тасаввурлар билан тасвирланади. Бу менга традиционализмга мойиллик бўлиб кўринади. Аслида дашт ҳаётида традициялар, яъни анъаналар қо-

лоқлик сифатида эмас, балки элни бирлаштирувчи ғоя, уларга амал қилиш ёвуз ниятли душман, бешафқат ҳаёт олдида иродали, мард ва элсевар инсон бўлиб яшаш қондасидир. Тарқоқ қавмлар, қабила-уруғлар анъаналари туфайли миллат сифатида шаклланган, ўзлигини асраб қолган. Айтматовнинг дашт анъанавий ҳаётига, турмуш тарзига мурожаат этгани шунинг учундир.

Мана, қирғиз ақрабо-қондошларим сиғинадиган Иссиқкўл рўпарасидаман. Бу ғоят сирли ва мафтункор уммон дашт маданиятини шакллантирган, даштликларга ҳаёт берган, уларнинг қувончидан қувонган, нолаларидан нола чеккан. Қирғиз анъанавий ҳаётини англаш Иссиқкўлни англашдан бошланади.

Ушбу сўзлари билан у кўлга ўтирилди ва шошилмай, тантанали тарзда сув томон йўналди. У кучли шамол таъсирида тошқин тўлқинлар ювган тоза, қизғиш қирғоқ қумини босиб борарди. Бошида қордек оппоқ, ияги ости бурушиқларини тўла, таранг ва зич ўраган катта салла бўлса-да, ҳатто сезиларли даражада қариган, ҳатто салласи тагидан оқарган сочлари чеккасига тушиб турса-да, у чиройли кўринарди. Унинг танаси таранг, ҳатто бақувват, келишган эди; Олмошни келин қилиб олгунча барча хўжалик ишларини бир ўзи бошқарган; эркаклар тўртта – эри ва учта ўғили, аммо уларнинг ҳар кунги уй ташвишларидаги ўрни бошқа”.

Ушбу қисқа тасвирдан кўз олдингизда бутун оилавий ишларни ўз зиммасига олиб, сабру таҳаммул билан яшаган, турмуш ташвишлари сувратида из қолдирган бўлса-да, ҳали андоми тик, латофатини йўқотмаган, зарифа Шарқ аёли гавдаланади. У оилапарвар, камтар ва элсевар. Унда дабдаба, сунъийлик, сохта мардлик йўқ. Нима қилмасин, нима демасин самимий, ҳаётий, лубби ва ниятлари каби мусаффо. У дод солмайди (аслида бунга са-

баблар етарли эди), вовайло кўтармайди, ҳеч кимдан қусур изламайди, Тангри инъом этган умрни муқаддас билади. Қавмига, элига омонлик тилаб, кенжа ўғлига Эломон деб ном қўйган. Ўн етти яшар қизи, эрининг иниси Қўйчиманга келин қилиб берган қизи бевақт вафот этганидан хабар келгач, вазиат-да, азага йўлланаётганида бошқа дард, хавф бостириб келади, эри Сенирбой-ўтовчи юрагини ушлаб ётиб қолади. Азага, видолашишга у боришга мажбур. Ўғли Эломон эса отаси ёнида қолиши даркор. Булар – ҳар кимнинг бошига тушадиган ташвишлар. Агар ёзувчи уларни баён қилиш, эслаш билан чекланганида асар ижтимоий аҳамият касб этмасди. Ёзувчи Кертолго кечинмалари ва илтижоларини қавми, эли изтироблари билан уйғунлаштиради. Иссиқкўл гувоҳ уларга. Мадаккор Иссиқкўл. Нажот Иссиқкўлдан. Ўй-фикрларимни ўқигандай ҳамроҳим дейди:

– Қадимгилар кўксини ерга босиб, ундан қувват олганлар. Ҳамон баъзилар у ёки бу дарахтга суяниб, уни қучиб ўзига куч орттирадилар. Куч-қувватни моддий нарсалардан олиш, тилаш мистика, албатта. Уни вужуддаги гармонлар шакллантиради, уларнинг заифлашуви, камҳаракатчанлиги вужудни ожиз, камқувват қилади. Ҳар ҳолда илм-фан хулосалари шундай. Шундай қудратли уммоннинг ожиз вужудга қувват бермаслиги мумкин эмас. Нима дейсиз, а? Ахир одам вужудининг 85 фоизигача суюқликдан иборат-ку?!

Жим, ўз хаёлларимга чўмган ҳолда, ҳамроҳимга тикиламан. У менга бетакрор, аммо қирғиз эли, Ч.Айтматов қаҳрамонлари аллақачон намоён қилган, ечган бир жумбоққа жавоб излаётгандай кўринади. Ўзимча бир нималарни гўлдирайман:

– Ундай бўлса... Ундай бўлса Ой ҳам, Қуёш ҳам... хуллас, ҳамма нарса, вужуддан ташқаридаги барча нарса изз-қувват беради. Ҳаттоки, ана у йўлак-

да ётган тош ҳам, чунки ундаги куч одамда йўқ. Эсингиздами, “Учиб ўтар қушлар ноласи” ҳикояси охирида оққушларнинг узоқ сафар олдидан Иссиқкўл устида айланиши тасвирланади. Улар учиб кетаётиб ёмғирга, қорга, қанотларини музлатувчи совуққа дуч келишади, ёзувчи уларни орқага қайтаради. Қушларни тагин Иссиқкўл устида айлантиради, менимча, бу беҳуда эмас.

— Мен, узр, адабиётшунос, Чингиз Айтматов ижоди бўйича мутахассис эмасман. Аммо гап бошқа нарсада. Оламдаги барча нарса куч-қувват атрофида бири-бирига боғланган. Бирлашган. Уйғун. Бу куч-қувватни, сиз дейдиган изз-қувватни ҳар ким ҳар хил талқин қилади, кимдир диалектик боғлиқликда кўради уни, кимдир моддалар тортишувида, кимдир табиатда, худода... аммо барчасида моҳият ўша! Яъни куч-қувватда! Буни нафақат табиий оламда, шунингдек, жамиятда ҳам кўришингиз мумкин. Куч-қувватни табиат беради, уни ўзи тагин олади! Мана, ҳаёт ҳикмати! Кучдан қолганга ўрин йўқ бу дунёда. Куч-қувватга қўшилиб, мавжудсиз. Ўша ҳикоя якуни мисол. Фожияли якун, бироқ — ибратли мисол.

— Чингиз Айтматов асарларида бу ҳикмат “Момо Ер”да яққол, маҳорат билан жамланган. — Умуман, барча асарларида. Жамилани Дониёрсиз тасаввур қилолмаганингиздек, уни туғилиб ўсган овулидан ажратолмайсиз. Илёс ва Асал муҳаббати Иссиқкўл тасвири орқали маъноли. Нафис. Бундаги куч-қувват, менимча, инсонлар, тақдирлар, подаларнинг кенг, эркин ўтлаб юриши учун мавжуд замин билан уйғунлигида. Уйғунлик — куч. Кучи орқали у Буюк. Буюк Уйғунлик. Чингиз Айтматов ушбу уйғунлик, ушбу куч-қувват мадҳиячиси. Узр, адиб асарларининг барини ўқимаганман, аммо ўқиганларимдан шундай фикр шаклланган менда.

Хаёлимга Кертолго келади. У менга қирғизлар борлигига сингган, уларнинг буюк адиби улуғлаган уйғунлик, Буюк Уйғунлик тимсоли бўлиб кўринади. Бу тимсолни, худди Иссиқкўлни унутиш мумкин бўлмаганидай, унутиш қийин. У Иссиқкўл ва қирғизлар ҳақида ўйлаган заҳоти хаёлингизга келаверади. Содда, жафокаш, эркесвар ва элсесвар аёл! “— О Иссиқкўл, сен замин нигоҳисан, сен мудом кўкка тикиласан. Ўлмас, музламайдиган Иссиқкўл, менинг илтижоларим худога, тақдирларни белгиловчи, тепадан сенинг тубингга қаровчи Тангрига етиб бориши учун сенга мурожаат қиламан. О, Тангрим, даҳшатли ва хавфли ёвга, ойратга қарши туришимиз учун бизга куч бер. Сенинг неъматларинг — майсазор ва адирларингда молларини ўтлатиб, сенинг тоғларингда яшаётган олти бўғимли қирғиз элини асра. Ўтов-ўчоқларимизни ойрат отларига топтатма. Адолатли бўл, очиқ жангда голиб чиқишимизга мадад бер. У ерда, анаву тоғлар ортида, Толчуй даштида нималар бўлаяпти? У ерда нима рўй берди? На хабар бор, на жанг майдонидан даракчи бор, кўзларимиз тўрт тикилади, юрагимиз ташвишдан толиққан. У ерда нима бўлаяпти? Бизни эртага нима кутаяпти? Тангрим, жангга кетганларни ўзинг асра. Уларни эгар устида кўрсат, улар жасадининг туялар устига юкланганини кўрсатма. Тангрим, менинг, уч ўғилли муштипарнинг илтижоларини эшит...”

Ушбу илтижоларни берилиб, юрак талпиниши ва уришини унутиб, ўжар ақлдаги қотган тасаввурлардан нари туриб, ҳатто идрок орттирган тажрибалардан кечиб, эшитиш керак. Даҳрий ақл улардан далил талаб этади, беҳис идрок уларни сентиментализмга йўяди, аслида она нолаларида, ёлворишларида ҳаётни асрашга даъват бор. Ушбу даъват — далил. Муаббадни улуғловчи далил. Ундан кейин ё нажот келади, ёки — фалокат. Буни

қахрамон билади. Ҳамроҳим диншунос олим. Шунинг учун Кертолго илтижо-ибодатларини эслаб унга дейман:

— Чамаси Цицерон, Гольбах, Рассел ҳақ: кишилар борлиқ сирлари, муаммолари олдида ожиз қолганларида худога эҳтиёж сезадилар. Чингиз Айтматов қахрамонлари нажотни, куч-қувватни кўкдан қидирганларида ҳаёт муаммолари олдида ожизлигини билдирадилар. Тангри борлиқдаги, улар назарида, ягона қудратли куч, фақат у ердаги одамларга ёрдам бериши, уларни муаммолардан халос этиши мумкин. Улар шунга ишонишади. Чингиз Айтматов — реалист ёзувчи. Бу аксиома, ҳатто у Кассандра тамғасини мавзу қилиб олганида ҳам замонавий-ахлоқий муаммоларга жавоб излайди. Яъни ўзининг реалистик услубини давом эттиради...

— Гап Тангрида ёки худога эмас, уларга ишониш ёки ишонмасликда ҳам эмас, — дейди ҳамроҳим гапимни бўлиб.

— Унда нимада?

— Инсон борлиқда яқка эмаслигини инстинктив сезади. Бу инстинктни ким ёки нима унинг руҳига жо этган, айтиш қийин. Биз, олимлар, ушбу субстанционал асосни унутамиз. Ҳамма нарсани, ҳатто ўша инстинктни ҳам, ақлу идрок мезонлари билан ўлчашга, баҳолашга интиламиз. Иррационални рационал билан изоҳлаш охир натижада иррационални тан олишга етаклайди. Ўша инстинкт инсонни ўздан юқорироқ, аълороқ бир мавжудот борлигига ишонишга ундайди, у бу даъватдан қанчалик қочишга, уни қанчалик рад этишга интиلمасин, барибир, қалбининг бир тубида унга мойиллик борлигига иқрор бўлади. Гоҳо ошкора тан олади. Мен шундай фикрга келганман. Агар Чингиз Айтматов қахрамонларини илоҳий кучга мурожат эттирса, демак, у ўша, юқоридаги инстинктни тўғри ан-

лаган. Шунинг учун уни, яъни Тангрига ишончни инсоннинг борлиқ муаммолари олдидаги ожизлиги, деб талқин қилиш нотўғри. Бу инсон руҳиятини билмаслик ёки юзаки билиш аломати. Ёзувчи ҳеч бир асариде илоҳий кучни муккасидан кетиб улуғламайди, эътиқодни мутаассибликка айлантирмайди. Бундай асари борлигидан беҳабарман, уни учратмаганман.

— Бу талқинда, дўстим, эътиқод, қахрамонларнинг Тангрига мурожаати оний, ўткинчи ҳисга, ҳатто кишининг ўзини ўзи алдашига айланади. Сиз айтаётган инстинктнинг, ўша сирли инстинктнинг эътиқодга айланишини асослаш қийин. Одамдаги ҳар бир майлни ёқлаш учун ундан ўшандай инстинктни топиш мумкин. Агар адиб ҳаёт бўлганида бу мавзуга мутлақ бошқача ёндашармиди...

— Буни илоҳиётшунослар, бақои локалом, яъни абадий жавобсиз баҳс, мавзу, дейишади. Буюк ижодкорлар мудом шундай баҳслар уйғотиб келган. Қаранг! Тўғрига, тоғ томондан кўл устига келаётган булутга қаранг! Йўқ, шарпага... йўқ, одамга ўхшайди! Одамга ўхшайди!!! Ана, тўхтади. Йўқ, келаяпти.

— Ҳа, одамга ўхшаб кетади. Ҳа, келаятгандай, йўқ, тўхтагандай. Қўлида китоб бор. Пешанаси кенг, сочлари орқага таралгандай. Ҳайбатли, Иссиққўлни бир ҳатлаб ўтадим дейман. Ёзувчига, Чингиз Айтматовга ўхшаб кетади, а?

— Ўхшайди. Ўхшаб кетади.

— Қанотлари ҳам бор! Оққушникидай!

— Катта қушникидек!

Биз Иссиққўл устидаги, беҳад катта шарпа-булут — ёзувчига абкамона интиқиб турардик. Сув устида бир гала оққушлар кўринди, кейин, улар билан бирга, алҳол шарпа ҳам ғойиб бўлди. Бир дақиқача давом этган ҳолни биз трансцендентга йўйиб, ётоқхонага қайтдик.

Менда икки марта Чингиз Айтматов билан учрашиш имкони бўлган, аммо ўзимнинг танбаллигим ва одамовийлигим боис уларни бой берганман. 2016 йили Бишкекда туркий халқлар тарихига бағишланган халқаро илмий анжуманга борганимда дўстларимдан ёзувчига атаб қурилаётган мемориалга оборишларини сўрадим. Бу аслида ўша имкониятларни бой берганим учун узрим эди. Мемориал пойтахтдан чеккада, 60 км.дан зиёдроқ узоқликда экан. Кекса ва серсоя дарахтлар панасида баланд бўйли адиб бармогига илдириб олган кастюмини елкасига ташлаган, иккинчи қўлида китоб, ўйчан нигоҳини тепароққа қадаган турибди. Атроф жимжит, ҳаммаёқ – кўм-кўк, амнобод маскан. Менга адибнинг ўзи шундай осуда жойга, даштона кенглик бағрига дафн этилишини васият қилгандай туюлди. Пастдан Иссиқкўл нафаси эсаётгандай, оққушлар ёзувчига таъзим қилиб, уни ёдлаб, учаётгандай...

Эртасига бир ўзим Иссиқкўлга чиқдим. Ён-атроф турфа гулларга бурканган, четдан келтирилган дарахтлар оромгоҳни ўта серфайз, гўзал кўрсатади. Нигоҳи қувонади кишини. Чўмилиб, дам олаётган кишиларнинг мамнунлиги сенга ҳам ўтади. Кўл устига тикиламан, агар адиб келса нима дейишимни режалаштираман. Бир соатлардан кўп чўмилиб юрдим, нигоҳим ва хаёлим тоғ томонда; йўқ, у кўринмади.

...Кертолго ҳамон илтижо қиларди, эрига умр сўрарди. Эри қўли гул уста, барчага, ёшу қарига ўтов керак ахир. Аммо ҳаётнинг ўз қонунлари бор, улар киши истакларидан ташқарида. Кертолго кетгач, Сенирбой-ўтовчи ўғли қўлида жон беради. Ойратлар жангда голиб келади, ўғлини яширгани учун Кертолго, кейинроқ эса Эломон ҳам ўлдирилади. Ҳикоя қаҳрамонларининг фожиали тақдири ачиниш уйғотади. Лекин она илтижоларида бутун

қирғиз халқининг Иссиқкўлга сизинишга, “Манас” Сўзларини, ундаги Буюк Уйғунликни асрашга қаратилган нолаю нидоси мужассам.

“Тангрим, онаизорнинг оқ сути билан ёлвора-ман, менга қулоқ тут, сўзларимни эшит! Биз, эй тақдирларнинг буюк эгаси, кўкдаги Тангри, бу ерга, ердаги нигоҳинг – муқаддас Иссиқкўлга сенга мурожаат қилиш учун келдик. Бу мен, ёнимда менинг ўғлим Эломон; менинг сўнгги ўғлим, энди мен бошқа ҳомила кўрмайман ва бошқа, яхши ҳам, ёмон ҳам, бола туғмайман, сен ушбу ўғлимга отаси Сенирбойнинг ҳунарини, касбга ишқини бер, унинг ўзи ҳам шунга талпинади... У сўнгги ўғлим менинг; у яна, ўзининг акаси каби, “Манас” оқини бўлажак. Бу борада ҳам йўқ дема, энг аввало унга қадимги Сўз қувватини бер, ушбу Сўз, дарахт илдизлари каби қалбига ўрнашсин, у аждодларимиздан авлодларга борувчи Сўзни фарзандлари ва невараларига етказсин, унга аждодларимиз қирғиз бўлганидан бериги Сўзни хотирасига жойлаштирувчи куч ва қувватли руҳ бер...”

Она қавмини фожиали қисмат кутаётганини билмайди, унинг қалби орзу умид ва тилакларга тўла. Қайтиб келганида эрини соғ-саломат кўриш истаги бор унда, ўғлим отаси касбини эгалласин, дейди. Иссиқкўлни муқаддас билади, элини эркин кўргиси келади. Шунинг учун Тангрига ёлворади, ибодат қилади. Оддий, инсоний истаклар булар. Ҳаёт эса бешафқат. Ҳатто у Тангри амрини ҳам инобатга олмайди. Агар худо покдамон, эзгу ниятли ва эзгу амалли инсонларни севса, катта-кичикни ошёнли қилиш гами билан яшаган, қадаққўл Сенирбой-ўтовчини, содда, тозадил ва элсевар Кертолго ва Буюк Уйғунлик тимсоли Эломонни қутқармасмиди? Агар Тангри чиндан Эзгулик, Муҳаббат ва Оқибат тарафдори бўлса, у нега

қирғизларни қўллаб-қувватламади? Нега зулмкор, бадният душман ғолиб келди, тантана қилди? Нега...

Илмий анжуман тугаб, эртасига қайтадиган куним тагин Иссиқкўлга чиқдим. Танга роҳат бахш этувчи сувда чўмилдим. Тўғриси, кўлни тарк этгим келмасди. Истагимни сезгадай тип-тиниқ сув аста, билинар-билимас тебраниб қўярди. Мен билан хайрлашяпти, деган ўйга бордим. Энди қирғоққа чиққанимда Иссиқкўл устида гала-гала оққушлар пайдо бўлди. Улар икки ёнига ташланиброқ, бир-бирларининг қанотларига сурканиб, ўйнаб, сув устида айланишарди. Бир пайтлари адиб оққушларига атаб шеър битгандим, у ёдимга келди:

Сув устида бир жуфт оппоқ қуш
Бир бирини эркалар, қучар.
Висол завқин интиқ кутган қиз —
Йигит мисол тонгни қаршилар.
Сабо келди — уларга қутлов,
Кўл тебраниб тилади омад.
Сахар гули очилди дарров
Тилагандай оққушларга бахт.
Хушнуд жуфтни бир ёвуз нигоҳ
Кузатарди пастда, қўлида қурол.
Ўқ янгради...бир оққуш, э воҳ!
Кўкси қонда қулади алҳол.
Шериги-чи, титради, ҳайрон:
— Не рўй берди, етганим қани?
Сув устида кўрди қирмиз қон
Ва қон-сувга отди ўзини...
Садоқатга гувоҳ кишилар
“Оппоқкўл” деб аташди кўлни,
Ғожиадан хабардор қушлар
Тарк этганлар мангуа элни.

Қушлар ортидан мен кутган шарпа-булут-адиб кўринди. Қўлида дўмбира. Нималарнидир чалаётгандай. Оққушлар унинг атрофида айланиб, ниманидир куйлаётгандай. Улардан бири қирғоққа,

одамларга яқинлашади. Унинг ноласи эшитилаётгандай:
— “Биз баланд ва янада баланд кўтарилиб учажакмиз... Шундай кўтарилажакмизки, тоғлар ясси текислик кўринади, кейин эса бутунлай кўринмайди, ер ҳам, узоқлаша, янада узоқлаша зуҳурини йўқотади: қаерда у — Осиё, қаерда у Оврўпа, қаерда уммонлару қаерда замин? Ён-атроф бўмбўш, беадад Коинотда фақат бизнинг, саҳрода адашган, зўрға чайқалиб, секин судралиб, онасини излаётган бўталоқ каби шарсимон сайёрамиз кезиб юрибди. Аммо она туя қани? Бутун ер онаси қани, бутун ер волидаси қаерда?”

Оққуш ноласига жавоб йўқ. Сас йўқ. Борлиқ сукунат (балки бу сукунат ҳам миллион, миллиард йиллар давом этар?) қўйнида, гўёки, у ҳам ушбу саволларга жавоб излаш билан банд. Ёзувчи мазкур ички турённи, изтиробли кечинмаларни кульминацияга кўтариш зарурдек давом этади:

“Наҳотки, ерга шунча Эзгулик сиғади, унда шунча Ёвуз ишлар авф этилади, унга шунча Эзгулик жо ва унда шунча Бад ишлар кечирилади? Йўқ, кечирилмаслиги керак, йўқ, авф этилмасин, сизларга, эй уруш оловини ёқувчилар, эй ўй-тафаккурни уйғотувчилар, эй тақдирларни яратувчилар, ялинаман! “ Ушбу нолаю нидони ёзувчи “О одамлар, сизларни ғайриодамий офатлардан асрасин...” деган тилак билан тугатади.

Оққушлар Иссиқкўлдан изз-қувват олиб, адиб ҳам Иссиқкўл устида Буюк Уйғунликни тараннум этган Сўзларини, авлодларга аталган нидоларини қолдириб, беадад кенглик қаърига синггиб кетадилар. Бишкекка қайтаётганимизда кўм-кўк адирларга, узоқдаги кумушранг чўққилар ва маҳобатли Иссиқкўлга тикилиб ҳамроҳим дейди:

— Шундай заминда шоир ёки дурбор бўлмаслик — гуноҳ. Унда ҳар бир киши бахтиёр яшаш-

га ҳақли. Лекин... — Ҳамроҳим пастдаккина, лойдан тикланган, деворлари нурай бошлаган уйларга қараб сўлғин кайфиятда қўшиб қўяди, — қондош-қариндошлармиз ахир, қирғиз ўкинса, ўзбекнинг кўксига санчиқ туражак. Ана, қаранг, гала-гала қушлар! Иссиқкўл томон кетишаяпти.

Ҳа, оққушлар ақрабо-қондошларимизга тинч-омонлик ва омад тарқатиш учун муқаддас кўлдан изз-қувват олгани учишаяпти. Улар буюк заминдошининг барҳаёт Сўзлари ва Нолаларини ҳам ёйишни унутишмайди!

Сайди УМИРОВ

ҲАЁТБАХШ ПУБЛИЦИСТИКА

Одатан атоқли ёзувчилар атоқли публицистлар ҳам бўлишади. Чингиз Айтматовга бу гап ҳаммадан кўра кўпроқ тааллуқли. Адиб таржимаи ҳолига қайдларида эслашича, мактабда эркин мавзуда иншо ёзиш, кўнглидаги орзу-армонларини тўкиб солишни хуш кўраркан. Урушдан кейин Жамбул зооветтехникуми, Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтида таҳсил кўрган йиллари “Полк ўғли”, “Оқ қайин” каби асарларни, таржима қонун-қоидаларидан ҳали беҳабар, ўз билгича қирғизчага ўгиради, қўлёзмаларини қўлтиқлаб нашриётга олиб борса, улар аллақачон таржима қилингани, тез орада ўқувчилар қўлига етишини айтишади. “Рости, ўшанда хўп алам қилган эди, — эслайди адиб. — Лекин худди шу нарса менинг ижодий ишимга туртки берди. Талабалик кезлари газеталарга хабар, мақола, очерклар ёзиб турдим”. “Қирғиз тили терминологияси ҳақида”, “Русча-қирғизча луғат тўғрисида”, “Оригиналдан узоқ таржималар” номли илмий-танқидий мақолалари ёш Чингизнинг иқтидори, савияси кенглиги, қалами равонлашиб бораётганидан далолат берарди. Публицистикада орттирган илк тажрибалари бадиётга ўтишига — илк ҳикояларини ёзишига имкон берди.

Бўлажак адиб Москвада икки йиллик Олий адабиёт курсларини битириб қайтгач, “Адабий Қирғизистон” журнаliga муҳаррирлик қилади, кейинчалик беш йил давомида “Правда” газетасининг

Ўрта Осиё республикалари бўйича мухбири бўлиб ишлайди. "Литературная газета" ва шу каби бир қанча нуфузли нашрларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси, юртида, собиқ иттифоқда, чет элларда чиқадиган кўпгина газета-журналларнинг доимий, орзиқиб кутиладиган муаллифларидан эди. 1989-1990 йилларда у "Иностранная литература" журнали бош муҳаррирлигига 17 номзоднинг ичида ўзи қатнашмаган ҳолда сайланади. Қирғизистон кинематография қўмитаси раислиги, депутатлик, дипломатик фаолияти ҳам публицистика билан тез-тез шуғулланиб туришни тақозо этарди.

Ҳар замонда, завқи-ҳуши келганда, байрам, сана ва бошқа муносабат билан мақола, очерк, эссе ёзиб қўядиган, матбуот, эфир, экранда суҳбат, интервью берадиган ёзувчилардан фарқ қилароқ, Чингиз Айтматов публицистикани фуқаровийлик бурчи, виждон-имон даъвати, сайёравий тафаккур, жамоатчилик фикрининг кучли қуроли, воситаси деб биладиган, мавзу, муаммо зудлик билан бонг уриш, зарур сўз айтишни тақозо қилганда ёзаётган асарини вақтинча йиғиштириб қўйиб, шу ишга дарҳол киришиб кетадиган, бутун ижодий фаолияти давомида журналистика қозонида қайнаб келган, ҳаммиша сергак, сафарбар, сермахсул адиблардан эди (бу жанрда битган барча асарлари жамланса бир-неча жилд бўлади). Бу — биринчидан.

Иккинчидан, Чингиз Айтматовнинг бадиёти билан публицистикаси бамисоли эт билан тирноқ, ўзаро киришиб, сингишиб кетган, бири иккинчисини тўлдиради, бойитади. Адибнинг ҳикоя ва қиссалари, романлари, драма ва киносценарийлари, адабий-танқидий мақолалари, суҳбат ва хатлари теран публицистик руҳ билан йўғрилгани яқдил эътироф этилган. "Асрни қаритган кун" "Қиёмат", "Кассандра тамғаси", "Тоғлар қулаганда" романла-

рида публицистик руҳ айниқса бўртиб кўринади, уларда қуйма тасвир, ёрқин характерлар билан ёлқин, эҳтиросли публицистик монолог ва диалоглар, қаҳрамон, персонажларнинг нутқ-ҳайқириқлари, муаллифнинг ўйчан, лирик, айти чоғда фалсафий юкка эга чекинишлари, асосли, босиқ, теран фикр-мулоҳазалари, ўқувчига мурожаатлари кўп учрайди. Шу маънода бу романлар баъзан бадиий-публицистик-фалсафий асарлар деб аталаётганича ҳам бор.

Кейинги йиллар адабиёти учун хос бир тамоийил — беллетристиканинг нимғдор публицистик руҳ касб этаётгани, публицистикада бадиий, пластик узвларнинг кўпайиб бораётгани — Айтматов ижодида, айниқса, бўртиб кўзга ташланади. "Афтидан, ёзувчи ўз фикрларини бадиий асар шакл ва образларда ифодалашдан олдин уни имкони борича ўткирроқ ва тўлиқроқ тушуниб етиш, ишонч ҳосил қилишга эҳтиёж сезади. Бу ўринда бадиий публицистика деб аталмиш жанр беқиёс роль ўйнайди, — дея таъкидлайди Айтматов ўз вақтида АПН нашриёти чоп этган публицистик асарлари тўплами муқаддимасида. Умуман, журналистиканинг жамият ҳаётида тутган ўрни, вазифалари, публицистиканинг аҳамияти, салмоғи ҳақида ёзувчи бир қанча қимматли фикр-мулоҳазалар баён этганки, улар, бир томондан, долзарб, разведкачи, солнома жанрининг табиатини, иккинчидан, адиб мақола ва хатлари, очерк ва суҳбатлари моҳиятини яхшироқ тушуниб олишда ўзига хос калит бўлиб хизмат қилади.

"Бутунолам тортилиш қонуни" мақоласида ("Литературная газета", 1981, 8 апрель) адиб шундай ёзган эди: "Очерк адабиёти, уни "бадиий", "лирик", "драматик" янглиғ ташбеҳлар билан атанг-атаманг, ўз табиатига кўра, бари бир, ҳикоя ҳам, санъат ҳам эмас ва шунақа бўлиши керак ҳам эмас. Акс ҳол-

да, жанр ўз вазифасини бажара олмаган бўларди. Худди шу гапни публицистика хусусида ҳам айтиш мумкин. Ҳар қалай, публицистика – “мавсумий” ҳодиса. Бу гапимга кескин норозилик билдиришларини ҳозирданоқ сезиб, эшитиб турибман. Ушбу жанговар, тезкор жанрнинг муҳимлигига ҳеч ким шак-шубҳа қилаётгани йўқ. Ҳар қайсисининг ўз ўрни, вазифаси бор. Яхшиси, мен публицистиканинг бадиий адабиётга муносабатини қандай тасаввур этишимни айта қолай – бу плуг билан плуголди муносабати сингаридир. Плуголди ёввойи ўтларни қирқиб, тупроқ устини юмшатиб кетса, плуг маромини келтириб, чуқур, кенг шудгор қилади. Қайси бири қандай иш бажаради – равшан. “Плуголди” учун далани тозалаб кетиш алам қилмайдими? Бахтимизга, улар одамлар эмаски, шон-шуҳрат талашса”. Адиб кутганидек, таниқли публицист Г. Радов “Правда”да босилган бир мақоласида ёзувчи обрўли жанрларнинг аҳамиятини бир қадар пасайтириброқ кўрсатган, дея гинахонлик қилган, чинакам публицистика йиллар, асрлар оша яшаб келётганига А. Радишчевнинг “Петербургда Москвага саёҳат”, А. Герценнинг “Кечмиш ва ўйлар” каби асарларини мисол, рўкач қилиб кўрсатганди. Тўғри, вақтида ўз хизматини адо этиб бўлган мавсумий публицистика ҳам мавжуд, лекин баъзи асарлар йиллар оша долзарблиги, аҳамиятини, “мавсумий”-лигини йўқотмайди, ёзувчи сайланмалари, кўпжилдликларига кўчиб юради, масалан, Ч. Айтматовнинг “Бу сизнинг айбингиз, юртдошлар” (1962), “Лисоний коинот” (1976), “Ҳамкорлик қилмасдан яшаб бўлмайди” (1982), “Қайта қуриш, ошкоралик – омонлик дарахти” (1988) мақолалари, “Китобсиз инсоният ўзлигини йўқотади” (2000) каби бир қатор суҳбат ва интервьюлари шулар жумласидандир.

“Огонек” журнали муҳбири Ф. Медведов билан суҳбатида (1987 йил, 28-сон) адиб ошкоралик ада-

биёт учун сув билан ҳаводек зарурлигини алоҳида таъкидлайди: “рўй берган, бераётган ҳодисаларни ҳаммадан олдин илғовчи, сезувчи ва воқеликка биринчи бўлиб таъсир ўтказишга интилувчи, албатта, журналистика, публицистикадир... Айрим ҳолларда айнан публицистика бадиий адабиётдан кўра кўпроқ, муҳимроқ аҳамият касб этиши мумкин. Ўйлайманки, ҳозир айти шундай давр, газеталар шу қадар оммабоп, қўлма-қўл бўлиб кетдики, одамлар эрта тонгдан уларга навбатда туришади”.

Адиб ушбу фикрини давом эттириб, ижтимоий фаолият зўрайган даврда журналистиканинг масъулияти кўп чандон ортиши, ушбу соҳалар бир қатор масалаларда индамай, сукут сақлаб туришдан воз кечолса, одамзод ва унинг даврини аниқ ва ҳаққоний ифодалашга куч-имкон тополса, бу ҳар биримизга ўзимизни таниб, топиб олишимизга ёрдам беражagini таъкидлайди. Бу ва бошқа фикрларида Г. Радовнинг эътирозларига билвосита, асосли жавоб берганини сезиш қийин эмас.

“Литгазета”даги мақоласида Ч. Айтматов очерк ва публицистиканинг аҳамиятини бир қадар “пасайтириброқ”, “Огонек”даги интервьюсида эса, аксинча, “ошириброқ” юбормаганмикан, деган таассурот туғилади. Лекин масалага кенгроқ, ўтган асрнинг саксонинчи йиллари боши ва адоғи даражасидан туриб нигоҳ ташлайдиган бўлсак, адиб, бари бир, ҳақ эканига, унинг кузатиш, баҳоларида давр руҳи ўз изини қолдирганини пайқаш қийин эмас. Бир умр журналистика қозонида қайнаган, кўплаб ўткир, даъваткор публицистик мақолалар битган, мароқли суҳбат, интервьюлар берган адиб бу соҳаларга ўгайроқ кўз билан қарамаган, албатта. “Келажак олдида масъуллик” (“Вопросы литературы”, 1967) мақоласида ўтган асрнинг эллагинчи йилларида адабиётга кириб келган бир гуруҳ адиб-

ларни ҳаёти, фаолияти ҳамда ўз истеъдодлари ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга мажбур қилган бир қанча сўз санъаткорлари, уларнинг асарларини санар экан, даставвал, В. Овечкин очерklarини тилга олганини эслаш кифоя. Образли қиёс масаласига келганда, публицистикани нечоғли улуғламайлик, очерк, мақолани плуг, романни плуголди ўрнига қўйиб бўлмайди-ку.

Учинчидан, бизнингча, бу энг муҳим жиҳат. “Бутунолам тортилиш қонуни” турғунлик, таназзул даври, маъмурий-қўмондонлик сиёсати собиқ иттифоқнинг ночор иқтисодиётини, турли соҳаларни ботқоқлик гирдобига ботириб қўйган кезларда ёзилган. Бу йилларда журналистика, публицистика учун камтар ютуқларни ошириб-тошириб, камчилик, иллатларни яшириб, андавалаб ёзиш, дабдабаю замзама, мақтову ҳамду сано, қуруқ сухандонлик, офаринчиликка маҳлиё бўлиш, оз ютуқларни кўп кўрсатиб, уларни янги чиққан доҳию доҳийчалар номлари билан боғлаш, тарих ижодкори, оддий, меҳнаткаш инсонга етарли эътибор бермаслик, ошкора, мардона, ҳаққоний, малҳам янглир танқиднинг қадр, иззат топмагани кейинчалик кўпроқ аён бўлди. Турғунлик йиллари бир қатор ўткир, проблемавий, ростгўй публицистик асарлар (К.Симонов, Г.Радов, А.Аграновский, Ч.Айтматов, В.Распутин, И.Васильев, В.Песков, А.Сахнин, Ю.Черниченко, Е.Богат, А.Ваксберг, Г.Бочаров, В.Петросян, И.Друце, Н.Сафаров ва бошқаларнинг очерк ва мақолаларини, китоб ва тўпламларни эслайлик) юзага келган бўлса-да, ушбу соҳаларнинг гуллаган, етук даври дейиш қийин. Зеро, чинакам демократия, ошкоралик бўлмаган, принципиал, дардли, изтиробли, жасоратталаб мавзу-муаммоларга келганда матбуот, радио, телевидение, ҳужжатли кино имкониятлари чеклаб қўйилган, оғзига

кўзга кўринмас қулф, оёқларига тушов солинган йилларда буни кутиб ҳам бўлмасди. Замона зайли, мамлакат томир уришини ҳамиша аниқ, беҳато илғаб келган зийрак, зукко адиб бу ноҳуш майлларни пайқамаслиги, ҳис этмаслиги мумкин эмасди. 1981 йили иттифоқ ёзувчиларининг VII съезида сўзлаган нутқида ҳам публицистиканинг ҳали кўп қарздорлиги ҳақида гапирган, ижодкорнинг энг муҳим вазифаларидан бири жамиятнинг ахлоқий ҳолатига ташхис қўйиш, давр маънавий муҳитини олдиндан кўра билишда эканини куйиниб айтган эди. “Огонек” мухбири билан бўлган ўша суҳбатда Чингиз Айтматов узоқ вақт ички бир сезги, безовталиқ гирдобига қийналиб юрганини эслаб, деган эди: “Кейинги йилларда биз тарихимизнинг қандайдир бемаъни, ноқобил даврини бошдан кечирмаяпмиканмиз, деган масалада доимо бош қотириб, бир нуқтада тўхтаб қолардим. Наҳотки биз шу кўйга тушиб қолган бўлсак... Ҳозир рўй бераётган нарсалар бу – кўзимизнинг очилиши, онгимизнинг ёришиши. Биз аста-секин, лекин ишонч билан ўз-ўзимизга маҳлиё бўлиш, бино қўйиш, кибр-ҳаво кишанларидан халос бўлаётимиз”. Аччиқ, очиқ, айна ҳамманинг кўнглидаги гаплар эди бу.

Иллатларни рўй-рост, ҳаққоний тасвирлаш, илдизига назар ташлаш, моҳиятини очиб беришда бадий адабиёт баъзан матбуот, радио, телевидениедан кўра оперативлик, тезкорлик кўрсатиши ҳоллари ҳам мавжуд. Н.Думбадзенинг “Абадият қонуни”, В.Распутиннинг “Ёнғин”, Ч.Айтматовнинг “Кунда” асарларини эслайлик. “Кунда”нинг бош қаҳрамони Авдий Каллистратов вилоят ёшлар газетасига гиёҳвандлик фожиаси ҳақида туркум мақолалар ёзиб берадиган бўлади, муаммони ҳар томонлама, чуқур ўрганиш учун “касбини ўзгартиради”, нашавандлар тўдасига “ўз одами” бўлиб

қўшилади, ишончини қозониб сафарга жўнашадди. Авдий кўп саргузаштларни бошдан кечиради, азоб-уқубатларга дучор бўлади, ўлишига бир баҳя қолади. Пировардида махсус мухбир ёзиб келган даҳшатли репортажларни ўқиб редактор чўчиб кетади, тузумга доғ тушишидан, ўзига гап тегишидан, амал курсисидан ажралиб қолишидан чўчиб лафзидан қайтади... Гиёҳвандлик даҳшати, муаммоларини кўпчилигимиз илк бор "Кунда"ни ўқиб билганмиз, матбуотда мақолалар кейин чиқа бошлади.

"Публицист сифатида қўлга қалам олганимда мени нималар кўпроқ ташвишлантиради, ҳаяжонга солади?" — деган саволга ўзи, шубҳасиз, "ҳозирги мураккаб ва зиддиятли дунёда инсон шахсияти муаммолари", деб жавоб беради. Бу жумлада, айтиш мумкинки, Ч. Айтматовнинг ёзувчилик кредоси ўзининг қисқа ифодасини топган. Дарҳақиқат, адабиёт сингари, публицистика ҳам инсоншунослиқдир. Адибнинг ўз юртида чоп этилган илк салмоқли публицистик тўплами "Ер ҳам сув-ла ҳам кор, якқалам..." ("В соавторстве с землей и водою...") деб аталиши (бу таниқли қабардин-болқор шоири Давид Қўгултиновнинг шеърий сатри бўлиб, уни қадрдон дўсти, ҳамкасбига ҳурмат-эътиқод рамзи сифатида "ижара"га олган эди) бежиз эмас. Бу биргина сатр Чингиз Айтматовнинг бой, серқирра ижоди мазмун-моҳияти, мавзу ва муаммо доираси, яна кўп нарсаларни ажиб бир тарзда қамраб, лўнда ифодалаб турибди. Санъаткор асарларининг асосий йўналиши, бош қаҳрамони — Инсон. Оддий, камтар, заҳматкаш, бунёдкор, мушфиқ, меҳрибон, қалби бир олам Ҳазрати Инсон. Бу кўҳна дунёнинг эгаси, ижодкори, меъмори, у Ер деб аталмиш сайёранинг фарзанди, унинг тириклиги, тақдири, шодлигу ташвишлари, бахти ва бахтсизлиги Ер, Осмон, Сув, Ҳаво билан боғлиқ, шулар билан ҳамкор,

ҳамдаст ижод қилади, олам китобини биргаликда якқалам этади, уларни айри-айри тасаввур этиш қийин. Мана, бир сатрда қанча мазмун-маъно жо.

Асарлари, жумладан публицистикаси жанр доираси ҳақида гапириб, олмон мунаққиди Хейнц Платиус билан суҳбатида шундай деганди: "Кўп-жанрлилик бир шартга риоя қилингандагина яхши. Ёзувчи ўз савиясининг тушишига йўл қўймаслиги керак... Менга келганда, ижодий иш турларини ўзгартиришга алоҳида мойиллигим бор ва бу борада устаси фарангман, дея олмайман. Лекин нимага қўл урмайин, уни маромига етказиб беришга ҳаракат қиламан".

Айтматов очерк, эссе, хат жанрларида ҳам ижод қилган. 22 олмон ўқувчисига мактуби, айрим мактублари, ўзбекистонлик адиблар Одил Ёқубов, Тўлепберген Қайипбергенов, Асил Рашидов ва бошқаларга йўллаган хатлари матбуотда эълон қилинган, лекин аксарият хатлари ҳали архивида. Асосий, энг кўп мурожаат этадиган жанрлари — мақола, интервью, суҳбат. Мақолалар шунчаки мақола эмас, ёзувчи мақоласи, бадиий публицистика намунаси. Одатда матбуотда икки-уч, баъзан тўққиз-ўн саҳифани эгаллайдиган интервью жанрини интервью-қисса, интервью-роман даражасига кўтарганлардан бири ҳам Айтматов бўлади.

Чингиз Айтматов публицистикаси, бадиий асарлари сингари, мафтункор ва жозибадор, қамровли ва ҳузурбахш, мароқли ва пурҳикмат, бир сўз-ибора билан айтганда, жасорату маҳорат ҳосиласи. Кенгроқ айтадиган бўлсак, адибнинг публицистик асарлари қамровининг кенглиги, маъносининг теранлиги, оҳори тўкилмаган, кутилмаган далилу мисоллар, босиқ ва аҳтиросли, чўнг ва чўғдор фикр-ўйларга, санъаткорона мушоҳада, фалсафий муҳокамаларга, тилининг соддалиги, ширадорлиги, образлилиги,

рангдорлиги, сўз ва ибораларининг аниқ-тиниқлиги, мантиқан далиллангани ҳамда ишонарлилиги, яна кўп фазилатлари билан ажралиб туради. Ва бу фазилатлар бирданига, ғойибдан келиб қолган эмас. Айтматов публицистикаси ҳаётий ва ижодий тажрибаси катта, билими, савияси баланд, жаҳон адабиёти хазинасини кўп ва хўп ўқиб мағизини чаққан, фуқаровийлик туйғуси кучли, мамлакатлар тақдирига дахлдор, дунё воқеаларидан яхши хабардор, олам зарбини юраги қаъридан ўтказувчи, далил, ҳодиса, жараёнларга замонавий онг, сайёравий тафаккур кенглиги ва юксаклигидан қараб ҳукм чиқарувчи, баҳо берувчи дониш, етук, истеъдодли ёзувчининг публицистикасидир.

Олмониялик бир гуруҳ ўқувчиларнинг адибга йўллаган мактуби, рус космонавти билан америкалик астронавтнинг космосда аҳил оила фарзандларидай қутлуғ бир ишни бажаришлари, Швеция бош вазири, тинчлик учун таниқли курашчи Улоф Пальменинг қотил ўқидан ҳалок бўлиши, Хиросима ва Нагасаки фожиаларининг йиллиги, ўзи аъзо бўлган Европа илм, санъат ва адабиёт академияси – ЕНАИЛ ассамблеяси, ташаббускори ҳисобланган “Иссиқкўл форуми” гурунглари, турли анжуманлар воқеаларидан таъсирланган, илҳомланган адибнинг мақола, нутқ, суҳбатлари матбуот юзини кўрди, эфир, экрандан жаранглади, журналистикада воқеа бўлди. Қирғизистон ҳаёти, иқтисодиёти, фани, маданияти, адабиёти, санъатига дахлдор бирор муҳим воқеа йўқ эдики, Айтматов муносабат билдирмаган бўлсин. Адиб аввал публицистикаси, кейин бадиёти билан (баъзан аксинча ҳам бўлади) муштоқ ўқувчилар кўнглини топарди, саволларига жавоб берарди. Одамлар, ишлар, муаммолар ҳақида очерк ва мақолалар, мамлакат пойтахтида янги кутубхона, Тўқтагулга ҳайкал қўйилиши, оке-

ан янглиғ “Манас”дан миллион сатр билувчи Саёқбой Қоралаевга аввал қасида, вафотидан кейин марсия, 200 жилдлик “Жаҳон адабиёти кутубхонаси” нашрининг тугалланиши, Шекспир, Толстой, Достоевский, Шолохов, Твардовский, Аvezов, Айний, Миртемир, Қ. Қулиев каби сиймоларга боғлиқ саналар муносабати билан илиқ, таъсирли, теран сўзлар, нутқлар, ҳамкасб дўстлари Расул Ҳамзат, Д. Қўғултинов, В. Биков, В. Распутин, О. Ёқубов, Т. Қайипбергенов кабиларнинг асарлари таҳлили, хорижий ҳамкасблар билан мулоқотлари, долзарб, масъул мавзулардаги доимий чиқишлари, адиблар, мунаққидлар, санъаткорлар, ўқувчилар билан ёзишмалар... Мана шу саноқнинг ўзиёқ Чингиз Айтматов қизиқишининг доираси, нигоҳи уфқи нечоғли кенг ва теран бўлганидан далолат бериб турибди.

Чингиз Айтматов публицистикаси, мавзу-муаммо йўналишлари бўйича умумлаштириб қараладиган бўлса, даставвал, тинчлик учун кураш, дўстлик ва байналмилаллик, ташқи ва ички сиёсат, экология, маънавий-ахлоқий қадриятлар, адабиёт, санъат, тарих, фольклор, ижодий жараён, адабий-бадиий танқидчилик, тил ва таржима масалалари, маданиятлар ҳамкорлиги ва ҳоказолардир. Ҳеч бир муаммо адибда шунчаки тарзда, якка ҳолда олинмайди, балки бир қанча муаммолар огушида, улар билан узвий боғлиқликда кўрилади, таҳлил-тадқиқ этилади. Шу маънода мақола ва суҳбатларини сертомир, сершоҳ катта дарахтга қиёслаш мумкин. Бош муаммо – ўқ томир, ўзак шох бўлса, катта-кичик шохчалар, томирчалар – масалалар ўзак шох, ўқ томирга – асосий масалага туташиб, чирмашиб, дарахт-асарни янада бақувват, жозибадор этади. Масалан, унинг Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференцияларида сўзлаган нутқлари, чет эллик ёзувчи, мунаққид, журналистлар билан суҳ-

батлари тинчлик, озодлик, ҳамкорлик, демократия, байналмилаллик муаммолари билан албатта узвий боғланган бўлади, ижодий жараён, адабий асарлар таҳлилига бағишланган мақолаю суҳбатлари, нутқ, хатларининг кўп нуқталари экология, ахлоқ, маънавий қадрият масалаларига бориб тақалади.

Экология, ахлоқ, маънавийт муаммолари адиб, публицист Чингиз Айтматовни кўп банд этгани маълум. Турғунлик даврида бу ўзаро боғлиқ чигалликлар туркуми тахланиб қолгани, айримлари пишиб етилгани, газак олган, уч бериб тургани, қайта қуриш, ошкоралик, демократия шабадалари иллатлар маддасини ёриб, ёйиб юборгани, дарднинг қанчалик оғирлиги, сурункали асорати маълум бўлди. Бу туташ муаммолар бадий асарларида жозибали тасвирлар, ёрқин характерлар орқали ҳаққоний гавдалантирилган бўлса, публицистикасида мантиқий муҳокама, образли тафаккур уйғунлиги, вобасталигида ишонарли ифодаланди. В. Коркин билан суҳбатида (“Дружба народов”, 1982 йил, 12-сон) Момо еримиз ҳақида ташвишланиб, койиниб гапиради: “Авваллари биз ерга лоқайд ва худбинларча муносабатда бўлардик (Ҳозир бу, айниқса, равшан сезилиб қолди). У бизни едиришга, ичиришга, кийинтиришга, ҳимоя қилишга мажбур, ўзи эса бунинг ўрнига ҳеч нарса талаб этмайди. Энди эса, космосга чиққанимиздан сўнг, ҳеч бир ифода этиб бўлмайдиган назокат ва изтироб билан тушундикки, унинг ўзи ҳам ҳимояга муҳтож экан”. Ушбу суҳбатда қайсидир журналда ўқиган гаройиб фактни келтиради. Парижда бир вақтлар Лотин Америкасидан келтирилган анвойи гуллар, ҳаво яхши бўлишига, рисоладагидек парвариш қилинишига қарамай, қурий бошлабди. Олимлар ўйлаб сабабини топишолмапти. Маълум бўлишича, бу гулларнинг аждодлари ватанида қурғоқчилик бў-

либ, гуллар қуриб кетган экан. Бу доно ва аччиқ сабоқдан хулоса чиқариб, табиат муҳофазаси кенг доирадаги масала эканлигини унутмаслик лозим, деб уқтирганди публицист.

Жамоатчилик табиатни, ўрмонлар, дарёлар, кўллар, ҳайвонот, наботот оламини асраш-авайлаш ҳақида бонг ура бошлаган кезларда Чингиз Айтматов “Правда” газетасида “Иссиқкўлнинг нозик дурдонаси” номли дардли мақола билан чиқди, кўл, шаврон тери янглиғ, аста-секин торайиб бораётгани, сўнгги ўн йилнинг ўзида сув сатҳи уч метр пасайгани, олимларнинг ҳисоб-китобларича, кўп нарса йўқотилгани, шошилинич тадбирлар кўриш лозимлиги ҳақида куйиниб ёзади: “Иссиқкўл “тез ёрдам” каретасига кўз тикиб турибди! Бу ёрдам медицинадагидек қанча тез бўлса, шунча яхши”, дея хитоб қилади адиб. Нега у машина ўрнига карета (арава) сўзини ишлатди, деб дастлаб ҳайрон бўлган эдик. Кейин тушундик: адиб табиатга ёрдам беришдаги сусткашлик, хотиржамликни кўзда тутган экан. Бир неча йил ўтгач, Ф. Медведев билан мусоҳабасида бу хусусда янада кенгроқ, кескинроқ, ўкинч-изтироб билан гапиради, Иссиқкўл дардини айтиб, юрагини бўшатиб олгач, бошқа оғир мавзуга – Орол дардига кўчади. Орол ва Орол фожиаси муаммоси фалокатли, фожиали муаммога айланиб қолганини айтади: “Мен Бойкўлни Иссиқкўлдан ажратиб қарамайман... Лекин шунга хурсандманки, Бойкўлнинг ўз ҳимоячилари, тарафини олувчилари бор. Орол денгизи фожиасида асосан инсон айбдор. Хўжалик ишларимиз, монокультура нақ экологик вайронгарчиликлар келтирди, негаки, қачонлардан бери давом этиб келаётган ҳосил кетидан, сон кетидан қувиш Оролни чалажон қилиб қўйди... Денгиз йўқолиб бормоқда, у қирғоқдан узоқлашиб кетди. Ўрнида ҳувиллаган сароб, саҳро қолди. Улар иқ-

лим ўзгаришлари, ижтимоий офатлар, касалликлар, ҳавонинг заҳарланишига сабаб бўлди. Кўп масалада биз масъул органларни огоҳлантиришга ҳаракат қилдик. Лекин уринишларимиз зое кетди. Қозоқ адиби, Орол денгизи билимдони Нурпеисов катта очерк ёзди. Ушбу материал уч йил босилмай ётди ва ҳануз босилмай турибди. Бу орада кўп нарса йўқотилдики, энди қайтариб бўлмайди". Оролни севувчи, қисматига ачинувчи, дардини олишга, малҳам бўлишга тайёр соф виждонли ҳар бир одамнинг дил сўзлари, қалб изтироби, виждон ҳайқириги эди бу!

Публицист ушбу суҳбатда Распутинга жуда ҳавас қилишини, истеъдодли ёзувчи эканлигини қўйиб турган ҳолда Бойкўлни ҳимоя қилаётганининг ўзи авлодлар ундан бир умрга миннатдор бўлишларига лойиқлигини айтади.

Адибнинг Иссиқкўл дарди ҳақидаги мулоҳазаларидан яна бир муаммо қалқиб чиқади: "Кўлга қарар, унинг саёз тортиб, кичрайиб бораётганини кўрар эканман, яна бир кўлни – халқнинг муқаддас бойлиги – тилни эслаб кетаман. Агар янги авлодлар қудратли дарёлар тарзида тилга оқиб кирмаса, улар она тилини эгаллаш, ўзлаштиришга улгуришмаса, бунинг учун уларда шарт-шароитлар етишмаса, зарур даражада болалар муассасалари, мактаблар бўлмаса, бу ҳам тилнинг саёзлашувидир, экологик офат деб бўлмаса, миллий офатдир. Бу ҳақда шу пайтга қадар гапириш одатга кирмагани, гапириб ҳам бўлмасди. Шу хусусда баралла мулоҳаза юритила бошлагач, ўтмишдаги эскича фикрлаш иллоти нечоғлик кучли эканини ҳис қилдик".

"Инсонийлик... камёбми?" адибнинг ахлоқ, маънавият муҳофазаси мавзусидаги энг ўткир мақолалардан ("Литературная газета", 1981 йил 12 август). Ўқувчилар хатларига жавоб тариқасида

ёзилган мазкур мақолада ҳаётда кенг томир ёяётган хавфли касаллик – буюртмапарастлик, бу ҳодисанинг илдизи, кўринмас оқимларига назар ташлайди. "Истеъмолчилик ҳирси – кўзга кўринмас ва шунинг учун ҳам уч карра маккор душман, – огоҳлантиради публицист. – У қалбни ичдан, билдирмай, секин-аста айнитиб, кемириб боради". Истеъмолчилик ҳирси-ҳаваси бошқа бир дефицитдан – маънавий дефицитдан, тарбиядаги нуқсонлардан келиб чиқади. Мақола иллатнинг сабабларини кўрсатиш билан чекланганда кутилган даражада самара бермаган бўларди. Адиб публицистикасининг кучи муаммони кескин қўйиш, теран таҳлил этиш билан бирга, ечимини топишга кўмаклашиш, ҳулоса чиқариш, тавсиялар беришдадир. Муаллиф таълим-тарбия ишларини қайта йўлга қўйиш, ўқитувчининг аввалги баланд обрў-эътиборини тиклаш борасида лўнда фикрлар, аниқ таклифлар айтади. Мустабид тузум емирилиб, ҳукмрон мафкура барҳам топган, мустақилликка эришилгач, публицист мақолалари, ижодкор зиёлилар билан суҳбатларида, айниқса, "Нўққида қолган овчининг оху зори", "Руҳ улуғворлигига қасида" номли интервью-қисса, интервью-роман деса арзигулик асарларида маънавият мавзусида батафсил фикр-мулоҳазалар юритади.

– Абдулла Қаҳҳорнинг, мабодо ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, биринчи моддаси қилиб жасоратни қўяр эдим, деган машҳур гапи эсланадиган бўлса, бу рўйхатга кўп жасоратли қалам соҳибларини, жумладан, Чингиз Айтматовни кириштириш лозим бўлади. Бошқалар минг эҳтиёткорлик, андиша қилиб, баъзан чўчиб айтолмаган рўй-рост гапни энг аввал далиллаб, асослаб, маромига етказиб айтиш, долзарб, ўткир, оғриқли муаммоларни бутун мураккаблиги билан ўртага қўйиш, кўпчи-

ликнинг дили тўрида, тили учида турган жиддий масалани жамоатчилик ҳукмига барала ҳавола этиш адибнинг бадий асарлари каби публицистикаси учун ҳам хос эди. “Маънавий таянч”, “Бари барчага баробар”, “Йиғлаганда тиз чўкиб, нафратланганда тик туриб”, “Одамийлик.. камёбми?”, “Она тили мўъжизаси”, “Ҳаёт қадри-қиммати”, “Оммавий маданият одамни камолга етказмайди”, “Китобсиз инсоният ўзлигини йўқотади”, “Инсонга ишонаман”, “Кўзимиз очилиши баҳоси”, “Қайта қуриш, ошкоралик – омонлик дарахти”, “Заминимизга зил кетяптими?” каби мақолалари, суҳбатлари бунга мисол бўла олади.

Чингиз Айтматовнинг бир қатор асарларига фожиавийлик хос. Адиб фикрича, “Фожиа – бахтнинг аччиқ йўлдоши, фожиавийлик – инсон ички олами махражи, шахс хусусиятлари, фазилатлари фожеий кечинмалар асносида, у ҳақиқатга, ҳалолликка, адолатга интилиши, салбий кучларга қарши кураши жараёнида очилади... Фожеий вазиятларни енгишда инсон ҳалок бўлади ёки ўзини тутиб олади. Чорасизлик тушунчаси ҳаётда ва санъатда ҳаммиша ҳам тўғри келавермайди”. Жульеттанинг ҳалокати ҳаётини нуқтаи назардан қараганда, чорасизлик, лекин бу чорасизлик Шекспир қалами остида тескари кучга – руҳ қудрати, қатъият, сабот-матонат ва мурасасизликка айланишини таъкидлайди адиб. Худди шунингдек, “Оқ кема”даги Бола қабоҳатга қарши исён кўтариб, ўзини сувга отиб жисман ҳалок бўлса-да, руҳан галаба қозонади. Ч. Айтматов Хитойга сафари чоғида, кутилмаганда унга бир қирғиз йигит қўнғироқ қилиб, “Оқ кема”даги Бола эканини, Иссиққўлдан Хитойгача сузиб келганини айтиб, муаллифни ҳайрон қолдиради ва ниҳоятда хурсанд қиладики, бу қиссанинг ҳаётбахш асар эканидан далолат беради. Худди

шу сингари, адиб публицистикасида ҳам ноҳуш воқеалар, фожеий ҳолатлар баён қилинса-да, асар матнидан, муаллиф қарашларидан оптимистик руҳ уфуриб туради. Тўрақул Айтматов қатағонга учраб оила абгор бўлиб қолганда, ўсмир Чингизга ўқитувчиси “Отанг ҳақида гап кетганда ерга қарама, қадингни тик тут, чунки унинг айби йўқ”, дея ўксик кўнглини кўтаради. Ўғирлаб кетилган ёлғиз сигирини ахтариб, қўшнисининг милтигини олиб қор, совуқни, чарчоқни писанд қилмай яйдоқ дала-ни кезиб юрганида олдидан эшак минган чол чиқиб қолиб, “мабодо бировни ўлдиргани кетаётганинг йўқми?” деб сўрайди. Воқеани эшитиб афсус чекади, “Болам, қасд қилиш ниятингдан қайт. Ўйинга бор ва ёдингда тут: зулм қилганни Оллоҳнинг ўзи жазолайди, сени эса ҳаёт тақдирлайди, бахт сенга кулиб боқади, қандай келганини билмай қоласан”, дея насиҳат қилади. Эзгу умид, яхши ният, келажакка ишонч, ҳаётбахш руҳ Чингиз Айтматовнинг бадийяти сингари публицистикасида ҳам хос хусусиятдир.

2018 йил 12 апрель

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ВА ИССИҚКЎЛ ФОРУМИ

Буюкликдан буюклик туғилиб келган доим. Улкан истеъдодлар нафақат бадиий ижодда, балки илмий ва ижодий фаолиятнинг бошқа турларида ҳам халққа намуна бўларлик даражада муваффақият билан фаолият юритганлар. Дунё экспертлари назарида аҳамияти жиҳатидан Европадаги Рим клубидан кам бўлмаган, аксинча, фаолият қамрови нуқтаи назаридан биргина Европа эмас, балки жаҳондаги бошқа қитъалар интеллектуал кучларини бирлаштиришга ҳаракат қилган, XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида тарихга «Иссиқкўл форуми» номи билан кирган ноанъанавий илмий-ижодий ҳамкорлик шакли улуг адиб Чингиз Айтматовнинг ташаббуси билан ташкил этилган эди.

Ч. Айтматовнинг ижодий фенomenини жаҳон тан олган бўлишига, XX асрнинг барча муаммолари ўз аксини топаётган асарлари дунёнинг 178 тилига таржима этилганига қарамай, бу форум дастлаб сиёсий доираларда ишончсизлик уйғотди, собиқ иттифоқ ҳукумати унга ҳадиксираброқ қаради. Ўтган асрнинг 80-йиллари аввалидан бошланган ҳаракат ниҳоят 1986 йилга келиб, амалга ошадиган бўлиб кўринди. Оммани мамлакатда бошланиб келаётган сиёсий бошбошдоқликдан ижодий ҳаётга эътиборини тортиши мумкинлигини ҳисобга олиб, шўро раҳбарлари бундай форум ташкил этишга рухсат бердилар. Айни замонда БМТ ва ЮНЕСКО

бу ҳаракатни қўллаган, жаҳондаги барча тинчликсевар ва тараққиётга мойил интеллектларга мурожаат этиб, унинг фаол иштирокчиси бўлишига чорлаган ҳам эди. Турли хил атамаю номланишлар, ўтказиладиган жой ва таркиб жиҳатидан баҳсларга сабаб бўлишига қарамасдан, у «Иссиқкўл форуми» номини олди, илмий-ижодини давраларда «Чингиз Айтматов ва Иссиқкўл форуми» деб юритиладиган бўлди, адиб вафотидан кейин ҳам фаолиятини тўхтатмаган бу маданий ҳаракатга унинг ташаббускори номи берилди ва Қирғизистон ҳукумати уни (2011) «Чингиз Айтматов номидаги Иссиқкўл форуми» деган ном билан янгилашни тавсия этди ва бу йилдан форум қайта иш бошлади.

2013 йилнинг 13 – 17-ноябрида ўтказилган халқаро конгресс Иссиқкўл халқаро форуми йўналишида бўлиб, бунга қадар икки марта 1986 ва 1997 йилларда Иссиқкўл форуми ўтгани, уларнинг орасида форум аъзолари Швецария, Испания, Мексика, Францияда тўпланишгани маълум. 2-Иссиқкўл халқаро форуми 1986 йили собиқ иттифоқда темир парда кўтарилаётган пайт, қайта қуриш даврига тўғри келган. У жаҳон интеллектуалларининг бевосита шахсий мулоқоти орқали дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ҳаракатига қаратилган. 1-форумда «янги муносабат», «янги тафаккур», «янги дунёқараш» каби муаммолар доирасида маданият, маънавият ва маърифат кабилар жамият ҳаётидаги муҳим, бўлинмас тушунчалар сифатида эътироф этилди. Илк форумнинг шиори: «Ижод воситасида яшаш» бўлиб, форум қатнашчилари орасида Нобель мукофотининг совриндори борлиги унинг аҳамиятини таъкидлайди. 1- ва 2-форумлар иштирокчиси Рустам Хайровнинг ёзишича, форум ғояси 1983 йилда туғилган, 1986 йилга келиб иттифоқ раҳбариятидаги кадр ўзгаришлари туфайли қайта қуриш масаласи кун тартибига чиқди ва ҳукуматнинг жаҳон халқларига мурожаати эълон қилиниб, учинчи мингйилликни

ядро куролисиз кутиб олиш таклифи айтилди. Мана шу тавсияга мос равишда форум «жаҳондаги тинчликсевар ва тараққийпарвар кучларга қаратилгани» тўфайли унинг очилишига рухсат берилган ва мамлакатнинг биринчи раҳбари Ч.Айтматов ва форум қатнашчиларини қабул қилишга розилик билдирган. Дастлаб қирғиз ҳукуматининг «Ала арча» қарортоҳида бошланган йигин афсонавий Иссиқкўлда давом этган. Форум ишида ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор, Рим клуби раиси А.Кинг, футуролог олимлар Элвин ва Хейли Тоффлер (АКС), Нобель мукофоти совриндорлари, адиблар Артур Миллер, Жеймс Болдуин (АКС), Лисандро Отеро (Куба), Яшар Камол (Туркия), актёр Питр Устинов (Буюк Британия), рассом Афеверк Текле (Ҳабашистон), академик Августо Форти (Италия), турк бастакори Зулфи Ливанели, хинд олими Нараян Менон ва бошқалар боради.

2-Иссиқкўл форуми (1997) орадан 11 йил ўтгандан кейин ўз ишини бошлади. Яна 11 йилдан кейин эса Чингиз оға ҳаёт эмас эди. Эҳтимол, шунинг учундир ниҳоят шу йил қайта тикланган Иссиқкўл форумига Чингиз Айтматов номи берилди. Унинг шiori масаласида турлича таклифлар бўлди, бироқ Чингиз Айтматов ҳаётлигида ёзиб қолдирилган номга қайтилди: «Маданиятлар мулоқоти ва тамаддунлар яқинлашуви». Иккинчи форум биринчи форумнинг асосий тоя ва йўналишларини давом эттирди. Лекин шундан 6 йил аввал дунё харитасида юз берган ўзгаришлар, социалистик давлатчиликнинг қулаши, мустақил мамлакатларнинг вужудга келиши нафақат собиқ иттифоқ доирасидаги республикаларга, балки иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган, социалистик тузумдаги ўнлаб давлатларга ҳам тегишли бўлиб, бу воқеалар форумнинг мақсад ва вазифаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Икки тизим ўртасидаги «совуқ уруш» хавфи пасайганига қарамай, янги ижтимоий

ва маданий муаммолар вужудга келди. Бироқ, дунё интеллектларининг халқлари юксак инсоний ғоялар асосида тараққий эттиришга интилиши сири сусайгани йўқ. Ч.Айтматовнинг форумдаги нутқиға кўра, «замонавий тамаддун жамоатчилик институтлари тафаккур, ҳаёт тарзи ва маиший турмуш атроф-дунёни ўзгартирмоқда» (Национальное и глобальное в культуре. Единство и разнообразие / Доклад на Иссык-Кульском Форуме-97). Оммавий маданият тарихи мингйилларга бориб тақаладиган миллий маданият хуруж қилмоқда. Оммавий маданият балоси эса секин-аста ҳар бир оилага маданий йўл билан аралашиб, маънавияти тор ва эътиқоди сустроқ кишиларни ўз домига тортмоқда. Бир жинсдагиларнинг биргаликда турмуш кечирishi айрим Ғарб давлатларида одатий ҳолга айланмоқда. Дунё «Шарқ ва Ғарб маданияти, Европа ва Осиёнинг миллий маданиятларининг мураккаб мозаикаси» каби кўзга ташланар экан, техноген тамаддуни даврида «ҳар бир миллий маданият ўз йўналишини халқнинг «мен»лигини сақлаб қолишга қаратмоқда». Ч.Айтматовнинг айтишича, бугунги кунда адиб ва санъаткорнинг вазифаси фақат ижод килиш эмас. Санъаткорнинг асосий вазифаси инсонга бутун умумийлиги ҳақида ҳақиқатни айтишдан иборат. Янги XXI аср арафасида санъаткорнинг эътибори «Инсоннинг ер аталмиш сайёрада яшаб қолиши ёки йўқ бўлиши»га қаратилди. Бу асосий савол атрофида келажакни ижодий шакллантириш, унинг моделини яратиш ва ҳал этиш атрофида кечди. Шундай шароитда 3-Иссиқкўл форумининг мавзуси «Инсоният ва халқларнинг маданий хавфсизлиги» бўлиши режалаштирди.

Жаҳоннинг етук олим ва адиблари тўпланиб, дунёнинг келажакини миллий маданиятлар мулоқоти орқали тамаддунларнинг яқинлашувида кўради. Чунки улуг адиб: «Мен ишонаманки, уруш

хавфи ўз ўрнини, албатта, дунё маданиятига бўша-тиб беради» (Айтматов Ч. На смену культу войны обязательно придёт культура мира // Аргументы и факты. 2008.11 июня) деб ният қилган эди. Икки хил мафкура ва дунёқарашнинг рақобати кучайган «совуқ уруш» даврида яшаган некбин адиб дунё-нинг келажагини улардан бирининг зафарида ёки урушдан кейин ҳам даҳшатлироқ хавф туғдирган «оммавий маданият оғушида» эмас, балки миллий маданиятлар ва тамаддунларнинг ўзаро яқинлашувида кўради. Глобал цивилизация ҳар бир киши, жамияту давлатлар ва бутун инсоният тамаддуни олдига янги кўламли вазифалар қўймоқда. Индустриал жамиятнинг тараққиёти ягона информацион ҳудуднинг пайдо бўлишига олиб келди. Энди мана шу ягона информацион муҳитда шахснинг МЕН-лиги ва маданиятларнинг МИЛЛИЙ ҚИЁФАСИНИ асраб қолиш вазифаси кўндаланг турибди.

Чингиз Айтматов тавалуддининг 85 йиллигига бағишланган халқаро конгресс ЮНЕСКО томонидан 2013 йилнинг августида эълон қилинган «Маданиятларнинг яқинлашуви декадаси»га амалий жавобдир. Маданиятлараро яқинлашув масаласини ўзига бош мавзу деб билган конгресснинг мақсади Ч.Айтматов ижодининг концептуал масалаларини гуманитар муаммолар доирасида муҳокама қилиш, 3-халқаро Иссиққўл форумининг Дастури, ишчи гуруҳи ва жамоатчилик кенгашини тасдиқлашдан иборат бўлди.

Қирғизистоннинг пойтахти Бишкек шаҳридаги Манас аэропортида конгрессга 19 мамлакатдан келган 132 меҳмон қарши олиниб, уларнинг асосий қисми «Оқ кема» меҳмонхонасига жойлаштирилди. Конгресс Манас майдонидаги Чингиз Айтматов ҳайкалини зиёрат этишдан бошланди. Чингиз Айтматовнинг публицистик мақолаларидан иборат китоби «Мен Манас ўғлиман...» деб номланибди.

Ҳақиқатан ҳам, адиб мақолаларидан бирида шундай деб ёзган эди. Ўзидан минг йилдан аввалроқ яшаган Манас ботирга увайс ўғил бўлган Чингиз Айтматовга Манас майдонида ҳайкал қўйилган, шундай от ўйнатиб турган Манас «ота» қаршисида «ўғил» Айтматов сиймоси...

Сўнгра қатнашчилар Ота байит қабристонига улуғ адибга ўрнатилган ёдгорлик ва шаҳидлар музейининг очилишига таклиф қилинди. Шуни айтиш керакки, бу зиёратгоҳ Чингиз оғанинг Тошкентга келиб, Шаҳидлар хиёбонини кўргандан сўнг бевосита унинг раҳбарлигида тикланган. 1938 йилнинг октябрида бу ерда 137 қирғиз зиёлиси қурбон қилинган бўлиб, улар орасида адибнинг отаси, Олой фирқа қўмитаси собиқ котиби Тўрақул Айтматов ҳам бор эди. Қозоқ шоири Мухтор Шахановнинг ёзишига кўра, шаҳидлар отилган адирликда узоқ изланиш ишлари, ҳатто улар кўмилган деб тахмин қилинган тепаликда қазилма ишлари олиб борилган ва ниҳоят, бир майитнинг чўнтагидан бир парча коғоз топиб олинган. Бу Тўрақул Айтматовга отилишидан аввал берилган ҳукмнома эди. (Мухтар Шаханов. Правдоформула и восхождение на эверест любви. Эссе о друге-брате Чингизе Айтматове. Алматы, 2013). Ч.Айтматовнинг айтишича, «Менинг отамга ёзилган ва 53 йилдан кейин 137 майитлар орасидан топилган ҳукмнома менинг қалбимни ларзага солди. Отамнинг кўкрак чўнтагида ярим асрдан ортиқроқ вақт сақланган бу уч варақ коғоз инсон суяклари кукунга айланиб кетса-да, у темир парчасидай қолган. Худо бор. Кеч бўлса ҳам ҳақиқат қарор топади. Қандайдир сирли кучлар мени Ота байит қабристонига тортаверади. Эҳтимол, бунда отамнинг хоки борлиги учундир» (Юқоридаги асар, 364-бет).

Улуғ адибнинг васиятига кўра, 2008 йилнинг июнь ойида унинг жасадини ҳам оталари шаҳид қилинган мана шу Ота байит қабристонига дафн

этишди. Бу зиёратгоҳ (Чингиз Айтматов мемориал ёдгорлиги ва Шаҳидлар хотираси музейи)нинг очи-лиш маросими бўлиб ўтди. Бундан 75 йил аввал 137 шаҳидни ўз бағрига олган энг хилват тепалик энди) улкан тафаккур соҳибларининг қутлуғ зиёратгоҳи-га айланди.

Асарлари жаҳоннинг 178 тилига таржима қилинган буюк адиб хотирасига қандай ёдгорлик қўйиш мумкин? Албатта, китоб. Бронза лавҳада Чингиз Айтматов қўли билан ёзилган кўлөзманнинг икки саҳифаси очиқ турибди. Ортдаги деворда адибнинг унча катта бўлмаган барельфи: унинг остига «Инсон учун энг қийини ҳар куни инсоний бўлиб яшаш экан» деб ёзиб қўйилган. Кишини ўйлатадиган сўзлар: ҳақиқатан ҳам, ҳар куни, ҳар дақиқада ўзининг инсонлик шаънини сақлаш, унга доғ туширмаган ҳолда инсонийликни шиор қилиб яшаш оғир эканини ҳис қилган, ўзи қайси вазифада ишламасин, жаҳоннинг қайси номдор вакили билан учрашмасин, доимо инсонийлик дастурига амал қилгани шу лавҳадан маълум. Чунки Ч.Айтматов бадиий ва публицистик асарлари орқали инсонга инсонлик моҳиятини тушунишни ўргатди, миллатга миллат нима эканини, халққа унинг қудрати нимада эканини ва инсониятга инсониятнинг қандай имкониятлари бор, уни қандай хавф кутиб турибди ва ундан қутулиш йўллари аниқлади.

Зиёрат адибнинг уй-музейида давом этди. Шаҳардан ташқарида тахминан чорак гектарча жой олган ҳовлида икки қаватли уй, унинг атрофида турли манзарали дарахтлар экилган. Бу дарахтларнинг турли минтақалардан келтирилганини айтмаганда, ўта содда ва файзли ҳовли. Уй-музейга кираверишда фарзандлари «Отам ўлган бўлса-да, отамни кўрганлар ўлмасин», деб ёзиб қўйишибди. Меҳмонларни адибнинг рафиқаси Мария Урматовна Айтматова ва ўғли, Чингиз Айтматов фондининг

раиси Элдор кутиб олди. Биринчи қават меҳмонхона, турли ёдгорлик ва совғалар билан тўла. Йўлаклар турли суратлар билан безатилган. Уларнинг аксарияти дунёнинг машҳур рассомлари томонидан чизилган адиб ва унинг асарлари қаҳрамонларининг суратлари. Кираверишда Чингиз оғанинг оналари, 9 ёшида отадан ажралган норасидани буюк адиб қилиб тарбиялаган татар қизи Нафима опанинг сурати. Иккинчи қаватнинг кираверишида буюк адиб ва унинг оиласининг ўзбек халқига ва унинг юртбошисига бўлган чексиз ҳурматининг рамзи сифатида Чингиз Айтматов ва Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг сурати. Кутубхона ва унинг ўртасида ойнаванд столда буюк адибнинг турли нишон ва орденлари сақланган. Тахминан 5 мингга яқин китоблар жойлашган жавонлар Айтматовнинг турли тиллардаги асарлари ва у ҳақдаги китоблардан иборат. Кенг хонанинг бир четида мўъжазгина ёзув столи ва унда бир неча дастхатлар, ёзув машинкаси. Чингиз оғанинг беваси Мария хонимнинг айтишича, мана шу оддий ёзув машинкасида адибнинг сўнги романи «Тоғлар қулаганда...» ёзилган. Қулаётган буюк тоғларнинг ҳайқиригини адиб Олатовдаги юксак чўққиларда туриб эмас, мўъжазгина хонасидаги курсида ўтириб кузатган ва дунё ўқувчиларига етказа олган.

Куннинг иккинчи ярмида Қирғиз Миллий филармонияси биносида халқаро конгресс очилишидан аввал Ч.Айтматов ҳақидаги «Бутун умид инсонларнинг ўзида» номли ҳужжатли фильм намойиш қилинди. Бу ном ҳам режиссиёрларнинг топилдиғи эмас, балки адибнинг сўзларидан олинган эди. Ялпи мажлисни маданият вазири Султон Раев очди ва олиб борди. Унда ҳукумат вакиллари, хорижий мамлакатларнинг Бишкекдаги элчилари ва 1-Форум катнашчиларидан академик Аугусто Форти нутқ сўзлади. Шунингдек, ЮНЕСКОнинг собиқ

бош директори Федерико Майорнинг видеонутқи ва собиқ иттифоқ президенти М.С.Горбачевнинг табриги тингланди.

Форум анъанавий маърузалар тинглаш усулидан ўзаро суҳбат, диалог тарзида олиб борилди. Чиқишлар ҳам шўъбаларга бўлинган ҳолда эмас, балки ҳамма қатнашган суҳбатларга айланди. «Чингиз Айтматов шахси феномени» мавзусидаги 1-суҳбатни Қирғизистон Миллий илмлар академияси Президенти А.Еркабоев, Россия Бадиий академияси вице-президенти Андрей Золотов бошлаб берди. Сўнгра Индиана университети (АКС) профессори Чарлз Карлсон, санъатшунос Эрхарт Харро (Германия), профессор Қўрқмас Рамазон (Туркия), Кашмир университети профессори Табассум Фирдавсдан сўнг Ўзбекистон вакилига сўз берилди. «Чингиз Айтматов Ўзбекистон адабиётшунослигида» мавзуси доирасида адиб асарларининг Ўзбекистонга кириб келиши ва у ҳақидаги илк тақризлар (1959), адиб асарлари таржималари ва уларнинг сифати, ўзаро ҳамкорлик самаралари, Айтматов асарларида акс этган дунё модели ва уни ўзбекона қабул қилиниши, мифология ва даврнинг культурологик тафаккури билан бир қаторда сўнгги йилларда ўзбек айтматовшунослиги эришган ютуқлар айтилди. Айниқса, Акмал Саидовнинг «Халқаро дипломатия ижод сифатида: Чингиз Айтматов – тинчлик элчиси» китоби (Тошкент, 2009) ҳақидаги фикрлар қатнашчиларда қизиқиш уйғотди.

Қирғизистон пойтахтидан 300 км нарида, Чўлпон ота шаҳри денгиз сатҳидан 1200 метр баландликдаги афсонавий Иссиққўл соҳилидаги «Каприз» масканида «Чингиз Айтматов – жаҳон маданиятининг бўлаги», «Умуминсоний қадриятлар ва тамаддунлар тараққиёти» каби мавзуларда қизғин суҳбатлар давом этди.

Иккинчи кунги суҳбатлар «Рух ўрда» масканида давом этди. Манас юбилеи муносабати билан очилган бу ўзига хос маскан, айтиш мумкинки, Чингиз Айтматов ва унинг руҳий масканига айланган. Икки гектардан мўлроқ майдонда бир қанча ҳайкаллар турибди, ҳар бир ҳайкалнинг ўз ҳудуди бор, бу ҳудуд Айтматов асарлари билан чегараланади. Кираверишда хаёлига оқ кемани жойлаштирган Бола ва Мўмин чол, кейинги ҳудудда «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» қаҳрамони Орган яқинларини денгизга бериб қўйиб, ўз ҳалокатини кутмоқда. Узоқдан «Асрни қаритган кун» паноси. Ҳар бир ҳудуддаги «оқ тошлар» эътиборни тортити табиий. Бу гапирувчи тошлар ичига радио ўрнатилган бўлиб, ўз ҳудудида ўша асарнинг матни оғир мусиқа садолари остида ўқилиб турибди. Асар ва қаҳрамон руҳига кириш учун ҳозирлик кўрилган. Ўртадаги ўриндиққа Чингиз оға ўз асарлари ҳудуди ва қаҳрамонлари доирасида бошқаргандай жиддий ўйга толган. Ўриндиқнинг ярми бўш, Чингиз Айтматовнинг ёнида ўтириши мумкин бўлган бўлғуси буюк адибларга ажратилгандай.

Мажмуа ўртасидаги мажлислар саройида суҳбатлар давом этди. Унда Айтматов ва миллий адабиётлар тақдири, Айтматов феномени ва айтматовсиз адабий дунё, миллий тамаддунлар яқинлашувида буюк шахснинг роли... Чингиз Айтматов феноменини дунёга танитган жиҳатлар аввало қодир Аллоҳ берган буюк истеъдод, сўнгра бетиним изланиш, тил имконияти, таржимонлар маҳорати, экран воситаси ва ниҳоят, адибнинг фаол шахси ҳақида турфа фикр-мулоҳазалар билдирилди ва келгусида қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида келишиб олинди.

Нарзулла ЖҰРАЕВ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ ИНСОН ФАЛСАФАСИ

Бадий тафаккур бутун моҳияти билан ижтимоий фалсафа. Адабиёт ҳаёт моҳиятини, мазмунини инсон қалби, унинг кечинмалари ва руҳияти орқали ифодалайди. Демак, инсон ўзи қандай жонзот? Инсоннинг ижтимоий моҳияти нималардан иборат? — деган саволларга жавоб излашимизга тўғри келади. Унга адабиёт нуқтаи назаридан ёндашилса, инсон тафаккури, унинг интеллектуал салоҳияти, қувончлари ва изтироблари, севинчлари ва андуҳлари, унинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари ва муносабатлари орқали жавоб бериш мумкин. Ана шунда адабиётни ижтимоий фалсафанинг бадий шаклдаги кўриниши эканлиги яққол билинади.

Инсон бутун моҳияти билан табиий ва ижтимоий ҳодиса. У табиатнинг бир бўлаги, ажралмас тури бўлганлиги учун табиий ҳодиса дейишимиз мумкин. Айни пайтда инсон табиатдан фарқли ҳолда ахлоқий, диний, маънавий жиҳатларидан ва унинг ижтимоий идеаллари, мақсадлари, орзу-истаклари нуқтаи назаридан ижтимоий ҳодиса ҳамдир. Жамият тақдири, ижтимоий ҳаёт истиқболи, тараққиёт мезонлари, маданият ва тамаддун эҳтиёжлари жиҳатидан қараганда инсон моҳиятининг, ижтимоий тафаккурининг ифодаси сифатида адабиёт фалсафаси пайдо бўлади.

Адабиёт фалсафаси фундаментал фалсафанинг бир йўналиши бўлиб, воқеалар, жараёнлар, муносабатлар моҳиятини бадий усуллар орқали

ифодалайди. Буни жаҳон маданиятининг ёрқин феномени, инсоният бадий тафаккурининг “Эверест” чўққиси Чингиз Айтматов ижоди мисолида яққолроқ кўрамиз. Дарҳақиқат, у умумсайёравий миқёсдаги тафаккур тимсоли.

Ч.Айтматов ижодининг фалсафий моҳияти нималардан иборат? Ушбу маҳобатли адабий меросга бутун моҳияти билан меросга ёндашадиган бўлсак, айтиш мумкинки, у жаҳон бадий-фалсафий тафаккурида мутлақо янги саҳифа очган, умуминсоний қадриятлар моҳиятини ўзида мужассам этган, мутлақо янги қарашлар ва ёндашувлар олами. Унинг даҳолик қудрати, бир миллат ва унинг тақдири билан боғлиқ бўлган замон ва макон чегараларидан чиқиб, жаҳон маданияти феноменининг янги қирраларини кашф этганида! Дарҳақиқат, Ч.Айтматов миллий тафаккур, миллий турмуш тарзи, анъаналар, қадриятлар ва руҳий олам орқали инсон қалбининг энг нозик, ҳамма ҳам илғай олмайдиган, илғаган тақдирда ҳам мукамал ифодалаб бера олмайдиган жиҳатларини кашф этиб, уни умуминсоний қадриятлар даражасига олиб чиқди. Бу Айтматов фалсафий тафаккурининг бетакрор, айни пайтда жозибадор бадий услубининг натижасидир.

Инсон қалбининг зиддиятли, қарама-қаршиликларга тўла оламини ёрқин ва сермазмун ифодалай олиш ижтимоий фалсафанинг ҳам, адабиёт фалсафасининг ҳам асосий вазифаси. Ана шу ўта мураккаб, зиддиятларга тўла, инсон ички драматизмини яққол тасвирлай олиш адиб тафаккур тарзининг, ақлий салоҳиятининг, сўзни қай даражада чуқур ва нозик ҳис эта олиш қобилиятининг ифодасидир.

“Жамила” қиссасининг дунёга келиши, айтиш мумкинки, нафақат қирғиз ёки Марказий Осиё адабий оламида, балки, жаҳон адабиётида бутунлай янги даврни — Айтматов даврини кашф этди.

Албатта, муаллиф унгача қатор ҳикоялари билан ўзининг мутлақо ўхшаши йўқ бадиий тафаккури, ифода усули билан собиқ иттифоқдагина эмас, бир қатор хорижий мамлакатларда ҳам танилган эди. Бироқ “Жамила” ўзининг бой ижтимоий-фалсафий моҳияти, ҳаётий ақидаларнинг жозибадор ифодаси, сўз салмоғи ва фикр бутунлиги билан Чингиз Айтматов ижодининг янги босқичини бошлаб берди.

Айни пайтда ушбу асар адибнинг бош қаҳрамон ва персонажлар кечинмаларига, у хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, севинчу изтиробларига, мақсадлари ва идеалларига ижтимоий тус бериб, маҳаллий икир-чикирлар, шахсий ҳис-туйғулар ва манфаатлар доирасида қолиб кетмай, Инсон деган мўътабар хилқат ва инсоният тақдирига боғлаб юборганлиги катта адабий ҳодиса эди. Айни пайтда у Ч.Айтматовнинг буюк тафаккур, умумбашарий идеалларнинг бетакрор ва баркамол соҳиби эканлигидан далолат беради.

Инсоният ҳаёти ривожланиб боргани сари глобал тараққиёт глобал муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Бугун бир миллат ёки бир халқ ўз миллий қобиғида тўлақонли, бахтли, саодатли яшаши мумкин бўлмай қолганлигини дунё чуқур англамоқда. Ўзаро бир-бирини тушуниш, бир-бирини англаш, бир-бирини қадрият сифатида баҳолай билиш эҳтиёжга айланмоқда. Маданиятлараро мулоқотнинг қалб билан, онг билан, тафаккур билан ва, қолаверса, иймону эътиқод билан борлиқ эканлигини англаш долзарб масалага айланмоқда. Ана шундай маънавий-руҳий бўҳронлар жараёнида миллати, элати, диний эътиқоди, танасининг ранги ва ақидаларидан қатъи назар умумий хонадонимиз бўлган Ер шарини асраш, унинг истиқболи олдида жавобгарликни чуқур ҳис қилиш Чингиз Айтматов ижтимоий фалсафасининг бутун моҳиятини белгилайди. Инсон виждонини уйғотиш, унинг

иймонини жонлантириш, мардлик, жасурлик, инсонпарварлик туйғуларини қўзғатиш ҳисси адиб асарларининг туб моҳиятини белгилайди. Инсон ўзининг инсон эканлигини унутмаслиги, ўзини ўзи қадрият сифатида англаши ва жамият ҳаётида ўзини қадриятга айлантира олиш орзуси, балки армони Чингиз Айтматов бадиий тафаккурининг таянчи ҳисобланади. “Жамила” қиссаси ўзининг етук бадиий ва чуқур фалсафий жиҳатлари билан бунга ёрқин мисол бўлади.

Чингиз Айтматов талқинида қаллиғи урушга кетиб, фронтда жон олиб жон бериб, Она Ватанини, қадрдон хонадонини, азиз ота-онасини, севимли келинчагини фашизмдан озод қилиш учун курашаётган, ўзи эса ҳижрон ўтида ёниб турган бир пайтда, қайсар, шижоатли, вафодор Жамила маломатларга қолади, маиший бузуқ кимсалар унга кўз олайтириб нафсониятига тегишади. Уруш ана шу тарзда шаҳарлару қишлоқларнигина эмас, фронт ортидаги миллионлаб қалбларни вайрон қилди, унга жароҳат етказди. Бу умуминсоний фожеа, умумбашарий дард эди.

Чингиз Айтматов гоёларида санъат шунчаки шахсий эҳтиёж, бир қалбнинг “маданий ҳордиқ” шаклидаги лаҳзалик ёки кундалик маънавий эрмаги эмас. Санъат, адабиёт жамият сиёсий, иқтисодий, мафкуравий тараққиётининг муҳим омили. Мафкура деганимизда, албатта, яқин ўтмишимиздаги ҳужумкор ва зўравон коммунистик мафкурани тушунмаслигимиз керак. Санъатни, хусусан, адабиётни сиёсийлаштиришдан узоқмиз.

Санъатга, жумладан, адабиётга маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий эҳтиёж нуқтаи назардан қарасак, у ҳар бир инсон дунёқараши, ақлий салоҳияти, тафаккур тарзи бевосита ижтимоий моҳиятга эга эканлигини ва бу моҳият инсониятнинг бугуни ва истиқболини белгилайдиган асос

эканлигини чуқур англаймиз. Чингиз Айтматов тасавурида инсоннинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши улкан ижтимоий-тарихий жараён. Тор ва биқиқ доирадаги шахсий кечинмалар, енгилтак сериалларга ўхшаган ҳавойи ҳис-туйғулар олами эмас! У доимий равишда ўзини ўзи бойитиб, ривожлантириб, такомиллаштириб борадиган тирик ҳодиса. Инсон шахсиятининг маънавий-ахлоқий, маърифий-руҳий даражаси жамият моҳиятини, унинг тақдирини белгилайди. Унга ҳамиша рағбат, куч-ғайрат, кўтаринкилик бахш этувчи маънавий-руҳий манба. Ана шу жиҳати билан ҳар қандай инсон ижтимоий-тарихий характерга эга. Чингиз Айтматов асарларида, у қандай жанрдалигидан қатъи назар, мазкур умуминсоний ғоя, умумбашарий фалсафа илгари сурилади.

Чингиз Айтматов фалсафий тафаккурининг бутун моҳиятини умуминсоний қадриятлар ташкил этади. Қирғиз болакайи, Жамилага ўхшаган бева келинчак сингари оддий одамлар қалби орқали бутун инсоният — у япон бўладими, инглиз бўладими, хитой ё араб бўладими, рус ёки ўзбек бўладими, бундан қатъи назар, инсон кечинмаларини, орзулари ва армонларини, севинчлари ва ситамларини юксак маҳорат билан баён этади ва умуминсоний кечинмалар чўққисини ташкил этади. Дарҳақиқат, Ч.Айтматовнинг ўзи айтганидек, “Инсоният Гомер, Данте, Шекспир, Гёте, Пушкин, Толстой, Достоевский, Бальзак, Шолохов, Фолькнер, Гарсиа Маркес... ҳаммаси учун битта одам эди”.

Дарҳақиқат, айтиш мумкинки, мазкур даҳолар турли даврларда, хилма-хил, бир-бирига ўхшамаган ижтимоий ҳаёт шароитларида яшаган бўлсалар-да, уларни ягона умумий ғоя — миллий ва ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар битта Инсон тушунчасидан кенгроқ, инсоният тақдири бирлаштирган. Бундай ғоятда кенг тафаккур ва маънавий-руҳий

занжир одамларни авлоддан-авлодга боғлаб туради, оламни яхлитлигича англашга ва бир бутун Ер шари тақдири учун жавобгар эканлигини, масъуллигини тушунишга чақиради. Охир-оқибатда Ер шари бизнинг ҳаммамизнинг умумий хонадонимиз, нажот майдонимиз, бугунимиз ва истиқболимиз, бутун саодатимиз ва таназзулимиз билан боғлиқ бўлган муқаддас маконлигини англашимизга олиб келади. Инсонпарварлик ғояларининг узундан узоқ, мингйилликлар қаъридан бугунгача давом этиб келаётган қадриятларини ривожлантиришни, уларнинг генетик асосларини чуқур ўзлаштириш орқали тўпланган маданий қадриятлар ва ақлий тажрибаларни ишга солишимизни тақозо этади. Ч.Айтматов ғоялари ана шундай умумсайёравий моҳият касб этади.

Адибнинг “Биринчи ўқитувчи” қиссаси юқорида баён этилган ижтимоий фалсафа моҳиятини ўзига хос, бетакрор шакл ва ёндошув билан очиб беради. Унда инсон қалбининг беқиёс гўзалликларини, бу бири кам дунёда, армонларга тўла кишилик ҳаётида инсоннинг қай даражада машаққат билан эришган бахтиёр лаҳзаларини, саодатли онларини чуқур тушунасиш. Умрини одамларга маърифат тарқатиш, уларнинг қалбида эзгулик, яхшилик, мурувват, бағрикенглик ва, албатта, меҳр-муҳаббат туйғуларининг барқ уриб ўсишига бағишлашдек саодатни англаш жуда катта маънавий ҳодиса.

Қиссанинг асосий ғояси улкан ва бегубор, эзгуликларга тўла қалб баёни асосида қурилган. Унда зиддиятли, қарама-қаршиликларга тўла ҳаётда, ҳар қандай шароитда одамларга, инсонга муҳаббат билан қараш ва ўзининг айни ана шу ҳолатидан маънавий-руҳий қониқишни ҳис қилиш, ўзининг мавжудлигидан ва қилаётган ишидан қувона олиш туйғуси ҳар қандай инсоннинг қалбини ларзага келтиради. Ўқитувчи Душан ана шундай инсон эди. У

ўз мақсадларига эришиш, одамлар қалбига эзгулик ва маърифат тарқатиш учун ҳар қандай қийинчиликларга, қарама-қаршиликларга, қийин турмуш шароитига, камситишлар, ҳақоратлар, шахсиятига тегишлар сингари инсон руҳиятини синдириб, ҳаётдан умидини уздирадиган ҳаракатларга бардош беради. Душаннинг ички иродаси ва маънавий қудрати ҳаёт зиддиятларидан устун келади. Бу “Маърифат – шижоатдир. Маърифатли киши шижоатли бўлур” – деган ақиданинг конкрет кўриниши эди. Бу ўзига хос ҳаёт фалсафаси. Душаннинг жамиятнинг бир бўлаги сифатидаги хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, маънавий ва руҳий таъсир ўтказиш ҳолатлари Чингиз Айтматов ижтимоий фалсафасининг ёрқин тимсолидир.

Ўқитувчи Душаннинг ўта қатъиятли феъл-атвори, одамларга зиё тарқатиш сингари эзгу миссияни энг оғир дамларда ўз зиммасига олгани, ўзининг бутун билими, куч-ғайрати ва ҳаётини бу эзгу вазифага бағишлагани унга куч берарди. Ҳаётга ишончини, истиқболга умидини оширарди. Қирғиз ўқитувчисининг бундай қалб кечинмалари умуминсоний тараққиётнинг маънавий ифодаси сифатида ғоятда гўзал ва изтиробли эди. Ана шу гўзалликни ва изтиробни чуқур ҳис этган ҳар қандай китобхон миллатидан, элатидан, ирқидан қатъи назар ўзини инсон сифатида англашига эҳтиёж сезади. Асар ўқувчи виждонини уйғотади. Жамиятдаги ўрнини, мавқеини белгилаш имконини беради. Маънавий-руҳий, ахлоқий-маърифий англаш жараёни унинг ўзини ўзи камолотга етказиш, етукликка интилиш туйғусини ривожлантиради. Бу ижтимоий моҳият касб этган инсон орқали ижтимоий фалсафанинг бадий талқини сифатида адабиёт фалсафасининг мазмун-моҳиятини янада чуқурлаштиради.

“Момо Ер” қиссасида уруш йиллари фожеалари ифода этилади. Асар бош қаҳрамон ёши улурроқ

Тўлғаной ва Она-ер мулоқоти тарзида яратилган. Она образи айтиш мумкинки, Ер юзидаги барча аёлларнинг кечинмаларини, қалб изтиробларини, севинчларию андуҳларини ўзида мужассам этган. У тинчликни истади, бахтли, саодатли ҳаётни қўмсайди. Зотан, хотиржам яшаш, осудалик билан турмуш кечириш инсоният орзуси! Бироқ Тўлғаной уни ҳаммадан кўра чуқурроқ тушунади, ҳаммадан кўра кенгроқ тасаввур қилади. Инсон – она ва Она замин ўртасидаги мулоқот, кўнгил изҳори, дарду ҳасратлар, нафрату муҳаббат муножоти фалсафий-бадий оҳангда баён этилган. Бу мулоқотда тинчлик ва инсопарварлик, ватанга бўлган муҳаббат, ижтимоий тараққиёт ва саодатли ҳаёт бош ғоя қилиб олинган. Тарихий тақдирнинг аянчли даврида инсон моҳияти ва унинг ижтимоий мазмуни ғоятда юксак даражада ифода этилади.

Инсон буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар қилиш билан бирга айна ана шу умусайёравий тараққиётни издан чиқаришга, инсоният мингйилликлар мобайнида эришган ютуқларини барбод этиш қудратига ҳам эга. Шу билан бирга инсон баъзан шу даражада майда, тор манфаатлар қурбонига айланиб қоладик, бу ўзининг шахс сифатидаги қадриятини мутлақо англамасликдан, ўзини ўта майдалаштириб, ҳашаротлар билан тенглаштириб қўйганидан келиб чиқади. Дейлик, кундалик маиший ҳаётда икки қўшни бир қарич ер устида талашади. Бири “Ана шу бир қарич ер меники” деса, бошқаси “Сеникимас, меники” дейди. Ёқалашади, юз кўрмас бўлиб кетишади. Ваҳоланки, уларнинг оёғи остида жимгина турган, инсоннинг ниҳоятда тубан, разил, пасткаш, худбин ва майдалигидан қалби зардобга тўлган Замин эса “Сенларнинг иккаланг ҳам меники” деяётганини англашмайди. Бунга ақллари ҳам етмайди. Момо Ер ғоятда марҳаматли, муруватли, мушфиқ ва меҳрибон эканлигини тасаввур

ҳам қилишмайди. Чингиз Айтматов фалсафасида оддий кундалик ҳаётдаги келишмовчиликлар, зиддиятлар, қарама-қаршиликлар, ўта тор манфаат-парастлик устун келган ҳолатлар орқали инсон фожеаси ғоятда чуқур таҳлил қилинади. Тўлғаной она ва Она Ер мулоқоти ана шу тарзда умуминсоний тафаккурнинг буюк чўққисига айланади.

Инсон пайдо бўлибдики, бу мўътабар замин унга ҳаёт манбаи бўлиб келмоқда. Бироқ ана шу инсон туфайли унинг бағри қонга, қалби зардобга тўлди. Биргина иккинчи жаҳон уруши туфайли 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғи қуриди. Юзлаб шаҳарлар, инсоният цивилизациясининг нодир осори-атиқалари, минглаб завод-фабрикалар яксон қилинди. Миллионлаб гектар ҳосилдор ерлар пайҳон қилинди... Бу инсон деган мўътабар ва мубҳам зотнинг кирдикорлари эди.

Бизнинг давримизда Ироқ, Сурия, Фаластин, Афғонистонда юз берган, юз бераётган фожеалар қандай асосга қурилган? Саддам Ҳусайн ким бўлишидан, қандай режимни қарор топтиганидан қатъи назар халқи ундан рози эди. Уни севарди, ҳурмат қиларди. Халқ эъзозидаги мўътабар шахс айни диний эътиқоди назарда тутилган ҳолда Қурбон ҳайити тонгида, жума куни дорга осилди. Бу нафақат биргина одамга, балки бутун Ислом оламига таҳдид ва уни таҳқирлаш эди.

Афғонистондаги қуроли мажоралар, қонли тўқнашувлар ҳали-ҳамон давом этмоқда. Қарийб 40 йилдан буён тобора чигаллашиб бораётган тўқнашувларнинг нима билан якунланиши мавҳумлигича қолмоқда ва у умумсайёравий муаммога айланди. Расмий Кобул билан толиблар ўртасидаги келишмовчилик, тобора чуқурлашиб бораётган манфаатлар тўқнашуви афғон халқи ҳаётини издан чиқарди. Аҳоли тобора қашшоқлашиб, турмуш даражаси мисли кўрилмаган даражада пасайиб қолди.

Афғонистондаги мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият фақат Афғонистоннинг ўзининггина муаммоси эмас. У ерда террорчилик ҳаракатларининг изчил давом этаётганлиги, мамлакатда хунрезликларнинг тўхтатилмаётганлиги, ислом радикалларининг ғайриисломий ва ғайриинсоний хатти-ҳаракатларининг фожиали давом этаётганлиги бутун дунёни ташвишга солмоқда.

Буларнинг ҳаммасини инсон амалга ошираяпти. Бундан Тўлғаной тимсолида жамики оналар, инсониятнинг ҳаёт манбаи Она-замин – Момо Ер изтироб чекмоқда. Бу файласуф ва адиб Ч.Айтматовнинг улкан ижтимоий фалсафаси, буюк қалби ва бетакрор қувваи ҳофизаси маҳсули.

Тўлғаной онанинг изтироблари кишилик жамияти тақдири, инсон моҳияти, унинг маънавий-ахлоқий олами ва мураккаб, зиддиятли феъл-атвори орқали намоён бўлади. Файласуф ва ёзувчи Чингиз Айтматовнинг тафаккур дунёси, унинг буюк идеаллари Тўлғаной она кечинмаларида ўз ифодасини топган. Момо Ер – одамзоднинг онаси. Ер юзидаги етти миллиарддан ортиқ инсонга ризқу рўз, ҳаёт, бахт, саодат ҳада этаётган замин кечинмалари юксак фалсафий мушоҳада тимсолига айланган мушфиқ онанинг ғамғусор қалби яраланган, руҳияти шикаста, айни пайтда улугвор ва маҳобатли Она тимсолидир. Фалсафий мушоҳада шу даражада чуқурлашиб, умуминсоний моҳият касб этадики, Ер шарининг, бутун мавжудоднинг ўтмиши, бугуни ва истиқболи ниҳоятда дардчил, айни пайтда баланд оптимистик кайфиятда кашф этилади. Бу Айтматов фалсафасининг ғоятда кенг қамровли космик кенгликлар тимсолидаги кўринишидир.

Жуда тез ўзгараётган дунё, тобора авж олаётган манфаатлар тўқнашуви, худбинлик ўзининг янгидан-янги қирраларини намоён қилаётган мураккаб бир шароитда инсон кечинмаларини, қалб изтироб-

ларини икки мўътабар она тимсолида кўриш мумкин. Бу умумдунёвий ва умуминсоний ҳаёт тақозоси, истиқбол олдидаги жавобгарликнинг ёрқин намунаси сифатида ҳар бир одам мудроқ қалбининг уйғонишига, виждонининг покланишига олиб келади. Натижада, Чингиз Айтматов фалсафаси инсон ва инсоният, одам ва олам истиқболи билан боғлиқ бўлган буюк тафаккур сифатида ўз қудратини намоён этади.

Файласуф Чингиз Айтматов замонавий тараққиётни, ҳозирги цивилизациявий жараённи маънавий-ахлоқий асосларда таҳлил қилади. Ўтмиш ва истиқбол ўртасидаги бу зиддиятли оламни ахлоқсиз тасаввур қила олмайди. Инсоният бугуни ва келажакни асрагувчи ягона таянч ахлоқ, маънавият, маърифат эканлиги ғоясини илгари суради. Унинг барча каттаю кичик асарлари ана шу буюк идеаллар асосида қурилган.

Айтиш мумкинки, Чингиз Айтматов асарларида битта яхлит ва узлуксиз тизим, маънавий-ахлоқий қарашлар илгари сурилади ва у концептуал моҳият даражасига кўтарилади. Айтматов маънавий-ахлоқий концепциясининг маънавий парадигмасида халқ оғзаки ижоди, афсоналар, асотирлар, ривоятларнинг бир неча мингйиллик анъанавий эволюцияси, унинг тадрижий ривожини ва кишилик тараққиёти жараёнларидаги ўрни катта аҳамият касб этади. У оддий ривоятлардан, афсоналардан умуминсоний мантиқ излайди ва уни муваффақиятли таҳлил қилади. Афсоналар ва ривоятларни бугунги тезкор, шиддатли жараёнларга шу даражада табиий ҳолатда боғлаб, истиқболга қаратилган, мантиқий асосланган фикрларни илгари сурадики, бу адибнинг ғоятда улкан фалсафий тафаккуридан, ҳаёт фалсафасини ғоятда чуқурроқ англаган улкан имкониятидан далолат беради. Ана шундай ҳолатда Чингиз Айтматовни йирик файласуфгина

эмас, айни пайтда руҳшунос, тарихчи, этнограф, демограф, физик, астроном сифатидаям тасаввур қилиш мумкин бўлади. Адиб асарларининг асосий лейтмотиви умумпланетар моҳиятга асосланади. Тарихий, фалсафий мазмуни, ижтимоий моҳияти чуқур психологик таҳлил, маънавий-маърифий ва бадиий тафаккурнинг бетакрор ҳодисаси сифатида намоён бўлади.

Чингиз Айтматовнинг мантиқий асосларига назар ташлар эканмиз, битта буюк қадрият кўзга яққол ташланади: инсон фақат ўз шахсий ҳаётини юксак ахлоқ ва маънавият асосида қургандагина ўзини тўлақонли инсон сифатида намоён эта олади. Инсоният тараққиёти, замонавий цивилизация эса фан-техника тараққиёти билан бирга ахлоқий муносабатларни асос қилиб олмаса таназзулга учрайди. Буни америкалик машҳур файласуф ва социолог Патрик Бьюкенен ҳам ўзининг “Смерть Запада” китобида таъкидлаган.

Файласуф ва адиб Чингиз Айтматовнинг “Кассандра тамғаси” романи жаҳон адабиётида кутилмаган воқеа бўлди. Космонавт Филофей образини нафақат кишилик ҳаётини, бутун борлиқни ўзгартирувчи ва айни пайтда ҳар бир инсоннинг ўзи ҳақида ўйлашига, ўзининг кимлигини, қанақа одамлигини, нималарга қодирлигини ўйлаб кўришига, англашига, ўзига ўзи муносиб баҳо бера олиш каби ички маънавий қудратга, руҳий иродага эга бўлишга даъват этадиган афсонавий, илмий тилда айтадиган бўлсак фантастик воқелик. Кайҳоний монах Филофей бу оламнинг бутун кирдикорларини – яхшилигию ёмонлигини, эзгулигию ёвузлигини, ёруғу қоронғи томонларини фавқулодда изтироб ва кучли маънавий ирода билан очади. Бу адиб фалсафий тафаккурининг ноёб кашфиёти эди.

Ч.Айтматов қадимги юнон мифларидан унумли фойдаланади. Дунёда жамики ёвузликлар, ёмон-

ликлар, сотқинликлар ва мунофиқликларнинг тимсоли бўлган аёл – она Кассандранинг замонавий образини яратади. Кассандра пешанасидаги тамға унинг шаъни, борлиғи, мақсадлари ва идеалларининг ёвузлик белгиси. Романда адибнинг фавқулодда катта билимга, диний ва дунёвий фанларнинг бир неча йўналишида фикрлай оладиган ва уни синтезлаштириб ягона қиёфага жойлаштира билишдек фавқулодда фалсафий-бадий қудратга эгаллиги намоён бўлади. Асар моҳиятини, илгари сурилган ғояни тўлиқ англаш учун, айтиш мумкинки, фақат адабиётни тушунишнинг ўзи камлик қилади. Бошқача қилиб айтганда, фалсафа, психология, мантиқ, тарих, социология, сиёсатшунослик, жамиятшунослик, диншунослик, маданиятшунослик сингари ижтимоий фанлар қаторида табиий фанлар, жумладан, биология, анатомия, тиббиёт, физика, электроника ва информатика, генетика, ген муҳандислиги ва бошқа қатор фанлар ҳақидаги тасаввурларни ҳам тақозо этади ва асар бутун моҳиятига кўра улкан фалсафий тафаккурнинг ўзгинасидир.

Фан натижаларига кўра муртак-эмбрион она қорнида икки ҳафталигидаёқ ташқи оламни ҳис қилар экан. Кишилик ҳаётидаги барча яхшилик гу ёмонлик, муҳаббат у нафрат, эзгулик ёвузлик, бағрикенглик, муруватлилиқ, ўзаро ҳурмат туйғулар билан бирга, сотқинлик, мунофиқлик, ҳасад, кўраолмаслик ҳисларининг ўзаро тўқнашувларини кичкина ҳужайра тушуна олар экан. Ана шундай мураккаб драматик ҳолатда муртак-эмбрион “одам бўлиб турилсаммикин, туғилмасаммикин” деган иккиланишлар изтиробини чекар экан. Бу – даҳшат! Бу – фожеа! Бундай ғоятда нозик ҳолатни ифодалаш у ёқда турсин, уни англашнинг ўзи одамдан махсус тайёргарликни, фалсафий тафаккурни, бой мушоҳадани тақозо этади.

Албатта, бу – баҳсталаб. Ч.Айтматов романдаги айни ана шу мураккаб ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: “Бу фантазиямнинг марказий ўзаги одам организмнинг туғилгунига қадар ҳам фикрлаш қобилиятига эгаллиги – келажакда бўладиган воқеаларга ўзининг муносабатини билдириш ва она қорнидаги ҳаётнинг дастлабки ҳафталаридаёқ фалокат сигналининг узатиш қобилиятининг борлигидир. Сўнгра бу қобилият сўнади, эмбрион бўладиган воқеаларга аста-секин кўникиб боради. Шундай қилиб, пешанаси тамғали Кассандраларнинг кейин туғилладиган фарзандларининг тақдири салбий бўлади, дейилади романда”.

“Туғилсаммикан, туғилмасаммикан...” Ҳали одам бўлиб улгурмаган, ҳали одам қиёфасига кирмаган ҳужайранинг мутлақ покиза, табиий ва илоҳий томондан стерилланган оламдаги – она қорнидаги ҳаётида шунчалик изтиробга тушиши инсон қанчалар буюк ва тубан эканлигини кўрсатмайдими? Айтматов буюк фалсафасининг моҳияти мана қаерда очилади!

Чингиз Айтматов ҳали туғилмаган, хали одам шаклига кирмаган эмбрион қобилиятини бир неча ҳолатларда кўради. Жумладан, фикрлаш ва тақдирини олдиндан билиш, ўз муносабатларини билдириш, яхшилик билан ёмонликни, эзгулик билан ёвузликни, қаршилиқ кўрсатиш, рад этиш, маълумлик ва номаълумликни ажратиш ва ниҳоят вақт ўтиши билан кўникиш.

Юқоридаги ҳолатлар кўз илғамас зарранинг ўзига хос имкониятлари. Бироқ вақт ўтиши билан мавжуд вазиятга кўникиш ҳисси инсон феноменида унинг маънавий-ахлоқий оламини белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади. Кўникиш – инсонга хос. У ҳар қандай ҳаёт шароитига кўникишга эҳтиёж сезади. Бироқ бундай кайфиятнинг икки жиҳати бор. Биринчиси, инсон мажбур бўлгани-

дан турли қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, мунофиқликлар оламида ўзини асраш, буюк идеалларини, олий мақсадларини рўёбга чиқариш учун кўникишни имконият деб тушунади. Бу маънавий юксак, маърифатли инсонларгагина хос бўлган олий фазилят.

Кўникишнинг иккинчи салбий жиҳати борки, бу иродасиз одамларни пассивлаштиради, уларнинг кайфиятида бефарқлик, лоқайдлик, боқимандалик, охир-оқибатда эса ҳаётдан умидсизлик иллатларини кучайтириб юборади. Чингиз Айтматов инсониятни, ҳаммани биринчи тоифадаги одамлар қаторида кўришни истайди.

Чингиз Айтматовнинг тафаккур олами ана шундай кенг, ранг-баранг, изтиробли, андуҳларга тўла. Унинг инсон фалсафаси инсоннинг ўзи каби зиддиятли. Аммо журъатли, жасоратли, ўта қатъиятли. Даҳолик қудрати эса унинг ғоятда эзгулигида, неқбинлигида, оламни яхлитлигида, инсониятни бир бутунлигида идрок этишида!

Хулоса қилиб айтганда, Чингиз Айтматов бутун моҳияти билан жаҳон маданиятининг феномени. Унинг фалсафаси, даҳолик қудрати Инсон деган буюк ва айни пайтда мубҳам олам сир-синаотларини, бутун зиддиятлари, қарама-қаршиликлари ва ғоятда улкан интеллектуал салоҳиятининг бадиий таҳлили орқали кишилик ҳаётининг истиқболидан башорат деб тушуниш мумкин. Бу маҳобатли фалсафий тафаккур глобал дунёни ва инсонни асрашда, кишилик тараққиётида эзгуликни ҳимоя қилишда, замонавий цивилизацияни яхшилик сари буришда қудратли омил бўлиб хизмат қилаверади.

Турсунбой АДАШБОЕВ

УСТОЗЛАРДАН ФОТИҲА ОЛИБ

1968 йилнинг август ойлари эди. Қирғизистон Ёзувчилар уюшмасининг Ўш вилоят кенгаши бошлиғи, таниқли адиб Шобдонбой Абдурахмонов оқшом мени йўқлаб ижарали уйимизга келиб қолди. Чой-пойдан сўнг Шобдонбой оға муддаога кўчди:

— Ука, индинга Қирғизистон халқ шоири Темирқул Уметалиевнинг 60 йиллиги муносабати билан Чингиз Айтматов Ўшга келади. Вилоятнинг мафкура бўйича котиби М.Исмоиловни кўндирдим: меҳмонлар Ўшдаги дам олиш уйида бир кун бўлишади. Сизларга ёзувчилик гувоҳномасини Чингиз Айтматовнинг ўзи топширар экан. Жўлон Мамитов битта қўчқор ваъда қилди. Бу ёғига нима қиламиз?..

— Шобдонбой оға, кўнглингиз тўқ бўлсин, Темирқул Уметалиевнинг “Тўрғай навоси” деб номланган китобини таржима қилганман, яқинда нашрдан чиқади. Шундай улуг кишиларга дастурхон ёзмасак уят бўлади, дедим.

Шобдонбой оға “Хайрият” деб мени бағрига босди. Ташкилий ишларни келишиб олдик. Белгиланган куни Жўлон ҳам камина дам олиш уйига турмуш ўртоқларимиз билан бориб, меҳмонлар учун мўлжалланган хоналарни жиҳозлаб, ўн беш кишига лойиқ дастурхон тузадик. Кечки соат тўртларда Чингиз Айтматов Темирқул оға билан етиб келишди. Барча дастурхон атрофидан ўрин олгач, Шобдонбой ака бизни таништирди. Айтматов эса ўзига хос оғир босиқ тарзда Т.Уметалиевни олтмиш ёшга

тўлгани билан табриклар, шоирга сиҳат-саломатлик тилади.

Ўша даврнинг урфига кўра, вилоятнинг мафкура бўйича котиби М.Исмоилов бироз кечикиброқ бўлса-да келиб, тўрдан ўрин олди. Чингиз Айтматов Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сулейбой Эралиевнинг илтимосига биноан, ўзи ва Темирқул оғани билан бизларни қутлаб, гувоҳномаларни топшираётиб, ёзувчининг бурчи ҳақида алоҳида тўхталиб, омадлар тилади. Давра ниҳоятда файзли давом этди.

Шу ўринда буюк адибнинг синчковлиги ва камтарлигига оид бир тафсилотни эслаб ўтай. Кечки соат тўққизларда, танаффусда кимдир менинг бошмоғимни (босоножка) босиб олгач, тўқаси узилиб тушди. Меҳмонларга йўл бериш чоғида сирни ошкора қилмаслик учун чап оёғим устига ўнгини босиб турган пайтимда, Чингиз оғани ноқулай ҳолатимни кузатиб турган экан, шекилли, шофёрининг қулоғига ниманидир уқтирди. Шофёр менга яқин келиб, ўзини таништирди ва бошмоғимни алмаштириб келиш учун хизматга тайёр эканини айтди. Минг хижолатда турган эдим, таклиф каминага мойдай ёқди... Уйга бориб келдик. Бу орада макфура котиби ижодкорлар даврасида ортиқча эканини сезди, шекилли, узрини айтиб, руҳсат сўради. Ўша куни тунги соат иккига қадар гурунглашдик. Эртаси нонуштадан кейин меҳмонларни Темирқул Уметалиевнинг ватани Оқсув туманига кузатдик.

Орадан уч кун ўтгач, Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси қабул комиссияси котиби, таниқли шоир Совронбой Жусуевдан мактуб олдим. Хатда устоз уюшмага қабул қандай ўтганини баён этганди. Менинг ҳужжатларим бўйича раҳбариятга маълумот берилаётган кезде Чингиз Айтматов каминага кимлар тавсиянома ёзганини сўрабди. Котибият устоз Миртемирнинг ҳам тавсияси борлигини айтган

заҳоти масала ижобий ҳал бўпти. Ўша пайтдаги тартибга кўра, қўшни жумҳуриятда яшаб ўзбек тилида ижод қиладиган шоирларга бериладиган тавсияномаларнинг иккитаси ўзбекистонлик таниқли адибларнинг номидан бўлиши шарт эди-да. Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлганимдан кейин ҳар икки республикада ўтадиган ижодий йиғилишларда фаол иштирок этишим одат тусига кирди. С.Эралиев, Т.Уметалиев, Т.Қосимбеков, Б.Сарнўғаев, С.Жусуев, Ж.Мавлонов, Ш.Абдурамонов каби шоир ва ёзувчиларнинг асарлари менинг таржимамда бирин-кетин нашр этила бошлади. Бу орада Москва Олий адабиёт курсини тугатиб қайтдим. 1987 йилнинг январь ойида мени Тошкентга “Юлдузча” (ҳозирги “Чўлпон”) нашриётига хизматга чақириб қолишди. Дарҳол Чингиз оғанининг ўринбосари, дўстим шоир Жўлон Мамитовга қўнғироқ қилиб, янгиликни етказдим. У Бишкекка келиб кетишимни илтимос қилди. Жўлон билан бирга устоз Ч.Айтматов ҳузурда бўлдик. Чингиз оғани ижодий ишларим ҳақида мухтасар ахборот бердим. У киши Тошкентга, нашриётга ишга таклиф этилганимни эшитиб, оғаларча йўл-йўриқ берди. Шундай қилиб, ижодий давраларнинг бевосита иштирокчисига айландим. Буюк адибнинг 70 йиллик тўйида, 75 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган давра суҳбатларида қатнашдик. Устознинг илтимосига биноан Мухтор Шохонов билан ҳамкорликда ёзган “Овчининг чўққида қолган оҳу зорлари” китоби таржимасини аслига қиёслаб, муҳаррирлик қилдим.

1999 йилнинг 10 декабрь куни эрталаб Қирғизистон Республикасининг ўша пайтдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ботирали Сидиқов телефон қилиб, мени “Қирғизистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” деган унвонга сазовор бўлганим билан қутлаб, эрта соат ўн иккида элчихонага келишимни илтимос қилди. Ваъдага биноан айтилган вақтда

етиб бордим. Шинам залда ўзбек ва қирғиз адабиётининг улкан дарғалари Одил Ёқубов билан Чингиз Айтматов суҳбатлашиб ўтиришарди. Элчи даврани бошқариб, Чингиз Айтматовга сўз берди, устоз хизматим муносиб тақдирланганини таъкидлаб, нишонни кўксимга тақиб қўйди. Инсон маълум ёшга етиб, ҳаёт йўлида дуч келган чўққию довлардан ўтгач, ўз-ўзига ҳисоб берар экан. Ижодий фаолиятимни сарҳисоб қилар бўлсам, ўзбек-қирғиз маданий алоқаларининг меъморлари — бетакроп шоир Миртемир ва беқиёс адиб Чингиз Айтматовларнинг оқ фотиҳаси билан ўттиздан ортиқ китобларни ўзбек тилига ўтирибман. Бу жараёнда менга маънавий жиҳатдан суянч бўлган улуғ устозларим руҳига бир умр юкунаман.

Яхшиларга ёндош бўлиб,

Дадил ўтдим довлардан.

Бир ҳаваскор шоирингман,

Тангрим, асра ёмонлардан.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

АДИБ ҲАҚИҚАТИ

“Ҳар бир киши ўзи ҳақидаги ҳақиқатни ўзи айтиши керак”. Бу сўзлар икки ёндош мамлакатлардагина эмас, бутун турк оламида номи машҳур бўлган адиб, жамоат арбоби, ўзбек ҳалқининг оқибатли дўсти Чингиз Айтматовга тегишли. Унинг ҳар бир асари бадиий адабиёт ихлосмандлари билан бирга, бошқа касб эгаларини ҳам оҳанрабодек ўзига тортади. Бунинг боиси, ёзувчи қаламига мансуб роман ва қиссалар, ўткир мушоҳадали публицистик мақолалар, нуфузли анжуманлардаги маъзи тўқ маърузалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, уларда наинки бугуннинг, айни чоғда эртанинг, яқин келгусининг, бир миллатга ёки мамлакатга эмас, бутун инсониятга, ер юзида тинч-тотув ҳаётни сақлаб қолишга тааллуқли ҳақиқатлар, бошқалар айтишга журъат эта олмаётган муаммолар фавқулодда куюнчаклик ва журъат билан тадқиқ этилади.

Айтматов ижоди, адабиётшунос олим ва моҳир таржимон Асил Рашидов таъкидлаганидек, “ўз-ўзидан, қуппа-қуруқ заминда юзага келмади. Аксинча, бир халқ иккинчисидан, ёш авлод кекса авлоддан, бир ёзувчи иккинчи ёзувчидан сабоқ ўрганиб келгани сингари, унинг ноёб истеъдоди ҳам мавжуд ижтимоий шароитда ва янги тарихий заминда юзага келди ва тез суръатлар билан равнақ топа билди”. Айтматов адабиётга қирғиз адабиётидаги, тоғ ва дашт ўлкаси деб ном олган бу қадим тупроққа ёндош бошқа миллий адабиётлардаги, хусусан, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ адабиётидаги илғор

тажрибаларни чуқур ўзлаштирган, мағиз-моҳиятини чаққан ҳолда кириб келди, десак хато бўлмайди. Муҳими шундаки, Чингиз оға собиқ тузумнинг қон-қонимизга, онг-шууримизга сингиб кетган мафкуравий қадриятларидан воз кечиш пайти келганлигини бошқалардан кўра эртaroқ пайқайди. Бу сезимини мақолаларида, асарларида ошкора баён эта олди. Адабиётшунос олим Қ.Бобулов айтганидай, Айтматов ўзидан олдинги касбдош оғаларнинг юмшоқ бешигида улғайган бўлса-да, ижодкор сифатида бундан буён бу бешикда бамайлихотир ётавериш мумкин эмаслигини пайқаган эди. Тадқиқотчи олим К.Асаналиев Айтматов ижодидаги бир хусусиятни шундай изоҳлайди: “Чингиз Айтматов ўз сўзига, ижодига ёлгон аралаштирмаган, қаҳрамонларига ҳеч қачон ёлгон бир сўз ҳам демаган, ҳақиқат қанчалик оғир бўлмасин, уни таг-туғигача айта олган ёзувчилар сирасига киради. Шу жиҳатдан олиб қараганда, у аёвсиз чинчи (ҳақиқатчи), ростгўй ёзувчи. Қаҳрамонларига нисбатан аёвсизлиги ёзувчига хос оқ нијатдан, турмушда учраб турадиган зиддиятларни сийпаламай, тараб-бутамай асл ҳолича айтиш мақсадидан келиб чиқади”¹.

Ижодкорнинг умри унинг бу фоний дунёда яшаган йиллари билан ўлчанмайди. Бу гап, шубҳасиз, бошқа касб эгаларига ҳам тегишли. Аммо қалам аҳлига кўпроқ дахлдор. Чунки ёзувчининг маҳорат билан битилган асарлари мустаҳкам қасрлар, маҳобатли иморатлардан кўра ҳам кўпроқ ишайди. Тош емирилиши, гишт кўчиши, пойдевор нураши мумкин, аммо мукаммал санъат асари асрлардан-асрларга ўтадики, маъно-моҳиятини асло йўқотмайди. Аксинча, ҳар янги авлод ундан баҳраманд бўлиб, ўзи учун янги маъно, янги фикр топа олади. Улуғ Навоий бобомиз бош бўлиб қурдирган иморатлар, қадирган ариқлар,

¹ Қаранг. Чингиз Айтматов. Танланган асарлар (Қирғиз тилида). 1-томга айланган суабоси, Фрунза, 1982.

боғ-роғлар ўрничи бугун топиш қийиндир, лекин у табаррук зот қаламига мансуб нодир асарлар бизга ҳамон маънавий ҳамроҳлик қилади.

Чингиз Айтматов ижодида инсоният тарихидаги қуролли қирғинларнинг халқ бошига солган чексиз жафолари, бутунлай қирилиб кетган кўпдан-кўп элатларнинг аянчли тақдири тафсилютлари ҳам ўз аксини топган. Муҳими, адиб бу мавзуда қалам тебратган бошқа ҳамкасблари сингари, урушнинг моддий йўқотишлари – қанча одам ўлгани, қанчаси ярадор бўлгани ёки бедарак йўқолгани, қанча шаҳар ва қишлоқларнинг кули кўкка совурилгани, қанча бино, қишлоқ ва шаҳарлар вайрон этилгани, кўприклар, темир йўллар, муҳим иншоотлар бузиб таашланганини тасвирлашдан кўра, бу қатлиомнинг инсон маънавий оламига, инсонийлигига таъсири ҳақида мулоҳаза юритишни маъқул кўради. Адибнинг “Юзма-юз”, “Оқ кема”, “Сомон йўли” қиссаларида айни шу ҳолатни кузатиш мумкин. Ёзувчининг болалик хотираларида уруш йиллари Шакер овулида почтабонлик қилгани ва солиқ йиғувчи бўлиб ишлагани жуда таъсирчан ифодаланган: “Овулдан бирор оилага қора хат келса, оқ соқоллар олдига бориб, уларга тушунтирар эдик, – деб ёзади адиб. – Улар аввал ҳалок бўлган кишининг қариндошларини чақириб, бўлган воқеадан хабардор қилиб, ўзaro маслаҳатлашгач, сўнг мени аргаштириб, марҳумнинг уйига боришарди. Мен оила аъзоларига қора хатни ўқиб берардим... Овулимиздагилар мени яхши танишарди. Улар менга ёмонликни раво кўришмасди, кимгадир қора хатни топширмақ, ўлимнинг совуқ хабарини етказмақ зиммамга юкланган вазифа эканини тушуншарди. Аммо, гоҳида ўз ишим билан кўчаларидан ўтиб бораётган бўлсам, аёллар мени кўриб уввос солишарди: “Яқинлашма бизаникига, йўқол қоранг учгур. Қани, даф бўл-чи...”

Адибнинг “Жамила” повестида ҳам урушни лаънатловчи таъсирчан публицистик хитобларга дуч келамиз: “Ў, жонажон бепоён далам! Қозоқ жондошимнинг ери билан пайванд бўлган азамат далам. Мана, тоғларимизни икки ёққа айириб ташлаб, қамиш ва шувоқларга кўмилиб, буюк бир денгиздай чайқалиб ётасан. Нималарга қодир эканлигингни ким билади сенинг! Қароғим, сиртингдан қараса қимирлаган жон йўқдек бўзариб ётганинг-ётган. Аммо кечагина қон-қардошларинг униб-ўсган бағрингда уруш бошланиб, душманлар ўлкамизга чанг солганда, қучоғингдаги гиёҳлар ёниб, довурак чавандозларинг душман устига шердек ташланганида, мусаффо осмонингни иссиқ чанг қоплади, еру кўк ларзага келди. Ўшанда қирғоқнинг нариги бетидан от ўйнатиб келган қозоқ хабарчиси: “Отлан, қирғиз, отлан! Ёв келди!” – деб саратон қуюни ичида яна қаёққадир отини елдек учириб кетди... Йигитлар жангга отланганда осмону замин титраб, ёвни маҳв этишга чорлаб бонг урилди... оналар ва жувонлар: “Кенг даламиз мадаккор бўлсин! Хосиятли она ер мадад берсин! Буюк Манаснинг руҳи ёр бўлсин!” – деб бўзлаб қолишди.

Сенга жоним фидо, эй муқаддас далам, тоғларим!..”

“Сомон йўли” асари қахрамони Тўлғанойнинг Ер билан суҳбатидан: “Ҳа, бойчечак очилган кўклар эмасмиди? Кун тегмаган камарларда қурт-қумурсқалар ҳали ҳам карахт ухлаб ётган бўлса ҳам, майин шабада эсиб, ер селгиб, кун сайин майсалар ниш уриб, баҳор яқинлашмоқда эди. Оҳ, баҳорни қўмсаб, доннинг сепилишини орзиқиб кутаётган деҳқон далам! Намиққан юзларинг кўкимтир ранг олиб, оламнинг чор атрофига ястаниб, аллақаерларингда кумуш ранг таратиб, тўшақда ётган жувондек балқиб турганингдан, бепоён далам!”, “Ажойиб

азаматлар, тоғ нураса бўлмасмиди, кўл қуриса бўлмасмиди! Сувонқул билан Қосимим, ота-бола иккови ҳам қандай деҳқон эди! Дунёнинг таянчи шунга ўхшаш заҳматқашлар эмасми: элни тўйғизганлар ҳам, ёв келганда қўлга қурол олиб, мамлакатни қўриқлаб, қон тўкканлар ҳам ўшалар. Агар уруш бўлмаганда, Сувонқул билан Қосимим қанча одамларга ризқ-рўз бериб, мушкулини осон қилиб, экин экиб, қанча хирмон кўтариб, қанча ишни бажарган бўларди. Ўзлари ҳам эл меҳнатидан ҳузур-ҳаловат кўриб, одамнинг қанча роҳатига шерик бўлишар эди. Ўйлаб қарасанг, қизиқ, айланайин она-Ер, уруш бошланар экан-у, у урушда одамзоднинг энг асл, ҳунари бор азаматлари ўз ишини ташлаб, бирининг қонини бири тўкиб, бирини бири ўлдиришга сафарбар бўлишар экан. Мен бунга кўникмайман, умрбод кўника олмайман. Табиат томонидан яратилган энг олий мавжудотларнинг энг буюги – одамзод, дунёни ўзига бўйсундирган ким – одамзодми, шундай экан, бир-бирига бунчалик зиён келтирмай, тинч-тотув яшолмайдими? Сирдош далам, жавоб бер, айт жавобингни”.

Бу саволга она-Ернинг жавоби: “Қийин савол бердинг-ку, Тўлғаной. Мен билганимдан бери, одам одам бўлиб яратилганидан бери урушгани урушган. Баъзан урушда мутлақо қирилиб ном-нишонсиз кетган эллар ҳам бўлган, кули кўкка совурилиб, тирик жон қолмай, хонавайрон бўлган шаҳарлар ҳам бўлган. Неча асрлар одамзод изига зор бўлиб, бўм-бўш ётган вақтларим ҳам бўлган. Ҳар гал уруш чиққанда, гап уққанларга, урушманглар, қон тўккунча ақл ишлатинглар, деб айтаман. Ҳозир ҳам айтадиган сўзим шу: “Эй, одамлар, дунёнинг тўрт бурчагида яшаётган одамлар, сизга нима керак – Ерми? Мана мен – Ерман, мен барча одам боласига етаман, менга талашишларингнинг кераги йўқ, менга иноқлик керак! Меҳнат керак! Шудгорга

битта дон ташласаларинг, юз дона қилиб бераман, хипчин санчсаларинг, чинор қилиб бераман, боғ қилсаларинг, мева тугиб бераман, мол ёйсаларинг, пичан бўлиб бераман, уй қурсаларинг, девор бўлиб бераман, уруғ-аймоқларинг кўпайса, ҳаммаларингга жой бўлиб бераман. Мен тугамайман, мен хасис эмасман. Мен конман, ҳаммаларингга етаман...”¹

Айтматов ўқувчини ҳозирги мураккаб дунёнинг ўткир муаммоларини англаш ва тафаккур қилишга, “оммавий маданият” деб номланган офатнинг инсоният бошига олиб келаётган ташвишлари тўғрисида фикр юритишга даъват этади, ер юзида ҳаёт-мамотни сақлаб қолишда ҳар ким ўзининг бурчи ва масъулиятини англаб олишини, бу борадаги саъй-ҳаракатлар дунё миқёсида бирлашишини истайди. Иккинчидан, Айтматов ўз ўқувчиларини талабчан мураббий каби тарбиялаб, онг-шуурини янги фикрлар, қиёсу далиллар, факт-рақамлар билан бойитиб боради, дунёқарашнинг бир даражада, бир ҳолатда узоқ вақт сокин қолиб кетиши тараққиётнинг илдизларига болта уришини урғулайди.

“Тарихнинг нотантилиги шундаки, – дейди адиб уруш мавзусидаги суҳбатларидан бирида, – инсоният тарихида бўлиб ўтган не-не қиргинбарот урушларнинг миллион-миллион қурбонлари, қатлиомларнинг бегуноҳ жабрдийдалари унут бўлиб кетади. Унут бўлиб кетди ҳам. Ҳар қандай уруш, энг аввало, тинч аҳоли бошига беҳисоб кулфатлар, азоб-уқубатлар олиб келади. Уруш келиб чиқишига мутлақо алоқаси бўлмаган бегуноҳ кишиларнинг, норасидаларнинг ёстиги қурийди. Афсуски, бу қурбонлар халқ хотирасида умумий бир тарзда қоладилар, холос. Гитлер, Наполеон, Македонский ва шунга ўхшаш каттаю кичик фотиҳлар эса тарихда қолади. Нима учун шундай? Нима учун биз ўша қурбонларнинг ҳар биттаси ҳақида қайғурмаймиз?”

¹ Ч. Айтматов. Танланган асарлар, 2-том, Т., 1978, Б.140.

Улар ичида Ватан, миллат тақдирини ҳал қилишга қодир буюк истеъдодлар, улуғ саркардалар ҳам бўлиши эҳтимоли тўғрисида ўйлаб кўрмаймиз. Бунинг мутлақо иложи йўқ. Урушнинг энг катта даҳшати ҳам шунда”.

Уруш ва унинг битмас жароҳатлари тўғрисида кўплаб асарлар ёзилган, сон-саноқсиз фильмлар суратга олинган. Аммо Чингиз Айтматовнинг юқоридаги фикрлари инсоният тарихидаги жамики қиргинбарот урушларни лаънатловчи ҳукм десак, муболаға бўлмайди.

Айтматов қаламига мансуб очерк ва мақолалар аксарият ҳолларда муаллифнинг ўзига хос “кириш сўзи”, газетхонга, воқелик кечаётган заминга ёхуд очерк қаҳрамонига қаратилган лирик мурожаати, поэтик хитоби билан бошланади:

“Сўзларимни тингла, эй она бўри! Сен шу ерларда яшайсан. Ўзингга қандай яхши бўлса, шундай яша, табиат қандай буюрган бўлса, тирикликни шундай адо эт” (“Кунда”).

“Тезроқ, тезроқ, Чопдор, оғажоним, олға, уларни (от ўғриларини – М.А.) қувиб ет... Олға, Чопдор! Агар ўлсак бирга ўламиз, фақат тезроқ чоп, тезроқ, Чопдор, йиқилма...”, “Чопдор, сен менинг инимсан, сен менинг қўшчи отимсан... Сенга қамчи ураётганим учун мени кечир. Шу керак бўлиб қолди, Хафа бўлма, Чопдор”, “Чонтор, сен Чопдордан кейинги энг кучли отсан. Сени отам Бекбой доим мақтар эди. Ёдингдами? Биз ҳаммамиз шаҳарга борганимиз эсингдами? Отамдан ҳануз хат-хабар йўқ, бундан жуда қўрқаман, сиз, отлар, буни тушунмайсизлар. Урушдаги одамлар узоқ вақт хат ёзишмаса, бу жуда ёмон. Онам соғиниб, хавотирланаверганидан жуда ҳам озиб кетган. Онатоӣ отасининг азасида ҳаммадан кўп йиғлаган, қайғурган Инкамол опа билан онам бўлди. Улар бир нимани билишади, қандайдир кўнгилсизликни сезишади-ю, аммо айтиш-

майди. Улар бир нимадан хабардор. Чу, чу, Чонтор, сенинг бўшашишинга йўл қўймайман. Олга, Чонтор! Бўш келма!”

“Сен ҳам, Оққуйруқ, сен ҳам менинг инимсан... Сен ажойиб, оқ думли чиройли отсан. Бироқ бўш келма, руҳинг чўкмасин, сенинг чарчашинга йўл қўймайман. Чу, чу, Оққуйруқ! Мени уятга қўйма!”, “Қоратўриқ тулпорим, сен оддийгина яхши отсан. Мен сени қўшга таналаётганимда сенга жуда ишонганман. Сен меҳнаткаш ва ювош отсан... Қоратўриқ, мен сени ҳам хафа қилмайман, фақат бўшашмай тортавер. Мен сенга сўз бераман: Оқсойда шудгорлаш, экишни тугаллаганимиздан кейин, овулга қайтаётганимизда ҳамма сени кўриши учун худди ҳозиргидай энг чеккада борасан. Биз Мирзагулнинг уйи ёнидан ўтаётганимизда у кўчага чопиб чиқиб, энг аввало сени кўради, Қоратўриқ. Шунча ҳаракат қилмай, жўнаш олдидан у билан кўришолмадим. Унинг рўмолчаси ёнимда, шундоқ бағримда турибди. Унга қор ва ёмғир тегмайди. Мен Мирзагул ҳақида ҳамиша ўйлайман. Уни ўйламай туролмайман. Агар уни ўйламай қўйсам ҳаммаёқ ҳувиллаб қолади, менга ҳаётнинг қизиги қолмайди. Чу, чу, қамбар отадан тарқаган зотлар...” (“Эрта қайтган турналар”).

“Оқ кема” повести муаллифнинг бу дунёдаги ёвуаликларга, хўрлик ва адолатсизликка чидамай, балиқ бўлиб оқиб кетган Болага мурожаати билан якунланади: “Сен ўз эртагингдаги балиқ каби сузардинг, бўталогим. Биласанми, сен ҳеч қачон балиққа айланиб қололмайсан ва Иссиққўлга сузиб боролмайсан, оқ кемани ҳам кўролмайсан ва унга: “Салом, оқ кема, бу мен!”, деб айтолмайсан. Сен оқиб кетдинг. Энди шуни айтишим керакки, сенинг ўдақ қалбинг нимани нохуш кўрган бўлса, ҳаммасини рад этдинг. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Сен бир чақнаб сўнган яшин каби

ҳаёт кечирдинг. Чақмоқларни само чақади. Само эса абадийдир. Менинг овунчим ҳам, қувончим ҳам шунда-да. Инсондаги гўдаклик виждони худди уруғдаги илк куртакнинг ўзгинаси, куртаксиз уруғ униб, чиқмайди. Биз оламга келмасдан илгариеқ, токи туғилиш ва ўлиш бор экан, ҳақиқат тантана қилиб келмоқда. Бўталогим, сен билан видолашар эканман, сенинг сўзингни яна бир бор такрорлайман: “Салом, оқ кема, бу мен!”

Жамила Дониёрга кўнгил қўйиб, у билан кетиб қолганида ёш Сеитнинг кўнглида кечаётган болалик туйғуларини муаллиф шундай ифодалайди: “Ҳозир қаердасиз, қайси йўлдан кетяпсиз? Ҳозир даламизда янги йўллар кўп. Қозоғистондан тортиб Олтой ва Сибирга қадар чўзилиб кетган! Ҳозир у ерларда чўлни бўстонга айлантириш, янги ерда янги турмуш қуриш учун кўплаб азаматлар мардона меҳнат қилмоқдалар! Балки сизлар ҳам ўша ёққа кетгандирсизлар? Ундай бўлса, оқ йўл! Сафарларинг бехатар бўлсин! Жамила, менинг Жамилам, сен бошингни баланд кўтариб, кенг даладан мағрур қадам ташлаб кетдинг... Бўш келма, бардам бўл, Дониёрдан мадад ол. Дониёр сенга севги, вафо, она-Ер, ҳаёт тўғрисидаги жўшқин куйларини куйлаб берсин. Ўшанда кўз ўнгингда кенг дала гуллаб, август тунидаги кучли бўрон гувилласин! Олиси йўлдан қўрқма, Жамила, сенинг йўлинг бахт йўлидир, сен ўз бахтингни топдинг...”

Чингиз Айтматов ўзбек китобхонларининг ҳам сеvimли ёзувчиси. Адибнинг деярли барча асарлари ўзбек тилига ўгирилган ва ўқувчиларга ўз вақтида етиб борган. Бунда маҳоратли таржимонлар Асил Рашидов, Иброҳим Гафуров, Суюн Қоравнинг хизматлари, айниқса, катта. Юксак маҳорат билан ёзилган қиссалар, дунё адабий жамоатчилиги эътиборини қозонган романлар бизни йигирманчи асрнинг буюк истеъдод эгаларидан бири – ёзув-

чи, публицист ва жамоат арбоби, дипломат Чингиз Айтматовнинг бадий олами билан ошно этди, адабнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий-эстетик қарашлари билан танишдик. Таниқли таржимашунос олим Ғайбулла Саломовнинг адаб ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги тадқиқот мақолалари Чингиз оғага муҳаббатимизни янада оширди. Икки ёндош мамлакат халқлари орасидаги азалий дўстлик ришталари, маданий-маънавий, адабий-маданий алоқалар Чингиз Айтматовнинг фусункор ижоди, серқирра ижтимоий фаолияти боис янада ривож топди.

“Айтматов ижоди бизга кўп жиҳатдан сабоқ бергулик мактабдир, — деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, — Менинг учун Айтматов сабоқларидан бири қуйидагича: Чингиз оға ўзининг бениҳоя жасур истеъдоди билан ҳар қандай маҳдуд, қийин шароитда ҳам ҳақиқатни қиёмига етказиб, ўринлатиб айта билишини исботлади. Адабнинг “Алвидо, Гулсари” асарини эсланг. Асар қаҳрамони Танабойнинг¹ ҳам, унинг содиқ йўлдоши Гулсари лақабли отнинг ҳам навқирон чоғлари жамият хизматига сарф бўлди. Бироқ, улар қартайгач назардан, эътибордан қола бошладилар. Ёзувчи мана шу фикрни мураккаб шароитда катта маҳорат билан бадий асарга айлантирди. Бу гап бугунги кунда ҳам ўз актуаллигини, ҳаётий қимматини йўқотган эмас. Албатта, ҳар қандай буюк адабнинг ҳам ўз услуби, оҳанги бўлади. Толстойни Достоевскийдан фарқлашда доҳиёна белгиларни илғаш мумкин бўлганидек, Айтматов ижодини кўзатганда ҳам фақат унга хос бўлган фазилатларни дарҳол топа оламиз. Булар — чуқур инсоний фалсафа ҳамда ғоят гўзал поэтик руҳдир”.

Ёзувчи халқимиз тарихи ва маданиятини, бой маънавий меросимизни яхши билади, чуқур ҳис

¹ Совет Ўзбекистони, 1988, 13 декабрь.

этади, буюк алломаларимиз билан ўзбек халқи каби фахрланади. Унинг қисса ва романларида, публицистик мақолаларида Ўзбекистон, ўзбек халқи, қадим тарихимиз, аجدодларимизнинг буюк маънавий мероси, Самарқанд ва Бухоро тарихи билан фахрланиш, Орол кўлининг тақдири билан боғлиқ ўринлар кўплаб учрайди. Шу жиҳатдан қараганда, Ч. Айтматовнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги йирик публицистик мақоласи ғоят аҳамиятлидир.

Ўзбеклар диёрини ўз юртидай, одамларини туғишган оға-иниларидай қадрлайди. Миртемир, Зулфия, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Мақсуд Қориев, Асил Рашидов, Турсунбой Адашбоев, Анвар Жўрабоев ва бошқа кўплаб ижодкорларни яқин дўст билиб, улар билан умрининг охиригача самимий мулоқотда бўлди. Чингиз оға, айниқса, Ўзбекистонда унинг ижодига зўр қизиқиш билан қаралаётгани, баъзи асарлари қирғиз тилида чоп этилаётган асарларидан кўра ҳам кўп нусхада босилаётгани, “Сарвқомат дилбарим”, “Момо Ер”, “Оқ кема”, “Алвидо Гулсари”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” каби асарлари ўзбек саҳналарида намойиш этилаётгани, таржимонлар, режиссёр ва актёрлар бутун маҳоратларини ишга солиб, унинг ўй-фикрини китобхонга, томошабинга тўғри етказишаётгани, республиканинг кўплаб олий ўқув юртларида ижодига бағишланган китобхонлар конференциялари доимий равишда ўтказилаётганидан хурсанд эди. “Менга ихлос қилиб, китобларимни ўзбек тилига таржима қилган дўстларимга, айниқса, таржимон Асил Рашидовга ташаккур айтмоқчиман, — деган эди Чингиз оға. — Чунки менинг “Оқ кема”, “Жамила”, “Алвидо, Гулсари” каби бир қанча повестларимни Асилжон ўзбекчага худди мен қирғиз тилида ёзгандай жарангли таржима қила олган”.

Чингиз Айтматов Ўзбекистон ҳақида, халқимизнинг юксак ақл-заковати, тарихи, буюк аждод-

лардан қолган бой маънавий-илмий мероси ва келажаги тўғрисида кўплаб мақолалар ёзди, қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадим Русга кўрсатган таъсири билан қиёслади.

Ўзбекистонда Чингиз Айтматовнинг асарлари севиб мутолаа қилиниши билан бирга, унинг серқирра ижоди, давлат ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти тўғрисида жиддий тадқиқотлар олиб борилади, тўпламлар нашр этилади. Ўзбекистон Миллий университетиде Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган доимий экспозиция ташкил этилди. Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада, Низомий номидаги Педагогика университетида, мамлакатимизнинг барча вилоятларида адабий-бадиий кечалар доимо ўтказиб турилади.

Чинакам публицист жамиятда мавжуд оғриқли нуқталарга нисбатан бепарқ бўла олмайди. Бонг уради, ҳаловатини йўқотади. У бу ишни виждон амри билан бажаради ва шу ишдан ҳаловат топади. Чингиз Айтматов бутун ижодий умри давомида виждон амрига қулоқ тутди, узоқни кўра олди ва бизга гоят муҳим сабоқлар қолдириб кетди.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ТАРЖИМА – ИЖОДИЙ ИШ

Чингиз Айтматов китоблари ўзбек тилига ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб таржима қилиниб келади. Ҳозиргача адибнинг деярли барча насрий, публицистик, адабий-танқидий ва драматик асарлари ўгирилган. Улардан баъзилари мутаржимларнинг бир-биридан беҳабар ҳолда иш бошлагани ё мавжуд ўгирмадан қониқмагани каби сабабларга кўра такрор ағдарилган. Адиб асарлари Марказий Осиёда энг кўп нусхада Ўзбекистонда чоп этилган. Ўтган асрнинг олтмишинчи-саксонинчи йилларида Тошкентдаги “Радуга”, “Прогресс” нашриётлари адиб асарларини ўнга яқин хорижий шарқ тилларига ҳам ўгириб, чоп этган.

Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистонда “ўз” таржимонлари, “ўз” тадқиқотчилари бор. Ёзувчининг ўзи ҳам уларни яхши билар, эътироф этар ва қадрлар эди. Адибнинг ўнга яқин қисса ва романларини ўгириб, адибни ўзбек халқига танитган Асил Рашидов, услубан мураккаб романларини маҳорат билан таржима қилган Иброҳим Ғафуров, шунингдек, Абдурайим Отаматов, Суён Қораев, Ёқубжон Хўжамбердиев, Набижон Боқи ва Тўланбой Қурбонов каби мутаржимлар ана шулар жумласидан. П.Мирза-Аҳмедова, Ғайбулла Саломов, Сайди Умиров, Аҳмаджон Мелибоев каби тадқиқотчилар эса ёзувчининг ижод олами сирларидан бизни воқиф этишган.

Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистон, ўзбек адабиёти вакиллари ҳақида ёзганлари, хусусан, устоз

Миртемирга зўр таважжуҳи, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тўлапберген Қайипберген, Турсунбой Адашбоевлар билан дўстона алоқалари ҳам алоҳида мавзу. Бинобарин, бу ўринда адиб асарларининг ўзбекча таржималари ҳақида баъзи қайдлар билан чеклансак.

Қирғиз адиби аввало ўзи тарбия топган муҳит — оиласидаги янги замон руҳи туфайли, қолаверса, байналмилаллашув даври тақозосига кўра асосан рус тилида ижод қилган. Аммо «Жамила» (1958), «Қизил дуррачали сарв қоматим» (1961), «Биринчи ўқитувчи» (1962), «Бўтакўз» (1962), «Сомон йўли» (1963) каби қиссалари (1965 йилгача) қирғиз тилида ёзилган. «АлвидоГулсари» ва ундан кейинги асарлар эса рус тилида яратилди. Унга қадар ёзилган асарларини асосан ўзи («Сомон йўли», «Сарвқомат дилбарим», «Отадан қолган туёқ», «Ўғил билан учрашув»), шунингдек, А.Дмитриева билан ҳамкорликда («Биринчи ўқитувчи», «Бўтакўз») рус тилига ўтирган. Бинобарин, зуллисонайн адиб Чингиз Айтматовни ўзбек таржимонлари қирғиз ва рус тилларидан ўгириши табиий эди. Бунда диққатга сазовор жиҳати — адибнинг бирон асари даставвал русчадан ўтирилган бўлса, кейинчалик Абибулла Пазилов ва бошқа айрим адиблар қирғизчалаштирган нусхага қараб, унга муайян ўзгартишлар киритиш мумкин бўларди. Ўзбек мутаржимлар бундан унумли фойдаланганлар.

Еш ёзувчининг донгини чиқарган машҳур «Жамила» қиссасининг қирғиз тилидаги вариантыга қарасак, «Обон» (қўшиқ, наво) деган номга кўзимиз тушади. Чиндан ҳам, Жамила чўл ўртасидаги арава йўлларида Дониёрнинг юрак-юракдан чиқариб айтган обон — қўшиғига мафтун бўлади. Бу лавҳаларда Дониёрнинг қалби энг нозик сезимлари билан акс этар эди. Мана шу обон Жамиланинг ҳаётида бурилиш ясайди — у ўзини зўрлик билан опқочиб

келган, умрининг маъносини фақат маишатда деб биладиган эридан воз кечиб, Дониёр билан номаълум ёқларга бош олиб кетади.

Ёзувчининг «Тополёк мой в красной косинке» деган қиссаси аввалбошида «Қизил дуррачали сарвқоматим» деб ўтирилди. Бироқ бу сўзма-сўз ўғирма унча муваффақиятли чиқмади, қолаверса, қизнинг дурраси қизилми ё яшилми — муҳим эмасди. Шунинг учун ҳам кейинроқ асарнинг номи бизда «Сарвқомат дилбарим» деб ихчамлаштирилди.

Шубҳасиз, ҳар бир асар бошқа тилга аслиятидан ўтирилмоғи керак. Ана шундагина таржима муваффақиятли чиқади. Бу гапнинг маъноси шуки, муаллиф асарини қайси тилда ёзган бўлса, шу тилдан ағдариш керак. Аммо Чингиз Айтматов сингари ёзувчиларнинг асарларини таржима қилишда муайян дилемма юзага чиқади: унинг асарлари қайси миллий сўз санъати маҳсули — қирғиз адабиётига мансубми ё рус адабиётига?

Чингиз Айтматов — миллий ёзувчи. Унинг ижоди бус-бутун қирғиз сўз санъатига мансуб. «Чингиз Айтматов — жаҳоний миқёсдаги истеъдод эгаси, маданиятларимизнинг ноёб ютуғи, — деган эди Расул Ҳамзатов. — Аммо у аввало қирғиз ёзувчиси, асарларида ўз халқининг юрагини ифода этади ва буни, анъанавийликни бошига ниқоб қилиб ёпиб олганларга қараганда анча ёрқин ва аниқ ифода этади».

Биз Садриддин Айнийнинг аввал тожик тилида ёзиб, сўнг ўзи ўзбекчалаштирган қўша-қўша асарларини таржима деб билмаймиз, тожик китобхонлари ҳам унинг дастлаб ўзбек тилида битилган, сўнг муаллиф томонидан тожик тилига ўтирилган асарларини аслият деб қабул қилади. Қирғиз ва рус китобхонлари ҳам, агар таржимон Чингиз Айтматовнинг ўзи бўлар экан, бу таржимани ҳаққоний равишда аслият деб биладилар. Қисқаси, муаллифнинг ўзи томонидан ўтирилган асар — оригинал-

га тенг таржима, яъни оригиналга тенг асардир. Чунки ижодкор битта. Демак, Чингиз Айтматовнинг “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема” қиссаларининг қирғиз тилидаги вариантлари ҳам аслиятга тенг, дейиш мумкин.

Хўш, унда, Чингиз Айтматов асарларини ўзбекчага қайси тилдан ўгириш осон ва маъқул? Албатта, “рус тилидан туркий тилларга таржима қилиш практикасида катта тажриба орттирилгани, таржима қилишнинг асосий хусусиятлари ва илмий принциплари аниқлангани маҳаллий таржимонларга русчадан ўгиришда катта қулайлик туғдиради” (Ф.Саломов, Т.Бобоев). Аммо қирғиз адабиётига мансуб, қирғиз ҳаётига оид, қирғиз тилида ёзилган бир асарни, бизнингча, қирғизчадан ўгирган маъқул. Тилларимиз, ҳаётимиз ва адабиётларимизнинг яқинлиги таржимонга енгиллик беради, ўгирманинг яхши чиқишини кафолатлайди. Чингиз Айтматов асарларини эса, у дастлаб қайси тилда ёзилган бўлишидан қатъи назар, фақат қирғиз тилидан ўгириш охир-оқибат тўғри бўлади. Чунки бу тилда ёзувчининг кўзлаган нияти тўлароқ ифодаланади.

Агар асар асл аслияти, яъни қирғизчадан ўгирилганида, масалан, қуйидагидай ўзбек тили табиатиномувофиқ бўлган ифода шаклларинога дуч келмас эдик:

“ – Ўртоқ Қашқатоев ўзларидами? – сўради Та-набой.

– Ҳа, ўзларида – деди котиба”.

Биринчи жумлада ўзбек тилига ёт учта гализлик бор. “Хонасидами” ёки “Жойидами” дейиш ўрнига русча (“у себя?")нинг ҳижжама-ҳижжа ағдармаси бўлмиш “ўзларида” ясамаси биринчи камчилик бўлса, иккинчиси туркий тилларнинг ҳеч бирида аслида бир одамни кўплик шаклида аташ (ўзларида) хоссаси йўқ. Ва ниҳоят, она тилимизда диалог баён этиларкан, “сўради”, “қизиқсинди”, “бақирди”,

“ўшқирди” каби феъл шакллари шундоқ келмайди, “деб сўради”, “дея чақирди” каби тарзда бўлади. Юқоридаги ҳолат эса русчадан ўгириш туфайли келиб чиққан (“А это кто? – спросила мама”).

Чингиз Айтматовнинг баъзи асарлари икки номга эга: “Млечний путь” – “Материнское поле”; “Смерть иноходца” – “Прошай, Гюльсары!”; “Белый пароход” – “После сказки”; “И дольше века длится день” – “Бураний полустанок”. Адибнинг русчада бошқа, қирғиз тилида бўлак номда чиққан китоблари ҳам бор: “Плаха” – “Қиямат” ва ҳоказо.

Бу ҳолларда ўзбек мутаржимлари асарнинг қирғиз тилидаги варианты чоп этилгач, аввал нашр этилган номни янгилашга – сўзма-сўз ўгириб тақдим этишдан воз кечиб, адиб танлаган ижодий вариантга ўтишга мажбур бўлишган. Масалан, “Плаха” дастлаб “Кунда”, сўнг “Қиёмат” деб аталди. Бу, таржима ижодий иш эканини, қолаверса, ҳатто Айтматовнинг ўзи асари чоп этилганидан кейин ҳам, гоёни яхшироқ ифодалаш йўлида изланганини кўрсатади. Аммо нивх халқи ҳаётидан олиб ёзилган “Пегий пёс, бегущий краем моря” қиссасининг номи ўзбекчада “Соҳил ёқалаб чопаятган олапар” деб, бизнингча, бирмунча гализ берилган. Гап шундаки, асар денгиз ҳақида. Аслиятда ҳам бу алоҳида таъкидланган (краем м о р я). “Соҳил” деган сўз эса дарё ва сой қирғоғи, кўлнинг лаби, каналнинг чети кабиларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Чингиз Айтматовнинг олапари денгиз ёқалаб, ўзбек таржимонининг олапари эса соҳил бўйлаб чопаяпти.

Гап бир-икки камчиликда эмас. Таржима борки, бенуқсон бўлмайди. Аммо Чингиз Айтматовнинг, жаҳон адабиётининг шу каби буюк сиймолари асарларини ўгириш асносида битта сўз ҳам катта юкташиши мумкинлигини унутмаслик, ҳар бир сўз сиртқи ва ички маънога эга бўлишини ҳисобга олиш лозим. Чунончи, “И дольше века длится день” ро-

мани ўзбек тилига дастлаб “Асрга татиғулик кун”, сўнг “Асрни қаритган кун”, дея икки хил ном билан ўтирилди (кейинги ном қирғизча “Қылымды қариткан кун” деган вариантдан олинган). Аслида, бу номларнинг униси ҳам хато эмас, буниси ҳам. Аммо иккаласи ҳам... тўғри эмас! Гап шундаки, “И дольше века длится день” деган ном асарга рус шоири Борис Пастернакнинг “Единственные дни” деган шеъридаги ушбу тўртлигидан ўтган:

И полусонным стрелкам лень

Ворочаться на циферблате,

И дольше века длится день,

И не кончается объятье.

Демак, “И дольше века длится день” романи номини тўғри бериш учун Пастернакнинг шу шеърини ўзбек тилига ўтириб кўриш, ўша учинчи мисра бу тўртлик бағрида қандай садоланишини ҳам ҳисобга олиш лозим. Аслида, кун бир асрдан ҳам узоқ чўзилмайди, балки шундай туйилиши мумкин бўлган узо-оқ бир кун ҳақида бу гап.

Бизда бир асарни бир неча марта ўтириш урф бўлмаган. Башарти таржима қилсангиз ҳам, нашр эттириш душвор. Ҳолбуки, ҳар бир янги таржима — асарнинг бошқача идрок этилиб, янги талқин қилинишидир. У туфайли биз улуг адибларнинг бадиий олами қатларига ҳар сафар чуқуроқ кириб борамиз, ёзувчининг бадиий ғоясини тўлароқ англаймиз, ва, албатта, аввалги таржималарда йўл қўйилган нуқсонлар ҳам шу аснода бартараф бўлади, Чингиз Айтматовдай мутафаккир ижодкорлар асарларини янада мукамал англаш орқали онгу шууримиз, адабий-эстетик савиямиз янада юксала боради.

Муҳаммад АЛИ

АДИБ КЎНГЛИДАГИ ЭЗГУ ТИЛАК

Оллоҳнинг марҳамати улғудир, инсонга ҳар куни, ҳар сония турфа учрашувлар ҳадя этади. Биз сўнг узоқ вақт унинг таъсирида юрамиз, шунинг натижасида олам ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайиб боради. Менинг устоз Чингиз Айтматов билан учрашувим, айниқса, бу учрашувнинг Ватандан йироқда — Американинг Миннесота университетиде юз бергани кўнглимда чуқур из қолдирди.

Брюсселдан учиб келган Чингиз оға — у Қирғизистоннинг Бельгиядаги Фавқуллоҳда ва Мухтор элчиси эди, — Миннесота университетиде ўтказилаётган конференция ишида фаол қатнашди, икки марта сўзга чиқди, бир учрашув ўтказди. Мен Вашингтон университетиде шу вақт “Марказий Осиё ёзувчилари ва зиёлилари советлар даврида” мавзусида махсус мухтасар курсда маърузалар ўқишмоқда ва конференция ишида меҳмон сифатида иштирок этмоқда эдим. Уч кун бирга бўлсак-да, Чингиз оға билан бироз хотиржам суҳбатлашиш имкони фақат конференция ташкилотчиси — Миннесота университети профессори Ада Мэйо хоним хонадонидеги пайдо бўлди. Ада Мэйо хоним Чингиз оға ижодининг тадқиқотчиси ва мухлиси экан.

Чингиз оғани қачондан бери биламан, деб ўзимга савол берман. Бу 1960 йилдан бошланган, ёш адиб Москвадаги Адабиёт институтининг Олий адабиёт курсини янги битирган, биринчи қиссалари

эълон қилиниб, ўқувчилар қалбини забт эта бошлаган пайтлар эди. Ушанда “Тоғ ва дашт қиссалари” китобини ҳар дам одамлар қўлида кўриш мумкин бўларди. Рус адабиётида “деревенская проза”, “городская проза” деган бўлинишлар юз бериб турган пайтда, Чингиз Айтматовнинг асарлари буларнинг ҳеч қайсисига мансуб эмаслиги билан ҳаммани ҳайратлантирарди.

Мен ўшанда Адабиёт институтида таҳсил олар эдим, институтимиз Александр Герцен ҳовлисида жойлашганди. Дарсхоналарда, Останкинодан унча узоқ бўлмаган жойдаги ётоқхонамизда таниқли адиллар, шоирларни тез-тез кўриб туриш мумкин бўларди. Жуда кўп ижодкорлар учун алма-матер бўлиб қолган Адабиёт институти, умуман, “ўз болалари”ни адабиёт оламига тезроқ олиб киришда катта саъй-ҳаракатлар кўргизарди. Институтда ва унинг Олий адабиёт курсида турли миллат вакиллари ўқиган, масалан, Расул Ҳамзатов, Виктор Астафьев, Егор Исаев, Евгений Евтушенко, Белла Аҳмадуллина... Ўлжас Сулаймонов бизлардан уч курс юқори ўқир эди. Николай Рубцов, Анатолий Передреєвлар билан курсдош эдик. Чингиз оғани домлаларимиз ҳам, ўзимиз ҳам яхши кўрардик. Шунинг учун уни тез-тез институтга, ётоқхонамизга учрашувларга таклиф этишарди, у ҳам биронтасини қолдирмай, эринмай келарди, бизларнинг турли саволларимизга жавоб берар, баҳслашар эди. Марказий Осиёдан борган талабалар унинг атрофида парвона эдик. Адибнинг ўша пайтдаёқ ўзларини “улур адиллар” қаторига қўшиб қўйган айрим ҳаваскорларнинг писандалари саволларига ҳам оғир-босиқ жавоб беришига эътибор қилганман.

Бир куни, дарсдан кейин Чингиз оға билан учрашув бўладиган кун, чет эл адабиёти муаллими-миз, Тургенев қахрамонларига ўхшаб кетадиган нуқтадон Сергей Артамонов, хориж адабиётидан

дарсликлар ёзган, дарсларни жуда чиройли ўтадиган киши, бугун Чингиз Айтматов билан учрашув бўлишини таъкидлаб, унга албатта қатнашиш лозимлигини айтди. Кейин қўлидаги “Юманите” газетасини очиб, тўппадан-тўғри таржима қилиб русча ўқиб кетди: “Эй, муҳаббат кечаларининг таърифини берган Альфред де Мюссе. Сен қирғиз ёзувчисининг “Жамила” асарини ўқисанг, муҳаббат кечаларининг қандай бўлишини билиб олар эдинг!..” Бу — Луи Арагоннинг мақоласидан, у Чингиз Айтматов ҳақида шундай ёзади, — деди.

Ўша қайноқ йиллардан гап бошлаганимда, Чингиз оға кулиб деди:

— Эҳ-ҳе, қайси даврларни эсга соляпсан, қанча йиллар ўтиб кетди-ю... У пайтлар, айниқса, эрувгарчилик йиллари, адабиётга жуда катта умид билан қарардилар, адабиёт ҳам бу умидларни оқлашга ҳаракат қиларди.

— Бу билан ҳозир адабиётнинг аҳволи бошқачароқ демоқчисиз-да...

— Ҳа, ҳозир адабиёт бошига қийин кунлар тушди. Адабиётнинг тарқалиши қийин бўлиб қолди. Бошқа ҳар турли харажатлар кўп, бошқа нарсаларга алаҳситадиган ишлар кўп. Ҳисоблашишга мажбур бўлади киши. Лекин бу катта адабиёт, умуман адабиёт учун, ёзувчи учун жиддий синов. Ундан ўтиб олишни ўйлаш керак.

— Чингиз оға, мана, Америкада юрибмиз, аммо эсимга ўтган йили Тошкентда “Туркистон” саройида бўлган Марказий Осиё халқлари маданияти анжумани тушади. Ўзбек матбуоти бу воқеани яхши ёритди. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида Аҳмаджон Мелибоевнинг яхши суҳбати ҳам босилди, олгандирсиз. “Туркистон — умумий уйимиз” ғоясидан нурланган бу анжуманда “Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси”нинг ташкил этилиши қутлуғ воқеа бўлди, мен залда

ўтирган эдим, унда иштирок этганимдан ифтихор қиламан...

— Ҳамманинг ҳам кўнглида шундай бир туйғу, ҳис бор эди, — деди Чингиз оға. — Катта аҳамиятга эга бир иш бўлди бу. Ҳали юқорида айтганимдай, адабиёт, маданият қийин аҳволга тушиб қолган шундай кунларда бу ассамблея зиммасига катта вазифалар тушади. Бугун, Миннеаполисдаги конференцияда ҳам, ўзинг кўрдинг, худди Тошкентда айтган гапларимни такрорладим, назаримда, бу конференция Тошкент анжуманининг давомидай туюлди менга. Зиёлилар, яъни ёзувчилар, олимлар, ўқитувчилар, умуман аҳли илм эл-юрт, Ватан олдида жуда ҳам масъулиятли кишилардир. Миллий низо ёки фожеа юз берган ерда, назар солинса, зиёлилар масъулиятни ёддан чиқарган бўладилар. Бизнинг ассамблеямиз Марказий Осиёда маданий-ижтимоий ҳаётнинг барқарорлиги, руҳий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, юз бериши мумкин бўлган низоларнинг олдини олиш, маънавий ҳаётимиз муаммоларини ҳал қилишга бел боғлаган.

— Маърузангизни катта қизиқиш билан тинглашди... Аммо таржимон инглизчага таржима қилганда ноаниқликларга йўл қўйганини ҳам айтишяпти...

— Бўлиши мумкин. Ассамблеямизга қизиқиб ҳам қолишди, сенга айтсам. Эҳтимол, биз Миннесота университети билан ҳамкорлик эта бошлармиз. Яхши бўларди. Шундай фикрлар йўқ эмас, аммо буни келажак кўрсатади. Ҳарқалай, дунёга чиқишимиз керак, чунки Туркистонда бўлаётган ишларнинг, ўзгаришларнинг бутун дунёга даҳли бор. Буни тушуниш керак.

— Ассамблеянинг ҳозирги фаолияти қандай кечмоқда?

— Адабиётнинг аҳволи оғирлигини айтдим, айниқса, шеъриятга қийин бўлди. Китоб чиқариш

учун ҳомий топиш керак, спонсор дейди-ку, ҳозир бу машҳур сўз... Алматида шу йил август ойида бир йиғин қилмоқчимиз, унинг номини “Китобнинг тақдири” деб атабмиз. Шеъриятга боғлиқ муаммоларни кўриб чиқмоқчимиз...

Суҳбатимиз давом этди. Чингиз оға менинг Америкага келишим сабабини сўради, айтдим. Сиэтлда Вашингтон университети профессори Илза Сиртаутас раҳбарлигида Марказий Осиёнинг ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик каби тилларининг ўрганилишини, бу ерда шундай анъана борлигини эшитиб хурсанд бўлди.

— Ўзбекистонда бу йил Амир Темур йили деб эълон қилинган, — маълумот бердим мен. — Бу йил Соҳибқирон туғилганига 660 йил тўлади. Катта тайёргарлик кўрилмоқда. Янги китоблар ёзилапти. Бўрибой Аҳмедов “Амир Темур” номли тарихий романини эълон қилди, асар ҳозир рус тилига таржима этилмоқда. Одил Ёқубов билан Абдулла Орипов бири насрда, бири эса назмда саҳна асарлари ёзишди, театрлар ҳар икки асарни ҳам томошабинларга кўрсатиш учун жон куйдирмоқдалар. Булар тўйга яхши тўёна бўлади.

— Жуда яхши. Ўзинг ҳам бирон нарса ёзясанми? — сўраб қолди Чингиз оға.

Амир Темур давридан “Сарбадорлар” романини ёзганимни айтдим. Тарихий мавзуда машқларим ҳам йўқ эмас, дедим.

— Тарихий мавзуда ёзганда реалист бўлиб ёзиш керак, шуни ёдингда тут! — менга маслаҳат берди Чингиз оға.

— Чингиз оға, — дедим суҳбат мавзусини ўзгартириб. — Кино ижодингизнинг бир қаноти бўлиб қолган. Асарларингиз бўйича нечта кино қилинган?

— Бундай кинолар ўнтага етди. Аммо уларнинг ичида менга маъқул бўлганлари учта: булар “Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” ва мана

яқинда Берлинда катта мукофотга сазовор бўлган “Бўронли бекат” фильмлари.

– “Оқ кема” асарингиз менга худди шеърда ёзилгандай таассурот қолдиради, бу орзулар дostonи. Ҳам фалсафий, ҳам тарихий асар. Исmlарга эътибор бераман. Ўрозқул (ўрис қул), Мўмин чол (мўмин-мусулмон одам), бош қаҳрамоннинг исми ҳам йўқ. Бола – келажак, келажакнинг исми йўқ, келажак йўқ... Ёзувчининг айтмоқчи бўлган гапи эса қиссанинг охирида берилган “Ты ушел, мой мальчик” деб бошлангувчи парчада. Ўша исми йўқ келажакнинг узоқдаги оқ кемага интилиб, дарёга (сув – умр) фарқ бўлиши... Зўр фалсафий умумлашма чиққан. Бежиз эмас, “Новий мир” журнали қиссани ўша парчани олиб ташлаб эълон қилди...

– Жуда чуқур ўқибсан, – деди Чингиз оға кулиб, кейин жиддий тусга кирди. – Ҳа, унда болалигим излари бор... Бундан бир неча йил аввал хизмат билан Пекинга бордим. Меҳмонхонага жойлашиб ўтирган ҳам эдимки, телефон жиринглади. Ҳайрон бўлдим, ким бўлиши мумкин? Пекинда бирон танишим ҳам йўқ... Қулоқ солсам, кимдир қирғиз тилида салом берарди. Ким бу, десам, нима дейди, дегин? Мен “Оқ кема”даги дарёга сузиб кетган исмсиз болангизман”, дейди!.. Пекинда ўқиётган қирғиз студентларидан экан, улар билан учрашишга ваъда бердим, кейин учрашдим ҳам. Барчаси “Оқ кема” қаҳрамони тенгқурлари экан...

– Жуда таъсирли воқеа. Бу қиссангиз Америкада эълон қилинганми?

– Ҳа, “Страус энд Страус” деган нашриёт босиб чиқарган.

– Асарларингиз чет элларда кўп босилади, бу қандай амалга оширилади? Ноширлар сиздан сўрашадими ёки билдиришмайдими? Шундай ҳоллар ҳам бўлганми? Бундай ишлар билан бирон вакилингиз шуғулланса керак?

– Бўлган, – деди кулиб Чингиз оға. – Масалан. Грецияда еттита китобим босилиб чиқибди, ўзимнинг хабарим йўқ. Ҳозир Брюселда вакилим бор, бундай ишлар ўшанинг зиммасида.

– Ҳеч қизиқиб кўрганмисиз: асарларингиз неча тилга таржима бўлибди?

– ЮНЕСКО маълумотига кўра, асарлари кўп тилларга таржима қилинган ўнта ёзувчини аниқлаганлар. Шу рўйхатга мени ҳам киритишибди. Шу пайтгача менинг асарларим дунёнинг 130 тилига таржима бўлган экан.

– “Иссиққўл форуми” яқин-ўртада йиғин ўтказадими?

– Бу йил кузда форумни йиғаман деб турибман.

Чингиз оға ҳамдўстлик мамлакатларида ўқитувчиларнинг аҳволи яхши эмаслигига диққатни қаратди. Уларга ёрдам бериш керак, акс ҳолда бошқа фойдаси кўпроқ ишларга кетиб қолишади, бу маориф ва таълим ишига катта зарар етказди, деди. Кейин ёшларга тилак маъносида, аввалги адабий тажрибаларни модернизмга қўшган ҳолда ижод қилинса яхши бўлади, деган фикрни айтди. Анъаналар унутилмаслиги керак...

Гапимиз Чингиз оғанинг сўнгги романи “Касандра тамғаси”га тақалди. Роман чиққандан кейин унга қарши ҳужумлар бошланиб кетди, очик, шартанки танқидлар деса бўлади уларни. Миллатчилик руҳида ёзилган танқидлар қанча. Нега рус бўлмаган муаллиф рус кишиси ҳақида ёзади, дейишгача бориб етишди. Бундай совуқ муносабат ёзувчининг “Кунда” романига нисбатан ҳам бўлган эди.

– Роман қаҳрамони – рус олими, генетик олим, у космонавт, фазо кемасида учиб юрибди, – изоҳлайди Чингиз оға, – кейин янги космонавтлар учиб бориб, аввалги экипажни алмаштириб, эскиларни Ерга олиб тушишмоқчи бўлишади. Ана шу ерда қизиқ ҳодиса рўй беради: менинг қаҳрамоним Ерга

қайтишдан бош тортади! Воқеа жанжалга айланади. Ерда генетик олимни космик диссидент, деб аташади. Бунда чуқур маъно бор. Шундай қилиб собиқ генетик олим космик монах — фазо роҳибига айланади. Унинг шундай қилишига етарли асослари бор эди.

— Қандай асослар экан? — сўрадим мен.

— Генетик олимнинг тавба-тазарруси. У умуман Инсон ва Инсоният ривожи, тараққиётдан қониқмайди, шундай бўлишида кўплар қатори ўзини ҳам айбдор сезади. Инсоният тараққиёти уни жиддий ташвишга солади. Ана шу тараққиёт ҳақида космик одам сифатида унинг ўз қарашлари бор. Шуларнинг бари ҳақида у Рим папасига мактуб ёзади... Роман шундан бошланади.

— Чингиз оға, бир фикр-да, шу, назаримда, дунёда бесаранжомлик кўпайиб кетгандек... Ҳар хил сиёсий, миллий, низолар, урушлар... Сизга ҳам шундай туюладими? Ёки ҳамма замонларга хос нарсамиз бу?

— Ҳамма замонларда ҳам бўлган, ҳамма замонларга хос нарса... — деди Чингиз оға ўйланиб. — Лекин бизнинг замонда диний руҳият, ҳолатнинг кучайиб бориши кузатилмоқда. Ҳамма динлар ҳурмат-эътиборга муносиб ва лойиқ. Динсиз Инсон сиймосини тасаввур этиш қийин. Дин бизни ёруғ орзуларга чорлайди, қайғули дамларимизда руҳимизни кўтаради. Аммо бугун нега динлар — асл вазифаси, бурчи бир бўлган динлар бир-бирига душман сифатида қарашади? Бундан инсон азоб тортади, азият чекади, шундай эмасми?

— Кечирасиз. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр”-да, парвардигор инсонни коинотнинг тожи қилиб яратди, деб ёзган...

— Демак, коинотнинг тожи бўлган инсон азоб тортади... Кўрдингми. Шу нарса мени кўп ўйлантиради... Романимнинг қаҳрамонларидан бири аме-

рикалик футуролог олим Роберт Борг, қани энди менга ҳуқуқ ва имкон берилса-ю дунёдаги ҳамма динларни қабул қилсам, динлар ассамблеяси ташкил этилса, чунки ҳаммани ҳам парвардигор яратган, дейди... У кўп воқеаларни кузатади, динлар тарихи билан қизиқади. Аммо бу ҳақдаги ўз фикрларини айтиб улгурмай, оламдан ўтади... Менинг мақсадим — одамларнинг фикрини уйғотишда, одамларни ўйлантириш, мулоҳаза юритишга ундашда. Ёзувчининг вазифаси шу, менимча...

— Тўғри, ёзувчи муаммо қўяди, унинг ечими инсонларга, ҳаётга боғлиқ бўлади, — дедим ва Чингиз оғанинг ўз асарларида дунёвий муаммолар ҳақида бош қотираётгани ҳаммамизга ҳам ўрнатқанлиги, устоздан кўп нарса ўрганишимиз лозимлигини англадим. Бу катта мактабдир.

— “Кассандра тамғаси” қайси тилларда чиқди? Дарвоқе, бизда “Чўлпон” нашриёти хамир учидан патир, маъносида ундан бир парчани китобча қилиб нашр этди.

— Бу роман ҳозирча Япония, Хитой, Германия ва Италияда босилиб чиқди.

— Қайси пайтларда ижод қиласиз?

— Ҳар кун эрталаб соат бешдан ўн-ўн бирларгача ишлайман.

— Сир бўлмаса, ҳозир ёзаётган асарингиз ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Янги асаримнинг мавзуси уруш ҳақида “Жамила” қиссасидаги давр, аммо албатта, мутлақо бошқа асар. Бельгияда бир нашриёт тугаллашимни кутиб турибди, эълон қилмоқчи.

Суҳбатимиз давомида яна кўп мавзуларда сўз кетди. Охирида Чингиз оға шундай деди:

— Биласанми, Наврўз кунлари бошланиши билан бободехқон далага уруғ сочади. Навбатма-навбат ўннга, чапга уруғ сочганда айтадиган сўзлари бор. Сўзларининг маъноси тахминан шундай: “Мана

бу сочганим етимларга, мана бу сочганим бева-бечораларга, мана буниси болаларга, мана буниси оилаларга, мана буниси қўшнилларга, мана буниси меҳмонларга, савдогарларга, чумоли, қурт-қумурсқаларга, ҳаммага бўлсин. Илоё, битта уруғ ўнта бўлиб униб чиқсин, ўнта уруғ юзта бўлиб кўкарсин, юзта мингта бўлсин, мингта — туман... Илоё, ҳеч қайсисини ўғирлатмайин, барчаси қандай ният қилган бўлсам, ўшандай айтганларимга насиб этсин..." Мен бободехқоннинг шу дуоси ҳақида кўп ўйлайман, бу менинг ҳам дуоимга айланиб қолган. Кел, бизлар ҳам не ният қилган бўлсак, насиб этсин, ниятимизга етайлик.

Ёзувчи, адиб ҳам ўзига хос деҳқон, қўлига қалам олганда, у ҳам деҳқон сингари қутлуғ ниятларини кўнглига тугади. Устоз Чингиз Айтматовнинг юқорида айтган сўзлари, назаримда, деҳқонларга ҳам, адибларга ҳам эзгу тилак бўлиб жаранглади.

АҚШ. Миннесотта, 1996 йил

Паригод МИРЗА-АХМЕДОВА РОМАННЫЙ ЭПОС ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА

«Стиль как способ выражения в литературе пережил интереснейшую эволюцию — от канонизации риторических правил и средств в ранние периоды литературного развития к полной свободе эстетических критериев и бесконечному многообразию творческих принципов изображения в настоящее время. Наука утверждает, что более чем тысячелетняя литературная традиция завершается только в конце XVIII в., когда совершился переход от нормативного, риторического художественного сознания к личностному, индивидуально-творческому, свойственному литературам XIX—XX вв. Этот переход отмечен решительными изменениями в самих эстетических критериях ценности литературы и принципах литературного творчества. Уже Гёте провозгласил: «Стиль есть высшее проявление искусства», определив важнейшую тенденцию нового времени, которая заключалась в том, что индивидуальный стиль писателя становится центральным явлением литературного развития.

В XX веке эта тенденция не только углубляется, но, можно сказать, абсолютизируется. Характеризуя новейшее искусство XX века, Ортега определяет стиль как фактор, сублимирующий в себе цель этого искусства. Констатируя, что индивидуальный стиль стал выражением стилевого развития, исследователи заметно склоняются к тому, что именно художественное произведение концентрирует в себе полноту своеобразия индивидуального стиля,

причем стиль произведения все более объясняется внутренней автономной логикой художественной структуры произведения. Образная система, художественный метод, жанровые формы выступают как стилеобразующие факторы, а такие важные элементы структуры, как композиция и внешняя форма, входят в стилевую систему как носители стиля. Все более продуктивным признается рассмотрение стиля как художественного единства всех выразительных средств произведения, обусловленного его замыслом и идейно-образным содержанием.

Особый смысл с точки зрения стилистического своеобразия произведения приобретает в нем слово. Разрабатывая свою теорию романа, М.М.Бахтин утверждает, что «основным», «специфицирующим» предметом романного жанра, создающим его стилистическое своеобразие, является «говорящий человек и его слово». Бахтин впервые ставит проблему художественного изображения слова в произведении, впервые обозначает проблему образа языка как центральную проблему романной стилистики. И здесь смыкается с современным логоцентризмом в лице новейших его представителей Жака Дерриды и Поля де Мэна, которые, отказавшись от историзма литературно-стилевых направлений, течений, жанрового стилового развития, сосредоточили внимание на стиле как законченном облике литературного текста, вместилище его уникального художественного смысла. Ж. Деррида говорит: «В общем литературном пространстве существуют каноны и жанры и все же каждый раз, когда читаешь текст, переживаешь событие. Я бы сказал, в литературе существуют только единичные, уникальные произведения. Каждое произведение — уникальное событие. Оно случается однажды».

Мы очень кратко напомнили движение проблемы стиля во времени в преддверии разговора о та-

ком интереснейшем стилистическом явлении, которое представляет собой роман Ч. Айтматова «И дольше века длится день», в котором именно стиль несет на себе яркую печать своеобразия.

Известный теоретик межлитературного процесса Д. Дюришин утверждает, что «стиль, выражая конститутивный момент поэтической системы произведения, выступает как самая устойчивая форма литературного взаимодействия». Именно эта закономерность, связанная со стилистической жизнью произведения, более всего привлекает наше внимание, так как в центре наших исследований продолжительное время находилось билитературное творчество таких писателей как Ч. Айтматов, Т. Пулатов, Ф. Искандер и др. Дело в том, что усвоение двух или более литературно-художественных систем, что предполагает би или более литературное творчество, дает удивительные результаты именно на стилевом уровне. Все известные с давних времен билитературные авторы — от Низами и Навои, Данте и Петрарки до богатейшего ряда в XX веке — Джойса и Кафки, Набокова и Бродского, Ч. Айтматова и Т. Пулатова, Ф. Искандера и братьев Ибрагимбековых и т.д. — являются великолепными стилистами.

Творчество русскоязычного киргизского писателя Чингиза Айтматова отличает особая стилистическая манера: в системе современного русского реалистического слова писатель широко использует народно-эпическую стилистику. Правда, эта стилистика носит имплицитный характер; ее непроясненность объясняется тем, что эпическая стилистика гармонично сосуществует с реалистическим методом повествования и почти не затрагивает лексического ряда. Именно народно-эпическая традиция питает форму его первого романа «И дольше века длится день», который является романом-сказанием. Айтматов мастерски транспонирует совре-

менный романский материал в народно-эпический. При этом айтматовский роман имеет все признаки интеллектуального жанра, не зря Ральф Шредер называет его полифоническим романом-сознанием (т.е. интеллектуальным романом) именно в силу того, что он является еще и параболическим мифом о Космосе и Земле.

Известно высказывание Айтматова о том, что мифы и легенды для него не самоцель, а «лишь метод мышления, один из способов познания и интерпретации действительности», но таково уж свойство эпоса — делать каждый локальный эпизод из жизни любого народа фактом истории человеческого бытия. Поэтому романное слово Айтматова приобретает такой глубокий смысл и дает возможность каждому читателю соотнести свою жизнь с бытием человечества. Не зря образ манкурта и понятие «манкуртизм» облетели мир и стали в ряд всеобщего.

Интересно, что в первом своем романе Айтматов не аранжирует известные киргизские предания, как это было в его предшествующих повестях, но выступает автором трех вставных эпических песен, давая примеры редкостного явления литературного стиля — романских вариаций народного эпоса. При этом читатель ни секунды не сомневается в эпической подлинности этих сказаний, и только специалисты понимают, что перед ними блистательная литературная мистификация.

Кроме эпической стилистики Айтматов широко использует в своем романе другие композиционно-стилистические единства, в которых раскрывается также замечательное владение русской стилистической культурой.

Причиной, которая стоит за этой стилистической свободой, за этим высоким чувством стиля у Ч. Айтматова, с нашей точки зрения, является его ли-

тературное двуязычие или билитературность. Это утверждение нашло опору в высказывании М. М. Бахтина о том, что «только многоязычие полностью освобождает сознание от власти своего языка». Размышляя над особенной стилистической свободой древнеримского литературного сознания, Бахтин находит ее объяснение в двуязычии римлян. «Творящее сознание двуязычного автора, — говорит он, — стоит как бы на меже языков и стилей». Очень важна мысль Бахтина о том, что «двуязычное литературно-творческое сознание римлян творило на фоне греческого языка и греческих форм... Латинское литературное слово оглядывалось на себя в свете греческого слова, глазами греческого слова; оно с самого начала было словом с оглядкой стилизаторского типа».

Эти рассуждения и выводы ученого многое проясняют в той литературно-языковой ситуации, которая сложилась в XX веке в русской и национальных литературах на территории бывшего Советского Союза. Национальное литературное сознание находилось под мощным влиянием русской литературы и безусловно творило с «оглядкой» на ее опыт, на ее художественное и языковое развитие. Надо сказать, что киргизское литературное слово, пытаясь увидеть свой национальный мир и отразить его, «оглядывалось» на русское слово в большей степени, чем кто-либо в нашем регионе именно в силу того, что национальная литература киргизов началась и совершенствовалась именно в советский период их истории. Ч. Айтматов принадлежит к тому поколению национальных писателей, чье творчество питалось как минимум двумя литературными традициями — национальной и русской. Об этом много сказано, как им самим, так и исследователями его творчества. Но тот факт, что он начинал писать на своем киргизском языке, и прежде,

чем перейти на русский, перевел на него две свои киргизские повести («Тополек мой в красной косынке» и «Материнское поле») — очень важен тем, что позволил ему максимально отстраниться, с одной стороны, от своего родного языкового сознания, а с другой — от чужого — русского, ставшего для него вторым родным, и почувствовать разницу именно на стилевом уровне — том самом, о котором говорит Бахтин, определяя стиль языка как понятие целого, исторически сложившегося мировоззрения.

В этом видятся нам истоки айтматовского феномена — его особой стилистической свободы. И эта свобода более всего проявилась именно в его первом романе.

Айтматов как-то сказал, что пересказывать фольклорное произведение тоже самое, что сушить цветы меж листами бумаги. Однако он вводит в свой роман три легенды и делает все, чтобы читатель поверил то, что перед ним настоящие народные предания, которые автор взял на себя труд пересказать. В результате мы имеем примеры литературной мистификации, о которой никто, кроме специалистов, не догадывается. Постараемся показать, как Айтматов мастерски сотворил этот эффект подлинности, какой огромный труд художника-стилиста положил он на создание своего эпоса в том негласном соревновании с искусством народного творчества, которое всегда было для него мерилом художественной безупречности.

В предлагаемой статье мы остановимся на айтматовской песне-сказании о Раймале-ага и Бегимай. И если легенду о манкурте Айтматов рассказывает как действительную историю, изредка иллюстрируя ее эпическим материалом, то песня-сказание о Раймале-ага и Бегимай живет в романе именно как эпическое произведение. Но так же, как легенда о манкурте, она вводится в структуру романа уже

известным полифоническим образом — с разных голосов. Первый рассказчик — Казангап, со слов которого Абуталип боранлинский записывает эту песню. Возникает она в романе как мотив-судьба в воспоминаниях Едигея, который знает ее тоже со слов Казангапа. Но для воспроизведения ее как песни-сказания Айтматов вводит в роман фигуру современного жырау-певца, каковым оказался начальник соседнего железнодорожного разъезда по имени Эрлепес.

Фигура как будто бы эпизодическая, но чрезвычайно важная для понимания не только всей этой песенной истории о знаменитом жырау прошлых лет, но еще и для проникновения в тайну сказительного искусства, смысл которого именно в том, как утверждает Айтматов, что оно хранит в себе все бездонное богатство переживаний, которые только могут выпасть на долю человека. Вот как сказано об этом у Айтматова: «Когда он ударил по струнам и пробежал длинными цепкими пальцами вверх и вниз по высокой, на всю длину взмаха шейке домбры, успев извлечь разом целую гроздь звуков и одновременно завязывая узелки новых гроздей, которые будет затем, развивая тему, щедро срывать со струн, понял Буранный Едигей, что не легко и не просто обернется ему слушание этой музыки. Ибо он, оказывается, всего лишь отвлекся, всего лишь забылся малость в гостях, но первые же звуки домбры снова вернули его к себе, снова кинулись головой в пучину горестей и бед. Отчего же такое возникало в нем? Выходит, давно уже было известно тем людям, которые сочинили эту музыку, как и что произойдет с Буранным Едигеем, какие тяготы и муки предназначены ему на роду? А иначе как могли они знать, что почувствует он, когда услышит себя в том, что наигрывал Эрлепес? Встрепенулась душа Едигея, воспарила и застона-

ла, и разом отворились для него все двери мира — радости, печали, раздумья, смутные желания и сомнения...»

На память приходят слова Ортеги о важности деталей-подробностей профессиональных ли, природных, душевных ли в тонком делероманного повествования. Айтматов показывает настрой музыкантом домбры безукоризненно точно не только с профессиональной точки зрения, но и с точки зрения художественной выразительности, используя, например, такое неожиданное слово-образ, как гроздь: не только «гроздь звуков», но и «узелки новых гроздей», которые сначала завязывают пальцы музыканта, а потом — не развязывают, а именно срывают!

Но главное даже не в этом. Главное — в той музыке-увертюре к драме Раймалы-ага, которая так подействовала на Едигея. Словами передать музыку невозможно. Но атмосферу этой музыки Айтматов передает и делает это так, что ему, как и Едигею, открываются «все двери мира души» человеческой. И мы поражаемся не только тому, какие слова нашел автор для этого, но более всего мы потрясаемся глубине чувств Едигея. При этом у нас не возникает сомнения в том, что его посетила любовь, которая оказалась такой силы, что перед ней склонил бы голову сам Шекспир... И не последнюю роль в этом играет трагическая история знаменитого жырау.

Автор романа утверждает, что настоящее название этого сказания «Обращение Раймалы-ага к брату Абдильхану». Так называет его Эрлепес, так было записано и в одной из тетрадей Абуталипа Куттыбаева, который, как вспоминает Едигей, называет это сказание еще по-другому: «Поэмой о степном Гете». Вот такая складывается экспозиция вокруг этого сюжета, который имел свой, особый

отзвук в душе героя романа. И хотя ничего общего не было между Едигеем и Раймалы-ага, но история, произошедшая со знаменитым жырау, отзывалась в душе Едигея особой тоской и пониманием.

Само сказание занимает в романе главу десятую целиком. И снова Айтматов ведет свое повествование в системе современного русского языка, в манере собственного айтматовского эпоса, который отличают виртуозно применяемая эпическая стилистика, с широким использованием таких структурных ее элементов, как единоначатие, редиф, синтаксический параллелизм, ритм и музыка речитатива. И несмотря на то, что в этом сказании писатель больше прибегает к стилизации, основной корпус его повествования представляет собой романную вариацию эпоса. Что это значит? Это значит, что автор создает романное пространство в зоне эпоса, пользуясь практически только стилистическими элементами. Лексика, смысловое содержание остается вне эпической стилизации.

Рассказывая свою легенду, Айтматов пользуется современным романским языком. Вот, например: «Однажды не утерпел Раймалы-ага, оседлал своего престарелого Саралу и поехал на большой праздник развеять скуку...». Эта разговорная интонация незаметно сменяется стилистической конструкцией, которая придает повествованию особый сказовый характер: «А в ауле пир шел горой, доносились отовсюду песни, смех, голоса молодых, игры и забавы. Слышно было, как готовились к скачкам в честь молодоженов, как хлопотали повара у костров, как гомонили на воле табуны, как беспечно резвились собаки, как ветер шел со степи, донося запах травцветущих...». Внутреннее состояние души старого певца, ревностно улавливающего музыку и пение в соседних юртах, Айтматов передает тончайшей гаммой переживаний, несущих на себе

ла, и разом отворились для него все двери мира — радости, печали, раздумья, смутные желания и сомнения...»

На память приходят слова Ортеги о важности деталей-подробностей профессиональных ли, природных, душевных ли в тонком делероманного повествования. Айтматов показывает настрой музыкантом домбры безукоризненно точно не только с профессиональной точки зрения, но и с точки зрения художественной выразительности, используя, например, такое неожиданное слово-образ, как гроздь: не только «гроздь звуков», но и «узелки новых гроздей», которые сначала завязывают пальцы музыканта, а потом — не развязывают, а именно срывают!

Но главное даже не в этом. Главное — в той музыке-увертюре к драме Раймалы-ага, которая так подействовала на Едигея. Словами передать музыку невозможно. Но атмосферу этой музыки Айтматов передает и делает это так, что ему, как и Едигею, открываются «все двери мира души» человеческой. И мы поражаемся не только тому, какие слова нашел автор для этого, но более всего мы потрясаемся глубине чувств Едигея. При этом у нас не возникает сомнения в том, что его посетила любовь, которая оказалась такой силы, что перед ней склонил бы голову сам Шекспир... И не последнюю роль в этом играет трагическая история знаменитого жырау.

Автор романа утверждает, что настоящее название этого сказания «Обращение Раймалы-ага к брату Абдильхану». Так называет его Эрлепес, так было записано и в одной из тетрадей Абуталипа Куттыбаева, который, как вспоминает Едигей, называет это сказание еще по-другому: «Поэмой о степном Гете». Вот такая складывается экспозиция вокруг этого сюжета, который имел свой, особый

отзвук в душе героя романа. И хотя ничего общего не было между Едигеем и Раймалы-ага, но история, произошедшая со знаменитым жырау, отзывалась в душе Едигея особой тоской и пониманием.

Само сказание занимает в романе главу десятую целиком. И снова Айтматов ведет свое повествование в системе современного русского языка, в манере собственного айтматовского эпоса, который отличают виртуозно применяемая эпическая стилистика, с широким использованием таких структурных ее элементов, как единоначатие, редиф, синтаксический параллелизм, ритм и музыка речитатива. И несмотря на то, что в этом сказании писатель больше прибегает к стилизации, основной корпус его повествования представляет собой романную вариацию эпоса. Что это значит? Это значит, что автор создает романное пространство в зоне эпоса, пользуясь практически только стилеобразующими элементами. Лексика, смысловое содержание остается вне эпической стилизации.

Рассказывая свою легенду, Айтматов пользуется современным романном языком. Вот, например: «Однажды не утерпел Раймалы-ага, оседлал своего престарелого Саралу и поехал на большой праздник развеять скуку...». Эта разговорная интонация незаметно сменяется стилистической конструкцией, которая придает повествованию особый сказовый характер: «А в ауле пир шел горой, доносились отовсюду песни, смех, голоса молодых, игры и забавы. Слышно было, как готовились к скачкам в честь молодоженов, как хлопотали повара у костров, как гомонили на воле табуны, как беспечно резвились собаки, как ветер шел со степи, донося запах травцветущих...». Внутреннее состояние души старого певца, ревностно улавливающего музыку и пение в соседних юртах, Айтматов передает тончайшей гаммой переживаний, несущих на себе

печать чувств; только отдаленно напоминающих эпические, но поддержанные эпической стилистикой, они продолжают общую сказовую интонацию, полную музыки и экспрессии: «Виду не подавал собеседникам, но мысленно Раймалы-ага витал в прошлом, ушел в те дни, когда сам был молодым и красивым, когда мчался по дорогам на молодом и ретивом скакуне Сарале, когда травы, сминаясь под копытами, плакали и смеялись, когда солнце, заслышав песню его, катило ему навстречу, когда ветер не вмещался в грудь, когда от звуков его домбры загоралась кровь в сердцах людей, когда каждое слово его срывали на лету, когда умел он страдать, умел любить, казниться и слезы лить, прощаясь со стремями...»

Однако, как ни представляй жырау, даже так убедительно, как сделал это Айтматов в приведенном отрывке, единственным, что может создать самое полное представление о сказителе, это его песни. И Айтматов приводит строки из песни Раймалы — свидетельство его славы:

Воды прохладной вкус познает конь горячий,
 Когда он припадет к реке, бегущей с гор.
 Когда же я скачу к тебе, чтобы с седла
 Припасть к твоим губам,
 Я познаю отраду бытия на белом свете...

Как видим, на этот раз Айтматов прибегает к классической стилизации, используя не только эпические стилистические фигуры, такие, как ритмико-синтаксическую параллель, единоначатие, которыми он как всегда оперирует мастерски. На этот раз он строго выдерживает стилизуемый лексический ряд, в котором совершенно отсутствуют чужезыковые интересы, как сказал бы М. М. Бахтин.

Приведенная строфа не только блистательно имитирует атмосферу народной поэзии, но присутствие в ней философского начала, («Я познаю отраду бытия на белом свете...») придает ей глубину и масштаб, достойные славы по-настоящему большого жырау.

Но самое интересное и что составляет сердцевину айтматовского сказания — это, конечно, песни, которыми обмениваются его герои. Тот факт, что героиня тоже жырау — автор и исполнительница своих песен — безусловно усугубляет задачу автора. Ее песни должны вызвать восторг Раймалы, и они достигают этого, но не потому, что Айтматов искусно описывает их, а потому, что он приводит их удивительные и прекрасные по красоте тексты, делающие честь их автору Чингизу Айтматову, сумевшему сотворить эту замечательную стилизацию эпической поэзии: «Как караванчик, издали идущий к роднику, чтоб жажду утолить, к тебе пришла я, певец прославленный Раймалы-ага, сказать слова привета...». Именно таким формульным сравнением начинает свое приветствие Бегимай у Айтматова. Это признание молодой девушки писатель строит как ритмическую прозу, открыто давая свою, романную вариацию возможной старинной песни: «Не осуди, что вторглись мы сюда толпою шумной, — на то здесь пир, на то веселье воцаряется на свадьбах. Не удивляйся смелости моей, Раймалы-ага, — отважилась к тебе явиться с песней, с таким же трепетом и тайным страхом, как если бы сама в любви признаться я хотела. Прости, Раймалы-ага, я смелостью заряжена, как порохом ружье заветное. Хотя живу я вольно на пирах и свадьбах, но к встрече этой готовилась всю жизнь, как та пчела, что мед по каплям собирает. Готовилась, как тот цветок в бутоне, которому раскрыться суждено в урочный час. И этот час настал...»

Судьба сделала вызов старому жырау – на скло- не лет послала такой силы, такой яркости, такой дерзости любовь в лице этой удивительной девуш- ки. И он принимает этот дар неба, хотя, мудрый, понимает, что это испытание – страшное тем, что несовместимо с тем порядком, в котором они жи- вут. В своем ответе он говорит:

«Если ты пришла издалека, чтоб испить воды из родника, я как ветер встречный добегу и к ногам твоим упаду, Бегимай. Если же сегодня день наипо- следний мне судьбой начертан на роду, то сегодня не умру я, Бегимай. И во веки не умру я, Бегимай, оживу и снова буду жить, Бегимай, чтобы не остаться без тебя, Бегимай, без тебя, как без очей, Бегимай...».

Кроме своего вольного «пересказа» этой, якобы старинной истории, сохранившейся с давних вре- мен и рассказываемой знающими людьми, Айт- матов самым широким образом использует стили- зацию собственного эпического слова, обнаружив виртуозное владение ею:

«...Когда марал влюбленный подругу кличет ре- вом поутру, ему ущелье вторит эхом горным» – та- кие строки песни Раймалы-ага, рождающиеся на глазах восторженных слушателей, приводит Айт- матов.

«...Когда же лебедь, разлученный с лебедицей белой, на солнце глянет поутру, то солнце он уви- дит кругом черным...» – своей песней отвечает на песню Раймалы-аги Бегимай.

Здесь все подчинено стилизаторской задаче – воссоздать песенную переключку двух жырау. И мы видим, как для этого использованы все необхо- димые художественные средства – не только сти- левые, но и лексические – все до последнего слова – все выдержано в стилизуемой форме лирической народной песни.

«И так они пели, – пишет Айтматов, – в честь молодых – то он, то она, то он, то она...». Этот реф- рен («то он, то она...»), сопровождающий рассказ о жырау, так вдохновенно, так слаженно певших на свадебном пиру, писатель повторит не раз, поддер- живая им музыку и интонацию своего эпического сказания: «Бок о бок ехали они, стремя в стремя ехали они, красовались рядышком они, обращались к богу они, к добрым силам обращались они, но- вобрачным счастья желали они, на домбрах играли они, на свирелях играли они, песни пели они – то он, то она, то он, то она...»

Но горькая участь постигла Раймалы-ага. Не простили ему сородичи его поздней любви. Объя- вили его сумасшедшим, разбили его домбру, убили его верного коня, запретили ехать на встречу с его Бегимай, привязали старого певца к березе.

И вот, привязанный к дереву, Раймалы-ага поет свою знаменитую прощальную песню, которая, как утверждает автор романа, осталась в памяти на- родной и дала название всему сказанию. Айтматов строит ее сложно, используя и свой «вольный пере- сказ», как мы называем айтматовскую вариацию ро- манного эпоса и свое стилизованное эпическое слово. Эти два художественных пласта сочетаясь, создают удивительный эффект редкой выразительности.

В айтматовском пересказе, который строится в уже привычной музыке ритмической прозы, широ- ко используется весь стилистический спектр эпоса, который он применяет к современному литератур- ному слову, являющемуся с точки зрения настояще- го эпоса, безусловно чужезыковым материалом:

«Последний сумрак унося с собой, уходит ночь, и день грядущийся утра наступит снова. Но для меня отныне света нет. Ты солнце отнял у меня, несчастный брат мой Абдильхан. Ты рад, угрюмо торжествуешь, что разлучил меня с любовью, от

бога посланной уже на склоне лет. Но знал бы ты, какое счастье я ношу с собою, пока дышу, пока не смолкло сердце. Ты повязал, ты прикрутил меня петлями к дереву, а я не здесь сейчас, несчастный брат мой Абдильхан. Здесь только тело брненное мое, а дух мой, как ветер, пробегает расстояния, как дождь, соединяется с землей, я каждое мгновение с нею неразлучен, какой голос собственный, как собственное ее дыхание. Когда она проснется на рассвете, я козерогом диким с гор к ней прибегу и буду ждать на каменном утесе, когда она из юрты выйдет поутру. Когда она огонь воспламенит, я буду дымом сладким, окуривать ее я буду. Когда она поскачет на коне и через брод речной перебираться станет, я буду брызгами лететь из-под копыт, я буду окроплять ее лицо и руки. Когда же запоет она, я песней буду...»

Вот такие слова нашел Айтматов для главной песни своего сказания. Своеобразие этого поэтического высказывания заключается в том, что по силе чувств, по мощной экспрессии его смысловых и выразительных средств оно может быть сравнено с шекспировским трагедийным стихом. И как шекспировское слово принадлежит эпосу всех времен, так и это айтматовское слово по своему общечеловеческому звучанию и смыслу далеко перекрывает народное эпическое слово, одновременно вбирая в себя все его возможности.

Сколько силы духа в его герое, познавшем любовь, каково его моральное превосходство, если он, униженный, связанный по рукам и ногам, находит в себе силы пожалеть своего брата, который и сотворил над ним это насилие! Не Раймалы-ага оказывается достоин сожаления, а его брат Абдильхан, несчастный потому, что ему не дано знать, что такое любящее сердце: «Но знал бы ты, какое счастье я ношу с собою, пока дышу, пока не смолкло сердце». И, конечно, только истинный поэт, истин-

ный жырау мог сказать о неразъединимости двух сердец так, как сказал за своего героя Айтматов, сотворив эти образы, полные поэзии и импровизационной свободы: «Я каждое мгновение с нею неразлучен, как волос ее собственный, как собственное ее дыхание...»

Здесь, однако, необходимо сделать уточнение, в какой степени истинный жырау. В этом утверждении есть определенная доля условности.

Истинный народный сказитель, как известно в фольклористике, обязательно пользуется формульным языком, который представляет собой стереотипы словесных выражений, сложившихся в процессе долгого устного бытования.

«Устойчивые формулы — результат многовековой работы сказителей», — говорит Р.З.Кыдырбаева. «В сплаве традиции и импровизации заключена суть устного эпического творчества, — пишет исследователь индийского эпоса П.А.Гринцер, — и сама формула, как его элементарная языковая единица, этот сплав в себе воплощает».

В песне Раймалы-ага, приведенной выше и представляющей романную вариацию эпической песни, Айтматов, прекрасно знающий и чувствующий эпический формульный язык, намеренно прибегает к импровизации в чужезыковой для эпоса системе современного художественного языка, но считает необходимым дать опору на стилизованное народное слово, которое он представляет как цитату из действительного сказания и строит ее по законам формульной стилистики, опираясь на известные стилистические фигуры:

С черных гор когда пойдет кочевье,
Я на ярмарке не буду, Бегимай,
С синих гор когда пойдет кочевье,
Ты не жди меня на ярмарке, Бегимай.

Мы с тобой не будем петь на ярмарке,
 Конь мой не поспеет, сам я не дойду.
 С черных гор когда пойдет кочевье,
 С синих гор когда пойдет кочевье,
 Ты не жди меня на ярмарке, Бегимай,
 Я по доброй воле в небеса уйду...

Здесь ритмико-синтаксическая параллель («с черных гор когда... с синих гор когда...»), повтор («ты не жди меня на ярмарке, Бегимай») создают атмосферу народного эпического слова, которое венчает мастерская каденция, полная трагедийной сдержанности («я по доброй воле в небеса уйду...»).

Как мы уже говорили, тайна народного эпоса в том, что каждый его локальный эпизод воспринимается как факт истории человеческого бытия — столько в нем обобщающей энергии. Тайна айтматовского эпического слова в том, что оно соединило в себе обобщающую энергию эпоса и интеллектуальный опыт художественной литературы.

Как мы видим, сарозекские легенды Айтматова представляют собой тот самый сплав традиции и импровизации, который составляет суть народного творчества. Стилизуя свое эпическое слово в системе современного языка, Айтматов делает главную свою опору на формульные стилевые конструкции.

Причем это касается не только собственно эпического материала романа «И дольше века длится день». Высшее стилистическое единство романа также подчинено эпическому замыслу с широким использованием так называемых вспомогательных формул. Ученые-фольклористы утверждают, что формульный стиль имеет целый ряд видов и способов выражения. Кроме атрибутивных формул, о которых мы говорили, есть еще вспомогательные и соединительные формулы, служащие композиционными связками. «Такие вспомогательные формулы, — пишет Р.З.Кыдырбаева, — разделяют эпизо-

ды на определенные законченные части и помогают изложению монументального по объему текста».

Айтматов прибегает к соединительной формуле с той же целью: для соединения частей романного повествования. Такой формулой стали в романе строки: «Поезда в этих краях шли с востока на запад и с запада на восток... А по сторонам от железной дороги в этих краях лежали великие пустынные пространства — Сары-Озеки, Серединные земли желтых степей. В этих краях любые расстояния измерялись применительно к железной дороге, как от Гринвичского меридиана... А поезда шли с востока на запад и с запада на восток...»

Выделенные петитом строки эти, появившись в первый раз, предворили начало повествования о жизни горстки людей на полустанке Боранли-Буранный, чтобы затем снова и снова возникать в начале каждой главы, сопровождая тему Едигея и его товарищей. По мере развертывания повествования эта строфа-формула, этот формульный словесный блок приобретает особый смысл, в котором как бы сосредоточена вся возможная для романа энергия обобщения, исходящая от этих обозначенных в нем параметров: Запад-Восток, Гринвичский меридиан, железная дорога, связывающие жизнь маленького поселка в несколько домов при железной дороге с жизнью всей земли.

Возникая как связующая формульная строфа, она не только придает романному строению необходимое единство, но, главное, именно она, творя высшее стилистическое единство романа, решающим образом влияет на внешнюю форму романа, трансформируя его в роман-сказание.

Безусловно, этим формульным знаком не исчерпывается эпическая стилистика романного целого. Как мы уже говорили, многозначность повествования вбирает в себя еще и притчу о Земле и Кос-

НОШТАКЛАР У ЎЗБЕКИСТОН

мосе. Она тоже выделена в особое стилистическое единство, которое строится Айтматовым в очень высокой точке обозрения, захватывая пространство не только Земли, но и Вселенной.

По воле автора, Космос приобретает смысл не только материнского лона Земли, от которого люди хотят оградить ее, но Космос становится источником новых индустриальных технологий и совершенно новых социальных и экономических форм жизни, совершенно нового мировоззрения. И глобальное беспамятство землян может обернуться глобальной самоизоляцией, ведущей к неизбежной исторической и технологической рутине человеческого общества, на преодоление которой, как говорят в своем послании людям романские паритет-космонавты, потребуются тысячелетия.

Но вернемся к разговору о стилистической конструкции айтматовского романа, которая именно в конце приобретает форму классической параболы: повествование удаляется от первоначальной притчи о манкурте, чтобы затем, двигаясь по кривой, снова вернуться к ней, дав ей новое философско-этическое осмысление, выходящее далеко за пределы загубленного сознания отдельной личности.

Как известно, само сопряжение современной действительности смифом — уже параболическая ситуация, выводящая любой роман в сферу романа интеллектуального. Именно оно и создает философское начало в художественном произведении. В романе Айтматова «шири» — обруч, надеваемый на голову манкурта, став метафорой приобретает невиданный, космический масштаб. В апокалиптической картине транскосмической заградительной операции «обруч», когда ракеты уходят в космос закладывать вокруг земного шара кордон, «чтобы ничего не изменилось в земных делах», рядом с человеком, верблюдом и собакой, в безумном страхе

бегущим прочь, в том грохоте и светопреставлении появляется белая птица Доненбай, снова, как и в легенде, криком своим вопрошающая: «Чей ты? Как твое имя? Вспомни свое имя...»

Форма интеллектуального параболического романа характерна для литературы XX века, об этом достаточно сказано. И Джойс, и Кафка, и Ануй, и Борхес, и Маркес, и Умберто Эко показали, сколь разнообразны и подвижны формы подобного романа.

В этом ряду роман-сказание «И дольше века длится день» Айтматова занимает свое место. Построенный, как мы показали, по законам народно-эпической стилистики, он одновременно представляет современнейшую форму интеллектуального романа. Именно стилистика романа несет на себе всю меру этого своеобразия, отражая в себе уникальное взаимодействие литературы и народного эпоса.

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ

МАНҚУРТЛИК РУҲИЙ- ЭСТЕТИК ТУШУНЧА СИФАТИДА

Бадий ифода даражаси ва эстетик тафаккур қудрати жиҳатидан дунё адабиётининг энг юксак талабларига жавоб бера оладиган ёзувчи Чингиз Айтматовнинг асарларида одамнинг одамийлигини таъминлайдиган сезимлар, инсон руҳиятини тозартириб, уни эзгуликка ундайдиган маънавий омиллар бетакрор йўсинда таъсирли ифода этилади. Ўз битиклари билан очун эстетик тафаккурини янгилашга эришган бадий даҳо инсон руҳиятининг шу вақтга қадар тадқиқ этилмаган қатламларини тенгсиз бир маҳорат ила кўрсатиб берди. Баримиз кўриб юрган макон ва замондаги оддий одамларнинг кундалик юмуш ҳамда одатий муносабатлари замиридаги умуминсоний жиҳатларни кўрсата олгани учун ҳам адибнинг асарлари дунёвий миқёсга кўтарилади.

Чингиз Айтматов ўз асарларида муаммо кўтармайди, балки одамнинг ўзи энг буюк ва ҳеч қачон тўла ҳал этилмайдиган проблема эканидан келиб чиқиб қалам суради. Ёзувчининг барча асарларида одамни муайян хатти-ҳаракатлар сари йўналтирган ахлоқий-маънавий асосларни англашга уриниш акс этади. Адиб нафақат эзгу амаллар эгаси бўлган одамларни, балки ёвуз кимсаларнинг да ички оламини тушинишга интилади. Шунинг учун унинг ҳар куни кўриб юрганимиз оддий одамлар ҳақида ёзганлари инсоннинг буюклиги ёки ёвузлиги ҳақи-

даги кутилмаган симфония бўлиб янграйверади. Айтматовнинг асарлари қаҳрамонлари оддий кишилар, лекин улар орасида бирорта ҳам жўн одам учрамайди.

“Асрни қаритган кун” романи Чингиз Айтматов ижодида ҳам, совет ўқирманлари ҳаётида ҳам алоҳида аҳамиятга эга битик бўлди. Адиб асарга Х асрда яшаб ўтган Григор Нарекацининг: “Бу китоб танимдир менинг, Бу сўз жонимдир менинг”, деган сўзларини бекорга эпиграф қилиб келтирмагани. Асар ғоят кўпқатламли, имо-ишораларга бой бўлгани учун ҳам унинг теран тағмаъноларга, тушуниб етиш осон бўлмайдиган тарзда шифрланган тилига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Шундагина уни бир қадар англаб етиш мумкин бўлади. Романда одам деб аталмиш мураккаб яратилган ҳақиқий қиммати нимада экани турли тақдирли кишилар ҳаёти тасвири орқали кўрсатилган. Унда ўзининг этник томирини биладиган, бугуннинг кечадан келиб чиқишини англайдиган, Яратгандан кўрқиб, бандасидан уялгани сабаб ўз хатти-ҳаракатларини тафтиш этадиган одамлардангина эзгулик келиши акс эттирилган.

Миллий ва очун фольклоридан сувланган, ҳар қандай ривоят замирида чуқур маъно кўра оладиган ёзувчи “Асрни қаритган кун” да бир эмас, учта ривоятдан фойдаланади. Муҳими шундаки, бу ривоят афсоналарнинг бирортаси ҳам шунчаки бадий экзотика ёки сюжетни қизиқарли қилиш учун киритилмаган. Уларнинг ҳар бири зилдай оғир бадий-эстетик юк ташиди. Ушбу мақолада асардаги биргина Найман она ва манқурт ўғил ҳақидаги ривоятдан келтириб чиқариш мумкин бўлган ижтимоий-фалсафий ва бадий-эстетик маънолар ифодасига тўхталинади.

Ҳамонки, сўз манқуртлик тушунчаси ҳақида борар экан, олдин ушбу сўзнинг келиб чиқиши

ва маъноси тўғрисида ақллашган дуруст бўлади. Озарбайжонлик олима Улвия Хусайнованинг “Об этимологии слова манкурт” мақоласи (1. 181-185) шу муаммо ечимига бағишланган. Олима турли илмий адабиётларга таяниб, «manqurt» сўзи “ақлсиз, эси йўқ” маъносидаги қадимги туркий *manquld*дан келиб чиққан бўлиши мумкинлигини тахмин қилади (2. 349). Шунингдек, манбаларда мўғул тилида «нодон, ақлсиз» маъносидаги «*manguu*» шакли ва “тентак бўлди, ақлдан озди” англамидаги «*manguuqax*» кўриниши борлигини ҳам қайд этади. Улвиянинг «*manqurt*» лексемасини қадимги туркий тилда “бел боғламоқ, шайланмоқ” маъноларида қўлланиладиган “*man*” ҳамда “қуритилган” англамидаги “*qurut*” сўзлари қўшилиувидан юзага келган (3. 235) деган гипотезасида ҳам мантиқ йўқ эмас.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” китобида туркий “*munduz*” сўзи “ақлсиз, лақма” маъноларини билдириши кўрсатилган. “Девон...” да ушбу сўзнинг маъносига мисол тариқасида “Нэчө мундуз эрсө эш эзгү, Нэчө эгри эрсө жол эзгү» (4. 426) (Қанча ақлсиз бўлса-да йўлдош яхши, Қанча эгри бўлса-да йўл яхши) мақоли келтирилади. Шунингдек, ушбу китобда эски туркийда «*munduz*» сўзи ўзагига қўшимча қўшиш орқали «алжиради, ақлдан озди» маъносини англлатувчи «*mundi*» (5. 38) феъли ясалиши ҳам кўрсатилади. Тилдаги ушбу ҳолатлар кишида, балки, «*manqurt*» лексемаси «*man*» ўзагига «қурт» сўзини қўшиш йўли билан ҳосил қилинган ва кейинчалик фонетик ўзгаришларга учраб «мункурт», «манқурт»га айлангандир, деган фикр пайдо қилади.

“Манқурт” лексемаси этимологиясини туркий тил қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда, ўзгача йўсинда талқин этишга ҳам муайян асослар бор. Бу сўзнинг қарлуқ ва ўғиз лаҳжаларида I шахсни англлатувчи “*man*” ва кўпчилик туркий тиллар учун

ўртоқ бўлган “қотирилган, қуритилган маъносидаги” “*qurut*” сўзлари қўшилиувидан пайдо бўлгани эҳтимолини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Ҳозирги қирғиз тилида қўл-оёқсиз майиб маъносини англлатувчи *munju* сўзи бор. Ўзбек тилида эса қўли ёки оёғи ёхуд бирваракайига қўл ва оёғи ҳам йўқ, айна вақтда эси ҳам бутун бўлмаган кишиларга нисбатан «*mo'ndik*», «*mertik*» сўзлари ишлатиладики, бу мисоллар “*manqurt*” сўзининг туркий тилларда чуқур илдизга эга бўлганидан далолат беради.

Ёзувчининг ўзи ҳам Мухтор Шахонов билан қилган суҳбатларидан иборат “Чўққида қолган овчининг оҳи-зори” асарида болалигида қирғизларнинг ярашиқсиз қилиқ қилган кимсага: “Сен манқуртмисан, нима балло?” – деганларини кўп эшитганини қайд этади. Шунингдек, машҳур манасчи оқин Сояқбой Қоралаев қирғиз-қалмоқ уруши даврида олинган асирларни манқуртга айлантиришдай ярамас одат бўлгани ва унинг механизми борасида сўзлаб берганини, бунга “Манас”дан ҳам мисоллар келтирганини ёзади (6.378-380).

Эътибор қаратилиши керак бўлган яна бир муҳим жиҳат шундаки, Айтматовнинг романи яратилишидан олтмиш беш йил бурун ўзбек жадидларининг отаси Маҳмудхўжа Беҳбудий “Ойна” журналининг 1915 йилги 22, 23, 25, 26-сонларида эълон қилган “Сарт сўзи мажҳулдир” мақоласида: «Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайтургонларни қул – марқуқ дерлар», – деб ёзган эди (7. 173). Кўринадики, Беҳбудий ишлатган “марқуқ” сўзи ҳам шакли, ҳам маъносига кўра Айтматов қўллаган сўзнинг ўзгинасини англлатади. Бу далиллар “манқурт” лексемаси ёзувчи томонидан ўйлаб чиқарилмаган, балки туркий тилнинг қадим қатламларидан кавлаб топилган деган тўхтамга келишга асос беради.

Ёзувчи романда одамни унинг лавозими ҳам, бойлиги ҳам, кучи ҳам эмас, балки аждодлардан ўтиб келаётган эзгу қадриятларни сақлаб қола билиш ва уларга амал қила олиши улуғлашини ўта таъсирли йўсинда тасвирлайди. Ёзувчи “Ўзим ҳақимда қайдлар” мақоласида: “Бизнинг овулимизда етти отасини билиш одатига қатъий риоя қилинарди. Шу сабабдан ўзимиздан олдин ўтган етти аждодимизни билиш муқаддас бурч эканлиги болаликданоқ онгимизга сингдириларди. Одатда овул қариялари бу борада ўғил болаларни: “Қани айт-чи, ботир, кимларнинг авлодидансан? Отанг ким? Отангнинг ота-боболари кимлар? Нима иш билан шуғулланишган?” каби саволлар билан синашарди. Агар бола бу саволларга жавоб беролмаса, унинг ота-онаси қаттиқ изза қилинарди”, – деб ёзади (8. 222). Бу иқрор Айтматов ҳар бир одамнинг шахс сифатида шаклланишида ўз ўтмишини билишининг катта ўрни борлигига узоқ болалигидан эътибор бериб келганини билдиради.

Кишида инсоний сифатларни юзага келтириш, унга ўзлигини танитишда она тилининг улкан аҳамиятга эгаллиги тўғрисида адиб: “Болаликда шуурга сингдирилган она тилигина... инсонда миллий ғурурнинг илк куртакларини уйғотиши ...мумкин”, – деб ёзади. 1972 йилда қилинган бу иқрор кейинроқ яратилган “Асрни қаритган кун” романининг асл моҳиятини белгилаш ҳамда бу асар замиридаги маънони англаб етишда муҳим очқич вазифасини бажаради. Ч. Айтматов шахсиятидаги ана шу асл туйғулар манқурт Жўломон фожиасини, унинг турли даврлардаги қиёфадошлари бўлмиш: ре-визор, майор Тансиқбоев, лейтенант Тансиқбоев, Собитжон сингари кимсаларнинг маънавий-руҳий қашшоқлиги ҳамда бу маънавий ғарибликнинг бузғунчи қудратини бутун кўлами билан кўрсатиш имконини беради. Асарда бир қатор тимсоллар тас-

вири орқали кечаги кунига боғланмаган одам эртанги кунини ўйлай олмаслиги сабаб фақат бугуни билан яшашга маҳкум экани кўрсатилган. Ўтмиш ва келажакдан узилганлик, яъни маънавий томирларнинг қирқилиши одам руҳиятидаги ёвузликлардан қайтарувчи ахлоқий тўсиқнинг йўқолганини билдиради. Бундай кимсалар учун ўз манфаатидан юксак қадрият, муқаддас тушунча бўлмайди.

Замонавий манқурт Собитжон ўз миллий томиридан узилгани, ўзига ёт қадриятларни эса ўзлаштиролмагани учун ҳам бу очунда омонат яшайди, у кечаги кунни билмагани ва суймаганидек, эртанги кунни яхши кўришга ҳам қодир эмас. Фақат бугунидан иборат бу кимса, Эдилбой дароз айтмоқчи, “...ўзи ўзиники бўлмай қол”ган нусхага айланган.

Ч. Айтматов инсон руҳиятининг улкан билимдони сифатида манқурт афсонасида қатнашган ҳар бир тимсолнинг кўнгил кечинмаларини энг майда тебранишларига қадар аниқ тасвирлайди. Найман онанинг чегарасиз дарду алами ифодаланган ривоят тасвирида ёзувчи асосий эътиборни асар қахрамонларининг руҳий кечинмаларини акс эттиришга қаратади. Бу ҳол, умуман, манқуртлик, хусусан, Найман она фожиасининг бутун кўламини туйиш имконини беради.

Олдин эри, сўнг ўғлидан ҳам ажралган бўлса-да, одамни одам қилиб турадиган маънавий сифатлар: одамийлиги, ғурури, азалий удумларга ҳурматини сақлаб қола билган Найман онанинг шахсиятидаги бутунлик асарда ишонарли кўрсатилган. Романда онанинг руҳий ҳолатидаги ички динамиканинг эволюцион босқичлари улкан маҳорат билан тасвирланади. Чунончи, афсона бошларида она туйғулари “Сайёҳ савдогарлар ...Сариўзакда учраган ёш манқурт ҳақида гап очиб Найман онанинг ўртанган юрагини баттар ўртаб, ярасига туз сепишгани-

ни ...пайқашмаган эди. Она қандайдир фалокатни сезиб, юраги орқасига тортиб кетди. Ўша манқурт менинг ўғлим бўлиб чиқса-я, деган ҳадик борган сари кучайиб, унинг ақлу ҳушини, бутун вужудини тобора чуқурроқ, тобора кучлироқ чирмаб ола бошлади. Ўша манқуртни излаб топиб, ўз кўзи билан кўриб, унинг ...ўғли эмаслигига ишонч ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимаслигига кўзи етган эди” тарзида берилган. Ушбу ифодалардаги нозик нуқталар эътибордан қочирилмаса, онанинг юрагини ўртаган аламлар миқёси илғаб олинади. Бу тасвирда одам руҳияти, сезимлари ғоят ўзгарувчан экани акс этган. Унда ўғлининг ё қаҳрамонларча ҳалок бўлгани, ёки ёв ўқидан ўлиб, ўлиги далада қолгани, ёхуд манқурт ҳолига туширилган бўлиши мумкинлигидай уч эҳтимолнинг ҳар бирини ҳам ўйига келтиришдан қўрқаётган, айна вақтда бор ҳақиқатни билмагунча тинчий олмайдиган шўрлик она ҳолати тенгсиз маҳорат билан акс эттирилган.

Асарда Найман онанинг ўйлари, кўнгил ҳолати тинимсиз ўзгариб туриши ғоят ишонарли кўрсатилади. Романда онанинг гоҳ: “Ўғлимни тирик кўрсам, манқурт бўлса ҳам, ақлдан озиб ҳеч нимани эслай олмайдиган меров бўлиб қолган бўлса ҳам майли. Ўғлимнинг, ишқилиб, жони омон бўлса бас”, деб ўйлаши, гоҳида эса, “...ўғлимнинг ўрнига овсар ва мажруҳ бир кимсага дуч келиб қолсам, ҳолим не кечади”, дея дили қоронғи бўлиши, яна бир зумдан кейин: “...нима бўлса ҳам, бирон кимсанинг эмас, балки ўзининг дилбандини топиш иштиёқи она қалбини чулғаб олган”лиги тасвирланади.

Ёзувчи онанинг ўзи излаб юрган туялар уюрини кўргандаги руҳий ҳолатини чексиз маҳорат билан акс эттиради: “Уюрни излаб топганидан қувончи ичига сиғмай, нафаси бўғзига тикилди. Аммо шу заҳотиёқ манқурт қилиб қўйилган ўғлини кўриш-ни эслаб, қўрққанидан аъзойи бадани музлаб кет-

ди. Сўнг юраги яна қувончга тўлди ва шу билан не аҳволга тушганини ўзи ҳам англамай қолди”. Кичкинагина шу тасвирда онанинг тинимсиз ўзгариб турган руҳий дунёси ўта усталик билан табиий акс эттирилган. Онанинг туйғулари киприкдаги ёшдай омонатлиги, салгина ҳаракат унинг ҳиссиёт оламини остин-устун қилиб юборишга қодирлиги ўта таъсирли ифода қилинган.

Найман онанинг манқурт боласини топгандан кейинги ҳолати ҳам романда тенгсиз усталик билан чизилган: ёвқур табиатли бу аёлнинг ўз боласини тақдир ҳукмига ташлаб кетиши мумкин эмасди. Шунинг учун ҳам аёлнинг нима қилиб бўлса-да, ўғли табиатини ўзгартиришга, унинг хотирасини жонлантиришга уриниб қилган жонсаракликларида ҳаётий ҳақиқат ва характер мантиғи яққол кўзга ташланади. Онанинг ўғлини ўзи билан олиб кетишга уриниши манзараларида инсоний фожианинг авж нуқталари таъсирли тасвирланган.

Романда манқурт ўғил табиати онанинг ададсиз фожиаси орқали акс эттирилади. Сабабки, ўзининг аҳволи аянчли эканини билган одамгина изтироб чекади, ҳолатидаги аянчлиликни англамаган кимса учун эса ҳар қандай фожиа ўз маъносини йўқотади. Онанинг чексиз изтироблари ва руҳий қийноқларини кўрсатиш нафақат жисми, балки туйғулари ҳам қул қилиниб, муҳаббат, нафрат сингари сезимлардан маҳрум этилган, ўтмиш деб аталгувчи тенгсиз маънавий булоқ билан боғлаб турадиган томир бўлмиш хотирасидан жудо қилинган Жўломоннинг қиёфасиз қиёфасини этни жунжиктирар даражада аниқ тасаввур қилиш имконини берган. Шахслигидан ажратилган ғариб Жўломон образининг ўзи орқали эса буни кўрсатиш мумкин эмасди. Асардаги: “Бироқ онанинг келгани унга гўё ҳар доим ёнида юргандай, заррача таъсир қилмади. У ҳатто онадан кимсан, нега йиғлаяпсан, деб сўрамади ҳам.

Маълум лаҳзалардан сўнг онанинг қўлини елкасидан суриб ташлаб, устида юк бор туясини етаклаганча одимлаб кетди..." йўсинида акс эттирилган ҳолатнинг бутун руҳий-эмоционал юки манқурт ўғли аҳволини кузатиб туришдан ўзга чораси йўқ она елкасини қандай босаётгани реал тасвирланган.

Асарда онанинг ўйи, хатти-ҳаракати, гап-сўзи, руҳиятидаги ҳар бир ўзгариш мантиқий асосга эга ҳолда кўрсатилган. Шунинг учун ҳам Найман онанинг: "Ердан маҳрум этиш мумкин, мол-дунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто, инсонни яшашдан маҳрум этиш ҳам мумкин. Бироқ одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топди экан?! Ё раббий, агар оламда бор бўлсанг, бандаларингга бундай ёвузликни қандай раво кўрдинг? Ер юзида усиз ҳам ёвузлик каммиди?" тарзидаги ноласида заррача сунъийлик ҳам, шаккоклик ҳам йўқ. Ўғлининг тирик мурдалигини кўрган она фожиясининг бутун кўлами: "Мен бўтаси ўлган бўз моя, Тулубин келиб искаган" сатрларида бор даҳшати билан яққол намоён бўлган.

Романда Найман онанинг манқурт ўғлини кўргандан кейинги тўхтаи унинг руҳий оламига мувофиқ ишонарли акс эттирилган: "Ўғлини қулликда ташлаб кетмай, бир амаллаб бирга олиб кетишга қарор қилди она. Ўғли манқурт бўлса ҳам майли, ҳеч нимани тушуниб, англаб етмаса ҳам майли, кимсасиз чўлда, жунгжангларнинг туясини боқиб хор бўлиб юрганидан кўра ўз уйида, ўз одамлари орасида яшагани яхши эмасми? Она қалби шуни истарди. Бошқалар тақдирга тан бериб кетиши мумкин бўлган ҳолга она сира ҳам кўна олмасди. У ўз қони ва жонини, кўз қорачигини қулликда қолдириб кетишни сира-сира истамасди". Чиндан ҳам она бошқача йўл тутолмасди: боласи қандай аҳволдалигидан қатъи назар ундан воз кечолмасди.

Найман онанинг сўнгги ҳолати тасвири одамга она туйган сезимларни туйиш, унинг туйғуларини кўнглидан кечирриш, руҳий ҳолатини ўз руҳиятига кўчириш имконини беради: "Ботаётган қуёш шуълалари қўш ўркакч ўртасида ўтириб олган она қиёфасини баралла кўрсатарди. У жиддий тусда, юзларининг қони қочган ҳолда ҳушёр тортиб, хавотирланиб ўтирарди. Сочлари оқариб кетган, манглайини ажин босган, ғам-ғуссали кўзларига эса Сариўзак хуфтони сингари ғам-ташвиш чўккан эди..." Шу ўринларида ҳаётининг маъноси бўлмиш ёлғиз ўғли манқуртга айлантирилгани сабаб ҳам тани, ҳам руҳи эзилиб тамом бўлган онанинг абгор ҳолати бутун даҳшати билан ифода этилган.

Манқурт афсонаси тасвирини берар экан, ёзувчи одамни манқуртга айлантирган жунгжангларга бўлган нафратини бекитмайди, туйғусини ўқирманга-да юқтиришга уринади. Муаллиф романдаги ревизор, майор Тансиқбоев, лейтенант Тансиқбоев ва Собитжонга ўхшаш маънавий қадриятларни эъзозлаш, одам кўнглини англашдан йироқ манқурт-табиат, ҳиссиз кимсаларни етиштирган тузумга бўлган нафратини ҳам жўшқин ифода этади. Ёзувчининг романда акс этган қайноқ сезимлари, оташин туйғулари асарнинг пафоси даражасига кўтаририлгани учун ҳам кишини ўзига эргаштиради, уни мувозанатдан чиқариб, муайян маънавий-ахлоқий позицияни танлашга мажбур қилади.

Зотан, манқуртлик бирор одамнинг шахсий фожияси эмас. Чунки манқурт бўлиб туғилмайдилар, балки манқурт қилинадилар. Романда одамдай мукаррам яратилган манқуртга айлантиришдан тортинмайдиган, жамиятнинг масофадан туриб бериладиган ҳар қандай буйруқни бажаришга тайёр зомбилардан иборат бўлишини истайдиган тузумга нафрат акс этган. Чингиз Айтматов "Асрни қаритган кун" романидаги манқурт афсонаси орқа-

ли бутун инсониятни, айниқса, туркий халқларни огоҳлантириб, уларни тарихнинг қонли сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришга чақиради.

Туркий улусларнинг энг қадим даврлардан то бугунга қадар бошқалар қолиб, бир-бири билан ёвлашиб келаётганини кузатган киши манқуртлик туркийлар учун суяк сурадиган генотип иллат эмасмикин, деган ўйга келади.

Қадим тошбитикларга туркий баҳодирлар кўрсатган қаҳрамонликлар ўчмайдиган қилиб ўйиб ёзилгани билан масрур бўламиз. Лекин боболар кимга қарши бўлган жангу жадалларда қаҳрамонлик кўрсатганини ўйлаб кўрайлик. Масаланинг фожиали ва изтиробли томони шундаки, боболар кўпинча қирғиз, уйғур, татар, ўғиз, тўққиз ўғиз, сўғд, қарлуқ каби туркий уруғ-қабилалар билан ўзаро жангу жадал қилган эканлар.

Култегиннинг: «Эй турк халқи, ғоят ишонувчансан. Самимийдан носамимийни ажратмайсан. Ўшандайлигинг учун тарбият қилган хоқонингнинг сўзини олмайин ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг... Туркнинг эндиги халқи, беклари! Уй, дунёгагина қарайдиган, кўзига фақат мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар — гумроҳсизлар!» — деган иддаоси бугун ҳам ўз актуаллигини йўқотмаган.

Битигтошлардаги қайдлар туркий қавмларнинг кўпроқ ўзлари билан ёвлашганига тониғлиқ қилади, “Оқ кема”да қирғизларни Бойкўл бўйларидан Иссиқкўл қирғоқларига қуврин қилган ёв ҳам аслида жудаям бегона бўлмаган. Инсониятнинг ёвузлик тажрибасини манқуртликдай ўхшаши йўқ жиноят билан бойитган жунгжангларни ҳам туркий халқларга тамомила ёт деб бўлмаса керак. Бир-бири билан ёвлашишдай қонли анъана бугун ҳам давом этаётгани ачинарлидир. Бизнинг кунларимизда ҳам ўзбекларнинг ахсика турклари билан, қирғизларнинг ўзбеклар билан ёвлашишлари, энг ёмони,


бундан миллат ойдинлари ташвишга тушиб, ёқа йиртмаётганликлари замонавий манқуртликнинг кўринишидир. Чунки кўпчилик туркий халқлар маърифатсизлиги боис умумий тарихини билмайди, ўтмишини билмайдиган одам ўзини танймайди, ўзини билмайдиган одам учун эса нафсидан ўзга муқаддас қадрият бўлмайди.

“Туркнинг дўсти турк, аммо унинг душмани ҳам турк”, деган даҳшатли мақол қорапойим тўдаларнинг, миллий тарихидан хабарсиз, аммо ўзларича миллатсуяр журналистларнинг ўйлаб-ўйламай, билиб-билмай қилган ташвиқотлари сабабли ҳамон ўз кучида қолаётгани ҳам манқуртизмнинг чуқур томир отганини кўрсатади. Манқуртлик билан очун туркларининг ўзаро бирлашмаслиги, бир-бирига дунёдаги энг катта ёв сингари муносабатда бўлиши ўртасида улкан боғлиқлик бор. Айтматов, умуман, романда, айрича, асарнинг манқуртга доир тасвирларида айни шу жиҳатга урғу берган. Шу боис коммунистик идеология талабларига терс ўлароқ худосизлик, она тилини билмаслик, этник илдизни унутиш сингари иллатларнинг ташувчилари бўлмиш майор Тансиқбоев, лейтенант Тансиқбоев, Собитжон, ревизор, Абутолибни сўроқ қилган ёвуз терговчилар сингари образларнинг қиёфасини кўрсатишга батафсил тўхталган.

Манқурт афсонаси воситасида Айтматов ҳар бир улус жаҳон айвонида ўз ўрнига эга халқ ўлароқ мавжуд бўлиши учун ўз тарихи, ўтмиши, маънавий илдизларини билиши кераклигини, акс ҳолда у эртанги кунидан маҳрум бўлиши мумкинлигини ўта ишонарли акс эттирган. Бу афсона, умуман, башариятни, хусусан, туркий улусларни ўз ўтмиши ва эзгу маънавий қадриятларини ўзлаштириб олиш орқали бирлашишга чорлайди.

Орзу қиламизки, учинчи мингйилликнинг илк юз йили очундаги туркий улусларнинг бирлашуви даври бўлади. Бу бирлашув туркий алифболарнинг

умумийлиги, бозорнинг бирлиги, борди-келдиларнинг эркинлиги, муносабатларнинг тенглик ва ҳурматга асосланганида намоён бўлади. Мана, туркий дунёда ёзувни лотинлаштириш жараёни кечмоқда. Туркий улусларнинг ойдинлари, сиёсий арбоблари айна шу кечимни айрилиш сари эмас, балки бирлашиш сари йўналтиришлари керак. Алифболар, ҳар бир туркий миллат тилининг ўзига хослиги тўла ҳисобга олинган ҳолда, максимал даражада универсаллаштирилиши лозим. Бунинг учун ёзувни лотинга айлантириш борасида анча кўп йиллик тажрибани ўзида мужассам қилган турк алифбосини асос қилиб олиб, унга ҳар бир туркий тилнинг ўзи учун зарур бўлган товушнинг белгисини киритиш йўлидан бориш зарур деб ўйлайман. Бунда айрилиш сари эмас, балки бирлашиш сари интилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ёзувнинг бир хиллиги тилларнинг яқинлашувига, бу эса миллий руҳият ва кўнгилларнинг ўртоқлашувига олиб келади. Чунки дилга йўл тил орқали очилади. Шундагина Навоий, Фузулий, Махтумқули, Абай, Тўқай, Камол Отатурк, Қуғултинов, Айтматов, Қулиев, Мустай Карим сингари мутафаккирларнинг кўнгил орзулари амалга ошиб, руҳлари шод бўлади.



Илҳом оғушида...



Буюк ёзувчидан дастхат олиш ҳам катта шараф эди



Чингиз Айтматов, Одил Ёкубов, Мухтор Шохонов



Ассамблея ишини ташкил этиш масалалари муҳокамаси



Марказий Осиё халқлари маданияти
Ассамблеяси очилиши арафасида





Чингиз Айтматов ўзбек адиблари даврасида



Экспозицияда Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодига доир илмий материаллар ҳамда бадий нашрлар, фото суратлар билан танишиш мумкин



Адибнинг барча асарлари ўзбек тилига ўтирилган



Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижоди ҳақида
Ўзбекистонда нашр этилган илмий асарлар

Тинчлик ҳақида ёзилган кўп сонли асарлари билан
Чингиз Айтматовнинг ижоди ва ҳаёти ҳақида
кўп сонли асарлар ишлаб чиқарилиши ва
натижада кўп сонли асарларнинг чоп қилиниши
ва шу билан биргаликда Чингиз Айтматовнинг
ишлари ва ҳаёти ҳақида кўп сонли асарлар
ишлаб чиқарилиши ва шу билан биргаликда
Чингиз Айтматовнинг ижоди ва ҳаёти ҳақида
кўп сонли асарлар ишлаб чиқарилиши ва
натижада кўп сонли асарларнинг чоп қилиниши
ва шу билан биргаликда Чингиз Айтматовнинг
ишлари ва ҳаёти ҳақида кўп сонли асарлар
ишлаб чиқарилиши ва шу билан биргаликда
Чингиз Айтматовнинг ижоди ва ҳаёти ҳақида
кўп сонли асарлар ишлаб чиқарилиши ва
натижада кўп сонли асарларнинг чоп қилиниши

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

МУШТАРАКЛИК,

ҲАМОҲАНГЛИК, ЎЗИГА ХОСЛИК

Дунё миқёсида танилган буюк адиб Чингиз Айтматовнинг шахси ва ижоди билан энг кўп танишган, унинг асарларини севиб мутолаа қиладиган халқ биз, ўзбеклар бўлсак керак десам, муболаға қилмаган бўламан. Чунки юртимизда Чингиз оға асарлари кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби. Адиб ҳаёти ва ижоди мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг қуйи синфларидан то лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртиларининг ўқувчи ҳамда талабалари томонидан чуқур ўрганилади. Дастлаб "Оқ кема" қиссаси билан танишган ўқувчи кейинроқ "Жамила", "Сарвқомат дилбарим" қиссалари ҳамда "Асрни қаритган кун", "Қиёмат" романлари билан танишгач, ёзувчи ижодига қизиқиши янада ортади ва албатта, оила аъзолари билан бошқа асарларини ҳам топиб ўқиш ҳаракатига тушади. Шукурки, Чингиз Айтматовнинг барча асарлари Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Сулон Қораев, Маҳкам Маҳмудов, Нурали Қобул каби таржимонлар томонидан юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўгирилиб, ўқувчиларга ўз вақтида етказилган.

Чингиз Айтматов XX асрнинг 60-йилларида катта ижод майдонига, аввало, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, қолаверса, бутун Шарқ халқлари адабиёти ва санъатини тубдан янгилаш, чинакам халқчил, прогрессив, жаҳоннинг юксак даражада ривожланган адабиётлари қаторига қўшиш нияти

билан кириб келди, умрининг охиригача шу ният билан яшади ва ишлади. Бу борада биринчи галда ўзи намуна кўрсатишга киришди. Бунинг учун инсониятни мангу қийнаб келаётган, аммо жамият тазийқи остида айтиш мумкин бўлмаган мавзу ва муаммоларни, янгича қиёфа ҳамда қарашга эга кишилар образини яратишга уринди. Адиб инсоннинг жамиятдаги ўрни, роли, мавқеи, эмин-эркин яшаш, қилган меҳнатидан ҳам жисмонан, ҳам маънан қониқиши, кўнгил истагига кўра севиш ва севилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурлигини англади ва уларни адабиётга дадил олиб кирди. Шу боисдан ҳам ёзувчининг қаҳрамонлари анча-мунча қолипларга сифмайди.

Мана шу фазилатларига кўра, Чингиз Айтматов ижоди юртимиздаги оддий китобхонларнинг онги, дунёқарashi, хулқи ва турмуш тарзига жиддий ижобий таъсир кўрсатди, уларни ҳаётда учрайдиган қийинчилик ҳамда тўсиқларни ақл ва матонат билан енгиб ўтишга ўргатди. Чунки адиб асарларида тасвирланган воқеалар, чизилган манзаралар, яратилган персонажлар тақдири худди ўзимизнинг ҳаётимиздан олингандек яқин ва тушунарлилиги билан қимматлидир. Шу билан бирга, Чингиз Айтматов қаламга олган мавзу, муаммо ва воқеаларнинг ўзбек адиблари асарларига ҳамоҳанглиги, ўзининг гоёвий йўналиши, бадиийлиги, ниятларининг яқинлиги, эзгулиги билан ҳайратга солади. Бунинг сабабларини асли қадим туркий халқлар авлоди бўлган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркманларнинг тили, дили, дини, турмуш тарзи ва тарихидаги уйғунликдан излаш тўғрироқ бўлади. Шуни назарда тутганда, икки халқ адабиёти ўртасидаги муштараклик, ҳамоҳанглик ва ўзига хосликни Чингиз Айтматов ижоди мисолида ўзбек адиблари асарларида тасвирланган ўхшаш воқеалар ҳамда қаҳрамонлар тақдири билан қиёслаш, улар ўртаси-

даги фарқли томонлар ва ечимнинг ўзига хослигини тадқиқ этиш адабиётшунослигимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Бу вазифанинг кичик бир бўлаги сифатида Чингиз Айтматов ва ўзбек адиблари ижоди ўртасидаги яқинликни қуйидаги йўналишларда ўрганишни ният қилдик:

1. Асарда ифодаланган мавзу ва муаммоларнинг яқинлиги;
2. Қаҳрамонлар тақдиридаги ўхшашликлар ва фарқлар;
3. Воқелик баёни ва ечимдаги муштараклик ҳамда ўзига хослик.

Ёшлиги иккинчи жаҳон уруши даврида ўтган Чингиз Айтматовнинг ижодий меросида уруш мавзуси алоҳида ўрин тутди. Бу ҳақда адибнинг ўзи шундай деган эди: “Менинг ўспиринлик ва ёшлик чоғларим уруш ва ундан кейинги илк йилларга тўғри келганди. Ўн тўрт ёшимда овул советига котиблик қилдим, сўнг солиқ йиғувчи бўлдим. Буларнинг ҳаммаси катта синов тариқасида мендан, менинг мурғак руҳиятимдан сизиб ўтди. Мен одамларни ўша уруш ва урушдан кейинги йиллардаги оғир вазиятларда кузатдим ва ўзим ҳам чекимга тушган насибамни тотдим”.¹ Дарҳақиқат, ўз даврида кўрган-кечирганлари адибнинг “Юзма-юз”, “Жамила”, “Сомон йўли”, “Эрта қайтган турналар” қиссаларида маҳорат билан тасвирланган.

Ўтган асрнинг 60 – 70-йилларида яратилган бу асарларда илгари сурилган гоё, тасвирланган мавзу, муаммо, танланган қаҳрамонлар тақдири, воқеалар ечими, қарангки, ўзбек ижодкорларининг айни шу йилларда дунё юзини кўрган асарлари билан гоётада ҳамоҳанг экан! Масалан, Чингиз Айтматов ўзининг “Биринчи муаллим” қиссаси билан танилган йиллари ўзбек ўқувчилари Парда Турсуннинг

¹ Чингиз Айтматов. Сайланма. Қиссалар. Тошкент, “Шарқ” НМАК, 2016. 22-бет.

“Ўқитувчи”, Мирзакалон Исмоилийнинг “Фаргона тонг отгунча” романларидаги ўзбек халқининг биринчи фидойи муаллимлари Элмурод ва Гуломжонлар билан танишган эдилар. Кейинроқ улар қаторига Йўлдош Шамшаровнинг “Чироқ” романи қўшилди. Уруш туфайли оғир меҳнат frontiда ишлаб, ота-оналарнинг юкини енгил қилган болалар тақдири акс эттирилган “Эрта қайтган турналар” қиссаси билан олдинма-кейин дунёга келган Одил Ёқубовнинг “Тенгдошлар”, “Эр бошига иш тушса” каби асарларида ифодаланган воқеалар, қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари худди эгизакдек таассурот қолдиради. Бундай ўхшашликлар ўзбек ва қирғиз халқларининг азалдан ёнма-ён яшагани, бир мақсад сари интилгани, яхши-ёмон кунлар заҳматини биргаликда тортганининг бадий ишботидир.

Уруш йилларида Шўро ҳукуматининг мустамлакаси сифатида энг оғир кунларни Ўрта Осиё республикалари халқлари бошидан кечирдилар. Фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак, пул, ҳатто қурол-яроғ билан таъминлаш ана шу халқлар зиммасига тушгани бугун барчага аён. Чингиз Айтматов ўзининг уруш мавзусидаги асарларида биринчи бўлиб фронтдан йироқда бўлган ҳудуд кишилари-нинг жамият сиёсатига муносабатини реал очиб беришга муваффақ бўлди. Гарчи коммунистик мафкура совет кишисининг идеал образини яратишни талаб қилиб турган бир пайтда Чингиз Айтматов ва Саид Аҳмад “Юзма-юз”, “Уфқ” асарларида адабиётга “қочоқ аскар” образини олиб кирдилар. Бироқ “қочоқ аскар”ларнинг ҳолати, тақдири, уларни асраб-авайлаган яқинларининг руҳий ҳолати, ўзини ва ўзлигини намоён қилиши ҳар бир санъаткор томонидан ўзининг ғоявий нияти, қаҳрамон характерининг бадий йўналиши, дунёқараши ва маҳорати нуқтаи назаридан ўзига хос тарзда таҳлил этилган.

Масалан, уруш тақдирларига муҳим ўзгартириш киритган Саида (“Юзма-юз” қиссаси) ҳам, Жаннат хола ҳам (“Уфқ” романи) даставвал эри ва тилаб олган битта-ю битта ўғлининг фронтдан қочганини кечирадилар, уларни астойдил парвариш қиладилар. Исмоил ва Турсунбой эса бундан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўладилар, кундузи яшириниб, кечаси қабиҳ ниятларини амалга оширишга уринадилар. Уларнинг барча инжиқликларига чидаб, бардош билан яшаган аёлларнинг сир сақлаш имкониятлари тобора торая бошлайди. Натижада эрининг зараркунандалигидан безган Саида Исмоилни ушлаб беради, Жаннат хола эса куя-куя вафот этади.

Урушнинг энг қизғин, фронторти жабҳасининг энг оғир кунларида жанг майдонларида жон олиб-жон бераётган эрларига хиёнат қилиб, очикдан-очик бегона эркаклар билан қочиб кетган аёллар образи ҳам қирғиз ва ўзбек адабиёти намуналарида акс этган. Бу жиҳатдан Чингиз Айтматов яратган Жамила ва Дониёр қисмати билан Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” романидаги Зухра ва Нозим тақдирларини таққослаш ибратлидир. Уларнинг қилмиши бир-бирига жуда ўхшаб кетса-да, “айбдор”ларга муносабат, воқелик ечими бутунлай бошқача, ҳар бир миллатнинг урф-одатларига хос равишда ҳал этилади. Характери жиҳатидан хийла шаддод, ўзини опқочиб келган эри Содиқнинг ўтли муҳаббати ва эркалашларини тўла ҳис этолмаган Жамила шунчаки чўлоқ, индамас, тўнг, аммо жангдор овози билан қалби тўла муҳаббатни бутун оламга хайқириб айта олган Дониёр билан ихтиёрий равишда қочиб кетади. Зухранинг қилмиши эса бошқачароқ акс этади. Опаси Фотима билан битта оилага келин бўлган Зухранинг эри Зокир ҳам акиси билан фронтга кетган. Аммо ундан “қора хат” келган. Келин эса миллий ахлоқ мезонларига кўра

лом-мим демай яшаб юрибди. То қайната-қайнана-лар рози бўлиб жавоб бермагунча бу уйдан кетишга ҳаққи йўқ. Бироқ унда ҳам кўнгил бор, ҳис-туйғу бор. Кутадиган илинжи қолмаган аёл фронтдан ярадор бўлиб қайтган қўшни қишлоқлик бир аскар йигит билан аҳд-паймон қилиб, уйдан чиқиб кетди. Уларнинг бу қилмиши тўғри эдими? Нега улар эрини (Зухра эса идда муддатини) кутмасдан қаёқдан келгани номаълум бўлган кимсалар билан кетаверди? Бу оилага хиёнат эмасми?

Аслида бу вафосизлик жиддий муҳокамага арзийди. Аммо адиблар бу масалада ўзларини холис тутадилар. Ч.Айтматов Жамиланинг қилмишини баҳолашни воқеага бевосита гувоҳ бўлган ҳикоячи Сеит, овул аҳли ва ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилади. Келинойисини қораламаган биргина Сеит эди, холос. Ўзи ҳам севги кошонасига илк қадами ни қўяётган бу ўсмир йигит улар тўғри иш қилди деган хулосага келади. Бироқ қишлоқ аҳли ёппасига Жамилани қоралайди: “Ахмоқ-да! Ақли бўлса туз ичган жойига туфлаб, санқиб юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди?” “Унинг нимасига қизиқди экан? Эски шинели билан тешик этигидан бўлак ҳеч балоси йўқ эди-ку! Уйи йўқ, жойи йўқ, насл-насаби бетайин бир дайди-да! Майли, уволи ўзига, ҳали аттанг дейди... Бу танноз хотиннинг ҳолини ўшанда кўрамиз.” “Товба, Содикдан ортиқ эрни топиб бўпти. Ўзига ўзи қилди, жувонмарг!”¹

“Икки эшик ораси” романидаги Зухра билан Нозимнинг “бузуқилик” қилиб, қўлга тушгандан кейинги ҳолати Оқсоқолнинг ҳовлисида кўпчилик томонидан муҳокама қилинади. Бу ерда ҳам айбдорларнинг қилмишига қарашлар турлича: бу ҳикояда ҳам “айбдор”лар ўртасидаги самимий ва покиза сев-

¹ Чингиз Айтматов. Қиссалар. Таржимон Асил Рашидов. Тошкент, “Шарқ” НМАК, 2016. 109-бет (бундан кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди ва саҳифаси кавсда кўрсатилди).

гига гувоҳ бўлган ўсмир йигит Олимжон тўла ёқлайди, тракторчилар бригадасининг бошлиғи Башорат опа билан Парча опа ҳам Зухра тарафида. Қорамма, қайнанаси Холпош хола, опаси Фотима учун “Зухра ўлгур бузуқ!” Ҳовлига тўпланган “Оломон ҳам (уларга) еб қўйгудек бўлиб тишини гижирлатар, мункиллаб қолган чоллар, асабий қалтираётган хотинлар худди нопок, шилимшиқ нарса баданига тегиб ҳаром қиладигандек ирганиб”¹ қарарди.

Агар Ч.Айтматовнинг Жамиласи ҳеч ким билан ҳисоблашмай ўз ихтиёри билан Дониёрга эргашиб овулдан бош олиб кетган бўлса, Зухра ва Нозимжонлар тақдири донишманд Ориф оқсоқол томонидан шарият қоидаларига биноан ижобий яқун топади. Бир хил воқеликнинг икки хил ечими адибларнинг ўзига хос бадий-концептуал мақсадидан келиб чиққанлигидадир.

Чингиз Айтматов ижодининг ўзбек адабиётига таъсири ҳақида гапирганда, аввало, икки адабиётда яратилган қаҳрамонлар характеридаги ўхшашликни эътиборга олиш лозим. Чингиз оғанинг “Алвидо, Гулсари” ва Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссаларини инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлигини йўқотмаслиги, одамийлигини бой бермаслиги, ғайриинсонийликка қарши курашиши, ақл-фаросат билан иш тутиши, ҳар қандай иллатни дадил фош этиш, жисмоний кучни жиловлаб, маънавий устунликка эришиш ғояси бирлаштириб туради. Адибларнинг бу эзгу ниятлари Танабой билан Зиёдулла, Гулсари ва Тарлон образлари орқали илгари сурилади.

Чингиз Айтматов асарларида ифодаланган ғоявий фикрлар, инсон ва жамият, инсон ва табиат, инсон ва ҳайвонот олами, инсон ва дин, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик сингари умумба-

¹ Ўткир Ҳошимов. Икки эшик ораси. Роман. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва саҳнат нашриёти, 1986. 303-306-бетлар.

шарий муаммолар, уни ифодалашга хизмат қиладиган образлар галарейси, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, зиддиятлар тасвири ўзбек ижодкорлари асарларида ҳам муҳим ўрин эгаллаётгани қувончлидир. Бу жиҳатдан Исажон Султон, Улуғбек Ҳамдам, Нормурод Норқобилов асарлари характерлидир. Буюк қирғиз адибининг “Қиёмат”, “Охирзамон нишонлари” романларида илгари сурилган фалсафий ғоялар Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод”, “Генетик” романлари мазмун-моҳиятига сингиб кетганини сезиш қийин эмас. Масалан, “Қиёмат” романи қаҳрамони Авдий Каллистратовнинг айтишича, “Бизнинг Худо ҳақидаги фикрларимиз қанчалар мутлақ ва ўзгармас бўлмасин, улар эндиликда дунё ҳақидаги янги билимларга сира мос келмай, эскириб қолади”.¹ Айнан шу фикр И. Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бир гуруҳ дунё олимларининг янги одам – геномен яратиш, яъни Оллоҳнинг яратувчилик кашфиётига ширк келтириш тўғрисидаги ғояси билан ҳамоҳангдир. Ҳар икки асарда ҳам замона кишиларининг Худони инкор этиб, қиёматни яқинлаштираётган кимсаларнинг фожиаси мангу дарбадарликка ҳукм этилган этикдўз билан нашафурушлар тимсоли орқали реал ифодаланган.

Шунингдек, Шукур Холмирзаевнинг “Қил кўприк” романида ифодаланган воқеалар ҳамда “Қора камар” драмасидаги Хуррамбек билан Абдулла Набилар “Қиёмат” романидаги Гурам Жўҳадзе ва Сандролар билан тақдирдошликлари, бир сиёсий тузумнинг қурбонига айланиши билан бир-бирига яқиндир. Ўзбек адабиётидан Чингиз Айтматов ижоди билан ҳамоҳанг ва муштарак бўлган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ юқоридаги мулоҳазаларнинг ўзи ҳам Чингиз Айтма-

¹ Чингиз Айтматов. Қиёмат. Роман. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2011. 350-бет.

товнинг қадри ўзбекистонликлар учун ғоят баланд эканлигини англатади.

Хуллас, буюк адиб ва йирик жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг юксак фалсафий мушоҳада билан суғорилган барча асарлари ўзбек халқининг маънавий дунёсини, адабиётининг эса ғоявий-бадиий хазинасини бойитишда муҳим роль ўйнамоқда.

Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат” романида илгари сурилган фалсафий ғоялар Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод”, “Генетик” романлари мазмун-моҳиятига сингиб кетганини сезиш қийин эмас. Масалан, “Қиёмат” романи қаҳрамони Авдий Каллистратовнинг айтишича, “Бизнинг Худо ҳақидаги фикрларимиз қанчалар мутлақ ва ўзгармас бўлмасин, улар эндиликда дунё ҳақидаги янги билимларга сира мос келмай, эскириб қолади”.¹ Айнан шу фикр И. Султоннинг “Боқий дарбадар” романида бир гуруҳ дунё олимларининг янги одам – геномен яратиш, яъни Оллоҳнинг яратувчилик кашфиётига ширк келтириш тўғрисидаги ғояси билан ҳамоҳангдир. Ҳар икки асарда ҳам замона кишиларининг Худони инкор этиб, қиёматни яқинлаштираётган кимсаларнинг фожиаси мангу дарбадарликка ҳукм этилган этикдўз билан нашафурушлар тимсоли орқали реал ифодаланган.

Шунингдек, Шукур Холмирзаевнинг “Қил кўприк” романида ифодаланган воқеалар ҳамда “Қора камар” драмасидаги Хуррамбек билан Абдулла Набилар “Қиёмат” романидаги Гурам Жўҳадзе ва Сандролар билан тақдирдошликлари, бир сиёсий тузумнинг қурбонига айланиши билан бир-бирига яқиндир. Ўзбек адабиётидан Чингиз Айтматов ижоди билан ҳамоҳанг ва муштарак бўлган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ юқоридаги мулоҳазаларнинг ўзи ҳам Чингиз Айтма-

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ВА ЎЗБЕК ТЕАТРИ

Чингиз Айтматов ўзининг фавқулодда юксак маҳорати, умумбашарий ғоялар акс этган асарлари билан китобхон қалбига кириб борган. Дунёда адиб ижодининг ихлосмандлари кўп. Шу сабабдан унинг асарлари асосида юзага келган ҳар бир саҳна асари алоҳида ҳодиса сифатида қарши олинади. Ўзбек, рус, қозоқ, татар, қирғиз театрларида Айтматов асарлари асосида кўплаб спектакллар саҳналаштирилганки, улардан баҳраманд бўлиш бахти бизга насиб этган. Уларда бадиий асар воқелиги турлича талқин этилган бўлиб, бирида муаллифнинг услубини сақлаб қолишга ҳаракат қилинган бўлса, бошқасида театр жамоасининг янгича ёндашуви намоён бўлган.

Насрий асар асосида спектакль саҳналаштириш театр санъатида азалдан ривож топган анъаналардан бўлиб, саҳнада асарнинг “иккинчи умри” турлича кечади. Бу театрнинг ижодий имкониятларига, инсценировка муаллифи, режиссёр, расом, актёрларнинг маҳорати ва ҳамжиҳатлигига боғлиқ бўлади.

Ч.Айтматов ижодига руҳият таҳлили бевосита фольклор, мифология, билан уйғунлашиб кетади. Айниқса, рамзий ифода воситалари сюжет воқеалари тизимига шунчалик сингиб кетганки, уларни ажратиб олиш мушкул. Бир асар мазмунини саҳнада тўлиқ қамраб олган ҳолда уни томошабинга тушунарли тилда етказиб бериш осон иш эмас.

Адибнинг асарлари шуниси билан ҳам қимматлики, улар насрий усулда битилган бўлса-да, ҳар бирида драматургияга хос жиҳатлар бор. Муаллиф ўқувчига айтмоқчи бўлган фикрини гоҳ табиат ва жамиятни бирлаштириб, гоҳ уларни бир-бирига муқояса қилиш билан етказиб беради. Айтматов қаҳрамонлари ҳаёти драматик воқеаларга бой, уларнинг шодлиги ва ташвиши муттасил алмашиб туради. Бурч, масъулият, виждон, юртга муҳаббат сингари юксак туйғуларни асраш йўлида қуршадилар. Уларнинг дарду изтиробидан ўқувчи ва томошабин ҳаётни англаб, борлиқ ҳодисаларини тўғри баҳолашга интилади. Роман ва қиссаларида ҳаётини воқеаларнинг ёрқин акс этиши, мантиқий изчиллик, фалсафийлик, қаҳрамонлар характери ва психологик ҳолатлардаги аниқлик ва жўшқинлик театр ижодкорларини ҳамиша ўзига жалб этиб келган. Улардаги ўткир конфликтлар, бир-бирига ўхшамайдиган, психологик кучли характерларни жонлантириш актёр аҳли учун ижодий орзу бўлиши билан бирга, уларнинг маҳоратини синовдан ўтказувчи бир мезон ҳамдир. Айни шу жиҳатлари томошабинни тафаккур қилишга, ўзлиги ва ўзи яшаб турган оламни яхшироқ идрок этишга ундайди. Театр санъати эса асар моҳиятини томошабинга етказиб беришда ўзига хос имконият ва таъсир воситаларига эга.

Айтматов ижоди ўзбек театр санъати учун ҳам бой манба ҳисобланади. Ўзбекистон театрларида адибнинг аксарият асарлари саҳналаштирилиб, неча-неча актёр ва режиссёрларнинг ижодида ва уларни кўрган томошабин хотирасида ўчмас из қолдирган.

Юртимизда фаолият юритаётган театрларнинг репертуар тарихига назар солсак, унда албатта Чингиз Айтматовнинг бирор асари асосида саҳналаштирилган спектакль борлигини кўрамыз. Жум-

ладан, мамлакатимиздаги “отахон” театр — Ўзбек Миллий академик драма театрида турли йилларда адабнинг “Сарвқомат дилбарим” (режиссёр Т.Хўжаев), “Асрга татигулик кун” (режиссёр Р.Ҳамидов), “Момо ер” (режиссёр Ғ.Мавлонов), “Оқ кема” (режиссёр А.Раҳимов) асарлари саҳна юзини кўрган.

Муқимий номидаги давлат мусиқали театри тарихида “Момо ер” (режиссёр А.Раҳимов) асари саҳналаштирилиб, узоқ йиллар томошабинлар эътиборидан тушмаган.

Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театрида эса таниқли режиссёр Маҳкам Муҳамедов томонидан “Оқ кема” қиссаси саҳналаштирилди.

Вилоят театрларида ҳам ёзувчининг асарлари асосида кўплаб спектакллар дунёга келди. Хусусан, Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрида Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби, таниқли режиссёр М.Равшанов томонидан “Момо ер”, “Қизил дуррали нозик ниҳолим” асарлари ва Н.Пардаев режиссёрлигида “Оқ кема” спектакллари саҳналаштирилди.

“Эски Мачит” театр-студиясининг “Найман она” (режиссёр Исоқ Тўраев), Фарғона вилояти мусиқали драма театрининг “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар” (режиссёр О.Салимов) спектакллари катта муваффақият қозонди.

Саҳна санъатимиз тарихида шу каби муваффақиятли саҳналаштирилган асарлар орасида Муқимий номидаги давлат мусиқали театрида 1965 йилда режиссёр А.Раҳимов томонидан саҳналаштирилган “Момо ер” мусиқали спектакли ўзининг бадиий савияси, узоқ йиллар томошабинлар назаридан қолмагани билан ажралиб туради. Туроб Тўла инсценировкаси ва композитор Икром Акбаров мусиқаси ушбу спектакль муваффақиятининг асосий омиллари бўлган десак, муболаға бўлмайди. Чунки, қиссадаги воқеалар билан томошабин-

ни атрофлича таништириш мақсадида асарнинг энг муҳим воқеалари териб олиниб, конфликт ва образларнинг ёрқинлигига эришилган. Бу инсценировканинг ҳажман катталашиб кетишига сабаб бўлган бўлса-да, драматик жиҳатига путур етказмаган. Бунда шоир ва драматург Туроб Тўлага хос нозик дид ва маҳорат сезилиб туради. Қолаверса, асарга ёзилган мусиқа воқеалар ривожидида муҳим ўрин тутиб, спектаклнинг томошавийлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бўлган.

Мавжуд анъаналарга бироз зид равишда саҳналаштирилган ушбу спектакль ўз даврида мусиқали драмага янгича шакл олиб кирди. Унда бош қаҳрамон Тўлғаной образини Ўзбекистон халқ артисти Турсунхон Жаъфарова ижро этган бўлиб, у асарнинг бошидан то охиригача саҳнани тарқ этмайди. Натижада асар шаклан моноспектаклни эслатади. Тўлғаной зиммасига асарнинг бутун воқеа ва конфликтлари юки тушса-да, у мусиқали драма жанрига зид ўлароқ, спектакль давомида бирорта ҳам ария айтмайди. Томоша жараёнида Тўлғаной қаҳрамон сифатида кечинмаларини мусиқали чиқишлар орқали намоён қилишига эҳтиёж сезилмайди. Чунки, унинг юки спектакль тўқимасига сингдириб юборилган. Бу талқинда мусиқали драма жанри имкониятларининг янги қирраси намоён бўлган.

Композитор Икром Акбаров томонидан ёзилган мусиқалар асар воқеалари таъсирчанлигининг ошишига хизмат қилган. Ўз даврида мутахассислар томонидан “Момо ер” спектакли учун И.Акбаров юрак меҳри ва катта илҳом билан, аниқ мавзуда, пишиқ ва гўзал мусиқалар ёзгани, спектаклда ариялар эмас, мусиқа етакчи вазифани ўташи, умуман, ушбу саҳна асарини мусиқасиз тасаввур этиб бўлмаслиги эътироф этилган.

Спектаклнинг мусиқий тузилмасига қаҳрамонлик руҳи сингдирилган. Эпилог ва прологдаги хор

ижроси момо ер образи сифатида асарнинг бош ғоясини ифодалайди. “Момо ер” спектаклида қиссадаги каби табиат етакчи қаҳрамонлардан биридир. Спектаклда Момо ер Ватан тимсоли бўлиб, уни Ўзбекистон халқ артисти Омина Фаёзова ижро этган. Асарнинг моҳиятини очишда сахнавий ҳаракатдан кўра, актрисанинг овоз имконияти муҳимроқ ўрин тутди.

Маълумки, асар сюжети ҳам, конфликти ҳам асосан уруш билан боғлиқ. Муסיқада ҳам уруш, кулфат, ирода мавзулари бир-бирига қўшилиб тингловчида кучли ҳаяжон уйғотади. Спектакль давомида мусиқанинг мавзу жиҳатдан ўзгариб бориши воқеалар ва образлар характерини очиб беради. Она ернинг мусиқий образи бутун спектакль давомида гоҳ кескин, гоҳ қатъий, гоҳ безовта оҳангларда янграб, инсонларнинг виждони ва ақлини уйғотишга, уруш ва у келтирадиган азобларнинг олдини олишга чорлайди.

Шу маънода, хор бош қаҳрамон руҳияти, ундаги ўзгаришларни томошабинга етказувчи асосий воситага айланади. Тўлғаной образи уруш туфайли бошига тушган фожиаларни енгиб ўтган иродали оналарнинг умумлашма образи даражасига кўтарилади.

Спектаклдаги ҳар бир ария ўз ўрнига эга бўлиб, нафис оҳанги, мазмунан чуқурлиги билан эътиборни тортади. Хусусан, Алиман томонидан куйланган “Сочинг оқми, қорами?” арияси ҳали-ҳануз спектаклни кўрганларнинг ёдида қолган. Ушбу ария сеvimли инсонидан бир умрга айрилган ёшгина аёлнинг айрилиқда чеккан азобини, фарёдини ифодалайди. Ҳар бир образ учун актёрларнинг тўғри танлангани, актёрлар ўз қаҳрамонлари руҳиятидаги эврилишларни назик ифодалай олишган спектаклнинг асосий ютуғидир.

Спектаклнинг бош қаҳрамони Тўлғаной уруш туфайли севикли ёри, фарзандлари ва, ҳатто, ёлғиз келинидан ҳам ажралади. Бу мусибатлар унинг сабр косасини тўлдирган бўлса-да, ҳаётга, инсонларга бўлган муҳаббати ва ишончи уни яшашга ундайди. Бироқ, ана шу ишонч ва ҳиссиётлар замирида ётган чексиз изтиробдан Тўлғаной ўзини қандай ҳимоя қилсин? Энди унда на қувонч бор, на лабларида лаҳзалик табассум. Унинг нигоҳида қалбини тирнаётган чорасизлик ифодасигина намоён. Мана шундай мушкул вазиятда ҳам Тўлғаной – Т.Жаъфарова ҳаётдан юз ўгирмайди, тақдирга тан беради. Бу унинг хонадонига бегона эркак кириб келиб, келини Алиман билан юз берган воқеалардан кейин ҳам ўзини қанчалар иродали ва бағрикенг тутганида намоён бўлади.

Аммо синган идишни чегалаган билан аслига қайтариб бўлмагани каби Тўлғаной ўтмишдаги бахтиёр дамларни ҳам, оғир мусибатларни ҳам унута олмайди. Бунга ундаги масъулият ва бурч ҳисси йўл қўймайди. Актриса яратган образнинг умуминсонийлик хусусияти ҳам шунда.

Тўлғаной ҳаётда юз бераётган ҳодисаларни тўғри ва одилона баҳолай олишга қодир инсонки, унинг бу фазилати келини Алиманни тўғри тушунишга ундайди. У дунёга келтирган Жонбўлатнинг отаси бегона эркак бўлишига қарамай, уни ўз набирасидек меҳр билан тарбиялайди. Чунки, Алиманни бу ҳолга солган ҳаётнинг ўзи эканини қалбан англайди.

Алиман қилиб қўйган иши учун ўзини кечиролмай, охир-оқибат ўзини ҳалок этганида ҳам Тўлғанойнинг бутун дунёси ларзага келади, аммо қийноқларда тобланган иродаси ярақлаб кўринаверади. Актриса ижросидаги табиийлик унинг бағрикенглигига томошабинни яна ҳам ишонтиради.

Алиман образи — спектаклдаги муҳим персонажлардан бири. Наима Исоқова сиймосидаги Алиман гўзал ва навқирон, муҳаббат ва садоқатга ташна аёлдир. Ўз сеvimли ёри Қосим билан бирга ўтказган дамларини бахт деб билувчи жувоннинг умр йўлдошига чақириқ қоғози келганидан кейинги ҳолати ҳижрон азобига чидай олишига шубҳа уйғотади. Актриса Алиманнинг нозик ва мусаффо қалби қандайдир мудҳиш фожиани олдиндан сезаётганини актриса томошабинга аниқ етказиб берган. Унинг Қосимдан ажралиб қолгандан кейинги ҳолати томошабинни чуқур қайғуга солади. Энди бу оламда Алиманнинг ўзи эмас, гўё унинг сояси юргандек. Шу сабабли Алиман ўзга эркак билан учрашиб юрса ҳам, томошабин уни айбололмайди. У ўз жонига қасд этганида эса қаттиқ ачиниш ҳисси пайдо бўлади.

“Момо ер” спектакли Муқимий театри ўз фаолиятида эришган улкан ютуқларидан бири бўлиб, унда ижодкорларнинг имкониятлари ёрқин намоён бўлган.

Ўзбекистон халқ артисти, атоқли режиссёр Тошхўжа Хўжаев Ҳамза номидаги академик драма театри (ҳозирги Миллий театр)да Чингиз Айтматовнинг “Сарвқомат дилбарим” асарини сахналаштирган.

Замон нафаси, дўстлик ва муҳаббатга садоқат руҳи билан йўғрилган бу спектаклда даврнинг ахлоқий муаммолари кўтарилган. Бир муҳаббат ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу асарнинг сахнавий талқинида муаллиф ўртага ташлаган муаммолар муҳим ўрин тутди. Бир кўришда ўз севгисини топган Илёс нега пок уни хиёнатга алмаштирди? Йиллар ўтиб ўғлини топганида нега отаси эканлигини унга айтолмади? Спектакль ижодкорлари айнан мана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилади.

Ушбу театр жамоаси Чингиз Айтматов ижодига яна мурожаат қилиб, 1986 йилда “Асрга татигулик кун” спектакли дунёга келди. Кучли фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий муаммолар кўтарилган бу роман ўзига хос мазмунда сахна юзини кўрди. Маълумки, асар мазмунан ниҳоятда бой бўлиб, унда ҳаётий воқеаларга халқ афсоналари, коинот муаммолари уйғунлашиб кетган. Шу жиҳатларига кўра уни сахнага олиб чиқиб бўлмайдигандек туюлади. Ҳақиқатан ҳам романнинг зиддиятларга тўла воқеалари турли даврларда содир бўлади, сюжетда фантастик линия ва турфа афсоналарнинг бадий қиймати ва романдаги ўрни муҳимлиги боис, уларнинг барини бир спектаклга сиғдириш қийин.

Сахнада асардаги муҳим ўринлар — олис дашт, Она бейит қабристонини кўрсатиш, Қоранор туя билан боғлиқ ҳикояни сўзлаш, космодром ва ундаги космонавтлар билан боғлиқ тафсилотларни ёритиш жоиз. Қолаверса, унда Довенбой исмли қуш, Акмай исмли туя ва унинг эгаси Найман она, кекса қўшиқчи Раймали, соҳибжамол Бегимой, ўз хотирасидан зўрлаб ажратилган манқуртларни кўрсатиш лозим.

Романдаги бу воқеаларни сахнада янгидан бирига тизиш осон эмас. Шунинг учун аксарият режиссёрлар “Асрга татигулик кун” асарига қўл урганида сахна имкониятларидан келиб чиқиб, кўплаб воқеалардан воз кечиши ёки ундаги маълум воқеани спектаклга асос қилиб олиши мумкин. Чиндан ҳам, романдаги ҳар бир воқеа алоҳида спектаклга асос бўлгулик қимматга эга.

Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирилган ушбу асар полифоник характерга эга бўлиб, бугунги кун воқеалари ўтмиш билан, реаллик фантастика билан қоришиб кетган. Бироқ спектакль романи айнан такрорламайди, шу билан бирга романдаги асосий ғоя сақлаб қолинган

Режиссёр Рустам Ҳамидов романнинг мазмунини кенгроқ ёритиш учун ўзига хос усулни танлайди. Спектаклга муаллиф номидан сўзловчи бир қанча персонажлар киритилган.

Асар инсценировкасида Эдигейнинг кўплаб сўзлари муаллиф ва бошқа персонажлар нутқи орқали берилган. Персонажларнинг тилидан айтилувчи айрим узун воқеа ва ҳолатлар ҳаракатга алмаштирилган. Шунингдек, асар воқеалари бир текисда ҳикоя қилинмасдан, ҳаракат орқали бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга олиб ўтилиши спектаклнинг томошавийлигини таъминлашга имкон берган.

Спектаклда роль ижро этган ҳар бир актёр табиийликка, айна пайтда персонажининг ижтимоий типик хусусиятини акс эттиришга интилган. Режиссёр спектаклнинг бош воқеаси сифатида асосий эътиборни бош қаҳрамон Едигей тақдирига қаратади. Едигей чекка бир даштда яшаб, меҳнат қилиб келаётган оддий бир қозоқ ишчиси. Унинг тақдири ҳам шу заминда яшаб келаётган бошқа инсонларникига ўхшаш. Қатагон йиллари, уруш даҳшатлари, урушдан кейинги йилларнинг мушқулотлари, ядро полигони қурилиши – буларнинг бари у ва унинг тенгдошлари тақдирида акс этган.

Ушбу образнинг кучи, бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, у содир бўлаётган ҳар бир воқеа-ҳодисага ўзини дахлдор деб билади ва ҳаётга масъулият ҳисси билан ёндошади. Спектаклда бош қаҳрамонга хос бўлган хислатлар унинг хатти-ҳаракатларида ва бошқа персонажлар билан мулоқотлари, мулоҳазалари, монологлари, қолаверса, муаллиф баёнида очилиб боради. Режиссёр мазмун ва ҳажм жиҳатидан залворли бу ролга бир неча актёрни жалб қилади.

Хусусан, З.Муҳаммаджонов Едигей образи орқали спектаклнинг фалсафий-психологик жиҳатларини очиб беришга катта эътибор қаратган. Ак-

тёрнинг Едигейи Чингиз Айтматовнинг ўзига ҳам маъқул бўлган ва «Энг яхши Эдигейга» деб дастхат қўйилган китобини актёрга совға қилган. Тўғри, спектаклнинг томошавийлигини ошириш учун асардаги кўплаб воқеа ва образлар қисқартирилган бўлса-да, Айтматовга хос теранлик, асарнинг психологик моҳияти сақлаб қола билган.

Ч.Айтматовнинг айна шу асари Қашқадарё вилояти “Эски мачит” театр студиясида ҳам сахналаштирилиб, томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди.

Спектаклда сўз кам, деярли барча ҳис-туйғулар, тўқнашувлар хатти-ҳаракат, пластика, куй-қўшиқ ва рақс орқали ифода қилинади. Ижодкорлар хотира ва эътиқодидан маҳрум бўлган кимса нафақат Ватани, онаси ва ҳатто ўзига ҳам хиёнат қилиши мумкинлигини Жўламон қиёфасида кўрсатиб беришади. Жўламонни Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби, таниқли актёр Исоқ Тўраев ижро этган.

Хотирасидан жудо қилинган Жўламоннинг аҳволидан хабар топган онаизор жигаргўшасини қидириб йўлга чиқар экан, ёлғизини бу балолардан қутқариш учун барча қийинчиликларни енгиб ўтишга куч топади. “Болам” деб бўзлаган, фарзанд доғида қалби пора-пора бўлган онанинг фарёдини актриса Ойгул Халилова нафақат хатти-ҳаракати, шунингдек, мақом оҳанглиридаги қўшиқларида таъсирчан ифодалаб беради. Йиртқич ҳайвонлар каби қутураётган ва ўзининг бу хатти-ҳаракатидан завқ олиб, жазавога тушган кимсаларни кўриб, онанинг изтироблари яна ҳам ортади. Бундай ҳолда Найман онанинг нолалари ифодаси бўлган қўшиқлар авж пардаларга кўтарилиб, муножотга айланади. Найман она тимсоли Ойгул Халилова ижодида алоҳида из қолдирган салмоқли роллардан бири бўлди. Унинг юраги қаъридан отилиб чиқаётган мунгли қўшиқлар нафақат онанинг қалб

ноласи, шунингдек, замонанинг қабихлигига бўлган исён ҳамдир. Айниқса, унинг бир гала қутурган манқуртлар орасида ўз жигаргўшасини таниб, зурриёди, ягона суйанчини қутқармоқ учун курашга киришишида яққол кўзга ташланади.

Бироқ, онанинг қалб изтироблари ифодаси бўлган қўшиқлар манқуртнинг қалбини қўзғатолмайди. Охири она фарзандини бағрига чорлаб, “алла” айта бошлайди. Манқурт қачонлардир эшитган бу таниш оҳангни эслашга ҳаракат қилади-ю, ўзининг заиф хотираларини қўзғата олмай, азоб чекади. Афсуски, Жўламондаги шу кичик ўзгариш ҳам манқуртлар эътиборидан четда қолмайди. Улар Жўламонни ўз ҳолига қайтариш учун қўлларидан келган барча ёвуз ишларни қилишади, охир-оқибат бу даҳшатли тўда Найман онани ўлдириб қўяди. Онаизорининг ўз қўлида жон бераётгани Жўламонни ҳушига келтиради, унда фарзандлик ҳисси уйғонади, бироқ энди жуда кеч...

Спектакль мана шундай фожеавий нуқталарда яқун топса-да, ундан англашилган хулоса томошабинга катта куч бағишлайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан ҳамоҳанг тарзда Ўзбек Миллий академик драма театри жорий йилда адибнинг яна бир асарига қўл урди. Айтматовнинг Ўзбекистон Республикаси Санъат арбоби Олимжон Салимов томонидан инсценировка қилинган “Оқ кема” қиссасини таниқли қозоқ режиссёри Абубакр Раҳимов саҳналаштирди.

Шуниси эътиборлики, мазкур спектакль уч халқ ижодкорлари ҳамкорлигининг натижаси сифатида юзага келди. Қирғиз халқининг буюк ёзувчиси асарини қозоғистонлик режиссёр ўзбек актёрлари билан биргаликда саҳнага олиб чиқди.

“Оқ кема” ёзувчининг машҳур қиссаларидан бўлиб, унда афсона ва ҳаёт, ҳаёт ва нафосат, инсон ва табиат, ўтмиш ва келажак, зулм ва шафқат, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва бадбинлик, маърифат ва жаҳолат, инсонпарварлик ва ваҳшийлик орасидаги кураш бадий тафаккур, нафис тил билан ифода қилинади.

Режиссёр дастлаб бош қаҳрамон – Бола ролига театрнинг ёш актёр, актрисаларини синаб кўрмоқчи бўлади. Бироқ, режиссёр бу фикридан қайтиб, бош қаҳрамон ёшидаги болалар билан ишлашга қарор қилади. Чунки, классик усулда саҳналаштирилаётган асарнинг муваффақияти актёрлар ижросининг табиийлигига узвий боғлиқ бўлади. Шу сабабли Миллий театр қошидаги болалар театр студиясида актёрлик маҳоратидан сабоқ олаётган ўқувчилар Бунёд Абдуллаев ва Нурмуҳаммад Хуррамовларни танлаб олиб, улар билан роль устида иш бошлайди. Томошабинлар болаларнинг ижросини ижобий қабул қилишди. Зеро, саҳнада боланинг ўзига хос, самимий образи яратилишига эришилди. Бола образи ижрочиларининг табиийлиги Мўмин чол томонидан айтилган Шохдор она буғу ҳақидаги эртаски тинглаганида, кўчма дўкандан унинг орзусидаги папка олиб берилганида ва буғу гўшти унинг қўлига берилганидаги ҳолатларда яққол кўзга ташланади.

Отаси ташлаб кетган бола билан боғлиқ воқеалар кечмиши, бефарзанд оила, бу оиладаги нотинчлик ва буни яхшилаш ниятида боланинг она буғудан фарзанд тилаш саҳналари, буғуни ўлдириб, унинг гўштини пишириб тановвул этиш саҳналари таъсирчанлиги билан эътиборни тортади. Боланинг беғубор орзулари ва ҳаётнинг қақшатқич ҳақиқати ўртасидаги зиддият воқеалар кечмишини ҳаракатга келтириб, одамларнинг қабихликларини кўрсатади.

Спектаклда тасвирланган бир-бирига зид кучлар ўртасида кескин кураш содир бўлмаса-да, улар ёш

тасидаги азалий мурасасизликни томошабин англайди. Бир томонда Мўмин бува, Бола, Қулибек, иккинчи томонда эса Ўрозқул, Сейдахмад, кампир. Бола ва Мўмин бува тасавуридаги покиза дунёга қарама-қарши зулм ва жоҳиллик йўлини тутган Ўрозқул, Сейдахмад ва бир гуруҳ овчи йигитлар спектакль конфликтини ҳаракатга келтиради.

Ўрмон хўжалиги бошлиғи Ўрозқул жоҳил, такаббур, қаҳри қаттиқ инсон. Уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Беҳзод Муҳаммадкаримов ижро этган. Унинг ўзи тирноққа зор бўлса-да, қаршисида ийманиб турган болага ҳам бирор бир илиқ сўз айтишга қодир бўлмаган худбин кимса. Актёр унинг тубан феъл-атворини шундоғам бахтсиз хотини Бекей (Лола Элтоева)ни ҳақоратлаб, хўрлашларида кўрсатади. Ўрозқул ҳатто ёши улуг қайнатаси Мўмин бувани ҳам тубан сўзлар билан “сийларкан”, унинг сийратида юрагида муз, инсоний қиёфасини йўқотиб бораётган кимса намоён бўлади.

Мўмин чолни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Рустам Каримов ва Фарҳод Абдуллаевлар ижро этган. Р.Каримов бу қаҳрамонни бардошлилик, соддадиллик хусусиятларига кўпроқ эътибор берган ҳолда гавдалантирган. Бир умр меҳнатда тобланган, қалбида яшаётган заминига муҳаббат, халқи тарихига ҳурматни сақлаган бу олийжаноб ва оққўнғил инсон бола қалбида ҳам эзгулик уйғота олади. Рустам Каримов ижросидаги Мўмин бува табиатида босиқлик, мўминлик акс этса, Фарҳод Абдуллаев талъқинида соддадиллик, далиғуллилик хусусиятлари кўзга ташланади.

Рассом Бахтиёр Тўраев томонидан тайёрланган оқ рангли декорация саҳнада содир бўлаётган воқеаларга гўёки қарши қўйилган. Дарахт бу боқий ҳаёт рамзи. Унинг илдизлари қадим тарихга бориб тақалади, бақувват шохлари кўкка бўй чўзган. Би-

роқ бу манзарага қарши ўлароқ, саҳнадаги қуриган тўнкалар чириб бораётган жамиятга, инсонларнинг нобуд бўлаётган виждонига ишора. Оқ ранг эзгулик рамзи. Шу маънода унинг барибир ғалаба қилишига ҳам умид бор.

Чингиз Айтматовнинг қай бир асарини олмайлик, улар қайси мавзуда бўлмасин, инсон ҳаёти ва қадрининг ҳар нарсадан устун эканлиги, одамийлик, эзгулик ҳаётнинг моҳиятини белгилаши урғуланади. Шу сабабдан унинг асарлари макон ва замон билмай ўқилмоқда, саҳналарда такрор-такрор талқин этилмоқда.

Чингиз Айтматовни ўзбек халқи ўзига яқин олиши бежиз эмас. У қардош миллатдан чиққан ўзимизнинг ёзувчимиз, у дунё халқларининг адиби. Чингиз Айтматов асарлари адабиёт дунёсида ўзига хос ҳодисадир. Шу сабабдан унинг асарлари хоҳ китоб шаклида, хоҳ спектакль шаклида бўлсин, ўз ўқувчиси ва томошабинлари қалбини ҳаяжонга солаверади. Ўзбек театр санъатида эса ижодкорнинг асарларига такрор-такрор мурожаат қилиш давом этади.

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

ҲАВО КЕМАСИДАГИ САМОВИЙ СУҲБАТ

Ушбу суҳбат 1995 йилнинг 18 ноябрида Амстердам аэропортидан Тошкент сари йўл олган ҳаво лайнерида бўлиб ўтган. Жаҳонгашта ёзувчи Чингиз Айтматов билан ўзбек олими Омонулла Файзуллаев парвоз давомида ўзларини қизиқтирган кўплаб замонавий муаммолар, хусусан, дунёда кечаётган мураккаб ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий жараёнлар, ахборот оламининг глобаллашуви ва бу жараённинг ижобий ва салбий хусусиятлари, Шарқ, Марказий Осиё халқлари тарихи, адабиёти ва маданияти, урф-одатлари, ёзувчининг "Кассандра тамғаси" асарида илгари сурилган ғоялар хусусида ўзаро мулоҳаза юритганлар.

Чингиз Айтматов: — Инсон ҳамиша яхши яшашга, роҳат-фароҳатга интилиб келган. Шу боис ўзига керакли шароитни яратиш ҳаракатида бўлган. Бу яратилган нарсаларнинг ҳаммасини бир сўз билан маданият деса бўлади. Одам биосоциал мавжудот бўлгани боис, унга ҳам моддий, ҳам маънавий бойлик зарур. Умуммаданиятнинг бу икки қисмини яратиш жамики инсониятнинг орзуси бўлган.

Омонулла Файзуллаев: — У ҳолда ҳамма халқларнинг цивилизация даражаси бир хилда бўлиб қолади-ку?

Чингиз Айтматов: — Йўқ. Аввало шунга эътибор бериш керакки, беш қитъанинг жуғрофий шароити бир-биридан кескин фарқ қилади. Сизнинг цивилизация деганингиз — бу моддий ва маънавий мада-

ниятнинг ижтимоий мағзидир. Ҳозир XXI аср арафасида ўзини "Геосиёсатчи" дегувчилар регионал ва глобал цивилизацияга ҳар хил ёндошмоқдалар. Оврўпоцентризм ва Осиёцентризм шу жумладандир. Бу "изм"лар одамзод учун фойдали эмас.

Омонулла Файзуллаев: — Тўғри айтасиз, ҳар бир одам, у қаерда яшашидан қатъи назар, одамзоднинг бир фарзанди. Лекин менинг назаримда, жаҳондаги баъзи олимлар ўта сиёсийлашиб кетишган. Масалан, улар Марказий Осиёнинг буюк мутафаккирларини "Аристотелнинг шарҳловчилари" деб ёзишади. Бу эски қараш ҳануз давом этмоқда.

Чингиз Айтматов: — Ўринли эътироз. Аммо мутафаккирларимизнинг номлари Оврўпода кенг тарқалган. Масалан, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ибн Синоларнинг номи зиёлиларга яхши маълум. Биз бу суҳбатимизда шу ижобий фикр билан чегараланиб қолмаслигимиз керак. Чунки зиддиятли муносабатлар ҳам мавжуд. Баъзи муаллифлар, дарҳақиқат, бизларнинг мутафаккирларимизни платонизм-аристотелизмнинг шарҳловчилари деб ёзишади. Бундай нотўғри қарашга маълум маънода бизнинг ўзимиз ҳам айбдормиз. Мана шунча вақт ўтибдики, бирорта олимимизнинг Марказий Осиёнинг Ўрта асрлардаги классик фанини оригинал ижод деб кўрсатувчи китоби Оврўпода нашр этилмади. Шу билан бирга, Сартон, Кеннеди, Смит, Куртц, Ганцлардан миннатдор бўлишимиз керак. Улар фанни ғарб-шарқ деб, иккига бўлиб ўтиришмаган, балки олимларнинг бу соҳадаги ютуқларидан одамлар кўпроқ ва кенгроқ фойдалансин, баҳраманд бўлсин, деган мақсадда иш кўришган. Бир бутун жаҳонни иккига бўлмасдан фан, техника, маданият ва санъат ривожини бир жараён деб билиш лозим. Бундан бошқача йўл тутиш мумкин эмас. Ғарбда фан тарихини жуда яхши ўрганишган ва ҳозир ҳам бунга эътибор катта.

Омонулла Файзуллаев: — Ҳа, фанимиз тарихини, бугунги ютуқларимизни жаҳон миқёсига олиб чиқиш олимларимизнинг бурчи, албатта. Бу ишни ҳанузгача қила олмадик. Нега, деган савол туғилади. Менимча, бунинг сабаби кўплаб олимларимизнинг (шарқшунослардан ташқари) шарқ ва ғарб тилларини билмасликлари бўлса керак.

Чингиз Айтматов: — Албатта, қадимги қўлёзмаларни ўқиш учун араб, форс тилларини билиш керак. Ҳозир халқаро илмий конгресслар, маданиятга доир анжуманларнинг деярли ҳаммаси инглиз тилида олиб борилади, Лекин бу — асосий сабаб эмас. Масалани ҳал қилувчи нарса — янги ғояни яратиш, эски тарихий далилларнинг замонавий татбиқи эҳтиёжини топишдир. Ахир, жаҳондаги барча илмий кашфиётлар дастлаб фақат инглиз тилида ифодаланмаган-ку. Янги кашфиётни дунёдаги юзлаб тилларнинг исталган биттасида бемалол таърифласа бўлади.

Омонулла Файзуллаев: — Бунга мисол қилиб сизнинг рус тилида ёзган асарларингиз бошқа юзлаб тилларга, масалан, инглиз тилига ўгирилганини кўрсатиш мумкин. Янги илмий кашфиёт ҳам, қизиқарли бадиий асар ҳам бир миллатники эмас, ҳамманики, Шарқники ҳам, Ғарбники ҳам, умуман, одамзодники.

Чингиз Айтматов: — Бунда фақат бир нарсага эътибор бериш керак. Шарқ деганда фақат мусулмон Шарқини эмас, Ғарб деганда фақат Оврўпони эмас, балки географик Шарқ ва Ғарбни тасаввур қилиш тўғри бўлади.

Омонулла Файзуллаев: — Олимларнинг излашларига келсак, ҳамма замонларда ҳам одамзод космик фазога катта қизиқиш билан қараган. Шарқ олимлари ҳам, Ғарб олимлари ҳам ердан ташқари коинотни баҳоли қудрат ўрганишган. Сиз ҳам, Чингиз Тўрақулович, ёзувчи сифатида космосга назар

ташлашни лозим топдингиз. Космик фазо ҳақида гап кетар экан, бир нарса эсимга тушиб қолди. “Кассандра тамғаси” романингиздаги космонавт Филофей ердаги кўп одамларнинг фикрини ўзгартириб юборди. Баъзилар ундан хурсанд, баъзилар хафа...

Чингиз Айтматов: — Бу романнинг сюжети, менинг фантазиям. Замонамизнинг, шу билан бирга, илм-фанимизнинг зиддиятлари турли мамлакатларда, ҳар хил одамлар тафаккурида турлича намоён бўлади-ку, ахир.

Омонулла Файзуллаев: — “Кассандра тамғаси” да бир дунё фикрлар бор, улар эмбриология, космонавтика, яхши-ёмон одамлар, характерлар, зиддиятлар, кеча, бугун ва эртанги истиқбол муаммолари... Роман марказида туғилиш билан боғлиқ муаммоли бир савол ётибди. Бу савол фалсафий маънога эга. Ким шу саволни беряпти? Муртак-эмбрион она қорнидаги дастлабки ҳаёт ҳафталарида ёруғ дунёдан келаётган ахборотларни илғаб олиш қобилияти туфайли, уларни қиёс қилиб, келгусида, туғилганидан сўнг нималарга дуч келишига қизиқаяпти. Ёруғ дунёдан онаси организми орқали келаётган ахборотларнинг баъзилари яхши, баъзилари ёмон...

Чингиз Айтматов: — Яхшилари: ёруғ дунёдаги роҳат-фароғат, гўзаллик, меҳр-оқибат, адолат, эзгулик. Ёмонлари: очлик, турли касалликлар, жиноятчилик, ирқий қирғинлар, экологик ҳалокатлар ва ҳоказо.

Омонулла Файзуллаев: — Шундай қилиб, эмбрион ҳали туғилганича йўқ, лекин у маълум фикрлаш қобилиятига эга. Бу қобилият нималарда кўринади?

Чингиз Айтматов: — Улар:

- фикрлаш ва тақдирини олдиндан билишда;
- бирор бир нарсага ўз муносабатини билдиришда;

- яхши ва ёмонни фарқлашда;
- танлашда;
- қаршилиқ кўрсатишда;
- вақт ўтиши билан кўникишда намоён бўлади.

Омонулла Файзуллаев: — Бу қобилият фақат Кассандра қорнидаги ҳомилага тегишлими ёки барча ҳомидаларга ҳамми?

Чингиз Айтматов: — Барча ҳомидаларга. Фақат Кассандраларгина ёмон болаларни туғадилар. Дунёдаги ижтимоий зиддиятлар шундан келиб чиқади. Романда одам одамга она қорнида ҳам, ёруғ дунёда ҳам зўравонлик қилмаслиги ҳақидагина эмас, одам табиатга ҳам зўравонлик қилмаслиги ҳақида гап боради.

Омонулла Файзуллаев: — Демак, бу муаммога олимларни, санъаткору ёзувчиларни, кенг жамоатчиликни жалб этиш зарур. Одатда, ёзувчилар ҳам, олимлар ҳам одамзод ҳаётидаги ёмонликларни йўқотиш ёки камайтириш ҳақида ёзадилар. Сиз, улардан фарқли ўлароқ, бу ёмонликлар тўғрисида ҳомила она қорнида эканлигидаёқ ўйлаш керак, демоқдасиз, шундай эмасми?

Чингиз Айтматов: — Шундай деса ҳам бўлади. Одамзод бу янги муаммонинг маъносини тушуниб олишининг ўзи кифоя қилмайди, балки бу тушуниш омон қолишнинг янги усулларини яратишга қаратилмоғи ниҳоятда муҳим. Бу эса, ўз навбатида, янги турмуш тарзига, янги фикрлашга олиб келиши керак. Мен бу муаммо ечимини шундай тушунаман.

Одамзодга олдиндан берилган эзгулик ва ёвузлик энергияларини ҳеч ким ўзгартира олмайди. Уларда тенглик миқдори мавжуд. Лекин, муҳими, шундаки, инсонга энергиядан ташқари ақл-фаросат, ўйлаш ва хулоса имтиёзи ҳам берилганки, бу имтиёз туганмас абадийлик характерига эга. Агар одам омон қолишни истаса, тамаддун чўққиларини

эгалламоқчи бўлса, у ўзидаги ёвузлик устидан га-лаба қозониши керак. Бу эса бизнинг бош мақсадимиз. Одамнинг бу мўлжалли потенциал ҳолда мавжуд. Агар қийин, мураккаб ҳолатдан чиқишнинг оқилона йўли топилса, бу мақсадга эришса бўлади. Бу ерда, биринчи галда, билиш ва ҳаракат қилишнинг илмий усулларини танлаш, аниқлаш лозим деб ўйлайман. Одамзод шундай йўлни тутмай ўз тарихида жуда кўп нарсаларни йўқотган.

Омонулла Файзуллаев: — Фикрингизга қўшиламан. Инсон умри давомида ўзида мавжуд бўлган имкониятлардан тўла фойдаланмайди.

Чингиз Айтматов: — Билишнинг асосий вазифаси ҳам шунда. Имконияти борлигини билмаган одам қандай қилиб ундан фойдаланади? Бундан кейин ҳам шундай бўлади: билинмаган, сезилмаган, аниқланмаган имкониятлар қоронғуда қолиб кетаверади. Одамзод ривожланиш, роҳат-фароғатга эришиш йўлларини билмаса, бунга интилмаса, изланмаса, бошини қотирмаса, бунинг ўрнига бошқа фойдасиз ишлар билан машғул бўлса, оқибатда қанчадан-қанча азоб-уқубатларга дуч келади. Қолбуки, у бу ҳолатларни бемалол четлаб ўтиши мумкин эди. Одамлар олдиндан билиш усуллари билан қуролланиб, Кассандра тамғаси орқали сигнал берувчи эмбрионларни қандай йўқотганликлари бизга номаълум. Одамзод ўзининг генетик системасида нима борлигини, афсуски, кеч билди. Лекин ҳали ҳам вақт бор.

Омонулла Файзуллаев: — Гапингиздан, илгарилари ҳам шундай муаммо бўлган экан-да?

Чингиз Айтматов: — Ким билади, эҳтимол, олис ўтмишда келгусида Гитлер ёки Сталин бўлиб етишадиган эмбрионларнинг туғилишига қаршилиқ ҳаракатлари бўлгандир. Менинг романдаги мақсадим — тарихдан ҳикоя сўйлаш эмас, китобхон

тиборини келгусига қаратиш, хавотирнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш эди.

Омонулла Файзуллаев: — Шахслар, ижтимоий шароитлар гоҳи бир-биридан кескин фарқ қилади. Филофей, Борн, Жесси ва бошқа қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳар хил табиий, ижтимоий ва руҳий ҳолатлар шароитида кечади. Билим соҳалари — космос, космонавтика, геофизика ва география, тиббиёт ва генетика, психология ва руҳият, моддийлик ва илоҳийлик бир-бири билан мужассамлашиб кетган. Бу соҳаларни бир пирамидага жойлаштирсак, унинг чўққисида, шубҳасиз, маънавият, ахлоқ, руҳ ётади.

Чингиз Айтматов: — Маънавият деганингиз онг бўлса керак. Гап шунда-да, онг ҳам икки хил бўлади: яхши онг ва ёмон онг, аниқроғи, тўғри фикрлаш ва нотўғри фикрлаш. Яна ўша гап: яхшилик билан ёмонликнинг ўртасидаги кураш.

Омонулла Файзуллаев: — Романнинг илмий-фантастик моҳияти — одам туғилмасидан олдинроқ фикрлай бошлайди. Бу — фавқулодда янгилик. Гап фикрлаш устида кетяпти, эмбриология фанида буни сезиш дейдилар.

Чингиз Айтматов: — Мен эмбриологиянинг умумий ютуқлари билан танишман. Аммо бу соҳада мутахассисларнинг “Кассандра тамғаси” ҳақидаги фикрларидан беҳабарман.

Омонулла Файзуллаев: — Мен ҳам эмбриолог эмасман. Лекин сизнинг бу китобингизни ўқиб чиқиб, эмбриология тарихига мурожаат қилдим. Натижада муҳим бир нарсани аниқладим: романда баён этилган эмбриология масалалари илмий далилларга зид эмас. Шунга хурсанд бўлдим. Тарихда эмбриологик назариялардан ташқари диний қарашлар ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси бир-бирини тўлдиради.

Чингиз Айтматов: — Эволюцияси қандай бўлган экан?

Омонулла Файзуллаев: — Менимча, эмбриологиянинг, яъни романда тавсиф этилган эмбрионни илмий ўрганиш тарихи тўрт даврдан иборат: 1) Аристотел “эмбрион” тушунчасини аёлнинг менструация қони зарраси сифатида фанга киритган; 2) XVII асрда Аристотелнинг бу қарашлари илмдан четлаштирилди ва “эмбрион” деб аёлнинг эмас, балки эркак моддаси бўлган сперматазоид ҳисоблана бошлади. Мана шу моддада микроскопик ўлчамдаги одамзодликнинг дастлабки аломатлари жойлашган. Бу нарса микроскоп ёрдамида кўрсатилди ва исботланди; 3) 1973 йили О. Рохилли деган олим ҳомила-муртакнинг она қорнидаги ҳаёти даврларининг классификациясини берди. Унда айтилишича, биринчи ҳафтада ҳомила пайдо бўлади, иккинчи ҳафтада эса унинг мияси ҳосил бўлади; 4) Ҳозирги замонавий илм эмбрион тўғрисида анча мукамал ва асосли ахборот бера олади.

Чингиз Айтматов: — Романда ҳомила ривожини сунъий тўхтатиш — аборт муаммоси муҳокама қилинган. Тарихда ҳам шундай муаммолар бўлганмикан?

Омонулла Файзуллаев: — Бўлган, лекин асосан, оила муаммоси сифатида. Жамоада муҳокама қилинмаган. Жамият ривожланган сари аборт муаммоси ижтимоийлашиб борган. Илмий жиҳатдан абортнинг оқибатлари XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Могу Стригер асарларида талқин этила бошланган. Эмбриологларнинг ёзишича, муртак бешинчи ойда эшитади, қўрқади, жаҳли чиқади. Олтинчи ойда онанинг ҳаяжонланиши, сезиши қорнидаги болага ўтади. Қизиги шундаки, ота гени боладаги ҳиссиёт ва инстинктга, она гени эса ақл ва фикрлаш мантиқига жавоб бера экан.

Чингиз Айтматов: — Генетик код, менимча, жон структурасига тааллуқли. Руҳ, тафаккур унинг ҳаётдаги функцияси бўлса керак.

Омонулла Файзуллаев: — Сиз уларга биргаликда қарагансиз, бу — албатта, ёзувчининг абстракцияси. Онг — таннинг олий маҳсули. Мазкур усул одам, одамзод ҳаётининг ҳозирги экологик, илмий-техникавий ва ижтимоий-психологик муаммоларини ечиш учун тўғри йўлдир.

Чингиз Айтматов: — Одамнинг жони ва жамият ҳаёти орасидаги муносабатлар ниҳоятда мураккаб. Жоншунослик билан жамиятшуносликнинг узвий боғлиқлигини мен фақат бадий шаклда баён этишга ҳаракат қилдим, холос.

Омонулла Файзуллаев: — Ҳозирги замон фани уқтирадики, жон ва ҳаёт тушунчалари орасида фарқ бор.

Чингиз Айтматов: — Лекин уларнинг табиати бизга ҳануз сирли. Шу билан бирга, табиатшунослик ва жамиятшунослик одам турмуши, жамият ҳаётини ўрганиш соҳасида катта ютуқларга эришди.

Омонулла Файзуллаев: — Гапингиз тўғри. Аристотелнинг “Жон ҳақида” деган китоби бор. Анаксагор, Аниксимандр, Аниксимен, Гераклит, Фалес, Эмпедокл ва бошқа машҳур олимларнинг фикрлари маълум. Уларнинг баъзилари жонни субстанция, бошқалари — акциденция, бирлари — ҳаракатга келтирувчи, иккинчилари — олов дейишган. Шунингдек, жон — бу жисм, сон, нафс, қон дегувчилар ҳам бўлган.

Чингиз Айтматов: — Бизнинг Марказий Осиёда кўпинча жон — илоҳий субстанция деб таърифланади. Бундоқ қарасангиз, бошқа динларда ҳам шундай.

Омонулла Файзуллаев: — Тўғри айтасиз, жонни танага киритиш — Худонинг иши. Табиатшунос-

ликда эса жон — жонсиз модданинг эволюцион ҳо-силаси, деб тушунтирилади.

Чингиз Айтматов: — Оврўпода нашр этилган китобларда ибн Сино ҳақида гап кетадиган бўлса, унинг фалсафий таълимотини, албатта, жон тушунчаси билан боғлашади.

Омонулла Файзуллаев: — Тўғри, унинг шундай китоби бор. Ибн Сино ўзидан олдин ўтган алломаларнинг, жумладан, Аристотелнинг таълимотини қунт билан ўрганиб чиққан. Баъзан танқид остига олган. Ибн Сино бу масалага фақат файласуф сифатида эмас, балки табиатшунос сифатида ҳам қараган. Унинг фикрича, тирик мавжудотнинг ҳаёт моҳияти умумий — овқатланиш, ривожланиш, кўпайиш. Ибн Сино айтади: одам ўз мақсади билан яшайди, у жамиятсиз яшай олмайди, нарсаларни тежаш учун ўзини чеклайди. Агар ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмаса, у ҳалок бўлади. Барча биологик мавжудотларга эмас, фақат одамга мансуб номоддий ғоя абстракция қилиш имкониятига эга.

Чингиз Айтматов: — Мен “Кассандра тамғаси”да Ибн Сино таълимотига яқинлашган эканман-да. Одам фикрлаш қобилиятига эга. Мантиқ қонуни бўйича, ҳомила ҳам одам-ку. Хулоса: у ҳам фикрлаши керак, яъни “туғилсаммикан, туғилмасаммикан?” деган саволга жавоб топиши керак.

Омонулла Файзуллаев: — Фақат фарқ шундаки, у вақтни ҳисобга олмаган, Сиз эса ҳисобга олгансиз.

Чингиз Айтматов: — Ҳа, жоннинг “қурилиш материаллари” бўлган сперматозоид ва тухум ҳужайра жонли моддалардир. Уларнинг бирлашишидан кейин муртак-эмбрион — ҳомила ҳосил бўлади.

Омонулла Файзуллаев: — Кўпинча романларда севги-муҳаббат баён этилади. Шарқ фольклорида, хусусан, эртақларда муҳаббат ҳақида гапириб-гапириб, охирида “Шундай қилиб, йигит билан қиз мурод-мақсадига етибди”, дейилади. “Кассандра

тамгаси” романингиз эса одамзоднинг фаровон яшашига тўсқинлик қилаётган иллатларни мумкин қадар тезроқ йўқотиш ҳақида.

Чингиз Айтматов: — Ҳозир шахсий, регионал масалаларга қараганда кенг кўламли глобал муаммолар пайдо бўлди. Буни сезмаслик мумкин эмас. Уларнинг сабаблари ўрганилмоқда. Анча ишлар қилинди. Лекин шу билан бирга, информатика воситалари ҳар куни янги-янги салбий ҳодисаларни, воқеаларни ҳам уйимизга олиб келмоқда. Бунда радио-телевидениенинг ҳиссаси катта. Космонавт Филофейнинг космосдан юборган мудҳиш хабарини бутун дунё аҳли бир зумда билиб олди. Ахир, беш қитъада яшовчи олти ярим миллиард одамнинг дунёқараши, ахборотларга муносабати бир хил эмас-ку. Бунга эътибор беришимиз, онг-шууримизга сингаётган ахборотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўйлашимиз керак. Бу масалалар, менинг ўйимча, бугунги мураккаб дунёга хос муаммолар бўлиб, уларга бефарқ қараб бўлмайди.

Омонулла Файзуллаев: — Чингиз Тўрақулович, мана, самолётимиз ҳам Тошкентга яқинлашиб қолди. Мазмунли суҳбатингиз учун сизга миннатдорчилик билдираман. Қани энди, шундай мулоқотлар тез-тез бўлиб турса...

Чингиз Айтматов: — Сизга ҳам чўнг раҳмат. Баҳонада бир диллашиб олдик-да. Гаплашиб, ақллашиб турайлик. Олимлар билан суҳбатлашишни ёқтираман. Мендан барча дўстларга салом айтинг. Илмий ишларингиз улги бўлсин.

истидоқумов ва хити, Чингиз Айтматовнинг романи "Чингиз"нинг эса одамзоднинг фаровон яшашига тўсқинлик қилаётган иллатларни мумкин қадар тезроқ йўқотиш ҳақида.

Чингиз Айтматов: — Ҳозир шахсий, регионал масалаларга қараганда кенг кўламли глобал муаммолар пайдо бўлди. Буни сезмаслик мумкин эмас. Уларнинг сабаблари ўрганилмоқда. Анча ишлар қилинди. Лекин шу билан бирга, информатика воситалари ҳар куни янги-янги салбий ҳодисаларни, воқеаларни ҳам уйимизга олиб келмоқда. Бунда радио-телевидениенинг ҳиссаси катта. Космонавт Филофейнинг космосдан юборган мудҳиш хабарини бутун дунё аҳли бир зумда билиб олди. Ахир, беш қитъада яшовчи олти ярим миллиард одамнинг дунёқараши, ахборотларга муносабати бир хил эмас-ку. Бунга эътибор беришимиз, онг-шууримизга сингаётган ахборотларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ўйлашимиз керак. Бу масалалар, менинг ўйимча, бугунги мураккаб дунёга хос муаммолар бўлиб, уларга бефарқ қараб бўлмайди.

Хамидулла АКБАРОВ

ЧИНГИЗ ОҒА ҲУЗУРИДА

1984 йил. Тошкент аэропортининг депутатлар учун ажратилган хонасида Чингиз Айтматов айтган бир тафсилотни ҳамшиша ёдимда сақлайман. Адиб билан бир зум бўлса-да мулоқотда бўлиш истаги мени шу саранжом-саришта даргоҳга олиб келган эди. Чингиз Тўрақулович рафиқалари билан уйга — Фрунзе (ҳозирги Бешкек) шаҳрига қайтаётган эдилар. “Адабиёт ва кино” деб номланган янги китобимни узатдим. Илиқ сўзлар айтдилар. — “Рафиқамга ҳадя этинг китобингизни. Кинога қизиқадилар. “Кино оламида” кўрсатувингиз юртимизга ҳам етиб келади. Кўрадилар қизиқиб”, деганларида бошим осмонга етиб, китобни икки қўл билан рафиқаларига узатдим. Элимиз ардоғидаги ёзувчи билан суҳбатлашиб ўтирдик.

Бизнинг иккинчи учрашувимиз кейинроқ, 1996 йили элчи Чингиз Айтматовнинг Брюсселдаги резиденциясида бўлди. Салом-алиқдан кейин:

— Ён километр тепаликда олти ярим соат учиб келдингиз-а! Нималар ҳақида ўйладингиз ён минг метр баландликда? — деб қолдилар Чингиз оға кулимсираб. Риторик, жавоби кутилмайдиган савол, деб ўйладим. Баландликда ҳар ким ўз ўйлари билан банд бўлади, демоқчи бўлдим.

Суҳбатдошим бироз сукут сақлади-да, вазмин оҳангда:

— Мана бу пирог, баркашдек катта нон ҳўл мева солиб ёпилган. Юртингиздан келган. Хонадонда

тайёрланган. Тотиб кўринг... Англия томон учадиган лайнерлар асосан денгизлар устидан ўтади. Деразадан пастга қараб, “Нега шундай кенгликда яйраб сузиб юрадиган китлар ўзини қирғоққа улоқтиради, ўз жонига қасд қилади? Биз айбдор эмасмизми? Асрлар давомида сақланиб келинган мувозанатни бузмадикми? — деб ўйлаб қоламан, ўзимга ўзим савол бераман”, деди.

— Аспирантурада ўқиганимда Тошкент — Москва рейсида юрардим, — суҳбатни давом эттирдим мен. — Самолётда диссертация саҳифаларини қайта ёзганимни эслаб тураман. Бу гал Тошкентдан учган самолёт Амстердамга кўниб, сўнг Америка томон йўл олишини билардим. Шу боис қатор ўриндиқлардан бирига жойлашиб олган бир йўловчи ўзбек киши сўзларини инглиз оҳангида талаффуз этиб, менга мурожаат этганидан ажабланмадим.

— Биродар, ёнимга келинг ёки мен бораё олдингизга, деб бўш ўриндиқни кўрсатди. Бордим. Америкалик ўзбек экан. Тилимизни ёдидан чиқармаганидан хурсанд бўлдим. Айтдим ҳам.

— Оилам Америкада. Ўзим кўпроқ Ўзбекистондаман, — дейди у. — Бизнес билан шуғулланаман. Юртингида ўзимни жуда яхши, эркин ҳис этаман. Бамисоли болалигимда зўрлаб ўзга юртга олиб кетишган-у, балоғат ёшимга етганимда уйимга қайтгандек бўламан. Кўп одатларингиз маъқул менга, меҳр, оқибат бор. Қойилман!.. Лекин исрофгарчиликка йўл қўйишингиз маъқул бўлмади менга. Тўй куни ҳар икки нафар меҳмон олдига катта лаганда ош қўясиз. Лаган бўшамаган ҳоллар кўп бўлади. Қолган ошни катта тоғораларга солиб қўясиз. Уни нима қиласизлар? Мен қизимни узатиш тўйига кетаяпман. Биз ошни лаганга солиб узатмаймиз. Чинни идишларга сузиб столга қўямиз. Ҳар ким ўз ликопчасига маълум миқдорда солади.

— Дуруст гапни айтибди ҳамроҳингиз, — дейди Чингиз оға. — Мен ҳам бу ҳақда ўйлаганман, торроқ доираларда айтганман ҳам. Брюсселда нималарни кўрдингиз?

— Гулни. Ранг-баранг гулларни! — дедим. — Кўчаю хиёбонларда, деразаю айвонларда гул. Европа мусаввирлари ёрқин бўёқларни қаердан олишган, деб юрардим. Гуллардан, лолалардан олишар экан, чамаси... Брюссель университетиде бир неча кун бўлдим. Кутубхонаси билан танишдим. Ойбек домланинг “Қутлуг қон” романини кўриб беҳад хурсанд бўлдим. Сизнинг фақат биргина асарингиз — “Сарвқомат дилбарим” бор экан. “Кассандра тамғаси”ни кўрмадим.

— Бу сўзлар билан савол бергандек бўлдим. Чингиз оға:

— Бу масалалар билан маданият марказлари шуғулланиши керак, — деб жавоб берди.

— Андерлехтга бордим. Навоийнинг замондоши бўлган Эразм ван Роттердам истиқомат қилган, эндиликда музейга айланган икки қаватли уйда, кўм-кўк боғда бўлиб кўп маълумот олдим, — дедим суҳбатни давом эттириб. — Навоий ва Роттердамнинг устоз ва шогирд муносабатлари, тарбия масалаларидаги фикрлари бир-бирига жуда яқин. Бамисоли улар ўзаро мулоқотда бўлгандек. Файласуф мутафаккирнинг уйи, жиҳозлари сақланиб қолганидан ҳайратга тушдим. Мавлоно Навоийнинг жойнамози, ҳеч бўлмаса салласи сақланиб қолганидан афсусландим.

— Европада маданиятга, илм-фанга оид ҳамма нарса мақсадга мувофиқ тарзда сақланади, — деди суҳбатдошим. Адибдан “Шарқда-чи? Аллома аجدодларимизга тегишли нарсалар сақланганми ёки йўқ қилинганми?” — деб сўрагим келди, аммо иймандим.

— Брюссель — файзли шаҳар, — давом этди адиб. — Космонавтлар уни баландликдан ҳам дарҳол танишар экан. Сунъий ёритгичлар кўп. Бу ерда Европанинг бошқа шаҳарларига чўзилган йўллар чароғон...

— Бу йўллар мени Голландиянинг Лейден шаҳрига олиб келди, — дедим фикримни давом эттириб. — Ўтмиш ёдгорликларини кўриб, фахрландим ҳам, завқландим ҳам. Лейденда тўлиб-тошиб юрдим. Тўлиб оқадиган анҳор соҳилидаги бир қаватли, талабалар билан гавжум бинога жойлашган Ислон университетиде ятурдошимиз Аҳмад Фарғоний асарининг қадимги нусхаларидан бирини кўриб, талабаларга ҳавас қилдим. Турли қитъа, юрт, миллат вакиллари таҳсил оладиган бу олий ўқув юртида фарғоналик олимнинг самовий ҳаракатларга бағишланган, лотин алифбосида чоп этилган асари ҳошияларида турли давр олиму фузалоларининг ҳайратомуз сўзлари, илмий мушоҳадалари ёзиб қўйилган.

Чингиз Тўрақулович давом этди:

— Аҳмад Фарғонийни Европада Афраганус дейишади. Буюк аллома исмининг лотинлаштирилган варианты бу. Ҳозирги гуманитар фанларда физика назарияси ҳам ўрганилаётгани, чин ҳақиқатни аниқлаш, уни бадиий ижодда ифода этишда трансформацияга йўл қўймаслик йўлларини излаш жараёнида бу назария қўл келиши мумкин экан. Беруний, Форобий билан бирга астроном Аҳмад Фарғонийнинг математика соҳасидаги ихтироларига мурожаат этиш керакмикин?.. Адабиётшуносликда, шеърятда ритмикани ўрганишда математикага мурожаат этилади-ку. Эҳтимоллик назарияси устида ишлаган Альберт Эйнштейн Ф.Достоевский, В.Моцартдан илҳом олган. Физика назарияси устида иш олиб борган олим фаолия-

тида проза, муסיқа усталарининг асарлари муҳим омил бўлганини эсланг.

Суҳбатдошим мени қизиқтириб келган мавзуда мулоҳаза юритишини хоҳлаб, “Бўтакўз” қиссасидан бир парчани эслатдим: табиий шароитда эркин ҳаракат қиладиган жайронлар — дашт буғилари, темир, нефть исидан холи бўлмаган, юмшоқ, эндигина ҳайдалган шудгорга келиб қолиб, тақа-тақ тўхтаб қоладилар. Бу сатрларнинг мажозий маъносини экранда тасвирлаш кино аҳлига завқ беради. Ёзилган сўз орқали таърифланган манзарани, ҳолатнинг экрандаги ифодасини яратишда ҳаракатдаги тасвир ва овоз воситалари, ракурсли композициялар, ҳаракатдаги камера иштирок этади. Янги эстетик шакл пайдо бўлади. Лекин бадиий сўз ила китобхонга етказилган фикр, ҳолат, мазмун сақланиб қолади. Адабиёт қонун-қоидаларига биноан ёзилган асарда “кинокомпозиция” эпизодлар, талқин йўллари, мажозий ифодалар бўлар экан-да.

Жавоб қисқагина бўлди:

— Эндиликда фақат китобхонни эмас, томошабинни ҳам назарда тутишимни сезиб тураман.

Ёзилган сўз, жумла, монологга тенг экран эквиваленти топилмаса ёзувчи асарининг экран кўринишида кемтиклар бўлиши табиий. “Момо ер” қиссасини экранлаштирмоқчи бўлган режиссёр Г.Базаров Тўлғанойнинг ер билан гаплашишини экранда кўрсатишни тасаввур этолмаган. Натижада фронтдан қайтмаган эри, ўғлининг дардида юрган онаизорнинг ҳолати қиссадагидек таъсирчан чиқмаган. Бу сўзларимни тинглар экан, Чингиз оға:

— Бу режиссёр ҳозирча ўз мавзусини топганича йўқ, деб жавоб берганида ёш режиссёрни аягани, эҳтиёт қилганини сездим. Режиссёрнинг ўзбошимчалик қилганини кескинроқ тарзда тилга олганимдан хижолат бўлдим. Қиссани фильмдан устун қўйиб, муаллифни ноқулай аҳволда қолдир-

дим шекилли, адиб кино санъатининг уч навқирон намояндасини ёдга олди:

— Кино ҳам қолишмаяпти адабиётдан. Куросава, Бергман, Феллини санъатининг кучи мумтоз адабиёт намуналаридан қолишмайди.

— Кинодраматургия ҳам жаҳон миқёсида ана шу режиссура даражасига кўтарилса эди. Ҳозирча кинонинг ўз Шекспири йўқ-да, дедим.

Чингиз Айтматовга замондош бўлганлар қаторида мен ҳам борлигимдан фахрланишимни айтдим. Адиб табассум билан қўлимни қисди, кутубхоналарига бошлади. Ўндан ортиқ китобни жавондан бирин-кетин олиб олдимга қўйди. Турли тилларда, турли мамлакатларда нашр этилган ноёб асарларни варақлаб мамнунлик сўзларини айтдим. Уйнинг биринчи қаватига тушдик. Ижод хонаси. Сатҳи кенг ёзув столида оппоқ қоғозлар, ручка ва қаламлар гўё битмас-туганмас сиёҳга ботирилгандек. Бир ҳис таъсирида қолдим. Стол, ўриндиқ, навбатдаги сатрлар ёзилишига муштоқ қоғозлар ёнига боришга ботинмадим. Қўним излаб юрган илҳом париси ранж топмасин, деб ўйладим чоғи. Бу ажиб муҳитга яқинлашишга журъат этмадим...

Ўша дамда руҳиятимда товланиб турган кўтаринки поэтик руҳ ёд бўлиб кетган Чингиз оға сатрларини қайта ўқиганимда бу наср устасининг, мутафаккир санъаткорнинг, ширинсухан адибнинг сиймоси кўз ўнгимда гавдаланади. Бу руҳият умрга татигулик бўлишидан умидворман.

Суюн ҚОРАЕВ

XX АСРНИНГ УЛКАН ИНТЕЛЛЕКТУАЛИ

Бадий адабиётнинг субъектив дунёга таъсири беқиёс. Шу маънода асрлар давомида буюк ижодкорлар томонидан яратилган асарлар бебаҳо куч. Юксак маънавиятнинг рамзлари бўлиб қолган бу адабиётлар кишиларнинг тафаккурига, ақл-идрокига, билим ва имон-эътиқодига ҳар томонлама таъсир этадиган зиё манбаларидир. Бу борада туркий дунё ўзининг улкан алп санъаткорлари билан мақтана олади. Юсуф Хос Ҳожиб, Низомий Ганжавий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Махтумқули, Абай жаҳон адабиётини бойитган асарлар яратганлар.

XX аср туркий прозаик романчилигининг оёққа туриш ва юксалиш даври бўлди. Қўшни туркий халқларнинг бадий дунёси уфқида тўпполдуз янглиғ порлаган романавис ёзувчилардан Мухтор Аvezов, Абдулла Қодирий, Ойбек, Берди Кербобоев, Тугалбой Сидиқбеков каби классиклар номларини тилга олиш kifоя. Алишер Навоийдан буён ўтган беш асрдан сўнг туркий халқлар қалам соҳибларидан Чингиз Айтматовнинг адабий Олимпга кўтарилганини фахр билан қайд қилиш мумкин.

Адабиётнинг илғор вакиллари жамиятнинг ўта долзарб муаммоларига мурожаат қилар экан, ўзларининг фуқаролик позицияларини ифода этадилар. Чингиз Айтматовнинг ижоди эса инсон ҳаётининг барча мангу муаммоларини қамраб олгани балан ҳам характерли.

Бир буюк файласуф эзгулик билан ёвузлик шундай дарёларки, уларнинг сувлари шу қадар қотишиб-чатишиб кетганки, уларни асло фарқ қилиб бўлмайди, деган экан. Чингиз Айтматов эзгулик билан ёвузликни фарқлаган ва улар бир-бирига тенг миқдорлардир, ҳатто ёвузлик устун туради, эзгулик тақчил бўлса ҳам, ёвузлик ошиб-тошиб ётибди, деган фикрни олға суради. Космик юксакликка кўтарилиб, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги азалий курашга янгича назар ташлаш, инсониятнинг тақдири ҳақида жон куйдириш Чингиз Айтматовдек буюк адибга насиб этди. Ёзувчи одам ўзидаги Азозилга ҳай бериши, терроризм, виждонсизлик, имонсизлик, шафқатсизлик, бошқа балои азимларга қарши курашиш, ҳар қандай шароитда ҳам инсон бўлиб қолмоғи керак. Бу ҳам адибнинг жиддий ҳаётий хулосаси.

Чингиз Айтматов ўзининг адабий асарлари ва публицистикасида инсониятнинг эътиборини XX асрнинг ижтимоий муаммоларига қаратади, “оммавий маданият” номи билан машҳур сохта маданиятнинг халқ тамаддунини ямлаб ютаётганидан қайғуради.

Чингиз Айтматовнинг бадиияти ўзига хос олам. Ёзувчи яратган ҳар бир образ – кўз илғамас кристаллнинг янги қирраси. Одамлар учун хос фазилатлар, хусусиятлар персонажларда образ, тип ва ҳатто рамз даражасига етказилган.

Жамила билан Дониёр образлари адабиётга муҳаббатнинг юксак рамзи сифатида кирди. Айтматов асарларида муҳаббат мавзуси биринчи ўринда туради; ёзувчи наздида муҳаббат қалб кайфиятигига эмас, балки дунёнинг муҳаббат пойдеворига қурилганини кўрсатиб берувчи маънавий асосдир.

Адибнинг дастлабки асарлари воқелиги қирғиз миллий ҳаётидан узоқ деювчилар ҳам бўлди (ёзувчи ўзининг сўнги романида яна миллий мавзуга

қайтди). Ёзувчи ижодининг тараққиёт жараёни замондан ўзиб кетди ва айрим тушунмовчиликлар ҳам пайдо бўлди. Чингиз Айтматовнинг маҳорати шундаки, у келажакни, миллий ҳаётнинг равнақини олдиндан кўра билди. Яна шуни айтиш керакки, дунёқараши миллий маконда шаклланган адиб миллий ҳаётнинг энг заиф ва қолоқ манзараларини ҳам янгича тусда ифодалай олди.

Юксак тоғлар ва бепоён даштлар фарзанди Айтматов инсон даҳосининг буткул оддийлигини ва кўп ўлчамлилигини асарларида мужассамлаштиришга эришди. Шу билан бирга, ўзининг ибтидосини сақлаб қолди. Айтматов прозасининг мўжизакор дунёси – чинакам халқ характерлари ва образлари дунёси, фожеий ҳаётий вазиятлар, турмушдаги ёрқин манзаралар дунёсики, буларни зукко ўқувчи осон фарқлай олади. Овулдан чиқиб космик фазо қадар кўтарилган Чингиз Айтматов шахси, бадиий олами, қаҳрамонларининг дунёқарашига кўра жаҳон миқёсида олганда ҳам феномендир. Буни чет элларда нашр этилган кўплаб тадқиқотлардан ҳам билса бўлади.

Ҳозирда Чингиз Айтматовнинг ижодкор сифатидаги ролини ва билимини адабиётшунослик аспекти билангина чеклаб бўлармикин? Агар бадиий адабиёт деганда бирон бир халқнинг ва бутун инсониятнинг сўзда ифода этилган шуури тушуниладиган бўлса, эҳтимол бу саволга “ҳа” деб жавоб бериш мумкин. Демак, ижтимоий онг, ижтимоий шуур ҳақида гап кетганда шуни айтиш керакки, унинг шакллари жуда хилма-хил. Айтматов ижтимоий онгнинг таркиб топишига даставвал ёзувчи сифатида, ижодий шахс сифатида, демакки, ўзи яратган бадиий образлар орқали таъсир этди.

Чингиз оғанинг Ўзбекистон, ўзбек халқи ва ўзбек қаламкашлари билан алоқалари хусусида шуни айтиш мумкинки, у қаерда бўлмасин, ўзбек халқи, ма-

даният арбоблари билан кенг фикр алмашди, ўзбек зиёлилари билан чамбарчас алоқа боғлаб, уларнинг асарлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб турди, қаламкаш дўстларига мактублар ёзди. Ўзбекистонда асарлари тез-тез чоп этилаётганидан, маҳоратли таржимонлар уларни ўзбекчага қойилмақом қилиб ўгиришаётганидан миннатдор бўлди.

Чингиз Айтматов қамрови кенг, сайёравий, қўйингки, космик миқёсда мушоҳада қиладиган улкан файласуф ҳам эди. Унинг асарлари энг янги жаҳон адабиёти классикасининг таркибий қисми бўлиб қолди ва кўпгина мамлакатларда мактаб ва олий ўқув юртларининг дастурларидан ўрин олди. Масалан, республикамиз мактабларининг 10-синфларида Чингиз Айтматов ижоди ўрганилади. Адибнинг қисса ва романлари Осиё, Европа ва Америка театрлари қаторида Ўзбекистонда ҳам доимий равишда саҳналаштирилади.

Таниқли ўзбек файласуфи Омонулла Файзуллаев Нидерландия пойтахти Амстердам шаҳридан Тошкентгача самалётда саккиз соат давомида Чингиз Айтматов билан ёнма-ён ўтириб, жаҳон цивилизацияси, ўтмиш ва ҳозирги кун, келажак ҳақида суҳбатлашар экан, ёзувчининг шахси тўғрисида фикрлай кетади: “Айтгандай, у билан ёнма-ён ўтирар ва ён томондан унга кўз қиримни солар эканман, мен нима ҳақида ўйладим денг? Чаккасидаги бир тўп сочига боқаман ва ўзимча дейман: бошқа сочларидан ажралиб турган бу бир бўлак соч ўзгача, генетик жиҳатдан ўзининг кодига эга сочдир, бу код, эҳтимол, Одам Атодан ва Момо Ҳаводан, шунингдек, Ҳомо Сапиенсдан келаётгандир. Шарқ цивилизациясининг минг йиллик тажрибасини, қайта қуриш ва Европа маданиятининг тажрибасини ўзида мужассамлаштиргандир. Ҳар бир буюк шахс, улуғ интеллект моддий ва маданий дунё та-

раққиётида талай гайриоддий ҳодисаларнинг ҳам оқибати, ҳам сабабидир”.

1990 йили Ўшда содир бўлган қонли воқеадан кейин таниқли ёзувчи Анвар Обиджон “Чингиз оғани ким йиғлатди?” деган мақола ёзиб, унда жумладан шундай деган эди: “Пўлат иродали Чингиз Айтматов миллионлаб телетомошабинлар кўз ўнгида ноилож қолган гўдакдай юм-юм йиғлади. Бунгача тирик етим ўсган, ўсмирлик даври хўрликда, йигитлиги азоб-уқубатда ўтган, адабиёт майдонида қанча-қанча тазйиқларни писанд қилмаган, иродаси мустаҳкам ёзувчимизнинг кўз ёшини ҳали ҳеч ким кўрмаган эди. Эй, кекса Мовароуннаҳрнинг содда фарзандлари, нима қилиб қўйдиларинг? Улуғ Чингизни йиғлатишга қандай журъат этдиларинг, нега бундан уялмайсанлар, бунга қандай чидаб турибсанлар? Мақсадларинг нима ўзи? Эртага Ўлжас Сулаймоновни ҳам, Эркин Воҳидовни ҳам, Гулрухсор Сафиевани ҳам, Тўлапберган Қайипбергеновни ҳам йиғлатмоқчисанларми? Ёки Рудакий, Навоий, Махтумқули, Абай боболаримизнинг руҳлари чирқилламагунча кўнгилларинг тинчимайдими?”

Чинакам санъат, ҳақиқий ижод сеҳрли кучга эга бўлади. Чингиз Айтматов жуда оддий ва абадий нарсалар тўғрисида – ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва нафрат ҳақида, ватан ва халқ тўғрисида ёзишдан чарчамади.

Ер куррасидаги барча одамлар дунёда эзгулик ва муҳаббатнинг ғалаба қилишига ишониб яшайдилар. Айтматов ана шу ишончни янада мустаҳкамлаш учун курашди. Шунинг учун ҳам ёзувчи асарларининг самимийлиги ва юксак лириزم ки-тобхонни чексиз ҳаяжонга солади.

Абдулла УЛУГОВ

АФСОНАЛАР ҲАҚИҚАТИ

Чингиз Айтматовнинг қисса, романларидан ҳеч бири тарихий мавзуда эмас. Лекин адиб ахборот асри одамлари ҳаётидаги мураккаб маънавий-ахлоқий муаммоларни таҳлил қилиш асносида ўтмишга алоқадор афсона, ривоятларга мурожаат қилади. У эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги мурасасиз кураш тўсатдан пайдо бўлиб қолмагани, бу зиддият жуда қадимий эканига эътибор қаратади. “Қиёмат” муаллифи барчани бирдай қийнаб келатган муаммолар илдизини миф асосида очишга интилади. Чунки дов-дарахтларнинг илдизи бўлгани сингари, кишилар феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятлар ҳам нимадандир озиқланади. Жумладан, ёвузлик, риёкорлик каби иллатлар ҳам фақат бугунги кун эмас, жамият тарихи, олис ўтмиш билан боғлиқдир.

“Асрни қаритган кун” романидаги Собитжон харақтери, дунёқарашини жиҳатидан ўз онасини отиб ўлдирган Жўломондан фарқ қилмайди. Уларнинг бири замонавий, иккинчиси ўтмишдаги манқурт. Собитжон урф-одат, қадриятларни назар-писанд қилмайди. Уларни одамлар ўтмишда эрмак учун ўйлаб топишган, дейди. Отаси вафот этганидан қайғурмайди. Марҳумни унинг васиятига кўра Она Бейит қабристонига элтиб, дафн этишга қаршилик қилади. “Узоқдаги Она Бейит қабристонига олиб бориш шартми? Ўлган одамга қаерга кўмилишнинг нима аҳамияти бор?” дейди. Собитжон ёшлигидан

ота-онасидан узоқда бўлгани, мактаб-интернатда ўқиб, шаҳарда яшаб қолиб кетгани туфайли яқинларига меҳрсиз, урф-одат, таомилларга тушунмайдиган кимсага айланади. “Идорада зарур ишлар қолиб кетяпти, вақт бўлса тивиз. Бошлиқларимиз қабристоннинг узоқ-яқинлигини суриштириб ўтирмайди, ишга фалон куни келасан, бошқасини билмайман, дейди. Бошлиқ нима бўлганда ҳам бошлиқ, ҳар холда, шаҳарнинг шароити бўлак” деб ўзини оқлайди. Собитжон дафн маросимида ўзини худди меҳмонга келгандай тутади.

“Оқ кема” қиссасидаги Ўрозқул ҳам миллий қадриятларга беписандлик билан қарайди. Мўмин чол такаббур Ўрозқулнинг тазйиқи билан ўз эътиқодига тескари бориб, бугуни отади. Чингиз Айтматов ушбу образда катта кишилар, ўзлари истамаган ҳолда, эътиқодига тескари бориб, золимларга кенг йўл бериб қўйиши ва ўзини оқлаш учун турли баҳона, сабаблар топиб, тасалли олишини кўрсатади. Болалар эса, аксинча. Уларга нимани уқтиришса, ўшанга ишонади ва ҳеч қачон унга зид ишни қилишмайди. “Оқ кема”да болалар табиатига хос ана шу собитлик теран очиб берилади. Бола эътиқодининг топталишига тоқат қилолмайди. Унинг покиза қалби катталарнинг риёкорлигини қабул қилмайди, тушунмайди. Бола зўравонлик, алдамчилик ҳукмрон муҳитни тарқатиш учун балиққа айланишни истаб, дарёга тушиб кетади. Ҳаётдаги барчанохуш ҳодисалар кишиларнинг эзгу эътиқод, азалий қадриятлардан чекиниши оқибатида рўй беради. Ёвузлик, шафқатсизлик каби иллатларга фақат эзгу эътиқодларга собит туриш орқалигина тўсиқ бўлиш мумкин. Ёвуз кишиларни қатл қилиш билан муаммолар барҳам топмайди. Ёвузлик ҳар бир одамнинг табиатида яширин туради. Худбинлик иллати кишиларни турли кўйга солади. Одам алдамчилик, риёкорлик туфайли тубанлашиб боради. Ки-

шиларни бу тубсиз чоҳдан эзгу эътиқод, аждодлар эъвозлаган қадриятларгина сақлаб туради. Барча ҳамжиҳат, фаровон яшашини орзу қиладиган Бола: “Бобом, агар одамлар ўз ота-боболарини билмаса, улар айниб кетади, дейди. Бобом айтдики, унда ҳеч ким ёмон ишлардан ҳазар қилмайди, чунки болалар ва болаларнинг болалари ҳам уни эсламайди. Шунингдек, ҳеч ким яхши иш ҳам қилмайди. Чунки барибир болалари унинг яхши ишлари ҳақида эсламайди-да”, дейди. (Айтматов Ч. Танланган асарлар. Икки томлик. Т.2. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.)

Миллий ва умуминсоний қадриятларда аждодларнинг ҳаёт тажрибаси мужассамлашади. Аждодлар эъвозлаган қадрият, таомилларни унутиш эътиқодсизликка сабаб бўлади. Шафқатсизлик, ёвузлик эътиқодсизликдан келиб чиқади. Найман она афсонасида шу ҳақиқат таъкидланади. Хотирасидан маҳрум қилинганидан ўзининг исми, ота-онасини унутган Жўломон одамлик сиёғини йўқотади. Онаси елкасига осилиб, йиғлаб, нола-фарёд қилганида ҳам у бепарво туради. Чунки Жўломон онасининг аҳволини, уни деб қанча изтироб, машаққат чекканини мутлоқо ҳис қилмайди, тушунмайди.

Аксарият афсона ва ривоятлар Ватан озодлиги учун кураш ва севги-муҳаббат можаролари хусусида бўлиб, уларда эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги зиддият нақл қилинади. Чингиз Айтматов асарларидаги афсона, ривоятларда ҳам шу хусусда сўз юритилади. Шохдор она буғу тўғрисидаги афсонада бола ва қизча босқинчилар ҳужуми туфайли эл-юртидан ажралади. Найман она афсонасида Жўломон душманлар томонидан манқуртга айлантиради ва у ўз онасини отиб ўлдиради. Қадимдан кишилар бир-бирларига нисбатан турли ёвузликлар қилиб келади. Калтаклаш, дорга осиб, оёқ-қўл, бўйинни кесиб, қиздирилган темир босиб каби жазо усул-

лари азалдан қўлланади. Манқуртга айлантириш ҳам одамлар ўйлаб топган шафқатсизликларнинг бир тури саналади. “Манас” эпосида душманлари Манаснинг бошига хом терини ёпиштириб, манқуртга айлантirmoқчи бўлгани айтилади. Чингиз Айтматов: “Бундан ўн аср олдин куйланган ва ўшандан буён қаҳрамонлик, ватанпарварлик қомуси бўлиб келаётган қирғизларнинг “Манас” эпоси илк бора манқуртчилик тўғрисида гувоҳлик беради”, дейди (Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи зори. – Т.: “Шарқ”, 1998. – 140-бет).

Кишиларни тарихий ўтмиши, миллий урф-одат, таомилларидан айириш ҳам уларни манқуртлаштиришдир. Шўро замонида халқларни тарихи, миллий маданияти, тилидан узоқлаштириш сиёсати ўтказилди. Бу зўравонлик сиёсати “Оқ кема” қиссадаги Ўрозқул сингари кимсаларни етиштирди. Ўрозқулга ўхшаб, аждодлари эътиқод қилган қадриятларни топтайдиганлар шунинг учун ҳам хавфлики, улар ўз манфаати учун бошқаларга зулм ўтказиб, манқуртга айлантиради. “Асрни қаритган кун” романидаги Собитжон ота-онаси, қариндошлари, яқинларини назар-писанд қилмайди. Амалдорларга эса таъзим бажо келтириб, бошлиғига қуллуқ қилади. У “ҳали шундай вақтлар келадими, радио орқали автоматларни бошқаргандай одамларни ҳам бошқариш мумкин бўлади. Тушундингми, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган одамлар радио орқали бошқарилади... Одам нима иш қилса, марказдан берилган топшириққа мувофиқ қилади. У ўзига гўё ўз ихтиёри, ўз эрки билан яшаётганга ўхшаб кўринади, аслида эса юқоридан берилган буйруқ бўйича яшайди”, деб уқтиради. Ўрозқул ҳам, Собитжон ҳам манқурт бўлгани учун бошқаларни зўрлаб бўйсундириб, итоат қилдиришни истади. “Оқ кема” қиссасида Ўрозқулнинг мустабид-

лиги жуда таъсирчан очиб берилади. У: “Замонлар бўлган-ку, ахир, бошлар учиб кетган, ҳеч ким чурқ этмаган. Аксинча, кўпроқ яхши кўришган, кўпроқ куйлашган. Мана бу хўп замон бўлган-да”, дейди. Ўрозкул худди афсона, ривоятлардаги душманлар сингари ўзгаларга ҳукмронлик қилишни орзу қилади.

“Асрни қаритган кун” рамонидаги Раймали оға ва Бегимой тўғрисидаги ривоят севги-муҳаббат мавзусида бўлса-да, унинг ҳам марказида худди Найман она, Шохдор она буғу афсонасидаги каби эзгулик ва ёвузликнинг кураши туради. Ушбу ривоятда жоҳил кимсалар севишганларга қанчалик қаршилик кўрсатишгани таъсирчан нақл қилинади. Мазкур ривоят муайян даражада адибнинг “Жамила” қиссасини ёдга солади. Қиссада эри урушга кетган Жамила урушдан қайтган бошқа эркак – Дониёрни севиб қолгани ҳикоя қилинади. Ривоятда эса ўн тўққиз ёшли Бегимой олтмишдан ошган Раймали оғани яхши кўриб қолиши билан боғлиқ драматик воқеалар нақл этилади. Қиссада Жамила ва Дониёр бирга кетади. Оқин Раймали оғага эса одамлар “ақлдан озган” деб қарайди. Укаси Абдилхон уни банди қилиб, дарахтга боғлаб ташлайди. Ушбу ривоятда Абдилхон золимлик тимсоли бўлиб кўрилади. Жоҳил, золимларнинг бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, улар ҳеч қачон ҳақиқатни тан олишмайди, бошқаларнинг ҳам хоҳиш-истаги, кўнгли борлигига эътибор қилишмайди. Фақат ўзларининг манфаатини ўйлашади. Раймали оғанинг укаси Абдилхон, “Оқ кема” қиссасидаги Ўрозкул, “Асрни қаритган кун” романидаги Собитжон, Тансиқбоев, “Қиёмат” романидаги Обер Кандалов, Бозорбой ўз манфаати учун бошқаларни бемалол оёқ ости қилиб кетадиган худбин кимсаларнинг ёрқин образидир. Раймали оға қариндошларидан “Куй қуйилиб келса, куйламоқнинг нима айби бор?” деб

сўрайди. Унинг бу саволларига ҳеч ким, уруғ оқсоқоллари ҳам жавоб беролмайди. Лекин Раймали оғага: “Бутун умрингни тўй-томошоларда ўтказиб, дўмбирангни қорнини қашлаб, масхарабозлик қилиб келдинг – ҳаётингни бошқаларнинг кўнглини хушлашга сарфладинг, бебошлигингни шу пайтгача ёш деб кечириб келдик. Энди шартинг кетиб, партинг қолди, йўрғалик кетмайди, сендан ҳазар қиламиз, тақдирга тан бериб, охирашни ўйлашинг керак”, деб таъна қилишади. Уни жиннига чиқаришади. Абдилхон акасининг дўмбирасини синдириб, тўй, байрамларга миниб борадиган оти Саралани сўяди. Оқиннинг оёқ-қўлини чандиб боғлаб ташлайди. Абдилхоннинг бу ишидан жоҳиллик, золимлик турли кўринишда намоён бўлиши, лекин барчасининг моҳияти бир хил – бошқаларга жабр-зулм ўтказиш эканлиги аёнлашади.

“Асрни қаритган кун” романидаги “Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси асосида ҳам афсона туради. Ушбу роман 1980 йилда босилиб чиққан. Лекин ўшанда унга “Чингизхоннинг оқ булути” киритилмаган. Аниқроғи, цензура романнинг ушбу қисми эълон қилинишига йўл бермаган. Чунки унда мустабидлик сиёсати кескин қораланган. Қиссада афсона мисолида шўро сиёсати зўрликка асосланганига ишора қилинган. Чингизхон тўғрисидаги афсона роман сюжетида алоҳида тармоқ бўлса-да, у асарнинг умумий руҳига сингишиб кетган. Адибнинг олам ва одам тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалари роман сюжетидаги барча тармоқларни, жумладан, ундаги афсона ва ривоятларни яхлит қилиб бирлаштирган. Найман она, Чингизхон тўғрисидаги афсона, Раймали оға ва Бегимой тўғрисидаги ривоят умумбашарий нуқтаи назаридан ёритилиб, ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоларига ишора қилинади.

“Асрни қаритган кун”, “Қиёмат” романларида бугунги кун воқеалари турли усулда ўтмиш воқеалари билан боғланади. Уларда афсона ва ривоятлардан ташқари, қаҳрамонларнинг ўз кечмиши тўғрисидаги хотиралари ҳам бугунги кун муаммолари билан туташтирилади ҳамда асарнинг асосий моҳияти шу асосда очилади. “Чингизхоннинг оқ булуту” қиссасида ҳукмдорнинг боши узра бир парча оқ булут сузиб юргани, Чингизхон буни билгани, дастлаб бу хусусда унга бир мусофир қаландар хабар бергани, кейинчалик Чингизхонда бутун дунёга ҳукмронлик қилиш истаги пайдо бўлгани, у ана шу истагини амалга ошириш учун Фарбдаги юришда тўла ютиб чиқилмагунча лашкардаги аёллар бола туғишини тақиқлаш тўғрисида фармон чиқаргани, унинг фармонлари ҳаминша сўзсиз бажарилгани, итоат этмаганлар шафқатсиз жазолангани, шундай бўлса-да, юзбоши Эрдене ва байроқ тикадиган Дўғуланг лашкар Фарбга ҳарбий юришга кетаётган пайтда фарзанд кўришгани, чўри аёл Олтун Эрдене ва Дўғулангнинг аҳволига ачинганидан уларга ёрдам бергани, Чингизхон Эрдене, Дўғулангни дорга осинга буюргани, туядан дор ўрнида фойдалангани, бегуноҳ ёшлар омма олдида сазойи қилиниб, азоблаб ўлдирилгани, кекса чўри аёл Олтун чақалоқ билан чўлда ёлғиз қолиб, Худога илтижо қилганидан сийнасига сут келиб, чақалоқ уни эмгани, ўша мудҳиш воқеадан кейин Чингизхон тепасида сузиб юрадиган оқ булут кўринмай қолгани, шафқатсиз ҳукмдор буни билиб, хавотирга тушгани ва Фарбга ҳарбий юришга ўғилларини юбориб, ўзи орқага қайтгани нақл қилинади. Мазкур афсонада ҳам Шохдор она буғу, Найман она тўғрисидаги афсоналаридаги сингари она ёвузликдан ҳаммадан кўп азият чекадиган киши эканлиги кўрсатилади. Она ушбу афсонада ҳам табиатнинг ўзга хос рамзи саналади. Дўғуланг табиат унга ато этган вазифани

бажаради ва бегуноҳ қурбонга айланади. У жоҳил, мустабид кимсаларнинг хоҳиш-иродаларига, ўзи билмаган ҳолда қарши чиқади. Найман она ҳам ўғлини душманлар зулмидан қутқармоқчи бўлади. Дўғуланг ва Найман онанинг ўлими уларнинг қотилларига, барча золим, мустабидларга нисбатан нафрат уйғотади.

Чингиз Айтматовнинг санъаткорлиги шундаки, у асарларида шафқатсиз, золим кишилар образини фақат қора бўёқда кўрсатмайди. У бундай кишиларда ҳам озгина бўлса-да, инсоний хусусиятлар мавжудлиги, улар ҳам изтироб чекиши, йиғлашни маҳорат билан очиб беради. Адиб афсона, ривоятларни қаламга олганида ҳам қаҳрамонларнинг шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратади. Чингизхоннинг номи тилга олинганида барчанинг тасаввурини шафқатсиз, ёвуз кимса жонланади. Чунки бу босқинчи ҳукмдор кўплаб шаҳару қишлоқларнинг кулини кўкка созуриб, миллионлаб одамларнинг хунига зомин бўлган. “Қиёмат” муаллифи дунёга ҳукмронлик қилишни истаган ва бу йўлда беҳисоб қон тўккан мустабиднинг кўнгил кечинмалари, армон, изтироблари билан таништириб, унинг инсон сифатидаги мураккаб оламини очган. Чингиз Айтматов босқинчининг оддий одам сифатидаги ожизликларини таъсирчан манзараларда чизиб кўрсатган. “Чингизхоннинг оқ булуту” ҳажм жиҳатидан адиб асарларидаги энг катта афсона саналади. Шохдор она буғу, Найман она афсоналарида тўқима қаҳрамонлар образи яратилгани ҳолда, ушбу афсонада тарихий шахс — Чингизхон асосий қаҳрамон сифатида гавдалантирилган. “Чингизхоннинг оқ булуту” ҳам худди Найман она афсонаси, Раймали оға ва Бегимой тўғрисидаги ривоят сингари ўқитувчи Абутолиб Қутибоев образи орқали роман сюжетига узвий бирлаштирилган. Эрдене ва Дўғулангнинг қисмати билан Абутолиб ва Зарифа-

нинг тақдири ўртасида муайян яқинлик сезилади. Улар бир-бирларини жон-дилдан севишади. Лекин золимлар тазйиқи туфайли бахтли ҳаётга эришолмайди. Афсона қаҳрамонлари дунёни забт этмоқчи бўлган Чингизхоннинг амри билан ҳалокатга учрайди. Абутолиб ва Зарифа эса XX асрдаги мустабид сиёсатнинг манқурт ижрочилари зулмидан азобланади.

“Асрни қаритган кун”, “Қиёмат” асарларида ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш ва инсон дунёсини гавдалантиришда замонавий жаҳон адабиётидаги илғор тажрибалар мужассамлаштирилган. Бу мазкур асарларнинг композиция ва сюжет қурилиши, унда афсона ва ривоятларнинг жойлаштирилиши, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, кечинмаларининг улар хотиралари билан боғланиши ва энг асосийси, турли характердаги персонажларнинг ички оламидаги зиддиятларга эътибор қаратилишида кўринади. Романда Чингизхоннинг мустабид ҳукмдорлиги таъкидланиши баробарида, унинг оддий одам сифатидаги ички изтироблари, уни умр бўйи азоблаган, ҳеч кимга айтолмаган аламларини кўрсатишга кенг ўрин берилган. Ички дардлари, кечирган азоб-уқубатлари Чингизхоннинг шафқатсиз золимга айланишига сабаб бўлган, дейилади. Чингиз уйланганида меркет қабиласи босқин қилиб, унинг хотини Бўртени ўғирлаб кетган. Кейинчалик Чингизхон меркет қабиласининг кўп одамларини қириб, қолганини асир олиб, аламидан чиққан. Бўртени ҳам қайтариб олган. Лекин ўша босқин унинг қалбида тузалмас жароҳатга айланган. Юзбоши Эрдене ва каштачи Дўғулангнинг фармонга итоатсизлик қилиши Чингизхонга ўша мудҳиш босқинни эслатади. Чингизхон ўша мудҳиш воқеа учун хотини Бўртени айбололмаганидек, душманларидан ҳам қасос олиб қаноатланмаган. Асарда Чингизхонни азоблаган алам тўғрисида: “Тақдирнинг ўша зар-

басидан етган ўша жароҳатни ҳеч нарса даволай олмади. Хоқон шу битмаган ёмон жароҳат билан яшарди. Бу кўҳна жароҳатдан доим қон силқиб турар, бироқ уни ҳеч ким билмасди. Бўрте кейин унга тўнғич Жўжини туғиб берди. Чингизхон калласини бир жойга қўйиб, обдон ҳисоблаб чиқди – ундай олиб қараганда ҳам, бундай олиб қараганда ҳам тўғри чиқарди. Бола унинг ўз пуштикамаридан туғилган бўлиши мумкин эди, бўлмаслиги ҳам. Номаълумлигича қолган аллаким унинг номусини ерга уриб, шу билан бир умр уни ҳаловатидан маҳрум этди”, дейилган. Романда ёвузлик яна ёвузлик туғдириши, бу тугунмас жараён эканлиги шу тарзда очиб берилган. “Чингизхоннинг оқ булути”да ҳам, “Оқ кема” қиссасида ҳам одам табиатан шафқатсиз эмаслиги, уни ташқи муҳит таъсири, хўрлик алами азоблаб ёвузлаштириши қаҳрамон руҳияти таҳлили асосида кўрсатилган. Худди шу мақсадда Чингизхон, Ўразқул сингари кимсаларнинг ҳар хил ҳолати, қалбидаги зиддияти ёритилган.

Ҳаёт ҳар бир кишининг олдига ҳар дақиқада кутилмаган муаммони қўяди. Шунинг таъсирида одамнинг кайфияти, борлиққа, кишиларга муносабатида муттасил ўзгаришлар рўй беради. Шу боисдан “инсоннинг қалби роятда нозик” дейилади. Кишининг қалбида эзгулик ва ёвузлик ҳислари бир-бирига жуда яқин туради. Ана шундан қалбда зиддиятли кечинмалар кечади. Инсон ҳар бир нарсадан хавотир олади, иккиланади, шубҳа, гумонга боради. Одам аслида табиатидаги ана шу жумбоқ боис азобланади. Чингиз Айтматов турли характердаги қаҳрамонлар образини яратишда ана шу ҳақиқатдан келиб чиқади. Адиб асарларидаги Ўрозқул, Собитжон, Тансиқбоев, Обер Кандалов, Гришан, Бозорбой, Чингизхон сингари қаҳрамонлар адабиётда аввал яратилган шу типдаги персонажлардан анча фарқ қилади. Масалан, “Ўткан кун-

лар” романида Ҳомид, Холиқбек қўрбоши, Ўтаббой қушбеги, Содик, Мутал, Жаннат, “Меҳробдан чаён”да Абдурахмон домла, “Қутлуғ қон” романида Мирзакаримбой ва унинг ўғиллари, қизи фақат қора бўёқларда кўрсатилади. “Асрни қаритган кун” муаллифи эса Ўразқул, Чингизхоннинг ички оламини ҳар тарафлама очиб беради. Натижада, улар кишида ҳам нафрат, ҳам ачиниш ҳиссини уйғотади. Хотини, қайнатасини доим ҳақоратлаб, дўппослайдиган, бошқаларни итоатда тутиб, ҳукмини ўтказишни яхши кўрадиган Ўрозқул умри беҳуда ўтаётгани, фарзандсиз эканини ўйлаб эзилади. Портфелли бўлганини айтиб, унга пешвоз чиққан беғубор бола унинг ўғли эмаслиги, энди мактабга боришидан қувончи ичига сиғмаётган бир бечорага “ҳеч бўлмаганда бир оғиз ширин сўз айтиш учун ўзида куч тополмаганидан” ўксиб-ўксиб йиғлайди. Бутун дунёга ҳукмронлик қилмоқчи бўлган Чингизхон ҳам фарзанд кўрган аёлни бунчалар оғир жазога тортмай, уни афв этса ҳам бўлишини англайди, даҳшатли ўлим жазоси бечора бир аёлнинг чекига тушганини ўйлаб, ич-ичдан қўрқувга тушади. Унинг кўнглида меҳр-шафқат ҳисси ва ҳукмронлик иштиёқи ўзаро курашади. Изтиробли ўйлардан кейин у одамларни итоатда тутиб туриш, улусни ягона тартиб-қоидага қатъиян бўйсундириш учун қаттиққўл бўлиш зарур, деган хулосага келади. Чингизхоннинг ўйлашича: “Ҳар қандай олийжаноблик ҳамини ёмонлик келтиради – ҳокимият заифлашади, одамлар сурбет бўлиб кетади”. Бошқалардан устун туришни истайдиганлар ҳамма замонда ҳам шундай фикрлайди. Улар ўзларининг зулм, зўравонликларини шундай деб оқлашади. Бошқаларга тазйиқ ўтказиш, зўравонлик қилиш эса ҳеч бир замонда одамларга ҳам, Худога ҳам хуш келмайди. “Асрни қаритган кун” романида айни ҳақиқат Чингизхон тўғрисидаги афсона

асосида очиб берилади. “Чингизхоннинг оқ булут” афсонасининг асосий ғоясини шу белгилайди. Чингизхон юзбоши Эрдене ва каштачи Дўғулангни фарзанд кўргани учун ўлдиртиради. Дунёга ҳукмдор бўлишни истаган хоқон бу ишни бошқаларни қўрқитиб, итоатда тутиб туриш мақсадида қилади. Бундай ноҳақликдан кейин эса доим тепасида сузиб юрадиган булут уни тарк этади. Хоқон буни дарҳол пайқаб, кўк осмон мандан юз ўтирди деб қўрқувга тушади. Унинг бу ҳолати ҳақида: “Хоқон қалтираган кафтларини пешанасига соябон қилиб, хавотир ва ташвиш ичида кўк юзига кўз соларди. Йўқ-йўқ, энди оқ булут на ортда, на олдинда, қайда қолган, қайда тўхтаган, ном-нишонсиз кўринмасди. Мана шундай ҳеч кутилмаганда ғойиб бўлди. Унинг боши узра соя солган оқ булут. Шу ғойиб бўлганча қорасини кўрсатмай кетди. Булут хоқонни тарк этди”, дейилади. Бу булут Чингизхон ота-онасини қатл қилдирган етти кунлик чақалоқ билан чўлда ёлғиз қолган чўри аёлнинг боши узра суза бошлайди. Шунда фарзанд кўрмаган кекса кампирнинг сийнасига сут келади. Бу ғаройиб ҳодиса: “Камоли ҳайрат ичида у эмчагини яна бола оғзига солди, кейин яна уни оғзидан аста олиб, яна сут баралла оқаётганини кўрди. Унинг кўкрагига сут келибди! Энди унинг бутун аъзойи баданига куч-қувват ёйилиб кираётганлигини аниқ ҳис қилди.

– О, Худойим! – беихтиёр тўлқинланиб кетиб деди чўри Олтун. – Сут келибди менга! Чинакам сут! Эшитяпсанми, кичкинтойим, энди мен сенга она бўлдим! Оҳимиз осмонга етиб борди!..

Рўй берган воқеадан лолу ҳайрон Олтун жимиб қолди, вужуди қизиб кетди, пешанасига тер чиқди. Поёнсиз яйдоқ чўл уфқларига кўз югуртириб, у бирон қимирлаган тирик жонни кўрмади. Фақат қуёш кўкда нур сочар ва боши узра ёлғиз оқ булут айланарди.

Оғзи сутга тўлиб, тўйиб эмган бола кўзи уйқуга толди, чўрининг ярим букилган қўлида қулайгина жойлашиб олган вужудчасини эмин қўйиб юборди, бўшашди, бир маромда нафас олди. Хотин бечора бошига тушган барча кўргилик-шўришларни унутиб, яқингинада қулоғини батанг қилган довулларнинг қаҳрли суронидан қутулиб, ўзини аста-секин ўнглади, илгари ҳеч бир туймаган оналик — бола эмизиш ҳиссиётлари лаззатларига ғарқ бўлди. Шунда у ер, осмон, сут шарофат ва саховатга тўлиқ ягона бир яхлит нарса эканлигини алланечукдир сизди..." деб тасвирланади.

Она фарзанд кўрганида вужудидан сут сизиб чиқади. Бошқа пайтда ҳар қанча уринганда ҳам бундай бўлмайди. Ерда, сувда яшайдиган жонзотлар ҳам, одамлар ҳам сут эмиб улғаяди. Сут дунёга келган гўдакка ҳаёт бахш этади. Бошқа ҳеч бир нарса унинг ўрнини босолмайди. Бу илоҳий неъматда тирик вужуднинг яшаб улғайиши учун зарур барча унсурлар мужассам. Она фарзанди эмаётганида вужудидида мислсиз лаззат ҳис қилади. Ана шу фароғат онани бир умр фарзандига меҳр ришталари билан боғлайди. Ҳеч ким она каби фарзандига меҳрибон, ғамхўр бўлолмайди. Она ноқобил, уни ранжитадиган фарзандини ҳам яхши кўради, уни кечираверади. Найман она ўғлига меҳри туфайли ёлғиз ўзи душман манзилига йўл олади. Шохдор она буғу ҳам она бўлгани учун бегуноҳ болаларни бағрига олади. Чингиз Айтматовнинг афсоналарни фалсафий талқин этиши улардаги она образининг гавдалантирилишида яққол кўринади. "Чингизхоннинг оқ булут" да чўри Олтун етти кунлик чақалоқ очликдан чинқираб йиғлаганида тоқат қилолмай, бегуноҳ гўдакка: "Сутим бўлса, сен етимчага аллақачон бермасмидим! Чапиллатиб эммасмидинг! Ма, ол! Ўзинг кўр, балки шундан кейин мени қийнашни бас қиларсан!" деб бақиради. Сийнаси-

дан сут чиқиб, гўдак уни тамшаниб эмаётганда эса: "Оҳимиз осмонга етиб борди! Сен менинг азоб билан топиб олган боламсан!" деб беҳад қувонади.

Адиб шу тарзда инсон дунёсининг мураккаблиklarини кўрсатади. Найман она ҳам "Ўша манқурт менинг ўғлим бўлиб чиқмасдан бошқа бир бахти қаро гумроҳ бўлиб чиқсин" деб илтижо қилади.

Адиб барча асарларида инсон дунёсига турли ракурслардан қарайди. У қисса, романларида ўз манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиш истаги кишилар табиатига чуқур сингиб кетгани, ҳаётдаги барча муаммолар айнан шундан келиб чиқишини кўрсатади. Чунки ҳар бир одам бутун ҳаёти давомида ўз манфаати ва камолоти сари интилади. Лекин бу ҳеч бир кишининг қабиҳлигини оқлаш учун асос бўлолмайди. Чунки ҳар қандай қабиҳлик жиноятдир. "Тоғлар қулаётган замон" ("Мангу қаллиқ") романида табиат ҳам одамларнинг бир-бирига адоватидан азият чекиши таъкидланади. Адибнинг сўнги асари бўлиб қолган мазкур романда "Мангу қаллиқ" афсонаси нақл қилинади. Афсонада севишганлар ҳасадчилар фитнаси туфайли бир-биридан айрилгани ҳақида сўз кетади. Фитначилар тўй куни келини "севган йигити билан кечаси қошиб кетди" деб гап тарқатиб, уни ўғирлаб кетишади. Лекин дарёдан ўтишда фитначилар ҳалок бўлиб, қиз омон қолади. У тўй ўтган жойга қайтганида куёвнинг тоғларга бош олиб кетганини эшитиб, ўша томонга йўл олади. Куёвни ҳам, келини ҳам ҳеч ким тополмайди. Куёв тоғларга кетишидан олдин одамларга: "Буткул одам зотини қарғайман! Одам бўлгандан кўра ҳайвон бўлганим яхши... Дунёда биронта одамни кўргани кўзим йўқ ва бундан буён мени ҳеч ким кўрмайди", деб айтади. Афсонада одамларнинг фитнасидан бутун борлиқ даҳшатга келиши, қуёш ҳам фитнани сезиб қолгудай бўлса, номусдан юзини яшириб, осмонга тескари қараш

таъкидланади. Овчи йигит ва гўзал қизни бир-бирдан айирган ҳасадчиларнинг макри ҳақида: “Агар ўша фитнани дарё билиб қолганда эди, дарё ҳам тескари оққан бўларди. Булутлар сезганда эди, бу ердан тўйни узоқроқ пок даштга олиб кетиш учун жала ёғдирган бўлар эди”, дейилади. Ушбу афсона асар сюжетини яхлит бирлаштириб туради. Адиб афсона билан боғлиқ саҳифаларда ўзини азоблаган аламли ўйларни ифода этади.

“Охирзамон нишонлари” романида қаҳрамоннинг океан устида иккита қуёш пайдо бўлиб, сувнинг чидаб бўлмайдиган даражада қайнаб кетганини туш кўриши, бу фалокатдан қутилиш учун китларнинг ўткир учбурчак ҳосил қилганча уфққа қараб сузиши, у қутирган океанда китлар билан ёнма-ён сузиб бораркан: “Океан қайнаб кетади ва биз ҳаммамиз нобуд бўламиз!” деб бақариши баён этилади. “Китлар – очик океанлардаги радарлардир, улар коинотдан келадиган сигналларни сезишади, эҳтимол, вулқонларнинг отилиши яқинлашганини худди ўша китлар биринчи бўлиб сезиб олишади ва ернинг ички энергияси сиқувидан сассиз ўкиришади, лекин улар учун, ҳар қандай кемалар ҳам бас кела олмайдиган даҳшатли пўртана ва тўфонларга метиндек бардошли бу жониворлар учун энг даҳшатлиси инсон ақли етмайдиган, пайқамайдиган ҳолат, яъни носоғ ижтимоий муҳитнинг, одамлар қилган ёвузликларнинг сигналлари таъсирида дунёвий руҳ мувозанатининг бузилиши бўлса керак. Афтидан, китлар учун энг даҳшатлиси ана шу... Китлар инсон хулқидаги нопокликларга, шафқатсиз ва даҳшатли ёвузликларга чидай олмайди... Қаердадир бизнинг орамизда, муҳитимизда ўпирилиш, емирилиш, ахлоқий бузилиш рўй беради, ёвузлик ва қўрқинчнинг кўринмас радиацияси ўша ўпирилган муҳитдан дунё бўйлаб тарқалади, дунёвий адолат бузилади, ўйлайманки, шундай адолат

бор нарса, ҳаёт издан чиқади, шундан кейин китлар бардош бера олмайди ва жунбишга киради, сузиб келиб, ўзини қирғоққа отади ва ўзини-ўзи ҳалок қилади”, дейилади. Қаҳрамон тилидан айтилаётган айни сўзлар аслида адибнинг азобли ўйлари, унинг дарди, изтироби экани аниқ англашилади.

Одам қандай фикрласа, у шу тарзда ҳаракат қилади. Кишининг интилиши унинг фикри, ички ўйларга мувофиқ кечади. Чингиз Айтматов ҳам қаҳрамонлари образида айни ҳақиқатни гавдалантиради. “Оқ кема” қиссасида Ўрозқул, “Қиёмат” романида Обер Кайдалов, Гришаннинг кўнглида ўзгаларга зуғум ўтказиш истаги ҳукмрон бўлгани боис улар бошқаларга тазйиқ ўтказиши, аёвсиз азоблаши кўрсатилади. “Асрни қаритган кун” романида мустабид ҳукмдорларнинг кечинмалари ва ҳаракат-амаллари Чингизхон образи орқали очиб берилади. Адиб афсоналар персонажлари хатти-ҳаракатларини ҳам уларнинг ўй-фикрлари, ҳаётга қарашлари асосида ёритади. Найман она, унинг ўғли манқурт Жўломон образида ижодкорнинг айни маҳорати ёрқин намоён бўлади. Аёл муқаддас зот эканлиги Найман она, “Чингизхоннинг оқ булутини”даги каштачи Дўғуланг, чўри Олтун образида гавдалантирилади. Найман она, Дўғуланг фарзанди учун ҳалок бўлади. Чўри Олтун гўдак учун ҳаётини хавф-хатарга қўяди. Уларнинг кечинмалари хатти-ҳаракатларида фақат аёлларга хос фидойилик, оналаргагина хос меҳр мавжланади. Шунинг учун ҳам улуғ мутафаккир адиб Робиндранат Тҳакур: “Аёллар маъбудалардир... Аёллар ўзларини фидо қилиш учун яратилган. Улар болага ҳаёт бағишлайдилар, сиртдан ҳеч қандай мадад олмай туриб, ўз танларидан таом чиқариб берадилар”, дейди. Чингиз Айтматов ҳам асарларида, хусусан, улардаги афсоналарда аёл-она та-

биатига сингдирилган ана шу сир-синаот тўғрисида сўз юритади.

Халқ оғзаки ижоди мислсиз маънавият хазина-сидир. Чунки мақол, қўшиқ, эртак, афсона, ривоят, дostonларда ҳар бир халқнинг турмуш тажрибаси, тарихи, орзу-умидлари, тафаккури мужассамлашади ва ҳаётнинг муайян ҳақиқатлари ифодаланади. Улар турмуш билан боғлиқ турли муаммо, жумбоқларни англаш, идрок этишга имкон беради. Халқ оғзаки ижоди санъатнинг энг ажойиб намуналари сингари кишиларнинг ҳиссиётига таъсир этиб, ақлини озиқлантиради ҳамда ҳар қандай суҳбатга файз киритади. Улар роман, қисса, ҳикояларга ҳам фавқулодда таъсирчанлик бағишлайди. Чингиз Айтматов роман, қиссаларида ҳам афсона, ривоятлар шундай аҳамият касб этади. Уларнинг барчасида эзгулик ва ёвузлик ўртасида мурасиз кураш кўрсатилади. Афсоналарда нақл қилинган воқеалар ҳаётийлиги билан эътиборни торади. Шохдор она буғу, у улғайтирган бола ва қизча, Найман она, унинг манқурт ўғли Жўломон, Раймали оға ва Бегимой, Исо алайҳиссалом ва Понтий Пилат, Чингизхон, Эрдене ва Дўғуланг, чўри аёл Олтун, ҳасадгўйлар фитнаси туфайли бир-бирига етишолмаган овчи йигит ва қиз образи жуда таъсирчан яратилган. Уларнинг бошидан кечганлари, хатти-ҳаракатлари аниқ баён этилгани боис ушбу афсона, ривоятлар худди ҳаёт воқелиги каби кишини ўйга толдиради.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

“ЮЗМА-ЮЗ” БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

1956 йил. Бир-икки мақоласи, тўрт-беш ҳикоя-сигина босилганига қарамай, бошқа ҳеч бир машғулотида бунчалик руҳ ва завқ ололмаган ёш Чингиз ниҳоят адабиёт қисмати эканини англаганида йигирма саккиз ёшда эди. Шу илк асарларининг ўзиёқ уни умидли ижодкорлар сафига қўшди, Москвада ўқишига йўл очди. У адабиёт сари бутунлай юз бурганда жаҳон, хусусан, собиқ мамлакат тарихида ҳам зўравонликдан жиндаккина тенгликка, эркинликдан эркинликка, адолатсизликдан адолатга бурилиш палласи бошланган бўлиб, кечган воқеларга келгусини ўйлаб бир қайрилиб қараш, кўпдан-кўп хатоларни тан олиш, тўғрилаб бўлмаса-да, иқрор бўлиш замони эди... Адабиёт аҳли учун ҳам қатор ўн йилликлар оша, жуда қисқа муддатга эса-да, осмон очилиб келарди...

“Улуғ дохий” ўлиб, неча бир тараддуд, ҳозирланиш, ҳадиксирашлардан кейин биринчи марта унинг сиёсати танқид қилинган, шахсга сиғиниш деб қораланган эди. Демакки, қарийб ўттиз-ўттиз беш йил дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган мамлакат одамлари бошидан кечирган яхши ва ёмон кўргуликларни бир назардан ўтказиб, қайтадан баҳолаш, шу пайтгача айтилиб келинган ҳукмрон фикрнинг асосий ғояларига содиқ қолган ҳолда, ўша ҳукмфармоликни янги ниқобга солиш, вақтинча юмшатиш замон тақозоси эди. Иккинчи жаҳон уруши мусибатлари, унгача ва ундан ке-

йинги ички душман излаб қилинган пайдар-пай қаторлардан ҳам жуда безилган эди... Бу янгилаш, руҳланиш учун ҳам эски қарашларда суяги қотмаган, зулму зўровонликларда синмаган, ҳур фикрли, ўзига ишонган, янгича қарашли, фикр, тасвир, баҳо, таъсир билан, туғма онг ва туйғудан кўз очганлар керак эди.

Умуман, ҳар қандай янги, асл қарашли ижодкор эркинликдагина кўз очади, омади олчи бўлади... Эркинлик имконияти адибнинг туғилиши. Шундай қилиб ёш адиб Айтматовнинг бошиданоқ манглайи порлади. 1956 йил уч ёқлама унинг фойдасига кечди. Жамият янгилашни, тозаришни истади. Зулмни, адолатсизликни, қулликни қоралади. У чуқур адабий илм олиши учун дунё адабиётининг марказларидан бирига йўл олди. Ўзини бутунлай адабиётга бағишлаганга чоғлади. Жони жаҳони билан ижод ва мутолаа оламига шўнғиди. 1957 йили анчадан буён ўйлаб юрган биринчи асарини битди. "Юзма-юз". Қисса номининг ўзи нафақат кўп нарсани аңглатар, балки хўб воқеликни ваъда ҳам қилар эди...

У танлаган воқеа одатдаги воқеа эмасди. Урушдан қочган инсон тақдири. Қочоқлик, қўрқоқлик ҳеч қачон ҳеч қайси жамиятда, ҳеч бир динда оқланмаган. Эл-юрти учун ҳар қанақа кўргиликка тайёр туриш, Ватан учун керак бўлса, жонини фидо қилиш ҳамиша шараф ҳисобланган. Шунинг учун уруш бошлангач, асосан миллий ўлкаларда унуттирилган қаҳрамон шахслар ҳақида ҳам мардликка даъват сифатида асарлар ёзишга руҳсат бўлди. Ким ўйлабди дейсиз, шундай пайтда ижодини эндигина бошлаётган ёзувчи қочоқлик мавзусини олиб чиқади деб... Албатта, бу мавзу бутунлай янги эмас, биргина Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" романининг кичик бир эпизодини эслаш кифоя... Бироқ совет адабиётида ҳеч кутилмаган, шу пайтгача кўрилмаган воқеа эди... Ҳолбуки, энг сўнги

уруш қаҳрамонликлари қаторида халқ ичида бу мавзуда ҳам кўп гапириллар, турфа аччиқ ва кулгули хангомалар тилдан тушмас эди. Зеро, уруш бу фавқуллоҳда вазият, ўлим билан кутилмаганда юзма-юз келиш экан, ўлимдан қўрқиш, яшашни хоҳлаш туйғуси ҳар бир уруш қатнашчиси кўнглида бош кўтармаслиги мумкин эмас. Буни уруш кўрганларнинг ўзи айтсин...

Айтматовнинг "Юзма-юз"ига асос бўлган воқеа ҳам айни ҳаётдан олинган. Айни уруш кетаётганда овулидан чиққан биринчи қочоқнинг ожизлиги, яқинларидан тортиб, оғир аҳволдаги қишлоқдошларига, ҳатто, тирикчиликлари аранг ўтаётган Чингизлар оиласига ҳам зарари ёш қалбга шунчалик кучли таъсир қилган эдики, орадан қарийб ўн олти, ўн етти йил ўтганида ҳам хотирасидан чиқмайди. Қандай бўлса, шундай тасаввур қилиш учун қочоқнинг номини ҳам ўзгартирмайди. Исмоил.

Адиб кўрган-эшитганлари қаторида, бу воқеани қоралаш нияти туғилгач, Исмоилнинг қандай одам бўлганини ҳар томонлама суриштириб, шахсидаги мураккабликлар ва урушдан қочишдаги сабаблари борасида чуқур ўйлаган, албатта. Бироқ ўша замон сиёсати бунга қандай нуқтаи назардан қарашини ҳам унутмаган. Ўз режалалаганларидан имкон қадар мумкинларини қоғозга туширган. Бундан қатъи назар, шунинг ўзи ҳам катта жасорат, инсонни тушуниш эди. Истеъдоди боис қисса ярқ этиб чиқади, холис ва фикрчан ўқувчига манзур бўлади. Асардаги Саида меҳр-муҳаббатли, садоқатли аёл. Эрини тутиб беришидаги ҳолати ҳам тузумнинг хизматкори бўлганидан ёки жазодан қўрқанидан эмас, балки инсоннинг биринчи белгиси одамийликни Исмоил бой берганидан кейингина, бундан жуда қаттиқ изтиробга тушганидан юз беради. Ўқувчи уни тушунади.

Биринчи қиссадаёқ Айтматов феноменининг дилбар ва асир этувчан томони ҳар бир шахс, ҳар бир жамият, ҳар бир маданият вакилининг асл фикри, юракдаги ҳақиқатини тараннум қилишидир. Саида урушдан қочиб келган эрини биринчи кўрганда унга “Энамнинг боласи”, деб мурожаат қилади. Бунда эрига эҳтиром унинг онасига ҳурмат, жигарлик, муслималик ҳаёси киши қалбини ёруғликка тўлдиради. Саида шунақа яхши қалб эгасики, у бошқаларни қувонтиришдан қувонади, дардига шерик бўлиб куюнади ёки кулфатига ўзини айбдор санаб, икки томонлама қийналади. Унинг: “Асраса ўзининг бошини асрабди, бу менга Яратганнинг марҳамати”, дея таскин топиши ва одамлардан тобора узоқлашиб, айниқса, Мирзақулга ўхшаганлардан қўрқиб юриш ҳолатлари инсон хатти-ҳаракатининг шунақа нозик ва чин топилмаларики, асарни ўқиган китобхон қалбида тирик инсон каби ўрнашади. Ўй-хаёлларига кескин таъсир қилади. Шунинг учун унинг бир кечада сочлари оқариб кетганига ишонамиз. У эрининг яширинган жойини кўрсатишга йўл оларкан, нега шу билан овулдан бош олиб чиқди? Чунки энди бу ерда ўзи билан ҳамнафас яшайдиган чин одам қолмаганидан, боласини ҳам бу одамлик қиёфасини йўқотгандан асраши кераклигидан. Саиданинг Исмоил милтиғига тўғри, боласи билан қорама-қора бориши, ўзини фидо қилиб бўлса-да, эрини инсофга чақиришидир. Шундан кейин Исмоил яширинган жойидан чиқиб, милтигини синдириб, таслим бўлади.

Исмоил қўлини кўтариб, Саиданинг рўпарасидан чиқиб келар экан, бутунлай бошқа бир улуғвор аёлни кўради. Аёлнинг унга тик боққан кўзлари жиққа ёш эди. Бу жиққа ёш Исмоилга, унинг қисматига ачинишдир. Бу Саида ҳолатидан келиб чиқиб ифодаланган ачиниш Айтматовники, унда

нафратдан кўра меҳр-шафқат, қайғуриш изтиробини бениҳоя юксак ва кучли...

Асар адабиётда янги адиб пайдо бўлганидан дарак беради, кўпчиликка маъқул бўлади, аммо кескин танқидга ҳам учрайди. Айтматовга ҳасад қилган қаламкашлар: “Бу ёш бола қирғиз халқини иснодга қўйди, элимиз орасида урушда қаҳрамонлик кўрсатганлар озми, бу эса бир қочоқни қаҳрамон қилиб кўрсатибди”, дея йиғинларда айюҳаннос солишиб, уни тийиб қўйиш пайида бўлишди. Инсоннинг феъли ажабланарли: бошқаларнинг ожизлигини очишни, гапиришни хуш кўради, ўзиникини холис кўрсатганни эса душман билади, ҳеч кечира олмайди. “Юзма-юз” қиссаси, айниқса, адибнинг овулдошларига, хусусан, Исмоилнинг қариндошларига қаттиқ ботади.

Кўп ўтмай “Жамила” қиссаси довруғ таратгач, бир муддат “Юзма-юз” унинг соясида қолгандай бўлди, шунинг учун ҳам кўплар биринчи муваффақиятли асари сифатида “Жамила”ни тилга олишади. Шундан бошлаб беш йил орасида ёзилган яна уч қисса қизгин кутиб олиниб, собиқ иттифоқнинг энг олий мукофотига лойиқ кўрилганда ҳам “Юзма-юз” бу эътирофдан чеккада қолди... Аммо ўқувчи эътиборидан қолгани йўқ. Қирғизистон драма театри қисса асосида тайёрлаган спектакль томошабинларга манзур бўлди. Бу томоша билан ўлканинг чекка жойларигача борилди. Жумладан “Юзма-юз”ни Шакар овулига қўядиган бўлишади. Юрт пойтахтидан ташриф буюрган машҳур артистларнинг чиқишини кўриш учун кўпчилик йиғилади. Аммо асар бутун овулни уятга қўйган қочоқ Исмоил ҳақидалигини билишгач, томоша жойига ёприлганларнинг умумий ҳолати кескин ўзгаради. Ким қочоқ Исмоилдан нафратланган, бошқа биров адибдан ўпкалаган, ким Саиданинг фидойилигига қойил, ким у эрини ушлаб бергани учун садоқат-

сизлигидан алағда бир ҳолатда, айниқса, Исмоил ролини қойилмақом қилиб ижро этаётган машҳур артист Арсен Умуралиевга нисбатан нафратлари жўшиб бораверади. Ҳатто кимдир саҳнага тош ҳам отади. Шунда ушбу образ фожиясини чуқур ҳис этган санъаткорнинг миясида бир фикр чақнайди. У асар қаҳрамонини овулдошлари теран тушуниши учун саҳнадан шахд билан тушиб, томошабинлар ўртасига боради ва энсаси қотиб турганларга тўғридан-тўғри мурожаат қилиб, ҳайқиради: “Ҳа, мен ўша Исмоилман, овулдошларингиз ичидан чиққан қочоқ Исмоил. Сизларни иснодга қўйган Исмоил... Хато қилдим. Аммо бунинг бош айбдори мен эмас, уруш эмасми?! Ҳа отинг ўчгур уруш. У қанчаларнинг ёстигини қуритди. Мен ўлишни истамаганимдан хато қилдим. Шунга мажбур бўлмаганимда, яшашни жуда истамаганимда шундай қилармидим?!” дейди-да, яна шитоб билан саҳнага чиқиб кетади... Спектакль тугагач, ҳалиги ўпкачи томошабинлар Исмоил – машҳур артистни ўраб олишиб, айбдорни кечиришгандай, уни олқишлашади, гулларга кўмиб ташлашади...

Ҳаётдаги Исмоил феъли тез, безори табиат, урушдан қочгач, ўн йилга кесилиб кетади. Жазо муддатини ўтаб қайтгач, оила қуриб, ҳамма қатори яшайди. Албатта, унга ҳам овулдоши Тўрақулнинг ўғли у ҳақида ёзганини оқизмай-томизмай етказишади... Адибнинг хотирлашича, у бундан хафа бўлмаган, балки Чингиз мени машҳур қилиб юборибди, дея кулиб қўйган экан... Ҳарқалай, у ҳам аноий одам бўлмаган, йиллар ўтиб, ўз хатосини шу асар боис чуқурроқ англаган кўринади. Негаки, анча йиллардан кейин, адиб Исмоилдан хат олади. У хатида шундай ёзган эди: “Мен сендан хафа эмасман. Ўшандаги ҳолатимни яхши тушунасан, деб ўйлайман. Мен урушдан қочган бўлсам ҳам, икки ўғлим

аскарликда бўлишди, бири ҳатто денгиз флотида хизмат қилди”.

Чингиз Айтматовнинг ижодий йўли “Юзма-юз” билан бошланган эса-да, ундан адибнинг ўзи ҳам кўнгли тўлмаган эди. Ҳолбуки, бу асар шу ҳолида ҳам баҳордан дарак момақалдироқнинг биринчи гулдираши каби адабиётни янгилаган, эркинликда туғилган, мавзуси қалтис асар сифатида бошқаларни ҳам журъатлантирган, худди шу мавзудаги асарларнинг қалдирғочи эди. Эҳтимол, буни собиқ иттифоқдаги кўпгина халқ адабиётидан ҳам топиш мумкиндир. Дейлик, атоқли адибимиз Саид Аҳмад яратган салмоқли “Уфқ” трилогиясининг бирида талқин қилинган қочоқ Турсунбой фожиясини эслашимиз мумкин. Ҳатто, рус адабиёти ҳам бундан мустасно эмас. Эндиликда XX аср рус прозасининг забардаст вакилларида бири Валентин Распутиннинг “Омон бўлсанг, унутма” қиссаси шу мавзуда эканидан ташқари жуда кўп персанаж ва образлари “Юзма-юз”ни эсга солади. Бу икки қисса бир-бирига жуда яқин ва бир-биридан жуда узоқ асарлардир. Яна ҳам аломатлилиги бу икки асар бир-бирининг такомил учун хизмат қилган, бир-бирига ижобий таъсир этганлигидир.

Одатда, аввал яратилган яхши асарнинг кейин кўз очганига бевосита ёки билвосита таъсир қилиши тушунарли. Худди шундай Айтматовнинг асаридан қарийб йигирма йил кейин яратилган Распутиннинг “Омон бўлсанг, унутма” билан “Юзма-юз”даги Исмоил билан Андрей Гуськов, Саида билан Настена қисмати, ҳатто Бексоат кампир билан Семёновна – кимга она, кимга қайнана, қўшни Тўтиной ва унинг уч боласи, хусусан Ҳасантой ила, ҳамсоя Нодька ва уч чурвақаси, инчунун Петькаси, Мирзақул ва Мишка батракнинг умумий миссияси шунчалик бир хил ва бир хил эмаски, бирининг хатти-ҳаракати, фикри-ўйини кўриб, уни

иккинчи асардагига солиштиришдан ўзингизни тия олмайсиз. Албатта, икки адиб ҳам ўз қахрамонларини кимдандир улги олиб эмас, ҳаётдан, ўз билган-кўрган кишилари орасидан танлаган. Аммо Распутин Айтматовникидан хабардор бўлган, эҳтимол, елкаси оша “Юзма-юз”нинг қахрамонлари боқиб турганини ҳис қилиб турган. Айтматов асарини йигирма тўққизида битган, Распутин эса насрда анча тажриба орттиргач, қирқнинг устида. Ҳажм жиҳатидан Айтматовники сиқик, Распутинники эса тўрт-беш баробар кўламдор. Распутин асари нашр этилиши билан доврўқ таратади, Давлат мукофоти билан тақдирланади. Адиб ижодида ҳам, янги рус насри тараққиётида ҳам ёрқин из қолдиради.

Камина бундан ўттиз йиллар олдин Распутин асари илк бор қўлимга тушганида қўлдан қўймай ўқиган ва у “Юзма-юз”нинг таъсиридан холи бўлмаган ҳолда ундан-да гўзал чиққан, фожиаси яна ҳам чуқур ифодаланган, деган фикрга борганман... Буларни мен икки асарнинг қахрамон аёллари Саида ва Настенанинг тақдирларини солиштириб, шу фикрга келганман. Саида Исмоилнинг касрига қолиб, анча-мунча изтироблар чеккан эса-да, охири қочоқ эрни қилмишларига яраша ҳукумат кишиларига тутиб берди, қайси маънодадир, ўша замон мафкураси руҳида эр-хотинлик бурчига хиёнат қилди. Қўшниларининг бошига тушган кўргулигини ўзиникидан устун қўйди. Боласи омон, ўзи ҳам эҳтимол яна ҳаётини қайтадан бошлаши, ким биландир тақдирини боғлаши мумкин... Настена эса ўлимга маҳкумни қутқараман деб, охири ўзини, яна ҳам фожиалиси қорнидаги боласи билан дарёга ташлади, чўкиб кетди...

“Омон бўлсанг, унутма” яратилганидан яна ўн йил ўтиб, ўзининг илк қиссасига қайтган Айтматов шундай эътироф этади: “Дарвоқе, менинг қахрамонларим тушган ҳаётини коллизия, кейинчалик,

аниги салкам икки ўн йилдан сўнг Валентин Распутиннинг “Омон бўлсанг, унутма” қиссасида ўз тасвирини, ҳатто менимча, янада ёрқинроқ тасвирини топди”. Катта адибдагина шундай мардона эътироф бўлади. Ўзи ёзган мавзуда яна бир асар кўз очар экан, у бу асарни бир ўқувчи мухлис, мунаққид, тадқиқотчи каби қизиқиб мутолаа қилиши қаторида, албатта, уни ёзувчи сифатида ҳам синчиклаб кўздан кечиради. Ўз асаридан қониқмаган Айтматовга йигирма йил кейин яратилган Распутиннинг “Омон бўлсанг, унутма”си туртки беради. Қиссаси яратилганидан ўттиз йил ўтиб, асарига қайтади. Ҳамма ҳам эътибор беравермайдиган ўзидаги деталь Распутинда қандай ривожлантирилганини у шундай баҳолайди: “Мана энди асаримни қайта бичиш пайтида туйқус кўрдимки, икки-уч жумлада бўлса-да, менда ҳам ўша мотив мавжуд экан. Лекин маълум бўладикки, гумон тасдиқланмагач, кўрқув унутилади, аёл тинчланади, Распутинда эса бутун ажойиб қисса шу мотив устига қурилган”.

Гап Исмоил урушдан қочиб келгандан кейин, бир сафар Саида боши айланиб кетгач, яна бўйимда бўлиб қолмадими, дея бир лаҳза ташвишга тушиб қолгани ҳақида борапти. Вазият бир хил бўлгани билан тақдирлар бошқача эди. Айтматовга воқеани бунақа тарзда ривожлантириш керак бўлмаган. Распутинга эса айна шу керак эди. Шунинг учун ҳам бу асарлар вазияти ниҳоятда ўхшаш, аммо бир-бирини қайтармаган ҳолда, бир-бирини юксалтирган ўзига хос гўзал асарлардир... Айтматов “Юзма-юз”ни ёзганидан сўнг, орадан ўттиз бир йил ўтиб, унга янги боб қўшаркан, янги таҳририга эҳтиёжини шундай тушунтиради: “Ўша кезлар цензура талаблари бўйича воз кечишга мажбур бўлган асарим тақдирини чигаллаштириши мумкин бўлган айрим боблар, қахрамонларимнинг айрим ҳаракатларини қайта тиклашга қарор қилдим...”

Аввалги таҳрирда бу зиддият бир мунча четлаб ўтилган, бунга биз бир пайтлар синфий кураш омили деб ўйлаганимиз қулоқлаштириш мавзуси муайян роль ўйнаган эди. Қулоқлаштириш чиндан ҳам синфий кураш бўлиб, бу кураш соғлом кучлар, меҳнаткаш деҳқонлар психологиясига қарши қаттол кураш эди. Худди шу зиддият, ўша тўқнашув, ушбу қарама-қаршилиқ менинг қочоқ қаҳрамоним тақдирига таъсир ўтказди... Фикримча, мен қай бир даражада қиссам тўқис ҳолда ёзилиши керак бўлган дастлабки ниятни ҳарқалай, яна таъкидлайман, кўп йиллар ўтган эса-да қайта тиклашга эришдим". Адибнинг "қайта тиклаш" деганини унутмайлик. Бугун қўшдим, демаяпти, балки...

Қиёсий мулоҳазамизни Распутиндан бошлай қолайлик. Аввал мўрчадаги болта йўқолади. У мўрчанинг ертўласида турар, ҳамиша қаерда сақланишини эса оила аъзоларигина билиши мумкин эди. Аёлнинг қалби сезгир бўлади. Шунинг учун иккинчи гал ҳам атайин қолдирган егулиги йўқолгач, Настена мўрчани иситиб, тахминлаганини кутишга тушади...

Бундай хаёл Саидага ҳеч ҳам хос эмас. Биринчи учрашувларидаги ҳолатдаёқ катта фарқ бор. Распутин қаҳрамонида ҳайвоний майл, Айтматовникида инсоний меҳр-оқибат туйғуси бўртиб кўринади. Зеро, иккисида мақсад иккита ва ўша мақсад ортидан борилган. Биринчисида фарзанд кўриш, иккинчисида ёруғ оламдаги фарзандини кўриш истаги.

Настена билан Андрей урушгача ҳам тўрт йил яшашган, бироқ фарзанд кўришмаган эди. Исмоил билан Саида эса ярим йил бирга яшаб-яшамай, бир-бирларининг меҳрларига тўймасдан уруш бошланиб қолади. Саида ҳатто ҳомиладорлигини ҳам тортинчоқлик қилиб айтишга улгурмайди. Настенанинг урушгача ҳам оғир ўтмиши бор, ота-онаси ўттизинчи йиллардаги очарчиликда ўлиб кетгач,

жон сақлаб қолиш умидида гўдак сингилчаси билан аммасини қора тортиб келади. Бироқ қариндошиникида ҳам бир иш ҳайвони сифатида қаралади. Эрининг хонадонига келганида ҳам, айниқса, қайнаси Семёновна томонидан шундай муносабатда бўлинади. Саиданинг қайнаси эса келинини бизнинг хонадонга нурдай кириб келдинг, дея эъзозлайди. Ўзи бир ҳолда бўлишига қарамасдан набирасига қарашни бурчи деб билади. Келинининг фарзандлик бўлганини Яратганнинг унга ҳам инояти деб шукур қилади. Ёки ёш оила урушгача янги иморат солишар экан, тезроқ тиклаб олиб, чўпон қизи Саиданинг ота-онасини чорлаб, кексалар хизматида бўлишни ўзларининг шарафли бурчлари ҳисоблайдилар. Демакки, муносабатда ҳам осмон билан ерча фарқ бор.

"Омон бўлсанг, унутма"нинг кишига шафқат, муҳаббат туйғусини кучайтирадиган муҳим жиҳати Настена қисматининг азоб-уқубат, шафқатсизликларга дучор этилганлигидир. Атрофдаги қарийб барча бунга ҳисса қўшади. Биринчи бўлиб, Андрей Гуськов. Ҳар бир ҳодиса Настенани тобора ўлим сари, бадномлик сари олиб бораверади. Албатта, қиссада Настенадан қолишмаган даражада Андрей Гуськовнинг фожиаси очиб борилади. Унинг мана бу иқрорларини қайғусига қайғудош бўлмасдан ўқиб бўладими? "Агар яшашни истасанг, бир амаллаб саронжом топишинг, нима бору ниманг йўқ, нима билан янги ҳаётингни бошлашингни бир сидра кўздан кечириб қўйишинг керак", дейилишига қарамай "Энди кунларимнинг ҳаммаси қора", деган иқрорга келиб қўйган. Гуськов ўлимдан қанчалик даҳшатга тушиб, қанчалик надомат қилгани билан ҳаётни шунчалик севади, яшашга ташна нигоҳи шунчалик тирик ва орзиқтирувчан. Ҳар бир кузатувида табиатнинг бетакрор гўзаллигини эндигина кўриб қолган кўнгилнинг тебранишлари балқийди:

“Ёзнинг қанақалигини охирги марта кўрмоқчиман”.
“Бир куни Гуськов хаёлга чўмиб, қазоси етса, шу ерга, тоғ терак билан майдон ўртасидаги ерга кўмишларини истаб қолди. Бу ер қуруқ, шинам, дарахтларнинг япроқлари тушиб туради, гулларни кўриб, қушлар учиб келади, хониш қилади, иморат эса ваҳший ҳайвонларнинг йўлини тўсади”.

Аммо уни шу кунларга солган тузум, уруш фожиаси хусусида фикри тамоман бошқача, нафратга тўла, ноинсоний, ғалати. Ундан ваҳший бир махлуқнинг ёлғизликдаги қасди, аламдийдалиги силқийди: “Энди одамларга кўринишим мумкин эмас, ҳатто жоним узилаётган пайтда ҳам”. “Менинг суратим одам, гўё биров ичимга кириб олиб, мени у ёқдан бу ёққа тентиратиб юрибди. Мен ўнгга бурилай десам, у қўймайди – чапга судраб кетади! Ҳай, майли, озгина қолди”.

Фақат унинг Настена, у вужудида кўтариб юрган бола ҳақидаги хаёли ёруғдан-ёруғ, урушга қарши, ўлимдан баланд, ҳатто қочоқлик жиноятини ҳам юмшатади. “Агар шу ҳақиқат экан, рост у мендан кейин қоладиган экан, энди нима бўлса бўлаверсин, эртага десанг ҳам қаро ер қўйнига киришга розиман... Демак, уругим тугамабди, қирон келмабди, қуриб-битмабди. Мен ҳам охиргиси эдим, ўлсам, номимиз тугайди, деб ўйлаб юрувдим! ...Зурриёдим эса яшайди энди, ҳаёт риштасини давом эттиради”. Худди шу шафқатсиз тузум боис Андрейнинг онадан бошқа қариндошларининг ҳаммаси граждандар урушида қамалиб, отилиб кетган. Семёновнанинг уч ака-укаси оқ гвардиячи Колчакка қўшилиб, бедарак йўқолган эди.

Распутин асарини битган йилларда буларни айтиш мумкин эди. Ҳолбуки, Исмоилнинг она авлодлари ҳам қулоқлаштириш сиёсатидан омон қолиш учун бош олиб Чотқол довонига чиқиб кетишади. Фақат адиб бу сабабни эллигинчи йилларда айтол-

мас, асари йўлига ҳукмрон тузим тўсиқ бўлишидан хавфсирайди, бунга ишора қилади, холос. “Юзма-юз” да бошқа бир ишора, бошқа бир сабаб ҳам бор. Собиқ иттифоқ зўрлик, зулм кучи билан халқларни босиб олиб бирлаштирган, мажбурлаб “ягона” ватан тушунчасини тикиштирган эди. Ўзини таниган, ўз-лигини севиб, асрашни истаган халқ вакиллари уни Ватан деб қарашмагани, бир куни парчаланиб кетишини кутгани эди. Аммо буни ошкора билдирганлар бошида босқинчиларнинг қиличи ўйнаб, қатлу қатағонлар, сургун ва бадарғалар солиниб келинар, бундан шахсан Айтматовнинг хонадони ҳам бенашиб қолмаганини биламиз. Аммо озгина эркинлик замонидан кўз очган адиб ана шу ҳақиқатни Исмоилнинг тилидан жуда содда қилиб, аммо ички қатламда баралла айтади. Исмоил ота-бобоси тушида ҳам кўрмаган жойларга бориб, жанг қилишини беъманилик, қочиб бўлса-да, ўз бошини ўлимдан асраб қолишни энг тўғри йўл деб билади. Бунга эса унинг тоғалари тақдири ундайди...

Андрей Гуськов ҳам бу тузумдан ҳаддан аламзада. Шунинг учун ҳам у аввал ўйламаган ҳаёт қонунини англаб етади. У ўзининг тирик қолишига ишонмаса-да, ана шу қисматнинг яратувчанлигидан таскин топади: “Пешанада борини кўрасан, Настена... ..Мени урушдан олиб, бу ёққа бошлаб келган ҳам ана шу тақдир, ҳа тақдир”. “Агар туғиб берсанг, мен ўзимни оқлайман, бу менинг охирги умидим”.

У хотини Настенани ана шу фавқулодда ҳолатда, ана шу фидойилигида кашф қилади: “Ахир, сен фариштасан-ку!” “Аслини олганда, сен менга хотин ҳам эмассан, киши хотини билан уйида яшайди, сен менинг ёруғ жаҳонимсан, сен менинг бор-йўғимсан”. “Нима қилиш керак дейсанми? Сен туғишинг керак – сенинг қиладиган ишинг ана шу. Ўлсанг ҳам туққин, бизнинг ҳаётимиз, биздан қоладигани ана

шу”, “Ягона нажотимиз – бола. Бу оламда бола-миз ювиб кета олмайдиган гуноҳ бормикин ўзи?”

Бу тасвирларда Гуськовнинг гўзал, гўзалликка ошуфта, ўз хатосини англаб, ҳаётнинг батакрор лаҳзалари қадри бениҳоя улуглигини ҳис қилган қалбининг нидоларини эшитасиз. Бу билан адиб ўқувчига имдод қилади, тинчлик замонига ўрганиб қолиб, ҳақиқий ҳаётга лақайд бўлиб бораётган кишиларни ҳушёрликка, ҳаётнинг ҳар лаҳзаси қадрига етишга чақиради. Ноодил, урушқоқ тузум кишини ана шу бахтдан бебаҳра қилади, дея ҳайқиради. “У кўпдан бери йиртқич ҳайвонлардан қўрқмай қўйганди, аммо одамларга ўз қорасини кўрсатишни истамасди”. Шунинг учун ҳам ўзининг забун, хор, йиртқич ҳолатидан эзилади. “Сигирнинг кўзлари шунчалик шилпиқ, маъсум эдики, ҳатто Гуськовнинг кўзларига ёш келди”. Лекин бу уни бузоқни сўйиб ейишидан тўхтатиб қололмайди... Гуськов ҳаёт ва мамот орасида. Бу барча қаттолликларга қарши курашаётган ягона куч, ниҳоятда дилбар қалбли Настена шунинг учун ҳам Гуськов ва бошқа уруш одамларидан юзлаб баробар юксакда туради. У бегуноҳ бир малак, нажот фариштаси, ўзини эмас, жуфтини асраб қолиш учун интилгани сари улғайиб боради: “Настенанинг хаёлида энди ёз ўзининг бутун кўркини кўз-кўз қилиб турган... пайтда, инсон қалби ҳар қачонгига қараганда ҳозир сал нарсага ҳам таъсирланиб, ийиб кетадиган пайтда Андрей чидолмасдан ўзини-ўзи бир бало қилиб қўядигандай эди”.

Настенанинг ниҳоятда фидойилигига қаранг. Ўзидан ортиқ эрининг ҳаётини ўйлайди. Гуськовнинг қалби жуда нозик ва таъсирчан эканлигини Андрейдан яхшироқ билади. Умуман, Настенанинг қўйидаги тўхтами олам ва инсониятга меҳри-муҳаббати ва энг адолатли муносабатининг миқти ифодасидир: “Настена, умуман, кейинги пайтларда би-

рон нимани – инсонни ҳам, ҳайвонни ҳам, қушни ҳам қоралашга ҳаққи йўқдек ҳис этарди ўзини...” Уруш ва тузум, аксарият теваракдаги одамлар эса уни ана шу маъсумалиги, мушфиқлиги учун ҳам ўлимга маҳкум этадилар...

Ота-она юраги сезувчан бўлади. Шунинг учун ҳам биров лоқайд, танбал кўрингани билан ўғлидан қора хат келганда ҳам Семёновна Андрейнинг ўлганига ишонмайди. Отаси Мехеич эса болта йўқолиши-ю, келинининг қорни дўппайиб қолганигача ҳамма-ҳаммаси ўғлининг каромати эканлигини аниқ билади. Лекин нима қилсин, кимга айтсин? Бу мусибатга чидаган ота фақат шу теваракда қочиб юрган ўғлининг бир марта бўлса-да, у билан учрашишни истамгани, хайр-хўшни насия қилганингина кечира олмайди. Шу ерда икки эркак – ўғил ва отанинг ички олами чуқур очилади. Бир-бирларига қон ва жон томонидан яқинликлари, ўғилнинг ота устига юклаган чидовсиз мусибатлари ва ўз навбатида падари бузруквори олдидаги ўтай олмаган қарзларининг изтироблари... Худди шу изтироб тасвири Айтматовнинг ўттиз йил ўтиб асарида тиклаган қисмида ҳам бор. Бу “Юзма-юз”нинг бадиий ва маъно томонидан энг чўққи нуқтаси. Албатта у асари руҳидан келиб чиқиб, қаҳрамонларининг томонан бошқа қирраларини очади. Исмоил Андрейни қайтармайди. Айниқса, Шарқ аёли Бексоат кампирнинг жоннисорлиги Саиданинг фидойилигини тўлдиради. Фожиаси эса Саиданикидан ҳам чўнг. Албатта, Бексоатнинг боласи ҳақидаги фикри Настенаникига кўпроқ ҳамоҳанг. “Она, аёл, у агар илон туғса ҳам, ана шу илонни ўзининг бир парчаси деб билади. Чунки, она ҳар қандай паллада ҳам она. У жигаргўшасини ўз вужудида ҳис қилиши билан бутун меҳри-муҳаббатининг бори фарзандига нисбатан кўчади. Она ҳамиша боласи томонида туради, уни ҳеч қачон чинакамига айбламайди, хатоси учун

боласидан кўра кўпроқ ўзи ўртанади, фарзанд адашуви ўзига кўпроқ тегишли деб билади.

Айтматов қўшимчани ўша замонда табақалар ўртасида келиб чиққан зиддиятни адолатли кўрсатиш, инсон томонида туриш учун киритган, тўғрироғи тиклаган. Зеро, адиблик ўзи каби бир бандани айблаш, фош этиш, ундан нафратланиб, нафратлантириш, бўйнига тавқи лаънат олиш эмас; уни тушуниш йўлидан бориб, ҳақиқий аҳволни кўрсатиб, имкон қадар инсонни оқлаш, адашувини оқлаб бўлмас экан, жиллақурса, унга ачиниш, ачинтириш эканини англайсиз. Бунга имкон бўлмагани боис асарнинг дастлабки вариантыда Исмоилнинг фақат қора томони бўртиб кўзга ташланган, сабаблари ҳақида эса ишоралар қилинган, холос. Қочоқ ўғилнинг онаси сиймоси ҳам тўлақонли очилмасдан, у воқеаларнинг ожиз кузатувчиси бўлиб қолган... Энди эса Бексоат онанинг ўғли урушдан қочиб келгандан кейинги сўнгсиз хавотирини адиб битта деталь билан — “бир уюм тупроқ тагидаги инида онда-сондагина атрофга қараб қўйиб, таҳликали кун кечирувчи кўрсичқон...”га ўхшатади. Унинг қайғусида эса бутун умри ярқ этиб кўринади: “Энди ўйласам, қанчадан-қанча азоб-уқубатлар чекмадик, бир умр тақдир бизга соя солди. Болаларим ўлди, эрим ўлди, акаларимни қулоқ қилишди, жамоа хўжалигида тонгдан тонггача ишлаб, кексайиб касалманд бўлиб қолдим. Аммо ҳаммасидан ҳам даҳшатлиси уруш бўлди, бахти қора ўғлим эса қочқинда, уни лаълатлай олмайман: ахир урушни у чиқаргани йўқ-ку, тўғри-да, унинг ҳам қурбон бўлгиси келмайди, бунинг азобини энди сен тортяпсан. Худди қуш боласидай ухлаб ётган фарзандинг — неварагинамнинг ҳоли нима кечади? Буни ҳеч ким билмаслиги керак, сир тутмоқ лозим...”

У буни келинига айтяпти. Чотқолга кетиб, ёшларнинг жон сақлаб қолиши ҳам ундан чиққан

таклиф. Лекин оғир дардга чалиниб, куни битиб бо-раётганини ўғли билиб қолиб, ғамга ботишини сира истамайди. Ундаги бардош, матонат, бошқаларнинг бахт-саодатини астойдил истаб, оғирликни икки карра ўзининг зиммасига олиши фақат она деган мартабага лойиқ аёлнинг қисмати эканини ўқувчи чуқур ҳис қилади. Бунга мос исм ҳам топилган: Бексоат — замоннинг беги, вақтнинг маънавий соҳибаси деган рамзий маъно ташийд.

Дастлабки вариантда аввал содда, эрига муте ва фикрсиздай, кейин эса кимларнингдир назарида бирдан ўзгариб, тақдирини Тангри қўшган ёстиқдошини ҳукуматга чақувчидек таассурот уйғотадиган, замон мафкураси юзасидан мақтовларга кўмиб ташланган Саида қўшимча парчадан кейингина тўла қонли қадимий урф-одатларни тарк этмаган миллатнинг вакиласи, ҳамон шу руҳда тарбия топганлиги аломатлари жонланади. Ёки унинг меҳр-оқибатли муслима келинлиги қайнаси касал бўлганида чинакамига кўринади: “Эй Тангрим, ўлиб қолмаса бўлди, — қўрқув ичида улғайди Саида, кампирнинг қути учган, беҳол юзига қараркан. Қайнасанининг соғлиги анча оғирлашган эди, худди кузги сўқмоқ йўлда музлаб қолган чигириткадай, — яшаб турса бўлди. Усиз ҳолим не кечади?..”

Худди шу парча қўшилгандан кейин Саиданин овулдан кетишининг табиийлиги аёнлашади. Аввалги ҳолида Исмоил қамоқдан чиққач, уни соғ қўймаслиги, ҳеч бўлмаганда турткилашидан ханфсираб кетди, деб ўйлаш мумкин. Энди эса овулда уни яхши кўрадиган, қадрига етадиган одам қолмаганлигидан ҳам кетганлигини тушунамиз. Қайнасанини ўлди, эри қўлга олинди. Боши очик қолган аёл бу яккаланишда қандай яшаши мумкин?!

Энг асосийси “Юзма-юз” бошқалардан кўра Исмоилнинг фожиаси ҳақида эканлиги қўшимча қилинган матн билангина теран анланади. Негаки,

бу фожиа кишилар уни айблагандан кўра чуқурроқ эди: “Бегона юртларда жонфидо қилишимнинг нима ҳожати бор. Тушимга ҳам кирмаган, ота-боболарим ҳам кўрмаган аллақаерларга бориб, жанг қилишни менга ким қўйибди! Урушни ким бошлаган бўлса, ўзи урушаверсин. Мен эса “Болта тушгунча, кунда дам олар” мақолига амал қилиб, тоқат билан кутиб ётавераман...”

Чунки, зўрлик билан юзлаб халқларни қулликда сақлаган мамлакатнинг Шарқида яшаганга ўзидан минглаб чақирим олис, бирон марта бормаган Фарб қандай Ватан бўлсин? Минглаб кишилар, бошқа халқлар кўнглидан кечган фикрни Айтматов йиллар оша, қонхўр империянинг шоҳ томири зил кетган палладагина айта олди.

Исмоил ким бўлмоқни орзу қилган эди? Ғаллакор бўлиб, элу халқни тўйдирмоқни. Уруш оқибатида-чи? Осмондан чангал ташловчи калхат — изига тушган “ўзимизникилар” ва яна қорли кунда, чекка бир жойда йиртқич ҳайвонлар ҳамласида — ҳеч кимдан, ҳеч қаёқдан ҳимоя йўқ бир алфозда қолди. Шунинг учун ҳам у одамовиликда одамийликдан Мосуво, фақат қорнини ўйлайдиган, ҳеч тўймас мечкайга айланади. Саида билан Бексоат кампир қанчалик ҳимоя қилишни истаб, балоғардон бўлишмасин, Исмоилнинг хатоси, адашуви энди ўзига қимматга тушушини, бартараф этиб бўлмас кулфат эканини билишар эди.

Ижодий тажрибада кўрилиб, аммо натижаси камдан-кам ижодий яқунланадиган асарда яна унинг манглайи порлади. Ўзи эътироф этганидек, “фикримча, ўша замон кишилари фожиасининг бус-бутун теранлигини кўрсатишга энди эришдим”. Бу Исмоилга нисбатан ҳар қандай инсон қалбида шафқат уйғотади ва фожианинг асл сабабига ҳам энг ҳақли жавобни беради. “... Исмоил онаси қабрига жилди. Қалтироқ қўлларига таяниб, эс-ҳу-

шини йўқотган ҳолда эмаклаб борди-да, янги пайдо бўлган уюм тупроқни қучоқлаганча, бўғиқ-хирқироқ товуш билан ўкириб юборди, қисқа қайғу аламу қаҳру газабдан нафаси бўғзига тиқилди, худди ақлдан озиб, етим қолган бўри сингари нима деб қичқиргани, кимни ва нимани лаънатлаётганини фаҳмлаш қийин эди. Сўнг эса у худди маст одамдай бор овози билан қичқира бошлади: “Онажон, онажон, кечир!”

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ

СЎЗНИ УЛУҒЛАБ УЛҒАЙГАН АДИБ

Бир ҳудудда қўшни бўлиб яшаган халқларнинг яқинлиги ўзгача бўлади. Фарғона водийсида асрлар бўйи қон-қардош бўлиб яшаб келаётган ўзбек ва қирғиз халқлари дўстлигининг илдизи, икки халқ ёшига тенгдош. Дунё фольклористикасидаги энг йирик дostonлардан бири – қирғиз халқ эпоси “Манас”да шундай сўзлар бор:

Ўзбекнинг ўзи бор,
Айтиб қўйган сўзи бор:
“Қозоқ, қирғиз, қатарон,
Баримиз бир отадан”.

Чингиз Айтматов ўзбеклар билан бир отадан тарқаган фарзандларнинг ўзаро меҳрибонлигидек муносабатда бўлди. Бунга улуғ адибнинг Ўзбекистон ҳақида ёзган мақолалари, ўзбек адиблари, тарихий шахслар тўғрисидаги фикрлари, ёзган хатлари мисол бўла олади.

Чингиз Айтматовнинг Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро анжумандаги маърузасида катта бир рисоланинг салмоғи бор. У ўтмишдаги даҳога замонадаги буюк инсоннинг берган юксак баҳосидир. “Амир Темурнинг ўрни бўлакча, вақт тушунчасига бўйсунмайди. У ҳаммамиз учун ватанпарварликнинг умумтуркий эътиқод тимсолидир. Амир Темур феномени шундан дарак берадики, борди-ю шахс тарихда тақдир-

ларни ҳал қилган воқеа-ҳодисаларни, ўта муҳим геосиёсий ва маданий ислоҳотларни амалга оширган бўлса, ҳаёт аллазамонларда ҳаётдан кўз юмганларига қарамасдан, бу шахснинг битмас-туганмас маънавий-руҳий қувватини сақлаб қолар экан”.

Тушунган одамга буюк ёзувчи: “Эй, Амир Темур авлодлари, сизда улуғ Соҳибқироннинг руҳи яшаётир, битмас маънавий хазинангиз бор” деяётгандек. Ёзувчи давом этади: “Бунда муайян трансформация, силжиш рўй беради, ўтмиш биоэнергияси ўзгариб, бугунги кун биоэнергиясига, миллатнинг янада куч олган ҳозирги авлодларининг биоэнергиясига айланади. Бунинг учун беназир шахснинг амалиёти ва ютуқ-муваффақиятлари янги авлодлар ҳаётида ҳаракатга келтирувчи кучнинг зарурий унсури, ҳаётнинг амалдаги дастурининг зарурий таркибий қисми бўлиб қолмоғи, миллий ва дунёвий миқёс касб этмоғи зарур. Шў муносабат билан яна таъкидлаш лозимки, Амир Темур феноменининг кўрсатишича, талаб-таклифсиз, бостириб келаётган тарихнинг даъватисиз, бунга авлодларнинг иштиёқисиз ўтмиш руҳи уйғонмаяжак. Шў кеча-кундузларда Амир Темур мероси ана шундай идрок этилмоқда”.

Демак, Айтматов тили билан айтганда, буюк тарихий шахслар авлодларда рағбат уйғотиши жиҳатидан ҳам улкан суянч тоғидир. “Ўзбек халқининг “Темурнома”сида ўзининг ёрқин ифодасини топган ватанпарварлиги замонавий миллий ўз-ўзини англашга хизмат қилибгина қолмайди, бу табиий бир ҳолдир. Амир Темурнинг бутун туркий дунёнинг ўзимизники деб тан олиши ҳам табиийдир, бунда энг муҳими шу жараёнда дунёга келадиган ва биздан атроф дунёга тараладиган эзгу ниятлар ва истак-эътиқодлардир. Энг муҳими ана шудир, бу эса дунёқарашимизнинг биринчи даражали ўлчови, байроғимиз, рамзимиздир”.

Амир Темур сиймосини бутун туркий дунё рамзи сифатида кўриш, дунёқарашимизнинг ўлчови деб билиш Чингиз Айтматов сиймосида Амир Темур феноменини жаҳоншумул ёзувчилар томонидан тан олиниши ҳам дейишимиз мумкин. Унинг Амир Темур меросини, шахсини яхши ўргангани кўри-ниб турибди. Адиб Амир Темурнинг бутун-бутун халқларни қолоқлик гирдобидан чиқариб, тараққи-ёт йўлига солиб юборганини, “Европа қитъасига ҳам ўзининг халоскорлик таъсирини кўрсатгани, Русни мўғул зулмидан халос” қилганини фахр билан ёзади. Айни пайтда бугунги авлод учун Амир Темур сиймоси ва меросини ўрганиш олға силжи-шимиз учун қувват бўлишини айтмоқда.

Амир Темур ҳақида кўплаб мақолалар, илмий ишлар, китоблар ёзилган, аммо улуғ бобомиз фено-менини Чингиз Айтматовчалик кўрсатиб беролган-лари кам. Улуғ ёзувчининг бу маърузасини Амир Темур шахси ёрқин кўрсатиб берилган йирик ил-мий тадқиқотга менгзаш мумкин. Чингиз Айтма-товда ўзбек халқига чин муҳаббат, умумтуркий ғурур ҳисси бўлмаганида, унинг бу маърузаси бу қадар таъсирли чиқмаган бўлурди. Адибнинг ўз-бекларга меҳрини ҳис қилганингиз сари ёзувчи асарларини янада севиб ўқий бошлайсиз. Халқи-миз ҳақида самимий дил изҳорлари қилган ёзувчи-га сиз ҳам яхшилик қилгингиз келади.

Ч. Айтматов ҳақида ўйлаганда, унинг жаҳон-шумул адиблар ичида ўзига хослигини ҳис қила-сиз. Дунё адабиётида ҳар бир улуғ ижодкорнинг ўз ўрни бор. Айрим адибларнинг маълум бир гуруҳ ўқувчиси бўлади. Масалан: Сартр, Жойс, Кафка-ларнинг. Баъзи ёзувчиларнинг эса ёзганларидан битта-иккитаси машҳур бўлади. Рашод Нури Гун-текиннинг “Чолиқуши” романи ниҳоятда машҳур, бошқа романлари унчалик эмас. Чингиз Айтматов-нинг қиссалари ҳам, романлари ҳам бирдек ўқиш-

ли, бадийий жиҳатдан пухта. Бошқача айтганда, ёзувчининг бетакрор истеъдоди барча асарларида ўз ифодасини топган. Бундан келиб чиқадики, Чин-гиз Айтматов ижодий эволюцияси бир умр давом этган ёзувчи. Асардан-асарга, қаҳрамондан-қаҳра-монга ўсган-улғайган санъаткор. Бунинг сабаби Чингиз Айтматовнинг сўз оламига бўлган чексиз муҳаббатидир. Адиб асарларида сўз камалакдек товланиб кетади, олмосдек янги-янги қирралари очилаверади. Бу ҳақда ўйлаганимда, Айтматовни бу даражага етказган асосий омил – Сўзга бўл-ган садоқат ва уни олиий мақомда – жой-жойида, вақтида айта олиши деб биламан. Зотан, инсоният тарихида ўтган буюкларнинг барчаси сўзни илоҳий деб билганлар, сўз таърифида қасидалар битган-лар. Чингиз Айтматов қаҳрамонлари номидан сўз хусусида шундай ёзадикки, ёзувчи келтирган таъ-рифлардан ҳайратга тушасиз. “Тоғлар қулаётган замон”даги Арсен Саманчининг тилидан айтилган сўзлар: “Сўз Коинотнинг сутини соғади ва у сут бирлан авлод-авлодлар оша бизни боқади. Шу са-бабдан ҳам, Сўздан ташқари на Худо, на Коинот мавжуд ва оламда Сўз кучидан ортиқ куч йўқ ва дунёда Сўз алангаси ҳарорати ва қудратига тенг келадиган аланга ҳам йўқ”. Ёзувчи мана шу аланга ҳароратини асарларига сингдирадиким, унинг ис-сиғи ўқувчига ҳам ўтади.

Чингиз Айтматов ўзини мана шу тенгсиз куч, олов, ҳарорат билан ишлашга сидқидилдан бағиш-лади, сўз ҳам унинг асарларига қудратли жози-ба ва тафт берди. Адиб асарларининг оташли дил куйдиргувчилиги шундандир. Ёзувчининг асарлари “халқнинг умрбоқийлиги куйланган сўзнинг гўзал-лиги ва теранлиги ифодасининг” намунасиدير.

Чингиз Айтматов ҳақида ёзилган мақолалар-нинг саногига етиш мушкул. Аммо бундай мақомда-ги адиблар ҳақида ҳали яна кўп ёзилади. Алишер

Навоийнинг асарларини неча марта ўқисангиз, улардан ёшингизга, кайфиятингизга, маънавий салоҳиятингизга қараб, шунча янги маъно-мазмун топаверасиз. Чингиз Айтматов асарлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Улар китобхонга эстетик завқ берибгина қолмай, фикрлашга, мушоҳада юритишга даъват этади. Сиз Айтматов асарларини ўқиб туриб ўзингизда яшириниб ётган истакларингизни, ғояларни кашф этишингиз мумкин.

Чингиз Айтматов асарларида яна бир жиҳати бор. Бу – мурожаат. Худога, ерга, далага, денгизга, инсон зотига, еру осмонга. Бу мурожаатларда ёзувчининг бутун истеъдоди, инсоний қалби очилади. “Асрни қаритган кун” романида Эдигейнинг Худога мурожаати, Кертўлғанинг (Эломоннинг онаси) Иссиққўлга мурожаати, “Момо ердаги” ер билан суҳбат фикримизнинг далилидир.

Адиб асарларининг машҳурлиги юксак бадиийлик, фикр қуюқлиги ва бу фикрни айтиш учун мос минбар топа олганида. Чунки “Адабиёт умуминсоний муаммоларни кўтариб чиқувчи юксак минбардир. Фикр баланд бўлса, минбардан ҳамма нарса кўриниб туради” (Қ. Хоназаровнинг Ч. Айтматов ҳақидаги мақоласидан).

Адиб ижодининг яна бир жиҳати шуки, у барча асарларида миллийликни тарбия, маънавият билан боғлаб тасвирлайди. “Фақат миллий, халқона таълим-тарбия билан маънавият, ички маданият пайванд қилинсагина одамларни ҳар қандай пасткашликдан, тубанликдан асраб қолиш мумкин”, деб ёзганди адиб.

Жаҳон адабиётининг йирик намояндаларидан бири, француз адиби Андре Моруа шундай ёзди: “Катта ёзувчи қалбнинг ҳамма ҳолатларини тасвирлай олади. Лекин шундоқ бўлса-да, баъзи бир соҳалар унга яқинроқдир. Унинг табиатида анча-мунча ҳисчан, анча-мунча заиф жойлари ҳам

бўлади. Агар ушбу жойларга қўл теккизса, агар у чуқур дардларни ҳис этса, унинг қалами остидан чиққан саҳифалар китобхонни ҳаяжонга солади”. Чингиз Айтматов асарларидаги барча қаҳрамонларини – Жамила, Танабой, Тўлғаной, Қазангап, Мўмин чол, Руна, Крильцов ёки унинг аёли Евгения, ўсмир Сеид бўладими, ёзувчи уларнинг қалб ҳолатини бирдек маҳорат билан тасвирлайди. Бу қаҳрамонларнинг ҳар бири эса қоларлик жиҳатлари билан китобхон кўз ўнгида қолади. Андре Моруанинг фикрини давом эттирсак, унинг қуйидаги сўзлари худди Чингиз Айтматов асарлари ҳақида айтилгандек янграйди: “Чинакам дурдона асар жуда пухта қурилган бўлади, унда ҳаракат тўхтовсиз ривожланиб туради, унинг ҳамма нарсаси, ҳатто зиддиятлари ҳам лол қолдирадиган бир яхлитлик билан суғорилган бўлади, унда ип ташлаган жойлар йўқ, бўштоб ўринлар бўлмайди, у мукамал шаклга эга бўлади”.

Ёзувчи бадиий маҳоратини ҳар бир авлод ўзича кашф этиб бораверади. Чингиз Айтматовнинг ўзбекчага Суюн Қораев таржима қилган, аммо таҳлилга тортилмаган. “Кўчманчи қуш ноласи” ҳикоясида ҳам адиб ижодидаги ўзига хос жиҳатлар жамлангандек, ёзувчининг юксак бадиий санъати кўриниб турибди. Ҳикоя-ривоят бўлган бу асарда бир романининг бадиий юки бор. Толчуйда жунгорлар билан уруш кетаётир. Овулда қолганлар таъзияга бориши керак. Мана шу икки ҳолатдан келиб чиқиб, адибнинг уруш, инсонийлик ҳақидаги ўйлари билан танишамиз. Ҳикоядаги Турнани одамдек сўзлатиш, ёзувчи мақсадидан келиб чиққан ва ўзини оқлаган. Воқеалар бир пайтда турли жойларда кечаётган бўлса-да, ҳикоя сюжетига ички узвийлик сақланиб қолган. Чингиз Айтматов асарларига хос бўлган энг яхши жиҳатлар бу ҳикояда ҳам ўз аксини топган. Ҳикояни адибнинг урушга қарши айбно-

маси, тинчликка чорлови десак бўлади. “Тангрим, эшит, ўзимнинг оқ она сутим ҳурмати-ла, ёлвориб ўтинаман! Сенга, буюк ҳокими тақдирга – Кўк Тангрига илтижо қилиш учун биз бу ерга, сенинг ердаги кўзингга – муқаддас Иссиққўлга келдик. Мана мен, менинг ёнимда ўғлим Эломон – менинг кенжатоим, энди мен на яхши, на ёмон фарзанд туға оламан, фақат сендан сўраганим шуки, менинг эркатойимга отаси Сенгирбойнинг усталигини бер, ўзининг усталikka эби бор... Кежатоим акаси Қўйчиманга ўхшаб – “Манас” айтмоқчи. Бу илтижомимни ҳам ижобат қил, энг аввало ва энг муҳими, унга азалий сўзнинг қудратини ато эт – ўша сўз илдиз отгандек жон ва тан билан чирмашиб кетсин, у Сўзни – аждодлардан-авлодларга ўтадиган, ўз болалари ва неваралари учун қоладиган Сўзни асраб-авайласин, аждодлар қирғиз номини олиб келган даврлардан етиб келган Сўзни ўзида жо қила оладиган куч-қудрат бер унга...”

Онанинг боласига тангридан сўрагани энг аввало сўз қудратини ато этиши, “сўз илдиз отгандек жон ва тан билан чирмашиб кетсин”. Боласи учун тахту тож, беҳисоб давлат, енгилмас паҳлавонлардек жисмоний куч сўраётгани йўқ. Сўзни ўзида жо қиладиган куч сўраяпти. Юқорида айтганимиздек, Чингиз Айтматовнинг сўзга эҳтироми, улуғлашини қаҳрамонлари тили, тақдири орқали бериши. Сўзни улуғлаб улуғ бўлган адибнинг сўздаги илоҳийликни ҳис қилиши: Онанинг бу илтижоси сўз шаънига айтилган мадҳларнинг ҳадди аълоларидан. Мумтоз адабиётимиздаги муножотни ёдга соладиган жумлалар. Ёзувчи сўзнинг образини, қиёфасини таърифлаётгандек. Уни бир одам сифатида қиёфасини чизаётгандек. Буюк инсонларгина авлодан-авлодга ўтадиган сўзни ўзида жо қила оларкан, авлодларни боғларкан. У сўзни том маънодаги Инсон номидек катта ҳарфлар билан ёзади. “Одамдан-одамга ўта-

диган фикргина боқийдир; авлодлардан-авлодларга қоладиган сўзгина абадийдир”.

“Кўчманчи қуш ноласи” ҳикоясидаги уруш фожеаси том-том китоблардагидан кўра теран, таъсирли тасвирланган. Мана, ёзувчининг маҳорати. Ҳикояда ўқиймиз: “Кечиринглар, кўчманчи қушлар! Бўлиб ўтган ваҳшийликлар учун кечиринглар, бўлажак ваҳшийликлар учун кечиринглар. Бани одам ҳаёти нима учун шундай эканини, нега заминда шунча кўп ўлдирилганлар ва ўлдираётганлар бўлишини мен тушунтириб бера олмайман, сизлар ҳам тушуна олмайсизлар”. Бу – шубҳасиз, ёзувчининг қалб фарёди.

Ҳикояда Эломоннинг бутун тақдири тасвирланади. Асарда Эломон болалигича қолса-да, бутун тақдири китобхонга маълум бўлади. Одатда қаҳрамон хотира, ўтмишни эслаш орқали баъзи воқеаларни берса, ёзувчи муаллиф тилидан ҳали “нима бўлишлигини билмасди” дея бўлажак воқеаларни айти, Эломоннинг ҳаётини тўлиқ беради. Бу ҳам ёзувчининг ўзига хос услуби.

Ҳикоя зимнига туркийларнинг мардлиги, ахлоқий юксаклиги ифодаси сингиб кетган. Туркий қавмнинг матонатини жаҳон китобхонига кўз-кўз қилади Чингиз Айтматов. Ҳикоя адибнинг урушга қарши айбномаси, тинчликка чорлови, огоҳликка бонг уришидир.

Тоҳир ҚАХҲОР

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ФЕНОМЕНИНИНГ КАЛИТИ

Чингиз Айтматовнинг «Болалигим» китоби 2008 йилда Нурали Қобул таржимасида босилиб чиққанди. Бу асарнинг номланиши Лев Толстой ва Ойбек каби икки улуғ ёзувчининг шундай аталган асарларини эслатиши билан бирга, бутунлай ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яъни унда Чингиз Айтматовнинг фожиали болалик даври, 1930 йилларда Туркистондаги олти миллион аجدодимиз қирилган очарчилик, 1937-1938 йилларда авжга чиққан сталинизм қатаронида отасининг қамалиши ва отилиши... Ана ундан сўнгра уруш давридаги йўқчилик ва мустабидларнинг турли зулмлари остидаги ҳаётнинг жонни қиймаловчи хотиралари... Лев Толстойнинг болалиги бой ва бадавлат бир граф оиласининг тўқин турмуши, Ойбекнинг болалиги эса Туркистоннинг чор империяси давридаги қолоқлик йилларига тўғри келиши маълум.

Чингиз Айтматов туғилган Талас Тошкентга, Хумсон тарафларга яқинлиги маълум; отаси раҳбар бўлиб ишлаган, Чингизнинг болалик йиллари кечган Аравон эса Фарғона водийсидаги қадимдан туркийлар яшаб келган гўзал маскан. Шунингдек, бўлажак адиб мол дўхтирликка ўқиган ва ишлаган Жамбул ҳам ўзбекларга яқин ва таниш макон ҳамда булар ёзувчи асарларини ўзбек китобхонига янада яқинлаштирган, оммалаштирган омиллардан деб ўйлаймиз. Зотан, адибнинг кўплаб ҳикоялари

ва қиссаларида бу манзиллар тилга олинади. Мен бир неча йил олдин қардош тиллардан ўзбекчага қанча ва қайси асарлар таржима қилинганига қизиқиб, кутубхонадаги картотекага суянган ҳолда бир нарса ёзгандим, ўшанда қирғиз адабиётидан 1935 – 1990 йиллар орасида эллиқдан ошиқ номдаги китоб ўгирилгани маълум бўлганди. Шундан йигирматачаси биргина Чингиз Айтматов қаламига мансуб китоблар эди. Бу далил унинг бир ўзбек ёзувчиси каби халқимизга суюкли бўлиб қолганини, ўзбекнинг ҳам Чингизни эканини исботлайди. Муаллифнинг ўзбекларнинг севимли адибига айланишида унинг моҳир таржимонлари – Асил Рашидов, Иброҳим Гафуров, Маҳкам Маҳмудов, Набижон Боқий, Ёқубжон Хўжамбердиев, Суён Қораев ва бошқаларнинг, шунингдек, унинг ижодини оммалаштирувчи сўзбошилар, мақолалар, хотиралар ёзган Комил Яшин, Шукрулло, Воҳид Зоҳидов, Одил Ёқубов, Гайбулла Саломов, Маҳмуджон Нурматов, Сайди Умировларнинг алоҳида хизмати бор.

Дунёнинг 160 тилига ўгирилган адиб асарларининг умумий босма адади олтимиш миллиондан ортиқдир. Бу ҳисобда унинг ўзбекча асарларининг ҳам салмоғи катта, албатта. Шу миллионларча ададдаги китоблар бир неча миллионлаб ўзбекларнинг маънавий тарбиясига хизмат қилгани каби, 1990 – 2016 йиллар орасида ўзбекча босилган Чингиз Айтматов асарлари ҳам шундай савобли ишни бажараётгани шубҳасиз. Чунки улкан ёзувчиларнинг асарлари ҳамма замону маконларда, худди муқаддас китоблар каби доим ўқилади ва инсонларга руҳоний қувват беради, йўл кўрсатади, дардига малҳам бўлади. Бу жараёнда китобни кўзда тутилган маънода англаш жуда муҳим. Шунинг учун тасвирлар, шарҳлар, тадқиқий асарлар ёзилади. «Болалигим» ана шундай асарлиги, яъни Чингиз Айтматовнинг машҳур «Жамила», «Юз-

ма-юз», «Сарвқомат дилбарим» каби қиссалари ва қатор ҳикояларининг туб маъносини англашда ва ҳис этишда бир очқич, яъни Чингиз Айтматов ижодининг калити вазифасини бажаради. Шу эҳтиёжни кўзда тутиб, бу асарнинг ҳам кирилл, ҳам лотин ёзувида нашр этилгани таҳсинга сазовордир.

Чингиз Айтматовнинг 1935 йил баҳоридан 1937 йил августигача кечган болалиги, рус мактабида ўқиши Москва шаҳри билан боғлиқ. Унгача Аравонда яшашганди, отаси бу ерга ўқишга келгани боис у ҳам Воровский кўчасидаги 5-уйда яшаган, мамлакат Ёзувчилар уюшмаси жойлашган 25-уй ҳовлисида эса тенгдошлари билан ўйнаб юрган...

Тақдирни қаранг, «Болалигим очарчиликда ўтди» («Болалигим», 15-б.) деган муаллифнинг, четдан қаралганда, пойтахтдаги илк мактаб йиллари, отасининг давлат раҳбарларидан бўлгани, Москвада яшаб туришганини ҳисоблаганда, нурли, боринги, нурлироқ йиллари, бизнингча, кейинчалик унинг яна Москвада жаҳон адабиёти институтида ўқиши ва илк қиссаларининг муваффақиятли нашрлари, кейинчалик ўн бешта республикадан етишиб чиққан бармоқ билан санарли машҳур ёзувчилардан бирига айлангани, бир неча бор давлат мукофотлари олиб, ўша ўзи биринчи синфда ўқиганида ўйнаб юрган Ёзувчилар уюшмаси биносига, минбарида қирқ йил мобайнида олқишлангани — бу порлоқ тақдир орасида қандайдир боғланиш бордай туюлади менга. Зотан, агарда отаси ўқишга юборилмасайди, у ҳам балки қирғизча ўқирди ва оддий бир қирғиз зиёлиси ва ижодкори бўлиши мумкин эди. Унинг русчада ўқигани, кейинчалик қишлоққа қайтганидан кейин ҳам, бу асарда таъкидланганидек, болаликда биринчи марта меҳнат қилиб топган пули ҳам русчани билганидан эканлиги, ёзувчининг ўзи ҳам, бошқалар ҳам кўп бор айтганидек, асарларини русча ёзгани учун Чингиз Айтматов

бўлиб танилгани ҳам ана шу нуқта билан боғлиқдир, деб ўйлайман. Агарда бу асарни ўқимасайдим, бу ўйлар кўнглимдан ўтмасди. Шунга кўра, Чингиз Айтматов ҳаётидаги, характеридаги, қисматидаги кўплаб нуқталар, албаттаки, асарларидаги айрим қарашлари ана шу болаликда ва ўсмирликда кечирган йилларига, олган таълим-тарбиясига туташир. Демокчиманки, Айтматов шахси ва ижодини англашда «Болалигим»нинг аҳамияти катта.

Бу эсдаликлар китобида адиб «Жамила» асаридаги прототиплар ҳақида сўзларкан, Жамила ва Дониёр образининг яратилишига айнан бўлиб ўтган, ўзи ҳам қатнашган воқеа-ҳодисалар сабаб бўлганини эслайди. Эри фронтда юрган ёш келиннинг ёт бир йигит билан қочиб кетиши қирғиз ўқувчиларига ҳам, ижодкорларига ҳам бошда ёқмаган, ёзувчи қаттиқ танқидга учраган. Бу ҳолат фақат қирғизлардагина эмас, ўзбеку қозоқда ҳам миллий ва диний анъанага зидлиги билан бирга, типик ҳодиса ҳам эмас. Менимча, асарга танқидий кўз билан қараганлар шу жиҳатларни ҳисобга олган бўлса керак. Зотан, ёш муаллиф адабиёт институти талабаси экан, қиссани ёзаркан, бу ҳолатнинг типик ёки типик эмаслигига унчалик эътибор бермагандай туюлади менга. Ҳатто «Болалигим»да ҳам яна бу ҳодисанинг айнан бўлиб ўтганини, қандай бўлса, ўшандайлигича ҳаётдан олганини таъкидламоқдаки, бу унинг натурализм таъсирида қолганини ҳам англатади. Айтматовнинг болалик ва ўсмирликдаги ҳаёти ўта оғир бўлганини бу асардан ўқиб ўргангандан кейин, Жамиланинг ўшандай овулдаги бахтсиз, хўрланганлардан бири эканлигини билгандан сўнгра, э, шундай дўзахий турмушдан нафақат Жамила, бошқа жувон ҳам қочиб кетади-да, ахир у — бир инсон-ку, деган фикрга боради одам. Демак, «Болалигим»ни ўқигач, ҳаётнинг оғир зарбалари

олдида баъзи адабий ва илмий қарашлар ҳам тоб беролмай қолади, дея ўйладим.

Ўрта Осиё муҳотида бу ҳолат анъанани, миллий ва диний турмуш тарзини бузиш деб ҳисобланади, аммо бу муҳитдан чиқиб, ташқаридан бошқалар кўзи билан қаралганда, Жамила – оғир турмушга исён қилган, ўз бахтини ахтарган курашчан аёл образи сифатида олқишланади. Рус ва француз ижодкорлару ўқувчиларига бу асарнинг маъқул келганининг сабаби шудир балки.

Яна бир нарсани ҳам унутмаслик керакки, ўша даврда хотин-қизларни эски турмуш тарзидан суғуриб олиб, европача, яъни русча турмуш тарзига яқинлаштириш сиёсати давом этаётган ва бундаин «анъанавий турмушга исён» қиладиган образ мақбул ҳисобланарди. Чунки ерли мусулмон туркий халқлар ўз миллий ва диний турмушларидан, анъаналаридан узоқлаштирилгач, секин-аста улардан «ягона совет халқи» яратиш мумкин дея хаёл қилинганди. Ёш муаллиф ижодининг бошланишида бундай қарашларга кўниккан бўлса ҳам, йиллар ўтиб, совет тоталитар тузумининг бу каби ғояларига, миллатларни ўзлигидан айирадиган тушунчалар ва йўналишларга қаттиқ қаршилик кўрсатгани, буни ижоди билан исботлагани маълум: манқурт образи бу фикримизнинг ёрқин далилидир. Чор мустамлакачилари Сибирь, Кавказ, Қрим ва Туркистонни босиб олиб, қонини ичганди, унинг давомчисига айланган советлар ҳам иккинчи жаҳон урушидан кейин Болтиқбўйидан учта республикани ўз ҳукмига бўйсундирди, ўша ўн тўртта республика адибларидан бирортаси қилолмаган буюк қаҳрамонлик ишини Чингиз Айтматов бажарди: агарда совет мустамлакаларида миллатлар, тиллар йўқотилиб, «ягона совет халқи» яратилса, юз миллионлаб инсонлар манқуртга – тарихини, ўтмишини билмайдиган, онасини ҳам танимайдиган

махлуқларга айланиб қолишини бадийий акс эттириб, нафақат совет мамлакатига қарам республикалар оммасини, балки бутун дунёдаги ана шундай зулмга маҳкум жамиятларни ларзага солди. Бундай умумбашарий фожиани фош қилиш Нобель мукофоти берилган бирорта ёзувчининг қўлидан келмаган, Чингиз Айтматовнинг улардан фарқи ва ўзига хос буюк адиб эканлиги ана шунда.

«Болалигим» китобида эсланганидек, ёш Чингизнинг қишлоқда хат ташувчи, солиқчи бўлиб ишлагани уни ҳар куни турли фожиаларни ўз кўзи билан кўришга, қора хат келганларнинг бахтиқаролиги изтиробини улар билан бирга ҳар куни баробар кўриб яшашига мажбур этган. Йўқчилик шу даражадаки, икки бола, Чингиз ва укаси нариги овулга бориш учун сой кечиб ўтиши керак, пойабзалини аяб, совуқда ҳам уни ечиб, ялангоёқ ўтишади... Ана шундай азобу оғирчиликлардан омон қолиб, улкан ёзувчи мақомига етган инсонларнинг қалбини, дунёқарашини, уни отасидан айирган бир ҳукумат билан муросага келиб, яна рус тилида асар ёзиб, барча рақибларини енгиб ўтиб, бу савияга етишининг ўзи бир мактаб, ибрат олинадиган, яшаш санъатини ўргатадиган бир таълимгоҳ. «Болалигим»ни ўқиркан, ўқувчи шундай фикрга боради.

Адиб асарларини рус ва қирғиз тилларида ёзди. Агар рус тилида ёзмасайди, балки Чингиз Айтматов бўлолмасди ҳам. Икки тилда асар ёзиш, аслида бир ижодкор учун икки мисли меҳнатдир. Бунга чидай олиш инсондан икки ҳисса ғайрат, икки ҳисса фидокорлик талаб этади. Бу оғирликлар ёнида, унинг икки тилда ёзишининг ўзига кўп наф етказганини ҳам адиб «Болалигим» асарида кўрсатиб ўтади.

Муаллиф «Биринчи маошим» деган эсдалигида икки йил Москвадаги мактабда ўқиб, қишлоққа келгач, бирортаям русча биладиган одам бўлма-

гани учун, бир ўлиб қолган мол муаммосини ҳал қилишда ундан таржимон сифатида фойдаланган катталар болага пул беришади, яъни русчани билгани учун маош. Ўша воқеани эслаб, адиб шундай дейди: «Қисмат менга икки тилни билмоқни насиб этган экан. Бири она тилим, иккинчиси ўн саккинчи асрдан бери, икки юз йилга яқин биз билан ёнма-ён яшаган, тақдиру толеимизга ёзилган рус тили. Рус тили бизнинг – Туркистоннинг тарихий, маданий ривожига улкан улуш қўшди. Рус тилини билмоқ ҳаётимиздаги муҳим бир омил бўлиб қолди». («Болалигим», 14-б.)

Чингиз Айтматовни баъзи манбаларда рус ва қирғиз носяри ёки фақат рус адаби деб ёзишади. Унинг замондоши, асарларини русча ёзган атоқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймоновнинг фикрича, Чингиз Айтматов ижодининг қирқ йили, яъни 1950 – 1990 йиллар унинг ёзувчилик ҳаётидаги энг бахтли давр саналади. У адабиётга кириб келаркан, унга профессионал муҳаррирлар йўлиқди – бу унинг рус насрида ўз йўлини эгаллашида муҳим омил бўлган. Шоир ана шуни таъкидларкан, бугунда кўплаб нашриётларнинг малакали муҳаррирсиз, ҳатто мусахҳиҳсиз ишлаётганини танқид қилади. «Қозоқ табиати, кенг саҳролари дунёси Авезовдан кейин Айтматов романларида жаҳоний маъно касб этди», «бу доҳийнинг қандай одам эканлигини ва унинг бутун борлигини фикр ва тушунча элагидан ўтказиб, англаш учун замон керак», дея адибга юксак баҳо беради машҳур қозоқ шоири («Қардош қаламлар», 2008, №19, 82-б.).

Чингиз Айтматов қиссалари ва романларида қирғизлар ва бошқа туркий халқларнинг афсоналаридан, фольклоридан унумли фойдалангани ҳам умумтуркий адабиёт учун катта хизматдир. Кўпчилиги асарларидаги воқеалар бугунги Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудларидаги тоғлару

адирлар, қишлоғу шаҳарларда кечади. Бу ҳам эски Туркистоннинг бугунги авлодларини бир-бирига боғлайдиган бир хизматдир. Жаҳоншумул адиб жамоат ишларида ҳам фаол қатнашгани, улкан анжуманларда қардош халқларнинг манфаатларини доим ҳимоя қилгани ҳам унинг юксак одамийлик ва миллий фазилатларидан биридир. Масалан, иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида, советлар ғалаба қозониши аниқлашиб қолгач, сталинчилар мустамлакадаги Кавказ халқларини сургун қилиш сиёсатини амалга оширди (мақсад Кавказнинг унумли, гўзал ва олтин табиатли ерларини маҳаллий аҳолидан бўшатиш ва ўз одамларини жойлаштириш; зотан, бу ҳам худди чорлик даврида мужикларга бир олтиндан тарқатиб, мустамлака ўлкаларга ёйиш сиёсатининг давоми эди). Бу сиёсатнинг энг оғир зарбаси Қрим татарлари бошига тушди, улар бутунлай она ватанидан кўчириб юборилди, Ўзбекистон, Қозоғистон ва бошқа ерларга жойлаштирилди. Русия мусулмонларини уйғотган, «Таржимон» газетаси ва янги очилган жаҳид мактаблари билан бутун мустамлака туркий халқларни жаҳолатдан қутқариб қолган Исмоилбек Гаспиралининг халқи ватансиз қолди – тақдирнинг бу шум жилвасига қаранг. Балки империалистлар бу билан ўч олишгандир, деб ҳам ўйлаб қолади одам. Хуллас, бу мажбурий кўчишдан ўн беш йил ўтиб, Қрим татарлари ватанга қайтиш учун бизнинг Янгийўлда туриб сиёсий курашга киришдилар, Мустафо Жемилевлар етишиб чиқди ва натижада, 90-йилларда асосан ватанларига қайтиб бордилар. Ана шу мужодаладан Чингиз Айтматов ҳам четда қолмаган, у 1989 йил 2 июлдаги коммунистлар қурултойида депутат сифатида сўз олиб, Қрим татарларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилган. Буни Ўзбекистондан ватанига кўчган қардошларимиздан шоир Шокир Салим Чингиз Айтматовнинг вафоти муносабати билан ёзган хотира-

сида чуқур миннатдорлик билан эслаган («Қардош қаламлар», 2008, №19, 71-6.).

2016 йил август ойида Бишкекда, Қирғизистоннинг шимоли-шарқидаги Барскун қишлоғида Уркун қатлиомининг юз йиллиги ўтказилди. 1916 йилда чор ҳукумати бутун Туркистон халқидан биринчи жаҳон урушида ва фронторти ишлари учун одам олгани, бу сиёсатга қарши Туркистон халқларининг исён қилгани маълум. Чор мустамлакачилари Туркистоннинг моддий бойликларини ташиб кетгани, халқни арзонга ишлатгани, ҳақ ва ҳурриятини топтагани етмаганидек, энди жон истаётганди, оммага жон солиғи солганди. Бунга исён қилганлардан 100 – 120 мингтаси қўшни Чин ҳудудларига қочиб бораркан, чор ҳарбийлари уларнинг асосий қисмини отиб-қириб ташлади. Ўқдан қутулганлар ҳам Тангри тоғларининг 3-4 минг метр баландликдаги ваҳший қояларидан ошиб ўтолмай йўлда ўлди. Чор ҳукумати ҳам, советлар ҳам бу воқеаларни тарихга кўмиб келди, мусулмонларни юз мингларча инсон суяги қалашиб ётган дараларга ўтказмади. Ниҳоят, орадан юз йил ўтиб, у гуноҳсиз аجدодларнинг қонли қисмати эсланди, мустабидларга лаънатлар ёғдирилди. Бу – мустақил давлатнинг виждонли инсонлари томонидан амалга оширилди.

Халқ бошига тушган худди шундай фожиани Чингиз Айтматов ҳам бошидан ўтказди, унинг отаси 1938 йилда отиб ташланган, аммо унинг қаерда отилгани, суяги қаерда ётганини, ҳатто, Чингиз Айтматовдек жаҳонга машҳур адиб, ҳукуматнинг бош газетаси «Правда»да, элчилик мақомигача бўлган бошқа масъул вазифаларда ишлаган, барча олий мукофотларга сазовор бўлган ёзувчи ҳам олтмиш йилга яқин билолмай юрди, бир умр эзилди.

Адиб дардининг маълум бир қисмини шўро турмушидаги айрим ижтимоий нуқсонларни очган асарларида, хусусан, динсиз ва миллатсиз тузум

қуриш учун курашаётган шўро бошқарув тизимининг ваҳшиёна сиёсатини фош этган, тарихий хотирасидан айрилган катта-кичик халқларнинг онасини ҳам танимайдиган манқуртга айланишини кўрсатиб берган романларида тўқа олди. Дунёни титратган, советларнинг бош сиёсатидаги манфур йўналишни бадийий образлар, матндаги фалсафий ишоралар орқали очиб берган бу асарни чорлик ва совет империализми зулмини чеккан бошқа бирор миллат вакили эмас, бизнинг Чингиз Айтматов ёзгани ўшанда бўлганидек, бугунда ҳам барча туркий халқларни гурурлантиради. Жумладан, Озарбайжон ёзувчилар уюшмасини ўтган асрдан бери бошқариб келаётган атоқли адиб Анор таъкидлаганидек, «Чингиз Айтматов изтиробли кечган болалик йилларидан юракларни титратувчи соф, содда бола сувратини олиб келиб абадийлаштирди... У оқ кема ортидан оқиб кетади... У Иссиқкўлнинг қутлуғ сувларига эмас, мангуликка қараб сузади».

Ҳақиқатан ҳам, адиб яратган кўплаб адабий қаҳрамонлар башарият билан бирга абадиётга томон доимо йўлда. Чингиз Айтматов уларнинг ёнида, у ҳам бир мангулик йўлчиси.

Сувон МЕЛЛИ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ – ПИСАТЕЛЬ ПЛАНЕТАРНОГО МЫШЛЕНИЯ

Оды величию Человека (непрененно с заглавной буквы), воспеты предостаточно, однако о его зависимости от природы, ответственности за судьбы родной планеты заговорили только с середины двадцатого столетия. «Человечество, как живое вещество (курсив Вернадского) и заметьте, не существо, а вещество – С.М.) неразрывно связано материально-энергетическими процессами, определенной геологической оболочкой земли – с ее биосферой. Оно не может физически быть от нее независимым ни на одну минуту» (4, с.237). Если сердцем и разумом вникнем в эту истину, высказанную великим русским ученым Владимиром Вернадским, то можем хоть поверхностно постигнуть, что такое планетарное мышление и каковы его параметры. Чингиз Айтматов в полной мере обладал этим мышлением, и может быть, в силу этого он стал писателем планетарного масштаба.

Вот как проходил разговор между «неизвестным» (потом мы узнаем, что он есть Воланд, Сатана) и воинствующим атеистом поэтом Иваном Бездомным: «Прощайте, атеисты, вы умираете, а Бог жив».

– «Но вот какой вопрос меня беспокоит: ежели Бога нет, то спрашивается, кто же управляет жизнью человеческой и всем вообще порядком на земле?»

– Сам человек и управляет, – поспешил сердито ответить Бездомный...» [3, с.14].

Чуть ниже Воланд блестяще опровергает безумное мнение Бездомного об управлении человеческой жизнью человеком, и в конце разговора замечает, что «Не правильнее ли думать, что управился с ним кто-то совсем другой?» Хотя это формально вопрос, но на самом деле веский, весомый ответ. «Кто-то совсем другой» – это и есть Бог. Это признает даже и Сатана.

Художественное мышление Чингиза Айтматова тесно связано с идеей Бога. Это подтверждают его любимые персонажи и он сам. Когда Буранный Едигей пытается «восстановить точнее в памяти последовательность мыслей, обращенных к Богу, ибо только он один, неведомый и незримый, мог примирить в сознании человеческом непримиримость начала и конца, жизни и смерти» [1, с.80]. Без этой идеи, без признания всемогущества Творца планетарное мышление, мышление вообще даже очень крупного мыслителя или писателя неполноценно. В этом отношении Чингиз Айтматов на высоте. Не зря он, как говорится, писатель от Бога.

В первом томе семитомного собрания сочинений Ч.Айтматова (М., 1998) под портретом писателя стоит такой автограф: «Бог рассчитывает на нас так же, как мы рассчитываем на Него. Но какое же его долготерпение!» Примечательно, что в конце последней фразы поставлен не вопросительный(?), а восклицательный (!) знак. По тому можно твердо сказать, что это глубоко волнует писателя и это не вопрос, а жгучая боль писателя. Бог и мы. Глубинный, субстанциональный вопрос человеческого бытия и Вселенной.

Общеизвестно, что Чингиз Айтматов прославился вначале своими повестями. В «Повести гор и степей», отмеченной Ленинской премией, тогдашней самой престижной литературной наградой Советского Союза, вошли четыре повести – «Джамиля»,

«Тополек мой в красной косынке», «Верблюжий глаз», «Первый учитель» – и они оповестили миру, что на литературном небосклоне появилась звезда первой величины. Потом он опубликовал еще несколько повестей: «Материнское поле», «Прощай, Гульсары!», «Белый пароход», «Пегий пес, бегущий краем моря» и другие.

В 1980 году в издательстве «Кыргызстан» (Фрунзе) опубликован первый роман писателя, с двойным названием: «Буранный полустанок (И дольше века длится день...)». С этого произведения начинается романский период в творчестве писателя. Именно этот роман ознаменовал выход Чингиза Айтматова на планетарный уровень. В этом отношении роман «Буранный полустанок» есть переломный этап в творчестве писателя, его скачок в космос в буквальном и символическом смысле. Творческий дух писателя, как бы преодолев земное притяжение, главенствующее в его повестях, в этом романе взлетает в космические просторы. И последующие романы писателя – «Плаха», «Тавро Кассандры» и «Падающие горы» дают обильный материал для исследования обширного круга проблем и особенности планетарного мышления Ч. Айтматова. Как выходит, жанр романа открыл доступ художественному сознанию писателя к глобальным постижениям исконных проблем человеческого бытия. Романное мышление Чингиза Айтматова – в основном, планетарное мышление.

Когда мы говорим здесь о планетарном мышлении Айтматова, акцентируем внимание на одном эпизоде, вернее, на глубинном идейном ходе в романе «Буранный полустанок». Известно, что роман состоит из трех глубинных пластов – земного, космического и мифологического.

В космическом пласте, как пишется в романе: «Однако же именно здесь, на борту авианосца «Кон-

венция», разыгрывалось пока никому за пределами корабля не известная мировая драма (курсив наш – С.М.) в связи с неслыханным случаем в истории освоения космоса, имевшем место на американо-советской орбитальной станции «Паритет» [1, с.40].

Космическая станция, находящаяся на самой отдаленной когда-либо от земного шара орбите «Трамплин», называлась «Паритет», отражая суть земных взаимоотношений» [1, с.41-42]. Покинув борт совместной орбитальной станции Паритет космонавты 1-2 и 2-1, один советский, другой американский, обнаружили в отдаленном пространстве вселенной за пределами Солнечной системы носителей внеземной цивилизации в лице обитателей планеты Лесная Грудь. Космонавты сообщают: «Голубоволосые лесногрудцы – творцы высочайшей современной цивилизации. Встреча с ними может явить глобальную перемену во всей нашей жизни, в судьбе всего человеческого рода. Но переняв их опыт, мы могли бы произвести переворот в нашем бытии, начиная со способа добычи энергии из материального окружения мира и до умения жить без оружия, без насилия, без войн» [1, с. 89].

Но каков итог? После экстренного заседания особо-уполномоченных комиссий по расследованию чрезвычайного положения, возникшего в результате открытия внеземной цивилизации, постановили:

а) не допускать возвращения бывших паритет-космонавтов 1-1 и 2-1 на орбитальную станцию «Паритет» и тем самым на Землю как лиц, нежелательных для земной цивилизации;

б) объявить обитателям планеты, именуемой Лесная грудь, о нашем отказе вступать с ними в каком бы то ни было виде контактов как несовместимых с историческим опытом, насущными интересами и особенностями нынешнего развития человеческого общества на Земле» [1, с.168]. И так далее

в таком духе, оговаривается еще, что «Общепринимает решение, не подлежащее пересмотру».

Хорошенько подумаем над этими страницами романа. Значит человечество в лице двух сверхдержав, СССР и США, не готово к глобальным положительным переменам в мироустройстве планеты Земля. И вестники внеземной цивилизации навеки остались там и больше того — «А между тем совершенно напрасно, поистине, как глас вопиющего в пустыне, из вселенной шли непрерывные радиосигналы паритет-космонавтов 1-2, и 2-1! Они отчаянно просили не прерывать с ними связи» [1, с.281].

Не забудем, эти строки писались и публиковались в 1980–1981 годах, когда одна из двух сверхдержав СССР еще прочно стояла на ногах и ее марксистско-ленинская идеология оповещала миру о своей единственно верной доктрине — «Наше учение непобедимо, потому что оно верно» — торжественно провозгласила госидеология. Приоритет над истиной — всеобъемлющий. Недалеко отставала от него и другая сверхдержава.

Уже нет СССР и его «победоносная идеология» (уже в кавычках) почти незаметно иссякла. Но поставленный великим писателем вопрос остается: куда катится Земля, наша родная планета? Поставленные в романах Айтматова глобальные вопросы приобретают еще большую жгучесть. Его предупреждения тоже.

Одна из ярчайших фигур Русского Зарубежья Архиепископ Иоанн Сан-Францисский (Шаховской) написал замечательную статью под заголовком «Сверхклассовая истина». Чингиз Айтматов с романом «Буранный полустанок» в первую очередь и другими романами вещал миру сверхпланетные истины. Не случайно в заглавии другого романа он поставил имя Кассандры, она, героиня греческой мифологии, дочь царя Трои Приама, получившая

от Аполлона пророческий дар. Аполлон, отвергнутый Кассандрой, сделал так, что ее прорицаниям перестали верить. Так троянцы не вняли словам Кассандры, предостерегавшей Париса о похищении Елены, последнее привело к Троянской войне и гибели Трои. После удачных раскопок Шлиман никто уже не сомневается об исторической достоверности Троянской войны и гибели Трои. Что стоит гибель Трои перед опасностью, грозящей планете Земля, о которой предупреждает Чингиз Айтматов в своих романах и выступлениях? «Мы все сегодня в одной лодке, а за бортом — космическая бесконечность» [2, с.60] — говорит писатель с трибуны софийского международного писательского форума.

Роман «Буранный полустанок» заканчивается «почти апокалиптической картиной». (Из послесловия к роману критика Н.Потапова «Мир человека и человек в мире»): «Человек, верблюд, собака — эти простейшие существа, обезумев бежали прочь. Но как долго бы они не бежали, то был бег на месте, ибо каждый новый взрыв накрывал их с головой пожаром всеохватного света и сокрушающего грохота вокруг...» [1, с.193]. Тут Айтматов употребляет слово «светопреставление», означающего не что иное, как конец мира, гибель всего существующего. Здесь роман достиг вершины своего трагизма и как хочется, чтобы данное изображение осталось только в романе и не перекочёвывало в действительность. Все-таки как говорится в пословице, Божья рука — владыка.

В заключении романа органично синтезируется все три пласта произведения. Транскосмическая операция под названием «Обруч», призванной не допустить представителей внеземной цивилизации на Землю создает, так сказать, малое светопреставление, гигантские огненные всполохи которого

страшно ужасают землян — людей и всяких тварей. И еще. Ракетный «Обруч» вокруг тела Земли, — писал критик Н. Потапов, — это ведь некий аналог того «шири из сыромятной кожи, который по мере усыхания на голове человека-раба сдавливал все с такой силой, что начисто лишал памяти» [5, с.301]. Космический «Обруч», таким образом, вступает в переключку с мифологической легендой о манкурте. Как пишется в романе: «Ракеты уходили в дальний космос закладывая вокруг земного шара постоянно действующий кордон, чтобы ничего не изменилось в земных делах, чтобы все оставалось как есть...» [1, с.293].

Вообще, страшна такая параллель — манкурт и Земной шар.

В конце статьи — одно маленькое замечание. Роман назван «Буранный полустанок». В первом издании этот вариант заглавия первенствовал. Но в последнее время вообще и в узбекских переводах, в частности, преимущество отдаётся второму названию — «И дольше века длится день», «Асргататулик кун» или «Асрни қаритган кун» по-узбекски. Но нельзя полностью вычеркнуть из читательской памяти первого заглавия. Ибо, по моему убеждению, «Буранный полустанок» помимо прочего имеет еще и символический смысл, означающий прекрасную и хрупкую планету нашу Земля, родину Человечества. Все высказанные выше мысли показывают, насколько велик духовный потенциал и отрезвляющий заряд произведений Чингиза Айтматова и почему мы называем его писателем планетарного масштаба и планетарного мышления. По известным причинам, это мышление имеет трагическую окраску. Вообще, трагическое как эстетическая категория преобладает в романном творчестве Чингиза Айтматова.

Қалдибек СЕЙДОНОВ

ТОМИРЛАРИ БИР ХАЛҚМИЗ

Қардош ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги иқтисодий, маданий, шу жумладан, адабий алоқалар тарихига назар ташлар эканмиз, унинг нақадар чуқур ва қадимий эканлигини кўриш имконига мушарраф бўламиз. Чунки, ўзбекнинг тўйи қирғизсиз, қирғизнинг тўйи ўзбексиз ўтган эмас. Бу икки қавм неча-неча асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётган туркий халқлардир.

Маълумки, ўзбек ва қирғиз халқлари маданий ҳаётининг қайси бир тармоғига назар ташламайлик, унда уларнинг қўлни-қўлга бериб, ягона қардошлик оиласида матонатли меҳнат қилаётганининг шоҳиди бўламиз.

Ўзбек ва қирғиз халқлари бир-бири билан қанчалик яқин дўст-биродар ва қон-қариндош бўлсалар, уларнинг иқтисодий, маданий ҳамда адабий алоқалари ҳам шунчалик илдиз отган ва ривожланган. Шу жиҳатдан, ҳар иккала халқ оғзаки ижоди дурдоналарини кўздан кечирганда, улардан бир-бирига мос келадиган ҳамоҳанг эртак ва афсоналарни, эпик дostonлар билан бир қанча латифаларни, халқ мақолларини кўплаб учратамиз. Масалан: “Кетмон чопмай нон қайда, меҳнат қилмай дон қайда”, “Меҳнатинг қаттиқ бўлса, топганинг тотли бўлар”, “Сувнинг отаси булоқ, сўзнинг отаси қулоқ”, “Айрон ичган қутилибди, пақир ялаган тутилибди” ва бошқалар, “Алпомиш” ва “Манас” эпос-

ларининг ҳамоҳанг ғоялари, бир-бирига мос келадиган ўхшашликлари фикримизнинг далиллайди.

Чунончи, “Алпомиш” дostonи ҳам, “Манас” эпоси ҳам ўқувчиларни мардликка, ватанпарварликка чорлаб, адолатсизликка, шафқатсизликка нафрат уйғотади. Ҳар иккала асарнинг бош қаҳрамонлари Алпомиш билан Манас умр бўйи фарзанд кўрмай юрган чол-кампирларнинг танҳо ўғиллари. Иккаласи ҳам паҳлавонлик ва ботирлик билан 6-7 ёшидаёқ халқ орасида кенг шуҳрат қозонган. Ҳар иккала эпосдаги яна бир ҳамоҳанглик Барчиной билан Ханекей образларининг бир-бирига кўп жиҳатдан мос келишидир. Иккаласи ҳам ғоят гўзал, зийрак бўлиш билан бирга Алпомиш билан Манаснинг чинакам ғамхўри, маслаҳатгўйи, севиқли ёри. “Манас” эпосида Хитойдан чиққан Алмамбет Манас билан дўст бўлса, “Алпомиш” дostonида қалмоқлардан чиққан Қоражон Алпомиш билан самимий қадрдон бўлади. Манаснинг қариндошлари Манас билан аразлашиб, қалмоқлар томонига ўтиб, унга душманлик қилсалар, Бойбўридан ранжиган туғишган укаси Бойсари ҳам худди шундай қилади.

Шу мисолларнинг ўзиданоқ кўриниб турибдики, ўзбек ва қирғиз халқларининг ўтмиш тарихи ҳам, адабиёти ва маданияти ҳам, тақдири ва табиати, келажак орзулари ҳам, ҳатто урф-одати ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш. Бир сўз билан айтганда, ҳар иккала халқ қадим-қадим замонлардан бери бир-бирига ёрдам қўлини чўзиб, бир-бирига мададкор бўлган, бир-бирини қадрлаб ҳурмат қилган.

Бундан ташқари, қардош қирғиз тупроғида дунёга келган Юсуф Хос Ҳожибнинг ахлоқий-таълим мавзусидаги “Қутадғу билик” (1069) асари билан Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону лугатит турк” (1072 – 1074) дурдонаси, шунингдек, Аҳмад Юғнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” (XII) каби асарлари ҳам умумтуркий халқларнинг ажойиб ёдгорликла-

ри ҳисобланиб, улар ўзбек ва қирғиз халқларига ҳам тўла тааллуқли. Буларнинг барчаси ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари уларнинг маданий, адабий алоқалари билан уйғунлашиб кетганидан далолат беради.

Қирғиз адабиёти билан ўзбек адабиёти ўртасидаги ўзаро алоқалар ҳамоҳанглигини тилга олганда, унда ҳар иккала қардош халқ адабиётининг буюк машғаллари Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан Тўқтағул Сотилғанов, шунингдек, Аали Тўқомбоев, Тугелбой Сиддиқбеков, Юсуф Турсунбеков, Суюнбой Эралиев, Темирқул Уметалиев, Қувончбек Маликов, Чингиз Айтматов, Савронбой Жусуев, Ойбек, Фафур Фулом, Комил Яшин, Уйғун, Ғайратий, Миртемир, Шароф Рашидов, Одил Ёқубов, Шукрулло, Ҳамид Фулом, Пиримқул Қодиров, Жуманиёз Жабборовлар номларини алоҳида эслаб ўтишни жоиз деб биламиз.

Қирғиз халқ оқинлари Исҳоқ Шоибек, Ахтан Танибеков, Муса Чагатов, Тўхтағул Сотилғанов билан ўзбек халқининг ажойиб ижодкорлари Муҳаммадшариф Шомурод ўғли Пўлкан, Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти ва ижодий фаолиятларида бир-бирига мос келадиган муштарак томонлар, ҳамоҳанг ғоялар анчагина. Масалан, уларнинг бошидан кечирган қийинчиликлари, бой-феодаллардан кўрган азоб-уқубатлари, ҳатто ҳаёт ҳаққонийлигини тўғри тушуниб, уни ўз асарларида акс эттиришларида ҳам ўхшашликлар мавжуд.

Чунончи, ўзбек адабиёти тарихидан маълумки, Пўлкан шоирни 1916 йили маҳаллий бойлар қамоққа маҳкум эттириб, Сибирга сургун қилдиришади. Аммо у халқ бахт-саодатини куйловчи, баъзи бир бой-руҳонийларнинг ярамас кирдикорларини очиб ташловчи айтишувлар айтишни давом эттираберади. Бу ҳол қирғиз халқ оқини Тўқтағул

Сотилганов (1864 – 1933) ҳам Андижон қўзғалони-нинг иштирокчиси сифатида айбланиб, Наманган ҳарбий суди қарори билан ўлимга ҳукм этилади. Лекин, меҳнаткаш халқнинг ҳукмдан норозилигидан қўрққан маъмурлар Тўхтагулни ҳам, Пўлкан шоир каби Сибирга сургун қилишади. Бу ноҳақликдан ғоят газабланган шоир қатор шеърлар ёзиб, уларни кескин танқид остига олади.

Тўхтагул Сотилгановнинг “Хайр она”, “Онамга хат”, “Хайр”, “Менинг халқим” ва Пўлканнинг “Мардикорлик” номли достони ҳар иккала оқиннинг сургунликда юрган пайтида ёзган асарлари бўлиш билан бирга, уларда норозилик, исёнкорлик ғояси кенг ўрин олган. Бу ҳол И. Шоибеконинг “Бечора халқ”, А. Танибековнинг “Муҳожирлик”, М. Чагатовнинг “Исён” каби достонларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ўтган асрнинг 20-йилларда Ўрта Осиё халқларининг маданий маркази Тошкентда бир қанча қирғиз зиёлилари билан бирга, ёзувчи-шоирларнинг етишиб чиқиши ҳар иккала халқ маданий ҳаётида, адабий-маданий алоқалари тарихида муҳим воқеа бўлди. Бу ўринда ўтган асрнинг 20 – 30-йиллари мобайнида Ўзбекистонда таҳсил олган Қирғизистон Республикасининг собиқ Биринчи раҳбари И. Раззоқов билан Қирғизистон Фанлар академиясининг собиқ Президенти И. Охунбобоев номини, шунингдек, қирғиз ёзма адабиётининг асосчиси Аали Тўқомбоев билан Исҳоқ Шоибеконни, Узоқбой Абдуқаюмов, Мусо Елебоев, У. Жакиешев, К. Тинистанов, Қ. Рахматулин, Х. Қораев ва бошқа қалам соҳиблари номларини эслаш зарур. Улар Тошкентдаги қирғиз-қозоқ Маориф институтида, Тошкент Давлат университетиде ва бошқа институт-техникумларда таҳсил олиб, ижод олами сари парвоз этдилар. Шунинг учун ҳам Аали Тўқомбоев “Ўрта Осиё Давлат университети Ўрта Осиё

республикаларида малакали кадрларнинг тарбияланиб етишишида катта роль ўйнаган ва меҳнати синган илм даргоҳидир”, деган эди. Ўзбек адабиётининг буюк намояндалари Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Уйғун, Ғайратий, Миртемир, Мақсуд Шайхзода ва бошқалар 30-йиллардаёқ мукамал асарлари билан танила бошлаган Аали Тўқомбоев, Қосимали Бахнилов, Қосимали Жонтошев, Юсуфбек Турсунбеков каби қирғиз ёзувчилари билан Тошкентда танишиб, ижод ҳақида фикр алмашган ва дўстлашганлар. Сўнг улар Тошкентда ўтказилган симпозиум ва конференциялар, йирик анжуманлар муносабати билан тез-тез учрашиб, ўртала-ридаги мавжуд дўстликни яна мустаҳкамладилар. Кейинчалик бу дўстликни Чингиз Айтматов билан Одил Ёқубов, Ҳамид Ғулом, Шукрулло, Пиримқул Қодиров, Мирмуҳсин билан Қувончбек Маликов, Жуманиёз Жабборов билан Темирқул Уметалиев, Эътибор Охунова билан Нуралайка Алимқулова ва бошқалар давом эттиришди. Натижада, ҳар иккала қардош халқнинг маданий-адабий алоқалари йиллар ўтган сари янги мазмун касб этиб, ранг-баранг қиёфаларда кенгайиб борди. 30-йилларда қирғиз ҳаётига мурожаат қилиб ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлигини куйлаган, Ғайратийнинг “Онамга хат” достони, “Арашан”, “Булоқ бўйида”, Мақсуд Шайхзоданинг “Қирғиз жўлдошга”, Миртемирнинг “Қирғизистон” ва бошқа ўзбек шоирларининг шеърларини эсласак, ўзбек ҳаётини акс эттирган, қирғиз-ўзбек дўстлигини куйлаган Аали Тўқомбоев, Темирқул Уметалиев, Насриддин Бойтемиров, Сотқин Сосиқбоев, Марям Абулқосимова, Суюнбой Эралиев ва бошқалар қирғиз ижодкорларининг ижод намуналари ҳам ёдга тушади. Масалан, Бойдулла Сарнўғоев ўзининг “Салом” номли шеърида қирғиз-ўзбек халқлари дўстлиги мадҳ этиб, ўзбек халқиға ўзининг қардошлик саломини йўллайди:

Салом сенга, қардош, қўшни ўзбегим,
Жилвадорсан, кўраман мен кўзимман.
Салом сенга, ҳамиша ёш Тошкентим,
Азим Шарқнинг дарвозаси ўзингсан. —
деса, бошқа бир шеърида:

Салом сенга қиёси йўқ далалар,
Куй таралар қўбизимдан, торимдан.
Қуллик сенга, саховатли Сирдарё
Пахта экиб, сув ичамиз Нориндан, —
дейди. Темирқул Уметалиевнинг “Эсдан чиқмайди”
номли шеърида шундай сатрлар бор:

Ҳамон ёдда гўзал Тошкентим,
Вьетнам, Неопал, Африкалик демайин
Қучоқлашиб, қўл олишдим, сўрашдим,
Улар билан ичдим ўзбек кўк чойин.

Деҳли, Бағдод, Анқарадан келишиб,
Ёзувчилар бир мақсад-ла тўпланди.
“Тошкент руҳи” анжуманга асосдир,
Шу руҳ билан ўтди суҳбат ҳар банди.

Шунингдек, ўзбек шоирлари ҳам қирғиз ҳаёти-
га алоҳида назар ташлаб, улар турмушини, сер-
файз табиатини, қўлга киритаётган зафарларини
ўз асарларида акс эттирдилар. Мақсуд Шайхзода,
Миртемир, Собир Абдулла, Мирмуҳсин, Жуманиёз
Жабборов, Ўтибор Охунова, Абдулла Орипов ва
бошқа ўзбек шоирларининг шеърларини мухлис-
лар яхши билишади. Айниқса, Миртемир ижоди-
да қардош қирғиз халқининг ҳаёти, гўзал табиа-
ти, меҳнаткаш халқининг буюк жасоратлари ёрқин
акс этирилган. Бу борада шоирнинг “Чағалай”,
“Қирғизистон”, “Қирғиз халқига”, “Мен сени” ва
бошқа қатор шеърларини тилга олиш мумкин. Ма-

салан, шоир ўзининг “Мен сени...” (1960 й.) номли
шеърида Қирғизистон диёрини мадҳ этиб, унга
ўзининг интизорлигини акс эттиради.

Шоир қардош қирғиз халқи ҳақида, унинг бу-
нёдкорлик фаолияти тўғрисида қалам тебратар
экан, унга нисбатан ўзининг қайноқ муҳаббатини
изҳор этади. Қирғиз халқининг ўзига хос хусусият-
ларидан келиб чиқиб, иборалар қўллайди. Натижа-
да, ўзбек адабий тилига янги-янги сўзлар, ибора-
лар олиб кириб, уни бойитади ва ривожлантиради.
Масалан, шоирнинг “Қирғизистон” номли шеъри-
даги қуйидаги сатрларга кўз ташлайлик:

Бунда той-той момик, ёвоғи тивит,
Бунда олма, ипак, мовут, каноф, чит.
Бунда ҳар ёш қирғиз Манасдай йигит,
Ўзи ажиб, сўлим, яшил жаҳон бу —
Қирғизистон бу.

Чўққиларда сакрар чўнг мугуз олқор,
Ҳар кўли, дарёси ўзи бир Чалқор,
Олмаси қаҳрабо, тоғлари оқ қор,
Она табиатдан хуш армуғон бу —
Қирғизистон бу!

Икки халқ ўртасидаги бу ибратли дўстликни
XX аср охири — XXI аср бошларида Чингиз Айтма-
тов, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби аллома
ижодкорлар муносиб равишда давом эттирдилар.
Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг
тили ва дили бир ёндош ва жондош мамлакатлар
билан дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини ҳар томон-
лама кучайтириш борасидаги ташаббуси боис, бу
ришталар янада такомиллашиб бормоқда.

Назар ЭШОНҚУЛ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ ОГОҲЛИК БОНГЛАРИ

Ўтган асрнинг 60-йиллар охиридан бошлаб, Чингиз Айтматов даражасида ҳар бир асари дунё фикр кишилари ва китобхонлари томонидан интиқиб кутилган, қизгин муҳокама ва мунозарага сабаб бўлган, ҳар бир асари вақтнинг бешафқат ва адолатли синовига дош берган, ўқувчини фикрлашга, ўзининг ва, умуман, Инсоннинг бу дунёдаги ўрнини англашга, ўтмиши, келажаги ҳақида ўйлашга ундаган, ҳар бир асарида даврнинг кечиктириб бўлмас долзарб масалалари ўртага ташланган бошқа бир шўродан чиққан адибни топиш қийин. Ч. Айтматов жаҳоний тафаккурга, жаҳоний кўламга, жаҳоний мунозарага, жаҳоний бадиий мунозабага эга ёзувчи эди. Айнан шунинг учун ҳам адиб асарлари ҳали-ҳануз ўз қийматини йўқотмай, мутоала қилганларга сабоқ, фикр излаганларга фикр, миллат излаганларга миллий руҳ, ташбеҳ излаганларга ҳикмат бериб келаяпти. Зеро, Чингиз Айтматов дунёга китоб берган, китоб орқали инсониятни юзма-юз турган муаммолардан халос бўлиш йўлини кўрсата олган адиб саналади.

XX асрда жаҳоний шуҳрат топган адиблар анчагина. Аммо уларнинг орасида Чингиз Айтматов ўзининг фазовий тафаккур тарзи, инсон камолоти ва тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни жасорат билан фож қила олган, айти пайтда дунё

адабиётининг илғор анъаналарини ҳам миллий, ҳам умумтуркий адабиётга дадиллик билан олиб кирган, бу анъаналарнинг нафақат қирғиз, балки бутун туркий адабиётда синтезлашишига улкан ҳисса қўшган, асарларида ўртага ташланган масалалар қанчалик миллий бўлса, шунчалик умуминсоний эканлиги, умуман, адиб ер сайёрасига, бани башарга тааллуқли энг оғриқли, энг изтиробли, энг долзарб муаммоларни бадиий ва фалсафий мушқо-дага айлантира олган, бу муаммоларга ўша пайтнинг ўзидаёқ олти қитъанинг ҳам эътиборини қаратган, адабиётнинг замон билан уйғун келадиган нуқталарини топа олган улкан ва бетакрор истеъдодлиги – ноёб адбий ҳодисалиги билан алоҳида ажралиб туради.

Гапнинг пўтскалласини айтадиган бўлсак, ҳали туркий адабиётда дунё миқёсида Чингиз Айтматов даражасида тан олинган бошқа бир адибни тополмаймиз. Бошқа адибларнинг дунёвий кўламига заррача соя солмаган ҳолда Айтматов асаричалик биронта туркий адабиёт вакилининг ижодий маҳсулоти ҳали дунёнинг 180 дан ортиқ тилига таржима қилинмаганини тан олиш керак. Бу факт адибномини XX асрнинг энг кўп ва энг хўп муҳокама этилган Ж. Сартр, Камю, М. Фриш, Дюрренматт, Г. Маркес, Варгас Льоса, Карлос Фуэнтес, Кэндзабуро Оэ каби сўз санъати титанлари сафидан жой олганини билдиради. Бу адиблар фақат бир асрда яшагани учун эмас, балки сўзга бўлган эътиқодларига, ўз даврига қарата айтган гапларига, ўз даврини муқаррар маънавий, экологик, технократик фожеалардан огоҳлантиришларига кўра ҳам жаҳон адабиётининг пешқадам бемисл вакиллари саналади. Улар адабиётнинг тасаввур, дид, ифода.

шартлилик усулларини ислоҳ қилишди, XX аср сўз санъатини янги босқичга, янги мақомга, янги чўққига кўтарган ўзидан олдинги салафларининг муносиб издошлари эканини ижодлари, хизматлари, адабиётга, Сўзга қўшган ҳиссалари билан исбот қилиб бердилар. Зеро, Чингиз Айтматов асарларида кўтарилган муаммолар юқорида номлари зикр этилган адиблар ўртага ташлаган ва таҳлил қилган муаммолар ҳамда шу даврнинг адабий мароми билан уйғун ва ҳамоҳанг эдики, адиб инсон ва олам ҳақида ўз оғриқларини, изтиробларини, ўй-кечинмаларини, катта ҳарфларда ёзиладиган, янги даврда тобора камайиб бораётган Инсон ва инсоний фазилатлар ҳақидаги орзу-армонларини асарлари орқали баён қилиб берди. XX асарнинг буюк адиблари Кафка, Ж. Жойс, Камю, Фолькнер, Пруст, Хемингуэй, Т. Элиот каби мажруҳлашиш, маҳкумлашиш, моҳиятсизланиш сари юз тутган Инсон Қалбини ҳимоя қилди, унинг ташқи ва ички тажовузларини, таҳдид ва таъқибларини кўрсатиб, таҳлил қилиб, асослаб берди. Мафкуралар, таълимотлар, ғоялар топтаб ташлаган инсон шаънини, инсон номини, инсон ғурурини Сўз майдонида ҳимоя қилди; сўз билан, қалам билан технократлашаётган, моддийлашаётган, манфаатлашаётган, мафкуралашётган, ўзини яратган асосдан тобора узоқлашиб, узилиб, ёлғизлик, маънисизлик, худбинлик, ёвузлик, жоҳиллик сари кетаётган башарий залолатга, башарий маҳкумликка, башарий манқуртликка, башарий қабоҳатга қарши муросасиз курашди. Гап шундаки, юқорида номлари зикр этилган дунё адабиёти вакилларининг ҳар бири бир дунё; жаҳон адабиётида ўз услублари, ўз қарашлари, инсонни таҳлил этишдаги ўз йўналиш, ўз оҳанг, ўз концепсияларига эга. Кафка, Камю, Сартр-

лар дунёга, одамга экзистинциалистик ёндашган бўлса, Макс Фриш, Дюрренматт, Кэндзабуро Оэ асарларида биз технократлашаётган, ўз табиий заминидан узилган инсоннинг ботиний дунёси манзаралари ҳамда фожеаси таҳлилини кўрамиз. Г. Маркес, Карлос Фуэнтес, Варгас Льюса, Борхес, Онетти, Педро Парамолар реаллик билан рўё, воқелик билан тасаввур фусункор реализм адабиётининг ажралмас бўлаги, ҳатто инсонни тадқиқ этишдаги янги усули эканини исботлаб беришди. Бу услубда эртаклар, мифлар, афсоналар, ривоятлар, хаёл бадийий воситага айланиб кетади, бадийий шартлилик янаям шаффофлашади, инсон ботинининг ифодаси янаям бадийийлашади, жозибалашади, тимсоллашади, чуқурлашади. Чингиз Айтматов эса XX асрга хос барча услубларни, жумладан, юқорида номлари зикр этилган ёзувчиларга хос бўлган барча услубларни, янги ифода усулларни, қарашларни, ташбеҳ ва талқинларни ўз ижодида, ўз бадийий оламида бирлаштира олди.

“Жамила”, “Юзма-юз”, “Бўтакўз”, “Эрта қайтган турналар”, “Сарвқомат дилбарим” каби қиссаларда инсонга ва воқеликка экзистинциалистик муносабатни кўрсак, “Оқ кема”, “Она ер”, “Асрни қаритган кун”, “Соҳил бўйлаб чопаетган Олапар” асарларида биз фусункор реализмга хос бўлган услубни – миф ва асотирларнинг, шартлиликнинг, фантазмагориянинг бадийий воситага айланиб кетганини, “Кассандра тамғаси”, “Фудзиямага оғиш”, “Кунда” (ўзбек тилига “Қиёмат” деб таржима қилинган) асарларида технократлашаётган инсон фожеаси таҳлилини кўрамиз. Шунга кўра қатиъят билан айтиш мумкинки, Чингиз Айтматов жаҳон адабиётининг XX аср 60 – 90-йилларига хос бўл-

ган барча услуб, йўналиш, муаммо, масала, таҳлил, ифода усули, умуман, барча илғор анъаналарини ўз ижодида намоён қила олгани, ижодий лабороториясида синаб кўргани, синтез қилгани билан ҳам эътиборга ва эътирофга лойиқ адибдир. Зотан, Ч. Айтматов замоновий туркий адабиётга жаҳоний кўлам, жаҳоний миқёс, жаҳоний нигоҳ олиб кирдики, буюк ва бетакрор асар “Бобурнома”дан сўнг дунё нигоҳидан четда қолган туркий бадий тафаккурга яна бани башар эътиборини ва эътирофини қарата бошлади. Ана шу хизматнинг ўзиёқ Чингиз Айтматовнинг нафақат қирғиз ёки умумтуркий, балки жаҳон адабиётида мустаҳкам, метиндай фахрли, шарафли ўрни борлигини кўрсатади.

Адиб энг сўнги асаригача инсон қалбини, унинг кўнглини ҳимоя қилди, унинг маънавий таназзул ботқоғидан қутулишига умид қилди. Биз Жамила, Асал, Бола, Мўмин, Тўлғоной, Эдигей, Авдий ва бошқа образларда инсонга хос қалб тароватини, инсоннинг келажаги ва эртасига, унинг иродаси ва қудратига ишончни ҳис қиламиз.

“Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар” асари инсонга бўлган умиднинг, ишончнинг ёрқин намунаси. Болани – келажакни сақлаб қолиш учун, энг сўнги томчи сувни ичиб қўймаслик учун катталар бирин-кетин ҳалок бўлишади: агар катталар ўзларини келажакни – болани сақлаб қолиш учун қурбон қилишмаганда чанқоқликдан бола – келажак ҳам ҳалок бўларди. Сўнги томчи сув билан тирик қолган бола ўз манзилига – она маконга етиб боради. Бу инсон ва унинг елкасидаги масъулият ҳақидаги, бани олам ва одам учун келажакни сақлаб қолиш ҳақидаги тимсолий хулоса, тимсолий ҳикмат эди. Ҳақиқий инсон ўзи яшаб турган замин, сайёра, уй эртага болаларига ҳам қолиши учун бугунги сўнги оби-ҳаёт томчиларига айланаётган маънавий,

инсоний фазилатларни, эзгуликни, олам ва табиат билан уйғунликни асраб қолиши, уни авлодларга етказиши шарт ва зарур. Инсонни фақат шу йўл қутқара олади, фақат шу йўл билан келажак асраб қолинади.

Аслида унинг биринчи асариёқ ҳали Шўро тузумида чоп этилмасдан Фарбда машҳур бўлиб кетганди: “Жамила”ни француз тилига таржима қилган Луи Арагон бу қиссани “Вертернинг кўз ёшлари” қиссаси, яъни Гёте билан беллаша оладиган “...дунёнинг энг соф муҳаббати тараннуми!” деб атади. Бу эътироф адибга илк асаридаёқ дунё эшикларини очиб берди.

Шундан сўнг унинг ҳар бир асари СССРда ва бутун дунёда қизгин муҳокама қилина бошлади, дунё адиб асарлари орқали ўз оғриқларини, ўз фожеасини, ўз кўнглини ўқишга киришди.

Ч. Айтматов асарлари орқали даврнинг энг долзарб, кечиктириб бўлмас, бани инсониятга хос масалаларини, дард ва изтиробларини муҳокама қилдики, бу ҳол уни ўқувчилари, замондошлари кўнглига янада яқинлаштирди. Аслида адибнинг асарлари бугун ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ, бугун ҳам бадийят ва тафаккур сари юришда давом этмоқда.

Ч. Айтматов асарларини ўқиб, ундан чиқариладиган сабоқлар, тимсоллар кўп. Уларнинг ҳаммасини таҳлил ва талқин қилиш учун бутун бошли илмий жамао шуғулланса арзийди. Урушдан кейинги яшаш учун курашда ўз имонини бут сақлаб қолган оддий заҳматкаш одамлар, Она табиатни ва инсоннинг асл илдизини ўзида тимсоллаштирган “Она бугу”, ўз онасини отишдан ҳам тоймаган “манқурт”, бутун бошли экологик фожеани ўз қисматида мутжассам қилган она Бўри – Акбара, табиатни талон-тарож ва вайрон қилишга киришган сиёсий

тизим, тузумнинг қулига айланган Собитжон, Тансиқбоев, муҳит билан келиша олмай эртақлар дунёсига жўнаб кетган Бола, жаҳолат тобора ҳаёт тарзига айланиб улгурган Ҷрозқул, Бозорбой, ичса, ўзини уришини, ҳақоратлашини билган ҳолда эрига ароқ ташийдиган тул Аёл, бошқаларнинг ёвузлиги қурбони бўлган, беайб айбдор, гуноҳсиз гуноҳкор Бўстон, ва ҳақозалар бугунги кунда жаҳон адабиётининг ўлмас образларига, дунё адабиётшунослиги, фалсафаси, психологияси, социологияси, маданиятшунослигининг таҳлил объектига айланган, бу асарларнинг янги қирраларини тадқиқ этаётган асарлар, тадқиқотлар ёзилишда давом этмоқда.

Агар адиб ижодига синчиклаб назар солсак, унда Чингиз Айтматов деган XX асрнинг адабий феноменини, унинг биринчи асари “Жамила”дан тортиб, сўнги “Мангу қайлиқ” романигача, бутун ижодини Хотира ва келажак оғриғи, хавотири, ўтмиш ва келажак олдидаги Инсон масъулияти, умуман ўтмиш билан келажак ораллигида турган инсон маънавияти мавзуси бирлаштириб турганини кўрамиз. Шунга кўра айтиш мумкинки, Хотира ва Келажак масъулияти адибнинг бош ижодий кредоси, ижодий-фалсафий концепсияси саналади.

Умуман, Чингиз Айтматов асарларида маънавий, экологик, технокартик фожеа билан юзма-юз турган башариятнинг келажакдан хавотирга тушган донишманд, мутафаккир адибнинг инсон, олам, тириклик ҳақидаги оғриқларининг бадий манзараларига дуч келамиз. Адибнинг деярли барча асарларида келажакка – эртанги кунга ишора, имо, умид ёки хавотир акс этади, қадрият, тағзамин, тарих, инсонпарварлик, эзгулик, иймон-эътиқод тушунчалари “келажак ва хотира масъулияти” фониди, келажак қайғусида тасвирланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Чингиз Айтматов ижодида “хотира” ва “табиат” тушунчалари ас-

лида бир-бирини тўлдирадиган тушунчалар. Адиб учун табиатнинг ўзи улкан ва бетимсол она – хотирадир. Табиатни топташ, табиатга зуғум – аслида хотирага, ўз асосига зуғумдир. Шунинг учун ҳам адиб асарларидаги табиат тушунчасини ҳам “хотира – масъулият” деб тушуниши асар моҳиятини англашни осонлаштиради. Адиб асарларининг асл ғоялари табиат билан бирлашиб кетган образлар ва тушунчалар ортига яширинади.

“Жамила”, “Сарвқомат дилбарим” каби дастлабки қисса ва асарларида табиат манзаралари худди асар қаҳрамонларининг ўниб-ўсган, вояга етказган макон манзиллари, кўнгиш дунёлари, уларни қучиб турган мангуликнинг бир қисми каби шавқ ва завқ билан тасвир этилади. Табиат манзаралари тасвири – инсон ва олам уйғунлиги, инсоннинг табиат олдидаги масъулияти тасвирларига айланади.

“Оқ кема”да Ҷрозқул Она буғуни отар экан, бу билан у ўзининг ўтмишини, ўсиб чиққан илдизини, табиат билан боғлаб турган ришталарини кесиб ташлайди, оқибатда у айни пайтда ўзини келажакдан марҳум қилади. Табиатни менсимаслик – аслида худосизлик, хотирасизлик, манқуртлик билан баробар. Чунки табиат яратганнинг тимсоли, тажассуми, у инсон хотираси ва келажакга тўшалиб ётган макон. Табиатни менсимаслик – яратгани, ўзининг яралишини, ўзининг бешигини, ўзининг уйини, зотини, наслини, келиб чиқишини ва келажакгини менсимаслик дегани. Тузум мафкураси худосизликни таълимотларининг асоси қилиб олар экан, бу билан аслида инсоннинг ўзини худога – она табиат, она хотира, она устидан ҳукмронга айлантиради. Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги – бу хотирадан ва келажакдан марҳум бўлиш, хотира ва келажак масъулиятини унутиш – яратганга қарши бориш дегани.

Ўразқул ўзини яратган табиатга ҳам, аждодларини муқаррар ўлимдан асраб қолган Она буғуга ҳам хотирасизлик кўзи билан қарайди. Бу билан у табиат ва оламнинг азалий қонуниятларини, хотиранинг келажак олдидаги масъулиятини унутади, инкор қилади. Шунинг учун ҳам у афсоналарга, табуларга, хотира муқаддаслигига ишонмайди. Айнан она табиат тимсоли бўлмиш Она буғунинг ўлдирилиши асарда адиб чинакам инсон, чинакам қалб тимсоли қилиб тасвирлаган Боланинг эзгулик ҳақидаги тасаввурини чилпарчин қилади. Оқибатда Бола она табиатни менсимаган ва уни вайрон қилишга киришган муҳитни ташлаб, балиққа – табиатнинг бир қисмига айланиб, Улуғ Кўл томон сузиб кетади.

“Она буғу” – бу хотира, миллат хотираси тимсоли. Боланинг аждодлари хотира ҳурмати она буғуга эҳтиром бажо келтириб, у билан худди она-болалардай яшаб келишган. Бола ҳам шу маънавиятни, шу ишончини, шу эътиқодни қабул қилади – Она Буғуни кўрганда худди илоҳиятни кўргандай қувонади. Аммо муҳит хотира муқаддаслигини тан олмайди: буларга шунчаки эртак деб қарайди, Она буғуни ов қилиб, пишириб ейишади. Бу билан ҳукмрон мафкура, тузум, унинг моҳияти бадий-рамзий тарзда фож этилади.

“Алвидо, Гулсари” қиссасида ҳам воқелик хотира масъулиятига қурилади: бир пайтлар бутун бошли фермани, ўз соҳибларини асраб қолган, бир умр одамзодга ҳалол ва беминнат хизмат қилган от қариб қолгач ҳеч кимга керак бўлмай қолади.

“Момо ер” қиссасида ҳам Тўлғоний она ер билан хотира ва келажак масъулияти: урушда ҳалок бўлган эри ва болалари ҳамда Жонбўлатнинг оила хотирасига муносиб қилиб тарбиялаш масъулияти ҳақида гаплашади.

“Сарвқомат дилбарим”да Илёс асар охирида ўзининг ҳисларига қурбон бўлган ожиза, зай-

фа қизга эмас, ўз келажagini – боласини ҳалол, мард инсон қилиб тарбиялашга киришган қатийъатли Асалга дуч келади. Айни пайтда келажаги – ўз боласи чинакам севгининг қадрига етмаган Илёс инкор қилади, ўзига меҳр бера олган озурда Бойтемир билан қолади. “Эрта келган туналар” асарида ёзувчи ҳали деярли бола Султонмуродни оч бўри билан юзма-юз қолдиради – бу билан ўқувчининг зиммасига уларнинг келажagini ҳал қилиш масъулиятини, ҳиссини, хулосасини юклайди.

Адибнинг “Манқурт”, “Хотирасидан марҳум бўлган, ўтмишсиз одам”, “Она буғу”, “Қиёмат кундаси” каби тимсолларни адабиётга олиб киргани бежиз эмас. Бу истилоҳ-тимсоллар ёзувчи ижодининг бош йўналишини белгилаб туради.

Хотира ва келажак масъулияти мавзуси адибнинг 70-йиллардан кейин ёзилган асарларида энди умумбашарий тус олади ҳамда хотира ва келжак масъулияти инсоннинг бу дунёда яшаб қолишининг ягона шarti, йўли экани бадий-фалсафий муҳокама мавзусига айлантирилади. Энди Хотира ва келажакка масъулияти воқеликнинг мушоҳодаси, рамзий-тимсолий манзараси бўлмай, балки умумбашарий огоҳлантириш тусини олади.

1980 йилда чоп этилган “Асрни қаритган кун” романи шу маънода ўта муҳим асардир. Умуман бу асар Чингиз Айтматов номини бирданига дунёнинг улуг адиблари шоҳсупасига олиб чиқди. Бир томондан бадий нуқтаи назардан мифолик услубда ёзилган ўзига хос полифоник роман сифатида; иккинчи томондан, кўтарган ва таҳлил қилган муаммосига кўра собиқ иттифоқ тузимиде бошланган миллий уйғониш жараёнини бадий полотнога айлнатиргани, миллий дардларни, оғриқларни очиб бергани билан асар алоҳида эътиборга моликдир.

Бу романда энди Хотира ва Келажак масъулиятининг инсон ҳаётидаги ўрни эпик тарзда кенг

ва чуқур тадқиқ этилади. Асарнинг бутун воқеаси, драматургияси, фалсафаси, фабуласи Хотира ва Келажак тушунчалари атрофида, ана шу икки тимсол доирасида айланади, ривожланади, якун топади. Роман воқелари худди Ж.Жойснинг “Улисс” асаридаги каби бир кунда, темир йўл бекатининг оддий назоратчиси Едигейнинг тонгдан кечгача бошдан ва кўнглидан кечирганларига бағишланган: ана шу бир кун Хотира ва хотирасизлик, Виждон ва мунофиқлик, қадр-қиммат ва орсизлик, лабз ва хиёнатнинг асрий ва азалий муҳораба саҳнасига айланади.

Маълумки, Шўро мафкураси халқларни қадриятлари ва тарихидан айро қилиш учун, миллий анъаналар ўрнига ўз анъаналарини киритиш, ўзлигидан айириш, шу билан ўтмишидан узилган, тарихидан беҳабар миллий хотирасиз этник бирликни пайдо қилишга бутун кучини ташлаган паллада инсон хотираси масаласини кўтариш учун жуда катта жасорат, бу масалани бадий асарга сингдириш учун улкан истеъдод ва маҳорат керак эди. Ч. Айтматов бу вазифани қойилмақом қилиб удалади. Адиб миллий қадриятларга ва тарихга эҳтироми сақланиб қолган, умуман олганда миллат хотирасининг образлардаги тимсоли бўлган Эдигей, Казангап, Абуталипларни давр мафкурасининг қулига айланган, тарих ва хотирага ҳурмати йўқолган, илдизидан, анъаналардан узилган Собитжон, Тансиқбоевлар билан қиёслаш орқали мавжуд тузумнинг асл қиёфасини очиб ташлайди. Гап шундаки, янги давр амалдори – ҳукумат вакили бўлган Собитжонлар васият, анъана, қадрият, эътиқод, ўзлик деган нарсаларга ишонмайди, отасининг хотираси олдида ҳеч қандай масъулият ҳисси йўқ, у космодром жойлашган қабристонга овора бўлиб бориб юрмай, ўз отасини овул атрофига бир оддий жонивор ўлгандай тезроқ кўмишни

таклиф қилади. Унинг ота олдида – хотира олдида, инсон олдида, қадриятлар, ўзлик олдида масъулияти шу даражада. Эдигей эса дўстининг васиятини бажариш учун майитни Она Бейит қабристонига олиб жўнайди. Аммо қабристон атрофини, тўғрироғи, энди космосни ҳам хотирасизлик номи билан забт этишга киришган космодромни қўриқлаётган зобитлар уларни қабристонга қўймайди, нафақат қўймайди, балки бу қабристон йўқ қилишга киришилганини билдиради. Қабристонни йўқ қилиш – бу тарихни, хотирани йўқ қилиш дегани эди. Шундай қилиб, асарда икки эътиқод ва икки хил қараш, икки хил маънавият тўқнашади. Ана шу тўқнашув натижаси бўлиб, Она Бейитни – онасини отиб ўлдирган манқурт ҳақидаги афсона келтирилади. Манқурт дунё адабиётида янги талқиндаги янги образ. Манқурт – ўтмиши йўқ одам. Афсонага кўра, жуанжуанлар асир тушганларнинг сочини олиб ташлаб, бошига туянинг терисини тескари қилиб қоплашган, кейин маълум муддат жазирамада сақлашган, оқибатда асир ё ўлган ёки туя териси одам бошида билан тутшиб, унинг жуни ичкарига қараб ўсган. Бу эса асирни хотирадан буткул маҳрум қилиб, хўжайинининг содиқ итидек қулга айлантирган. У энди соҳиб буюрган ишни оғишмай бажарувчига – бугунги тил билан айтганда, роботга айланганди.

Манқурт учун худо – унинг хўжайини! У ўзининг исмини ҳам, наслини ҳам, кимлигини ҳам билмайди: худди ит каби соҳибнинг ҳар бир имо-ишора, буйруғини кутиб туради ва имо бўлиши билан сўзсиз бажаради. Умуман, у инсонга хос бўлган барча фазилатлардан маҳрум қилинган одамбашара махлуқ. Онасини “Сенинг отинг Жўломон” дегани, яъни унга асли кимлигини, зоти-зуррётини билдиргани учун отиб қўяди. Бундан заррача оғринмайди,

аксинча, бурчимни бажардим дея ўзидан гурурланади. Ўтмиши йўқ одам — бу замонавий қулдир. Собитжон, Тансиқбоев айнан бугуннинг манқурти. Улар бошлиқлари нима буюрса, оришмай бажаради ва буни тўғри деб билишади. Агар бошлиқ буюрса, ота-онасидан воз кечишдан ёки манқурт каби уларни отишдан ҳам қайтишмайди. Асардаги манқурт афеонасига, Тансиқбоев каби образларга эътибор берилса, асар тўлиғича ўз даврида миллий озошлик гоёси билан сугорилганини кўриш мумкин. Чунки миллий озошлик кураши — бу миллат ўзини англаш курашидир, бу ўз ўтмишига, ўз тарихига эга бўлиш, шунга муносиб яшаш учун курашдир. Шунинг учун ҳам бу асар бутун бошли истиқлол арафасидаги авлоднинг уйғонишига тўртки берганди дейиш юз карра ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам 80-йиллар охири, 90-йиллар бошида миллий республикаларда миллат ва халқлар эрк, мустақиллик истаб кўчага чиққанлар "Биз манқурт эмасми!" деган шiorларни ёзиб олишганди. Шунинг ўзиёқ Чингиз Айтматов ўз даври ижтимоий фикрига қанчалик таъсир қилганини англаш қийин эмас.

"Қунда" романида энди бўрилар она табиатнинг — инсоннинг табиат олдидаги, хотира олдидаги масъулияти тимсолига айланишади. Гарчи улар бўри, табиат уларга бўрилик қисмати ато қилган, улар табиат қонунарига амал қилиб, табиат инъом қилган нарсалар билан қоринларини тўйдиривади. Қоринлари тўйгач беозор жониворга айланадилар. Улар бўри, лекин бутун табиатни инкор ва вайрон қилишга киришган инсонлар каби ёвуз эмас. Бўрилар токи одам қадами етгунча сокин ҳаёт кечириб, ўз кунларини кўриб, табиат қонунари асосида яшашарди. Одам эса йўлида учраган нарсани вайрон, унинг қонунарини йўқ қилишга киришди. Улар гушт режасини тўлдириш, худди манқуртлар

каби раҳбарларга ёқиш учун, сайгоқларга, уларга қўшиб, бўри болаларига қирон келтиришди. Табиат қонунига кўра, сайгоқлар ҳам, бўрилар ҳам одамнинг заминдошлари, инилари, биродорлари. Агар инсон ўз хотирасини титса, бу хотира олдида масъулияти бўлса, буни теран англайди. Аммо, хотира масъулияти, демак, инсонийлик масъулияти унутилган. Бу унутиш жуда катта фожеаларни бошлаб келади. Бўрилар эмас, инсон ваҳший бўрига айланади. Бўрилар эса ўз болаларини, яъни аждодлар бардавомлигини асраб қолиш учун курашга киришади. Бу курашда унинг имкониятлари чекланган — тўрт оёқли бўрилар енгилди, икки оёқлилар енгди. Она табиатнинг қонунари оёқ-ости қилинди. Хотира масъулияти, шу масъулиятта суяниб турадиган, шу масъулиятдан ўсиб чиқадиган тириклик — инсонийлик масъулияти йўқ экан, манқуртлар мақсадларига эришиш учун ўз уйи — бутун ер шарини ҳам ёқиб юборишдан ёки портлатишдан қайтишмайди. (Дунёда кейинги пайтда бир-бирига хезланиб, бир-бирига охирзамон қуролларини пеш қилишлар адибнинг огоҳлантиришларини қайта-қайта эсга солади.)

Асарда бўри болаларининг қиргин қилиниши — бу табиатнинг, яшашнинг, ҳаётнинг, тирикликнинг, демак, инсоннинг ўзини қиргин қилинишини ҳам билдиради. Романда Инсон бани табиатнинг Бўрисига айланади. Бу билан инсон ўзини ўзи қатл этишга ҳовирланади: ўзига қиёмат кундасини яшагача киришади. Уни бу йўлдан — Она табиатга — ўз онасига, яратганга қарши қилаётган ёвуз ва аянчли жиноятдан огоҳлантирган Авдийлар қутқариб қолдиради. Авдий бу ёвузлик олдида ожиз. Заиф куч. Чунки унинг ёлғиз ўзи курашади. Бу оламий офатга қарши оламий аҳиллик ва бирдамлик билан курашилмаса, Авдийлар енгиларверади. Ақлдан

озган, қалблари ўлиб бўлган, хотирадан марҳумлар Авдийни худди бир пайтлари Исо Масиҳни чормих қилишгани каби саксовулга “чормих” қилишади. Адиб бу билан Исо замонларидан бери инсон табиати ўзгаришсиз, жоҳиллигича қолганига ишора қилади. Гиёҳвандлик, умуман башариятнинг оғураст дунёқараши, тафаккури, яшаш тарзи – унинг ўзига ўзи ясаётган қатл кундаси – ўзини ўзи йўқ қилиш – қиёмат белгисидир. Романда кунда ўта таъсирли тарзда ўз ифодасини топади: болаларидан айрилган бўри Бозорбой изидан келиб, Бўстоннинг бўри болалари ҳиди ўрнашиб қолган боласини олиб қочади. Одам якунни ўз хоҳишига кўра ҳал қилди: Бўстон боласини олиб қочаётган бўрини милтиқ билан отди. Афсуски, Бозорбойнинг гуноҳи учун болакай товон тўлади. Бўрига – табиатга қаратиб отилган ўқ болага тегади. Бу билан адиб тимсолий-фалсафий хулоса чиқаради: табиатга қирон келтириш орқали одам ўз келажагидан ҳам мосуво бўлади. Табиатни менсимаслик унга қирон келтириш – бу инсониятнинг ўзи ўзига тайёрлаган қатл кундасидан бошқа нарса эмас. Гарчи айбсиз айбдор Бўстон қабиҳ ниятли, табиатни эрмак деб билган Бозорбойни отиб ташлаган бўлса-да, аммо унинг ўзи ҳам ўлимга маҳкум этилади у боласи билан қўшилиб ўзининг ҳам ўлганини англайди. Келажагидан маҳрум қилинган Бўстон ҳам ўлимни танлади.

Романдаги гиёҳвандлар, Бозорбой, Гришан, Обер, Қучқорбоев каби қаҳрамонлар инсоний қиёматдан марҳум этилган – хотирасиз манқуртлар сифатида талқин этилган. Хотираси йўқ одам – бу қалби ўлган одам. Хотира қалбнинг оби-ҳаёти, уни суғориб, парваришлаб, ҳаётийлик бағишлаб турувчи сарчашма. XX аср адабиётида энг кўп мурожат қилинган мавзу ҳам – бу қалб ўлими мавзуси. Қалб ўлган жойда фақат тана қолади. Қалб ўлган

жойда инсоний фазилятлар ҳалок бўлади, қалб ўлганда тана худди “Кассандра тамғаси” (ўзбек тилга “Охир замон нишонлари” деб таржима қилинган) романидаги иксзурриётлар каби фақат биологик-технокартик талабларга бўйсуниб яшайди. Айнан қалбнинг ўлими туфайли инсон Она табиатга, ўзининг илдизига, ўтмишига болта уришга, ўзи ўтирган дарахтни кесишга, ўзи яшаётган Заминни вайрон қилишга киришади. Қалб ўлган жойда инсон ўз моҳиятини инкор қилади, у ҳайвоний, ваҳший биологик мавжудотга айланади. Бу биологик мавжудот ўзини ўзи ҳалокатга бошлаб боради ва ўзини ўзи маҳв этади. Бу қиёмат дегани.

“Асрни қаритган кун” романи асосан Хотира масъулиятига қаратилган бўлса, “Кассандра тамғаси” (1996 йил ёзилган) романида энди бутун диққат келажак масъулиятига, келажак хавотирига қаратилади: адиб инсоният юзма-юз турган ҳалокатлар, фожеалар, муаммоларнинг эртанги кунини, инсониятни келажакда кутаётган маънавий таназзул, маънавий залолатнинг манзараларини фантастик-футуристтик шартлилик усулида тасвирлаб беради. Андрей Крилцов яратмоқчи бўлган “иксзурриёт”нинг манқуртдан ҳеч қандай фарқи йўқ: икс зурриёт ҳам тарихий, наслий, оилавий хотирадан маҳрум, қариндош-уруғ, дўсту ёр, ота-она деган тушунчалардан мосуво қилиб яратилган, давлат машинасига оғишмай хизмат қиладиган мутантлардан иборат. Бу асарда ҳам одам ўзини худо ҳисоблаб, бошқарув тизимига мос келадиган одам-мутантлар яратишга киришади. Бу билан энди ўзини худо ҳисоблай бошлайди. Охир-оқибат, очик космосда туриб, Крилцов башариятни қанчалик огоҳлантирмасин, инсоният эртанги кунда, келажакда ўзини кутаётган фожеаларни кўролмайди, самовий роҳибнинг хулосаларини қабул қилмайди,

огоҳ қилишларига ишонмайди. Гап шундаки, ўзининг "иксзурриёт" эмбрионни оқибатидан даҳшатга тушган Крилцов космосга кетади, у ер йўлдошида турли ихтиролар қилади. Ана шу ихтиролари оқибати бўлиб, у биринчи ҳафтасида ҳомиланинг келажакда ким бўлишини қандай қисмат кутаётганини аниқлаб берувчи эмбрионни аниқлайди. Энди бир ҳафталик бўлган ҳомиланинг бу эмбриони агар ўзини ёруғ дунёда даҳшатлар кутаётган бўлса, ҳомила сифатида шакланмасдан ҳалок бўлишини истайди. Бу ҳолат онанинг пешанасига қизил чизикда акс этади. Крилцов бутун башариятни ана шу эмбрион онасининг пешанаси орқали айтмоқчи бўлган огоҳлантиришига эътибор беришга чақиради. Аммо руҳонийнинг бу гапига ҳеч ким ишонмайди. Трояликлар ҳам Кассандранинг отни шаҳарга киритмаслик ҳақидаги огоҳлантиришга ишонмаганди, уни бир лаққи фолбин деб тушунишганди. Одиссий ҳийласи ўлароқ, от шаҳарга олиб кирилди, от билан шаҳар эшикларини ёвга очиб берувчилар ҳам кириб келди. Оқибатда битта от туфайли бутун Троя вайрон қилинди. Инсоният айти пайтда отни дарвозадан олиб киришга интилаётган трояликларнинг ҳолатида ва вазиятида. Бошқача айтганда, инсоният юз бераётган маънавий, экологик, технократик фожеаларни кўролмаёпти, муқаррар ҳалокат кўламини ҳис қилмаёпти, демак, ўзини келажак олдида масъул ҳисобламаёпти, отни она замин дарвозасидан олиб киришда давом этаяпти.

"Кассандра тамғаси" романи хотира ва келажак маъсулиятини очиқ қилиб кун тартибига қўяди. Адибнинг огоҳлантиришидан шундай хулоса қилиш мумкин: Хотира ва Келажак олдида масъулият йўқолса, кассандра тамғаси қанчалик огоҳ қилмасин, инсон ўзини ўзи қиёматга бошлаб боради, Она Замин — эшигидан "Троя оти"ни олиб киради, бу эса она заминнинг муқаррар ҳалокати

билан якун топади. Шунинг учун бу ҳалокатнинг, бу фожеаларнинг олдини олишга бугун киришиш керак, бугун инсон буюк ва муқаддас Хотира номидан келажак учун ўзини масъул деб ҳисоблаши, Хотира ва келажакка мос, муносиб яшашни бошлаши керак.

Бу улуғ адиб Чингиз Айтматов асарларидан, ижодий меросидан чиқадиган умумхулоса, умумҳикмат, огоҳлантириш, Сўз санъатининг ҳайқириви, адибнинг китоб, Адабиёт орқали берган ва бераётган сабоғи эди!

Чингиз Айтматов асарларини ўқиган ҳар бир ўқувчи ҳаёт, инсон, олам, тириклик ҳақида олам-олам сабоқлар, хулосалар, фикрлар олади. Бу сабоқлар уни маънавий комиллик сари йўлга ундашига, бу йўлда ўқувчига мадад беришига, маёқ ва сабоқ вазифасини ўташига шубҳа йўқ. Зеро, китоб мутоаласи инсон учун ҳамиша маънавий сабоқ ва маънавий маёқ вазифасини ўтайди, уни ўтмишдан сабоқ олиб, келажак учун яшашга ўргатади.

Анвар ЖЎРАБОЕВ

ШУНДАЙ БИР АДАБИЁТ ЯРАТАЙЛИККИ...

Анвар Жўрабоев: – Чингиз Тўрақулович, “Исиққўл форуми”ни ташкил этиш ғояси қандай вужудга келгани ҳақида гапириб берсангиз.

Чингиз Айтматов: – У дабдурустдан пайдо бўлгани йўқ, албатта. Ишончим комилки, форумни ташкил этиш ғояси давримизнинг реал воқелигидан келиб чиққан. У ўзида, аввало, инсон тафаккурининг янгиланишини мужассамлантиради. Очиғи, бундан ўн-йигирма йил илгари даврнинг энг долзарб масалалари юзасидан гаплашиб олиш мақсадида бутун жаҳондан ўз маслакдошларини ўз уйида тўплаш ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Менимча, бу ғоя айни вақтида пишиб етди ва амалга ошди. Гарчанд бизлар тамомила бошқа-бошқа одамлар, ҳамда сиёсий, маданий тузумларимиз айрича бўлса-да, мен барибир тил топишимизга ишонувдим. Йўқ, бу ишонч тусмол ёки таваккалга асосланмаганди: мен бу одамларнинг кимлигини, улардан ҳар бирининг имконият даражасини билардим. Ҳа, аввало, мен уларнинг аксарият таклифимни рад этмаслигини юрак-юрагимдан сезардим, чунки мен бу одамлар билан анчадан буён танишман – бизлар тез-тез турли халқаро анжуманларда учрашиб, суҳбатлашардик ва гап кўпинча бутун инсониятни хавотирга солаётган муаммоларга ўтарди. Худди ана шу суҳбат туфайли сайёрамиздаги энг гло-

бал ташвишларни баробар баҳам кўришга тайёр, бир-бирларига руҳан яқин одамларни ўз атрофига уюштирадиган норасмий бир уюшма тузиш зарурлигига эҳтиёж туғилди.

Анвар Жўрабоев: – Кечирасиз, бу сиёсатчиларга тааллуқли иш эмасми?

Чингиз Айтматов: – Ҳақиқатда ҳам бу муаммолар билан биринчи галда давлатларнинг сиёсий арбоблари, турли партияларнинг вакиллари шуғулланиши керак. Аммо дунё фақат сиёсий битимлару шартномалар тузишдан иборат эмас. Менинг фикримча, маданият арбоблари ҳам ва энг аввало зиёлилар маълум даражада кенг омманинг ўй-фикрини белгилайди. Чунки зиёлилар оддий халқнинг, бутун меҳнаткаш омманинг ҳолати-ю эзгу мақсадларини ўзида мужассамлаштирган бўлади, уларнинг орзу-ўйларини ўз ижодлари орқали акс эттиради. Умуман олганда, ҳаёт уларнинг энг катта тадқиқот объекти ҳисобланади. Мен бу ерда, аввало ижод, бадиий ижод билан машгул зиёлиларни назарда тутяпман. Аммо, табиийки, бунга фан, унинг барча соҳалари – аниқ фанлардан тортиб, жамиятшунослик билан шуғулланувчи зиёлилар ҳам кирди. Хулласи калом, зиёлилар халқнинг шундай бир қатлами ҳисобланадики, у энг чуқур зиддиятли муаммоларни ҳам ижобий ҳал эта олишга қодир реал кучдир. Ундан кейин, ахир сиёсатчилар ҳам ёнларида ишончли суянчиқ бўлаоладиган кучга муҳтождирлар. Тузумлар ўртасидаги ўзи чигал, ҳарбий стратегия эса янада мураккаблаштириб юборган қарама-қаршиликлар мавжуд экан, дабдурустдан юксак даражада музокаралар юритиш ниҳоятда оғир. Мана ҳозир биз XX асрнинг иккинчи ярми одамлар ўртасида умумий тил топиш учун куч сарфланаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Бизнинг сиёсатчилар қандай натижага эришишларини, оддий томошабин сифатида қўл қовуштириб

кузатишга ҳаққимиз йўқ, албатта. Шу боис ҳам, даставвал бир-биримиз билан умумий тил топишга ҳаракат қилишга ва шундан кейингина биргаликда ишлаб чиққан ғояларимизни кенг жамоатчилик, шу жумладан, сиёсатчилар ихтиёрига ҳавола этишга бел боғладик. Форумнинг пойдевори шу ният асосида қурилди. Гап бизларни кимнингдир тўплашида қолувди, холос. Бу вазифани эса камина қўлидан келганича удалашга ҳаракат қилди: жаҳондаги машҳур кишиларга таклифномалар йўлладим ва улардан ўн беш нафари келди.

Анвар Жўрабоев: – Кам эмасми?

Чингиз Айтматов: – Илк учрашувга бундан кўп одам келишини кутмовдим ҳам. Аммо шундай одамлар тўпланишдики – ўз соҳасининг энг обрўлилари, шундай одамлар йиғилдики, улар билан, уларнинг фикрлари билан ҳатто давлатларнинг раҳбарлари ҳам ҳисоблашишади. Биз беш-олти кун давомида мулоқотда бўлдик. Шундан икки кун Иссиқкўл бўйида ўтди ва, менимча, асосий фикрлар худди ўша ерда вужудга келди.

Анвар Жўрабоев: – Демак, шунинг учун ҳам уни «Иссиқкўл форуми» деб аташибди-да? Ким биринчи бўлиб шундай номни таклиф қилди?

Чингиз Айтматов: – Бизлар илк дафъа Фрунзе ёнидаги тоғолди райони – Ала-арчада тўпланиб, дастлаб йиғинимизни шартли равишда «Дўстларнинг Ала-арчадаги учрашуви» деб номладик. Юқорида таъкидлаганимдек, асосий суҳбат Иссиқкўлда бўлиб ўтгани учун ҳам уни «Иссиқкўл форуми» деб атадик. Ҳозир ким биринчи бўлиб ана шундай таклиф қилгани эсимда йўқ. Очиги, бу ном умумий келишилган ҳолда берилди.

Шундай қилиб, биз ушбу ташкилотни ўз ички талабларимиздан келиб чиққан ва мулоқотнинг оптимал бир шаклини қидириш йўлида ташкил этдик. Бу тарздаги учрашув нақадар зарурлигини

Иссиқкўл бўйида яққол ҳис қилдик, чунки бу, афсуски, қисқа кунлар ҳозирги даврнинг энг долзарб жабҳаларига бағишланган йирик-йирик суҳбатлар билан йўғрилди. Табиийки, биз аввало замонавий маданият, таълим-тарбия, экология, санъат масалалари устида тўхталдик. Назаримда, биз бир-биримизни янги-янги маълумотлар билан бойитдик, ўзаро тажриба алмашдик.

Анвар Жўрабоев: – Форумда маориф системасини радикал равишда ўзгартириш зарур деган фикр ўртага ташланганининг асосий сабаби нимада?

Чингиз Айтматов: – Мактаблардаги ҳозирги таълим талабга жавоб берадими-йўқми, деган муаммо кўндаланг бўлиб турибди. Шу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш керакки, улардаги таълим келажакдаги эҳтиёжларни қондира оладими-йўқми? Мактаб келажакда инсоният ҳаётида содир бўладиган улкан ўзгаришларга, биринчи галда иқтисодий ҳаётда, ишлаб чиқариш ва информацияда рўй берадиган ўзгаришларга тайёрми-йўқми? Ҳозир шу нарса тобора равшанроқ аниқ бўляптики, бир синфда ўттиз-қирқ нафар боланинг таълим олиши, яъни синфларнинг ўқувчилар билан ҳаддан зиёд тўлиб-тошиши ва ҳар қирқ беш минутда фан бўйича муаллимларнинг алмашавериши кўнгилдагидек самара бермаяпти.

Анвар Жўрабоев: – Демак, сизлар унинг ўрнини босувчи қандайдир янги бир система ишлаб чиқмоқчисизлар-да?

Чингиз Айтматов: – Йўқ. Чунки бизлар мутахассис эмасмиз ва шу боис ҳам ҳеч қанақа система ихтиро қила олмаймиз. Биз муаммони кўтариб чиқамиз ва ўша муаммога, уни ҳал қилиш жараёнига жамоатчиликнинг диққатини тортамыз.

Анвар Жўрабоев: – Сиз бутун дунёдаги мактабларни назарда тутиб гапиряпсизми?

Чингиз Айтматов: — Ҳа. Биздаги ҳам, АҚШдаги ҳам. Ким билади, балки Америкаю Европа мактаблари техникавий қуролланиш юзасидан нисбатан яхшироқдир — у ерлардаги аксарият ўқув даргоҳларида компьютерлар қўлланилади. Тўғри, компьютер биздаги айрим мактабларгаям киритилмапти, аммо жуда оз миқдорда. Агар компьютер системаси бутун жаҳондаги мактаблар бўйлаб кенг жорий этилмаса, қоқоқлик янада чуқурлашади. Форумда ана шулар тўғрисида сўз юритилди.

Анвар Жўрабоев: — Форум қатнашчилари ўртасида у ёки бу масала бўйича кескин келишмовчиликлар ҳам бўлгандир?

Чингиз Айтматов: — Мен орамизда у қадар катта келишмовчиликлар бўлди, дея олмайман. Ҳар биримиз ўз тажрибамиз, ўз эътиқодимиздан келиб чиқиб гапирдик. Тоффлернинг фикрича, компьютерлаштириш, илмий-техника инқилоби туфайли ер юзида ишчи кучига бўлган талаб жуда кескин камайиб, охир-оқибатда кўпчилик ишсиз қолади. Тоффлернинг таърифича, ишсиз қолган ёки «ортиқча одамлар»ни нима қилиш керак? Олим ана шундай саволни ўртага ташлади. Бу хусусда турлича тахминлар айтилди. Лекин америкалик ёзувчи Жеймс Болдуин билан Тоффлер ўртасида шу «ортиқча одамлар» атамаси устида қизгин тортишув бўлди. Болдуин бу терминга қарши чиқди. «Ортиқча одам» сўзини мутлақо ишлатмаслик зарур, чунки бу инсонни камситишдан бошқа нарса эмас, одамларга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарур, ҳеч ким ҳеч қачон, айниқса, бизнинг асримизда, ўзини ортиқча ё кераксиз деб ҳисобламайди. Дунёга қадам ранжида қилган ҳар бир инсон ўзини керакли деб билади ва шунинг учун ҳам бу термин ўз-ўзидан хато. Янги ишлаб чиқариш ҳамда индустриал шароитларда инсоннинг ижтимоий ўрнини белгилашга хизмат қилади-

ган қандайдир бошқача атама топиш зарур», деди у. Такрор таъкидлайманки, бизнинг баҳсларимизда ўткир қирралар бўлмади. Биз шундай ҳолатни юзага келтиришга ҳаракат қилдикки, бир ҳамсуҳбат иккинчисининг мавзусига юмшоқ бир кўприк орқали оҳиста ўтаверди гўё.

Анвар Жўрабоев: — Бундан бир неча йиллар муқаддам Сиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жанубий Африка республикасидаги ирқчиликка қарши кураш комитетининг махсус мажлисида ҳамда Америка Тинч океан «Пасифик» радиостанцияси орқали сўзлаган нутқларингизда ирқчиликка қарши кураш хусусида анча дадил фикрларни ўртага ташлаган эдингиз. «Иссиққўл форуми» программасига ҳам киритилганми шундай кураш?

Чингиз Айтматов: — Форумимиз йиғинлари асосан консултатив характерга эга ва шу боис ҳам ирқчиликка қарши кураш бизнинг учрашувларда том маънода ўз аксини топган эмас. Тўғри, мен ва форумимизнинг бошқа аъзолари ирқчиликни иллат сифатида қоралаймиз. Бизнинг асосий вазифамиз жамият қандай бўлишидан қатъи назар, инсоннинг асл инсонлигича қола олиши муаммоси ҳақида фикр юритишдир.

Анвар Жўрабоев: — Шу йилнинг бошида Парижда Сиз, яъни «Иссиққўл форуми»нинг президенти бошчилигидаги форумнинг бир гуруҳ вакиллари ЮНЕСКО раҳбарлари, жумладан, унинг Бош директори Амаду Махтар М'Боу билан учрашиб, музокаралар олиб борувдингиз. Музокараларнинг якуни қандай бўлди?

Чингиз Айтматов: — Кўнгилдагидек, ишқилиб. Биз норасмий ташкилот сифатида эндиликда ЮНЕСКО билан доимий алоқада бўламиз. Энди қай ерга йиғилмайлик, йиғинларимизда ЮНЕСКО вакиллари ҳам иштирок этишади ва тааллуқли маълумотларни олишиб, ўз матбуотларида чоп этишади. Бундан

ташқари, ЮНЕСКО бизга учрашувларимизни ташкил этишда ҳам бевосита мадад берадиган бўлди. Форумимизнинг яна бир вазифаси жаҳондаги ўзига монанд бошқа бир қатор норасмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш. Биз шу яқин вақт ичида Рим клуби ҳамда Умумжаҳон фан ва санъат Академияси билан ҳам алоқа ўрнатдик.

Анвар Жўрабоев: — Чингиз Тўрақулович, Сиз СССРдан ягона ўзингиз (ёзувчилардан) Европа фан ва санъат Академиясининг аъзосисиз. Яқинда эса Сизнинг Умумжаҳон фан ва санъат Академиясининг академиги қилиб сайлашди. Шу Академиялар ҳақида сўзлаб берсангиз.

Чингиз Айтматов: — Икковига ҳам жаҳондаги йирик олимлар, маданият ва адабиёт намояндалари сайланишган. Бу академиклар ҳар йили икки мартаба йигилиб туришади ҳамда улкан муаммолар юзасидан маърузалар ўқишади, ўзаро фикр алмашишади. Улар билан, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан давлатларнинг раҳбарлари ҳам, албатта, ҳисоблашишади.

Анвар Жўрабоев: — «Известия» газетасининг хориждаги муҳбири ўз мақолаларининг бирида шундай деб ёзганди: «Францияга ташриф буюришган барча совет ёзувчилари унинг пойтахтидаги «Глоб» деб аталадиган китоб магазинига албатта ташриф буюриб, у ерда француз китобхонлари билан учрашади. Бу ерда Паустовский, Симонов, Катаев, Айтматовлар бўлишган ва уларнинг ҳар бир учрашуви ниҳоятда қизиқарли ўтган». Чингиз Тўрақулович, ана шу учрашув ва, умуман, «Глоб» ҳақидаги ҳикоянгиз кўпчиликни қизиқтиришига шубҳа йўқ.

Чингиз Айтматов: — «Глоб» Парижнинг марказида жойлашган. Бу магазинда асосан совет муаллифларининг китоблари сотилади. Бу магазин жуда машҳур, бу ерда одам ҳамиша гавжум бўлади, ай-

ниқса, ёшлар. Яқинда мени «Глоб»га яна бир бор чақиришди. Учрашув мобайнида китобларим сотилди. Эҳ-ҳе, саволлар шу қадар ёғилиб кетди-ки!

Анвар Жўрабоев: — «Бўтакўз» повестингизнинг немис (ГДР) мактаблари адабиёт дарслигидан жой олганига анча бўлди. Яна қайси асарларингиз қайси хорижий давлат мактабларида ўтилади?

Чингиз Айтматов: — Деярли барча повестларим асосан Европа мамлакатларидаги дарсликлардан ўрин олган.

Анвар Жўрабоев: — Чет элларда Сизнинг китобларингиз Лев Толстойнинг китобларига караганда ҳам кўпроқ чоп этилар экан. Уларнинг сонини аниқ айтолмайсизми?

Чингиз Айтматов: — Бу тарзда қиёслаш ноўрин. Кейин, ёзувчиликда бухгалтерлик ҳисобининг нима кераги бор? Толстой замони бошқа, бизнинг давримиз бошқа. Ҳозирги китоблар жудаям тезкорлик билан таржима қилиняпти, кўпроқ босиляпти. Лекин ёзувчининг кимлиги унинг китоблари сони билан белгиланмайди-ку! Толстой ва Достоевский ҳақиқий классиклардир!

Анвар Жўрабоев: — Сизнингча, совет ва чет эл китобхонлари ўртасида қандай фарқ бор?

Чингиз Айтматов: — У қадар катта фарқ йўқ. Бизда ҳам, хорижда ҳам бадиий адабиётни ўта муҳим деб санайдиган, китоблардаги воқеаларни куюнчаклик билан қабул қиладиган, шунингдек, лоқайд ўқувчилар мавжуд.

Анвар Жўрабоев: — Сизнинг «Ўқувчиларим каммайиб бораётир» деган гапингизни ҳали-ҳануз тушунолмайдиган гарангман. Аксинча, ошяпти-ку уларнинг сони. Китоб магазинларидан асарларингизни мутлақо топиб бўлмайди. Айтматовнинг романи босилган журналларни кутубхоналардан олиб ўқиш учун эса навбат кутиш керак.

Чингиз Айтматов: — Қандай тушунтирсам экан... Ўқувчиларим бир жиҳатдан камайса, иккинчи жиҳатдан кўпаймоқда. Биласизми, ёзувчи ёши ўтган сари ўзгаради, унинг дунёқараши, руҳий оламида гўёки инқилоб содир бўлади. Ва табиийки, йиллар ўтиши билан ундаги қизиқарлилиқ камайиб, асарларида мазмунни янада чуқурлаштиришга уриниш ҳисси ошади. Аммо шундай китобхонлар борки, бу уларга ёқмайди, сабаби улар осон ўқиладиган адабиётга кўникиб қолишган. Мен «ўқувчиларим камайиб боряпти», деганимда ана шунақанги китобхонларни назарда тутаман. Лекин шунга қувонаманки, жиддий мулоҳазага бой ўқувчиларимнинг сони тобора ортяпти. Буни менга келатган хатлар яққол исботлайди. Олдин аксарият хатларда ўқувчилар ё фактларни қалаштирар ёки ўз ҳис-ҳаяжонларини изҳор этишарди, холос. Эндиликда эса шу қадар теран мазмунли мактублар оляпманки, улардаги мушоҳадаю таҳлиллардан ҳайратланиб кетаман.

Анвар Жўрабоев: — «Ёзувчиликда мен камтарликни ортиқча хислат деб биламан. Чунки сен қанча камтарона ёзишга уринсанг худди ана ўша даражадаги камтарин ёзувчи бўлиб қолаверасан. Шунинг учун дунёдаги бор шуҳратпарастлик билан қуролланиб ва ўз олдинга юксак намуналарга тенглашиш вазифасини қўйиб ёзишинг лозим. Мен учун ана шундай намуналар Софокл, Достоевский ҳисобланади. Шундай экан, нега энди мен бу улуг санъаткорлардан ёмон ёзишга уринишим керак? Менинг вазифам — улардан яхши ёзиш». Габриэль Гарсиа Маркеснинг гаплари бу. Сиз бунга қандай қарайсиз ва Сиз учун қайси ёзувчилар ана шундай «намуналар»дан ҳисобланади?

Чингиз Айтматов: — Албатта бу гаплар Маркес томонидан жудаям таъсирчан қилиб айтилган. Лекин Маркеснинг ҳамма фикри ҳам яқуний ҳақиқат

бўлавермайди. Иккинчидан, ёзувчи шуҳратпарастлик билан қанчалик қуролланмасин, агар унинг истеъдоди бўлмаса, барча уринишлари самарасиз туғайди. Кейин, қалами Достоевскийдан ўткир бўлган ижодкоргина у билан беллашишга журъат этиши мумкин, йўқса бели синиб кетади. Санъат эса доимо олға қадам ташлайверади. Бу — қонуният. Ҳар бир янги авлод янги тажриба, янги билимлар билан қуролланади, ҳар бир янги даврда янги номлар пайдо бўлади ва табиийки, улар ўтмишга фақатгина сажда қилиб қолмай, балки умумсанъат ривожига ўз ҳиссаларини қўшишлари шарт.

Анвар Жўрабоев: — Хабарингиз бўлса керак, ёзилмаган бир ақида мавжуд бўлиб, гўёки ёзувчи камбағаллик, қийинчилик ва бахтсизликни бошидан кечирган тақдирдагина яхши ёзаркан.

Чингиз Айтматов: — Хабарим бор. Менимча, булар шарт эмас, айниқса, бизнинг асримиздаги ёзувчига. Аммо у ҳаётнинг барча пасту баландини зукколик билан илғашга уриниши даркор. У зинҳор-базинҳор ўз қобифига, ўзининг торғам-ташвишларига ўралашиб, қолмаслиги керак. Шундай ёзувчилар ҳам учраб турадики, улар «ҳаётни қузатиш» мақсадида атайлаб беш-олти кунлик командировкаларга чиқиб келишади. Мен буни ҳеч ҳам ҳазм қилолмайман. Қизиқ, наҳотки ҳаётни ана шу тарзда ўрганиш мумкин бўлса... Ҳаётни, уни ўрганаман деб бош қотирмаган ҳолда, яъни табиий равишда ўрганиш мумкин, холос. Нормал, оддий ҳаёт оқимидан қолиб кетмаслик, кундалик кузатувларни тобора чуқурлаштириш, замондошларнинг гапларини астойдил тинглай олиш, шунингдек, ижодкор классиклар тажрибасини атрофлича ўрганиб, буларнинг баридан ўзи учун керакли нарса ола билиш лозим.

Анвар Жўрабоев: — Бундан бир ой илгари ҳамқишлоғингиз, синфдошингиз Сейтали Бекмамбетов

билан танишиб қолдим. Биз анча суҳбатлашдик. Гап, албатта, Сиз ҳақингизда борди. У киши: «Аслида адабиётга мен яқинроқман: ахир пединститутнинг тил ва адабиёт факультетини битирганман-да. Чингизнинг касби эса адабиётдан бутунлай йироқ бўлса-да, аммо жаҳон адабиётида унга тенглашадигани жуда кам», — деди фахр билан.

Чингиз Айтматов: — Ҳақиқатан ҳам менинг ихтисосим адабиётга ҳатто яқин ҳам келмайди, зоотехникман. Олдин Жамбул қишлоқ хўжалик техникуми, сўнг Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтини тугатиб, ўз ихтисосим бўйича бир-икки йил ишлаганман. Менимча, адабиётга тўғридан-тўғри кириб боришнинг иложи йўқ бўлса керак. Қанчадан-қанча врачлар, агрономлар, инженерлар, ўқитувчилар ўз касбларини ташлаб, адабиётга ўтиб кетишган.

Анвар Жўрабоев: — Сиз адабиётга йигирма саккиз ёшингизда ўтгансиз. Икки кам ўтгизда ўз касбинини йиғиштириб, бошқа соҳага ўтиш, яъни ҳаётда, тақдирда кескин бурилиш ясаш осон бўлмаса керак? Ёзувчиликка бел боғлашга жазм этганингизда иккиланмовдингизми?

Чингиз Айтматов: — Асло. Унгача унча-мунча ёзиб турардим: асосан ҳикоялар. Кейин, таржима билан ҳам шуғулланардим — русчадан қирғизчага ўтирардим. Ёзувчилик эса мени кундан-кун ўз бағрига тобора кўпроқ тортарди ва охири у билан бутунлай шуғулланишим керак деган қатъий қарорга келдим. Лекин билимим кам эди, шу боис Москвадаги адабий курсларга ўқишга кирдим. Пойтахтдаги ўқиш менга кўп нарсаларни берди.

Анвар Жўрабоев: — Ўқишни битиргач анча йиллар журналистика соҳасида ишладингиз: республика адабий журналга муҳаррирлик қилдингиз, «Правда» газетасининг Ўрта Осиё республикалари бўйича махсус мухбири бўлдингиз. Кўпчилик журналистика

адабиёт билан шуғулланаётганларга ҳеч вақт фойда келтирмайди, аксинча, у ёзувчининг тилини қашшоқлаштиришга хизмат қилади, дейишади.

Чингиз Айтматов: — Мен ўз тажрибамга асосланиб таъкидлайманки, бу нотўғри фикр. Журналистика билан ёзувчилик бир-бирини тўлдиради. Ижодкор қаерга ва нима ёзишини англаши керак, холос. Масалан, мен газетага мақола ёзгудек бўлсам, газета услубига, журналга мақола ёзгудек бўлсам, журнал услубига мослаб ёзишга уринаман. Адабий асар ёзаётганимда эса бутунлай ўзга тил оламига кираман. Бунда менга журналистик тажрибам беихтиёр қўл келади.

Анвар Жўрабоев: — Ёзувчининг меҳнат интизоми қандай бўлиши керак, Сизнингча?

Чингиз Айтматов: — Бу борада мен фақат назарий фикрлар айтишим мумкин, чунки ўзим бунда ҳеч бир интизомга риоя қилолмайман-да. Аммо-лекин ёзувчиликда ҳам қатъий бир интизом бўлиши керак, албатта.

Анвар Жўрабоев: — Асосан қай пайтлари ёзасиз?

Чингиз Айтматов: — Тонг пайтлари. Эрта тонгда.

Анвар Жўрабоев: — Бир кунда неча бет?

Чингиз Айтматов: — Турлича. Баъзан ўн бет ёзсам, баъзида бир бет ҳам ёзолмайман.

Анвар Жўрабоев: — Ёзганларингизни қайта кўчирасизми?

Чингиз Айтматов: — Сўзсиз.

Анвар Жўрабоев: — Сиз учун янги асарни бошлаб олиш осонми?

Чингиз Айтматов: — Жуда қийин.

Анвар Жўрабоев: — Босилиб чиққан асарларингизни ўқийсизми?

Чингиз Айтматов: — Ўқирдим-у, лекин вақтим етмайди-да.

Анвар Жўрабоев: – Баъзан шундай деб қолишадди: «Асарим қаҳрамони гоҳида измимга бўйсунмайди. Мен ўйлаганларим қолиб кетиб, у ўз билганича ҳаракат қила бошлайди. Мен эса ҳеч бир иложсиз унинг кетидан эргашишга мажбур бўламан...» Сизда ҳам шундай ҳоллар бўлиб турадими?

Чингиз Айтматов: – Тушунмадим. Ахир қаҳрамон қандай қилиб чиқиб кетиши мумкин муаллифнинг чизган чизигидан. Чиқса, сюжет бошда хом ўйланган бўлиши керак.

Анвар Жўрабоев: – Ёзувчи ички актёр бўлиши керак, дегандингиз. Шу фикрни батафсилроқ изоҳлаш мумкинми?

Чингиз Айтматов: – Мумкин. Ёзувчи ҳар бир эпизодни нафақат ёрқин тасаввур эта олиши, балки у ёки бу лавҳадаги персонажларнинг хатти-ҳаракатини ва ҳатто улар қай тарзда гаплашишини хаёлан ижро этиши зарур. Ана ўшанда тасвир ишонарли, жонли чиқади.

Анвар Жўрабоев: – Сиз учун қайси асар идеал ҳисобланади?

Чингиз Айтматов: – Менимча, ҳамма даврлар учун баб-баравар идеал бўлиб қоладиган китоб йўқ. Бугун идеал ҳисобланган асар, вақт ўтиши билан ўз мавқеини йўқотади.

Анвар Жўрабоев: – Шундай ёзувчилар борки, ҳар йили бир-иккитадан роман ёзиб ташлашади.

Чингиз Айтматов: – Демак, ижодлари сермахсул экан!

Анвар Жўрабоев: – Сиз ёшингиз эллиқдан ошгач, нақ ўнта қисса ёзганингиздан кейин романга қўл урдингиз?

Чингиз Айтматов: – Ким билади, балки, мен роман ёзишга жудаям кўп тайёргарлик кўргандирман... Лекин гап жанрдамикан?

Анвар Жўрабоев: – Ҳали-ҳали эсимда, «Оқ кема» нгиз устида қизгин баҳслар кетаётган пайт эди,

кимдир (адабиётга бевосита дахлдор одам): «Айтматов асарларининг доим шов-шув бўлаётганига сабаб шундаки, у қиссаларида кўпинча мифлардан фойдаланади. Миф эса бу – экзотика. Унга миллионлаб хорижий китобхонлар, айниқса, европаликлар ўч бўлишади. Шунинг учун...», деб қолувди. Унинг бу «хулосаси» таъсир қилдими, бошқа сабабми, ишқилиб ўшанда мифларга берилиш тенденцияси авж олди. Лекин танилмаган ёзувчиларга мифлар ҳам наф келтиролмади.

Чингиз Айтматов: – Шундай денг (кулади). Асарга мифни киритиш керакми-йўқми, буни ёзувчининг ички туйғуси белгилайди. Агар уни кўр-кўрона киритаверса, миф асосий ғояга ҳеч бир алоқаси йўқ, кераксиз бир нарсага айланади. Менимча, мифологизм ҳозирги замон прозасида алоҳида воқелиқдир. Адабиётшунослик у билан янада жиддийроқ шуғулланиши зарур.

Анвар Жўрабоев: – Бизда китоб савдоси ниҳоятда тараққий этган, кунига юз минглаб китоб сотилади. Аммо ана шу китоблар орасида бўш ёзилганлари ҳам кўп. Иккинчидан, бизда китоб чоп этиш ҳам ниҳоятда ривожланган, қайси магазинга кирманг, бирининг муқоваси иккинчисиникидан чиройли, бири-биридан қалин юзлаб китобларнинг хор бўлиб ётганини кўрасиз. Сотиб олинган бўш асарлар одамларнинг маънавий дунёсини қашшоқлаштиради, сотилмай, чанг босиб ётганлари эса иқтисодий зарар келтиради. Нега энди бунинг учун уларнинг муаллифларига, уларни чоп этганларга ҳеч қандай жазо берилмайди? Қандайдир чоралар ишлаб чиқиш керакми-ей?

Чингиз Айтматов: – Нима ҳожати бор масалани чигаллаштиришнинг. Хом асарларни чиқармаслик керак – вассалом. Бунинг учун уюшмадаги, нашриётлардаги масъул ходимлар принципиал, қаттиққўл, журъатли бўлишлари лозим. «Муҳта-

рам ўртоқ, сизнинг ёзганингиз бўлмайди», деб ҳақиқатни юзларига баралла айтишлари керак, гарчанд муаллиф қатор-қатор унвонли ёзувчи бўлса-да. Аммо ҳозирча ҳеч қайси нашриётдагилар шундай қилишмаяпти.

Анвар Жўрабоев: — Сиз ўқиш учун китобларни қандай танлайсиз?

Чингиз Айтматов: — Ўз услубим бор: қўлимга теккан янги китобни олдин бир-бир варақлаб чиқаман, сўнг ўқий бошлайман, илк саҳифалариданоқ бу китобнинг яхши-ёмонлигини сезаман. Яхши бўлса, ўқишни давом эттираман.

Анвар Жўрабоев: — Шундай ёш ёзувчию шоирларни биламан, бир-икки китоби чиқиши биланоқ ўзларини гўёки классик ҳисоблашади. Бурунлари кўтарилган, ҳеч кимни, ҳатто устозлариниям меншишмайди, баъзи таниқли адибларнинг асарларини ўзларича «таҳлил» қилишиб юришади...

Чингиз Айтматов (кулади): — Дунёда аҳмоқлар камми, ёзувчилар ичида ҳам йўқ эмас, албатта. Классик ҳисоблашса ҳисоблашаверишсин. Ижодкор кибру ҳавога берилиб, оғиз кўпиртиргандан кўра, қора терга ботиб меҳнат қилса ўзига фойда-ку!

Анвар Жўрабоев: — Чингиз Тўрақулович, карьеризм адабиётга ҳам тобора чуқурроқ кириб келаётгандай эмасми?

Чингиз Айтматов: — Афсуски, шундай. Адабиёт бизда кўп ҳолларда карьера воситасига айланияпти. Сабаби — Адабиёт оламида ташкилот мавжуд, ташкилот бор жойда эса, албатта, мансаб-парастлик бўлади. Лекин иккинчи томондан шуниси қувончлики, бизнинг ташкилотимиз улкан ва ниҳоятда обрўли. Шу жиҳатдан биз сўзсиз ютяпмиз, аммо карьеризм...

Анвар Жўрабоев: — Ҳозир кўп ёш ёзувчилар Япония ёки Лотин Америкаси адибларига тақлид қилишади...

Чингиз Айтматов: — Нима, ёмонми бу?

Анвар Жўрабоев: — Мен яхши-ёмон демоқчи эмасман-у...

Чингиз Айтматов: — Албатта, ҳар бир ёзувчининг, айниқса, ёш ёзувчининг ўз йўлини қидиришига нима етсин. Лекин, майли ёзаверишсин тақлид қилиб бўлса-да, ҳамма гап ана шу тақлид туфайли пайдо бўлган асарнинг қандай чиқишида.

Анвар Жўрабоев: — Сиз ўттиз беш ёшингизда Ленин мукофотига сазовор бўлувдингиз. Ҳозир эса ҳатто қирқдан ошганлариниям ёш ёзувчи дейишади.

Чингиз Айтматов: — Бу ҳам тарихий жараённинг ўзига хос бир ривожига боғлиқ бўлса ажаб эмас. Биз адабиётга кириб келган давр бошқача эди шекилли: биз тезроқ ўсиб-етилгандек, адабиётни фаол ўзлаштиргандек эдик. Сўнгра эса секинлик билан ривожланадиган бир давр бошланди. Турғун бир давр. Унинг турғунлиги адабиётга ҳам ўтди: адабиёт объектлар, янги уфқлар тополмай, кўпинча майда-чуйда мавзулар билан ўралашиб қолди. Бу турғунлик, адабиётга кириб келаётганларда ҳам ўз аксини топмоқда, шекилли. Шунинг учун ҳам ёзувчилар анчагина «ёш» бўлиб юришгандир-да.

Анвар Жўрабоев: — Одатда, проза билан ёши бир жойга борганда шуғулланиш керак, чунки проза бу — нуқул ҳаёт тажрибаси, дейишади. Лекин ўн олти-ўн саккиз ёшлилар ҳам қалам тебратишяпти-ку, ахир қандай ҳаётий тажриба бўлсин уларда. Тўғри, Шолохов анча ёшлигидан проза билан шуғулланди, лекин у давр бошқа, бизнинг давр бошқа...

Чингиз Айтматов: — Албатта, дунёни кўпроқ билган-таниганларнинг проза билан шуғуллангани мақсадга мувофиқ, ҳар ҳолда уларнинг айтадиган гапи бўлади. Лекин бир парадокс мавжуд: кўпинча ёши катталар, гарчанд ўзларида адабиётга мойиллик борлигини сезишса-да, иккилана-иккилана қалам тебратишади: «қандай чиқаркан, бордию ёмон

чиқса устимдан кулишмасмикан?» дея. Менимча, проза билан ҳамма ёшда – элликда ҳам, юзда ҳам шуғулланавериш мумкин. Ва, ҳатто, ўн етти-ўн саккиз ёшдаям: бу ёшдагиларда ҳам ўзига яраша тажриба бор.

Анвар Жўрабоев: – Сиз Ўзбекистонда кўп бор бўлгансиз. «Правда» газетасида олтмишинчи йилларнинг бошида республикамиз ҳақида ёзилган «Пахтанинг ойдин йўли» очеркингиз ҳанузгача ёдимизда. Ўз вақтида Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» повестига катта баҳо берувдингиз. «Ўзбек шоираси Зулфиянинг қутлуғ қадами туфайли совет Шарқи адабиётига санъаткор аёл кириб келди, ёш ва иқтидорли шоиралар бутун бир плеядасининг овози баралла янграй бошлади...» деб ёзувдингиз бизнинг муҳтарам шоирамиз ҳақида. Бундай мисолларни чексиз давом эттириш ва Сизнинг ўзбек адиблари...

Чингиз Айтматов: – Гапингизни бўлганим учун узр. Ўзбек адабиёти ҳақида соатлаб сўзлашим мумкин. Энг асосийси, буни алоҳида айтишим керак, у олға қараб боряпти ва бунда унга омад доимо ёр бўлишини истайман. Ўзбек ҳамкасбларим ҳақида гап кетганида, дўстим, талантли ёзувчи Пиримқул Қодиров ва асарларимнинг таржимонлари номларини таъкидлашни хоҳлардим. Ўзбек ва қирғиз адабиётларининг ўзаро алоқаси хусусида ҳам гапирмаслигим мумкин эмас. Биз замондошлар бир-бирларимиз билан ғойибдан эмас, балки бақамти учрашиб турсак, биргаликда нафақат ижодий муаммолар, балки умуммаданият олдида турган масалаларни у ёки бу даражада ҳал қилишда фаол қатнашсак. Хуллас, дўстлик алоқалари такомиллашувининг чек-чегараси йўқ. Биз алоқаларимизни тагин ҳам мустаҳкамлашимиз зарур. Агар вақт топиб, айтайлик бир-икки маротаба Тошкентда ёки Фрунзеда учрашиб турсак, нур устига нур бўларди.

Анвар Жўрабоев: – Евгений Евтушенко ўз мақолаларининг бирида жумладан шундай ёзади: «Ворислик туйғуси – бугунги тарихий ва адабий жараённинг энг содиқ ориентиридир. Меросдаги номаълумликлар диднинг бузилишига олиб келади. «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди» шиори адабиётдаям қўлланиши шарт». Бу борада, тан олиш керакки, рус ёзувчилари, адабиётшунослари катта-катта ишларни амалга оширишяпти. Кимнингдир субъектив фикри туфайли тарих қатида анчадан буён қолиб кетган бир қатор ижодкорларнинг, жумладан, Гумилев, Хлебников ва бошқаларнинг номи тикланди, асарлари чоп этилди сўнгги йилларда.

Дейлик, Бунин. Унинг ёзганлари орасида октябрь инқилобини қораловчи «Лаънати кунлар» асариям бор эди. Агар рус биродарларимиз бу адибга нисбатан ҳанузгача кек сақлайверишганда эди, биз Буниндек улкан ёзувчининг бирортаям асарини ўқий олмаган бўлардик.

Бизда ҳам адабий меросга бир ёқлама қараш ҳоллари мавжуд эди. Масалан, буни ёзувчи Фитрат ва шоир Чўлпон мисолида кўриш мумкин. Репрессия қурбони бўлишган бу икки талантли адиб Совет тузумини мадҳ этувчи ажойиб асарлар яратишган. Тўғри, уларнинг дунёқарашида айрим камчиликлар бўлган, аммо улар хатоларини ўз вақтида тан олиб, тузатишга интилишган. Гарчанд уларнинг асарлари ўзбек адабиёти тарихининг ўзига хос саҳифалари ҳисобланса-да, айрим кишиларнинг «улар ҳақда гапириш, уларнинг китобларини чоп этиш ўтмишни идеаллаштириш ёки бўлмаса миллатчилик масалаларини қўзғашдир» деган сохта хулоса чиқарганликлари (аслида эса улар «бирор ишкали чиқиб, амалдан тушиб қолмайин, тагин» деб шундай қилишган), баъзи адабиётчиларнинг эса бошлиқларга ёмон кўриниб қолмайлик қабилида иш тутишгани туфайли бу иккала адибнинг китобларидан одамлар баҳраманд бўлолмадилар.

Бугунги ошкоралик даврида бу ва бошқа адиллар ижодига янги ва холис муносабат имкони туғилди. Республикамиз ёзувчилар союзининг пленумида бу ҳақда очиқ-ойдин гапирилди ва энди Фитрат ҳамда Чўлпоннинг адабий мероси ўрганиладиган бўлди. Бу масала билан махсус комиссия шуғулланяпти.

Мана, Абдулла Қодирийни олайлик:

Чингиз Айтматов: — Мен бу улуғ ёзувчининг ижодини яхши биламан. Унинг асарларига Мухтор Аvezов катта баҳо берарди доимо.

Анвар Жўрабоев: — Алексей Толстой ҳам. Таниқли шарқшунос олим Бертельс эса бу адилбимиз ҳақида шундай ёзганди: «Жаҳонда бешта романчилик мактаби бор эди — француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари. Олтинчисини эса Абдулла Қодирий яратди».

Чингиз Айтматов: — Айтгандай, музейи ташкил этилди Қодирийнинг?

Анвар Жўрабоев: — Мен Қодирийнинг ўғли Ҳабибулло Қодирийни яхши танийман. Ёши бир жойга бориб қолган, анчагина қийинчиликларни бошидан кечирган бу одам, асл касби врач эса-да, дурустгина ёзувчидир. Унинг отаси ҳақидаги эсдаликлар китоби қайта-қайта нашр қилинган. «Э, агар менинг тирклигимда Қодирийга музей очишса, уни ташкил этишда жуда катта фойдам теккан бўларди-я» — дейди кўпинча афсусланиб у. Ҳабибулло ака Абдулла Қодирий уй-музейини очиш, унинг тўлиқ асарлар тўпламини чоп этириш масаласида жудаям кўп югурди. Охири бир гуруҳ санъат ва адабиёт намояндалари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида ёзувчига уй-музей ташкил этиш юзасидан очиқ хат эълон қилишди. Аммо яқинда Ҳабибулло ака билан учрашиб гаплашсам, ҳозирча амалийроқ бирон ўзгариш бўлмаганини айтди.

Чингиз Айтматов: — Бу улуғ ёзувчига уй-музей эмас, музей-боғ ташкил этиш керак аслида.

Анвар Жўрабоев: — Чингиз Тўрақулович, очиги менинг кўпчилик юртдошларим юрагига кўпдан бери зирапчадай санчилиб ётган бошқа муаммолар ҳақидаям гапиришни ният қилиб юривдим. Чунки Сиз бизнинг тасаввуримиздаям, аслидаям бутун Шарқ халқлари адабиётининг оқсоқолисиз.

Чингиз Айтматов: — Марҳамат.

Анвар Жўрабоев: — Аввало «Правда Востока» газетасида босилган «Тарих ҳақиқатига зид» (муаллифи — М. Ваҳобов) мақоласи ҳақида гаплашсак.

Чингиз Айтматов: — Мен кеча кечқурун шу мақоланиям, унинг юзасидан келган откликларниям ўқиб чиқдим. Кўпчилик мақола муаллифининг фикрларини кескин рад этган, баъзилар эса уни қўллаб-қувватлаган ҳам. Мен ким ҳақу ким ноҳақ эканига ҳакамлик қилишни ўзимга эп кўрмайман. Менимча, мақоладаги аксарият нарсалар ҳатто баҳслашишгаям арзимаиди. Мени бир нарсаси: олим одамнинг ана шундай даражада фикр юритгани таажжублантиради, ахир адабиётга нисбатан бундай вульгар-социологик муносабатлар даври қачонлардир ўтиб кетган-ку. Мақолада шунақанги гаплар бор эканки!

Анвар Жўрабоев: — Мана, масалан, Чингиз Тўрақулович, манави жумлани олайлик. Унда автор «Юлдузли тунлар» ҳақида гап юритиб, шундай дейди: «Қодиров Бобурнинг шахсий ҳаётига тааллуқли лавҳаларни тасвирларкан, унга тилла суви юритилган идишларда, тилладан ясалган қадаҳларда овқат ва шароб беришларини, у лашкарларига зар тўнлар ҳадя қилишини... зўр ҳаяжон билан ёзади... Аммо совет ёзувчиси бу бойликларнинг манбаи ҳақида гапириши шарт эди-ку» (?!). Мантиқни қаранг-а!

Чингиз Айтматов: — Ҳа, ҳақиқатан ҳам галати. Умуман, Бобур хусусидаги мақолада аччиқ гаплар бор. Биласизми, мен яқинда ҳиндистонлик бир

олим ва ёзувчи билан суҳбатлашдим. Биз Бобур тўғрисида гаплашдик, аниқроғи, мен унга: «Сизлар Бобурга қандай қарайсизлар?» деб савол бердим. «Биз Бобурни Ҳиндистоннинг асл фарзанди сифатида улуғлаймиз. Гарчанд у дастлаб бизга босқинчи сифатида келган эса-да, кейинчалик у бизнинг умумтараққиётимизда катта кучга айланди. Бобур асос солган Буюк Мўғуллар империясининг цивилизацияси халқимизнинг тарихий ривожига бениҳоя катта улуш қўшди», деди у фахр билан.

Анвар Жўрабоев: – Бобур ҳақида Неру ҳам анча яхши гаплар айтган.

Чингиз Айтматов: – Хабарим бор. Ахир унга фақат подшоҳ деб эмас, улуг шоир деб ҳам қарашимиз мумкин-ку.

Анвар Жўрабоев: – Чингиз Тўрақулович, сизнингча, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ёзувчилари олдида турган энг муҳим муаммолар нималардан иборат?

Чингиз Айтматов: – Ўрта Осиё ва Қозоғистонни алоҳида ажратиб гапириш унчалик тўғри бўлмаса керак эндиликда. Чунки охириги йиллар мобайнида маданият, айниқса, адабиёт олдидаги муаммолар иттифоқнинг деярли барча регионлари учун универсал бўлиб қолди. Лекин ҳар бир регионнинг ўзига хос хусусиятлари бор, албатта. Яқинда мен «Олатов» журнали ходимлари билан учрашиб, уларга адабиёт олдидаги шу кеча-кундузда турган вазифалар ҳақида гапирдим. Биласизми, кўпчиликнинг фикрича, биз ҳамма нарсани шу даражада ўзлаштирган эканмизки, энди олдинда бизни кенг ва равон йўл кутаркан. Кўпчиликнинг ўйлашича, барча қийинчиликлар ўша дастлабки йилларда зоҳир бўлгану, эндиликда ҳеч қанақа қийинчилик йўқ экан. Менимча эса, ҳозир илгаригидан, яъни Ўрта Осиё профессионал адабиёти илк қадамлар ташлай бошлаган даврдагига нисбатан бир неча бор мураккаброқ вазифалар кутяпти бизни. Ҳо-

зирги китобхонлар икки тилни билишади. Уларнинг жавонларида миллий тилда ёзилган китоблар билан ёнма-ён рус тилидаги ва бошқа тиллардан русчага таржима қилинган кўплаб китоблар ҳам туради. Илгари ўқувчиларимизда альтернатива йўқ эди: яхшими, ёмонми, улар фақат ўз тилларида чоп этилган китобларни ўқишарди, холос. Энди эса улар русчани пухта эгаллашган ва миллий тилдаги бўш асарни бир четга йиғиштириб қўйиб, русча яхши-яхши китобларни ўқийверишади. Энди улар рус тили ёрдамида бутун жаҳон адабиёти билан боғлана олишади. Бу ҳол эса қай бир жиҳатдан рақобатга ўхшаб кетади. Агар миллий тилдаги асар ўз бадийлиги, таъсир кучи, ҳаёт қамрови ва бошқа томонлардан ана шу рақобатга тоб беролмаса, бора-бора унинг ёзувчилари сони камаяди. Бундай нохушлик содир бўлмаслиги учун адабиётимиз умумжаҳон адабиёти ва энг аввало рус адабиёти таржимасига суянган ҳолда ўзини-ўзи қайта қуриши, янги чўққиларга кўтарилиши шарт.

Мен адабиётимизни миллий қобиқда сақлаб туриш тарафдори эмасман. Аммо биз шундай бир адабиёт, шундай бир бадий тафаккур яратишимиз керакки, у ўқувчиларимиз учун бошқаларники каби жозибадор бўлсин. Бу – мураккаб вазифа. Бизни кутаётган янги-янги синовлардан ўта оламизми? Бадий тафаккуримизни жаҳон бадий тафаккури даражасига кўтара оламизми? Мен шунинг учун ташвишланияпманки, то шу яқин ўртагача биз ёзган нарсалар аллақандай тор доирада ва анча примитив эди. Ҳозирги замон ёзувчиси нафақат ўз миллий тилини мукамал билиши, балки рус тилини ҳам анча чуқур эгаллаши лозим.

Анвар Жўрабоев: – Рус тилидаям ёзиш учунми?

Чингиз Айтматов: – Шарт эмас русча ёзиш, буни ҳаммаям удалай олмайди. Аммо рус тилини яхши билган ёзувчи янада ўткирроқ маънавий

қуролга эга бўлади. Бу тил — катта билиш воситаси-да. У орқали миллий адабиётни тагин ҳам юқори поғоналарга кўтариш мумкин.

Анвар Жўрабоев: — Демак, бунинг учун ёзувчи жуда кўп ўқиши керак.

Чингиз Айтматов: — Албатта! Лекин афсус шундай ёзувчилар борки, «Мен ёзувчиман, ўқувчи эмасман» деб қўлларига китоб олишмайди.

Анвар Жўрабоев: — Сиз беш ёшингизда илк бор таржимонлик қилган экансиз-а?

Чингиз Айтматов: — Ҳа, ўшанда ёзда бувимникига келувдик (отамнинг онаси), яйловга. Бир куни ўтлаб юрган бир тойчоқ тўсатдан ўлиб қолди. У зотдор бўлиб, колхоз тойчоқни Россиядан анча пулга сотиб олганди. Тойчоқнинг ўлими сабабини аниқлаб, тааллуқли ҳужжатлар тузиш зарур эди. Район марказидан зоотехник чақиртиришди. У рус бўлиб, қирғизчани мутлақо билмасди, бизнинг чўпонлар эса русчани тушунишмасди. Чўпонлар бувимни ўртага солиб мени таржимонликка «ёллашди» (шаҳарда русча боғчага борардим-да). Бир илож қилиб ўз вазифамни ууддаладим. Тойчоқ яйловнинг у ер, бу ерида ўсадиган заҳарли ўтни еб ўлган экан. «Нега бошқа отлар ўлишмайди ўша ўтдан?» — деб сўради зоотехник чўпонлардан. «Чунки бизнинг отлар уни билишади-да», деб жавоб қайтаришди улар. Хуллас, ҳужжат тузилди. Рус зоотехнигу чўпонлар мендан мамнун бўлишди ва «гонорар»ига бир бўлак пишган гўшт беришди. Уни ўтов олдида туриб, менинг ҳар бир гапимни қулоқларини динг қилиб тинглашган ва менинг «уста таржимонлигимдан» қойил қолишган болалар билан бўлиб едик.

Анвар Жўрабоев: — Болалигингизда кечган яна қайси воқеаларни хотирлайсиз?

Чингиз Айтматов: — Кўп воқеаларни. Уларнинг ҳар бири замирида ҳақиқий инсонийлик, эзгулик

бор. Минг тўққиз юзу ўттиз еттинчи йили отамни репрессия қилишгач (у киши Москвадаги Қизил профессура институтида ўқир ва биз ҳаммамиз пойтахтда яшардик), овулга кўчиб келдик. Аҳволимиз оғир, оиламизда тўрт фарзанд бўлиб, тўнғичи мен эдим, онам хасталикка чалинганди. Аммам Қорақиз опа (у ҳам раҳматли бувимдек роса меҳрибон эди) бизни ўз қаноти остига олди. Қишлоқдошларимиз ҳам сахий, бағри кенг одамлар бўлиб, гарчанд ўзлари чор-ночор яшашса-да, топган-тутганларини биз билан баҳам кўришарди.

Кунларнинг бирида укам Илгиз (у ҳозир фан доктори, Қирғизистондаги йирик илмий-текшириш институтларидан бирига директорлик қилади. — А.Ж.) иккимиз далада ўтин териб юрганимизда, бизга қараб бир отлиқ кела бошлади. Дурустгина кийинган. Етиб келгач, «кимнинг болаларисиз?», деб сўради биздан. Аммам бизга: «Агар отанглар ким деб сўраб қолишса, ҳеч бир уялмай, бошларингни кўтариб, ўша сўраган одамнинг юзига қараб, унинг отини айтишлар», деб уқтирарди (Биз укам иккимиз отамиз ҳақида ёзилганларни эшитиб, хи-жолатдан ич-ичимизни еб юрардик. Аммо, аммам, шу саводсиз аёл, буларнинг бари бўҳтон ва тухматлигини юрак-юрагидан сезаркан, энди билсам). Биз ўша отлиққа тик боқиб, отамизнинг отини айтдик. «Ўқишни истайсизларми?» — деб сўраб қолди у дафъатан.

Биз ўқишни жудаям хоҳлардик! Қувончимиздан йиғлаб юбормаслик учун лабимизни маҳкам тишлаб, бошимизни қимирлатиб розилик аломатини билдирдик. Бир ойдан сўнг ўқий бошладик! Ўшанда ҳеч қандай гап-сўзлардан тап тортмай бизга ўз ёрдам қўлини узатган одам — қишлоқ ўқитувчиси Усубали Тиналиев экан.

Анвар Жўрабоев: — Болалигингизда ўзлаштирган қайси хислат сиз учун бир умрга қадрли бўлиб қолган?

Чингиз Айтматов: — Адолат. Ўз ҳаётий тажрибамдан шундай хулосага келганман; одамлардаги барча ижобий хислатлар бош фазилат бўлмиш Адолатдан бошланади.

Анвар Жўрабоев: — Чингиз Тўрақулович, энди ижозатингиз билан мавзуни янги романингизга бурсак. «Кунда»ни таҳлил қилишаётган айрим олимлар-у адабиётшуносларнинг Сизни худо изловчиликда айбашларига қандай қарайсиз?

Чингиз Айтматов: — Мен унда китобхонни Библия мотивига жалб қилганим учун ҳам ана шундай хулоса чиқаришяпти улар. Менимча бу — ноҳақлик. Мен асаримда Библиянинг кўпчиликка маълум эпизодларидан бадиий метафора сифатида фойдаланганман, холос. Ушбу романи ўқишган ёшлар художўйларга айланиб қолишлари ҳеч гапмас деганлари ҳам бемаъниликдир.

Анвар Жўрабоев: — Мени, айниқса, романингиздаги икки образ — икки бўри: Акбара ва Тошчайнар шунчалар таъсирлантирдик! Улар худди одамлардек туюлаверди, назаримда.

Чингиз Айтматов: — Бўри шўрлик ҳамма асарлар, айниқса, эртақларда бизнинг ашаддий душманимиз сифатида тасвирланади. Реалистик адабиёт, менимча, бўриларга бундай муносабатни кескин ўзгартириши ва уларга объектив равишда қараши лозим. Мен улар ҳақида ёзаётганимда шу нарсага амал қилдим. Ҳа (кулади), буддийларда бир нақл бор: унга кўра ҳар бир одам қачонлардир қандайдир жонивор бўларкан. Менга аллаким «Кунда»ни ўқигач: «Балки сиз илгари бўри бўлгандирсиз» деб қолди. Балки (яна кулади).

Анвар Жўрабоев: — Роман хусусида жуда кўп баҳслар, тортишувлар бўлди. Танқидий фикрлар ҳам.

Чингиз Айтматов: — Танқидга ҳам ўта хотиржамлик билан қарайман. Ҳа, албатта, асарнинг

баъзи жойлари нотекис ёзилган, кўнгилдагидек чиқмаган.

Анвар Жўрабоев: — Аммо газета-журналларда босилган танқидий фикрларнинг айримлари замирида ҳасад ҳам бордек туюлмайдими Сизга?

Чингиз Айтматов: — Ҳасадми, ҳасад эмасми... турмушнинг бунақанги арзимас икир-чикирлари ҳақида бош қотиришга вақтим йўқ менинг — олға босишим керак.

Асосийси шуки, мен романимнинг тақдиридан хурсандман, чунки асар юзасидан шунча кўп хат олдимки! Баъзи хатларга ҳайрон қоласан одам — оддий китобхоннинг асар воқеаларини шу қадар теранлик билан ҳис эта олишидан, уларни ўта нозиклик билан таҳлил қила олишидан кўнглим ёришиб кетади. Муҳими шуки, романда айтишим лозим бўлган гапни тўлиқ айта олганман.

Анвар Жўрабоев: — Яқинда роман ўзбекчада «Шарқ юлдузи» журналида босилади.

Чингиз Айтматов: — Ушбу асарнинг ўзбекчага таржима қилинишини менга, ижодимга нисбатан бўлган катта ҳурмат белгиси деб биламан. Лекин мени бир нарса ташвишлантиради: таржима қандай чиқаркин? Аммо шу нарса далда берадики, ўзбек адабий тили жудаям кучли тил ва ўйлайманки, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Ўзбек ўқувчиларимга бир илтимосим бор: улар «Кунда»ни шошилмай, диққат билан, романинг нима мақсадда ёзилганини чуқурроқ англаш учун ўқишса.

«Шарқ юлдузи» журналининг
1987 йил 7-сонидан
жузъий қисқартириш билан олинди.

Дилором АЛИЕВА

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ВО ВРЕМЕНИ И ПРОСТРАНСТВЕ

Художественная литература представляет собой уникальное явление, тесно связанное с ходом исторического развития. «Каждая эпоха вносит в литературу что-то свое, совсем, казалось бы, новое и необычное. Однако внесенное эпохами предшествующими не исчезает».¹ Двадцатый век внес в литературу и искусство новый артефакт.

Вторая половина двадцатого века — сложная эпоха, которая завершилась распадом некогда большой страны и одновременно образованием новых независимых государств. Логика духовно-культурного развития такова, что связи не обрываются, они могут ослабнуть, но не исчезнуть. Литературный процесс восьмидесятых — начала девяностых годов прошлого века носил своеобразный характер: художественная литература была представлена произведениями, как тогда говорили, «возвращенной литературы», почти отсутствовали новые произведения известных авторов. Периодика, не переставая, печатала произведения, выпавшие из хронологии. Количественный объем произведений был огромен. Надо было успеть напечатать в своем

¹ Д. Затонский. Искусство романа и XX век. — М., Художественная литература. 1973, с. 3.

веке произведения, несправедливо вычеркнутые из духовной жизни и исторической последовательности, а сама история русской литературы двадцатого века писалась заново.

С другой стороны ощущался стремительный уход целой эпохи, и все то, чем жили до этого момента, как бы теряло свою значимость и ценность. Поистине есть возможность осознать хаос и космос. Преломление в искусстве бытийных констант всегда было предметом литературы. Создавалось впечатление, что писатели хотели разобраться в новых обстоятельствах. Стремительно уходила целая эпоха, и все то, чем жили до этого момента, теряло свою значимость и ценность. Необходимо было осмыслить происходящее, найти новую точку опоры и отсчета.

Чингиз Айтматов соединил две культуры: свою национальную и русскую. Знание двух языков и двух культур сыграло свою положительную роль в дальнейшей творческой биографии писателя.

Творческая биография писателя началась в 1952 году. Тогда, будучи студентом сельскохозяйственного института, Айтматов опубликовал свой первый рассказ «Газетчик Дзюйдо». Затем были опубликованы рассказы «Ашим», «Соперники», «Белый дождь» и другие. Тематика ранних рассказов связана с проблемами современности. В художественном плане это были поиски своего почерка. Их нельзя назвать ученическими. Некоторые художественные находки проявились потом в его зрелом творчестве. Тогда же писатель выступает в печати с публицистическими статьями, в которых наряду со многими поднимает вопросы перевода русской классики на киргизский язык, проявив

блестящее знание киргизского и русского языков и литературы.

Повесть «Лицом к лицу» была опубликована в журнале «Октябрь» в год окончания литературных курсов. По мнению критиков, она стала этапной в творчестве Айтматова. С одной стороны она завершала ранний период творчества, а с другой — явилась переходом к новому периоду творчества. Эта повесть находится в русле исканий прозы пятидесятых годов, в которой главное место занимала тема войны с фашизмом. Мы находим у Айтматова своеобразное ее воплощение через тему дезертирства. В этой повести проявилась тяга Айтматова к осмыслению проблем насущного дня, а герои писателя живут так, как требует мораль тех лет. Для сравнения хочется привести схожую по фабуле повесть В. Распутина «Живи и помни», написанную через двадцать лет после айтматовской повести. Этот факт показывает общность тематики и открывает возможности ее решения.

В 1963 году издан сборник Ч. Айтматова «Повести гор и степей», за который он получил высшую литературную премию страны. «Джамиля», «Тополек мой в красной косынке», «Верблюжий глаз», «Первый учитель» повествовали о психологических и житейских коллизиях, происходивших в жизни простых деревенских людей в их столкновении с новой жизнью.

В повести «Джамиля» от лица пятнадцатилетнего подростка мы узнаем о любви замужней молодой женщины и искалеченного войной человека. Айтматов, так же как и в повести «Лицом к лицу» избирает фабулу, противоречащий морали — идет война, муж на фронте, а жена уходит к другому. Айтматов рассказал о том, как возникает чувство, а Сеит — невольный свидетель — понял его и сох-

ранил на всю жизнь. Повесть начинается с того, что Сеит вспоминает, как ушли из аула Джамиля и Данияр.

«Тополек мой в красной косынке» тоже о любви. Но здесь нет торжества ее, но есть раздумья о сложности жизни, когда личное и общественное переплетаются. Неудачи на работе влекут за собой и личную трагедию. Главные герои Асель и Ильяс на собственном примере убедились в том, что в судьбе каждого человека наступают минуты, когда он должен сделать свой выбор. Ильяс оказался на неверном пути, а Асель осталась верной самой себе.

Повесть «Первый учитель» поднимает тему памяти, главная героиня вдруг осознает, что не она, всемирно известный ученый, должна сидеть на почетном месте, а скромный учитель, забытый всеми. Дюйшен сделал все, чтобы эта пятнадцатилетняя девочка развила свои способности и достигла научных высот. А тогда в двадцатые годы много ей пришлось пережить, и если бы рядом не было ее учителя, то все могло бы быть по-другому.

Повесть «Верблюжий глаз» повествует о взрослении молодого человека, который начинает видеть и понимать мир.

«Повести гор и степей» удивили читателей своей новизной, смелостью постановки проблемы. Главными героями его сборника были молодые люди, которые выбирали свой путь, принимали нелегкие решения. Писатель выработал свой стиль, нашел свой почерк.

В 1963 году была опубликована повесть «Материнское поле», в которой Айтматов вновь обращается к теме войны. Главная героиня повести Толганай рассказывает о своей судьбе. Айтматов создает реалистическую картину жизни тыла. Главная мысль повести — помнить о тех потерях, ценой ко-

торых достигнута победа. Айтматов рассказывает о жизни тыла. Наиболее сильным эпизодом является прощание матери с сыном, когда тот проезжает в поезде. Это поистине реалистическая картина, которая отличается правдивостью в изображении реальности.

«Прощай, Гульсары!» стала первой повестью, написанной на русском языке. До этого Айтматов писал по-киргизски, а потом переводил на русский, иногда сам, а чаще переводчики. Судьба главного героя повести Танабая так же типична, как и многие судьбы. Эта повесть в европейских странах воспринималась как роман. Структура ее, действительно, тяготеет к роману.

Романы «И дольше века длится день» («Буранный полустанок» 1980), «Плаха» (1984), «Тавро Кассандры (Из ересей XX века)» (1995) ознаменовали новый этап творчества Айтматова.

М. Бахтин писал: «Роман стал ведущим героем драмы литературного развития нового времени именно потому, что он лучше всего выражает тенденции становления нового мира, ведь это единственный жанр, рожденный этим новым миром и во всем соприродный ему. Роман во многом предвосхищал и предвосхищает будущее развитие всей литературы»¹. Сюжет романов простирается в земном и космическом пространстве. Об их тематике можно говорить бесконечно. Проблематика романов тесно соприкасается с предыдущими произведениями писателя. Художественные образы, созданные писателем, предлагают разговор о вечных проблемах бытия, не раз поставленных в литературе.

Подобно тому, как в девятнадцатом веке в противовес романическому повествованию пришел реалистический роман, так и в двадцатом веке Айтматов внес в литературу потрясающей глубины исследование личности. Судьбы Казангапа, Едигея, Абуталиба, Авдия Калистратова, Андрея Крыльцова являются соединением истории, современности, будущности, и стали квинтэссенцией раздумий, представлений, сомнений, догадок, предположений, соответствующих нравственно-философским понятиям. Айтматов предлагает свой вариант интеллектуального романа, в котором соединяются музыка Шостаковича, японская философия, мировой океан, научные открытия, политические лица, демонстрации протеста и многое другое.

Онтологическая тематика искусства объединяет вселенские и природные константы бытия. Это хаос и космос, жизнь и смерть, свет и тьма, огонь и вода. Комплекс этих вечных тем восходит к ритуально-мифологической древности и возник из повседневной жизни. Из всех названных лишь космос нами долго воспринимался как вымышленное понятие. С середины двадцатого века систематические полеты в космос сделали его реальностью.

Тема романа «И дольше века длится день» — похороны Казангапа. Этот простой путеец завещал похоронить его на древнем кладбище Ана-Бейит. Дальше сюжет строится на выполнении последней воли умершего. История этого кладбища восходит к далекому прошлому. Название его связано с именем легендарной матери — Найман. Она совершила отчаянную попытку спасти сына из плена, но погибла. Место ее захоронения называли материнский упокой. Легенда о матери утверждает: «Можно отнять землю, можно отнять богатство, можно отнять и жизнь, но кто придумал, что смеет покушаться на память человека?!» [1. с. 423]. Казангапу дорого то, что связано с историей его народа, он стал бережным и

Чингиз Айтматов ва Узбекистон

¹ М.М. Бахтин. Формы времени и хронотопа в романе. Очерки по исторической поэтике. // М. Бахтин. Вопросы литературы и эстетики. М. 1975, с. 451.

мудрым хранителем того национального богатства, каким является память поколений, связь времен.

Едигей, возвращаясь, «увидел прямо перед собой, как далеко в степи, в той стороне, где располагался, насколько ему было известно, Сарозекский космодром, что-то взлетело в небо сплошь пламенеющим, вырастающим ввысь огненным смерчем. И оторопел – в космос поднималась ракета». [1. с. 321]. Он даже не мог себе представить, что скрывалось за этим взлетом и что задача этого экипажа состояла в изучении иксианской энергии, чтобы потом передавать ее по геосинхронным орбитам. Реалия восьмидесятых годов – энергетический кризис – находит своеобразное воплощение в романе.

Хронотоп дороги определяет единство романа в его отношении к реальной действительности. Герои айтматовского романа осваивают другие пути – космические. Развивая в романах космическую тематику, Айтматов ясно показывает, что и паритет – космонавты и Филофей осознают, что прекрасней, чем планета Земля ничего не может быть.

Сравните две цитаты:

И дольше века длится день	Тавро Кассандры
<p>Мы прощаемся. Мы видим через наши иллюминаторы Землю со стороны. Она сияет как лучезарный бриллиант в черном море пространства. Земля прекрасна невероятной, невиданной голубизной и отсюда хрупка, как голова младенца. [1. с. 353]</p>	<p>Красивые здесь места и зимой, когда леса и пригорки в белых снегах, как во сне, и летом, когда зеленое цветение достигает своего апогея, когда за лесом вдруг выльнет на несколько секунд неожиданное видение – сияющий изгиб Москвы-реки. Восхитительная магия воды, неба, леса; я всегда старался не пропустить этого мгновения... [2. с. 201]</p>

Непростые, тревожные мысли одолевают Крыльцова и на помощь приходит вечное размеренное состояние природы: «Красивые здесь места и зимой, когда леса и пригорки в белых снегах, как во сне, и летом, когда зеленое цветение достигает своего апогея, когда за лесом вдруг выльнет на несколько секунд неожиданное видение – сияющий изгиб Москвы-реки. Восхитительная магия воды, неба, леса; я всегда старался не пропустить этого мгновения, чтобы глянуть через стекло и умчаться дальше, сохраняя пред взором оставшееся позади» [2. с. 201]

Жизнь главного героя Филофея – Андрея Крыльцова заканчивается добровольным уходом из жизни: он отправляется в открытый космос: «<_> никто так не умирал. И летает сейчас Филофей где-то над миром космической мумией, единственный в своем роде самоубийца за пределами планеты» [2. с. 210]. Уход Филофея есть выход для него, как он сам объясняет из сложной дилеммы, перед которой он поставил себя в результате своего научного эксперимента, так как оно может обернуться большим злом против всего человечества.

Роман «Тавро Кассандры» – это «литература глобальных перемен и системного мышления»¹, – пишет в предисловии Р. Рахманалиев. Главный герой романа – Андрей Крыльцов. Он добровольно уходит в открытый космос и объявляет себя космическим монахом Филофеем. Филофей – каноническое православное имя греческого происхождения. В истории русской православной церкви известно несколько служителей с этим именем. Трудно сказать, был ли один из них прообразом айтматовского персонажа. Но любопытно, что в XVI веке жил русский религиозный писатель, публицист,

¹ Р. Рахманалиев. Философское откровение Чингиза Айтматова. // В кн.: Ч. Айтматов. Тавро Кассандры. (Из ересей XX века. М., 1995, с. 2

монах псковского Елеазарова монастыря по имени Филофей, в своих посланиях и письмах отстаивал теорию «Москва – третий Рим». Нам здесь любопытен тот факт, что послания, то есть монологическая речь была актуальна. Обращенный монолог составляет часть письменной культуры человечества. Можно вспомнить проповедников, ораторов и др. Айтматовский Филофей пишет послание Папе Римскому, в котором выражает обеспокоенность по поводу своих научных исследований. Филофей мучается неразрешимой проблемой, так как именно ему выпало стать первым, кто открыл тайну эхато-эмбрионов, распознал знак Кассандры. Долгое время ученый Андрей Крыльцов был твердо убежден в том, что ученый не несет ответственности за результаты своего исследования. Но его последний шаг говорит о другом. Всерьез обеспокоенный перспективами своих опытов, он задумывается: «Иксродам предстояло остановить движение того исторического колеса, положить конец Отцовству, Материнству, положить конец всему, что являлось продолжением опыта поколений для всех и для каждого на белом свете... Ситуация непредвиденная в веках и немислимая: вторично, вслед за Адамом и Евой, изгонялись из мира Отец и Мать, причем негласно, без раскатов громopodobного гнева с небесных высот, без проклятий, запечатлевшихся на все времена, изгонялись весьма прозаично – через исключение родительских обязанностей, изгонялись коварно и исподволь – через манипуляций с зародышами, изгонялись при этом в никуда...»

Мир произведений Чингиза Айтматова движется по восходящей линии от реалистической картины мира до полифонической стройности. Наглядно проследить структуру произведений Айтматова можно на таком элементе сюжета как музыка. Об-

разная система произведений Айтматова сообщает читателю не только рассудочную, рациональную идею и концепцию, но и эмоциональную подлинность. Музыка, мелодия, песня в этом смысле несут важнейшую художественную идею. Симфония Шостаковича, звуки виолончели и музыка огня в камине композиционно перемежаются с раздумьями журналиста о последних событиях в мире – письмо Филофея, гибель китов, демонстрации протеста и др. Горькая песня – своеобразный монолог неведомой безымянной «бабы» в котором звучит вопрос «Ах зачем, ах зачем / Родилась я на свет? / Ах зачем, ах зачем / Меня мать родила?». [2. с. 113]. Эмоционально насыщенный, точный по настроению, этот вопрос заставляет задуматься ученого Андрея Крыльцова, журналиста Роберта Борка и, конечно, читателя. Этот вопрос из разряда вечных, а значит, будет осмысливаться каждым новым поколением. Музыкальная образность придает повествованию психологический динамизм.

Наряду с темой космоса в романах разрабатывается тема религии. В романе «И дольше века длится день» она реализуется в молитвах. Едигей, свято соблюдая обычаи предков, обращается к Всевышнему с естественными и мудрыми словами о прошлом, настоящем и будущем, которые вызваны его особым душевным состоянием. А в романе «Тавро Кассандры» Филофей объявляет себя космическим монахом, обращается к Папе Римскому.

В романах Айтматова христианские мотивы, молитвы, монологи, образы природы обрели конкретные формы своего воплощения. В каких-то моментах Айтматов силен, где-то обнаруживается схематичная заданность и прямолинейность. Но то, что мир айтматовской прозы последователен и логичен, сомневаться не приходится. Айтматов

предлагает нам осознать понятие «Мировой души, которая для всех одна и у каждого своя в разъединенности и соединенности всего на земле.» [2. с. 103]. Имя Кассандры расширяет время и пространство романа. Древнегреческая прорицательница, к которой никто не прислушивается, наполняет роман мотивом сомнения.

Время Айтматова запечатлено в его произведениях, а творчество занимает свое определенное пространство.

Комилжон ЖУРАЕВ,
Мунаввар ДАДАЖАНОВА

БИЛИТЕРАТУРНОСТЬ В АКТЕ ЛИТЕРАТУРНО-ХУДОЖЕСТВЕННОЙ КОМПЛЕМЕНТАРИЗАЦИИ

Произведения Ч.Айтматова, написанные на двух языках, дают богатый материал для размышления о диалектике явления двойственной или множественной литературной принадлежности, представляющей собой «органическую конституирующую принадлежность творческой личности и ее творчества или его частей к двум или нескольким литературным системам»¹. В творчестве билитературного писателя, облекающего национальный материал в приобретённую форму, происходит встреча двух разных миров, органическое слияние особенностей двух разных литератур и культур. Когда вчитываешься в такое произведение, глубоко ощущаешь движение от двух культур к одной, становишься свидетелем создания сплава разных национальных культур, некоего промежуточного между двумя отдельными, национальными. Действительно, это не то, например, в кыргызской национальной литературе, и не то, скажем, в русской литературе, а какое-то феноменальное явление с кыргызским материалом в русской форме.

Как правило, произведения билитературного двуязычного писателя, созданные на его неродном языке, являются не просто авторскими перевода-

ми вещей, записанных на родном языке. «Когда я пишу по-русски, — говорит, например, билатеральный писатель Ч.Айтматов, — то чувствую..., что выражаю себя совершенно особым и неповторимым образом..., когда я создаю свои вещи на кыргызском языке, я опять-таки чувствую неповторимость своего высказывания»². Создавая кыргызский текст и ориентируясь на кыргызского читателя, Ч.Айтматов реализует творческий замысел в ином русле. Используемые им художественные приёмы тесно связаны с национальными традициями кыргызской литературы, на чем мы подробнее остановимся позже, а сейчас в связи с рассмотрением билитературного характера творчества Ч.Айтматова хотим нашу мысль проиллюстрировать очень кстати сказанными словами Д.Дюришина. «Явления практического билингвизма, усиленного значительной степенью билитературности, а как известно, и двойной литературной принадлежностью по отношению ко многим национальным литературам, — писал он в названном проекте, — имеют иногда следствием возникновение двух переводов некоторых его рассказов, а именно авторского перевода и параллельно с ним и перевода, выполненного переводчиком, будь это на русский или на кыргызский язык. Так появляется несколько вариантов переводческих конкретизаций творчеств Айтматова, что является действительно особым проявлением межлитературной взаимосвязи в особой межлитературной общности».

Нельзя не отдать должное прозорливости словацкого учёного. Его наблюдения расширяют диапазон наших научных интересов и позволяют глубже проникнуть в творческую лабораторию билатерального писателя, чтобы сделать его опыт достоянием научной общественности.

Следует отметить, что литературно-эстетическое восприятие читателя, воспитанного на традициях русской прозы, существенно отличается от кыргызского, восточного. Прекрасно это понимая, Айтматов при переводе своего произведения на русский язык учитывает особенности русской культуры, горизонт видения русского читателя, его мировосприятие. Иногда в переводе отмечаются существенные разночтения. И они закономерны, ибо не может быть механического подобия между кыргызским и русским художественными контекстами, потому что фразеология русского (индоевропейская семья) и кыргызского (тюркская семья) языков различна, в их грамматическом строе также заметна интерференция, как эксплицитная, так и имплицитная.

Повесть «Материнское поле» известна русским читателям в авторском переводе кыргызской «Саманчи жолу», т.е. «Млечный путь», буквально «Дорога соломщика». Исходя из многих социальных и экстралингвистических региональных факторов, учитывая поэтические и стилистические возможности функционирования двух контактирующих литературных систем, автор-переводчик усиливает лирический настрой русского варианта кыргызского оригинала. Осуществлены значительные изменения композиционного характера: вместо восьми глав оригинала в русском тексте находим восемнадцать глав. Оригинал начинается с диалога героини Толгонай с матерью-Землёй, русский вариант — с повествования автора, портретной зарисовки внешности героини, описания родной кыргызской земли и природы. Кыргызскому читателю природа и национальный быт известны с колыбели, следовательно, представляют семантическую избыточность, русскому же читателю без подобной экспозиции

труднее было бы вживаться в текст, входить в описываемую ситуацию. Оригинал изобилует элементами бытового просторечия, в русском же переводе речевые характеристики персонажей представлены в основном по строгому лексико-стилистическому нормативу, без отклонений в сторону бытовизма. В кыргызском варианте преобладают диалоги как композиционный прием, причем главный акцент здесь делается на смене стилей речи и контрастном изображении. Русский текст насыщен внутренними монологами как особой формой стилистического построения речи, более колоритно представлен психологизм художественных ситуаций.

И в кыргызском и в русском вариантах произведения повествование ведется ретроспективно — прошлое всплывает в сознании героини по ассоциации с настоящим, как внутренне связанное с ним, но в каждом из текстов эта ретроспективность имеет своеобразную интерпретацию. Так, в кыргызском оригинале дан диалог Толгонай и Земли. Голос Земли всегда выражает желания Толгонай, осуществлению которых препятствуют причины морально-этического и психологического характера. Здесь внутренний монолог героя оформляется языковыми средствами так, как если бы два человека вели между собой открытый оживленный разговор; каждый выражает свои взгляды и чувства. Следует обратить внимание на своеобразие этого диалога. По существу героиня сама себе задаёт вопросы и сама же отвечает на них. Самосознание Толгонай диалогизируется. Автор распределяет роли, выводит драматургию вовне. Он даёт слово Толгонай и Земле, так что обе имеют возможность высказаться. Речь Толгонай резче, озорней, в то время как Земля говорит степенно, как подобает матери. В диалоге используется разговорная речь

со свойственными ей лапидарными синтаксическими конструкциями, уменьшительно-ласкательной лексикой, риторическими вопросами и восклицаниями. Русский же перевод имеет другую интонацию, диалог заменяется монологом, причем плавным и менее динамичным, спокойным. В кыргызском варианте читатель словно втягивается в душевный разговор с героями произведения, в тексте наличествуют многообразные реплики. В русском переводе самого автора усилен эмоциональный колорит, лирический субстрат. Автор-переводчик опирается главным образом на традиции русской лирической прозы. При одном и том же адекватном содержании какого-либо отрывка происходит замена психологического настроения в русском тексте, меняется стиль, смещаются структурные пласты. Обычно в кыргызском варианте сильна экспрессия, иногда Земля высказывается чересчур прозаично, просто, детально; снижается обобщающее значение символа. В русском же варианте автор отказывается от прозаичности, поднимает общий уровень текста перед глазами «чужого» читателя.

Психологическая переакцентуация, составляющая основу оригинала и перевода автора, не исчерпывает возможные способы ввода и организации разноречия в произведениях. Взаимодействие двух языков, двух культур прослеживается и в плане образительном. Видоизменяя русский вариант, писатель видит свое переводимое произведение изнутри, стремится довести до сознания русского читателя идейную основу и фабулу произведения; подчеркивая, по возможности, национальный колорит произведения, или же, наоборот, за счет тех или иных деталей снижая до некоторой степени его национальное звучание. Автор пытается раскрыть читателю свое видение мира.

Изучение творческого процесса авторского перевода Айтматова позволяет отметить, что для достижения идейной и художественной верности первичному оригиналу он в русском варианте использовал элементы народного языка, функционирующие в кыргызском варианте, а из реалий национального быта он отобрал более известную русскому читателю лексику, значение которой, в крайнем случае, можно дать в сноске.

Поскольку произведение заново пересоздается автором, в нем неизбежны большие трансформации. Даже в развитии действия и тональности обоих вариантов одного произведения наблюдаются значительные расхождения. Так, если оригиналу «Материнского поля» Айтматова присущи эмоциональность и сентиментальность, то для русского варианта того же Айтматова более характерны рассудительность, лиризм. Разница между ними не только в форме произведения, но и в глубинном течении текста.

Один маленький штрих. В переводе первый и четвертый абзацы шестой главы оригинала образовали самостоятельную четырнадцатую главу. Какую же цель преследовал этим писатель? Он создал новый текст, в котором действие развивалось по иной схеме, более конкретно и строго. К кыргызскому тексту писатель подошел аналитически. Здесь автор как бы занял позицию критика: переводчик Айтматов критически анализирует повесть писателя Айтматова, раскрывая для себя и для читателя все свойства произведения, зачастую имплицитно, делая основной упор на психологическую сторону вопроса. Словно это имел в виду Антон Попович, когда писал, что «вторичная авторская операция имеет и признаки творчества, несмотря на то, что возникновению нового текста

предшествовала рациональная или интуитивно эмпирическая подготовка. Творческая деятельность автора — неперемное условие возникновения нового текста о тексте».

Обстоятельства, из-за которых текст претерпевает всевозможные изменения, могут быть различными. И источником изменений текста является сам билатеральный писатель, его знание двух языков, чувствование двух культурных сред. Поэтому он русифицирует свой оригинал, исходя из учёта русской интенции. Например, для кыргызского языка характерны живописность и колоритность красок, обилие средств пейзажных зарисовок. Если в русском варианте умеренно использованы краски кыргызских степей, гор и лесов, то это не следует понимать как отсутствие их эквивалентов в русском языке. Это результат ориентации на восприятие реципиента, стремление автора ответить духовным потребностям читателя. Отсюда и сжатость и увеличение объема описаний, отсюда смена акцента и стилей.

Вот что отметил участник по творческому двуязычию Т.Бисаев: «Мне по душе талантливые произведения Ч.Айтматова, И.Друцэ, В.Быкова и других. Однако признаюсь, что слова «перевод автора» для меня загадка, как-то не укладывается, не вижу в этом реального смысла. Ибо перевод автора для меня равносителен пересозданию, созданию заново». Почти на такой же позиции стоит писатель А.Ким. «Скорее всего, — говорит он, — здесь налицо результаты особого творческого процесса, который я мог бы сравнить уже не с исполнительским искусством музыканта, играющего чью-нибудь вещь, а с импровизацией мастера на темы своего собственного сочинения. Тут возможны те или иные смещения акцентов, дополнительные нюансировки, несколь-

ко иное развитие частных тем, что обычно и бывает при импровизациях. Но остаётся неизменным главное, суть того, что хотел сказать, лишь то, что уже сказал в своем сочинении, а теперь, в «исполнении», вносит дополнения, требуемые школой и культурой языка, на котором произведение «исполняется».

А. Ким считает, что талантливый авторский перевод — всегда событие, проявление щедрости художника, его трудолюбия, всегда новая ценность или, как говорил Вячеслав Рагойша, авторский перевод — вид перевода, особенно характерный для межлитературных общностей, объединённых близостью языков (Опыт Айтматова доказывает, что этот вид перевода характерен и для неродственных языков — К.Ж., М.Д.). Обязательные условия существования такого перевода — билингвизм автора-переводчика, довольно свободно обращающегося с первоисточником. Вместе с тем автоперевод больше, чем обычный перевод, сориентирован на литературу, куда входит.

В науке известно скептическое отношение к проблемам творческого двуязычия. Так, сербский литературный критик М. Лесковац не видит никаких социально-исторических причин к возникновению билингвизма и полилингвизма в литературе. Билатеральность Конрада, Данте, Петрарки и Боккаччо он причисляет к исключительным случаям, а все остальные случаи двуязычия, по Лескавцу, только игра, более или менее умная, более или менее глупая. Он считает, что авторы, пишущие и на родном и на неродном языке, сомневаются в себе и не верят одному из этих языков, что это не что иное, как интеллектуальная игра. В опубликованной в 1972 году статье он отмечал, что «всякая система двуязычия уже кончается и скоро окончательно разру-

шится до основания, потрясенная логикой жизни и разумного языка»⁵.

Опыт Ч. Айтматова убеждает нас, что его билатеральность вовсе не интеллектуальная игра, а реализация своего духовного мира, своей философии, творческой индивидуальности, своих морально-этических взглядов, богатого творческого потенциала, активно влияющего на литературный процесс в целом. Благодаря полифункциональности билатеральной личности, перед нами предстаёт синтез кыргызско-русской или обратной литературных традиций. Происходит незримый активный творческий процесс взаимодополнения и взаимовлияния специфических черт стилистических формул и других элементов художественной выразительности обеих вступающих в контакт культур. Это в свою очередь порождает синкретизм межкультурных и межлитературных традиций. Благодаря «сотворческой» (по Рагойше) или «творческо-созидательной» (по Дюришину) функции перевода обусловливающей возникновение нового произведения, несколько отличающегося от оригинала, создаётся адекватный коррелят текста.

Как нельзя лучше по этому поводу сказал Д. Дюришин: «Творческая функция перевода возникает в условиях билингвизма или полилингвизма, усиленного ко всему и определенной степенью билатеральности, из чего вытекает активизация партнерского отношения переводчика к подлиннику, обусловленная усиленным упором на актуализацию художественных ценностей подлинника в конкретной историко-литературной системе воспринимающей литературы. Благодаря этим фактам, информативная функция перевода отступает на задний план, а на передний однозначно выступает двуразмерная, двойная, а значит, более высокая.

обогащенная межлитературная рецепция (восприятие) подлинника. Билингвизм и билитературность позволяют, таким образом, симультанное усвоение двух видов, вариантов художественной конкретизации определенного текста»⁶.

В кыргызском оригинале повести Ч.Айтматов ориентируется на родного читателя, строго придерживается национальной исторической и этической традиций. В русском же варианте при сохранении стилевой специфики особого строя образов, присутствующих кыргызской национальной художественности, возникает чётко выраженная русская интонация. Видоизменяя русский вариант, писатель создает новое произведение искусства.

Билатеральность Ч.Айтматова органична для его таланта. В его творчестве она находит прочное обоснование и оправдание, выявляет важную сторону творческой индивидуальности писателя. И авторский перевод в его лаборатории – не механическое дублирование текста, а глубоко продуманная вариация, учитывающая национальную читательскую рецепцию.

Саидакбар МАҚСИМХОНОВ

БАДИЙ ТАФАККУР МУШТАРАКЛИГИ

(Алишер Навоий ва Чингиз Айтматов асарлари мисолида)

Компаративистик тадқиқот ўз доирасига жуда кўп халқларга мансуб асарларни қамраб олади, жаҳон адабиётини бир бутун яхлит ҳолда тасаввур қилиш ва ўрганишга ҳаракат қилади. Компаративистларнинг фикрича, турли халқлар ижодидаги асарлар сюжети ўз асоси жиҳатидан бир негизга бориб тақалади. Масалан, улар турли халқлар ижодидаги мифологик сюжетларнинг аксарияти қадимги ҳинд мифологиясидан келиб чиққанлиги ҳақидаги гоъни илгари сурадиларки, бунда маълум маънода ҳақиқат бор. Марксистик методологияга асосланган совет адабиётшунослиги эса ўз даврида компаративизмга гайриилмий метод сифатида қараб, унинг имкониятларидан етарли фойдаланмади, аксинча, унинг ривожланишига тўсқинлик қилди. Адабий таъсирни, "сайёр сюжет" назариясини инкор этишгача бориб етди. Шундай бўлса-да, рус ва ўзбек адабиётшунослигида компаративистик, яъни қиёсий методга асосланган тадқиқотлар, ҳар ҳолда, олиб борилди. Қиёсий ўрганишда аниқланган ўхшашликлар сюжет ва мотивларнинг кўчиши сифатида эмас, балки типологик ҳодисалар сифатида изоҳланди. Ўзбек адабиётшунослигида В. Абдуллаев, Ф. Сулаймонова, Н. Комилов, И. Гафуров, Ш. Турдиев, Абдуғаффор Муродхон,

Ю. Шоназаров, Ф. Муродов каби олимлар бу соҳада самарали ишлар қилдилар. Айниқса, адабиётшунос Абдуғопир Қосимовнинг “Типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсирнинг назарий муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси бу соҳадаги энг йирик, таҳсинга лойиқ тадқиқотдир.

Компаративистик метод ёрдамида турли халқлар адабиёти намуналарига хос адабий таъсир, типологик ўхшашлик ҳодисаларини илмий жиҳатдан тўғри ва қизиқарли тадқиқ қилиш мумкин. Бу жиҳатдан Алишер Навоий дostonлари билан жаҳонга таниқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов асарларини қиёслаш ўринлидир.

Чингиз Айтматов ўтган асрнинг 70-йиллари адабиётда биринчилардан бўлиб манқуртлик муаммосини бадий талқин қилди, тўлақонли манқурт образини яратди. Ўз даврида бу катта адабий ҳодиса, бадий кашфиёт сифатида шов-шувларга сабаб бўлди. “Асрни қаритган кун” романи нафақат маҳаллий адабиётшуносликда, балки жаҳон адабиётшунослигида ўзининг муносиб, ҳақиқий баҳосини олди, мумтоз санъат намунаси сифатида эътироф этилди. Ҳақиқатан ҳам манқурт тимсоллари — романга киритилган ривоят қаҳрамони — зўрлик билан хотирасидан жудо қилинган Жўломон ёки “турғунлик даври” кишиси Собитжон ўша давр адабиётидаги кашфиёт образлар эди.

Ўзбек адабиётида ҳам адиб фалсафасига яқин, муштарак фалсафа, аниқроғи, манқуртликнинг бадий талқини учрайдимиз? Бу саволга жавобни таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Иброҳим Ҳаққуловнинг “Занжирбанд шер қошида” китобидан топамиз:

“Фалак бошинга қоплаб ит терисин,
Сен они жаҳлдин деб кишу санжоб,
Ажаб йўқ, одамлиғни унутсанг,
Ўзунгни буйла ит чармида асраб”. (4. 35).

— Туркий адабиётнинг икки буюк вакили — Алишер Навоий ва Чингиз Айтматов асарларини қанчалик чуқур, синчиклаб ўргансак, улар ижодига хос мазмун ва шакл яқинлигига, бадий тафаккур муштараклигига шунчалик кўп дуч келаверамиз. Масалан, Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonи қаҳрамони ошиқ Мажнун билан Айтматовнинг “Қиёмат” романи қаҳрамони Авдийнинг она-табиатга, тил-забонсиз махлуқотларга муносабати ва шу билан боғлиқ хатти-ҳаракатларида яқинлик, ўхшашлик бор.

“Лайли ва Мажнун”ни варақлаймиз... Ишқ дардига мубтало бўлган Қайс “Мажнун” номини олади. Унинг Лайлига бўлган покиза ва эҳтиросли ишқ туғёнлари атрофидаги оломонга — замондошларига жиннилик, телбалик бўлиб кўринади. Қавмдошлари орасида Қайсга дардкаш, ҳасратдош топилмайди. Оқибат у “ваҳшатлиғ элдин улфат риштасин узиб”, “биёбон ваҳшийлари” орасидан паноҳ топади. Унинг дардини биёбон, дашт оҳулари, йиртқичлари тушунади. Оҳулар ўртасидаги Мажнун гўё чўпон, йиртқич бўрилар эса унинг содиқ итлари каби...

Навфал бошлиқ овчилардан қўрққан оҳулар Мажнундан паноҳ истаб, унинг пинжига суқилишади. Мажнун оҳулар ҳимоячиси сифатида майдонга чиқади. Ўзларини ўраб олган овчилар бошлиғига — Навфалга қарата шундай хитоб қилади:

Ким нафе нишотиға чекиб хайл,
Қон тўккали кўнглунг айлагай майл.
Не мазлама ёйин ўлди қурмоқ,
Ўқ чекмаку жониворни урмоқ.
Ҳақ берди буларга доҳи жони,
Ойини ҳаётини нишони.
Бу неча рамида жонидин кеч,
Бежурм гуруҳ қонидин кеч.

Инсон ва жониворлар ўртасидаги бундай дўстона муносабат, Мажнуннинг таънали гаплари овчи Навфалга кучли таъсир қилади. Сабаби, Навфал ҳам бир пайтлар ишқ дардини, аламларини татиб кўрган, бошидан кечирган ва ҳозир ўша дардлар гўё янгиланаётган эди. Зеро, ишқ шундай зиёки, унинг нурлари зулм дарахти илдизларини қуритиб кул қилади, эзгулик дарахти илдизларига қувват беради. Навфал қалбида ошиқ Мажнунга нисбатан меҳр-муҳаббат, шафқат уйғонади, унга дардкаш бўлгиси келади: у билан дўстлашади, табиатга, охуларга зулм қилишдан, яъни уларни овлашдан воз кечади – нафс итини ҳайдайди, ҳамроҳларини ҳам шунга даъват қилади:

Тарк айлади сайдга жафони,

Элга деди: “Ташланг ўқу ёни

Ҳам итлингизни ташланг чуст,

Ҳам итларингизни боғлангиз руст”.

Демак, ҳақиқий ошиқ, Аллоҳни дўст билган иймон эгаси ҳеч кимга, ҳеч нарсага, Аллоҳ жон ато этган жониворларга озор етказмаслиги, лозим бўлса, ёрдам бериши, ҳимоя қилиши инсоний бурчидир. Дастондаги мазкур лавҳа ҳар бир китобхон учун бир ибрат.

“Қиёмат” романида Авдий адашган, инсоний қиёфаларини йўқотиб бораётган, пул, мол-дунё тўплаш учун ҳар қандай жиноятдан, ёвузликдан қайтмайдиган кимсаларни инсофга чақиради, эзгуликка даъват қилади, Аллоҳни ёд этишга ундайди. Гўшт планини бажариш учун Мўйинқумдаги сайғоқларни қиргин қилаётган ёлланма овчилар тўдасига қўшилиб қолган Авдий кўз ўнгида содир бўлаётган қиёматни кўриб даҳшатга тушади: “Мўйинқум кийикларига уюштирилган қиргин Авдийга шунчалар оғир таъсир қилдики, бу хунрезликни дарҳол тўхтатишни талаб қилди, ваҳшийла-

шиб кетган овчиларни тавбага чақирди, Худодан кечирим сўрайлик, деди”.

Бу лавҳадаги Авдий Мажнунга ўхшаб кетади. Бироқ муаммонинг, воқеаларнинг ечими тамоман бошқача. “Қиёмат” романи қаҳрамони ёвуз шахс обер-Кандалов ва унинг ҳамтовоқлари – диёнатли Навфал ва унинг шериклари эмас. Аллоҳдан қўрқиш, иймон, тавба, эзгулик улар учун бегона. Тавбага, Аллоҳдан мағфират сўрашга даъвати учун кўзи қонга тўлган оломон – овчилар Авдийни ваҳшийларча калтаклаб, саксовул дарахтига “чормих” қилиб қатл этадилар.

Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони қаҳрамонлари Баҳром ва Дилором фожиясига сабаб бўлган мудҳиш ов манзараси тасвири билан Айтматовнинг “Қиёмат” романидаги мудҳиш ов манзараси тасвирида ҳам ғоявий-бадий муштараклик мавжуд. Достонда инсон ва табиат муносабатлари масаласи, табиатни асраш масаласи, ҳозирги давр тилида айтсак, экология муаммоси жуда кескин қўйилади ва бадий тадқиқ этилади. Достоннинг бош қаҳрамони – етти иқлим подшоҳи Баҳром. У Шарқда Баҳром Гўр лақаби билан машҳур бўлиб, у ҳақдаги ривоят асосида Шарқ адабиётида жуда кўп достонлар битилган. Фирдавсий “Шоҳнома”сида, Низомий “Панж ганж”ида, Деҳлавий “Хамса”сида Баҳром ҳақида достонлар бор. Баҳром Гўр лақабидаги “гўр” сўзи кийик ва қабр маъноларига эга. Бу лақабда сўз ўйини ҳам бор: яъни шоҳ Баҳром гўр овлаб гўрга кирди, деган мазмунни ҳам англаш мумкин. Мана шу мудҳиш қисматни ҳазрат Навоий салафларидан фарқли ўлароқ, ҳам Баҳром ва унинг лашкарлари, ҳам Дилором ва ҳам ов ҳайвонлари учун фожияли тугаган ов манзараси тасвири орқали кўрсатади.

Достонда ҳикоя қилинишича, узоқ айрилиқдан сўнг қайта Дилором васлига етишган шоҳ Баҳром

яна кайф-сафога берилади, нафс қулига айланади. У ҳамма ерда Дилором билан бирга бўлади, уни ёнидан узоқлаштирмайди. Баҳром яна эски одатини — овни қўмсайди. Бир куни шоҳ Баҳром ёнида Дилором билан лашкарини бошлаб кийик-гўр овига чиқадди. Лашкар ғоят кенг майдондаги марғзор-ўтзорни, яъни тўқайни зич ўраб олади. Сайдгоҳда хилма-хил жониворлар беҳисоб эди. Бироқ бу бегуноҳ жониворларнинг бирортаси ҳам Баҳром лашкарларининг уч йиғач масофадаги ҳалқаси орасидан қочиб чиқиб кетолмас, улар учун қиёмат-қойим бошланган эди. Баҳром ва унинг лашкари бегуноҳ жониворларни шафқатсиз қира қила бошлайди:

Сайдга ҳаддан ошти эл жаври,

Уч йиғач эрди чарганинг даври.

Захм ила сайд баски зор ўлди,

Марғзор ўйла лолазор ўлди.

Сайдким ерга оқти қони анинг,

Чиқти қон сели бирла жони анинг.

Шоҳ Баҳром Гўри беозарм

Ўзни гўр ўлтурурга айлаб гарм.

Кўриниб турибдики, Навоий ушбу қилмиши учун шоҳ Баҳромни қораламоқда, уни золимликда айбламоқда. Унинг овчилари шу даражада кўп ҳайвонлар қонини тўкишадикки, оқибатда уларнинг либослари лоларанг қонга беланади, замин гўё қип-қизил гулистонга айланади, қон гўё ариқдаги сувдай оқади:

Қон тўкардаким, йўқ харос элга

Бўлубон лологун либос элга.

Қондин ул ерда гулистон бутти

Гўйиеким ул элни қон тутти.

Элимизда бегуноҳ кимсани, жониворни ўлдириб, кейин бирор касалликка (масалан, восвос), ёки

фалокатга учраган кишига нисбатан “Фалончининг қони тутти”, деган нақл бор. Мисрада шоир шу нақлга ишора қилади. Дарҳақиқат, уларни бегуноҳ жониворларнинг қони тутади, яъни Аллоҳ ўз ижодининг шу даражада ғорат қилинишига бефарқ қараб тура олармиди? Йўқ, албатта! Аллоҳ “ваҳшатлиғ эл”ни шафқатсиз жазолайди. Сайдгоҳ — тўқайзор бир пайтлар ботқоқ бўлиб, кейинчалик устки қатлами қотиб майсалаб қолган экан. Аллоҳнинг қудрати билан очиқ ҳаво бирдан айниб, осмонни қора булут қоплайди ва кучли жала қуяди. Осмондан тушган сув қон билан қўшилиб ботқоқнинг қотиб қолган устки қатламини юмшатиб юборади ва оқибатда қиёмат қойим содир бўлади — шоҳ Баҳром, Дилором, ҳисобсиз лашкар, ҳисобсиз ўлдирилган ва тирик қолган жониворлар бир зумда ботқоқ қаърига ботиб ғойиб бўладилар. Нафс аждаҳоси Баҳром ва унинг шерикларини домига тортиб кетади. Шоир буни шундай шарҳлайди:

Мунча комники, берди чархи кабуд,

Ўйла бир дамда айлади нобуд.

Ки бўлуб даҳр ноумид андин,

Асаре қолмади падида андин.

Алишер Навоий романтик услубдаги достонида ўз давридаги ёки ундан бурунги ов манзарасининг реалистик тасвирини бера олган бўлса, Ч. Айтматов бизнинг замонамиздаги мудҳиш ов манзарасининг ғоят табиий, ҳаққоний тасвирини чизиб беради. Вилоятнинг давлатга гўшт топшириш планини бажаролмай қолиши хавфи туғилади. Планни бажармаслик вилоят раҳбарлари учун катта фожиа. Шунда ҳокимиятдаги устаси фаранглардан бири Мўйинқум гўшт заҳираларини “ҳаракатга келтиришни” таклиф этади. Бу — чўлда гала-гала бўлиб ўтлаб юрган сайғоқларни қириш дегани эди. Мазкур режа тўхтовсиз амалга оширилади.

Навоий достони қахрамони Баҳром ва унинг лашкари ўз даврига хос тарзда — охуларни ҳалқа бўлиб ўраб олиб, найза ва камонлар воситасида қирган бўлишса, техника асридаги овчилар замонавий транспортларда сайгоқларни ҳам ҳаводан, ҳам ердан ўраб олиб, замонавий тез отар қуроллар воситасида қириб, машиналарга юклай бошлайдилар. Ҳар икки асарда ҳам ўз даврига хос ов услубини, ов манзараси тасвирини кўрамыз.

Романда ўқиймиз: “Ҳеч қачон бундай офатга дуч келмаган, тўз-тўз бўлиб кетган минглаб чўл кийиклари эс-ҳушларини йўқотиб, у ёқдан-бу ёққа югуришар, Мўйинқумда бамисоли жаҳаннам қўпганга ўхшар эди”. (3. 304)

Бу жаҳаннамнинг, қиёматнинг сабабчиси инсон эди, инсоннинг нафс балоси эди. “Булар овчилар эмас, қирувчилар. Усти очик “уазик”ларга ўтириб олган отувчилар сайгоқларни қува кетдилар. Улар сайгоқларни йўл-йўлакай автоматлардан ёппасига ўт очиб, ҳатто мўлжалга олиб ўтирмай қиришар, жониворларни худди томорқада ўт ўргандай ўриб ташлашарди”, (3. 305) — деб ҳикоя қилади муаллиф.

Ёзувчи ов манзарасини шунчалик аниқ, тиниқ, майда-чуйда қирраларигача батафсил тасвирлайдики, ов манзараси бутун даҳшати билан китобхон кўзи ўнгида гавдаланади. Қонга беланган охулар ўқувчи юрагини зирқиратса, қонга чўмилган, Навоий таъбирича “лолагун либос” кийгандай кўринган қиргувчилар китобхонни жиркантиради, ҳатто, қурқувга солади: “Одамлар шу ернинг ўзида уларнинг (сайгоқларнинг — М.С.) томоқларига шартта пичоқ тортиб сўйишар, сўнг яна жони чиқмаган, титраб-қақшаган кийик таналарини оёғидан ушлаб, юк машиналарига улоқтирар эдилар. Бошдан-оёқ қонга ботган бу одамларга қараш жуда қўрқинчли эди...” (3. 307)

Кўриниб турибдики, ҳар икки даҳо ижодкор тасвиридаги ов манзараси ўз даҳшати, мудҳишлиги

билан бир-биридан қолишмайди. Бу, сўзсиз, реалистик тасвирнинг, ҳаёт ҳақиқатига содиқликнинг, холисликнинг кучидир. Фикримизча, тасвирдаги яқинликни, ўхшашлик ҳодисасини типологик ўхшашлик сифатида, бадий тафаккур муштараклиги сифатида изоҳлаш мумкин.

Алишер Навоий ва Чингиз Айтматов асарларидаги мудҳиш ов манзараси тасвирида яна бир қизиқ муштарак жиҳат эътиборни тортади. Бу — талвасада қолган сайдлар ҳолати. Яъни шер ўз емиши жайрон билан бир ҳалқа ичида. Ҳар иккиси ҳам ўлимга маҳкум, ҳар иккисининг ҳам умумий душмани — инсон. Аёвсиз қисмат уларни тенг қилиб қўйган.

Достонда ўқиймиз:

Шер ила жайрон ул мақом ичра,

Туштилар чун бу навъ дом ичра.

Юз туман шеру жайрон ўлди чу фарқ,

Шеру жайрон аро ўларда не фарқ?

“Қиёмат” романида ҳикоя қилинишича, асар қахрамонлари бўрилар — Акбара ва Тошчайнар болаларини эргаштириб ов қилишга ўргатмоқ мақсадида сайгоқлар галасига яқинлашиб келадилар. Бироқ уларга ҳужум қилишга улгура олмайдилар. Бирдан талотўп бошланиб — одамлар томонидан вертолётлар ёрдамида ўраб олинган сайгоқлар галаси қиргин майдонига ҳайдаб келинади.

Романда ўқиймиз: “Бошвоғини йўқотган, ўзини мутлақо идора қилолмай қолган бу подалар мисоли жонли сел каби ваҳшат солиб келарди. Бўрилар қадамларини секинлатмай ва, аксинча, ваҳиманинг кучи билан янада зўр бериб қоча бошлаганлари учун ҳам ўлмай омон қолдилар. Лекин энди улар ҳам ақл бовар қилмас мана шу буюк қочқинда сиртмоққа тушган эдилар. Аёвсиз ваҳший оқим уларни суриб

кетгандан суриб кетди. Энди улар ўзлари боягина қувгин қилиб, қиргин-баротга солиб, этини бир бурдадан қилиб ташламоқчи бўлганлари сайгоқлар — азал қурбонлари билан умумий ёвуз хатардан биргаликда, ёнма-ён жонларини ҳовучлаб қочишар эди. Омонсиз қисмат уларни теппа-тенг қилиб қўйганди. Бўрилар билан сайгоқларнинг мана шундай бир тўп ичида қочганлигини қари Мўйинқум ҳатто энг улугъ ёнгин пайтлари ҳам кўрмаганди”. (3. 304)

Қаранг, ғоят қизиқ муштараклик! Навоий достонида шер билан жайрон бир ҳалқа ичида, Чингиз Айтматов романида эса бўрилар билан сайгоқлар бир сиртмоқ ичида. Шер жайронга, бўрилар сайгоқларга ташланишни хаёлига ҳам келтирмайдилар, аксинча, ҳар бири ўз жонини қутқариш пайида.

Албатта, юқорида қайд этганимиздек, Алишер Навоий ва Чингиз Айтматов асарларидаги бу каби муштарақ бадиий лавҳаларда адабий таъсирдан кўра кўпроқ типологик ўхшашлик мавжуд. Шу билан бирга, фикримизча, ушбу ўринда беш асрлик вақт айиримасига қарамай, икки буюк ижодкорга хос бадиий тафаккур муштарақлигини ҳам қайд этиш жоиз ва бу масала чуқурроқ илмий изланишларни талаб қилади.

Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ

ЎЗИМИЗНИНГ АЙТМАТОВ

Дунёга таниқли ёзувчи Чингиз Айтматов ҳақида ўйлар эканман, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлаб юрган пайтларим хотирамда жонланди. Қандай ажойиб дамлар эди. Айниқса, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Иброҳим Ғафуровдек устозлар, Аҳмаджон Мелибоевдек туғма муҳаррир билан бир сафда туриб ишлаш мен каби ҳали ўз йўлини тополмаган журналист учун катта мактаб бўлганди. У пайтларни эсласам юрагим ҳаприқади... Кўз ўнгимдан ярим кечалари “Цензўр”нинг талаби билан саҳифа-саҳифа мақолаларни алмаштириб тонг отар қилганларимиз ёдимга тушади. Чарчоқ нималигини билмасдик. Энди ўйласам, бундай меҳнатсеварликнинг сабаби бор экан: газетанинг янги сони эртасига киоскаларда битта ҳам қолмай тарқаб кетганини кўриш ииз учун катта фахр эди.

Ўтган йили буюк аллома Алихонтўра Соғуний босган йўллардан юриб, замонамизнинг яна бир улугъ инсони Чингиз Айтматов туғилиб-ўсган Таласга бориб қолдим. Соғуний домланинг шогирдларидан бири — Баёт ўғли Сотилган ҳожи мана шу қадим ва юксак тоғлар ўлкасида истиқомат қилар экан. Ҳожи ота бизга ўн олти йил мобайнида ўзи таълим олган устози ҳақида сўнмас хотираларини сўзлаб берди.

Бу табаррук зотнинг ёшлари тўқсонга бориб қолган эди. Шу боис, у кишига саволлар бериб, толиқтириб қўйишни истамадим. Ўртанчи ўғиллари

Зоҳиджондан Чингиз оға туғилган Шакар овули бу ердан қанчалик масофада эканини сўрамоқчи эдим, аммо шу пайт ҳамроҳларимиздан бирининг қўл телефони жиринглаб, мени чалғитди... Биз ортга қайтиб кетдик. Шакар овулини кўриш армон бўлиб қолди. Йўлда эканмиз, ҳамроҳларимдан бири менинг тумшайиб қолганимни кўриб, Шакар овули Сотилган отанинг уйидан жуда ҳам олисда, тоғлар орасидалигини айтди ва бугун номи дунёда машҳур бу кичик гўша ҳақида билганларини гапириб берди. Хаёлимда Сотилган отанинг қирлиқдаги қийғос гулга кирган олмазорлари жонланди. Баҳорнинг саррин шабадаси эсаётган эди, ўшанда. Бу эпкин Чингиз Айтматовдай буюк ёзувчини берган Шакарнинг тотли ҳидини димоғимга ургандай бўлди...

1995 йили Тошкентда Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси таъсис этилди. Шу муносабат билан пойтахтимизга қардош республикалардан кўпгина таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар келишди. Чингиз Айтматов Ассамблея президенти, устоз Одил Ёқубов вице-президенти этиб сайланишди. Ота Туркистоннинг бир-бирларидан анчайин узоқлашиб қолган адабиёт ва санъат намояндалари уч кун мобайнида бир-бирлари билан қўл олишди, дилларида тўпланиб қолган гапларини бир-бирларига айтиш имконига эга бўлишди. Эзгу режалар тузилди, адабий-маданий борди-келдилар бошланди. Аммо... орадан вақт ўтиб, бир-бирлари томон чўзилган бу қўлларнинг тафти, бир-бирларига ҳамроз бўлган бу дилларнинг қувончлари сўнди. Чингиз Айтматов, Одил Ёқубовдек буюклар ҳам янги уюшманинг "умри"ни узайтира олмадилар. Сабаби, айрим олғирлар бошлиқларнинг оқ кўнгилигидан фойдаланиб, ўз манфаатлари йўлида зўр бериб "ишлаб" қолишган экан. Нима бўлганда ҳам, ассамблеянинг қисқа фаолияти Марказий Осиё халқларининг бундан буён ўз қобикларига ўралиб

яшашлари мумкин эмаслиги, нажот фақат бирликда эканини кўрсатди. Шунинг ўзи катта гап эди. Аммо буни ким сезди, ким сезмади...

Таниқли қозоқ шоири Мухтор Шохонов билан ўша ассамблея иш бошлаган кунлари танишиб, дўстлашиб қолдик. Чингиз Айтматов "Чўққида қолган овчининг оҳи-зори" китобининг муқаддимасида Мухтор Шохонов ҳақида шундай дейди: Ҳаётимда иккита Мухторга дуч келганман. Биринчиси — менга оталарча ғамхўрлик қилган устозим, буюк ёзувчи Мухтор Авезов бўлса, иккинчиси — шоир, эски дўстим ва сирдошим Мухтор Шохонов. Менимча, Мухтор Шохонов Ўрта Осиёдаги улуғ шоирлардан бири ҳисобланади. Мени мафтун этган нарса шуки, у қизиқувчан мутафаккир, изланувчан инсон. Шарқ донишмандлиги билан Ғарб дунёқарашини ўзида мужассамлаштирган нозик қалб соҳиби. Агар ўз ватанидан ташқарида шоирни кимдир яхши билмаса, бу унинг айби эмас. Ушбу китоб-суҳбат ёрдамида ўқувчилар оммаси унинг серқирра шеърияти билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлади...

Хуллас, мен ассамблеянинг ташкил этилиши кунлари Чингиз Айтматовдай улуғ адибнинг назарига тушиб улгурган, ҳатто у билан тенгма-тенг даражада суҳбатлаша оладиган шоир билан танишиш шарафига муяссар бўлдим. Орадан бир мунча вақт ўтиб, Бишкек шаҳрида "Чўққида қолган овчининг оҳи-зори" китобининг тақдимоти ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига таклифнома келди. Тақдимотга Тошкентдан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қайипбергенов, ўзбек-қирғиз адабий алоқаларини йўлга қўйишда катта меҳнатлари сингган шоир ва таржимон Турсунбой Адашбоев ва мухбир сифатида камина Бишкек шаҳрига бордик. Одил ака билан

Тўлепберген оға кундузи самолётда кетишди. Ўша йиллари мен “Ватан” газетасининг бош муҳаррири эдим. Газетанинг кундалик юмушларини сўнггига етказиб, Турсунбой Адашбоев иккимиз Бишкекка борадиган тунги автобусда йўлга чиқдик. Турсунбой ака билан сафарда ҳеч қачон зерикмайсиз. Бу беназир инсон ўзбек адабиётини, ўз халқининг ҳаётини қанчалик чуқур билса, қирғиз адабиёти ва санъатини, ушбу халқнинг афсона ва асотирларини ҳам шу даражада мукамал билар эди. Ҳатто айрим ҳамкасбларимиз Турсунбой Адашбоев асли қирғиз бўлса керак, деб айтганларига гувоҳман. Бундай пайтларда кўпчилигимиз ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бир туркий қавм эканини унутиб қўямиз. Бу энди бошқа масала...

Меҳмонларни Чингиз Айтматовнинг “Ала-арча” қароргоҳи ҳудудидаги дала ҳовлисига жойлаштиришлари бизга олдиндан маълум эди. Эрта тонгда автобусдан тушибоқ, тўғри ўша манзилга йўл тортдик иккимиз. Меҳмонхонага кириб борсак, иккита оқсоқол ёзувчи бир-бирларига қараб, мўлтираб ўтиришибди. Улар кечадан буён анча зерикиб қолишган эди... Турсунбой ака буни дарров тушунди. Тўғри бориб, музлаткични очди. У ерда ҳамма егуликлар бадастур, фақат... Шинаванда Турсунбой ака ҳар эҳтимолга қарши бунинг ҳам тадоригини кўриб қўйган экан. Дарров ўзи билан олиб келган халтага қўл чўзди... Даврадошларнинг юзига қизил югурди. Шу орада ташқарида оёқ овозлари эшитилиб, хонага Чингиз Айтматов кириб келди...

Мен бу буюк ёзувчини биринчи марта яқиндан кўришим эди. Ҳаммамиз ўрнимиздан туриб саломлашдик. У оқсоқоллар билан қучоқ очиб кўришди. Одил Ёқубовга “сен”лаб мурожаат қилди: Адил, сени ва Тўлеакани ўз ватанимда кўрганимдан ўта хурсандман, узр, сизларни ўзим кутиб ололмадим. Люксембургдан ҳозиргина учиб келдим, деркан, ўр-

нидан туриб, у ҳам тўғри бориб, музлаткични очди. Вой-бўёв, керакли нарса кўринмаяпти-ку, деб кулди. Шунда Одил ака ўтирган жойидан гап қотди:

– Чингиз, кўп уринма, дастурхонда ҳамма нарса бор. Манави Турсунбай билан Яқибжан уканг сенинг йўқлигингни билдиришмаяпти. Ўзбекниям, қирғизниям қимизидан симириб ўтирибмиз.

– Ўзаги битта одамлар шундай бўлади-да, Адил, бирининг ёртисини иккинчиси бут қилади, – деди Чингиз оға даврага қайтар экан. – Дастурхон ҳар ерда топилади. Аммо туркий халқларимиз бугунгидай сочилиб кетса, бирининг қаватига иккинчиси кирмаса, унда аҳвол чатоқ бўлади. Ҳали ўқиб баҳосини берасизлар, бугун тақдироти ўтказилаётган китобда бу масалаларга алоҳида тўхталганмиз. Сен яхши биласан, 1919 йилда эндигина ташкил топган Туркистон республикасининг мусулмон бюросига қозоқ халқининг оташин фарзанди, атоқли жамоат арбоби, таниқли инқилобчи Турор Рисқулов раис этиб тайинланган. Бюро аъзолари таркибида бошқа туркий халқларнинг вакиллари қатори ўзбек халқининг ўтюррак ватанпарвари Низомиддин Хўжаев ҳам бўлган. Ўша пайтда бюро аъзолари Туркистон республикасида яшайдиган аҳолининг тўқсон беш фоизи номидан ёки барча мусулмонлар номидан ягона марказ раҳбарлик қилади, яъни барча мусулмонларнинг иқтисодий, маданий, ҳарбий сиёсати битта марказга бўйсундирилади, деган тўхтамга келадилар... Бироқ, Туркистон республикаси раҳбарларининг ташаббусидан қўрқиб кетган Москва ҳукумати дарҳол бюрони тарқатиб юборади ва Ўрта Осиё ва Қозоғистонда бир-биридан айрилган иттифоқдош республикалар тузишга киришади. Уларни албатта марказдан бир киши бошқариб ўтирарди. Рисқулов ҳамда Низомиддин Хўжаев каби давлат арбобларининг тақдирлари нақадар аянчли кечганини сизлар яхши биласиз.

Бир сўз билан айтганда, Адил, биз ўтмишимизни ўз қўлларимиз билан ерга топтаб юбордик. Ўзимизнинг жоҳиллигимиз туфайли буюк ғоя сўниб кетди. Агар халқ хотираси ўша ғояни уйғотмаса, халқнинг ўзи ўша ғояни кўтармаса, энди уни ҳаётга қайтариш ниҳоятда машаққатли бўлади...

Чингиз оғанинг бу гапларига ҳам, мана, йигирма йилдан кўп вақт бўлди. Бу орада Марказий Осиё республикалари халқларининг бирдамлиги ҳақида кўп гапирилди-ю, аммо оз иш қилинди. Худога шукур, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг дастлабки қадамларини қўшни республикалар билан самимий мулоқотга киришишдан, қардошлик алоқаларини тиклашдан бошлади. Президентимиз ўзининг мамлакат Олий Мажлисига қилган мурожаатида шундай деди: “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё – бош устивор йўналиш” тамойилини амалда татбиқ этишга киришдик. Натижада минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар мустаҳкамланмоқда”. Дарҳақиқат, шундай. Бўлаётган ижобий ўзгаришларни ҳар қандай кўзи очик ва қалби сезгир одам кўриб-билиб турибди. Чингиз Айтматов айтган халқ хотирасининг уйғониши айни шудир.

Хуллас, Чингиз оға даврага қайтиб, ана шу сўзларни айтар экан, узоқ сукутга чўмди. Бу оғир фикрларга қўшимча қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сифмади, чунки туркийларнинг бутун фожиялари ана шу икки оғиз гапда ўз тажассумини топган эди...

“Чўққида қолган овчининг оҳи-зори” китобининг, қирғизча айтганда, “тушовкесди”сини ўтказиб, Тошкентга қайтганимиздан сўнг, ҳамир учидан патир сифатида ундан бир парчани таржима қилиб, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп эттирдим. Ўша кунлари Бишкекдан Чингиз оға билан Мухтор Шохонов келиб қолишди. Қизим Мунис-

хонни турмушга узатаётган эдим. Меҳмонларни бир гуруҳ дўстлар билан уйга таклиф қилдим, боришди.

“Қизимиз Мунисга! Бахтли бўлишингни тилаб, Ч.Айтматов, М. Шохонов” деб имзо қўйилган сувенир-қўбиз ҳалигача уйимизнинг тўрини безаб турибди.

Тўйолди суҳбати қизигандан қизиди. Ёзувчи Набижон Боқийнинг оғаларга мурожаат қилиб айтган айрим сўзларини уларга ўзим “таржима” қилиб турдим. Улар Набижоннинг ижоди билан қизиқиб қолишди. Мен меҳмонларга ёзувчи укамизнинг тарихий ҳақиқатни тиклаш борасида ёзган асарлари, хусусан, ўзбек адабий жамоатчилиги ўртасида тилга тушган “Қатлнома” китоби ҳақида сўзлаб бердим. Гап орасида “Чўққида қолган овчининг оҳи-зори”ни ҳам биргаликда таржима қилиш ниятимиз борлигини айтиб ўтдим. Бу фикр Чингиз Айтматовга маъқул бўлди. Чунки, эшитган эдимки, дунё тан олган мазкур ёзувчи ўз асарларининг таржимонлари кимлар ва улар ўзлари мансуб адабий муҳитда қандай мавқега эга, деган масалага ҳар доим эътибор билан қараган. Чингиз оғанинг оқ фотиҳаси билан кейинчалик асарнинг наср қисмини Набижон, назм қисмини эса камина таржима қилиб, чоп эттирдик.

Давранинг яна бир иштирокчиси ёзувчи ва журналист, моҳир муҳаррир Аҳмаджон Мелибоев эди. Аҳмаджон ака талабалик йилларидаёқ Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрига бориб, Чингиз Айтматов билан учрашиб, унинг ижоди ҳақида диплом иши ёзган, матбуотда мақолалар эълон қилган журналист. Бир сўз билан айтганда, Чингиз оғанинг эски таниши. Шу боис ҳам у меҳмонларга ижодор ёшлар, шунингдек, меҳмонлар билан шахсан таниш бўлган ўзбек ёзувчиларининг янги асарлари хусусида қирғиз тилида сўзлаб берди. Чингиз Айтматовнинг ўша суҳбатда ҳаммамизга қарата:

“Ўтмишни ўрганишни, ўтмишга муносабатни юксак даржага кўтариш лозим...” деган сўзлари ҳамон қулоқларим остида жаранглаб турибди. Гоҳо ўйла-ниб қоламан: улуғ устознинг бу маслаҳатига қанчалар амал қилдик? Одил Ёқубов ва бошқа ўнлаб устозларнинг ижодларини қанчалик ва қай йўсинда ўргандик? Нима сабабдан бугун адабиётимизда дадил қалам тебратаётган ўн-ўн бешта ёзувчининг номидан нарига ўтолмаяпмиз? Ҳолбуки, қаёққа қараманг китоб, китоб... Биз эса фарзандларимизнинг нима қилиб бўлса ҳам китоб ўқишларини жуда-жуда хоҳлаймиз. Аммо улар қандай китобларни ўқи-моқдалар? Бунга кўпда эътибор бермаймиз. Албатта, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов бу ёруғ дунёга бир келиб, ўз сўзини айтиб кетган даҳо ёзувчилар-дир. Улар энди қайтишмайди. Бироқ биз — оддий китобхонлар, адабиётимиздан жаҳоншумул истеъ-додларни кутишга ҳаққимиз борми? Бор, албатта.

Ўзбек адабиёти ва Чингиз Айтматов! Бу икки ҳилқат аслида битта, ялакат ҳодисадир. Уларнинг дардуармонлари, қувончу ташвишлари ҳамоҳанг. Зеро, Чингиз оға қачон ва қаерда бўлмасин, ҳар доим бир кўзи билан, юрагининг бир зарби билан Ўзбекистонга назар солиб, бу ерда кечаётган ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий жараёнлардан воқиф бўлиб турар эди. Бундай меҳр-оқибатни унинг матбуотдаги чиқишлари, давралардаги мулоқотлари, дўстларига ёзган мактублари ва, ниҳоят, ёзган китобларидан сезиш мумкин. Шу маънода, Айтматовнинг ўз дўсти, донғи ҳам, чанги ҳам чиққан ўзбек ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романи ҳақидаги мактуб-мақоласини четлаб ўтиш қийин. “Литературная газета”да “Яшаб бўлинган асрлар учун оқлов” (“Оправдание за прожитые века”) сарлавҳаси остида эълон қилинган мактуб кейинчалик ёзувчининг собиқ Фрунзе шаҳрида чоп этилган “ В соавторстве с землей и водою...” кито-

бига бир оз қисқартишлар билан (қаранг, қандай замонларда яшаган эканмиз, ҳатто дунё таниган ёзувчилар ҳам “цензўр”нинг қайчисидан қутулолмаган) киритилган. Ўша мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: “Улуғбек”ни анча кечикиб, аммо завқ билан ўқиб чиқдим. Яхши асар ҳақида сўз юритиш қувонарлидир. Бу — юксак ва бениҳоя қимматли асар, ўзининг бадиий қиммати билан ҳам эътиборга молик тарихий роман мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Ҳаяжонимнинг асосий сабабчиси — ровийликнинг сеҳрли усули, бироқ бунинг барчасидан ташқари сенинг асарингни ўқий туриб, мен улуғ туркий гу-рурни ҳис этдим. Улуғбек ҳамини бизни оқловчи куч, у бизнинг дардимиз ва дунё ҳақида фикр юри-тишга, унга тўла ҳакамлик қилишга ҳуқуқ бера-диган юксак тарбиявий изтиробимиздир. Бу юксак тажриба Улуғбек, гарчи унинг кашфиётлари олам-шумул аҳамият касб этса-да, буюк олим бўлганида эмас, балки зиёли ва ҳақгўй инсоннинг фожиаси Улуғбек шахси ва тақдирида кечганидир. Улуғ-бек менга фақат ўрта асрнинг атоқли олими бўлган-ни учунгина қадрли эмас, аксинча, тақдир уни энг машаққатли ва улуғвор фожиани бошидан кечи-ришга, шундай мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтиш-га маҳкум этганки, у ўз даврининг ҳамма қабул қилган тартиб-қоидаларига қарши бориб, шунга қарши исён кўтарган шахс сифатида ҳам буюқдир.

Ҳар қандай даврнинг, ҳатто маърифатли за-монларнинг ҳам ўз улуғбеклари бор. Бунинг устига “Улуғбек”ларнинг шундай янги қисмати бўлмаган-да уларнинг олим эканликларини муайян қат-ламдаги мутахассислардан бўлак ҳеч ким билмас эди. Ва шунинг баробарида жаҳон санъатида Шек-спир, Гёте, Томас Манн ва ҳатто Толстой сингари сўз санъаткорларининг пайдо бўлиши ҳам гумон эди. “Улуғбек”ни ўқиб туриб, мен шуни ҳис этдим ва ўйлайманки, энг муҳими ҳам шу”.

Икки улуғ адибнинг ўзаро суҳбатларида юқорида айтганимдек, бир неча бор иштирок этганман. Учоқларда бирга учганман, улар нон-туз еган дастурхонлар атрофида ўтирганман. Бундан бир умр фахрланаман. Чингиз оға суҳбатдоши ким бўлишидан қатъи назар, унга очиқ юз билан, самимий муносабатда бўлар эди. Неча бор кўрган бўлсам, унинг ҳаракатларида бирон-бир кибр-ҳавога уйқаш ҳолатни сезмадим. Чингиз оға туркий халқлар тарихини яхши билар эди. Бир суҳбатда шундай дегани ёдимда: “Қанча-қанча қадимий қўлёзма асарларимиз ўзининг чоп этилишини, тадқиқотларни кутиб ётибди. Биз эса Аҳмад Яссавий – қозоқ, Маҳмуд Қошғарий – уйғур, Болосоғуний – қирғиз, Муҳаммад ал-Хоразмий – ўзбек деб тортишиб ётибмиз. Агар бизнинг боболаримиз шу ягона Туркистонда яшаб ўтган бўлсалар, нега биз “сеники-меники” қилишимиз керак? Ўша буюклар ҳаммамизники эмасми?! Янаям хорижлик гирт бегоналарга раҳмат! Ўшандай асарлар устида ҳамон тадқиқотлар олиб боришмоқда...” Эҳ, бундай ўгитлардан кимнинг кўзи очилди, кимларники ёпиқлигича кетди...

Бундан бир неча йил муқаддам ёзувчи ва шоир Қамчибек Кенжанинг “Сафарнома”сини ўқигандим. Унда Ҳиротдаги Алишер Навоий мақбараси шундай тасвирланади: “Мақбаранинг кун чиқиш деворини снаряд учуриб юборган экан, гишт уриб қўйишибди. Ичкарию ташқарида темир ҳавозалар турарди. Афтидан, улар шу ўпирилган жойни беркитишга олиб келингану шундайлигича қолиб кетган бўлса керак. Чунки мақбара ичида уйилиб ётган гишт синиқлари, тош, кесакларга қараб, бу ерга яқин ўртада таъмирловчилар ҳам, бошқалар ҳам оёқ босганини сезиш қийин эмас эди”.

Мана шу ҳолат кишини ўйлатади. Навоийнинг-ку, қаровсиз қолган мақбараси кейинчалик

Биринчи Президентимиз ташаббуси ва “Бобур” халқаро жамғармаси воситасида қайта тикланди. Унинг асарлари, Навоий даҳоси беш асрдан буён дунё аҳлини ларзага солиб, ақлини шошириб келмоқда. Абдулла Ориф айтганидек, Темур қиличи етмаган жойни Алишербек қалам билан олгани рост гап. Хўш, бизнинг асримизда туркий оламнинг қайси бир ижодкори бобомиз Алишер Навоий забт этган чўққини эгаллайди? Асрлар ўтиб, авлодлар қайси бир элдошимизнинг қабри устида туриб, унинг номини ҳазрат Навоийнинг номи ёнига қўйиб, ҳаққиға дуо қилади?

Гапнинг рости, ўзлигини таниган ҳар бир ижодкор қўлиға қалам олар экан, юқоридаги орзуларни мақсад қилади. Аммо ҳамма гап шундаки, бу орзуларнинг ушалиши барчаға ҳам насиб этавермайди. Асрларнинг емирувчи бўронларини саноқли ижодкорларгина енги бўтади. Ёдимда, икки асрнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитган пайтимда кўнглимдан шу фикрлар кечган эди. Ичимда нимадир узилганди, ўшанда. Каловланиб қолгандим: туркий халқ, турк будуни ўзининг энг азиз кишисини йўқотган эди.

Айтматовнинг даҳоси нималарда намоён бўлади? Адиб ўз мақолаларининг бирида шундай ёзди: “Санъат яхшилиққа, ҳаётни севишга, некбинликка даъват этиши лозим. Айни маҳалда, санъат инсонни чуқур ўйларга чўндириши, унинг қалбини алғов-далғов қилиши, ундаги қудратли изтироблар, ёмонликка қарши исён туйғуларини пайдо қилиши, унинг “қарс” этиб синишиға, қайғуга ботишиға ва топталган, ҳаётдаги паймол этилган мўътабар жиҳатларни тиклаш учун собит туришға даъват этиши ҳам ҳақиқат”.

Айтайлик, “Оқ кема”даги бола образи одамни ўйга толдирмайдими? Мўмин чол-чи? “Асрни қа-

ритган кун"даги Бўронли Едигей-чи? Манқурт қилинган боласи Жўломон қўлидан ўқ еган Найман она ҳақидаги ривоятда асримиз фожиалари намоён бўлмайдими? Чингиз оганинг ҳар бир асари, ҳар бир образи китобхонни бефарқ қолдирмайди. Чуқур ўйга толдиради. Қалбини алғов-далғов қилиб юборади. Тўфонли изтиробга солади. Инсоният эришган энг яхши одатларни, юксак туйғуларни тиклаш ва сақлаш учун собит туришга даъват этади. Унинг даҳоси манна шунда, деб ўйлайман. Шундан бўлса керак, улуғ инсонга, ўлмас асарлар, барҳаёт образлар яратган ёзувчига замондош бўлганимиздан фахрланамиз ва "Айтматов бизлардан, бизники эди" дея жаҳонга ёруғ юз билан боқамиз.

Тўлибой ТЎЙЧИЕВ

БАРЧАМИЗГА ҚАДРЛИ СИЙМО

Мухтарам Президентимизнинг "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори қўшни қардош халқнинг улуғ сиймосига халқимизнинг улкан меҳр-муҳаббати, эҳтироми, давлатлараро муносабатларда бугун янги давр бошланганининг амалий ифодаси бўлди.

Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айти пайтда, бутун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди. У минтақамиз тинчлиги ва осойишталиги, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди. Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ марказ томонидан уюштирилган "ўзбек иши", "пахта иши" каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматов адолат ва ҳақиқат куйчиси сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳаминша миннатдорлик билан эслайди. Бетакрор ижодкорнинг давлатимиз томонидан "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далолат беради. 2000-2007 йилларда республика қирғиз миллий маданий марказининг Жиззах вилоят бўлими раиси сифатидаги фаолиятим даврида Чингиз Айтматов билан бир неча бор

учрашиб, суҳбатлашганимни бугун ўзгача фахр ва гурур ҳисси билан хотирлайман.

1996 йилнинг 16 сентябрини жиззахликлар жуда яхши эслашади. Шу куни воҳамизга машҳур адиб Чингиз оға Айтматовнинг келиши катта тантананага айланиб кетди. Вилоят ҳокимлигининг мажлислар залида ҳокимлик раҳбарияти, жамоатчилик вакиллари, китобхонлар адибни очиқ ва самимий кутиб олишди.

Анжуманни бошқараётган ўша пайтдаги вилоят ҳокими Алишер Тошкенбоев тўлқинланиб, талабалик йилларидан буён Чингиз оғанинг асарларини севиб мутолаа қилиб келаётгани, уларнинг барчаси шахсий китоб жавонидан ўрин олганини алоҳида мамнунлик ҳисси билан айтди. Учрашувда сўзга чиққан адибнинг мухлислари самимий дил сўзларини баён этишди. Бутун дунёда Чингиз оғанинг китоблари кириб бормаган хонадон қолмаган. Ўз вақтида Америка Қўшма Штатлари Президенти Ж.Картер Чингиз Айтматовнинг мамлакатга ташрифини эшитиб, шахсан ўзи Оқ уйда учрашув ташкил қилади. Буюк адиб билан суратга тушади.

Жиззахдаги учрашувда Чингиз оғага сўз берилганида буюк адиб дастлаб шу юртнинг суюкли фарзанди Шароф Рашидовни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ёдга оларкан, атоқли давлат арбоби билан ҳеч бир таржимонсиз соф ўзбек тилида қизгин мулоқот қилганини, бахт ва шодлик, севги-вафо куйчилари Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодлари ҳамиша қалбига яқинлигини таъкидлади. Ўтган асрнинг 60-йиллари “Правда” газетасининг Марказий Осиё бўйича мухбири вазифасида ишлаган кезлари Жиззах чўлқуварлари ҳаётидан ёзилган “Пахтанинг ойдин йўли” очеркининг ёзилиш тарихини сўзлаб берди. Мазкур очеркда Мирзачўлнинг жаҳон пахтачилигидаги муҳим ўрнига алоҳида урғу берилиб, Ер билан Ой оралигидаги масофа 384

минг километр бўлса, ўзбек пахтасининг карвонлари узунлиги бундан бир неча марта узун эканлигини таъкидланган. Муаллиф Мирзачўл шароитида сувни тежаб ишлатиш масаласини ҳам кўтариб чиққан.

Кечагидек ёдимда: 1999 йилнинг 27 – 29 май кунлари Бишкек шаҳрида Чингиз оғанинг 70 йиллик юбилеи бўлиб ўтди. Тантананада иштирок этган юртимиз делегацияси таркибида мен ҳам бор эдим. Анжуманда адибга мамлакатимизнинг “Дўстлик” ордени тантанали суратда топширилди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Чингиз оғага бағишланган шеърини ўқиб берди. Бишкек Давлат консерваторияси биносидаги учрашувда Чингиз оға мендан “Қаерликсиз?” – дея сўраб қолди.

– Мен Жиззахданман, исмим Тўлибой, дедим.

– Ҳа-я, Чингизхоннинг тўртинчи ўғли Тўлибой бўлган. Билгичи ҳам Тўлибой саналади, – деди Чингиз оға. Фурсатни бой бермасдан, адибга адабиёт ихлосманди эканимни, унинг барча асарларини ўқиб чиққанимни билдирдим.

– Ундай бўлса, ёзиб кўр! – дея далда берди менга адиб.

Шундан сўнг ёзишга астойдил киришдим. Шукурки, кам бўлмадим. Қатор китобларим босмадан чиқди.

Бутун умрини ер юзида тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик, меҳр-оқибат, иноқлик каби инсоний фазилатларни ўз асарлари орқали тарғиб этишга бағишлаган сиймо барчамиз учун ибрат бўлиб қолиши, шубҳасиз.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ

СЕРҚИРРА ИЖОД СОҲИБИ

Ҳар бир миллий адабиётнинг ўз даҳолари бўлади. Аммо, шундай адиблар ҳам борки, уларнинг ижоди бир миллатга эмас, умуминсониятга тааллуқлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

XX асрнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг серқирра ижоди туркий халқлар адабиёти билан бирга жаҳон адабиёти хазинасини ҳам безади, десак муболаға бўлмайди. Адабиётшунос олимлар “Қирғиз халқи дунё маданий тамаддунига “Манас” эпосини берган эди. Бу буюк хазина ёнида эндиликда Чингиз Айтматов қўшилди”, дея бежиз айтишмаган. Чиндан ҳам, ўтган асрнинг охири – янги аср бошларида яратилган дурдона асарлар ҳақида сўз кетганда, шубҳасиз, қирғиз ёзувчиси Чингиз оғанинг номи биринчилардан бўлиб тилга олинади. Унинг қисса ва романлари қирғиз адабиётини дунё кенгликларига олиб чиқди.

Чингиз Айтматов асарларида қаламга олинган ижтимоий ва ахлоқий муаммолар, адабиётшунос олимлар тўғри таъкидлашганидек, “севги-муҳаббат, ҳис-туйғу, нозик кечинма, висол онларию айрилиқ изтироблари, овулдаги маиший ҳаёт манзаралари, адолат ва ёвузлик ўртасидаги мангу кураш, глобаллашув замонининг баданни жунжиктирувчи шамоллари бир минтақа ёки бир миллатга эмас, бутун инсониятга, унинг ютуқ ва камчиликлари, зукколигига беғамлигига бирдек тааллуқлидир”. Шу боисдан ҳам адиб асарлари ҳамма жойда: Осиё ва Африкада, Ев-

ропа ва Америкада дунё тилларига муттасил таржима қилинади, қайта-қайта нашр этилади, ҳамма жойда севиб мутолаа қилинади. Янада муҳими шундаки, ҳар бир ўқувчи, у қайси мамлакатда, қайси қитъада яшамасин, Айтматов асарларидан ўзига, ҳаётига, дунёқарашига дахлдор мушоҳадаларни топа олади. Бунинг боиси, адиб асарлари ўқувчини фикрлашга, ҳаётни кузатишга, одамлар ва уларнинг талаб-эҳтиёжларига яқинроқ бўлишга, бир-бирларини тушунишга, воқеа-ҳодисалар моҳиятини тегинроқ идрок этишга ва улардан хулоса чиқаришга, демакки, ижтимоий фаолликка ундайди.

Адабиётшунос олим Абдулла Улуғов ёзганидек, бугун “туркий халқлар адабиётини бу адибнинг асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг қисса ва романлари қирғиз адабиётини дунёга танитди ва ўзига хос янгилик сифатида Фарбу Шарқнинг миллионлаб китобхонлари муҳаббатини қозонди”. Тадқиқотчи Аҳмаджон Мелибоев шундай ёзади: “Адиб ижодининг етакчи хусусиятларидан бири шуки, у ўз фикри, дунёқараши ёки бирор воқеага муносабатини ўқувчига тиқиштирамайди, фақат мана шу – ҳақиқат, бошқаси бекор, демайди, аксинча, тўғри йўл ва тўғри ечимни топишни унинг ўзига қолдиради. Бў эса асарларининг таъсир кучи, бадиий-эстетик қуввати ва тарбиявий аҳамиятини оширади”. Дарҳақиқат, бу фикрга “Жамила”, “Момо ер”, “Эрта келган турналар”, “Оқ кема”, “Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар”, “Кассандра тамғаси” асарларини ўқиб, ишонч ҳосил қиламиз. Улардаги қаҳрамонларнинг тақдири ҳар хил, бири иккинчисидан кескин фарқ қилади, аммо самимийлик, очиқ кўнгиллилик, меҳнатсеварлик, тақдир зарбаларига қарши курашиш туйғуси уларни бирлаштириб туради. Шу боис, ўқувчи Жамила ва Дониёрни, чўпон Танабойни, Бола ва Мўмин чолни, биринчи ўқитувчини, Эдигей ва Абутолибни, Авдий ва Бўстонни

чин дилдан севиб қолади, уларни ўзининг эски қадрдонларидай қабул қилади. Қариб, мадордан кетган Гулсор от, қувғинга учраган бўри Акбара, неча авлодлари учун паноҳ бўлган жойидан маҳрум этилаётган аламзада Жаабарсга ачиниб кетади.

Бадий ижодда бу даражага эришиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чингиз Айтматовнинг маҳорати шундаки, у ўзи дилдан ҳис этган, маъно-моҳиятини англаган, ёзувчилик, зиёлилик масъулияти қалбини безовта қилган воқеа-ҳолалар ҳақида ёзади. Бошқаларга ҳам шундай йўл кўрсатади. Бундай асарларнинг умри боқий бўлади.

Чингиз Айтматов ўзбек ҳалқининг қондош ва жондош, сирдошу дилдош дўсти эди. Асарлари, фаол ижтимоий фаолияти билан минтақа тинчлиги ва осойишталигини мустаҳкамлаш, ўзбек-қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни асраб-авайлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди, ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган «ўзбек иши», «пахта иши» каби ноҳақ туҳматлар чоғи халқимизнинг шаъни ва ғурурини ҳимоя қилди. Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби дўстларининг тарихий мавзудаги романларини ноҳақ айбловлардан асраб қолди. Улар ижодига юксак баҳо берди.

Чингиз Айтматов бадий ижодга журналистика орқали кириб келгани кўпчиликка яхши маълум. Бўлажак ёзувчи қишлоқ хўжалиги институтида ўқиб юрган кезлари маҳаллий матбуотда танқидий-таҳлилий мақолалар билан чиқа бошлайди. Кейинчалик у ўша даврнинг бош газетаси муҳбири сифатида бутун Ўрта Осиёни, жумладан, Ўзбекистонни кезиб чиқади. Биргина «Пахтанинг ойдин йўли» мақола-си билан халқимиз меҳрини қозонади. Чунки, ушбу мақолада муаллиф ўзи оппоқ бўлган бу ўсимликни етиштириш нақадар машаққатли иш, ўзбек пахтакорлари уни ғоят оғир шароитда етиштираётганини ғоят таъсирчан тарзда тасвирлаб берган эди.

Чингиз оға ҳар гал Ўзбекистонга келганида қадрдон дўстлари билан самимий суҳбат қураб, ижодий режалари ҳақида сўзлар, суҳбатдошларининг фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитар эди. Касбим журналист бўлгани учун ҳам бундай суҳбатларни мен ҳам бутун вужудим билан тинглар эдим. Оиламизнинг яқин қадрдони, таниқли жамоат арбоби Зиёд Есенбоев Чингиз оға билан қондош-қариндошлардай бўлиб кетган эди. Ҳаётнинг оғир ва чағир сўқмоқларидан ўтган, яхши-ёмон кунларга кўп бор гувоҳ бўлган бу икки оқсоқолнинг ўзаро суҳбатлари ғоят мароқли бўларди. Ёдимда қолгани шуки, Чингиз оға оғир болалик йиллари, ижодининг дастлабки кезларида айрим касбдошларининг унга бўлган муносабати тўғрисида деярли сўзламас, ижод қилишга вақти камайиб бораётгани, дўст-қадрдонлари билан камроқ учрашаётгани, олис хорижий сафарлар, учрашувлар, қурултойлар, нуфузли илмий анжуманлардаги иштироки, дунёда кечаётган муҳим сиёсий жараёнлар, жаҳон адабиётидаги янгиликлар, янги асарлар тўғрисида мулоҳаза юритар, сўзини бирданига тўхтатиб, «Хўш, сизларда нима гаплар, адабиётда қандай асарлар яратилмоқда, ёшларга эътибор қандай?» қабилидаги саволлар билан суҳбатдошларига мурожаат қилар ва, албатта, «Ёшларимиз жаҳон адабиётидан хабардор бўлишлари, янги адабий оқимларни кузатишлари, улардан ўрганишлари, бир-бирларини таржима қилишлари керак», деб қўшиб қўярди.

Ўшанда мен яна бир нарсани чуқур тушуниб етганман: Чингиз оға халқимиз тарихини, дунё маданий тамаддунига қўшган катта ҳиссасини яхши билар экан. Унда Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар билан фахрланиш, ғурурланиш туйғуси бор эди. Кейинчалик адибнинг асарларини мутолаа қилганимда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилганман.

Ойбиби ИСКАНДАРОВА

“ОЛТОВЛОН ВА ЕТТИНЧИ”

ҲИКОЯСИНИНГ ИЖТИМОЙ ЮКИ

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг ижоди ўзи туғилиб ўсган она юртидан узоқ-узоқларда ҳам маълум ва машҳурдир. Бунинг боиси, у ўзининг китобхонлар қалбидан жой олган бадиий ва публицистик асарларида миллийликни умуминсоний қадрият даражасига кўтарди, миллий маданиятларни яқинлаштириш орқали дунё ҳалқларининг ўзаро алоқаларини кучайтириш ғоясини кўтариб чиқди. Адибнинг фикрича, “инсоният охир-оқибат ўзининг мақсади буюклигини тушуниб етади, дўстлик, биродарлик қонунларига амал қилиб яшашдан ўзга йўл йўқлигига амин бўлади”.

Адабиётшунос П. Мирза-Аҳмедованинг ёзишича, “Айтматов жаҳоншумул асарлари билан башарият тамаддунига икки мингйиллик оралиғида салмоқли ҳисса қўшиб, минтақамиз халқларининг маънавий камолотини жаҳон афғор оммасига яна бир марта намоиш этди. Шу боис ҳам, унинг барча асарлари дунё мамлакатларида севиб ўқилади.

Ч. Айтматовнинг “Қиёмат” романи биз яшаётган ҳаёт ва биз ҳақимизда ёзилгандек. Лекин романда бугунги инсон маънавиятининг инқирози ҳам, “инқилоб далаларидаги даҳшатли чек-чандиқлар ҳам”, ҳатто “Одам Ато ва Нуҳ пайғамбар замонидан бери бани башарни лол қолдириб келатган чуқур, зиддиятли масалалар» ҳам одамларнинг мақсадлари, ғоялари, иймони, виждонига хилоф хатти-ҳаракатлари оқибатида юзага келатган

фожеалар, яъни эзгулик ва ёвузликнинг азалий тўқнашувлари, даврий шаклу шамойиллари ҳақида огоҳли сўз боради.

Романда алмашилиб борувчи бадиий-мажозий саҳналар бор: Исо Масиҳ ва Понтий Пилат саҳнаси, Авдий Каллистратов ва аламзадалар саҳнаси, Бўстон Ўркунчиев, Акбара ва Қўчқорбоевлар саҳнаси... Бу саҳналарда турли-туман манзаралар, одамларнинг чигал муносабатлари, ўнг ва тескари, тушунарсиз қиёфалари, ажабтовур дунёлари бор. Муаллиф турли тарихий даврлар ва тақдирларни бир-бири билан боғлаган ҳолда қалам тебратади.

Романда “Олтовлон ва еттинчи” деб номланувчи мўъжазгина ҳикоя бор. Унинг мазмуни шундай: “Революция аланга олган, қонли гражданилар уруши кетяпти, инқилоб душман тўдалари билан охири жангларга кирган. Грузиянинг тарихий йўли муқаррар – совет ҳокимияти ғалаба қозониб, энг овлоқ тоғ қишлоқларидан ҳам қуролланган аксилинқилобчиларнинг қолган-қутган тўдалари сиқиб чиқарилаётган пайтлар... Айниқса, Жўмард Гўрам Жўҳадзе деганнинг тўдаси тиш-тирноғигача қаршилиқ кўрсатади”.

Ҳикояда Қўрбоши Гўрам Жўҳадзе ва чекист Сандрога оид тафсилотларнинг мазмуни қуйидагича: Сандро – чекист. Унга давлат томонидан қўрбоши Гўрам Жўҳадзе тўдасини тугатишдек масъулиятли вазифа юкланган. Шу мақсадда яширинча Сандро Жўҳадзе тўдасига кириб олган ва қўрбошининг ишончли йигитларидан бирига айланган.

Жўҳадзелар учун эса душман – қизил инқилоб томонига ўтганлар. Лекин улар Сандронинг чекистлигини билишмайди... Жанглардан бирида Жўҳадзе тўдаси кўп талафот кўради, чекинишга мажбур бўлади. Шунда Жўҳадзе чекистнинг усталик билан қўйган тузоғига тушади: дарёдан кечиб ўтаётган маҳалда пистирмага дуч келади... Лекин Жўҳадзенинг вақти-соати битмаган экан! У дўлдай ёғилган

ўқ остидан омон-эсон қутулиб чиқади. Отини шитоб билан орқага қайтаради. Тирик қолган содиқ йигитлари унга эргашадилар. Мўлжалдаги иш тўла амалга ошмай, қўрбоши қочиб бораётганини кўрган чекист дарҳол уларга қўшилади.

Авдий Каллистратов ҳикоянинг шу иккита лавҳасида Сандронинг айнан бир-бирига зид хатти-ҳаракатларини эслайди: “Чекист аввал Жўҳадзенинг “ишончини қозона билди”, “дарёдаги қирғинда” уларни пистирмага бошлаб борди, ўзи эса гўё, отининг айили бўшаб кетгандай, дарё қирғоғида қолди”, ана шу талотўпда Жўҳадзелар тўдаси тор-мор этилиши керак эди...

Авдий Каллистратовнинг фикрича, бу – Сандронинг “қиёфалари эмас”. Бу ерда руҳий иккиланиш йўқ. Негаки, чекист вазиятга қараб иш кўраётти... Бу ерда тарихий зарурат ва Сандрога топширилган давлат бурчи бор... Сандрога хос чекистона абжир ҳаракат бор...”

Ҳикоядаги “Ватан билан видолашув” эпизодида Авдий Каллистратовни бошқача хатти-ҳаракатли Сандро ром қилади... Сандронинг кейинги ҳаракатлари Жўҳадзечиларни дарёдаги пистирмага бошлаб борган чекист Сандронинг ҳаракатларига моҳиятан зид.

Романдаги бу ҳикоянинг изчил тасвири йўқ. Чунки ҳикоя Пушкин уй музейида “Кеча қурбони”, “Сабийларни таҳқирлаш”, “Малоиклар номаси” каби булғор ибодат куйларини, яъни “дин ва иймон йўлида азият ва риёзат чеккан ота-боболарининг куй-қўшиқларини” тинглаётган пайтида Авдий Каллистратовнинг хотирасида тикланади... Шу боис, ҳикояда образлар руҳиятини очишдан кўра воқеликнинг ўзини бериш, яъни кўпроқ фабула кўзга ташланади.

Жўҳадзе қолган-қутган йигитлари билан қочиб тоғ дарасига етиб келади. Унинг “омон қолган содиқ” йигитлари орасида Сандро ҳам бор. Шу кеч

иккаласининг ҳам кўзига уйқу келмайди. Эрталаб Жўҳадзе йигитларига қараб шундай дейди:

– Йўқ, туғилган еримиздан бундай қилиб кетиш ярамайди. Бугун бизни ўстириб катта қилган Она-Еримиз билан хайрлашамиз. Кейин ҳар қайсимиз ўз йўлимизга равона бўламиз. Лекин ҳозирча ўз уйимизда тургандай кўнгил очайлик...

Кечқурун Ватан билан видолашиш учун Жўҳадзе билан санаганда олтига “аксилинқилобчи” ва еттинчи – чекист Сандро гулхан атрофига йиғилдилар. Жўҳадзе фикрини давом эттиради:

– Биродарларим, биз ишимизни бой бериб қўйдик. Икки тараф урушганда кимдир енгиб чиқади. Бошқаси мағлуб бўлади. Уруш дегани шу. Биз қон тўқдик. Бизнинг қонимизни тўкишди. У тарафдан ҳам, бу тарафдан ҳам кўп асл ўғлонларнинг бошлари кетди. Бўлганича бўлди. Ҳалок бўлган дўстларимдан ва ғанимларимдан узр-маъзур сўрайман.

Жўҳадзенинг беомон жангларида иккала томондан ҳам шаҳид кетган йигитлардан кечирим сўрашининг сабаби шуки, унинг фикрича, жангда ўлган ғаним – ғаним эмас. У аввало Инсон. Бунинг устига, бегона эмас.

Ҳикояда фақат Жўҳадзе гапиради. Сандронинг эса асосан хатти-ҳаракатлари тасвирланган. Лекин, ҳикояни синчиклаб ўқилганда маълум бўладики, Сандронинг сўзланмаган “ички нутқи” ҳам бор. Ҳикояни шу иккита нутқ – қўрбошининг “сўзланган”, чекистнинг эса “сўзланмаган ички нутқи” ушлаб турибди. Бу иккита нутқ моҳиятан бир-бирларига уйғун. Ўқувчи, табиийки, шу уйғунлик моҳиятини тушунишга ҳаракат қилади.

Шу кеч “синфий ғаним” Жўҳадзе сафдошларига Ватан тушунчасини жуда оддий, аммо ғоят таъсирчан тарзда таърифлайди: “Биз ўзимиз билан тариқча нарса олганимиз йўқ. Ватанни олиб кетиб бўлмайди, фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар Ватанни хуржун каби олиб юриш ва

ташиб кетиш мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди...”

Жўхадзедаги Ватан тушунчаси унинг эътиқодини ҳам белгилайди. У йигитларига қараб сўзини шундай якун қилади:

– Хув, анави катта тоғнинг орқаси – Туркия, қўл узатсанг етади. Ундан сал чеккароқда ой кўтарилиб келаётган тоғ ўркачининг нариёғи – Эрон. Ким қаерга бораман деса, ўзи билади. Мен Туркияга кетаман. Истанбулда кемаларда юкчилик қиламан...

Жўхадзе Туркияга «юк ташиш учун» кетмоқчи, фаровон яшаш учун эмас... У айбдорлиги учун ўзини шундай жазоламоқчи. Дарбадарлик Жўхадзе учун интиҳосиз жазо. Чунки унинг ўзи айтганидай, бегуноҳ тўкилган қонлар учун уларга авф йўқ. Бу исноддан «туғилган ерларида жой ҳам йўқ!» Вазият ана шундай таранг... Улар ўз тақдирларини ўзлари ҳал этишлари керак.

Бадий асарда ҳар бир вазиятнинг ўз тугуни, ривож, кульминацияси ва ечими бўлади. Баъзан ечим кульминациянинг моҳиятига сингиб кетиши ҳам мумкин, яъни кульминацияда ечим юз беради. Бу ўз-ўзидан содир бўлмайди, албатта. Кульминация ва ечимда санъаткорнинг воқелик устидан ҳукми ижро этилади. Ватан билан видолашув эпизоди ҳикоянинг кульминацияси ва, айни пайтда, ечимидир. Бу ерда ушбу ҳикояни роман таркибига киритган Айтматовнинг маҳоратига қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Энди Сандронинг “сўзланмаган ички нутқи”га тўхталамиз. Ҳикояда бу нутқнинг тасвири йўқ. Чекистнинг нутқи Жўхадзенинг нутқи билан бир вақтда, ҳаётнинг фожиавий экстремал ҳолатларида содир бўлади. Яъни, ҳикояда фақат Жўхадзе гапиради, Сандро эса унинг гапларини тасдиқдан ўтказиб туради. Жўхадзенинг Ватан ҳақидаги гапларини тинглаб, Сандро қўрбошининг ўзи каби ва-

танпарвар эканлигига иймон келтиради. Ватан қўрбоши ва ўзи учун ягона эканлигини қалбан ҳис этади. Мана, гап қаерда...

Жўхадзенинг “Энди ҳар биримизга бошпана керак... Мен Туркияга кетаман. Истанбулда кемаларда юкчилик қиламан” деган ҳукмини эшитиб, Сандро ўзини қўярга жой тополмай қолади. Ўз ватандошларининг чет элларда хор-зор бўлиб юришини тасаввурига сиғдиrolмайди. Жўхадзенинг дарбадар юришига Сандро чидай олмайди...

Ҳикоя бир қарашда тарихий воқеликнинг содда баёнидай туюлади. Аслида эса “Олтовлон ва еттинчи” воқеалар, қарашлар, тақдирлар зидлиги асосига қурилган. Буни ҳикоядаги қўшиқ эпизодида яққол кўриш мумкин. Жўхадзе ва Сандро гуржинони, тузи ва виносига тўлиқ дастурхон атрофида қўшиқ куйлайдилар, вино ичадилар, елкама-елка туриб, оёқларини дупирлатиб, грузин миллий рақсига тушадилар. Қўшиққа-қўшиқ, рақсга-рақс уланади. Вужудлари аламли туйғулардан жунбишга келади.

Муаллифнинг маҳорати шундаки, у грузин миллатининг тарихий тараққиёти жараёнида эришган барча яхши жиҳатларини шу кичкина – қўшиқ эпизодида акс эттира олган. Яъни улар куйлаётган бу қадимий қўшиқларда бутун бир миллатнинг руҳи, тарихи, орзу-умидлари ва бетакрор маданияти бор. Еттовлон ўша кеча куй ва қўшиқлар таъсирида грузин миллатининг бошдан кечирган қувончлари, ғам-ғуссалари, эслашга арзигулик барча маънавий бойликларини гурур билан қайта ва қайта тилга оладилар. Қўшиқлар таъсирида улар “олий ҳурлик”ка эришадилар. Яъни ердаги ҳаётдан – ижтимоий муносабатлар (давлат бурчи ва ҳоказолар)дан озод бўлиб, юқорига кўтариладилар.

Сандро шуни тушуниб етади ва... ўқ узиб Гўрам Жўхадзени қулатади. Тўппонча овози тун қўйнида момақалди роқдек гумбурлаб кетади ва шу заҳоти

Сандро қолган йигитларни ҳам бўғзиларидан ҳали қўшиқ сўзлари узилмаёқ кетма-кет отиб ўлдиреди. Улар нима воқеа рўй берганини билмай қолдилар. “Сандронинг башараси тун шуъласида бўздай оқариб кетди. У ҳарс-ҳарс нафас олар, ўпкасига ҳаво етмасди. У мешни шарт кўтарди-да, тагида қолган винони тўкиб-сочиб ютоқиб ича бошлади, у ичидаги ёнаётган оловни босмоқчи бўларди... сўнг сал чеккароққа ўтди. Маузернинг оғзини чаккасига тиради. Тоғларда яна бир ўқ овози садолади. Бу – еттинчи ўқ эди. У ҳам ўз қўшиғини куйлаб бўлганди”.

Сандро зиммасидаги ижтимоий бурчни аъло даражада бажарди. Аммо... нега у ўзини отди?

Хайрлашув дақиқаларида грузин нони, тузи, виносига тўла дастурхон атрофида юзага келган миллий, инсоний, ҳаётий ўлчам шу даражада улкан эдики, унинг қаршисида Сандро эришган “чекистлик унвони” арзимас бир матоҳ бўлиб қолганди. Худди мана шу ерда Сандро маънавиятининг ҳукми – ўлимининг биринчи нуқталари пайдо бўлади. Сандро ўз мафкурасидаги маслакдошлари орасида қаҳрамон бўлиб яшаш, инсоний ўлчамдаги кичкина бир заррага ҳам тенглаша олмаслигини англаб етгач, ўзи учун олтовлон билан бирга кетишни афзал деб билади. У грузин миллий қадриятлари олдида, грузин миллатининг оддий ва пок вакили сифатида қолишни истайди. Ҳатто яшаш деган тушунча ҳам Сандро учун ўз қийматини йўқотган эди.

Сандро ўзлигини тўла англаб етади. Ўзини отиб ташлаш билан ўз фаолиятига баҳо беради. Ўзи учун ўзи ҳукм чиқаради.

Романдаги бошқа бир саҳнанинг қаҳрамони Исо алайҳиссалом ҳам адашган бандаларининг кўзини очиш ниятида ўзига ўлим йўлини танлаган эди... Исо алайҳиссалом қаерда-ю, Жўҳадзе билан Сандро қаерда?

Романда улар орасидаги ички боғлиқликларга маълум ишоралар бор. Исо алайҳиссалом ва Сан-

дро, Авдий Каллистратов, Бўстон Ўркунчиев ва Жўҳадзе ўртасидаги бу яширин боғланишларни образларнинг “ташқи маънолари” дейиш мумкин.

Чингиз Айтматов “Одам – абадий муаммо” мақоласида шундай ёзган эди: “Агар сенинг виждонинг бўлса ва сен одам ўлдирсанг, кейин ўзингни ўлдирасан. Агар сенинг виждонинг бўлмаса, у ҳолда сен тинчгина ухлайверасан. Ҳамма масалаларда ҳам шундай”.

Энди ҳикоянинг романдаги мавқеига назар ташлайлик... “Олтовлон ва еттинчи” грузин халқининг бадий бисотида йўқ. Бу жажжи асар Чингиз Айтматов томонидан тўқилган, у муаллифнинг бадий тўқимаси. Лекин ёзувчи “Олтовлон ва еттинчи”ни романга киритишдан олдин, грузин адиблари билан маслаҳатлашган, улардан розилик сўраган.

Грузинлар ҳикояда “юксак маънавиятга” эга халқ деб эътироф этилади ва ана шундай фонда тасвирланади. Грузин халқининг асрлар давомида сайқал топган шу хусусиятлари муаллифнинг бадий мақсадига қўл келган. Аммо муаллиф учун бунинг ўзи етарли эмас эди. “Қиёмат”нинг фалсафий салоҳиятига мос жуғрофий кенглик ҳам зарур эди. Инжилдан олинган бадий тимсоллар – мисрлик Исо алайҳиссалом ва Понтий Пилат, булғорларнинг ўнта қўшиқчиси, грузинларнинг Сандро ва Жўҳадзеси, қирғизларнинг Бўстони ва Қўчқорбоеви, русларнинг Авдий ва Обер Кандалови...

Инсоният бошида қўпган ва қўпаётган қиёматни мана шундай жуғрофий кенликда, юксак маънавиятли халқлар тақдирида тасвирлаш керак эди. Айтматов буни удалай олди. Унинг асарларида олис мозий билан боғлиқ қадим ривоят ва ҳикоятлар асосий сюжетга шу қадар уйғунлашиб кетганки, бу ҳол ёзувчининг истеъдоди ва хаёлот дунёси нақадар кенг ва юксаклигидан далолат беради.

Рауф ПАРФИ

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

Учқур отим оғир-оғир ҳансирар,

Ола кўзларида олам қоронғу.

Мендан тилсизгина бир нарса сўрар,

Ёлвориб фикримга термулади у.

Ажал, бошимизда кезма сарсари,

Йўлимизни кесма, эй ёвуз шамол!

Узоқ-узоқлардан келамиз ҳориб,

Манзил ҳам ярқираб кўринди алҳол.

У манзил бағрида сўнги йўқ сирлар,

Ташна дунё ётар ҳали ўксиниб,

Ўқчир отим ва тишлари гижирлар,

Оҳиста тупроққа босар кўксини,

Унинг изтироби мени гижирлар,

Унинг кўзларига кўмдим ўзимни...

АЗИМ СУЮН

ЧЎҚҚИЛАР

Чингиз Айтматов вафоти
муносабати билан

..Уйғониб кетаман,
Тоғлар гумбурлар.
Тоғлар қуламоқда, қулар чўққилар.
Улар қуламоқда,
улар думалар,
Зулмат оғушига сингир- йўқ, улар!

Чўққилар! Тоғларнинг
маҳобати сиз,
Ҳайбати, қудрати сизда мужассам.
Олис-олислардан
намоён, азиз,
Сизни қучар қуёш илк нурлари ҳам.

Сизда кўкрак кериб
турмоқ истаги,
Мен учун ҳамиша бўлгандир мурод.
Ростини айтганда,
кўнглим тилагин
Кўп бора сийлаган бу сахий ҳаёт.

Бағрингизга чиқиб
кўрганман: Ватан —
қалбларга қанчалик бағишлар сурур.
Дарёлар ёйганда
бўйрадай тўш-тан
Кўркдан тун чўлпони йўқотган шуур.

Латофат, малоҳат,
нафосат, жозиб,
Юксак-юксаклардан ўзгача аъло.
Кунчиқар, кунботар
келажак, мозий,
Нурларда, рангларда, оҳангларда жо!
...Уйғониб кетаман.
Тоғлар гумбурлар.

Тоғлар қуламоқда, қулар чўққилар.
Улар қуламоқда,
Улар думалар,
Зулмат оғушига сингир... йўқ, улар!
Тоғларим қуламанг!
Тоғлар қуламанг!
Чўққилар қуламанг, паноҳ соянгиз.
Ҳатто тушларимда
Қуламанг! Кирманг!
Мен ҳам бир омонат турган қоянгиз!

Турсун АЛИ

ОҚИБ БОРАЁТГАН БОЛАКАЙ

Чингиз Айтматовнинг
“Оқ кема” асарини ўқиб

Туш кўрдим...
Туби йўқ денгизмиш...
Бўронларнинг оғушида тўлқинлар
соҳиллардан сапчирмиш.
Бир дам лоқайд боқсанг гар
Тортиб кетар домига.
Туш кўрдим...
Туби йўқ денгизмиш...
Эй воҳ, аждаҳо тўлқинлар
Оғушига олган
кўзлари,
сочлари
юлдузсиз кечадай болакайни.
Серғалаён тўлқинлар қўйнида
қайиқ сингари,
интила-интила соҳил сари,
қалқиб-қалқиб борар болакай.
Қирғоқда бепарво,
олчоқ,
ялтоқи
бир гала одамлар
ўз жонларини ўйлаб,
ўз жонларини авайлаб,
гўё кино кўраётгандай,
чўкиб бораётган болакайни
бешафқат кузатиб турармиш...
Денгизга чўкаётган —

Тушимдаги буғдойранг
 Болакай қисмати,
 Сирқитиб юборди юрагимни.
 Соҳилдаги беғам,
 Мудроқ оломонга
 Нафрат ўқин отгали,
 Болакайни соғлом,
 Омон кўриш,
 унинг-ла сўзлашмоқ учун,
 ўтли кўзларимни чирт юмиб
 тушлар диёрига кетдим...
 Ишонаман,
 Кўзлари қоп-қора,
 тили бийрон болакайни
 Соҳилда кўраман соғ-омон...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

**Ч. Айтматовни Ўзбекистон Республикасининг
«Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида**

Халқлар ўртасидаги инсонпарварлик ва умуминсоний кадриятларга асосланган дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун ёзувчи, таниқли жамоат арбоби Чингиз Айтматов «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
 Президенти **И.Каримов**
 Тошкент шаҳри
 1995 йил 30 август

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ФАРМОНИ

Чингиз Тўракулович Айтматовни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга, тарихан таркиб топган ўзбек-қирғиз маданий ва маънавий алоқаларини чуқурлаштиришга, Марказий Осиё халқлари ўртасидаги анъанавий яхши кўшничлик ришталарини мустаҳкамлашга кўшган улкан ҳиссаси, адабий фаолият соҳасидаги катта хизматлари учун ва 70 йиллик юбилейи муносабати билан Марказий Осиё халқлари маданиятлари Ассамблеясининг Президенти, машхур ёзувчи ва жамоат арбоби Чингиз Тўракулович Айтматов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри
1998 йил 11 декабрь

Его Превосходительству
господину Бакиеву К.С.,
Президенту Кыргызской Республики

Уважаемый Курманбек Салиевич,

С глубоким прискорбием воспринял весть о тяжелой утрате в связи с кончиной выдающего писателя, мыслителя и общественно-политического деятеля Чингиза Айтматова.

Отражая действительность в художественных образах, глубоко воздействуя на наши чувства и переживания, Чингиз Айтматов своими произведениями внес большой вклад в сокровищницу мировой литературы. Всею своею жизнью и творчеством он ратовал за дружбу и единение народов, взаимообогащение культур и развитие духовных ценностей.

Чингиз Айтматов всегда был и будет близок узбекскому народу, навсегда останется в нашей памяти как символ беззаветного и самоотверженного служения своей Родине.

Выражаю глубокие соболезнования и прошу передать слова искреннего сочувствия родным и близким покойного.

Ислам Каримов,
Президент Республики Узбекистан

город Ташкент,
11 июня 2008 года

МУНДАРИЖА

“Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори	3
Озод Шарафиддинов.	
Инсониятнинг буюк вакили	6
Одил Ёқубов.	
Адиб ва чин инсон	13
Пиримқул Қодиров.	
Чингиз Айтматов билан учрашувларим	23
Ғайбулла ас-Салом.	
Халқимизнинг оқибатли дўсти	34
Бахтиёр Назаров.	
Буюк адибга эҳтиром	43
Асил Рашидов.	
Инсон меҳнати-ла буюк	47
Иброҳим Ғафуров.	
Эски ва янги ривоятлар	55
Акмал Саидов.	
Чингиз Айтматов — дипломат	62
Абдулла Орипов.	
Маънавий дарддошлик	69
Виктор Алимасов.	
Оққуш ноласи	74
Сайди Умиров.	
Ҳаётбахш публицистика	87
Ҳамидулла Болтабоев.	
Чингиз Айтматов ва Иссиққул форуми	104
Нарзулла Жўраев.	
Чингиз Айтматовнинг инсон фалсафаси	114
Турсунбой Адашбоев.	
Устозлардан фотиҳа олиб	129

Аҳмаджон Мелибоев.	
Адиб ҳақиқати	133
Зухриддин Исомиддинов.	
Таржима — ижодий иш	145
Муҳаммад Али.	
Адиб кўнглидаги эзгу тилак	151
Паризод Мирза-Ахмедова.	
Романный эпос Чингиза Айтматова	161
Қозоқбой Йўлдошев.	
Манқуртлик руҳий-эстетик тушунча сифатида	180
Йўлдош Солижонов.	
Муштараклик, ҳамоҳанглик, ўзига хослик	193
Дилфуза Раҳматуллаева.	
Чингиз Айтматов ва ўзбек театри	202
Омонулла Файзуллаев.	
Ҳаво кемасидаги самовий суҳбат	216
Ҳамидулла Акбаров.	
Чингиз оға ҳузурда	227
Суюн Қораев.	
XX асрнинг улкан интеллектуали	233
Абдулла Улугов.	
Афсоналар ҳақиқати	238
Вафо Файзуллоҳ.	
“Юзма-юз” билан юзма-юз	255
Адҳамбек Алимбеков.	
Сўзни улуглаб улғайган адиб	274
Тоҳир Қазҳор.	
Чингиз Айтматов феноменининг калити	282
Сувон Мели.	
Чингиз Айтматов — писатель планетарного мышления	292
Қалдибек Сейдонов.	
Томирлари бир халқимиз	299
Назар Эшонқул.	
Чингиз Айтматовнинг огоҳлик бонглари	306
Анвар Жўрабоев.	
Шундай бир адабиёт яратайликки	324
Дилором Алиева.	
Чингиз Айтматов во времени и пространстве	350

Комилжон Жураев, Мунаввар Дадажанова.	
Билитературность в акте литературно-художественной комплементаризации	361
Саидакбар Мақсимтонов.	
Бадий тафаккур муштараклиги	371
Ёқубжон Хўжамбердиев.	
Ўзимизнинг Айтматов	381
Тўлибой Тўйчиев.	
Барчамизга қадрли сиймо	393
Раҳматилла Шералиев.	
Серқирра ижод соҳиби	396
Ойбиби Исқандарова.	
“Олтовлон ва еттинчи” ҳикоясининг ижтимоий юки	400
Рауф Парфи.	
Чингиз Айтматов	408
Азим Суюн.	
Чўққилар	409
Турсун Али.	
Оқиб бораётган болакай	411

Илмий-аммабон нашр

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Хотира китоби

Мухаррир *Илҳам Зойиров*
Бадий мухаррир *Шухрат Мирфайёзов*
Техник мухаррир *Хосият Хасанова*
Мусаххих *Зулфия Таджиева*
Компьютерда саҳифаловчи *Бобур Тўхтаров*

1978 йил 11 ой 15 кунда

ЎЗБЕКИСТОН
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Нашр. лиц. АИ № 290. 04.11.2016.

2018 йил 20 сентябрда босишга рухсат этилди.

Бичими 84x108 $\frac{1}{32}$ Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма 22,47 шартли босма табок. 19,8 нашр табаги.

Адади 1000 нусха. 462 рақамли буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

ЧИНГИЗ АЙМАТОВ ВА ЎЗБЕКИСТОН



ISBN 978-9943-5298-6-1



9 789943 529861